Abstract. This article examines the issues of improving the efficiency of treasury and public procurement processes in government institutions. The study analyzes the advantages and disadvantages of the existing system and proposes solutions to enhance the transparency of public procurement, strengthen the competitive environment, and combat corruption.

Additionally, international best practices are reviewed, and recommendations for their implementation in Uzbekistan are provided.

Keywords: treasury, public procurement, efficiency, transparency, competition, digitalization, budget funds, corruption.

Kirish

Davlat tashkilotlarida moliyaviy boshqaruvning samaradorligi iqtisodiy barqarorlik va davlat mablag‘laridan oqilona foydalanishning muhim omillaridan biri hisoblanadi. Ushbu jarayonning asosiy qismlaridan biri g‘aznachilik tizimi va davlat xaridlari hisoblanib, ularning samarali faoliyati davlat byudjetining shaffofligi va tejamkorligini ta’minlashga xizmat qiladi. So‘nggi yillarda O‘zbekiston Respublikasida g‘aznachilik tizimi va davlat xaridlarini takomillashtirishga qaratilgan keng qamrovli islohotlar amalga oshirilmoqda. Xususan, davlat xaridlari jarayonlarini raqamlashtirish, byudjet mablag‘larining samarali taqsimlanishini ta’minlash va korrupsiya holatlarining oldini olish maqsadida turli normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilindi.

Biroq, shunga qaramay, davlat tashkilotlarida g‘aznachilik tizimi va davlat xaridlari bilan bog‘liq jarayonlarda hali ham samaradorlikni oshirishni talab qiladigan muammolar mavjud. Jumladan, xarid jarayonlarining murakkabligi, byurokratik to‘siqlar, shaffoflikning yetarlicha ta’minlanmagani va raqamlashtirish darajasining pastligi kabi omillar samaradorlikka salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Bundan tashqari, davlat xaridlari tizimida raqobat muhitining to‘liq shakllanmagani va tender jarayonlarida manfaatlar to‘qnashuvi kabi muammolar ham mavjud bo‘lib, bu mablag‘larning samarasiz sarflanishiga olib kelishi mumkin.

Ushbu tadqiqotning asosiy maqsadi – davlat tashkilotlarida g‘aznachilik va davlat xaridlari bilan bog‘liq jarayonlarning hozirgi holatini tahlil qilish hamda ularning samaradorligini oshirish yo‘nalishlarini aniqlashdir. Tadqiqot doirasida mavjud tizimning afzalliklari va kamchiliklari tahlil qilinadi, xorijiy tajribalar o‘rganiladi va samaradorlikni oshirish bo‘yicha amaliy takliflar ishlab chiqiladi.

Tadqiqot natijalari davlat mablag‘laridan yanada samarali foydalanish, xarid jarayonlarining shaffofligini ta’minlash va korrupsiyaviy xavflarni kamaytirishga xizmat qilishi kutilmoqda. Shuningdek, g‘aznachilik tizimida zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etish, avtomatlashtirish darajasini oshirish hamda davlat xaridlarida raqobat muhitini mustahkamlashga qaratilgan takliflar ishlab chiqiladi.

Mazkur tadqiqot davlat moliyaviy boshqaruvi samaradorligini oshirishga qaratilgan islohotlarning ilmiy tahliliga asoslanadi va kelajakdagi strategik qarorlar qabul qilish jarayonida muhim manba bo‘lib xizmat qilishi mumkin. Shu bois, mavzuning dolzarbligi va amaliy ahamiyati yuqori bo‘lib, tadqiqot natijalari nafaqat ilmiy doiralar, balki amaliyotga joriy etish nuqtayi nazaridan ham foydali bo‘lishi kutilmoqda.

Adabiyotlar sharhi

“O‘zbekiston Respublikasining 2025-yil uchun Davlat byudjeti to‘g‘risida’gi Qonuni”, ushbu hujjatda 2025-yil uchun O‘zbekiston Respublikasining Davlat byudjeti parametrlari, daromad va xarajatlar tarkibi, shuningdek, byudjet mablag‘larining taqsimlanishi bo‘yicha asosiy yo‘nalishlar belgilangan. Qonun davlat moliyaviy resurslarini boshqarish va ulardan samarali foydalanish uchun huquqiy asos bo‘lib xizmat qiladi [1].

“O‘zbekiston Respublikasi byudjet tizimi byudjetlarining g‘azna ijrosi qoidalari”. Ushbu hujjatda O‘zbekiston Respublikasi byudjet tizimi byudjetlarining g‘azna ijrosi bo‘yicha buxgalteriya hisobi va hisobotlarini yuritish tartibi belgilangan. Qoidalar byudjet mablag‘larining to‘g‘ri va samarali sarflanishini ta’minlash, shuningdek, moliyaviy intizomni mustahkamlashga qaratilgan [2].

Davlat tashkilotlarida g‘aznachilik va davlat xaridlari bilan bog‘liq jarayonlarning samaradorligini oshirishga oid xorjiy va mahaliy olimlarining talay ilmiy izlanishlari mavjud.

Jumladan o‘zbek olimi Saydulla Rejapov "G‘aznachilikda davlat xaridlarini tashkil etish"nomli maqolasida O‘zbekiston Respublikasida g‘aznachilik tizimida davlat xaridlarini samarali tashkil etish masalalari yoritilgan . Muallif davlat xaridlarini amalga oshirishda mavjud muammolarni tahlil qilib, ularni bartaraf etish bo‘yicha taklif va xulosalar beradi. Shuningdek, maqolada davlat xaridlarini nazorat qilishning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati ham ko‘rib chiqilgan [3].

Ch. Ro‘zimurodova, N. Xaydarov. "O‘zbekiston Respublikasi davlat xaridlarini amalga oshirishning nazorat tizimi" nomli maqolasida davlat xaridlarining mamlakat iqtisodiy taraqqiyotidagi ahamiyati, ularni tartibga soluvchi huquqiy-normativ hujjatlar va davlat xaridlari jarayonining shaffofligi hamda to‘g‘ri o‘tkazilishi ustidan nazorat tizimi yoritilgan . Mualliflar davlat xaridlarining samaradorligini oshirish uchun nazorat mexanizmlarini takomillashtirish zarurligini ta’kidlaydilar [4].

G. X Karlibayeva "Byudjet tashkilotlarida davlat xaridlari mexanizmini takomillashtirish" nomli maqolasida byudjet tashkilotlarida davlat xaridlari mexanizmlarini takomillashtirish masalalari tahlil qilinadi. Muallif davlat xaridlarini samarali tashkil etishda shaffoflik, raqamlashtirish va korrupsiyaga qarshi kurash muhim ahamiyatga ega ekanligini ta’kidlaydi. Shuningdek, maqolada xorijiy tajriba va O‘zbekistondagi mavjud amaliyot asosida davlat xaridlari tizimini takomillashtirish bo‘yicha tavsiyalar beriladi [5].

Tahlil va natijalar

Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, davlat tashkilotlarida g‘aznachilik va davlat xaridlari jarayonlarining samaradorligini oshirish uchun bir qator muhim omillar mavjud. Hozirgi tizimni tahlil qilish natijasida quyidagi asosiy xulosalar chiqarildi:

- Davlat xaridlari tizimi korrupsiya xavfini kamaytirish va shaffoflikni ta’minlash uchun elektron platformalar orqali amalga oshirilmoqda, ammo ushbu platformalarning funksionalligi va samaradorligi hali ham takomillashtirishni talab qiladi.
- Ochiq tenderlar va raqobatbardosh muhit yaratish jarayonida ayrim kamchiliklar mavjud, xususan, kichik va o‘rta biznes vakillarining davlat xaridlarida ishtirok etish imkoniyatlari cheklangan.
- Davlat xaridlari tizimida monitoring va audit mexanizmlari yetarlicha kuchli emas, bu esa mablag‘larning samarali taqsimlanishiga to‘sqinlik qilmoqda.

1- jadval.

Davlat xaridlari va g‘aznachilik jarayonlarining asosiy ko‘rsatkichlari (2023-yil fevral oyi)*****

Xarid turi	**Xaridlar soni**	**Umumiy qiymati (mlrd so‘m)**	**Ulushi (%)**
Elektron do‘kon	39 006	234,2	5,4
Elektron auksion	1 895	25,5	0,6
Eng yaxshi taklifni tanlash	2 103	203,0	4,7
Tender	521	107,5	2,5
Yagona yetkazib beruvchilar bilan	9 989	1 500,0	34,5
Boshqalar	23 897	2 280,0	52,3
Jami	**77 411**	**4 350,2**	**100**

*O‘zbekiston Respublikasi Davlat xaridlarining maxsus axborot portali – https://xarid.mf.uz

Yagona yetkazib beruvchilar bilan tuzilgan shartnomalar umumiy xaridlarning 34,5% ini tashkil etib, bu ko‘rsatkich boshqa turlarga nisbatan ancha yuqori. Bu holat raqobatning cheklanishi va shaffoflikning pasayishiga olib kelishi mumkin. Elektron do‘kon orqali amalga oshirilgan xaridlar soni eng yuqori bo‘lib, 39 006 tani tashkil etadi, ammo ularning umumiy qiymati faqat 5,4% ni tashkil etadi. Bu ko‘rsatkich kichik qiymatdagi xaridlarning ko‘pligini

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

anglatadi. Tender va eng yaxshi taklifni tanlash kabi raqobatbardosh usullar orqali amalga oshirilgan xaridlar umumiy qiymatning mos ravishda 2,5% va 4,7% ini tashkil etadi. Bu raqamlar raqobatli jarayonlar ulushini oshirish zarurligini ko‘rsatadi. Davlat xaridlari jarayonlarining samaradorligini oshirish uchun raqobatbardosh usullar ulushini ko‘paytirish, shaffoflikni ta’minlash va yagona yetkazib beruvchilar bilan tuziladigan shartnomalarni kamaytirish lozim. Shu bilan birga, elektron platformalardan foydalanishni kengaytirish orqali jarayonlarni soddalashtirish va tezlashtirish mumkin.

2-jadval.

Davlat xaridlarining umumiy qiymati bo‘yicha taqsimoti*



*O‘zbekiston Respublikasi Davlat xaridlarining maxsus axborot portal. – https://xarid.mf.uz

"Boshqalar" va "Yagona yetkazib beruvchi" kategoriyalari eng katta ulushni tashkil etadi, "Boshqalar" bo‘limiga kiruvchi xaridlar 2 280 mlrd so‘m miqdorini tashkil qilib, umumiy xaridlarning eng katta qismini egallaydi. "Yagona yetkazib beruvchi" orqali amalga oshirilgan xaridlar esa 1 500 mlrd so‘m ni tashkil etadi. Bu holat davlat xaridlari jarayonida raqobatbardosh mexanizmlardan kamroq foydalanilayotganini ko‘rsatadi. Raqobat asosida amalga oshirilgan xaridlarning ulushi past, "Elektron auksion" orqali xarid qilingan mahsulotlarning umumiy qiymati 25,5 mlrd so‘m, "Tender" orqali xarid qilingan mahsulotlar esa 107,5 mlrd so‘m ni tashkil qiladi. "Eng yaxshi taklifni tanlash" bo‘yicha xaridlar 203 mlrd so‘m bo‘lib, bu ham nisbatan past ko‘rsatkich hisoblanadi. Elektron do‘kon orqali amalga oshirilgan xaridlarning umumiy qiymati ancha past, Garchi "Elektron do‘kon" orqali xaridlar soni ko‘p bo‘lsa ham, umumiy qiymati 234,2 mlrd so‘m ni tashkil qiladi. Bu shuni anglatadiki, elektron xarid platformalari asosan kichik hajmdagi xaridlar uchun ishlatilmoqda.

Davlat tashkilotlarida g‘aznachilik va davlat xaridlari bilan bog‘liq jarayonlarning samaradorligini oshirish iqtisodiy barqarorlik va davlat mablag‘larining oqilona taqsimlanishi uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, g‘aznachilik tizimi va davlat xaridlari jarayonlari hali ham samaradorlikni oshirishga ehtiyoj sezmoqda. Xususan, xarid jarayonlarining shaffofligi, raqobat muhiti va raqamlashtirish darajasi bo‘yicha mavjud muammolar hal qilinishi zarur.

G‘aznachilik tizimining hozirgi holatini tahlil qilish shuni ko‘rsatdiki, davlat mablag‘larini taqsimlash jarayonida ortiqcha byurokratik bosqichlar, hujjatlashtirishning murakkabligi va nazorat mexanizmlarining yetarlicha samarali emasligi asosiy muammolar sifatida namoyon bo‘lmoqda. Davlat xaridlari tizimi bo‘yicha o‘tkazilgan iqtisodiy tahlillar esa

yagona yetkazib beruvchi orqali amalga oshirilgan xaridlar hajmining yuqoriligi raqobat muhitining yetarlicha rivojlanmaganligini ko‘rsatdi. Shuningdek, elektron do‘kon va auksion kabi zamonaviy usullar orqali amalga oshirilgan xaridlar umumiy xarajatlarning nisbatan kichik qismini tashkil qilmoqda, bu esa davlat xaridlarini avtomatlashtirish jarayonining sust rivojlanayotganidan dalolat beradi.

Xulosa

Tahlillarga asoslanib, quyidagi asosiy yo‘nalishlar davlat tashkilotlarida g‘aznachilik va davlat xaridlari samaradorligini oshirish uchun muhim deb topildi:

1. Davlat xaridlarini to‘liq raqamlashtirish va avtomatlashtirish – elektron do‘kon va elektron auksion kabi mexanizmlardan kengroq foydalanish orqali jarayonlarning tezkorligi va shaffofligini ta’minlash mumkin.
2. Byurokratik to‘siqlarni kamaytirish – ortiqcha hujjatlashtirishni qisqartirish va davlat xaridlari jarayonini soddalashtirish orqali samaradorlikni oshirish zarur.
3. Monitoring va nazorat mexanizmlarini kuchaytirish – xarid jarayonlarida korrupsiya xavfini kamaytirish va mablag‘larning samarali taqsimlanishini ta’minlash maqsadida mustaqil audit tizimini joriy etish lozim.
4. Davlat xaridlarida raqobat muhitini kuchaytirish – yagona yetkazib beruvchilar orqali amalga oshiriladigan xaridlar ulushini kamaytirish va ochiq tenderlarni kengroq joriy etish orqali sifatli xizmat va mahsulotlar xarid qilinishi ta’minlanishi kerak.
5. Xorijiy tajribani o‘rganish va tatbiq etish – rivojlangan mamlakatlarning ilg‘or tajribalaridan kelib chiqib, davlat xaridlari tizimini takomillashtirish yo‘nalishlarini aniqlash va ularni mahalliy sharoitga moslashtirish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «O‘zbekiston Respublikasining ‘2025-yil uchun Davlat byudjeti to‘g‘risida»‘gi qarori / https://www.lex.uz/uz/docs/-7277618
2. "O‘zbekiston Respublikasi byudjet tizimi byudjetlarining g‘azna ijrosi qoidalari" / Toshkent 2022 / byudjet nazorati va g‘aznachiligi yo‘nalishi/ TDIU
3. Rejapov S. G‘aznachilikda davlat xaridlarini tashkil etish. // Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti. – 2023 – https://scienceweb.uz/publication/25470
4. Ro‘zimurodovaCh., Xaydarov N. O‘zbekiston Respublikasi davlat xaridlarini amalga oshirishning nazorat tizimi. O‘zbekiston Respublikasi davlat xaridlarini amalga oshirishning nazorat tizimi – https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbekiston-respublikasi-davlat-xaridlarini-amalga-oshirishning-nazorat-tizimi
5. Karlibayeva G.X. Byudj//Innovations in Science and Technologies” ilmiy-elektron jurnali
6. O‘zbekiston Respublikasi Davlat xaridlarining maxsus axborot portali. Davlat xaridlari va g‘aznachilik jarayonlarining asosiy ko‘rsatkichlari / https://xarid.mf.uz/ /
7. Ministry of Finance of Uzbekistan (2024). Annual report on state treasury and public procurement. – Tashkent: Ministry of Finance.
8. OECD (2023). Government at a Glance: Public Procurement. [pdf] OECD Publishing. – https://www.oecd.org/government/publicprocurement
9. Transparency International (2023). Corruption in public procurement: Trends and challenges. – https://www.transparency.org/publications

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

BYUDJET TIZIMIDA TASHABBUSLI BYUDJETLASHTIRISHNING NAZARIY VA IQTISODIY ASOSLARI

Muzaffarov Muhammadjon Maxmud o‘g‘li
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti katta o‘qituvchisi
E-mail:muhammadjonmuzaffarov@gmail.com
Orcid:0009-0006-8005-8035

Annotatsiya. Mazkur maqolada tashabbusli byudjetlashtirishning nazariy asoslari, xalqaro tajribada tashabbusli byudjetlashtirishning o‘ziga xos xususiyatlari yoritilgan. Davlat moliyasi sohasida tashabbusli byudjetlashtirishning davlat byudjetiga ta’siri hamda byudjet mablag‘larini nazorat qilishdagi o‘rni o‘rganilgan. Muallif tomonidan hududlarda tashabbusli byudjetlashtirish orqali amalga oshirilgan loyihalar o‘rganib chiqilgan hamda tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: partisipator byudjetlashtirish, tashabbusli byudjetlashtirish, davlat byudjeti, byudjet mablag‘lari, byudjet ochiqligi, ochiq byudjet portali, loyihalar.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИНИЦИАТИВНОГО БЮДЖЕТИРОВАНИЯ В БЮДЖЕТНОЙ СИСТЕМЕ

Музаффаров Мухаммаджон Махмуд угли
Старший преподаватель Ташкентский государственный экономический университета
E-mail:muhammadjonmuzaffarov@gmail.com
Orcid:0009-0006-8005-8035

Аннотация. В данной статье освещены теоретические основы инициативного бюджетирования, особенности инициативного бюджетирования в международной практике. В области государственных финансов изучено влияние инициативного бюджетирования на государственный бюджет, а также его роль в контроле за бюджетными средствами. Были изучены и проанализированы проекты, реализованные автором через инициативное бюджетирование в регионах.

Ключевые слова. Партисипаторное бюджетирование, инициативное бюджетирование, государственный бюджет, бюджетные ассигнования, бюджетная открытость, открытый бюджетный портал, проекты.

THEORETICAL AND ECONOMIC FOUNDATIONS OF INITIATIVE BUDGETING IN THE BUDGET SYSTEM

Muzaffarov Mukhammadjon Maxmud ugli
Senior teacher of Tashkent State the University of Economics
E-mail:muhammadjonmuzaffarov@gmail.com
Orcid:0009-0006-8005-8035

Abstract. This article covers the theoretical foundations of initiative budgeting, the peculiarities of initiative budgeting in international experience. In the field of public finance, the impact of initiative budgeting on the state budget and its role in controlling budgetary funds have been studied. Projects carried out by the author through initiative budgeting in the regions have been studied and analyzed.

Keywords.partisipatory budgeting, initiative budgeting, state budget, budget funds, budget openness, open budget portal, projects.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Kirish.

Xalqaro tajribalardan shuni ko‘rishimiz mumkinki, fuqarolarning byudjet jarayonida ishtirok etishi ochiqlik hamda shaffoflikni ta’minlash, jamoatchilik nazoratini kuchayishga va buning natijasida davlat organlari faoliyati samaradorligini oshirish hamda korrupsiyaviy holatlarning oldini olishga xizmat qilmoqda. XX asrning o‘rtalaridan boshlab fuqarolarning byudjet mablag‘larini taqsimlash jarayonida ishtirok etishi demokratik boshqaruv shakllariga ega ko‘plab davlatlarda amalga oshib kelmoqda. Ammo 80-yillarda bu amaliyot rivojlanib, faol ravishda turli xil texnologiyalardan foydalana boshlandi, ko‘pgina davlatlarda mahalliy rivojlanish bilan bog‘liq qarorlarni qabul qilish va ushbu qarorlarni to‘g‘ridan-to‘g‘ri amalga oshirishda jamoatchilikning ishtirokiga asoslangan turli xil innovatsion loyiha va dasturlarni ishlab chiqish hamda amalga oshirila boshladi.

Bugungi zamonaviy shaharlarda ko‘plab hayotiy muammolar mavjud. Demokratiyaning samarali rivojlanishini ta’minlash orqali bu muammolarni hal etishda tashabbusli byudjetlashtirish muhim o‘rin tutadi. Byudjet qarorlarini qabul qilishda fuqarolar ishtirokini ta’minlash, mas’uliyat va shaffoflikni oshirish kabi demokratik elementlarni o‘zida mujassam etgan tashabbusli byudjetlashtirish, mahalliy darajada fuqarolar va vakillar o‘rtasidagi aloqani kuchaytirish va uyushgan jamiyatni yaratish orqali shahar muammolarini hal qilishga urinishdir. Shu tarzda, u siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy sohalarda barqarorlikni ta’minlashning turli xil turlarini rag‘batlantirish uchun vosita sifatida ishlatilishi mumkin. Ushbu tadqiqot tashabbusli byudjetlashtirish tushunchasi, paydo bo‘lishi, faoliyati va natijalarini taqdim etishga qaratilgan[1].

Dunyoda tashabbusli byudjetlashtirish fuqarolarga yo‘naltirilgan ma’muriyatdir va unga tegishlidir boshqaruv sifatini oshirish, mas’uliyatni kuchaytirish kabi masalalar davlat xizmatlarini ko‘rsatishda shaffoflik va ishtirokni yanada sifatli ta’minlash mexanizmlari hidoblanadi.

1999-yilda tashabbusli byudjetlashtirish sonini bir qo‘lning barnmoqlarida sanash mumkin edi. 2005 yilga kelib Yevropada bu holatlar soni 55 taga yetdi. Bu tendentsiya o‘sishda davom etdi. 2009-yilga kelib, ularning soni 200 dan oshdi, bu asosan Italiyada, shuningdek Ispaniya va Portugaliyada keskin o‘sish tufayli sodir b o‘ldi. Lissabon shahar bo‘ylab taxminan 548000 aholi elektron ovoz berishi bilan tashabbusli byudjetlashtirishga ega bo‘lgan birinchi Evropa poytaxti bo‘lgan. 2008-yildan Shimoliy Yevropada ham tashabbusli byudjetlashtirish boshlandi (Norvegiya va Shvetsiya, keyin 2010 yilda Islandiya va Finlyandiya 2012 yilda).

Dunyo mamlakatlari byudjet siyosatida xarajatlar samaradorligini ta’minlashga qaratilgan bir necha turdagi metodologiyalardan foydalaniladi. Ulardan ko‘zlangan asosiy maqsad byudjet daromadlarini shakllantirish va xarajatlaridan foydalanishda yuqori natijalarga erishish hisoblanadi. Masalan, byudjet xarajatlarini faoliyat natijalariga yo‘naltirilgan holda rejalashtirishga qaratilgan uslubiyat hisoblanadi. Uning mohiyati umumdavlat miqyosidagi belgilangan maqsadlarga erishish uchun byudjet mablag‘larini yo‘naltirish tushuniladi. Mazkur uslubiyat orqali byudjet siyosatini amalga oshirishda moliyaviy strategiya hududlar kesimida emas, balki sohalar kesimida amalga oshiriladi. Bu esa. moliyaviy strategiyani ishlab chiqishda hududiy xususiyatni inobatga olishga imkon beruvchi uslubiyatlarni joriy etishni taqozo etadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil dekabr oyida Oliy Majlisga qilgan murojaatnomasida “Hududlarni kompleks rivojlantirish, aholi uchun munosib turmush sharoitini yaratish kerakligi” [2] belgilab berildi. Bugungi kunda budjet-soliq siyosati borasida izchillik bilan olib borilayotgan islohotlar markazida budjetning daromad va xarajatlari samaradorligini oshirish muhim vazifa hisoblanadi.

Tashabbusli byudjetlashtirish kategoriyasi – hududiy byudjetlarni shakllantirishda fuqarolarning ishtirokini nazarda tutadi. Bunda amalga oshirilishi rejalashtirilgan xarajatlarning fuqarolar muhokamasidan o‘tgan holda ustuvor yo‘nalishlari belgilanadi. Albatta, byudjetning ochiqligi uchun oldindan yetarlicha shart-sharoitlar yaratilgan bo‘lishi lozim. Sababi,

byudjetning ochiqlik prinsipi mavjud bo‘lmasa, fuqarolarning tashabbusli byudjetlashtirish jarayonlarida ishtirokini ta’minlashga erishish murakkablashib boradi. O‘zbekistonda tashabbusli byudjetlashtirish amaliyoti to‘liq shakllantirilmagan bo‘lsa-da, bir qator islohotlar amalga oshirila boshlandi. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Byudjet kodeksi qabul qilinishi bilan amalda bo‘lgan byudjet prinsiplari kengaytirildi va takomillashtirildi. 2014 yilgacha amalda bo‘lgan “Byudjet tizimi to‘g‘risida”gi (2000 yilda qabul qilingan) O‘zbekiston Respublikasi qonunida byudjet prinsiplari tarkibida “ochiqlik” mavjud bo‘lmagan. 2014 yildan boshlab esa, mazkur “ochiqlik” prinsipi yangi qabul qilingan Byudjet kodeksining 7-moddasida o‘z aksini topdi[3]. Natijada mamlakatimizda byudjet siyosatini amalga oshirishda shaffoflikning huquqiy asoslari yaratildi. Shu bilan birga, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 22 avgustdagi PQ-3917-sonli “Byudjet ma’lumotlarining ochiqligini va byudjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori qabul qilinishi bu boradagi islohotlarning yanada jadallashishiga xizmat qilmoqda. Mazkur hujjat bilan byudjet siyosatidagi ikki jihatga alohida urg‘u berib o‘tildi. Xususan, “ochiq byudjet” portalining ishga tushirilishi va fuqarolar murojaati asosida mahalliy byudjetlar qo‘shimcha ishlab topilgan mablag‘larining 10 foizini yo‘naltirish metodining amalga tatbiq etilishi yangi bosqichni boshlab berdi[4].

Prezidentimizning 2021-yil 4-apreldagi PQ-5072-sonli “Byudjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta’minlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarori bilan fuqarolar byudjetni shakllantirish jarayonlarini nafaqat nazorat qilishi, balki byudjet mablag‘larini shakllantirish jarayonidan boshlab, ularni sarflashda qatnashishi uchun ham imkoniyat yaratildi. Byudjet shakllanishi jarayonida jamoatchilik ishtirokini kengaytirish maqsadida tuman va shaharlarda tegishli byudjetlardagi tasdiqlangan umumiy xarajatlarning 5 foizini jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni moliyalashtirishga yo‘naltirish bo‘yicha yangi tartib bosqichma-bosqich joriy etildi. 2021 yilda ushbu tartib Respublikaning har bir viloyatida bitta tuman yoki shaharda joriy qilingan (jami 14), 2022 yil 1 yanvardan boshlab ushbu tartib O‘zbekistonning barcha tuman va shaharlarida joriy qilindi. Bundan tashqari, 2021-yil 1-iyuldan boshlab, jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarni moliyalashtirishga ajratiladigan tuman va shahar byudjetlari qo‘shimcha mablag‘larining eng kam miqdori 10 foizdan 30 foizga oshirildi[5].

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili.

Davlat moliyasini isloh etish sharoitida tashabbusli byudjetlashtirish orqali moliyaviy resurslardan samarali foydalanish borasida ilmiy tadqiqotlar dunyo miqyosida keng olib borilmoqda. Partisipator byudjetlashtirishga keng tarqalgan qiziqishning ilk to‘lqini Lotin Amerikasi ma’lumotlari bilan yuzaga keldi. Aslida, Porto-Alegreda mahalla harakatlari 1970-yillarda paydo bo‘lgan. Kambag‘al tumanlar aholisi hukumatning o‘z manfaati uchun harakat qilishdan manfaatdor emasligiga qarshi isyon ko‘tarishdi. Ularning asosiy talabi shahar infratuzilmasi va xizmatlari, shuningdek, aholining avtonomiyasi edi. Ular o‘z talablarini yo‘lni to‘sib qo‘yish kabi harakatlar yordamida uyushtirdilar. Ushbu yo‘l to‘siqlari bilan ular o‘zlarining moddiy talablarini fuqarolik huquqlari masalasi bilan bog‘ladilar va shu bilan ular o‘z muammolarini kengroq muhokamaga kiritdilar. Davlat byudjetlarini taqsimlashda talab qilinadigan demokratlashtirish ijtimoiy jihatdan marjinallashgan guruhlarga yordam beradi.

Tashabbusli byudjetlashtirish 1989 yilda Porto Alegre munitsipalitetida boshlangan. Ushbu shahar 1 milliondan ortiq aholiga ega va Braziliya standartlari bo‘yicha boy. 1988 yilda ishchilar partiyasi mer saylovlarida g‘olib bo‘ldi. Ushbu partiyaning shirkati demokratik ishtirok va xarajatlarning ustuvor yo‘nalishlarini teskari yo‘naltirishga asoslangan bo‘lib, unda davlat resurslari o‘rta va yuqori sinflarda sarflangan. tashabbusli byudjetlashtirish, aksincha, kambag‘al fuqarolar va mahallalarga yordam berish uchun mo‘ljallangan edi. Shunday qilib, maqsad ushbu kambag‘al fuqarolarga davlat xarajatlarining katta ulushini olishga yordam berish edi.

Soonhee Kim Janubiy Koreyada tashabbusli byudjetlashtirishning fuqarolar ishtiroki, shaffoflik va davlat hokimiyatiga bo‘lgan ishonchiga ta’sirini o‘rgandi. U “Fuqarolarning ishtiroki, oshkoralik va davlat boshqaruviga ishonchi: Koreyaning mahalliy hukumatlarida ishtirokchi byudjetlashtirish” nomli ilmiy ishida fuqarolar tashabbusli byudjetlashtirishda qatnashganda, ular demokratiyani qo‘llab-quvvatlashga, demokratiyani samarali institut sifatida qabul qilishga va davlat byudjeti qanday ishlashini tushunishga ko‘proq moyil bo‘lishlarini ko‘rsatdi. tashabbusli byudjetlashtirish orqali fuqarolar faol fuqaro bo‘lish imkonini beradigan ko‘nikmalarga ega bo‘lishlari mumkin. Hamkorlik asosida byudjetlashtirish “mahalliy byudjet qarorlarini qabul qilishda ishtirok etish orqali marjinallashgan odamlarga va boshqa ilgari istisno qilingan guruhlarga o‘z qadr-qimmatini oshirishga va o‘zini o‘zi amalga oshirishga yordam berishi mumkinligini” ko‘rsatdi. Fuqarolik ishtiroki, shuningdek, “fuqarolik munosabati va ko‘nikmalarini rivojlantirish” va o‘ziga xoslik va sodiqlikni shakllantirishni ko‘rsatdi. [6]

Frenkiel Xitoyda uchta tashabbusli byudjetlashtirish loyihasini o‘rgandi va “Xitoyda ishtirokchi byudjetlashtirish va siyosiy vakillik” assarida yoritib o‘tdi: biri Chengduda va ikkitasi Wenlingda, bu yetti yildan ortiq vaqtni talab etdi. U tashabbusli byudjetlashtirish qaror qabul qilish jarayonini mahalliy elita va “super rezidentlar” bo‘lgan ilgari chetlashtirilgan ishtirokchilarga ochishga hissa qo‘shganini aniqladi [7].

Kukuckova Chexiyadagi saylovchilarning faolligiga tashabbusli byudjetlashtirish ta’sirini tekshirdi [8]. Bu masala bo‘yicha dalillar noaniq. Misol uchun, Pragada tashabbusli byudjetlashtirishni amalga oshirish haqiqatan ham munitsipal saylovlarda saylovchilarning faolligini oshirdi, ammo Chexiyaning boshqa shaharlarida sezilarli ta’sir ko‘rsatilmadi. Bu narsani “Ishtirokchilik asosidagi byudjetlashtirish saylovlarda saylovchilarning faolligini oshiradimi? Chexiya misoli” ilmiy maqolasida yoritib o‘tgan.

Bir qator tadqiqotlar fuqarolarning hukumatga bo‘lgan munosabatiga tashabbusli byudjetlashtirishning ijobiy ta’sirini aniqladi:

Bunda fuqarolarning byudjet jarayonida ishtirok etishi va soliq yig‘ish o‘rtasidagi ijobiy munosabatlar vujudga kela boshlagan. Lotin Amerikasi hamda Yevropadagi 25 ta munitsipalitetlarning faoliyatini tahlil qiluvchi I.Kabannaning qiyosiy tadqiqoti partisipator byudjetlashtirish amalga oshirilgandan so‘ng soliqqa oid huquqbuzarliklar darajasining sezilarli darajada pasayishini aniqladi[9]. Muallifning yozishicha, partisipator byudjetlashtirish amaliyoti natijasida soliq tushumlari ko‘paygan, qarzlar kamaygan. Kampinas, Resifi va Kuenka munitsipalitetlarida soliq tushumlari bir necha yil mobaynida sezilarli darajada oshganligi, Porto-Alegri munitsipalitetida mulk solig‘i bo‘yicha qarzlar 20% dan 15% gacha kamayganligi va o‘n yildan kamroq vaqt ichida mulk solig‘i tushumlari munitsipalitet umumiy daromadlarining 6% dan qariyb 12% gacha ko‘tarilganligini qayd etdi. Fuqarolarning soliq to‘lash odatlarining o‘zgarishi fuqarolarning byudjet mablag‘larini sarflashning aniq natijalarini ko‘rishi bilan bog‘liq. Tadqiqot muallifi Puerto-Asi munitsipaliteti xodimlarining xatti-harakatlarining o‘zgarishi sabablarini quyidagicha tushuntirib bergan: “Jamiyat munitsipalitetning byudjet va moliyaviy ahvolini bilib, uning byudjet cheklovlarini tushuna boshlaydi. Keyin, o‘z loyihalarini amalga oshirish uchun resurslar yetishmasligiga duch kelgan jamoa munitsipalitet vakillari bilan hamkorlik qilishga, o‘z mablag‘lari yoki materiallariga investitsiya qilishga qaror qiladi, bu mavjud resurslar miqdorini ko‘paytirish hamda dastlab tasdiqlangan arxitekturani kengaytirishga intiladi. Qo‘shma byudjet jamoa darajasida an’anaviy jamoaviy ishlarni rag‘batlantirdi va qayta tikladi. E’tiborga olinishi kerak bo‘lgan yana bir moliyaviy natija shuki - bunday loyihalar operatsion xarajatlarni kamaytirishidir. Bu ayniqsa Kolumbiyaning mojarolardan vayron bo‘lgan munitsipalitetlarida muhim ahamiyatga ega bo‘lib, u yerda partisipator byudjetlashtirish orqali vayron qilingan infratuzilma - ko‘priklar, yo‘llar, sug‘orish inshootlari, mahalliy aholining o‘zlari qo‘llabquvvatlashi va himoya qilishi mumkin bo‘lgan quduqlar tiklandi. Byudjet qarorlarini qabul qilishda fuqarolarning bevosita ishtirok etishining soliq undirishga ta’sirining ijobiy natijalari Shveysariyada ham aniqlandi[10].

Tadqiqot metodologiyasi.

Maqolada tashabbbusli byudjetlashtirishning nazariy iqtisodiy asoslari yoritildi, fuqarolarning byudjet mablag‘lari taqsimlanishidagi ishtiroki tahlil qilindi. Tahlil jarayonida nazariy manbaalarni o‘rganish, iqtisodiy-statistik tahlil qilish, taqqoslama tahlil, qiyosiy, grafik va guruhlash usullaridan samarali foydalanilgan.

Tahlil va natijalar.

Tashabbusli byudjetlashtirish fuqarolardan zaruriy shart sifatida g‘oyalarni ilgari surishni talab qiladi. Loyiha g‘oyalari yuqoridan tushmaydi, balki fuqarolarning o‘zlari tomonidan ilgari suriladi. Har bir loyiha g‘oyasi fuqarolar tomonidan byudjet mablag‘lari yordamida hal etilishi mumkin bo‘lgan muammodir. Byudjet jarayonida fuqarolar ishtirokini ta’minlash bo‘yicha amalga oshirilgan islohotlar natijalari So‘nggi yillarda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar doirasida moliyaviy resurslarining boshqaruvini davr talabi bo‘yicha takomillashtirib borish hamda tashabbusli byudjetlashtirishga asoslangan innovatsion moliyaviy boshqaruv tizimini shakllantirishga alohida e’tibor berilmoqda. Ma’lumki, mamlakatimizda byudjet mablag‘larining sarflanishida jamoatchilik nazoratini o‘rnatish hamda fuqarolarni byudjet jarayoniga keng jalb qilish maqsadida 2021 yildan boshlab vazirlik tomonidan yangi tahrirda ishga tushirilgan “Ochiq byudjet” axborot portali orqali “Tashabbusli byudjet” jarayonlari faol o‘tkazib kelinmoqda. Bu borada o‘tgan uch yil mobaynida jamoatchilik fikri asosida tadbirlarni shakllantirishda keng jamoatchilik jalb etildi, byudjet jarayonida fuqarolar ishtiroki oshirildi, hamda tashabbusli byudjetlashtirish sohasida xalqaro va mahalliy tajriba bilan doimiy tanishtiruvlar olib borildi. 2021-2023 yillar davomida Tashabbusli byudjetlashtirish jarayonlari uchun Davlat byudjetidan qariyb 8,0 trln so‘m mablag‘lar ajratildi. Mazkur mablag‘lar doirasida jami 10 mingga yaqin loyihalar g‘olib deb topilib, 5 mingdan ortiq mahallalarda ijtimoiy muammolar bartaraf etildi. Dastur doirasida byudjet mablag‘lari aynan jamoatchilik fikri asosida fuqarolar tomonidan dolzarb deb topilgan muammolarni hal etish uchun manzilli yo‘naltirilishiga, shu bilan birgalikda ajratilgan mablag‘lardan foydalanishda jamoatchilik nazoratini kuchayishiga erishilmoqda. Yuqoridagilardan ko‘rinib turibdiki, Tashabbusli byudjet jarayonlari yildan-yilga fuqarolarning turmush darajasini yaxshilashda tezkorlik bilan natijaga erishish mumkin bo‘lgan hamda barcha fuqarolar foydalanish imkoniyati mavjud mexanizm sifatida shakllanib bormoqda.



1-diagramma. Tashabbusli byudjet jarayoniga fuqarolarning jalb etilishi yillar[10]*

*O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining “O‘zbekistonda tashabbusli byudjet amaliyoti sharhi” asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

So‘ngi uch yilda “Tashabbusli byudjet” jarayonlarini moliyalashtirilishi 7,8 barobarga oshirilib 530 mlrd so‘mdan 4 115 mlrd so‘mgacha yetkazildi.

Har chorak yakunlariga ko‘ra tuman (shahar) hokimliklari tomonidan Jamg‘arma mablag‘laridan foydalanish yuzasidan hamda g‘olib loyihalarni amalga oshirilishi bo‘yicha ma’lumotlarni “Ochiq byudjet” axborot portali hamda rasmiy veb-saytlari orqali majburiy tartibda e’lon qilib boradilar. Bunda, to‘plagan ballaridan kelib chiqib 71 balldan 100 ballgacha — “yashil hudud”, 55 balldan 71 ballgacha — “sariq hudud” va 55 balldan past bo‘lganda — “qizil hudud” deb topiladi.



1-chizma. Tashabbusli byudjet jarayonlarini moliyalashtirish manbaalari[10]

Tashabbusli byudjet jarayonlari tuman va shaharlardagi mavjud ijtimoiy muammolarni hal etishda fuqarolar uchun davlat va jamiyat o‘rtasidagi ijtimoiy ko‘prik vazifasini bajarib kelmoqda.



3-rasm Sohalar kesimida g‘olib loyihalar[10].*

*O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya vazirligining O‘zbekistonda tashabbusli byudjet amaliyoti sharhi asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

2021-yilda jami g‘olib loyihalar soni 1 594 tani tashkil qilgan bo‘lsa, 2022-yilda bu

ko‘rsatkich 4136 tani tashkil qilgan. 2024-yil natijalariga ko‘ra esa jami 4183 ta loyiha g‘olib teb topilgan.

2022 yildan boshlab “Ochiq byudjet” axborot portalida “Onlayn murojaat” bo‘limi tashkil etilib, fuqarolar shikoyat yoki savollar bilan to‘g‘ridan-to‘g‘ri portal orqali murojaat qoldirish moduli ishga tushirilgan. Bugungi kunga kelib fuqarolar tomonidan deyarli 2 mingga yaqin murojaatlar kelib tushgan.

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining **“Obod qishloq”** va **“Obod mahalla”** dasturlarini jamoatchilik fikri asosida tashabbusli byudjetlashtirish jarayonlari orqali amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori (03.05.2023-y. VMQ-183-son) qabul qilindi.

Qarorga ko‘ra, **“Obod qishloq”** va **“Obod mahalla”** dasturlari doirasida moliyalashtiriladigan tadbirlar 2023-yildan boshlab jamoatchilik fikri asosida **“Ochiq byudjet”** portalida ovoz berish yo‘li bilan aniqlanadi[11].

Har yili kelgusi yil uchun loyihalarni shakllantirish noyabr-dekabr oylarida **“Ochiq byudjet”** axborot portali (openbudget.uz) orqali jamoatchilik fikri asosida o‘tkaziladi.

“Tashabbusli byudjet” loyihasining 2023-yil birinchi mavsumida qariyb 16 million nafardan ortiq odam loyihalarga ovoz bergan. Bu o‘zbekistonliklarning 45 foizi degani. Birinchi mavsumda aholi tomonidan yo‘l, suv, elektr, maktab, bog‘cha va shifoxonalarni yaxshilashga 33 ming 680 ta loyiha takliflari ovozga qo‘yilgan. Yakuniy natijalarga ko‘ra, shundan 1 ming 666 ta loyiha g‘olib deb topilgan. Mazkur loyihalarda keltirilgan tashabbuslarni amalga oshirish uchun 1,6 trillion so‘m mablag‘ yo‘naltirilgan.

Shuningdek, tashabbusli byudjet amaliyotini va mahallalarning moliyaviy mustaqilligini yanada kengaytirish maqsadida 2024-yilda jamoatchilik fikri asosida shakllantiriladigan loyihalarni moliyalashtirish uchun davlat byudjetidan 10 trillion so‘m, shundan “Obod qishloq” va “Obod mahalla” dasturlari uchun kamida 4 trillion so‘m yo‘naltiriladi.

Xulosa.

Davlat byudjetining shakllanishi va hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish loyihalarini ishlab chiqish jarayonlarida aholining faol ishtiroki, joylardagi dolzarb muammolarni yaqqol namoyon etib, ularni qisqa muddatlarda bartaraf etishga xizmat qilmoqda. Byudjet mablag‘larini hudud va sohalarga taqsimlanishida ustuvor yo‘nalishlarni aniqlash, byudjet jarayoni ishtirokchilari oldida turgan eng muhim vazifalardan biri hisoblanadi. Odatda, ushbu masalalar bilan turli darajadagi hokimiyat vakillari, deputatlar shug‘ullanadi hamda fuqarolar manfaatlarini ifoda etadi. Biroq, qonun chiqaruvchilar e’tiboridan chetda qoladigan mahalliy muammolar ham mavjud bo‘lib, aynan Tashabbusli byudjet loyihasi ushbu muammoli holatlarni umumiy muhokamaga olib chiqish, uni hal qilishning maqbul variantini topishga imkon beradi. Tajriba shuni ko‘rsatmoqdaki, har bir joy o‘ziga xos xususiyat va ustuvorlikka ega bo‘lib, odamlar o‘zlarining yashash joylarining aksariyat muammolarini yaxshi bilishadi va fuqarolarning tanlovi ko‘pincha hokimiyat qaroridan ko‘ra asoslangan hisoblanadi. Faqat ma’lum bir joyda yashabgina, birinchi navbatda qanday masalalarni hal qilish kerakligini “ich-ichidan” tushunish mumkinligi ko‘pchilik yaxshi tushunadi. Tashabbusli byudjet loyihasini amalga oshirishning eng muhim natijasi nafaqat infratuzilmani rivojlantirish masalalarini hal qilish, balki aholi punktlarida ijtimoiy va inson kapitalini rivojlantirish hamda fuqarolar mas’uliyatini yanada oshirishning eng muhim shartlaridandir

Yuqoridagi tahlillardan ko‘rishimiz mumkinki, yillar davomida maktablarni ta’mirlash hamda jihozlash uchun berilgan loyihalarning g‘olib bo‘lish ko‘rsatkichlari ortib bormaqda. Bundan kelib chiqadiki, maktab ta’miri ucun beriladigan loyihalarni alohida guruhlash ham ularga ko‘proq mablag‘ ajratish lozim. Shunda qolgan loyihalarning g‘olib bo‘lish imkoniyati ham ortadi. Maktablarga alohida e’tibor berishning sabablaridan biri bu ta’lim, tarbiya, madaniyat ostonasi maktab hisoblanadi. Biz maktablarga qancha ko‘p e’tibor qaratsak kelajagimiz poydevorini shuncha mustahkam qilgan bo‘lamiz. Hozirda loyihalarga ovoz berish

jarayonida 18 yoshdan boshlab ishtirok etish mumkin. Maktab loyihalariga maktab o‘quvchilarini ham jalb etish lozim. Chunki, maktab taqdiri, uning rivojlanishi bevosita o‘quvchilarning e’tiborida bo‘ladi. Shuning uchun maktab loyihalari uchun ovoz berishda 14 yoshdan imkoniyat yaratib berish kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Birsen NACAR, Nihat FALAY. Participatory Budgeting in Public Sphere, Governance, Transparency and Participation. Politik Ekonomik Kuram, 2024
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga qilgan murojaatnomasi. 2020 yil 24 dekabr.
3. O‘zbekiston Respublikasi Byudjet Kodeksi.
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 22 avgustdagi “Byudjet ma’lumotlarining ochiqligini va byudjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3917-sonli qarori.
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 13 apreldagi “Byudjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta’minlash bo‘yicha qo‘shimcha choratadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-5072-sonli qarori.
6. Kim, Soonxi.“Fuqarolarning ishtiroki, oshkoralik va davlat boshqaruviga ishonchi: Koreyaning mahalliy hukumatlarida ishtirokchi byudjetlashtirish”(PDF).2020-yil 23-oktabr.
7. Frenkiel, Emilie (2020). “Xitoyda ishtirokchi byudjetlashtirish va siyosiy vakillik” . Xitoy boshqaruvi jurnali . 6 : 1–23. doi : 10.1080/23812346.2020. 1731944. S2CID 216391982 . 2020-yil 23-oktabr.
8. Kukučková, Sona (2019).”Ishtirokchilik asosidagi byudjetlashtirish saylovlarda saylovchilarning faolligini oshiradimi? Chexiya misoli”.Davlat boshqaruvi va siyosati Nispacee jurnali.12(2): 109–129.doi: 10.2478/nispa-2019-0016 .S2CID209379125.
9. Cabannes Y. Participatory budgeting: A significant contribution to participatory democracy. Environment and Urbanization. 2004; 16(1):27-46.
10. O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va moliya Vazirligi O‘zbekistonda tashabbusli byudjet amaliyoti sharhi
11. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Obod qishloq” va “obod mahalla” dasturlarini jamoatchilik fikri asosida tashabbusli budjetlashtirish jarayonlari orqali amalga oshirish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida 03.05.2023 yildagi 183-son. Qarori.
12. O‘roqov U, Irgashev I, G‘aybullaev O. Fuqarolar ishtirokidagi mahalliy byudjet. 2022

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ОРҚАЛИ УЛАР МОЛИВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Юсупов Руслан Бахтиёрович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

Аннотация. *Мазкур мақолада Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар даромадларини самарали бошқариш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари таҳлил қилинган. Маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаларини диверсификация қилиш, фискал имкониятларни ошириш ва молиявий мустақилликни таъминлашга қаратилган ёндашувлар кўриб чиқилган. Шунингдек, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, солиқ ва ношолиқ тушумларини самарали бошқариш механизмлари асосида маҳаллий молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *маҳаллий бюджет, молиявий барқарорлик, бюджет даромадлари, бюджет бошқаруви, фискал сиёсат, бюджетлараро муносабатлар.*

FEATURES OF ENSURING FINANCIAL STABILITY OF LOCAL BUDGETS THROUGH EFFECTIVE MANAGEMENT OF INCOME

Yusupov Ruslan Bakhtiyarovich

independent researcher of Tashkent State University of Economics

Abstract. *This article analyzes the issues of ensuring the financial stability of local budgets in Uzbekistan through effective management of their revenues. Approaches aimed at diversifying the sources of revenue of local budgets, increasing fiscal opportunities and ensuring financial independence are considered. Also, proposals and recommendations are developed to improve inter-budgetary relations and strengthen local financial stability based on mechanisms for effective management of tax and non-tax revenues.*

Keywords: *local budget, financial stability, budget revenues, budget management, fiscal policy, inter-budgetary relations*

ОСОБЕННОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ ЗА СЧЕТ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ДОХОДАМИ

Юсупов Руслан Бахтиёрович

независимый соискатель Ташкентского государственного экономического университета

Абстрактный. *В статье анализируются вопросы обеспечения финансовой устойчивости местных бюджетов в Узбекистане посредством эффективного управления их доходами. Рассмотрены подходы, направленные на диверсификацию источников доходов местных бюджетов, расширение фискальных возможностей и обеспечение финансовой независимости. Также разрабатываются предложения и рекомендации по совершенствованию межбюджетных отношений и укреплению*

местной финансовой устойчивости на основе механизмов эффективного управления налоговыми и неналоговыми доходами.

Ключевые слова: *местный бюджет, финансовая устойчивость, доходы бюджета, управление бюджетом, фискальная политика, межбюджетные отношения.*

Кириш

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланишини замонавий тенденсияларида барқарор иқтисодиётни шакллантириш билан боғлиқ тизимли ислоҳотлар ҳар бир мамлакатларда мувозанатли ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилмоқда. Жаҳон амалиёти маълумотларига кўра, ҳудудларда биринчи даражада ечимини кутаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаоллиги ва масъулиятини ошириш уларнинг фискал мустақиллигини таъминлаш ва барқарор даромад базасини шакллантиришга йўналтирилган ислоҳотлар орқали таъминлашни тақозо этмоқда.

Жаҳон мамлакатлари давлат молияси тизимидаги ислоҳотларда асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган фискал номарказлаштириш, консепсиясига асосланади. Ушбу консепсияга мувофиқ маҳаллий даромад базасини мустаҳкамлашда даромадларни бюджет даражалари бўйича доимий бириктириш, солиқ базасидан ҳамкорликда фойдаланиш, солиқларни улушли тақсимлаш механизмларига устуворлик берилмоқда. Ҳудудларда давлат бюджетига ундирилган даромадларни юқори даражада марказлаштириш ҳисобига уларни “Марказ-ҳудуд” форматида қайта тақсимлаш амалиёти маҳаллий бюджетлар молиявий қарамлигига ва даромад базасини мустаҳкамлашга қаратилган молиявий-инвестицион сиёсатни амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаололигини рағбатлантирмаётганлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Ҳудудлар инвестицион фаоллигини ошириш орқали маҳаллий бюджетлар даромад базасини оширишнинг илмий-назарий, ташкилий-иқтисодий асослари ва уни комплекс баҳолаш методологияси бўйича қатор иқтисодчи олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Хусусан, М.Балангувер-Колл [1], Ф.Баллансоде [2], Г.Бойне, С.Бурнсайд, Р.Гиниятуллина [3], Г.Поляк [4], А.Бабич [5], В.Глотов, А.Албеков, Е.Алифанова, В.Кузнесова [6], Л.Вардомаская, М.Соловейкина [7], В.Ковалева, Романовский М.В., О.Рублевская, Б.Сабанти, О.Ҳордеи, Т.Канева, М.Карпенко, П.Жаксис, К.Крзйсзтоф каби хорижлик иқтисодчи олимлар маҳаллий бюджетлар даромад базаси барқарорлиги детерминантлари ва унга таъсир этувчи омилларни кенг тадқиқ қилишган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Ваҳобов, Т.Маликов, А.Жўраев, А.Бурханов, О.Мейлиев [9], М.Хайдаров [10], Х.Курбонов [11], Ш.Мусалимов [12], Х.Кобулов, Л.Хазраткулова, С.Элмирзаевлар, У.Ўроқов [13] ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлиги ва уни мустаҳкамлаш йўллари бўйимча илмий тадқиқот ишларини тизимлаштиришган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳудудларнинг консолидацияланган бюджетлари даромадлари базаси барқарорлигини бошқаришнинг назарий ва услубий жиҳатларини таҳлил қилиш унинг мақсадли белгиланишини тушунишда ноаниқликни ифодалайди. Бизнинг фикримизча, бу мумкин бўлган максимал натижага эришишнинг зарур шарти сифатида ҳудудларнинг барқарор ривожланишининг молиявий асосларини мустаҳкамлаш ва аҳоли учун қулай турмуш шароитини таъминлашдан иборат бўлиб, якуний бюджет маблағларини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, фуқароларнинг хавфсизлиги, давлат, жамият ва шахс манфаатлари ва устуворликларини амалга ошириш орқали эришилади (1.6-расмга қаранг).



1-расм. Маҳаллий жамланма бюджети даромадлар базаси барқарорлигини бошқариш механизмининг концептуал диаграммаси ва унинг бюджет жараёнида тутган ўрни

Юқоридаги 1-расмга кўра мумкинки маҳаллий жами бюджет даромадлари базасини бошқариш механизмининг концептуал диаграммасига бўйича маҳаллий ҳокимият органлари молиявий барқарорлигини таъминлаш учун ўз даромад манбаларини қай даражада бошқариши ва назорат қилишини кўрсатади. Ушбу механизм даромадларни шакллантириш, тақсимлаш ва мониторинг қилиш учун асос яратиш орқали кенгроқ бюджет жараёнида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Маҳаллий жами бюджет даромадлари базаси барқарорлигини ошириш учун бошқарув консепсиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Унга кўра давлат органлари, маҳаллий тузилмалар, тадбиркорлик ва жамият ўртасидаги самарали мувофиқлаштириш орқали молиявий барқарорликни оширишга қаратилган бўлиши керак. Молиявий мувозанатни сақлаган ҳолда иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш учун солиқлар ва мажбурий тўловларни тартибга солишда барқарорлик тамойилларини ҳисобга олиш зарур.

Бундан ташқари, давлат харажатларининг хусусий истеъмолга нисбатан катталиги фискал сиёсатни барқарорлаштириш ва макроиқтисодий беқарорликнинг олдини олишда

муҳим рол ўйнайди. Даромадлар ва харажатлар динамикасини таҳлил қилиш, қонунчиликдаги янгиликларни аниқлаш, молиявий ресурсларни бошқаришнинг янги механизмларини таклиф этиш орқали маҳаллий бюджетларнинг молиявий асосларини барқарорлик ва мустақилликни таъминлаш учун мустаҳкамлаш мумкин.

Консолидацияланган маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базаси барқарорлигини ошириш учун солиқ-бюджет сиёсатига тузатишлар киритиш зарур ҳисобланиб, солиқ-бюджет сиёсатига киритилган тузатишлар маҳаллий консолидацияланган бюджетларнинг даромадлари базаси барқарорлигини оширишга олиб келади.

Тадқиқотларга кўра, давлат ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда солиқ сиёсатининг аҳамиятини кўрсатади. Шунингдек, солиқ тўловчиларнинг консолидацияланган гуруҳлари учун фойда солиғини тартибга солишнинг бюджет даромадларига таъсирини очиб беради, бу эса юқори давлат бюджети салоҳияти ҳамда ишбилармонлик фаоллигини таъминлаш учун тадбиркорлар ва давлат ўртасидаги мувозанат зарурлигини ифодалайди.

Бизниниг фикримизча, маҳаллий бюджетниниг даромад потенциалини оширишга ушбу ёндашувларни ўзаро боғлаш даромадларни шакллантиришда иқтисодий ривожланишнинг ролини эътироф этишни ўз ичига олади.

Ҳусусан, иқтисодий ўсиш ишбилармонлик фаоллигини ва бандлик имкониятларини рағбатлантиради, бу эса минтақадаги жисмоний ва юридик шахслар учун юқори даромадларни олишга юзага келади.

Иқтисодий фаолликнинг ривожланиши фонида маҳаллий ҳокимият органларига турли каналлар, жумладан, даромад солиғи, мулк солиғи ва истеъмол солиқлари орқали юқори солиқ тушумларини келтириб чиқаради.

Ривожланаётган иқтисодиёт инвестицияларни жалб қилади ва тадбиркорликни рағбатлантиради, бу эса даромадларнинг ўсиши ва барқарорлигига ҳисса қўшади.

Иқтисодий фаровонлик учун қулай муҳитни яратиш орқали маҳаллий бюджетлар ўзларининг даромад базасини самарали равишда ошириши, ҳукуматнинг юқори даражадаги трансферларига боғлиқликни камайтиришлари ва фискал сиёсатниниг барқарорлигини рағбатлантиришлари мумкин.

Шунингдек, бюджет даромадларини бошқариш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларини тизимлаштириш орқали биз энг долзарб вазифаларни кўриб чиқдик. Булар маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий мустақиллигини кенгайтириш, маҳаллий ва Республика бюджетлараро ўзаро муносабатларни яхшилаш, Республикадаги таъсис субъектларининг давлат (шаҳар) қарзини иқтисодий жиҳатдан хавфсиз даражада сақлаш, даромад салоҳиятини ривожлантириш, шулар жумласидандир. Маҳаллий ва марказий (республика) бюджетлар ўртасида самарали мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик фискал барқарорликни ва ресурсларни тақсимлашда изчилликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзаро муносабатларни яхшилаш орқали маҳаллий ва марказий ҳукумат даромадларни тақсимлаш механизмларини оптималлаштириш, ресурсларни самарали тақсимлаш ва фискал номутаносибликларни бартараф этишда биргаликда ишлаши мумкин. Фискал барқарорликни таъминлаш ва молиявий рискларни минималлаштириш учун таъсис субъектлари (вилоятлар, шаҳарлар) доирасида давлат қарзи даражасини бошқаришни ўз ичига олади.

Шу билан бирга ҳаддан ташқари қарз юклари бюджетларни қийинлаштириши мумкин, бу эса бюджет тақчиллигига, қарзларга хизмат кўрсатиш муаммоларига ва потенциал иқтисодий беқарорликка олиб келади.

Бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджетларни самарали бошқаришда бюджет интизоми ва барқарорлигини таъминлаб, Республика бюджети томонидан молиявий ёрдамга бўлган эҳтиёжни минималлаштиради.

Аксинча, маҳаллий даражадаги нотўғри бошқарув Республика бюджетини оғирлаштириши мумкин, бу эса фискал мувозанатнинг бузилишига ва Республика бюджетига молиявий юкларнинг ошишига хизмат қилади.

Даромадларнинг потенциал ўсиши маҳаллий ҳокимият органларининг давлат трансфертларининг юқори даражасига боғлиқлигини камайтиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди, бу эса фискал автономия ва барқарорликни ошириш имконини беради.

Маҳаллий даромадлар ва умумий маблағларни тақсимлаш ҳудудий фискал мустақилликка фойдали таъсир кўрсатади ҳамда даромадлар оқимини диверсификация қилиш муҳимлигини таъкидлайди.

Шунингдек биз, бир неча босқичидан иборат консолидациялашган маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базаси барқарорлигини бошқариш самарадорлигини баҳолаш алгоритми асосидаги кетма-кетликни ишлаб чиқдик (1-жадвалга қаранг).

Консолидацияланган маҳаллий бюджет даромадлари базаси барқарорлигини бошқариш бўйича назорат функциясининг муҳим таркибий қисмини олинган натижалар бўйича солиқ-бюджет сиёсатига тузатишларни асослашда, концепциялар, стратегиялар ҳамда дастурларни ишлаб чиқишда ва тузатишда ахборот асоси сифатида фойдаланиши мумкин.

1-жадвал

Консолидацияланган маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базаси барқарорлигини бошқариш самарадорлигини ҳисоблаш кетма-кетлиги

№	Босқич номи	Босқич мазмуни
1	“Бюджетнинг ўз даромад манбаларини бошқариш”, “Маҳаллий бюджетнинг Республика бюджети билан бюджетлараро ўзаро ҳамкорлиги” ва “давлат (шаҳар) қарзини бошқариш” блоклари кўрсаткичининг ($к_и$) балл қийматини аниқлаш.	Ҳар бир баҳоланган кўрсаткич учун максимал ва минимал чегара қийматлари аниқланади. Агар тўғридан-тўғри кўрсаткични ҳисоблашда қиймат минимал даражадан паст бўлса (тескари кўрсаткични ҳисоблаш учун максимал қийматдан юқори бўлса), у ҳолда унинг 0 балл берилади. Агар тўғридан-тўғри кўрсаткични ҳисоблаш учун максимал қиймат ошиб кетган бўлса (минимал даражага этмаса) тескари кўрсаткич учун) 1 балл берилади. Чегара қийматлари орасидаги интервалда жойлашган тўғридан-тўғри кўрсаткичнинг 0 дан 1 балгача бўлган оралиқда белгиланади ва қуйидаги формула бўйича ҳисобланади: $к_и = \frac{x_и - x_{мин}}{x_{max} - x_{мин}}$ Чегара қийматлари орасидаги интервалда жойлашган тескари кўрсаткични баҳолаш формула билан аниқланади: $к_и = \frac{x_{max} - x_и}{x_{max} - x_{мин}}$, бу эрда $к_и$ $и$-чи кўрсаткичниниг баҳоси; $x_и$ –$и$- индикаторнинг ҳақиқий қиймати; $x_{мин/max}$ – $и$ кўрсаткичининг энг ёмон/энг яхшисига мос келадиган чегара қиймати;
	“Даромад салоҳиятини ривожлантириш” блокининг ($к_ҳ$) кўрсаткичининг балл қийматини аниқлаш	Берилган блокнинг шахсий кўрсаткичларининг ҳақиқий қийматлари уларни кўриб чиқилаётган гуруҳдаги энг яхшилари билан боғлаш орқали аниқланади: $к_ҳ = \frac{x_i}{x_{i\ max}}$ бу эрда $к_ҳ$ –$ҳ$-чи кўрсаткичниниг баҳоси $x_и$ –$и$-индикаторнинг ҳақиқий қиймати $x_{и\ мах}$ – Республика бюджетининг маҳаллий бюджетлар учун $и$-индикаторининиг ҳақиий қиймати
2	Ҳар бир блок учун жамланган индекс ($Рж$) қийматини аниқлаш	$Р_ж = \frac{\sum_{i=1}^{n} k_i k_h}{n}$ бу эрда $к_и$ $и$-чи ($ҳ$-чи) кўрсаткичниниг баҳоси $н$ – блокдаги кўрсаткичлар сони.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

3	Интеграл баҳолашни ҳисоблаш (И)	$И=\frac{\sum_{i=1}^{m} R_j}{m}$ бу эрда И – интеграл баҳолаш, балл билан; $Р_{ж}$ – йўналиш бўйича умумий балл; м – баҳолаш йўналишлари сони.
4	Интеграл баҳолашнинг талқини	1) 0,0< И ≤0,2 – жуда паст даражадаги натижа; 2) 0,2< И ≤0,4 – паст даражадаги натижа; 3) 0,4< И ≤0,6 – ўртача даражадаги натижа; 4) 0,6< И ≤0,8 – ўртача юқори даражадаги натижа 5) 0,8< И ≤1,0 – юқори даражадаги натижа

Ушбу жадвалга асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларни тизимлаштириш мумкин:

Биринчидан, “Бюджетнинг ўз даромад манбаларини бошқариш”, “Маҳаллий бюджетнинг Республика буджети билан буджетлараро ҳамкорлиги”, “Давлат (шаҳар) қарзини бошқариш” блоклари доирасидаги баллар қийматини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Унга кўра, биринчидан маҳаллий ҳокимият органларининг солиқлар, ва йиғимлар каби ўз манбаларидан қайдаражада самарали даромад олишини баҳолайди.

Иккинчидан, даромадларни ундириш механизмларининг самарадорлиги, солиқ сиёсатининг мувофиқлиги, солиқ солинадиган базани кенгайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар, солиқ тўлашдан бўйин товлашга қарши кураш чоралари кўриб чиқилишга хизмат қилади.

Учинчидан, бюджет масалалари бўйича маҳаллий ва Республика бюджети ўртасидаги ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш баҳоланади. У республика бюджетидан маҳаллий бюджет маблағларини ажратиш, трансфертлар, грантлар ва субсидиялар каби жиҳатларни ўз ичига олади.

Тўртинчидан, самарали бюджетлараро ҳамкорлик маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз вазифаларини бажариши учун марказий ҳукумат томонидан тегишли молиявий ёрдам олишини таъминлайди. Ушбу баллар бюджетлараро ўтказмаларнинг ўз вақтида, прогноз қилиниши ва шаффофлиги, шунингдек, миллий ва маҳаллий ривожланиш устуворликларини мувофиқлаштириш асосида берилиши мумкин. Юқори қиймат миллий ҳукумат томонидан кучли ҳамкорлик ва ёрдамни акс эттиради, бу эса маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини оширади.

Бечинчидан, баллар қарзнинг барқарорлигини баҳолаш, қарз юкини камайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ва қарз билан боғлиқ харажатлар бўйича шаффоф ҳисобот асосида тақсимланиши мумкин. Қарзни самарали бошқариш қарз олишдан унумли мақсадларда фойдаланишни таъминлайди ва қарз даражаси фискал барқарорликка путур етказмасдан бошқариладиган чегараларда қолади. Юқори қиймат қарзни оқилона бошқариш амалиётини кўрсатади, фискал танглик хавфини минималлаштиради ва маҳаллий ҳукуматнинг молиявий самарадорлигини оширади.

"Даромад салоҳиятини ривожлантириш" блоки доирасида кўрсаткичнинг балл қийматини аниқлаш маҳаллий ҳокимиятнинг молиявий имкониятлари ва барқарорлигини баҳоланиши ифодаланган.

Унга кўра, ушбу кўрсаткичга берилган балл қиймати маҳаллий ҳокимиятнинг иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва даромад олиш имкониятларини яратиш қобилиятини акс эттиради. Юқори балл қийматлари инфратузилмага инвестициялар, бизнесни жалб қилиш, туризмни ривожлантириш ва инновацияларни рағбатлантиришни ўз ичига олган фаол иқтисодий ривожланиш стратегияларини таклиф этса, паст балл қиймати иқтисодий фаолликни рағбатлантиришдаги қийинчиликларни кўрсатиши мумкин.

Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғининг вариацион кенглигини 30 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромадлари манбаи барқарорлигини ошириш таклиф этилган. Натижада, вариацион кенгликни жорий этиш, солиқ тўловчилар учун аниқ ва адолатли тизим яратади. Бу, солиқ йиғиш

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

жараёнининг шаффофлиги ва самарадорлигини оширади, солиқ тўловчиларни рағбатлантиради ва уларнинг ўз вақтида тўлов қилиш эҳтимолини оширган.

Шунингдек, кўрсаткич маҳаллий ҳокимият томонидан қўлланиладиган даромадларни шакллантириш механизмларининг самарадорлигини баҳолайди. Баллар, даромад манбаларининг хилма-хиллиги, солиқ йиғиш тизимларининг самарадорлиги ва фискал имкониятларни оширишга қаратилган сиёсатнинг самарадорлиги асосида берилади. Юқори балл қиймати маҳаллий ҳукумат ўз даромад базасини муваффақиятли диверсификация қилганини, бир нечта манбаларга қарамликни камайтирганини ва молиявий барқарорликни оширганлигини кўрсатади. Аксинча, паст балл қиймати нобақарор даромад манбаларига ҳаддан ташқари ишониш ҳамда даромадларни йиғиш жараёнларидаги самарасизликни кўрсатиши мумкин.

Ҳар бир блок учун жамланган индекс ($Р_ж$) қийматини аниқлаш бўйича хулосаларни шакллантириш иш фаолиятини умумий баҳолашни таъминлаш учун ҳар бир блок ичидаги индивидуал кўрсаткичларни синтез қилишни ўз ичига олади.

Ҳусусан, биринчидан жамланган ($Р_ж$) индекси ҳар бир блок учун ундаги бир нечта кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда ишлашнинг кенг қамровли ўлчовини таъминлайди. $Р_ж$ индексининг юқори қийматлари блок ичидаги кўрсаткичлар бўйича кучлироқ ишлашни кўрсатади, бу самарали бошқарув ва мақсадларга эришишни таклиф этади. Аксинча, $Р_ж$ нинг пастроқ қийматлари эътибор ва такомиллаштиришни талаб қиладиган заифлик ҳамда кам ишлаш соҳаларини кўрсатиши мумкин.

Иккинчидан, ҳар бир блок учун $Р_ж$ ни ҳисоблаш орқали маҳаллий ҳокимият фаолиятининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш осонлашади. $Р_ж$ қийматлари юқори бўлган блоклар маҳаллий ҳукумат устунлик қиладиган ҳудудларни ифодалайди, пастроқ қийматларга эга бўлган блоклар эса яхшиланиши керак бўлган жойларни таъкидлайди.

Кучли ва заиф томонларнинг аниқланиши маҳаллий органларга ресурслар ва аралашувларни самарали тарзда биринчи ўринга қўйиш имконини беради.

Учинчидан, $Р_ж$ турли блоклар ва вақт ўтиши билан қиёсий таҳлилни осонлаштиради, бу эса тараққиётни таққослаш ва мониторинг қилиш имконини беради.

$Р_ж$ қийматларини блоклар бўйича таққослаш орқали сиёсатчилар қайси соҳаларга кўпроқ эътибор ва яхшилаш учун ресурслар зарурлигини аниқлаши мумкин.

Тўртинчидан, $Р_ж$ қийматлари самарадорликни бошқариш ва жавобгарлик учун қайта алоқа механизми бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир блок учун $Р_ж$ ни мунтазам равишда ҳисоблаш ва кўриб чиқиш орқали сиёсатчилар мақсадлар сари тараққиётни кузатиши, турғунлик ёки регрессия соҳаларини аниқлашлари ва керак бўлганда тузатиш чораларини кўрсатади.

Шунингдек 1-жадвал бойича консолидацияланган маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базаси барқарорлигини бошқариш самарадорлигини ҳисоблашда интеграл баҳоалш талқини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Агар интеграл баҳолаш кўрсаткичи 0,0 дан 0,2 гача бўлган диапазонга тушиб қолса, бу жуда паст даражадаги натижани кўрсатади, бу эса ишлашда сезиларли камчиликлар ёки камчиликларни кўрсатади.

0,2 дан 0,4 гача бўлган балл паст даражадаги натижани билдиради ва қониқарли ишлаш даражасига эришиш учун яхшиланиш керак бўлган соҳаларни таъкидлайди.

0,4 дан 0,6 гача бўлган балл ўртача даражадаги натижани билдиради, бу яхшиланиш учун жой билан ўртача ишлашни кўрсатади.

Агар балл 0,6 дан 0,8 гача тушса, бу ўртача юқори даражадаги натижани ифодалайди, бу эса мақтовга лойиқ кўрсаткични билдиради ва янада яхшиланиш имкониятига эга.

0,8 дан 1,0 гача бўлган баллар юқори даражадаги натижани кўрсатиб, мақсадларга эришишда ажойиб самарадорлик ва самарадорликни намойиш этади.

Хулоса

Хулоса ўрнида, консолидацияланган маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базаси барқарорлигини бошқариш самарадорлигини ҳисоблаш интеграл баҳолаш самарадорлик даражасининг жуда пастдан юқоригача бўлган аниқ таснифини таъминлайди, бу манфаатдор томонларга кучли ва заиф томонларини тушуниш ва самарали ҳал қилиш имконини беради.

2014 йилги ХВЖ ҳисоботларида [14] таъкидланганидек, бюджет тизими бюджетлари харажатлари ва унинг таркиби орқали иқтисодий оъсишга таъсир этиш қисқа ва оърта-узоқ муддатли самарага эга боълиши мумкин. Бюджет тизими бюджетлари инвестицион харажатлари орқали жорий ҳолатдаги истеъмолни рагъбатлантириш орқали жорий ҳолатда иқтисодий оъсишни таъминлаш имкониятлари яратилади[1]. Хусусан, 1 ва 2 гуруҳ харажатлари орқали бюджет ташкилотларида жорий иш ҳақи харажатларини оъз вақтида молиялапштириш аввало, уй хоъжаликларининг шахсий тасарруфидаги даромадларини ортиши пировардида иқтисодиёт учун потенциал талабнинг молиявий асоси шакллантирилса, марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга сарфланадиган бюджет харажатларини истиқболдаги иқтисодий ўсиш суръатлари учун молиявий асосни яратилишини таъминлаши мумкин.

Демак, юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бюджет харажатлари таркибидаги жорий харажатлар асосан истеъмолни рагъбатлантириш орқали қисқа муддатли иқтисодий оъсиш суръатларига таъсир этса, капитал харажатлар оърта ва узоқ муддатли иқтисодий оъсиш учун замин яратади.

Инвестициялар орқали истиқболдаги иқтисодий оъсиш суръатларини таъминлаш эса миллий даромаднинг оъсишини моддий негизини таъминлаш ҳисобига бюджет тизими бюджетлари даромадларини шакллантиришнинг асосини ташкил қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Balaguer-Coll, M.T. Local government efficiency: determinants and spatial interdependence / M. T. Balaguer-Coll, M. I. Brun-Martos, L. Marquez-Ramos, D. Prior // Applied Economics.-2019.– № 14(51). – P.1480-1483. – DOI 10.1080/00036846.2018.1527458.

2. Balassone, F. Assessing Fiscal Sustainability: A Review of Methods with a View to EMU [Electronic resource] / F. Burnside, C. Fiscal Sustainability in Theory and Practice [Text] : A Handbook / C. Burnside. - World Bank, 2005. - 285 c.

3. Гиниятуллина, Р.Р. Рол государственного бюджета в развитии страны / Р.Р. Гиниятуллина. — Текст : електронный // НоваИнфо, 2016. — № 45 — С. 191-195 — URL: https://novainfo.ru/article/5780 (data obraщeniya: 23.03.2024).

4. Бюджетная система России: Учебник для вузов/ Под ред. проф. Г.Б. Поляка. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 1999. – (s. 19) 550 s.

5. Бабич, А. М. Государственные и муниципалные финансы : учебник / А. М. Бабич, Л. Н. Павлова. – 2-йе изд., перераб. и доп. – Москва: Юнити-Дана, 2017. – 704 s.: tabl.–URL: https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=684682;

6. Кузнецова, В. П. Финансы и кредит : учебнойе пособийе : [16+] / В. П. Кузнецова, Л. П. Вардомаская, М. П. Соловейкина ; под ред. В. П. Кузнецовой;

7. Ивасенко, А. Г. Финансы: 100 екзаменatsionных ответов : учебнойе пособийе : [16+] / А. Г. Ивасенко, В. Д. Михалев, Я. И. Никонова. – 4-йе изд., стер. – Москва: ФЛИНТА, 2022. – 281 s. – Rejim dostupa: po podpiske. – URL: https://biblioclub.ru/index.php?page=book&id=103527.

8. Ковалева В. В. Финансы: учеб. -2-йе изд., перераб. и доп./иод ред.—М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007.—с.184-195 (610 s).

[1] Gupta S., Kangur A., Papageorgiou C., Wane A. (2014). Efficiency-adjusted public capital and growth. World Development, Vol. 57, No. C, pp. 164 — 178.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

9. Meyliev O. R. Mahalliy byudjetlar moliyaviy barqarorligini ta’minlash yo‘llari // “Xalqaro moliya va hisob” ilmiy jurnali. №4, avgust, 2021-yil. ISSN: 2181-1016. / https://www.researchgate.net/publication/354782180.

10. Xaydarov M.T. Mahalliy byudjetlar mustaqilligini oshirish masalalari // Iqtisod va moliya, 2017-y.- 21-30 bb. / https://cyberleninka.ru/article/n/ma-alliy-byudzhetlar-musta-illigini-oshirish-masalalari.

11. X.A.Qubonov Hududlar byudjet salohiyatini oshirish orqali ularni subvensiya dan chiqarish imkoniyatlari. // Iqtisodiyot va ta’lim, 2017-yil, Maxsus son. - 60-65 betlar.

12. Musalimov Sh. I. Doxodnыy potensial mestnых byudjetov: osobennosti i problemы formirovaniya v sovremennых usloviyax // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnali. № 2, mart-aprel, 2020-yil.-16-245 betlar. https://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/3_Musalimov.pdf.

13. O‘roqov U. Yu. Mahalliy byudjetlar mustaqilligini oshirishni takomillashtirish yo‘llari», 08.00.07 – Moliya, pul muomalasi va kredit ixtisosligi bo‘yicha iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori ilmiy darajasini olish bo‘yicha dissertatsiya Avtoreferati.

14. Hanushek E, Woessmann L. (2015). Universal basic skills: What countries stand to gain. Paris: OECD. IMF (2014). World economic outlook. Ch. 3. Is it time for an infrastructure push? The macroeconomic effects of public investment. Washington, DC.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ НАЗАРИЙ-ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Кулибоев Азамат Шоназарович
Бюджет ҳисоби ва ғазначилик кафедрасининг профессори
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: azamatkuliboyev@gmail.com
ORCID: 0000-0002-3357-070X

Аннотация. *Мақолада давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий назоратининг назарий – услубий жиҳатлари кўриб чиқилади. Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратнинг асосий вазифалари, турлари ва шакллари очиб берилган. Бундан ташқари, давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратни ташкил этишдаги мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, назорат тизимини ислоҳ қилиш йўллари белгилаб олинди.*

Калит сўзлар: *давлат тиббиёт ташкилоти, молиявий назорат, молиявий назорат вазифалари, молиявий назорат объектлари, молиявий назорат субъектлари, молиявий назорат тамойиллари, молиявий назорат турлари, молиявий назорат шакллари, назорат, текшириш.*

ТЕОРЕТИЧЕСКО - ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ ОСНОВЫ ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ В ГОСУДАРСТВЕННЫХ МЕДИЦИНСКИХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Кулибоев Азамат Шоназарович
Профессор кафедры бюджетного учета и казначейства
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: azamatkuliboyev@gmail.com
ORCID: 0000-0002-3357-070X

Аннотация. *В статье рассматриваются теоретико-методологические аспекты финансового контроля государственных медицинских организаций. Раскрыты основные задачи, виды и формы финансового контроля в государственных медицинских организациях. Кроме того, были проанализированы существующие проблемы в организации финансового контроля в государственных медицинских организациях и определены пути реформирования системы контроля.*

Ключевые слова: *государственная медицинская организация, финансовый контроль, задачи финансового контроля, объекты финансового контроля, субъекты финансового контроля, принципы финансового контроля, виды финансового контроля, формы финансового контроля, контроль, проверка.*

THEORETICAL - ORGANIZATIONAL BASES OF FINANCIAL CONTROL IN PUBLIC MEDICAL ORGANIZATIONS

Kuliboyev Azamat Shonazarovich
Professor of the Department of Budget Accounting and Treasury
Tashkent State the University of Economics
E-mail: azamatkuliboyev@gmail.com
ORCID: 0000-0002-3357-070X

Abstract. *The article deals with theoretic - methodological aspects of financial control of state medical organizations. The main tasks, types and forms of financial control in state medical organizations are disclosed. In addition, the existing problems in the organization of financial control in public medical organizations were analyzed and ways to reform the control system were identified.*

Key words: *state medical organization, financial control, tasks of financial control, objects of financial control, subjects of financial control, principles of financial control, types of financial control, forms of financial control, control, verification.*

Кириш

Молия йили мобанийда сметалар ижроси жараёни очиқлигини, даромадлар ҳамда харажатларга оид маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш, маблағларнинг мақсадли, манзилли сарфланиши юзасидан кузатувни ва молиялаштиришни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тизимини такомиллаштириш, давлат тиббиёт ташкилотларида бюджет – смета тартибга риоя қилинишини таъминлаш юзасидан жавобгарликни ошириш, шу билан бирга, замонавий ахборот технологиялар ва давлат секторида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини жорий этиш орқали бюджет тизимига оид қонунчилик талабларини бузишни олдини олиш ва профилактикасига юзасидан давлат молиявий назоратининг ролини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, давлат молиявий назоратида бюджет қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида давлат молиявий назорати объектлари ўрганилади, таҳлил қилинади ҳамда таққосланади. Давлат молиявий назорати давлатнинг молия сиёсатини амалга оширишга ва молиявий барқарорлик учун шароитларни яратишга қаратилган. Молиявий назорат услубий жиҳатдан мустақил, барча турдаги молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисобига назорат доирасидаги иқтисодий бошқарув фаолияти ҳисобланади.

Молиявий назорат молия органларида амалга ошириладиган молиявий жараёнларни мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигига, халқаро ҳуқуқ нормаларига, фойдаланишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини ва фаолиятнинг ҳақиқий якуний натижаларига эришишни текширишни таъминлайди [3].

Давлат тиббиёт ташкилотларининг молиявий назорати ташкилотнинг стратегик ва тактик мақсадларига эришишга қаратилган молиясини бошқаришга қаратилган. Шу боисдан бугунги кундаги аҳамиятли масалалардан бири давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратни назарий – услубий жиҳатдан тўғри ташкил этиш ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Тадқиқот мавзуси доирасида мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлари ўрганилди.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари А.Остонокулов, Н.Шанасирова ва Ш.Қурбоновлар томонидан давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ҳамда уларни ривожлантириш истиқболлари тадқиқ қилинган. Жумладан, А.Остонокулов томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишида бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг назарий – услубий асослари тадқиқ этилган. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича молиявий ҳисоботларни тузишнинг услубий муаммолари кўрсатилиб, уларнинг ечими сифатида илмий асосланган таклифлар берилган [4].

Н.Шанасирова соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш борасида тадқиқот олиб борган бўлиб, соғлиқни сақлаш муассасаларида ички аудит ҳамда молиявий назорат хизматларини алоҳида ташкил этиш ҳамда ички аудит хизмати бюджет маблағлари билан биргаликда бюджетдан ташқари

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

маблағлар бўйича ҳам аудит хулосасини бериш кераклигини илмий жиҳатдан асослаб берган [8].

Ш.Қурбонов томонидан давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ички аудитини такомиллаштириш масалалари илмий жиҳатдан тадқиқ қилинган. Унда давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантиришнинг зарурлиги ва аҳамияти, тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ички аудитни амалга оширишнинг назарий ҳамда ҳуқуқий асослари баён қилинган [10].

Хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Федотовнинг илмий тадқиқот ишлари давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини сақлаш харажатларини бухгалтерия ҳисоби ва назорати масалаларига бағишланган. Тадқиқот ишида бухгалтерия ҳисоби методологиясининг асослари, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини сақлаш харажатларини назорат қилиш ва унинг ретроспектив таҳлили кўрсатилган [6].

Е.Федченко давлат муассасаларини бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили ва назорати методологияси бўйича илмий тадқиқот ишида давлат муассасаларининг бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилиш тизимини ислоҳ қилишга комплекс ёндашган ҳамда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги устидан назоратни ташкил этиш моделини ишлаб чиққан [7].

А.Ушаковнинг илмий тадқиқотлари шаҳар соғлиқни сақлаш муассасаларида маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини бухгалтерия ҳисоби ва аудитига бағишланган. Тадқиқотчи томонидан соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасаларнинг даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш самарадорлигини текшириш бўйича асосланган илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган [5].

Давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш услубиётига доир мамлакатимизда илмий – тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Бизнинг фикримизча давлат бюджетидан молиялаштириладиган тиббиёт ташкилотларида фаолият йўналишини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ташкилот раҳбарияти томонидан ишончли маълумотлар асосида бошқарув қарорларини қабул қилинишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабдан ҳам, давлат тиббиёт ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг услубий жиҳатларини амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ такомиллаштириб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида тизимли таҳлил, мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик кузатув, гуруҳлаш ва илмий тадқиқотга оид бошқа усуллар қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратнинг ўзига хос хусусиятлари бор, бу унинг мақсади ва вазифаларида акс этади. Ҳозирги вақтда фаолият юритаётган давлат тиббиёт ташкилотлари бюджет маблағлари ҳисобидан қисман ёки тўлиқ молиялаштирилади. Бу ҳам молиялаштиришнинг ўзига хос томонларидан бири ҳисобланади.

Молиявий назорат субъектига давлат тиббиёт ташкилотида назорат функцияларини бажарувчи махсус бўлимни киритиш мумкин.

Молиявий назорат объекти эса фаолияти бюджет ва бюджетдан ташқари мабағлар ҳисобидан молиялаштириладиган тиббиёт ташкилотининг хўжалик фаолияти ҳисобланади.

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратни ташкил қилиш ҳамда амалга ошиишдан бош мақсад маблағлар, давлат активларидан фойдаланишнинг самарадорлиги

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ва қонунийлигини таъминлашдир.

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратни ташкил қилишнинг белгиланган мақсадига эришиш учун қуйидаги асосий вазифалар бажарилиши керак (1 – чизма).

1 – чизма.

Молиявий назоратнинг вазифалари*



***** Муаллиф томонидан тузилган

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назорат дастлабки, жорий ва кейинги назорат шаклида амалга оширилади.

Дастлабки назоратда давлат тиббиёт ташкилотларининг режаси, дастури ва сметаларининг тузилиши назоратдан ўтказилади.

Жорий назорат – махсус органлар томонидан тезкор амалга ошириб турилади. Бунга бухгалтерия ҳисобининг асосий функцияларидан бири назорат бўлиб, кўп жиҳатдан бухгалтерия ҳисоби тузилмасини тўғри ташкил қилинишига боғлиқлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Кейинги назорат – бу ўтган даврдаги фаолиятни текширишдир, буларга хўжалик

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

фаолиятини комплекс тафтиш ёки молиявий аудитдан ўтказишни киритиш мумкин.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадиган молиявий назорат органларига бюджет қонунчилигида кўрсатилган ваколатли органлар киради [9].

Молиявий назорат давлат тиббиёт ташкилотларида қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин (2 – чизма).

2 – чизма.

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назорати шакллари*

* Муаллиф томонидан тузилган

Текшириш ҳамда мавзули назоратда давлат тиббиёт ташкилотларида айнан бир ҳисобот даври юзасидан назорат объектлари ўрганилади ва фаолияти натижларига баҳо берилади.

Молиявий назоратни эксперт баҳолаш ва аналитик ҳисоб – китоблар шаклидан давлат тиббиёт ташкилотларида дори – дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ҳамда озиқ – овқат маҳсулотларини тўғри сарфланганлигини текшириш жараёнидагина фойдаланилади [1]. Бунда четдан мутахассислар жалб қилиниб, ҳар бир бемор бўйича бир кунлик меъёр асосида сарфланган дори –дармонлар ва ярани боғлаш воситалари ҳамда озиқ –овқат маҳсулотлари миқдори текширилади. Молиявий назоратга оид маълумотлар ва ҳужжатларни ўрганиш шакли давлат тиббиёт ташкилотларига зарур бўлган пуллик тиббий хизмат турлари бўйича тушумлар, моддий харажатлар ва уларнинг сарфланиш ҳолати, пуллик тиббий хизмат турлари калькуляцияси ҳисобни бирламчи ҳужжатлар билан солиштириб текширишда қўлланилади.

Давлат тиббиёт ташкилотларидаги номолиявий активлар ҳамда молиявий активларни инвентаризациядан ўтказиш амалда белгиланган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

талабларига асосланади. Шунингдек, инвентаризация жараёнида аниқланган мол – мулклар, маблағлар камомади ва ортиқча чиқишлари бўйича далолатномалар тузилиб, муассаса раҳбарига бошқарув қарорини қабул қилиш учун тезкор маълумот тайёрланади [2].

Давлат тиббиёт ташкилотлари молиявий ҳисобот кўрсаткичларини таҳлил қилишдан мақсад молия йилида муассасаларда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар кассас ижроси, уларнинг ҳолати, даромадлар ва харажатлар, номолиявий активлар ҳаракати, дебитор ва кредитор қарздорликлар ҳамда фаолият тури бўйича пуллик тиббий хизмат кўрсатишдан тушган маблағларни олдинги йиллар билан таққослаб ўрганишдир. Бунда, муассасанинг молия – хўжалик фаолияти тўлиқ таҳлил қилиниб, бошқарув қарорлари учун тезкор маълумотлар тайёрланади. Юқоридаги молиявий назорат шаклларига кўра қуйидаги назорат текширув турларига ажратилади (3 – чизма).

3 – чизма.

Давлат тиббиёт ташкилотларида назорат текширув турлари



***** Муаллиф томонидан тузилган

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратнинг ҳар бир тури ўзига хос афзалликларга эга.

Профилактик текширувлар тиббиёт ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини дастлабки назорат қилиш босқичида ташкил этилади. Бу молиявий назоратнинг энг самарали усули бўлиб, тиббиёт ташкилотларининг хўжалик фаолиятида турли хил молиявий ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар ва ресурсларни йўқотишнинг олдини олишга ёрдам беради.

Тематик текширув бу тиббиёт ташкилоти томонидан амалга ошириладиган муайян хўжалик операцияларини кейинги назорат қилиш шакли ҳисобланади. Тематик текширувлар пайтида ҳуқуқий маълумотлар, бухгалтерия маълумотлари, хронологик кузатувлар қўлланилади, шунингдек, қимматбаҳо нарсалар ва касса операциялари ҳам, танлаб инвентаризация қилинади.

Тафтиш бу назорат объектини чуқур ва кенгайтирилган қамраб олиш учун қўлланиладиган назорат фаолияти шаклидир. Тафтишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, объектни текширишда унинг барча хўжалик фаолиятини акс эттирувчи турли хил маълумотлар манбаларидан фойдаланилади ва бузилишлар бирламчи ҳужжатлар (смета, счёт-фактуралар, шартномалар, тўлов квитанциялари ва бошқалар) билан тасдиқланади.

Шунингдек, назорат қилиш объектларига кўра назорат чораларини қуйидагиларга бўлиш мумкин: умумдавлат текшириш; соҳалар бўйича текшириш; минтақавий текшириш; объект бўйича текшириш.

Бошқарув фаолияти турларидан бири сифатида давлат тиббиёт ташкилотларида

молиявий назорат бир қатор мажбурий тамойиллар асосида амалга оширилиши керак (4 – чизма).

4 – чизма.

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратнинг мажбурий тамойиллари*



* Муаллиф томонидан тузилган

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратнинг қонунийлик тамойилида муассаса фаолиятини текширувчилар амалдаги тиббиёт ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий –ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиши талаб этилади. Тиббиёт ташкилотида ҳар қандай назорат ишларини олиб боришда ваколатли бўлиши ҳамда амалдаги лавозим йўриқномасидан четга чиқмаслиги керак.

Холислик тамойилининг моҳияти, назоратчи жамоа манфаатлари устуворлигига риоя этиши, беғараз бўлиши ва тахминларга асосланиши, манфаатлар тўқнашуви ёки бошқа шахсларнинг босимлари сабабли ўзининг касбга оид фикр–мулоҳазасида таваккалчилик қилмаслиги, тиббиёт ташкилотининг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларга йўл қўймаслиги керак.

Мустақиллик тамойилида давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратни амалга оширувчи бўлим фақат муассаса раҳбарига бўйсунади ва ҳисобот беради, бошқаларнинг аралашишга йўл қўйилмайди;

Ошкоралик тамойили, давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратнинг натижалари фақатгина, муассасанинг бошқарув ходимларига эмас, балки ишловчи ходимларни ҳам ҳабардор қилишни назарада тутади.

Давлат тиббиёт ташкилотларининг самарадорлик тамойилида тиббиёт муассасасини текшириш давридаги молиявий натижалар таҳлил қилинади, даромадлар билан харажатлар таққослаш йўли билан ҳисобланади.

Амалдаги норматив ҳужжатларга асосан муассасаларнинг молиявий ва номолиявий активларидан фойдаланишдаги моддий жавобгар шахсларнинг лавозимини суистеъмол қилганлиги туфайли маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Молиявий назорат натижалари бўйича текширув далолатномаси тузилади, у молиявий назорат ходимлари, текширилаётган давлат тиббиёт ташкилоти раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. Текширув далолатномаси асосида қонунбузарликларни белгиланган муддатларда бартараф этиш чора –тадбирлари кўрсатилган тақдимнома ёки уни олиш вақтида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма тайёрланади.

Молиявий назорат органлари тақдимномалар ва кўрсатмаларнинг бажарилишини мажбурий равишда назорат қилади. Агар, улар бажарилмаса, жарима шаклида маъмурий чоралар кўрилади.

Хулоса

Давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратни ташкил этиш муаммоларини

иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчидан, бу молиявий назоратни амалга оширишни тартибга солувчи қонунчилик базаси билан боғлиқ муаммолар. Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назорат органларининг ваколатлари ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланмаганлиги, ижро органларининг назорат функциялари ва уларнинг фаолият соҳаларининг чалкашлиги, молиявий назоратни амалга ошириш бўйича аниқ ички стандартларнинг йўқлиги, стратегик молиявий назоратни жорий молиявий назоратдан ажратилмаганлиги, молиявий назорат объектлари доирасининг ноаниқлиги каби ҳуқуқий камчиликлардан иборат.

Муаммоларнинг иккинчи гуруҳи молиявий назорат органлари фаолиятидаги камчиликлар билан боғлиқ. Бюджетнинг даромад қисмини ижро этиш, солиқ ундириш, турли имтиёзлар белгилаш ва тўловлардан озод қилиш бўйича чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги ва қонунга хилофлиги, бюджет олдидаги қарздорликнинг ортиб бориши ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этмаслик ҳолатларини шу гуруҳ камчиликлари сифатида эътироф этиш мумкин.

Мавжуд молиявий назорат тизимининг юқорида тавсифланган барча салбий томонлари мавжуд тузилма ва таъсир кўрсатиш усулларини ислоҳ қилишнинг ишончли ҳуқуқий асосларини яратиш асосида тегишли молиявий назорат тизимини яратишни тақозо этади. Молиявий назоратнинг бундай тизимини дунёда ва мамлакатда ҳукм сураётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароит, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти йўналишларининг доимий равишда кенгайиб бораётгани, шунингдек, ахборот оқимининг кўпайиши ва хўжалик юритувчи субъектларни ўзгартириш тенденцияси талаб этилади.

Шундай қилиб, ҳақиқатан самарали молиявий назоратни яратиш учун молиявий назорат тизимида жиддий ўзгаришларни амалга ошириш керак. Бунда, қуйидаги бир қатор муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади:

«тўлиқ ва тизимли норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш;

ташкилий жиҳатдан молиявий назорат тузилмаларини ислоҳ қилиш;

янги назорат тартиблар тизимини яратиш;

ахборот-технология инфратузилмаси ва услубий базани ташкил этиш;

назорат қилувчи органларнинг моддий-техник, жумладан, ижтимоий ва молиявий фаолиятини таъминлаш» .

Давлат тиббиёт ташкилотларида ички молиявий назоратни яратиш зарурияти туғилганда, уни ташкил этишнинг қуйидаги вариантлари танланиши мақсадга мувофиқ:

“биринчиси, назорат функцияларини тақсимлаш ва уларни тиббиёт ташкилоти бошқаруви ходимлари ўртасида тақсимлаш;

иккинчиси, тиббиёт ташкилотларида жамоатчилик комиссиясини тузиш;

учинчиси, ички аудит бўлимини ташкил этиш. Аудиторни ёллаш ёки штатда бундай лавозимни жорий этиш” .

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ташкилотларда ички назоратни яратиш учун, бошқарув жараёнининг ҳар қандай босқичида назорат объектининг ҳақиқий ҳолати дастлабки режалаштирилган ҳолатдан фарқ қилади. Бундай ўзгаришларнинг сифати ва мазмуни ҳақида ўз вақтида маълумот олиш учун ички назорат тизими зарур.

Умуман олганда, давлат тиббиёт ташкилотларида молиявий назоратнинг назарий, ҳуқуқий асосларини ўрганиш, мамлакатимизда бошқарув ҳисоби назарияси ва амалиётини соғлиқни сақлаш тизимининг ҳамма бўғинларида назорат функциясини таъминлашда комплекс ёндашувга хизмат қилади, дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Kuliboev A. Accounting of income of drugs in state medical institutions //Academic research in modern science. – 2022. –Т. 1. – №. 13. – С. 19-24.

2. Кулибоев, А. (2023). ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ

ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари / Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук / Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, *3*(8). https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N23

3. Кулибоев А. Ш. БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИНГ НАЗАРИЙ–УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ //World scientific research journal. – 2023. – Т. 16. – №. 1. – С. 31-37.

4. Остонокулов А.А. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш Дис. автореф. икт.фан.д-ри (DSc). –Т. 2021. –72 б.

5. Ушаков А.А. Бухгалтерский учет и аудит эффективности использования средств в муниципальных учреждениях здравоохранения. Автореферат дисс. к.э.н. Ростовский государственный экономический университет. Ростов-на-Дону, 2012. -24 с.

6. Федотов А.В. Бухгалтерский учета и контроль расходов по содержанию государственных учреждений здравоохранения Краснодарского Края. Автореферат дисс. к.э.н. Кубанский государственный аграрный университет. Краснодар, 2006. - 24 с.

7. Федченко Е.А. Методология анализа и контроля эффективности использования бюджетных средств государственными (муниципальными) учреждениями. Автореферат дисс. д.э.н. Российкий государственный экономический университет имени Г.В.Плеханова. Москва, 2017. -48 с.

8. Шанасирова Н.А. Соғлиқни сақлаш муассасаларида харажатлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. – Т. 2022. – 56 б.

9. Shonazarovich K.A. Regulatory and legal regulation of accounting in budgetary institutions //EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS). - 2023. - Т. 10. – no. 6. - S. 82-86.

10. Қурбонов Ш.М. Давлат тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби ва ички аудитни такомиллаштириш. и.ф.ф.д. (PhD) дисс. автореферати. – Т. 2022. – 58 б.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

BANKLARDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI JORIY ETISHDAGI RISKLAR

Murodov Bobirjon Hayotjon o‘gli
iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) moliya va moliyaviy tehnologiyalar kafedrasi dotsenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: bobsn0053@mail.ru

Annotatsiya. Maqolada banklar tomonidan joriy qilinayotgan yangi innovatsion moliyaviy texnologiyalarning yangi imkoniyatlarni taqdim etishi bilan birga ularning risk manbalari, ularni klassifikatorlar kesimida xavf darajasi hamda raqamli texnologiyalarni joriy etishda bank faoliyatiga qanday riskar ta’sir ko‘rsatishi tadqiq etigan va ularni minimallashtirish bo‘yicha takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: fintex, risk, moliyaviy risk, strategik risk, operatsion risk, kiberrisk.

РИСКИ ПРИ ВНЕДРЕНИИ В БАНКИ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Мурадов Бобирджан Хаётджана оғлы
доктор философии (PhD) по экономическим наукам
доцент кафедры финансов и финансовых технологий
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: bobsn0053@mail.ru

Аннотация. В статье рассматривается новые инновационные финансовые технологии, внедряемые банками, исследуются новые возможности, а также их потенциальные источники риска, анализируются уровни риска с точки зрения классификаторов и влияние цифровых технологий на банковскую деятельность. Также разработаны предложения по минимизации этих рисков.

Ключевые слова: финтех, риск, финансовый риск, стратегический риск, операционный риск, киберриск.

RISKS IN IMPLEMENTING DIGITAL TECHNOLOGIES IN BANKS

Murodov Bobirjon Hayotjon ogli
Doctor of Philosophy (PhD) in Economic Sciences
Associate Professor of the Department of Finance and Financial Technologies
Tashkent State University of Economics
E-mail: bobsn0053@mail.ru

Abstract. The article examines how the new innovative financial technologies being implemented by banks provide new opportunities, along with their risk sources, the risk levels in

terms of classifiers, and how digital technologies impact bank operations. Proposals for minimizing these risks have also been developed.

Keywords: fintech, risk, financial risk, strategic risk, operational risk, cyber risk.

Kirish

Banklar innovatsion mahsulot va xizmatlarni yetkazib berish uchun raqamli texnologiyalarni tobora ko‘proq o‘zlashtirib, foydalanmoqda. Bunday texnologiyalar – sun’iy intellekt, mashinani o‘rganish, ilg‘or ma’lumotlarni tahlil qilish, taqsimlangan ro‘yxatga olish texnologiyasi, bulutli hisoblash, amaliy dasturlash interfeyslari va boshqalar. Innovatsion texnologiyalar yangi imkoniyatlarni taqdim etishi bilan birga, yangi xavf manbalarini ham yaratadi.

Bank nazorati bo‘yicha Bazel qo‘mitasi o‘z hisobotida ta’kidlaganidek, innovatsion texnologiyalarga tayanadigan banklar samarali risklarni boshqarish jarayonlarini, shuningdek, ularning paydo bo‘lish manbalarini samarali ravishda yo‘q qiladigan nazorat tizimlarini ta’minlashi kerak [7]

Adabiyotlar tahlili

Maqolani tayyorlashda tegishli sohada faoliyat ko`rsatgan olimlarning fikrlaridan foydalanildi. Kerakli xorijiy adabiyotlar, mahalliy qo`lyozmalar va boshqa turli xil o`quv qo`llanmalaridan foydalanildi.

Bank institutlari o‘zlarining an’anaviy faoliyatida duch keladigan xatarlarning tabiati va ko‘lami raqamli texnologiyalarni rivojlantirish sharoitida sezilarli o‘zgarishlarga duch kelmoqda. Shu bilan birga, ilmiy adabiyotlarda bank risklarini tasniflash va risklarni boshqarish tartib-taomillari masalalari (O.I.Lavrushin, N.E.Sokolinskaya, V.V.Jdanovich, B.B.Slavin, M.V.Ershov, E.A.Zvonova,) keng yoritilganiga qaramay [1; 2; 3; 4;], bank tavakkalchiligi muammolari, raqamlashtirishning bank risklari transformatsiyasiga ta’siri yetarlicha o‘rganilmagan.

Tahlil va natijalar

Mutaxassislarning ta’kidlashicha, raqamli texnologiyalarni joriy etish 1-jadvalda ko‘rsatilganidek, moliyaviy bo‘lmagan risklar toifasiga eng katta ta’sir ko‘rsatadi, ya’ni kiberxavfsizlik, komplaens risklari, firibgarlik risklari, shuningdek foydalaniladigan banklarning ta’siri bilan bog‘liq risklar, noqonuniy olingan mablag‘larni legallashtirish va terrorizmni moliyalashtirish (AML/CFT) [8].

1-jadval

Bank risklarining klassifikatsiyasi*

Moliyaviy risklar	Moliya bilan bog`liq bo`lmagan risklar
Kapitalni boshqarish bilan bo`gliq risklar	Bank biznes-modeli bilan bog`liq risklar
Kredit riski	Tashkilot madaniyati bilan bog`liq risklar
Likvidlilik riski	Kiber-risk
Bozor riski	Maxfiylik risklar
Regulyator riski	Operatsion risklar
Stress-test	Reputatsion risklar
	Raqamlashtirish bilan bog`liq risklar
	AML/CFT risklar

*Tadqiqot obyekti misolida muallif tomonidan tuzilgan

G‘arb mutaxassislari bu masalani asosan fintex sanoatini o‘rganish doirasida o‘rganadilar Fintexning bank faoliyatiga ta’sirini tahlil qilishga *(shu jumladan bank risklarini o‘zgartirishga)* bag‘ishlangan eng muhim tadqiqot 2018 yilda Bazel bank nazorati qo‘mitasi tomonidan chiqarilgan xuddi shu nomdagi hujjatdir [7].

Raqamli texnologiyalarni rivojlantirish bilan bog‘liq asosiy xavflar strategik xavf, operatsion xavf, kiber risk va muvofiqlik xavfi hisoblanadi. Ushbu risklar mavjud banklarga xosdir va moliyaviy xizmatlar bozorining yangi ishtirokchilari uchun potentsial ahamiyatga ega bo‘lishi mumkin.

Yana bir muhim tadqiqot Ernst & Young audit va konsalting kompaniyasi tomonidan Xalqaro moliya instituti bilan hamkorlikda tayyorlangan bank risklarini boshqarishning global sharhidir. 20 dan ortiq yirik banklar o‘rtasida o‘tkazilgan tahlil asosida tadqiqotning asosiy qoidalarini umumlashtirib, quyidagilarni ta’kidlash maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz:

1) Raqamli texnologiyalarni joriy etish bilan bog‘liq asosiy muammolar sifatida banklar o‘zgaruvchan risklar landshaftini (birinchi navbatda kiberxavfsizlik sohasida) va fintex kompaniyalari raqobatining kuchayishini nomladilar.

2) Bank mahsulotlari va xizmatlarini taqdim etishda raqamli texnologiyalarning chuqur kirib borishiga qaramay, bank infratuzilmasining uning operativ ishlashini ta’minlaydigan qismini (bek-ofis) raqamlashtirish uchun salmoqli salohiyat mavjud.

3) Raqamlashtirishning istiqbolli yo‘nalishi sifatida banklar nafaqat moliyaviy, balki moliyaviy bo‘lmagan risklarni ham (masalan, obro‘-e’tibor, strategik, kiber risklar) miqdoriy baholash modellarini joriy etishni ta’kidlamoqda.

4) Moslashuvchanlikni saqlash va kiberxavflardan himoya qilish risklarni boshqarishni takomillashtirishning asosiy yo‘nalishi bo‘lib, banklarni operativ barqarorlik tushunchasi va uning tarkibiy qismlarini qayta ko‘rib chiqishga majbur qiladi. Shunday qilib, ekspert hisob-kitoblariga ko‘ra, birgina 2016 yilning o‘zida banklarning axborot tizimlarida shaxsiy ma’lumotlarni saqlash tizimlaridagi buzilishlar natijasida yuzaga kelgan 4000 dan ortiq zaifliklar aniqlangan [9].

Shu bilan birga, raqamli texnologiyalarni joriy etishda bank faoliyatiga quyidagi xavflar katta ta’sir ko‘rsatadi:

Strategik xavf. Bozorga kirish imkoniyati va bir qator G‘arb mamlakatlarida qonunchiligi allaqachon o‘zgartirilgan va maxsus tartibga solish rejimlari yaratilgan fintex kompaniyalarining jadal rivojlanishi alohida banklarning rentabelligini yo‘qotish xavfini oshiradi. Mavjud moliya institutlari, agar yangi ishtirokchilar texnologiyalardan yaxshiroq foydalana olmasalar, bozor ulushlarining muhim qismini yo‘qotishi mumkin. Mijozlar talablarini yaxshiroq qondiradigan, ammo arzonroq xizmatlarni taqdim etish kerak. Bugungi sharoitda mijozlar bilan o‘zaro munosabatlarda moslashuvchanlikning yo‘qligi tufayli rentabellikning yomonlashishi mavjud bank muassasalarining biznes tsikllariga bardosh berish qobiliyatini zaiflashtirishi mumkin.

Operatsion xavf. Raqamli texnologiyalarning keng qo‘llanilishi bir xil platformalardan foydalanadigan bozor ishtirokchilari o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikning kuchayishiga olib keladi, bu esa IT infratuzilmasining ishlamay qolishi tizimli inqirozga, ayniqsa bir yoki bir nechta dominant o‘yinchilarning xizmatlari jamlanganda rivojlanishiga olib kelishi mumkin.

Bundan tashqari, bank sektorining kengayishi tizimning murakkabligini oshiradi va risklarni boshqarish bo‘yicha cheklangan tajriba va bilimga ega bo‘lishi mumkin bo‘lgan sub’ektlarning paydo bo‘lishiga olib keladi.

Yevropa Tizimli Risk Kengashining ekspertlar guruhi o‘z tadqiqotida ta’kidlaganidek, eskirgan bank IT tizimlarini yangi sharoitlarga moslashtirish juda qiyin bo‘ladi [10]. Bundan tashqari, ko‘pgina banklar autsorsing orqali (masalan, bulutli hisoblashdan foydalanish) yoki texnologiya kompaniyalari bilan boshqa hamkorliklar orqali sezilarli miqdordagi uchinchi shaxslardan foydalanishga moyildirlar, bu esa risklarni boshqarishning murakkabligini oshiradi va umuman operatsiyalarning shaffofligini pasaytiradi. Uchinchi tomon xizmatlariga ko‘p ishonish amaliyoti ma’lumotlar xavfsizligi, maxfiylik, pul yuvish va kiber jinoyatlar bilan bog‘liq xavflarning oshishiga olib kelishi mumkin. Agar tartibga solish rejimi tartibga solish standartlariga rioya qilish va ushbu xavflarni boshqarish uchun nazoratni ta’minlashda etarli darajada samaradorlikni ta’minlamasa, bu xavflar yanada kuchayadi. Bundan tashqari, uchinchi tomon xizmat ko‘rsatuvchi provayderlardan foydalanish bankning kontragentlarni qo‘llab-

quvvatlash bo‘yicha norasmiy majburiyatlari bilan bog‘liq risklarni oshirishi mumkin: banklar moliyaviy qiyinchilikka duchor bo‘lgan provayderni qo‘llab-quvvatlash imkoniyatiga ega bo‘lishi yoki aks holda muhim xizmatlardan mahrum bo‘lishi mumkin.

Muvofiqlik talablari va AML/CFT standartlariga javob berishda qiyinchiliklar ortib bormoqda. Raqamlashtirish AML/CFT bilan bog‘liq yangi xavf va muammolarni keltirib chiqaradi. Yangi moliyaviy mahsulotlar va texnologiyalarning paydo bo‘lishi tufayli zaiflikning yangi sohalari rivojlanishi mumkin. Raqamli texnologiyalarning tarqalishi fintex kompaniyalari sonining ko‘payishiga olib keladi, ularning paydo bo‘lishi ko‘plab mamlakatlarda, bir tomondan, transchegaraviy operatsiyalarni osonlashtirdi va arzonlashtirdi (masalan, AQShda Ripple), lekin, boshqa tomondan, monitoring operatsiyalarini qiyinlashtirdi.

Nihoyat, moliya sektoriga yangi qatnashuvchilar bank tizimini katta darajada o‘zgartirish imkoniyatiga ega bo‘lsalar-da, ular ko‘pincha bank sektorini tartibga solish doirasidan tashqariga chiqishlari va banklarga qaraganda kamroq qat’iy AML/CFT qoidalariga bo‘ysunishlari mumkin. Shunday qilib, agar chora-tadbirlar AML/CFT xavfiga mutanosib bo‘lmasa, qonunchilikdagi bo‘shliqlar va bo‘shliqlar raqobatning ma’lum darajada buzilishiga olib kelishi mumkin.

Bundan tashqari, agar banklar fintex kompaniyalari bilan hamkorlik qilsa va o‘z mijozlari nomidan tranzaktsiyalarni amalga oshirsa, ular ushbu operatsiyalarni AML/CFT risklarini monitoring qilish tizimlari perimetriga kiritishlari kerak bo‘ladi. Bu amaldagi amaliyotdan farq qiladi, chunki hozirgi vaqtda mijoz bank kartasi yoki hisob raqamidan foydalangan holda to‘lovlarni amalga oshirganda, bank mijozni to‘g‘ri aniqlash va unga shubhali operatsiyalarni amalga oshirishga ruxsat berish uchun javobgardir [5]. Buning natijasi banklar va fintexlar o‘rtasida ko‘proq avtomatlashtirish, tranzaktsiyalar qanday amalga oshirilayotgani va muvofiqlik uchun kim mas’ul ekanligi haqida kamroq shaffoflik bo‘lishi mumkin. Shunday qilib, fintex kompaniyalarining jalb etilishi banklar uchun AML/CFT risklarini oshiradi, chunki ular o‘z harakatlari uchun mas’uliyatni oshiradilar.

Muvofiqlik xavfi (shu jumladan shaxsiy ma’lumotlarni himoya qilish to‘g‘risidagi qonun hujjatlari talablariga rioya qilmaslik xavfi). Banklar har biri mijozlarning shaxsiy ma’lumotlariga kirish va o‘z maqsadlarida foydalanishga intilayotgan ko‘plab uchinchi shaxslar bilan hamkorlik qilganda ma’lumotlarning maxfiyligi talablariga rioya qilmaslik xavfi ortadi.

Uchinchi tomon risklari (yoki autsorsing riski). Banklar raqamli mahsulotlarga operativ yordam ko‘rsatish uchun uchinchi tomon xizmat ko‘rsatuvchi provayderlarga tobora ko‘proq murojaat qilmoqda. Deloitte xalqaro auditorlik va konsalting kompaniyasi tomonidan qayd etilganidek, bank sektorida autsorsingni rivojlantirishning asosiy omillari xarajatlarni kamaytirish, operatsion moslashuvchanlik va xavfsizlik va operatsion barqarorlikni oshirish hisoblanadi. Shu bilan birga, bank nazorati bo‘yicha Bazel qo‘mitasi standartlariga ko‘ra, bankning funktsional imkoniyatlarining bir qismi autsorsingga berilishi mumkin bo‘lsa-da, bu bilan bog‘liq risklar va majburiyatlar banklarda qoladi.

Bank xizmatlarini autsorsing qilish va uchinchi shaxslarni jalb qilishda tavakkalchilikni boshqarishning asosiy tamoyillari “Bank nazoratining asosiy tamoyillari” (2012), “Bankning operativ risklarini boshqarish tamoyillari” (2011) va “Moliyaviy xizmatlarda autsorsing” (2005) yo‘riqnomasida keltirilgan. Ushbu tamoyillarning ba’zilari korporativ boshqaruv asoslariga taalluqlidir, bu nafaqat mavjud banklar, balki moliya sektorining yangi ishtirokchilari uchun ham dolzarbdir.

Agar bank mahsulotlari va xizmatlarini taklif qilishda bir nechta tomonlar ishtirok etsa (masalan, bir nechta banklar va/yoki fintex kompaniyalari), u holda turli xil qonuniy talablarga rioya qilish bo‘yicha majburiyatlarni taqsimlashda noaniqlik yuzaga kelishi mumkin, bu esa operatsion hodisalar ehtimolini oshirishi mumkin. Shunday qilib, moliyaviy institutlar uchun asosiy masala uchinchi shaxslarda o‘z tashkilotlaridan tashqarida amalga oshiriladigan operatsiyalar va risklarni boshqarish faoliyatini kuzatish qobiliyati bo‘ladi. Agar eng yirik kompaniyalar uchinchi shaxslar tomonidan ko‘rsatiladigan xizmatlarning ma’lum bir qismida

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ishtirok etsa, autsorsing bilan bog‘liq xavf yanada aniqroq bo‘ladi, bu esa xavf kontsentratsiyasining oshishiga olib keladi.

Kiberxavf. Bank nazorati bo‘yicha Bazel qo‘mitasining so‘nggi tadqiqotlaridan biriga ko‘ra, kiberxavflarning o‘sishi ham banklar, ham nazorat organlari tomonidan raqamli texnologiyalardan foydalanishda zaiflikning asosiy yo‘nalishlaridan biri sifatida aniqlangan. Yangi texnologiyalar va biznes modellari bankning boshqaruv tizimlari eskirgan va o‘zgarishlarga moslasha olmasa, uning kiberxavflarga duchor bo‘lishini sezilarli darajada oshiradi. Bundan tashqari, ekvivalent bank qoidalari bilan qamrab olinmagan tashkilotlar va sektorlar bilan o‘zaro bog‘liqlikni oshiradigan yangi texnologiyalarga ko‘proq tayanish bank tizimini kibertahdidlarga nisbatan zaifroq qilish va katta hajmdagi shaxsiy ma’lumotlarni potentsial buzilishlarga duchor qilish potentsialiga ega.

Ernst & Young tomonidan o‘tkazilgan so‘nggi so‘rovga ko‘ra, kiberxavf bilan bog‘liq boshqa muammolar tizimli ahamiyatga ega bo‘lgan moliyaviy institutlarga yoki hatto telekommunikatsiya yoki bulut provayderlari kabi boshqa muhim infratuzilma tarmoqlariga kiberhujumlardir [7].

Ma’lumotlarning maxfiyligi va kiberxavfsizlik bilan bog‘liq muammolarning uyg‘unligini hisobga olsak, 1-rasmda ko‘rsatilganidek va so‘rovlarga ko‘ra, banklar mijozlar ma’lumotlarining yo‘qolishidan eng ko‘p tashvishlanayotgani ajablanarli emas.

1-chizma.

Erns&Young so`rovnomasiga ko`ra kiberxavfsizlik sohasida banklardagi asosiy tahdidlar va risklar*



*Tadqiqot obyekti misolida muallif tomonidan tuzilgan.

Biroq banklar, shuningdek, ma’lumotlarga kirish va yaxlitlik bilan bog‘liq xavotirlarga ega, har ikki moliya institutidan biri (51%) kelgusi besh yil ichida bu muammolarni asosiy xavf sifatida ko‘radi.

Likvidlik xavfi. Yangi texnologiyalar va zamonaviy mobil qurilmalardan foydalanish mijozlarga bir zumda turli bank hisobvaraqlari, depozitlar o‘rtasida almashish, turli qimmatli qog‘ozlarga sarmoya kiritish yoki yuqori daromad olish uchun investitsiya fondi bo‘linmalarini sotib olish imkonini beradi. Investitsion mahsulotlarning keng assortimentini taqdim etish, bir tomondan, mijozlarning sodiqligini oshiradi, ikkinchi tomondan, bank depozit hisobvaraqlarida saqlanadigan mablag‘larning o‘zgaruvchanligini oshiradi. Bularning barchasi, o‘z navbatida, banklar uchun likvidlik xavfining oshishiga olib kelishi mumkin.

Bulutli texnologiyalardan foydalanish bilan bog‘liq xavflar. Maxfiy bank ma’lumotlarini saqlash uchun bulutli texnologiya provayderlaridan foydalanish bir qator potentsial zaifliklar bilan bog‘liq bo‘lib, ular ma’lumotlarning yo‘qolishi, uning yaxlitligi va istalgan vaqtda istalgan vaqtda mavjudligini saqlab qolishdir. Ushbu texnologiyalardan foydalanish regulyatorlar orasida ham ba’zi xavotirlarni keltirib chiqaradi. Shu bilan birga, ekspert so‘rovlariga ko‘ra, banklarni tartibga soluvchi organlardan ko‘ra ko‘proq obro‘-e’tibor xavfi, davlat organlari esa

ma’lumotlarning geografik joylashuvi va ular saqlanadigan serverlar haqida qayg‘uradi.

Bank ishini raqamlashtirishning birinchi bosqichida (rivojlanayotgan raqobatga javob) banklar o‘zlarining eskirgan texnologik tizimlarini saqlab qolishga harakat qilmoqdalar, shuningdek, hozirgi bosqichda asosiy texnologik ishlanma sifatida shaxsiy identifikatsiya tizimidagi kamchiliklarni bartaraf etish ustida ishlamoqdalar. Banklar ko‘rib chiqilayotgan davrda undan keyingi foydalanish uchun risklarni boshqarish tizimining asosiy elementlarini ishlab chiqayotganligi sababli, asosiy e’tibor moliyaviy risklarga qaratilgan. Ularni minimallashtirish maqsadida banklar risklarni boshqarish tizimlarini ishlab chiqishda ishtirok etadigan xodimlar sonini kengaytirmoqda.

Keyingi bosqichda (texnologik moslashuv) banklar mijozlar tajribasini raqamlashtirishga – aksariyat bank mahsulotlari va xizmatlarini onlayn rejimga o‘tkazishga, kiber risklarni boshqarish tizimini joriy etishga intilmoqda. Ushbu bosqichda asosiy e’tibor moliyaviy bo‘lmagan risklarga qaratiladi, ular uchun ilgari ishlab chiqilgan risklarni boshqarishning operatsion tizimi qo‘llaniladi.

Raqamlashtirishning yakuniy bosqichida (strategik joylashishni aniqlash) banklar o‘zlarining orqa ofislarini modernizatsiya qiladilar, barcha biznes-jarayonlarda (qo‘shilish va qo‘shib olish, kontragentlarni tekshirish, yangi mahsulotlarni ishlab chiqish) kiberxavfsizlik standartlarini joriy etadilar. Bu davrda asosiy e’tibor moliyaviy va nomoliyaviy risklarni boshqarish va muvozanatiga erishishga qaratiladi. Xatarlarni minimallashtirish uchun avtomatlashtirish texnologiyalari, mashinalarni o‘rganish va sun’iy intellektdan foydalangan holda xavflarni boshqarish tizimi qo‘llaniladi.

Asosiy natijalarni hisobga olgan holda, xorijiy mamlakatlarda raqamli texnologiyalarni rivojlantirish sharoitida bank faoliyatini tartibga solishni o‘zgartirishning asosiy yo‘llarini o‘rganish, shuningdek, bank faoliyatini tartibga solish bo‘yicha qonunchilikni takomillashtirish bo‘yicha taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqish maqsadga muvofiqdir.

Xulosa

Banklarni raqamlashtirish bosqichlarini aniqlash muammosini ilmiy jihatdan ishlab chiqish darajasi ahamiyatsiz. Mavjud kontseptsiyalarni ko‘rib chiqish va ularning kamchiliklarini aniqlash regulyatorlarning reaktsiyasini hisobga olgan holda bank faoliyatini raqamli o‘zgartirish bosqichlari tasnifini ishlab chiqish imkonini beradi.

An’anaviy bank biznes modellarining kamchiliklari keltirilgan holda, banklar uchun raqamlashtirishning strategik afzalliklarini alohifa ta’kidlab o‘tish zarur. O‘tkazilgan tahlillar, shuningdek, xorijiy amaliyotni ko‘rib chiqish raqamlashtirish sharoitida bank biznes modellarini o‘zgartirishning asosiy yo‘nalishlarini tizimlashtirishga imkon yaratadi degan xulosaga kelish mumkin.

Banklar uchun tartibga solish texnologiyalarini (regtex) qo‘llashning asosiy yo‘nalishlari, ularning bank faoliyatining turli sohalarida foydalanishning asosiy afzalliklaridam kengroq foydalanilgan holda Regtexni joriy etish mavjud me’yoriy to‘siqlar va ularni hal qilish yo‘llarida keng ko‘lamlik echimga asos bo‘lishi mumkin.

Shuningder, raqamli texnologiyalarni joriy etishda banklar duch keladigan asosiy xavf va tahdidlarni tizimlashtirish avvalroq taqdim etilgan bank faoliyatini raqamlashtirish bosqichlari tasnifi asosida banklarning yuzaga kelayotgan risklarga qanday munosabatda bo‘lishlari va ularni boshqarish bo‘yicha asosiy qoidalarini umumlashtirish ga imkon yaratadi degan xulosaga kelish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Абрамова М.А. Об основных направлениях единой государственной денежно-кредитной политики на 2019 год и период 2020 и 2021 годов: мнение экспертов Финансового университета / М.А. Абрамова [и др.] // Экономика. Налоги. Право. – 2019. – № 1. – С. 6–19. – ISSN 999-849X.

2. Ершов М.В. Десять лет после глобального кризиса: риски и перспективы / М.В.

Ершов // Вопросы экономики,. – 2019. – № 1. – С. 37–53.– ISSN 0042-8736.

3. Жданович В.В. О роли регулирования в совершенствовании механизмов противодействия оттоку капитала за рубеж / О. С. Рудакова, В.В. Жданович // Финансовые рынки и банки. – 2020. – № 4. – С. 70–74. – ISSN 2658-3917.

4. Лаврушин О.И. Совершенствование регулирования банковской деятельности и формирование ее новой модели / О.И. Лаврушин // Банковское право. – 2018. – № 4. – С. 61–65. – ISSN 1812-3945.

5. Жданович В.В. Трансформация регулирования банковской деятельности в условиях развития цифровых технологий. Диссертация. Федеральное государственное образовательное бюджетное учреждение высшего образования «Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации» – 2019.

6. Жданович В.В. Основные направления использования FinTech в целях развития финансового сектора и повышения качества соблюдения регуляторных требований / В.В. Жданович // Экономика и предпринимательство. – 2019. – № 9 (110). – С. 1000–1003. – ISSN 1999-2300.

7. Basel Committee on Banking Supervision: Sound Practices Implications of fintech developments for banks and bank supervisors // Официальный сайт Банка международных расчетов. URL: https://www.bis.org/bcbs/publ/d431.pdf

8. An endurance course: surviving and thriving through 10 major risks over the next decade. Tenth annual EY/IIF global bank risk management survey // URL: https://www.ey.com/Publication/vwLUAssets/ey-global-risk-survey-2019/$FILE/ey-global-risk-survey-2019.pdf

9. Trends of cybersecurity: Reseatch by Computer institute –// Официальный сайт Компьютерного института. – URL: https://www.computer.org/publications/technews/trends

10. Regulatory complexity and the quest for robust regulation: Reports of the Advisory Scientific Committee // Официальный сайт Европейского совета по системным рискам.– https://www.esrb.europa.eu/pub/pdf/asc/esrb.asc

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ДЕПОЗИТЛАРИНИНГ РОЛИ

Жўраев Исроил Иброҳимович

иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
доцент
банк иши кафедраси
Тошкент давлат иқтисодиёт университет
E-mail:isroil_juraev@mail.ru
ORCID: 0000-0002-5607-0089

Аннотация. Депозит операциялари тижорат банклари учун асосий молиялаштириш манбаи ҳисобланади ва уларнинг барқарорлиги банк фаолиятининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Банк барқарорлигини таъминлашда узоқ муддатли ва диверсификацияланган депозит базасининг аҳамияти катта. Мақолада депозит операциялари орқали банк ликвидлигини таъминлаш, мижозлар ишончини мустаҳкамлаш ва молиявий рискларни бошқариш механизмлари таҳлил қилинган. Шунингдек халқаро тажриба асосида депозит базасини барқарорлаштириш бўйича тавсиялар берилган. Банкларнинг самарали депозит сиёсати уларнинг молиявий барқарорлигини сақлаш, кредитлаш фаолиятини ривожлантириш ва иқтисодиётнинг умумий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Мақолада берилган таҳлиллар ва хулосалар тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, кредит, депозит, молиявий барқарорлик, капитал етарлилиги, мижоз ишончи, рискни бошқариш, халқаро стандарт, Базель III, бозор рисклари, кредитлаш фаолияти, молиялаштириш манбалари, узоқ муддатли депозит, ликвидлик, депозит базаси, иверсификация, фоиз сиёсати, банк ликвидлиги

РОЛЬ ДЕПОЗИТОВ В ОБЕСПЕЧЕНИИ СТАБИЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Жураев Исраил Ибрагимович

доктор философии по
экономическим наукам(PhD)
доцент
кафедра банковского дела
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail:isroil_juraev@mail.ru
ORCID: 0000-0002-5607-0089

Аннотация. Депозитные операции являются основным источником финансирования коммерческих банков, и их стабильность напрямую влияет на эффективность банковских операций. Долгосрочная и диверсифицированная депозитная база имеет большое значение для обеспечения стабильности банка. В статье анализируются механизмы обеспечения ликвидности банка посредством депозитных операций, укрепления доверия клиентов и управления финансовыми рисками. Также представлены рекомендации по стабилизации депозитной базы, основанные на международном опыте. Эффективная депозитная политика банков положительно влияет на поддержание их финансовой устойчивости, развитие кредитной деятельности и общее состояние экономики. Анализ и выводы,

представленные в статье, направлены на совершенствование депозитной политики коммерческих банков.

Ключевые слова: коммерческие банки, кредит, депозит, финансовая устойчивость, достаточность капитала, доверие клиентов, управление рисками, международные стандарты, Базель III, рыночные риски, кредитная деятельность, источники финансирования, долгосрочные депозиты, ликвидность, депозитная база, диверсификация, проценты. политика, банковская ликвидность

THE ROLE OF DEPOSITS IN ENSURING THE STABILITY OF COMMERCIAL BANKS

Jurayev Isroil Ibrohimovich

Associate Professor PhD,
Department of Banking
Tashkent State University of Economics
Tashkent, Uzbekistan
E-mail:isroil_juraev@mail.ru
ORCID: 0000-0002-5607-0089

Abstract. Deposit operations are the main source of financing for commercial banks, and their stability directly affects the efficiency of banking operations. A long-term and diversified deposit base is of great importance for ensuring the stability of the bank. This article analyzes the mechanisms for ensuring bank liquidity through deposit operations, strengthening customer confidence and managing financial risks. It also provides recommendations for stabilizing the deposit base based on international experience. An effective deposit policy for banks has a positive effect on maintaining their financial stability, developing lending activities and the general state of the economy. The analysis and conclusions presented in the article are aimed at improving the deposit policy of commercial banks.

Keywords: commercial banks, credit, deposit, financial stability, capital adequacy, customer confidence, risk management, international standards, Basel III, market risks, credit activity, funding sources, long-term deposits, liquidity, deposit base, diversification, interest. policy, banking liquidity

Кириш

Тижорат банклари ҳар қандай иқтисодиётнинг молиявий тизимида марказий ўрин тутади. Улар жамиятдаги молиявий ресурсларни самарали бошқариб, иқтисодий фаолликни рағбатлантиришга хизмат қилади. Тижорат банклари учун депозитлар асосий ресурс манбаи бўлиб, уларнинг барқарорлиги банк тизими фаолиятининг узлуксизлигини кафолатлайди. Ўзбекистон шароитида тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатда банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича қатор муҳим ислоҳотлар амалга оширилди.

2021 йилда мамлакатда депозитлар ҳажми 156,1 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2024 йил 1 декабр ҳолатига келиб, бу кўрсаткич 297,4 трлн сўмга етди, бу эса 1,9 баробар ўсишни англатади [5]. Аҳолининг молиявий тизимга бўлган ишончини ошириш мақсадида омонатларни кафолатлаш тизими такомиллаштирилди ва фоиз ставкалари бозор шароитига мувофиқ қайта кўриб чиқилди. Шунингдек рақамли банк хизматларининг ривожланиши депозит базасининг барқарорлигини таъминлашда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш

стратегияси" ПФ-5992-сон фармонида юридик ва жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитларини янада ошириш, шунингдек банкларнинг халқаро капитал бозорларига чиқиши ҳисобига банк тизимига қўшимча ресурсларни жалб қилиш, банкларнинг депозитларини банк мажбуриятларига нисбатан 60 фоизга етказиш, депозитларнинг ЯИМга нисбатини 27 фоизгача ошириш вазифалари қўйилган.

Ушбу фармонда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, миллий валютадаги депозитларни рағбатлантириш орқали аҳолининг банкларга ишончини мустаҳкамлаш, валюта курсини барқарорлаштириш ва инфляцияни назорат қилиш имкони яратилади. Шунингдек, банклар учун арзон ва барқарор ресурс манбаини шакллантириш орқали иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини ошириш ҳам кўзда тутилган. Тижорат банклари депозитлари ҳажмининг ошиши ички сармояларни мобилизация қилишга ёрдам беради ва бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг узоқ муддатли ривожланишига хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи

Тижорат банклари барқарорлигини таъминлашда депозит операциялари марказий ўрин тутади, чунки депозитлар банкнинг асосий молиявий манбаи бўлиб, унинг ликвидлик ва рентабеллик даражасини белгилаб беради. Назарий жиҳатдан депозит операциялари банк ресурс базасини шакллантиришда асосий восита сифатида қаралади. Улар банкнинг мижозлар билан муносабатларини мустаҳкамлаш, молиявий воситачилик фаолиятини кенгайтириш ва жамғармаларни иқтисодиётнинг реал секторларига йўналтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада бир қатор иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида турли хил ёндошувлар мавжуд.

Б. Шермуҳаммедовнинг фикрича, «Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларида юқори риск даражаси мавжудлиги уларни иқтисодий инқирозга учраш эҳтимоли жуда катта бўлишидан далолат беради. Мана шу ҳолат омонатчиларни банкларга маблағларни жалб этиш бўйича иккиланиш ҳолатининг вужудга келишига сабаб бўлади. Шу боис банк омонатларини кафолатлаш масаласига алоҳида эътибор берилиши талаб этилади. Шу жиҳатдан, фикримизча, мамлакатимиз тижорат банклари депозитлари таркибида муддатли ва жамғарма депозитлар улушини кескин дажарада ошириш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим» [1].

Бен Бернанке ўзининг молиявий инқирозлар ва банк тизими тўғрисидаги тадқиқотларида банк депозитларининг аҳамиятини турли жиҳатлардан ёритган. Унинг 1983 йилдаги “Nonmonetary Effects of the Financial Crisis in the Propagation of the Great Depression” номли машҳур мақоласида банк тизимининг барқарорлиги иқтисодий фаолият учун қандай муҳим эканлиги таҳлил қилинган.

Унинг фикрича, банклардаги депозитларнинг барқарорлиги фақат молиявий бозорлар учун эмас, балки иқтисодий барқарорлик учун ҳам муҳимдир. Бернанке депозит операцияларини мижозлар ишончини сақлаш воситаси сифатида кўриб, уларнинг салбий таъсири молиявий инқирозларни янада чуқурлаштириши мумкинлигини таъкидлайди. Шунингдек, у давлат томонидан депозитлар кафолатланиши ёки банкларни қўллаб-қувватлаш чоралари иқтисодий барқарорликни сақлаб қолишда ҳал қилувчи омил бўлиши мумкинлигини кўрсатади [2].

Эдвин Дж. Долан ўзининг "Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика" асарида банк тизимида депозитларни яратишнинг мултипликатив хусусиятини таъкидлайди. Унинг фикрича, банклар жалб қилган депозитларнинг маълум бир қисмини захира сифатида сақлаб, қолган қисмини кредит бериш учун ишлатади. Бу кредит, ўз навбатида, янги депозитларни яратиб, пул массасининг кўпайишига олиб келади. Долан бу жараённи "депозит мультипликатори" концепцияси орқали изоҳлайди, яъни захира меъёри қанчалик паст бўлса, депозит мултипликатори шунчалик юқори бўлади. Бу концепция банк тизимида ликвидликни ошириш ва иқтисодиётда кредитлаш жараёнини рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга [3].

Фредерик С. Мишкиннинг "The Economics of Money, Banking, and Financial Markets" асарида банк депозитларининг банк барқарорлигига таъсири чуқур таҳлил қилинган. Муаллифнинг таъкидлашича, банклар учун депозитлар асосий молиялаштириш манбаи бўлиб, уларнинг барқарорлиги банк тизимининг умумий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Депозитлар оқимидаги кескин ўзгаришлар банк ликвидлигига салбий таъсир қилиши мумкин, бу эса банкнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажариш қобилиятини пасайтиради [4]. Шунингдек депозитларнинг диверсификация қилинмаганлиги банкнинг молиявий хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин. С. Мишкиннинг фикрича, банклар депозитларни самарали бошқариш ва мижозлар ишончини сақлаш орқали молиявий барқарорликни таъминлашлари лозим.

Таҳлил ва натижалар

Сўнгги йилларда Ўзбекистон тижорат банкларининг депозит базаси сезиларли даражада ўсди. Бу ўсишга бир қатор омиллар таъсир кўрсатди. Аввало мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва Марказий банкнинг қатъий пул-кредит сиёсати инфляция даражасини пасайтиришга ёрдам берди, бу эса аҳоли ва бизнес субъектларининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлади. Шунингдек, тижорат банклари томонидан жорий этилган рақамли технологиялар ва онлайн хизматлар мижозларга қулайлик яратиб, омонатларни жалб қилиш жараёнини енгиллаштирди. Бундан ташқари, банклар томонидан таклиф этилган юқори фоиз ставкалари ва турли муддатли омонат турлари мижозларнинг қизиқишини оширди. Масалан, жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкалари 2024 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 22% ни ташкил этди.

Шу билан бирга депозитларни кафолатлаш тизимининг такомиллаштирилиши ва банклар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши ҳам депозитлар ҳажмининг ўсишига ҳисса қўшмоқда. Банклар мижозларни жалб қилиш мақсадида самарали маркетинг стратегияларини қўллаб, турли бонуслар ва акцияларни таклиф қилмоқда. Бундан ташқари, аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам банкларга бўлган ишончни мустаҳкамлади. Натижада, 2024 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон банкларининг депозит базаси 9,8% га ёки 23,7 трлн сўмга ошди.

1-жадвал.

Мамлакатимиз тижорат банкларининг мажбуриятлари таркиби ва динамикаси (йил охирига, фоизда)*

Мажбуриятлар	Йиллар				
	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Депозитлар	37,3%	41,1%	37,3%	41,8%	45,4%
Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	0,27%	0,8%	0,4%	0,2%	0,2%
Бошқа банкларнинг маблағлари-резидент	3,4%	4,5%	4,2%	3,6%	3,9%
Бошқа банкларнинг маблағлари-норезидент	0,3%	0,4%	1,0%	1,2%	4,8%
Олинган кредитлар ва лизинг операциялари	55,6%	47,5%	49,3%	46,5%	39,1%
Чиқарилган қимматли қоғозлар	0,01%	1,30%	3,1%	2,84%	2,3%
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	1,2%	1,8%	1,3%	1,1%	1,4%
Бошқа мажбуриятлар	2,0%	1,1%	1,2%	1,1%	1,1%
Жами мажбуриятлар	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**

*www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тузилди.

2019 йилда банк мажбуриятларининг 37,3% ни ташкил этган депозитлар 2023 йилда 45,4% гача ошган. Бу ўсиш банк тизимига бўлган ишончнинг ошганини ва аҳолини банк омонатларига қизиқишининг ортиб бораётганини кўрсатади. Депозитларнинг мажбуриятлардаги улуши ўсганлиги банкнинг ички ресурслар орқали молиялаштириш имкониятини оширади ва банк учун барқарор манбани таъминлайди.

Олинган кредитлар ва лизинг операциялари 2019 йилда 55,6% ни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 39,1% гача тушган. Бу ҳолат банкларнинг ушбу маблағларга бўлган боғлиқлигини камайиб бораётганини кўрсатади. Ўзбекистон тижорат банклари учун кредитлар ҳанузгача катта аҳамиятга эга манба бўлиб қолмоқда, лекин унинг улуши йилдан-йилга камайиб бораётгани диверсификацияга эътибор оширилаётганини кўрсатади.

2-жадвал.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитларнинг мажбуриятлардаги салмоғи динамикаси (31 декабрь ҳолатига, фоизда)*

Банклар	Жами депозитларнинг жами мажбуриятлардаги улуши, фоизда				
	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Давлат улушига эга банклар	35,4	31,0	34,2	35,6	32,8
Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар	64,6	69,0	65,8	64,4	67,2

*Тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Давлат улушига эга банкларда депозитларнинг жами мажбуриятлардаги улуши йилдан-йилга пасайган. 2019 йилда ушбу улуш 35,4% ни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 32,8% гача тушган. Бу камайиш давлат банкларида депозитлар орқали жалб қилинаётган маблағларнинг умумий мажбуриятлардаги аҳамиятининг сусайганини кўрсатади.

2018 йил якунларига кўра, капиталида давлат улуши бўлмаган тижорат банкларининг мажбуриятлари таркибида банк депозитларининг 64,6 фоизи тўғри келган ҳолда, капиталида давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг мажбуриятлари таркибида депозитларнинг улуши 2018 йил 35,4 фоиздан 2023 йилда 32,8 фоизгача пасайиб кетиши кузатилган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, давлат улушига эга банклардан фарқли равишда, бошқа банклар учун депозитлар ва аҳоли омонатлари кредитлаш амалиётларининг асосий ресурс манбаи бўлиб хизмат қилаётганлигини билдиради.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда мамлакатимиз банк амалиётида муддатли депозитларнинг ҳажми ижобий ўсиш тенденциясини намоён қилмоқда. Мамлакатимиз тижорат банклари депозит базасини таҳлил қилар эканмиз, муддатли депозитлар таркибида бир йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлари салмоғи жуда ҳам паст. Қуйидаги жадвал орқали мамлакатимиз тижорат банкларининг ялпи депозитларига баҳо берамиз.

3-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасининг таркиби ва динамикаси (йил охирига, фоизда)*

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
1.	**Жами**	**100**	**100**	**100**	**100**	**100**
2.	Талаб қилиб олингунча	38,7	42,8	42,3	42,7	35,3
3.	1 кундан 30 кунгача	3,4	5,3	3,4	2,1	2,6
4.	30 кундан 180 кунгача	12,8	12,4	12,0	11,8	12,4
5.	180 кундан 365 кунгача	12,7	12,0	13,3	12,4	14,5
6.	1 йилдан юқори	32,4	27,5	28,9	31,0	35,3

*www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тузилди.

Маълумотлардан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида республикамиз тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғи юқорлигича қолди. Жумладан, 2019 йилда ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси 38,7 фоизни, 2020 йилда эса 42,8 фоизни ташкил қилди. Хусусан, 2023 йил давомида мазкур турдаги депозитларнинг салмоғи 45,3 фозгача пасайган. Бу эса, республикамиз тижорат банклари депозит базасининг етарли эмаслигидан далолат беради. Чунки, тижорат банклари депозит базаси етарли бўлиши учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги зарур. Шунингдек 2019-2023 йилларда республикамиз тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида жамғарма депозитлари салмоғи кичиклигича қолган. Ушбу ҳолат тижорат банклари пул маблағларини жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб қилиш операциялари ривожланмаганлигидан далолат беради. Фақатгина 2023 йил якунига кўра мамлакатимиз тижорат банкларининг муддатли депозитлари салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Муддатли ва жамғарма депозитлари халқаро банк амалиётида тижорат банклари ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади. АҚШ ва Ғарбий Европа тижорат банкларида муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 60 фоиздан ошади.

4-жадвал.

Мамлакатимиз тижорат банклари муддатли депозитлари ва узоқ муддатли кредитлари динамикаси (йил охирига, фоизда)

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Кредит қўйилмалари, трлн сўм	211,5	276,9	326,3	390,5	471,4
Узоқ муддатли кредитларнинг кредит қуйилмаларининг умумий ҳажмидаги салмоғи, %	91,5	89,8	89,8	86,8	87,0
Жами депозитлар, трлн сўм	91,0	114,7	156,1	216,7	241,6
Узоқ муддатли депозитларнинг жами депозит маблағлари таркибидаги улуши, %	32,4	27,5	28,9	31,0	35,3

*www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тузилди.

Таҳлил маълумотларини кўрадиган бўлсак, мамлакатимиз тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари салмоғи 2019-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, 2019 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига тижорат банклари томонидан

йўналтирилган кредитларнинг 91,0 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил этган бўлса, 2023 йилда ушбу кўрсаткич 87,0 фоизни ташкил этган. Бундан ташқари, кредитларнинг мутлақ суммада ўсиш тенденцияси сўнгги беш йилда 2,5 баробарга ошган. Бу ҳолат мамлакат субъектларининг узоқ муддатли пул маблағларига эҳтиёжини ошиб бораётганлигидан далолатдир.

4-жадвалда келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, банкларимизнинг депозит базаси мутлақ суммада ўсиш тенденциясини намоён этмоқда. Шунга қарамай, муддатли депозитларнинг жами депозитлар таркибидаги улуши паст даражада сақланиб қолмоқда. Бу банклар фаолиятида узоқ муддатли депозитларни жалб қилиш амалиётини самарадорлиги паст эканлиги билан баҳоланади. Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида банк депозитлари ва кредитларининг ўзаро мутаносиблигига баҳо берадиган бўлсак, банкларнинг депозитлари банк кредитларининг атиги 51,3 фоизини ташкил қилган. Евроҳудуд таркибига кирувчи мамлакатларда ушбу кўрсаткич ўртача 95 фоизни ташкил қилмоқда [6]. Шунингдек,узоқ муддатли кредитлар ва депозитлар ўртасида ҳам кескин тафовутни кўришимиз мумкин. Банк тизими узоқ муддатли кредитлари ва депозитларининг ўзаро нисбатига баҳо берар эканмиз, 2023 йилда узоқ муддатли кредитларнинг умумий суммаси 410,2 трлн сўмни ташкил этган бўлса, узоқ муддатли депозитлар 85,2 трлн сўмни ташкил этган. Бунда банк депозитларининг кредитларга нисбати 20,8 фоизни ташкил этганлиги банкларимизда трансформация рискининг юқори эканлигидан далолат беради.

Мамлакатимиз банк амалиётида талаб қилиб олингунча депозитлардан кредитлаш операцияларини амалга оширишда фойдаланилаётганлиги банкларимиз фаолиятида трансформация рискини кучайишига сабаб бўлмоқда. Бунинг сабаби шундаки, талаб қилиб олингунча ресурслар банк учун арзон ресурс ҳисобланиб, банклар ушуб маблағлардан узоқ муддатли кредитлаш жараёнида фойдаланмоқда.

Бундан ташқари мамлакатимиз банк амалиётида тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлигига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири сифатида Марказий банкнинг монетар сиёсатини келтириб ўтишимиз мумкин.

Сўнгги икки йилда Марказий банк томонидан олиб борилаётан пул-кредит сиёсати натижасида тижорат банкларнинг жалбқилаётган депозитлари ва иқтисодиёт тармоқларига ажратилаётган кредитларнинг фоизлар ўртасида сезиларли фарқланиш юзага келаётганлиги банкларнинг депозит базасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

5-жадвал.

Тижорат банкларининг депозит базаси мустаҳкамлилигига таъсир этувчи омиллар (йил охирига)*

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Инфляциянинг йиллик даражаси, %	15,2	11,1	10,0	12,3	9,5
Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси, %	16	14	14	17	14
Тижорат банкларининг сўмдаги депозитлари бўйича ўртача мажбурий захира ставкаси, %	4,0	4,0	4,0	4,0	4,0
Тижорат банкларининг сўмдаги қисқа муддатли кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %	17,6	16,5	15,8	16,2	21,2
Тижорат банкларининг сўмдаги узоқ муддатли кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %	18,7	17,5	20,5	21,2	22,3
Тижорат банклари кредит	211,5	276,9	326,3	390,5	471,4

қуйилмаларининг умумий миқдори, трлн сўм					
Тижорат банклари депозитларининг умумий миқдори, трлн сўм	91,0	114,7	156,1	216,7	241,6
Тижорат банклари талаб қилиб олинадиган депозитларининг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи, %	38,7	42,8	42,3	42,7	35,3

*Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Марказий банки ва «Ўзбекистон иқтисодиёти» ахборот-таҳлилий шарҳи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, тижорат банклари депозит базаси мустаҳкамлигига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири бу мамлакатдаги инфляция даражасидир. Мамлакатимизда 2019-2023 йилларда инфляция даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги мамлакатда баҳолар даражасининг ҳукумат томонидан кескин ошишга йўл қўйилмаганлиги билан изоҳланади. Аксинча 2017-2018 йилларда мамлакатимизда валюта сиёсатини либераллаштирилиши, товар ва хизматлар учун баҳоларни шакллантиришнинг бозор механизмларига ўтилиши инфляция суръатининг кескин ошишига сабаб бўлган.

2023 йилда инфляция даражаси 9,5% ни ташкил этди, бу 2022 йилдаги 12,3% кўрсаткичдан пастдир. Инфляциянинг пасайиши Марказий банкнинг қатъий пул-кредит сиёсати ва иқтисодий ислоҳотлар натижасидир.

Марказий банк 2023 йилда қайта молиялаш ставкаси даражасини 14% этиб белгилади. Бу ставка инфляцияни жиловлаш ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш мақсадида белгиланди.

Тижорат банкларининг сўмдаги қисқа муддатли кредитлари бўйича ўртача йиллик фоиз ставкаси 21,2% ни, узоқ муддатли кредитлари бўйича эса 22,3% ни ташкил этди. Депозитлар бўйича фоиз ставкалари ҳам бозор шароитларига мос равишда шаклланди [6].

Тижорат банкларининг умумий депозитлари ҳажми 2019 йилда 91,0 трлн сўмдан 2023 йилда 241,6 трлн сўмгача кўпайган. Бу аҳоли ва юридик шахсларнинг банк тизимига бўлган ишончининг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Талаб қилиб олинадиган депозитларнинг умумий депозитлар ҳажмидаги салмоғи 2019 йилда 38,7% дан 2023 йилда 35,3% га пасайган, бу эса тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитларни жалб қилиш амалиётини ривожланиб бораётганлигини кўрсатади. Депозитлар бўйича мажбурий захира ставкаси 4% даражасида барқарор сақланган, бу банкларнинг ликвидлик талабларини таъминлашга ва депозитларнинг фаол инвестициялашувини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Умуман, ушбу даврда депозитлар динамикасининг ўсиши ва тузилишдаги ўзгаришлар банк тизимидаги барқарорлик ва иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришларни намоён бўлаётганлигини кўрсатади.

Хулоса

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида мамлакатимиз банк амалиётида тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар аниқланди.

1. Тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлигига уларга тўланаётган фоиз кўринишидаги даромадлар муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан муддатли депозитларга тўланаётган фоизларни ҳисоблашда мамлакатимиздаги инфляция даражасини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

2. Тижорат банклари, айниқса капитали таркибида давлат улуши юқори бўлган банклар узоқ муддатли депозитларни жалб қилишга жиддий эътибор қаратишмайди. Хусусан молиявий ресурсларни жалб этишнинг бозор тамойиллари ва мезханимзлари кенг

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

жорий этилмаган, натижада улар ўртасида рақобат муҳити етарли даражада шаклланмаган ва депозит базасининг мустаҳкамлиги бўйича қатор муаммолар вужудга келишига сабаб бўлган.

3. Мамлакатимиз банк тизимида банклараро рақобат муҳитининг яхши шаклланмаганлиги натижасида тижорат банклари депозитларининг катта қисми йирик банклар қўлида тўпланиб қолмоқда. Жумладан, 2023 йилда мамлакатимиздаги 5 та йирик давлат тижорат банки жами депозитларнинг 50 фоиздан ортиқ қисмига эгалик қилаётганлиги депозит жалб қилиш амалиётига салбий таъсир қилади, депозитлар етарлилик кўрсаткичларини пасайтиради. Тижорат банклари ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги сифатини пасайтиради ҳамда ресурсларни бошқариш жараёнида муаммоларни юзага келтиради.

4. Маълумки тижорат банклари депозит базаси уларнинг рискли активлари билан бевосита боғлиқликда бўлиб, ушбу боғлиқликни, яъни мувозанатни бузилиши трансфармацион рискни вужудга келишига олиб келади. Шу боис, банкларнинг узоқ муддатли кредитлари ва муддатли депозитлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш орқали банклардаги трансформация риски билан боғлиқ муаммомларни бартараф этиш мумкин.

5. Тижорат банклари ресурлари таркибида депозитлар, айниқса узоқ муддатли депозитлар улушининг пастлиги беқарор маблағларнинг улушини юқори бўлишига сабаб бўлиб, жалб қилинган маблағларнинг асосий қисми қиммат манбалардан, хусусан банклараро кредит ва лизинглар ҳисобидан жалб қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шермухамедов Б. Тижорат банкларининг депозит сиёсати ва уни иқтисодий аҳамиятини янада ошириш йўллари // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, Imiy elektron jurnal. – № 2, – mart-aprel, – 2021 yil

2. Bernanke, B. (1983). Nonmonetary Effects of the Financial Crisis in the Propagation of the Great Depression. *American Economic Review*, 73(3), PP.257 –276.

3. Долан Э. Дж. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика /Пер. с англ. В. Лукашевича и др.; Подобщ . ред . В. Лукашевича.– М., 1996 – 448 с.

4. Mishkin, F. S. (2018). "The Economics of Money, Banking, and Financial Markets." Pearson.Available at Pearson Education:

Электрон ресурс

5. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари.

6. https://www.ebf.eu- Европа банклари федерацияси расмий сайти маълумотлари

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

TIJORAT BANKLARINING DAROMAD BAZASINI SHAKLLANTIRISH VA BOSHQARISH BILAN BOG‘LIQ RISKLAR

Togaev Salim Sobirovich

iqtisodiyot fanlari bo‘yicha
falsafa doktori (PhD)
moliya, soliq va bank ishi kafedrasi dotsenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Samarqand filiali
E-mail: sts-bank@bk.ru,
ORCID: 0000-0002-3170-9181

Annotasiya. Mazkur maqolada tijorat banklarining daromad bazasini shakllantirish va boshqarish bilan bog‘liq risklar va ularning bank faoliyatiga tasiri tadqiq etigan. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi tijorat banklari kreditlarining umumiy hajmida muammoli kreditlarning salmog‘i tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: tijorat banklari daromad bazasi, foizli daromadlar, foizli xarajatlar, asosiy stavka, milliy valyutadagi kreditlarining o‘rtachaga tortilgan yillik foiz stavkasi, muammoli kreditlar.

РИСКИ, СВЯЗАННЫЕ С ФОРМИРОВАНИЕМ И УПРАВЛЕНИЕМ ДОХОДНОЙ БАЗОЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Тагаев Салим Собирович

доктор философии (PhD)
по экономическим наукам
доцент кафедры финансов,
налогообложения и банковского дела
Ташкентский государственный
экономический университет
Самаркандский филиал
E-mail: sts-bank@bk.ru,
ORCID: 0000-0002-3170-9181

Аннотация. В представлены исследуются риски, связанные с формированием и управлением доходной базой коммерческих банков и их влияние на банковскую деятельность. Также был проанализирован доля проблемных кредитов в общем объеме кредитов коммерческих банков Республики Узбекистан.

Ключевые слова: база доходов коммерческих банков, процентные доходы, процентные расходы, базовая ставка, среднегодовая процентная ставка по кредитам в национальной валюте, проблемные кредиты.

RISKS RELATED TO THE FORMATION AND MANAGEMENT OF THE INCOME BASE OF COMMERCIAL BANKS

Togaev Salim Sobirovich

Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences
Associate Professor of the
Department of Finance,
taxation and banking of the
Samarkand branch

Tashkent State economic university
E-mail: sts-bank@bk.ru,
ORCID: 0000-0002-3170-9181

Abstract. This article presents the risks associated with the formation and management of the income base of commercial banks and their impact on banking activities. It also analyzes the share of problem loans in the total volume of loans of commercial banks of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: Commercial banks’ income base, interest income, interest expenses, base rate, averaged annual interest rate of loans in national currency, problem loans.

Kirish

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 12 maydagi PF-5992-sonli «2020-2025 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish to‘g‘risida»gi farmonida tijorat banklarining daromad bazasini shakllantirish mamlakat bank tizimini isloh qilishning ustuvor yo‘nalishlaridan biri sifatida belgilangan [1].

Shu bilan birga bank sektoridagi mavjud vaziyatni tahlil qilish bank sektoridagi iqtisodiy o‘zgarishlar va jamiyat ehtiyojlariga muvofiq rivojlantirishga to‘sqinlik qiluvchi bir qator tizimli muammolar mavjudligini ko‘rsatadi, masalan, davlat ulushining yuqoriligi va bank sektorida mavjudligi, davlat ishtirokidagi banklarda boshqaruv va risklarni boshqarish sifatining yetarli emasligi, iqtisodiyotda moliyaviy vositachilik darajasining pastligi.

Ilg‘or xorij tajribasi shuni ko‘rsatadiki, tijorat banklarida sof foydaning o‘sish sur’atlarining barqarorligiga erishish quyidagi omillarni inobatga olish zaruriyatini yuzaga keltiradi:

*foizli xarajatlarning foizli daromadlarga nisbatan darajasini o‘zgarishi;

*foizsiz xarajatlarni foizsiz daromadlarga nisbatan darajasini o‘zgarishi;

*ssudalar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlar zaxirasining aktivlarni riskka tortilgan summasiga nisbatan darajasining o‘zgarishi.

Adabiyotlar sharhi

I. Leshukovaning xulosasiga ko‘ra, bank foydasining darajasini tadqiq qilish uchun bank faoliyatining samaradorligini ta’minlash strategiyasini ishlab chiqish kerak va ushbu strategiya bank resurslaridan oqilona foydalanishga qaratilgan maqsadlar, harakatlar yig‘indisidan iboratdir[10].

A.Mian va A.Safi tomonidan o‘tkazilgan tadqiqotlar ko‘rsatdiki, uy xo‘jaliklarining o‘z risklarini nazorat qilish imkoniyatlari firmalarnikiga qaraganda sezilarli darajada cheklangandir. Bu esa, uy xo‘jaliklariga berilgan kreditlarni o‘z vaqtida qaytmaslik ehtimolini oshiradi [6].

Tijorat banklarining tavakkalchiliklarini boshqarish, birinchi navbatda besh yo‘nalish bo‘yicha ularning qiymat yaratish qobiliyatiga sezilarli ta’sir ko‘rsatishini ko‘rishimiz mumkin: ishlamay qolgan kreditlar nisbati, zaxiralarni qoplash koeffisienti, kreditlarning depozitlarga nisbati, aktiv-passivlar nisbati, aktiv-passiv koeffisienti va kapitalning etarlililik koeffisienti [8].

Risklarni boshqarish bo‘yicha xalqaro maslahatchi Devid Xilson ta’kidlaydiki, risk madaniyatini rivojlantirish va qo‘llab-quvvatlash risklarni boshqarish samaradorligiga juda muhim ta’sir ko‘rsatadi. Uning fikricha, risk madaniyati risk appetiti va risk munosabatiga (muhim va xavfli vaziyatlarda) ta’sir qiladi, maqsad va strategiyalarni hamda "risklarni to‘g‘ri va xavfsiz qabul qilish" qobiliyatini belgilaydi [5].

Tijorat banklari kapital tuzilmasini takomillashtirish, qarzga xizmat ko‘rsatishini diversifikasiya qilish va kreditni nazorat qilishga etibor qaratishlari lozim. Xodimlarning moliyaviy xatarlardan xabardorligini oshirish va xodimlarning kasbiy sifatini oshirishni davom ettirish ham dolzarb vazifadir[9].

Risk madaniyati bank faoliyatining asosiy jihati bo‘lib, risklarni boshqarish va qaror qabul qilish jarayonlariga integrasiyalashuviga ta’sir qiladi. Kuchli risk madaniyati xabardorlik,

shaffoflik va hisobdorlikni rag‘batlantiradi, banklarga noaniqliklarni bartaraf etish va o‘z strategik maqsadlariga erishish imkonini beradi [11].

Tahlil va natijalar

Mamlakatimiz tijorat banklarining daromad bazasini barqarorligiga ta’sir etuvchi makroiqtisodiy risklar sifatida quyidagilarni e’tirof etishimiz mumkin:

* respublikamizda inflyasiya va devalvasiya darajalari yuqori ekanligi;
* iqtisodiyotning pul mablag‘lari bilan ta’minlanganlik darajasini zaif ekanligi;
*Markaziy bankning qayta moliyalash stavkasini yuqori ekanligi.

Jadval ma’lumotlarining tahlili orqali inflyasiya darajasiga va O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankning qayta moliyalash stavkasiga baho beramiz.

1-jadval.

O‘zbekiston Respublikasida inflyasiyaning yillik darajasi va Markaziy bank asosiy stavkasining yillik darajasi, %da**

Ko‘rsatkichlar	2019 y.	2020 y.	2021 y.	2022 y.	2023 y.
Inflyasiyaning yillik darajasi	15,1	11,1	10,0	12,3	8,8
Markaziy asosiy stavkalaring darajasi	16,0	14,0	14,0	15,0	14,0

*O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining statistik ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Jadval ma’lumotlaridan ko‘rsa bo‘ladiki, respublikamizda inflyasiyaning yillik darajasi 2019-2021 yillarda pasayish tendensiyasi kuzatilgan, biroq 2022 yilda 2021 yilga nisbatan yuqori darajada, ya’ni 2,3 foizli punktga oshgan. Bu holat Markaziy bankining rasmiy bayonotida quyidagi sabablar bilan izohlangan: “2022 yilda mamlakatimizda shakllangan inflyasiya darajasiga tashqi oshiruvchi shoklar – jahonda tovar va xomashyo narxlarining keskin tebranishi, logistika va yetkazib berishdagi uzilishlar (yalpi taklifni qisqarishi evaziga), ichki omillardan, oylik daromadlarning oshishi, bozorlardagi raqobat sharoitlari va ta’minotdagi uzilishlar hamda pul o‘tkazmalari hajmining o‘sishi (iste’mol talabi tomonidan) oshiruvchi ta’sir ko‘rsatdi” [12]. Shuningdek 2023 yilda 2022 yilga nisbatan sezilarli darajada (3.5 f.p) pasaygan.

1-jadval ma’lumotlaridan ko‘rsa bo‘ladiki, Markaziy bank asosiy stavkasining yillik darajasi 2019-2021 yillarda pasayish tendensiyasi kuzatilgan. Bu holat esa, ushbu davrda inflyasiyaning yillik darajasini pasayganligi bilan izohlanadi. Biroq, markaziy bankning asosiy stavkasi 2022 yilda 2021 yilga nisbatan 1,0 foizga oshirilib, 2023 yilda esa 1,0 foizga passaygan.

Yuqoridagi ma’lumotlar tahlilidan ko‘rinadiki, Markaziy asosiy stavkasining yillik darajasi 2022 yilda 2021 yilga nisbatan 1,0 foizli punktga oshirilgan. Bu esa, ushbu davrda inflyasiyaning yillik foiz stavkasini 2,3 foizli punktga oshganligi bilan izohlanadi. Biroq, 2023 yilda qayta moliyalash stavkasi 2022 yilga nisbatan 1,0 foizli punktga pasaytirishi inflyasiyaning yillik foiz stavkasini 3,5 foizli punktga pasayganligi bilan izohlanadi.

Shu o‘rinda ta’kidlash joizki, “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 18 noyabrdagi PF-5877 – sonli “Inflyasion targetlash rejimiga bosqichma-bosqich o‘tish orqali pul-kredit siyosatini takomillashtirish to‘g‘risida”gi farmoniga muvofiq, mamlakatimiz tarixida ilk bor inflyasion targetlash rejimiga bosqichma-bosqich o‘tish boshlandi [2]. Mazkur Farmon talabidan kelib chiqqan holda, 2023 yilda inflyasiyaning yillik darajasini 5,0 foizdan oshmasligini ta’minlash talabi qo‘yilgan”[12].

E’tirof etish joizki, tijorat banklarining milliy valyutadagi kreditlarining foiz stavkalarini yuqori bo‘lishining bosh omili sifatida Markaziy bank qayta moliyalash stavkasining yuqori ekanligi.

Markaziy bankning asosiy stavkasining o‘zgarishiga sabab bo‘luvchi omillar quyidagilardan iborat:

*mamlakat pul birligining xarid qobilyati darajasining o‘zgarishi;
*YaIM (yalpi ichki mahsulot)ning o‘sish sur’atini sekinlashishi (mazkur vaqtda bank

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

kreditlari tan-narxini pasaytirish zaruriyatini yuzaga keladi);

*banklarining balanslashmagan likvidlilik darajasini o‘zgarishi.

2-jadval.

Markaziy bankning asosiy stavkasi va tijorat banklarining milliy valyutadagi kreditlarining o‘rtachaga tortilgan yillik foiz stavkasi*

	2019 y.	2020 y.	2021 y.	2022 y.	2023 y.
Markaziy bank asosiy stavkasining yillik darajasi	16,0	14,0	14,0	15,0	14,0
Tijorat banklarining milliy valyutadagi kreditlarining o‘rtachaga tortilgan yillik foiz stavkasi	24,2	22,3	20,8	21,9	23,2

*O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining statistik ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

2-jadval ma’lumotlaridan ko‘rsa bo‘ladiki, mamlakatimizda 2019-2021 yillarda tijorat banklari tomonidan milliy valyutada ajratilgan kreditlarining o‘rtachaga tortilgan yillik foiz stavkalari passayishi kuzatilgan. Ushbu kreditlarning o‘rtachaga tortilgan yillik foiz stavkalarini passayishiga ta’sir etgan omil Markaziy bank asosiy stavkasining yillik darajasi passayganligidir.

Shuningdek, jadval ma’lumotlaridan ko‘rsa bo‘ladiki, 2022 yilda 2021 yilga nisbatan banklar tomonidan milliy valyutada ajratilgan kreditlarining o‘rtachaga tortilgan yillik foiz stavkasi 1,1 foizli punktga oshgan. Buning sababi, Markaziy bankining asosiy stavkasi mazkur davrda 1,0 foizli punkga oshganligi bilan izohlanadi.

2023 yilda Markaziy bankning asosiy stavkasi 1,0 foizli punktga pasaygan bo‘lsada, banklarining milliy valyutadagi kreditlarining o‘rtacha tortilgan yillik foiz stavkasi 2023 yilda 2022 yilga nisbatan 1,3 foizli punktga o‘sgan.

P.Masson, M.Savastano, C.Sharmalarning e’tirof etishicha, “tijorat banklarining milliy valyutadagi kreditlarining foiz stavkalariga ta’sir etuvchi asosiy omillar sifatida Markaziy bankning qayta moliyalash stavkasining o‘zgarishi hamda inflyasiya darajasining o‘zgarishi ilmiy jihatdan isbotlangan” [7].

1-diagramma.

O‘zbekiston Respublikasi korxonalari o‘rtasidagi debitor qarzdorlikning miqdori, trln so‘m (har bir moliyaviy yilning 1 mart holatiga)*



*O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligining statistik ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Diagramma ma’lumotlaridan ko‘rsa bo‘ladiki, birinchidan, 2018-2022 yillarda mamlakatimiz korxona va tashkilotlari o‘rtasidagi debitor qarzdorliklar miqdori katta bo‘lgan; ikkinchidan, debitor qarzdorlik miqdori 2022 yilning 1 mart holatiga ko‘ra 2018 yilning 1 mart holatiga nisbatan yuqori sur’atda o‘sgan.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Mamlakatimiz iqtisodiyotdagi to‘lovsizlik muammolari korxonalarning likvidlilik riskiga duchor bo‘lishi va uning oqibatlarini keltirib chiqaradi. Bu holat esa, natijada, korxonalar va tashkilotlar tomonidan banklarining jozibador moliyaviy xizmatlaridan foydalanish imkoniyatini cheklaydi.

Mamlakatimiz tijorat banklarining daromad bazasining barqarorligiga ta’sir etuvchi tashqi omillarni tahlil qilamiz.

Mamlakatimiz banklarining daromad bazasining barqarorligini ta’minlashda to‘sqinlik qilayotgan omillardan biri bu – sof foizli marja darajasi ko‘rsatkichining pastligidir.

Amalga oshirilgan tahlilar Asakabankda 2019-2021 yillarda, Aloqabankda esa, 2019-2022 yillarda sof foizli marja haqiqatdagi darajsi pasayish sur’atlarini namoyon etgan. Fikrimizcha, mazkur banklarda sof foizli marja darajasining pasayishi quyidagi sabablar bilan izohlanadi:

1. Foizli daromadlar bilan foizli xarajatlar o‘rtasidagi farq summasining o‘zgarishi bilan aktivlarning boshlang‘ich qiymatdagi jami summasining o‘zgarishi o‘rtasidagi monandlikni ta’minlanmaganligi.

AT “Aloqabank”da foizli daromadlar bilan foizli xarajatlar o‘rtasidagi farq summasining o‘sishi 2023 yilda 2022 yilga nisbatan 24,0 foizni tashkil etgani holda, aktivlarning boshlang‘ich qiymatdagi jami summasi 0,24 foizga kamaygan.

2. Tijorat banklari foizli xarajatlarining foizli daromadlariga nisbatan darajasining oshganligi.

3-jadval.

AT “Asakabank” va AT “Aloqabank”da foizli xarajatlarning foizli daromadlarga nisbatan darajasi, %da*****

	2019 y.	2020 y.	2021 y.	2022 y.	2023 y.
AT “Asakabank”	66,6	71,4	79,1	64,3	81,4
AT “Aloqabank”	67,4	69,1	69,9	66,2	72,0

*AT “Asakabank” va AT “Aloqabank”ning moliyaviy hisobotlari ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Yuqoridagi 3-jadval ko‘rsatadiki, AT “Asakabank”da 2019-2021 yillarda foizli xarajatlarning foizli daromadlarga nisbatan darajasi o‘sish sur’atlarini namoyon etgan.

Shuningdek, AT “Aloqabank”da foizli xarajatlarning foizli daromadlarga nisbati 2019-2021 yillarda oshish sur’atlarini namoyon etgan holda, 2022 yilda 2021 yilga nisbatan pasaygan.

Mamlakat banklarida muammoli kreditlar miqdorining katta ekanligi ularning daromad bazasi barqarorligiga nisbatan saliy ta’sirni yuzaga keltirmoqda.

2-diagramma.

O‘zbekiston Respublikasi tijorat banklari kreditlarining umumiy hajmida muammoli kreditlarning salmog‘i, %da *



*O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining statistik ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Ushbu diagrammadan ma’lumki, O‘zbekiston tijorat banklarining kredit portfelida

muammoli kreditlarning ulushi 2021-2023 yillarda nisbatan yuqori bo‘lgan.

Mamlakat Markaziy banki e’lon qilgan statistik ma’lumotlar ko‘rsatadiki, “2022 yilning 1 yanvar holatiga ko‘ra, muammoli kreditlarning segmentlar bo‘yicha taqsimotida ularning 72 foizi (12 trln. so‘m) tadbirkorlik sub’ektlari, 28 foizi (5 trln. so‘m) jismoniy shaxslar hissasiga to‘g‘ri keladi. Tijorat banklari tomonidan aholiga ajratilgan kreditlarning 4,7 trln. so‘mi yoki 6,8 foizi muammoli kreditlarga aylangan. Aholining muammoli kredit qarzdorlarining 2,4 trln. so‘mi yoki 51 foizi tadbirkorlikni rivojlantirish uchun ajratilgan kreditlar, 1,4 trln. so‘mi yoki 30 foizi ipoteka kreditlari, 409 mlrd. so‘mi yoki 9 foizi iste’mol kreditlari, 346 mlrd. so‘mi yoki 7 foizi mikroqarzlar hamda 135 mlrd. so‘mi yoki 3 foizi avtokreditlar hissasiga to‘g‘ri keladi” [12].

Respublikamizda fond bozori rivojining sust ekanligi tijorat banklarining daromad bazasiga salbiy ta’sir etayotgan omillardan biri hisoblanadi (3-diagrammaga qarang).

3-diagramma.

O‘zbekiston Respublikasining fond birjasi va Respublika valyuta birjasida (RVB) yillik aylanma hajmi, trln so‘m *



*“Toshkent” fond birjasi va Respublika valyuta birjasining yillik hisobotlari ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

Mazkur diagrammadan ko‘rish mumkinki, O‘zbekiston fond bozoridagi aylanma miqdori valyuta bozoridagi aylanmadan 150-200 barobar kichik. Masalan, 2022 yilning 1 yanvar holatiga ko‘ra, “Toshkent” fond birjasidagi operasiyalar hajmi 4,8 trln. so‘mni tashkil etdi. Bu esa, Respublika valyuta birjasida shu davrda amalga oshirilgan operasiyalar hajmidan 147 martaga kamdir. Bu esa, qimmatli qog‘ozlar bozorini rivojlanmaganligini yaqqol ko‘rsatadi. Shu sababli, 2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida “iqtisodiyotda moliyaviy resurslarni ko‘paytirish maqsadida, kelgusi 5 yilda fond bozori aylanmasini 200 million AQSh dollaridan 7 milliard AQSh dollariga etkazish” mamlakat iqtisodiyotini barqaror rivojlantirishning zaruriy shartlari sifatida e’tirof etilgan.

E’tirof etish o‘rinliki, respublikamiz tijorat banklariga qimmatli qog‘ozlarda ham investor, ham emitent, ham vositachi sifatida ishtirok etishga ruxsat etilgan.

Xulosa

O‘zbekiston tijorat banklari uchun daromad bazasini shakllantirish va boshqarish bo‘yicha asosiy muammolar kreditlar sifati, inflyasiya va qayta moliyalash stavkalari bilan bog‘liq xavflardir. Banklar zamonaviy texnologiyalar va ilg‘or boshqaruv usullaridan foydalanib, risklarni minimallashtirish va daromad manbalarini diversifikasiya qilishga e’tibor qaratishlari kerak. Bu nafaqat bank sektori, balki mamlakat iqtisodiyotining umumiy rivojlanishi uchun ham muhim omildir.

Tijorat banklarining daromad bazasini shakllantirish va boshqarish bilan bog‘liq risklar va ularning bank faoliyatiga salbiy tasirini kamaytirish uchun quyidagi chora-tadbirlarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir:

1. Kredit risklarini boshqarish borasida kredit berishda zamonaviy skoring tizimlarini joriy etish, muammoli kreditlar ulushini kamaytirish uchun qarz oluvchilar bilan ishlash jarayonini yaxshilash.

2. Foizli marjani oshirish borasida foizli daromad va xarajatlar o‘rtasidagi muvozanatni ta’minlash uchun aktivlarni optimal boshqarish, markaziy bank siyosati va bozor sharoitlariga moslashuvchan strategiya ishlab chiqish.

3. Fond bozorini rivojlantirish borasida tijorat banklarining qimmatli qog‘ozlar emissiyasi va ularga investisiya kiritishini rag‘batlantirish, fond bozorida faol ishtirok etish uchun yangi moliyaviy instrumentlarni joriy qilish.

4. Risk madaniyatini rivojlantirish borasida bank xodimlarining moliyaviy xatarlar bo‘yicha xabardorligini oshirish, risklarni boshqarish jarayonini shaffof va samarali tashkil etish.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 12 maydagi PF-5992-sonli «2020-2025 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish» to‘g‘risidagi Farmoni.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 18 noyabrdagi PF-5877 – sonli “Inflyasion targetlash rejimiga bosqichma-bosqich o‘tish orqali pul-kredit siyosatini takomillashtirish to‘g‘risida”gi farmoni. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 19.11.2019 y., 06/19/5877/4036-son.

3. Brouwer G. de, Evicsson N.R. Modeling Inflation in Australia. Journal of Business and Economic Statistics. 1998. Vol. 16. – P. 24 - 29.

4. Hess G., Morris C. The Long-Ruh Costs of Moderate Inflation // Federal Reserve Bank of Kansas City Economic Review. 1996. Second Quarter. – P. 71-88.

5. Hillson, D. (2019) The A-B-C of risk culture: how to be risk-mature [Electronic resource] / D. Hillson // Global Congress, Conference Paper Risk Management, October 2013. – Mode of access: https://www.pmi.org/learning/library/understanding-risk-culture-management-5922. –Date of access: 16.04.2019.

6. Mian A., Rao K., Sufi A. Household Balance Sheets, Consumption, and the Economic Slump//Quarterly Journal of Economics. – 2013. – 128(4). – PP. 1687 - 1726.

7. Masson P., Savastano M., Sharma C. The Scope for inflation Targeting in Developing Countries. – Washington: IMF Working Paper, 1997/130.

8. Piao, Guofeng, Xiao, Biyan, Risk Management Analysis of Modern Commercial Banks Using Behavioral Finance Theory and Artificial Neural Networks, *Wireless Communications and Mobile Computing*, 2022, 1161784, 8 pages, 2022. https://doi.org/10.1155/2022/1161784.

9. Ran Liu Causes and Precautions of Financial Risks of Commercial Banks in China Advances in Social Science, Education and Humanities Research, volume 176 https://www.atlantis-press.com/proceedings/icmess-18/25897096.

10. Leshukova I. V. Pribil kommercheskogo banka i ee istochniki.// Innovasionnaya nauka. – Moskva, 2017. – № 5. – S. 114 - 116.

11. Toshpulatov Davron. (2024). Tijorat banklarida risk madaniyati. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil. 2. 668-674.10.60078/2992-877X-2024-vol2-iss5-pp668-674. – ttps://www.researchgate.net/publication/381441039.

12. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining statistik ma’lumotlari asosida muallif ishlanmasi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН РЕАЛ СЕКТОР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Анваров Нозимжон Махсудбек ўғли
таянч докторант
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: anvarovnozim40@gmail.com
ORCID:0009-0006-5205-6913

Аннотация. Сўнгги йилларда иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва барқарорликни сақлашда банкларнинг роли тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, реал секторнинг молиявий барқарорлигини ошириш борасидаги ҳаракатлар иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга, корхоналарнинг узоқ муддатли муваффақиятини таъминлашга ва меҳнат бозорида барқарорликни яратишга ёрдам беради. Банклар, молия воситалари ва кредитлаш механизмларини такомиллаштириш орқали реал секторнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган молиявий муҳитни яратишда муҳим роль ўйнайди. Ушбу мақолада банкларнинг реал сектор билан ўзаро алоқалари, молиявий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти ва ушбу жараёнда юзага келадиган муаммолар ҳамда имкониятлар тадқиқ этилиб, тегишли тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: реал сектор корхоналари, банк кредити, кредит риски, ЯИМ, пул оқимлари

ПОВЫШЕНИЕ КОММЕРЧЕСКИМИ БАНКАМИ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ РЕАЛЬНОГО СЕКТОРА

Анваров Нозимджан Махсудбека оглы
базовый докторант
Ташкентский государственный экономический университет,
E-mail: anvarovnozim40@gmail.com
ORCID:0009-0006-5205-6913

Аннотация. В последние годы роль банков в обеспечении экономического развития и поддержании стабильности становится все более значимой. В частности, усилия по повышению финансовой устойчивости реального сектора будут способствовать поддержанию экономического роста, обеспечению долгосрочного успеха бизнеса и созданию стабильности на рынке труда. Банки играют важную роль в создании финансовой среды, отвечающей потребностям реального сектора, путем совершенствования финансовых инструментов и механизмов кредитования. В статье рассматривается взаимодействие банков с реальным сектором, их значение в обеспечении финансовой стабильности, а также проблемы и возможности, возникающие в этом процессе, даются соответствующие предложения.

Ключевые слова: предприятия реального сектора, банковский кредит, кредитный риск, ВВП, денежные потоки.

INCREASE IN FINANCIAL STABILITY OF THE REAL SECTOR BY COMMERCIAL BANKS

Anvarov Nozimjon Makhsudbek ogli
Foundation doctoral student
Tashkent State University of Economics
E-mail: anvarovnozim40@gmail.com
ORCID:0009-0006-5205-6913

Abstract. In recent years, the role of banks in ensuring economic development and maintaining stability has become increasingly important. In particular, efforts to improve the financial stability of the real sector help support economic growth, ensure the long-term success of enterprises, and create stability in the labor market. Banks play an important role in creating a financial environment that meets the needs of the real sector by improving financial instruments and lending mechanisms. This article examines the interaction of banks with the real sector, their importance in ensuring financial stability, and the challenges and opportunities that arise in this process.

Key words: real sector enterprises, bank credit, credit risk, GDP, cash flows.

Кириш

Ҳозирги вақтда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни тижорат банклари фаолиятисиз, уларнинг молиявий кўмагисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларида тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасида банк кредитлари сифатини ошириш, кредит рискларини камайтириш, мижозларнинг кредит қобилиятини объектив баҳолаш усуллари ҳамда скоринг механизмларини мукаммаллаштириш, кредитлаш амалиётини банк учун энг мақбул бўлган даромадлилик стратегиясига айлантириш, банкларнинг молиявий барқарорлиги ва кредитлаш салоҳиятини ошириш бўйича илғор инновацион банк хизматлари ва маҳсулотларини жорий этиш сингари тадқиқот йўналишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги

фармонида «Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш» вазифа белгиланган [1]. Бунда тижорат банкларининг вазифаси ҳам алоҳида ўрин тутади.

Тижорат банкларининг иқтисодиётда, хусусан реал секторнинг қўллаб-қувватланишида аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Йирик корхоналар фаолиятидан тортиб, кундалик турмушимизнинг ҳар бир жабҳасида уларнинг фаол иштирокини кўришимиз мумкин. Шу боис ҳам, банклар иқтисодиётнинг қон томирига қиёсланиши чуқур маъно-мазмун касб этади. Мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётда молиявий ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлари фаолияти учун қулай иқтисодий шарт-шароитларнинг яратилиши мамлакат банк тизими барқарорлигининг ошишига имкон яратди. Банк хизматлари бозоридаги рақобатлашув жараёнинг кучайиши натижасида тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳажми кенгайиб бормоқда. Мазкур жараёнининг жадаллашуви банк операцияларини амалга ошириш тартибларининг соддалаштирилганлиги, иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарни қўллаб-қувватлашда молиявий ташкилотлар ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг фаол тарзда амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади. Мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда инкор этиб бўлмайди. Шу боисдан, ҳозирги 139 кунда республикамиз иқтисодиётида реал сектор корхоналари фаолиятини молиялаштириш, уларни фаолиятига тижорат банклари кредитларни, хусусан, хорижий молия институтлари маблағларини

кенгроқ жалб этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Маълумки, иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган ҳар қандай корхона ўз молиявий ресурслари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга ҳар доим ҳам имкон топа олмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда, тижорат банклари кредитлари реал сектор корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб майдонга чиқади. Тижорат банкларининг кредитлари ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайдиган молиялаштириш манбаси ҳисобланади. Банк кредитлари ёрдамида иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари фаолиятини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлган инвестицион харажатларнинг молиялаштирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи

Тижорат банкларининг реал сектор корхоналарига кредитлар бериш амалиётини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича бир қатор хорижий ва маҳаллий олимлар, иқтисодчилар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Д. В. Савинова , И.Юдина, Дж. Синки Й. Шумпетер каби тадқиқотчилар тижорат банкларининг реал сектор корхоналарига кредитлар бериш масалалари билан шуғулланиган.

Хорижий олимлардан М.Афанасеванинг фикрига кўра, ривожланаётган мамлакатларда банклар учун қисқа муддатли кредитлар бериш узоқ муддатли инвестицион кредитлар беришга қараганда афзал бўлиб, юқори даромадлилигини ва паст риск даражаси билан ажралиб туради [2].

Гейзе Е.В. ва С.В. Лулайларнинг фикрича, “Вазиятни яхшилаш учун кредитлар бўйича фоиз ставкаларини пасайтириш учун имтиёзлардан кенгроқ фойдаланиш зарур. Бироқ, ушбу усуллардан ортиқча фойдаланиш бутун иқтисодиёт учун кредит харажатларининг ошишига олиб келиши мумкин”. Узоқ муддатли кредитларнинг хусусияти [3]

Маҳаллий олимларимиздан Т. Бобоқуловнинг фикрига кўра, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида монетизация даражасининг паст эканлиги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик муаммосини чуқурлаштиради. Бу эса, уларнинг пул оқимини заифлашувига олиб келади ва тижорат банкларининг инвестицион кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади [4].

Таҳлил ва натижалар

Реал секторнинг корхоналарни ривожлантиришда албатта молиявий маблаққа бўлган эҳтиёж мавжуд бўлгани ҳолда, уларни қондиришда тижорат банкларнинг кредит маблағлари ҳисобига фаолиятини ривожлантиришади. Корхоналарга ажратилган кредитлар нафақат банкларнинг даромадлилиги балки иқтисодиётнинг ривожланиши, яъни мамлакат ЯИМ ҳажми ўсишига, аҳоли даромадлари кўпайиши ва аҳоли бандлиги даражаси ошишига ижобий таъсир этмоқда (1-жадвал).

1-жадвал.

Корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги салмоғи*

Йиллар	Тадбиркорлик субъектининг ЯИМдаги салмоғи (%)	Тадбиркорлик субъектида банд бўлганлар сони (млн. киши)	Корхоналарга ажратилган банк кредитлари (трлн. сўм)
2012	45,7	7,7	0,7
2013	48,2	8,1	1,2
2014	50,1	8,3	1,8
2015	52,5	8,6	2,6
2016	54,0	8,9	4,1

2017	54,6	9,2	5,3
2018	55,8	9,6	6,9
2019	56,1	9,9	9,1
2020	62,9	10,1	9,5
2021	64,9	10,4	10,2
2022	63,6	10,5	14,4
2023	59,4	10,1	24,4

* Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги расмий веб-сайти: – http:www.stat.uz.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги салмоғи 2012 йилда 45,7 фоизни, тадбиркорлик субъектида банд бўлганлар сони эса 7,7 млн кишидан иборат бўлиб, корхоналарга ажратилган банк кредитлари эса 0,7 трлн сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб ушбу кўрсаткичлар сезиларли даражада ошганини кўришимиз мумкин. Бу эса банк соҳасида мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар, реал сектор корхоналарини инвестицион ҳолатига ижобий таъсир этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётимизни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва шу орқали мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда банк тизими томонидан олиб борилаётган инвестицион сиёсат ўз самарасини бермоқда. Тадбиркорлик субъектларининг барча молиявий муносабатларини пул оқимлари таркиби бўйича ифодалаш мумкин (1-чизма).

1-чизма.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги пул оқимлари*



*Муаллиф ишланмаси.

Тадбиркорлик фаолияти меъёрида фаолият юритиши учун соф пул оқими нолга тенг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу,ўз навбатида, корхона томонидан ҳисобот даврида ишлаб топилган пул маблағлари харажат манбалари бўйича самарали тақсимланганлигидан далолат беради. Соф пул оқими муайян фаолият тури ёки барча фаолият турлари бўйича ижобий ва салбий пул оқимлари ўртасидаги тафовутни акс эттиради. Пул маблағлари минимал зарурий захирасининг мавжуд эмаслиги молиявий қийинчиликлардан дарак беради. Пул маблағларининг ортиқчалиги эса, корхона зарар

кўраётганлигини билдиради.

Тадбиркорлик субъектлари барқарорлигининг яна бир муҳим кўрсаткичи ҳамда вақт бўйича ижобий ва салбий оқимлар даражаси ҳисобланади. Бу, айниқса, Тадбиркорлик субъектлари учун муҳим, чунки уларда йирик корхоналар каби молиявий ресурс ва маблағлар захиралари мавжуд эмас. Уларнинг моҳияти келажакдаги молиявий даврнинг ҳар бир оралиғида корхоналар тўлов қобилиятининг етарли даражасини бир вақтнинг ўзида таъминлашдан иборат. Соф пул оқимини максимал даражада ошириш ўз-ўзини молиялаштириш тамойили асосида Тадбиркорликнинг иқтисодий ривожланиш суръатларини оширишни таъминлайди, ташқи молиялаштириш манбаларига қарамликни камайтиради ва унинг бозордаги рентабеллигини оширади.

Молиявий бошқарувни самарали ташкил этишга тўғри ёндашув муҳим аҳамиятга эга бўлган кичик бизнесда молиявий фаолият одатда мулкдорнинг ўзи томонидан амалга оширилади. Бу корхонага пулни тежаш, қўшимча даромад олиш ва тўлов қобилиятини сақлаб қолиш имконини беради.

Кичик бизнес субъектларини молиявий бошқариш усулларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– сотилган маҳсулот ёки хизматлар учун маблағларни олиш;

– корхонанинг жорий фаолияти билан боғлиқ барча турдаги харажатларни пул маблағлари билан таъминлаш (етказиб берувчилар, ходимлар, ижарачилар ва бошқалар билан ҳисоб-китоблар);

– молия институтлари билан ўзаро манфаатли шартларда ҳамкорлик қилиш (банклар, суғурта компаниялари ва бошқалар);

– давлат ва маҳаллий ҳокимият олдидаги молиявий мажбуриятларни бажариш (солиқлар ва йиғимларни тўлаш);

– кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини сақлаш. Ушбу вазифаларни самарали тарзда амалга ошириш бўйича фаолият режалаштириш, молиявий назорат ва молиявий ҳолат таҳлилига бевосита боғлиқ бўлади.

Молиявий режалаштиришнинг асосий жиҳати молиявий барқарорликни таъминлаш учун энг мақбул ва фойдали молиявий режани тузишдан иборат бўлади. Молиявий режа - ишлаб чиқариш, молиявий ва инвестиция фаолиятининг келажакдаги самарадорлиги ва натижаларини башорат қилишга асосланган режа сифатида ифодаланади. У кичик корхона фаолияти натижалари бўйича товар-моддий захиралар, молиявий оқимлар тўғрисида тасаввур берадиган кўрсаткичларни акс эттиради.

Хулоса

Тижорат банклари иқтисодиётда, хусусан реал секторнинг қўллаб-қувватланишида аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Йирик корхоналар фаолиятидан тортиб, кундалик турмушимизнинг ҳар бир жабҳасида уларнинг фаол иштирокини кўришимиз мумкин. Шу боис ҳам, банклар иқтисодиётнинг қон томирига қиёсланиши чуқур маъно-мазмун касб этади.

Умуман олганда, кредит бозорида кредит фоизлари миқдори асосий ставка, пул ресурсларига бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати, инфляция ва инфляцион кутилмалар, кредит хизматлари бозорида банк рақобати, депозитлар бўйича мижозларга тўланадиган фоизлар, банк таваккалчилигини камайтириш мақсадида фоиз ставкаларини бошқариш, кредит ресурслари структураси ва бошқа бир нечта макро ва микроиқтисодий омилларга боғлиқдир. Яна бир муҳим масала, соғлом рақобатни шакллантириш ва ажратилаётган кредитларнинг рисклилик даражасини камайтириш учун пировардида молиявий маблағларнинг узлуксиз айланишини таъминлайда. Бунда тижорат банкларинг фаолиятининг мустақиллигини ҳукумат даражасида таъминлаш, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида келтирилган “Банклар молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

қабул қилишда мустақилдир” деб киритилган талаб ижросини тўлиқ таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармони https://lex.uz/en/docs/5841063

2. М. Афанасьев Основы бюджетной системы (рекомендовано Министерством образования РФ в качестве учебного пособия для экономических специальностей университетов). М., Изд-во ВШЭ, 2004, с. 243, переиздано М., Изд. Дом ГУ-ВШЭ, 2009, с.228;

3. Гейзе Е.В., С.В. Кулай. Особенности долгосрочного кедитования.// Экономика и социум. – 2018. – №8(51).

4. Бобоқулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. Т.: «Fan va texnologiya», 2007 й. 184 б.

5. Савинова Д. В. О формировании механизма привлечения кредитных ресурсов в малый бизнес // Деньги и Кредит.- Москва, 2009. - № 5. – С. 60-61.

6. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 590-591.

7. Шумпетер Й. Основы предпринимательства. Пер. с нем. – М.:Дело, 1974. – С. 132.

8. Абдужабборова М. Пул оқимлари тахлили. Иқтисодий тараққиёт ва тахлил. Илмий электрон журнал. 2023-йил август. www.e-itt.uz.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ИСЛОМ БАНКИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

Элбусинова Умида Кҳамидуллаевна
банк иши кафедраси доценти
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: umidakhashimova777@gmail.com
ORCID: 0009-0001-1976-4540

Аннотация. Мақолада ислом банки тамойиллари таҳлил этилган бўлиб, унда шариат нуқтаи назаридан рибо, майсир, ғорар, жол, ришваларнинг ўҳшаш жиҳатлари билан бирга уларнинг бир-биридан фарқли ҳусусиятлари ҳам тадқиқ қилинган. Банклар фаолияти билан боғлиқ мунозарали ҳолатлар ўрганилган. Ислом банкларини Ўзбекистон Республикасига кириб келишдаги қонунни яратишда асос бўладиган давлат тажрибаси ўрганилган. Унда ислом банкларининг моҳияти, унинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир этувчи таҳдидлардан ҳимояланиш усуллари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ислом банки, рибо, майсир, ғорар, жол, ришва, кредит, банкнота,танга, шариат қонунлари.

ПРИНЦИПЫ ИСЛАМСКОГО БАНКА

Элбусинова Умида Кхамидуллаевна
доцент кафедры банковского дела
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: umidakhashimova777@gmail.com
ORCID: 0009-0001-1976-4540

Аннотация. В статье анализируются принципы исламского банкинга, а также рассматриваются с точки зрения шариата сходства и различия между ростовщичеством, майсиром, гараром, джалом и взятками. Изучены спорные ситуации, связанные с банковской деятельностью. Изучен государственный опыт, который послужил источником для создания правовой основы вхождении исламских банков в Республику Узбекистан. Раскрывается сущность исламских банков и методы защиты от угроз, влияющих на их экономическую безопасность.

Ключевые слова: исламский банкинг, ростовщичество, майсир, гарар, джол, взятка, кредит, банкнота, монета, законы шариата.

PRINCIPLES OF ISLAMIC BANKING

Elbusinova Umida Khamidullaevna
Associate Professor of the Department of Banking
Tashkent State University of Economics
E-mail: umidakhashimova777@gmail.com
ORCID: 0009-0001-1976-4540

Abstract. The article analyzes the principles of Islamic banking, and from the point of view of Sharia, it examines the similarities and differences between usury, maysir, gharar, jol, and bribes. Controversial situations related to the activities of banks are studied. The state

experience that served as the basis for creating a law on the entry of Islamic banks into the Republic of Uzbekistan is studied. It describes the essence of Islamic banks and methods of protection against threats affecting their economic security.

Keywords: Islamic banking, usury, maysir, gharar, jol, bribe, credit, banknotes, coins, Sharia law.

Кириш

Анъанавий молиялаштириш фоизга асосланган кредит шаклида амалга оширилар экан, исломда мазкур фаолиятга зид бўлган тизим ишлаб чиқилди. Шариатга мувофиқ берилган қарзни фоиз билан қайтариб олиш судхўрлик (рибо) дейилади, ҳамда харом ҳисобланади. Ислом ҳуқуқи ҳеч қандай шаклда судхўрликка рухсат бермайди. Бу борада иқтисодчи олим М. Арчакова-Ужахованинг қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқ: “Фоиз – рибонинг тақиқланиши икки молиявий тизим, яъни анъанавий ва ислом молияси ўртасидаги асосий ғов бўлиб, бир-биридан фарқлантирувчи муҳим омил ҳисобланади [1].

Юртимизнинг аксарияти, яъни 80 фоиздан ортиқ аҳолиси мусулмонларни ташкил этади. Бунинг натижасида аҳолининг кўп қисми юқори фоизларни ҳуш кўрмайди ва имкон даражасида шариатга амал қилишни афзал кўришлари натижасида бу ноанъанавий банкларга бўлган талаб ортиб бораётганини кўришимиз мумкин.

Адабиётлар шарҳи

Исломий банк тизими – ислом ҳуқуқи ёки шариат қонунлари асосида фаолият юритиш ва ишлаш тамойилига эга банк тизими бўлиб, унинг ўзига хос тамойиллари мавжуд. Бунга кўра фоиз тўламаслик тамойили (рибо), спекулятив амалларни молиялаштирмаслик (майсир), ортиқча рискка йўл қўймаслик (ғорар), адолатсиз устунликка эга бўлмаслик (жол), коррупцияга йўл қўймаслик (ришва) деб юритилади. Шотибийнинг кўрсатишича, ушбу ҳолатда ҳар бир эчки эгасининг сут ва пишлоғини алоҳида сотган ҳолатда ғорар ва рибодан четда бўлиш имконияти мавжуд эди [2], лекин бу иқтисодий нуқтаи-назардан самарали бўлмас эди, шунинг учун чўпон ва эчки эгаларининг мазкур муносабатида ғорар ва рибо унсурлари мавжуд бўлса-да, ушбу шартномада мазкур икки тоифанинг мавжудлиги унчалик аҳамиятга эга эмас деб ҳисобланади.

“Рибо”(арабчадан сўзма-сўз таржима қилганда кўпайиш маъносини беради) сўзи Қуръонда 8 жойда учрайди, рибога тааллуқли оятлар эса муқаддас китобнинг 12 та оятида мавжуд.

Рибо Қуръонда кескин қораланади: “Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб жинни бўлган кишидек довдираб турарлар. Бундай бўлиши уларнинг, тижорат ҳам рибога ўхшаш-да, деганлари учундир. Ва, ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол, рибони ҳаром қилган. Кимки Роббидан мавъиза келганда тўхтаса, аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳнинг ўзига ҳавола. Кимки яна (рибога) қайтса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар”[3]. Қуръонда савдо ва судхўрлик амалиётлари бир-биридан фарқлангани ҳолда, “рибо” тушунчасининг ўзига таъриф берилмайди, фақат ўша даврларда судхўрлик амалиётининг кенг тарқалган шаклларидан бири – тўлов муддатини узайтириш ҳисобига қарз миқдорини икки ҳисса оширишни ман этувчи кўрсатмалар берилади: “Эй иймон келтирганлар! Рибони бир неча баробар қилиб йиманг. Аллоҳга тақво қилинг, шоядки нажот топсангиз”[4].

Рибо – бу фоизга бериш ва фоиз олишдир. Рибо берилган қарзнинг қийматини ўсиши натижасида ва фоиз кўринишида даромад олишни англатади. Анъанавий банкларда берилган кредитдан фойдаланиш самарадорлигидан қатъий назар фоиз кўринишида даромад олинади. Ислом банкларида эса, берилган кредитдан олинадиган даромад кредитдан фойдаланиш натижасида олинган фойдага адолатли шерик бўлиш орқали олинади.

Ғорар арабчадан бевосита таржима қилинганда “хавф” маъносини билдиради. Мусулмон фиқҳи нуқтаи-назаридан шартномада ғорар унсурининг мавжудлиги уни амалга оширишни бекор қилиши мумкин.

Шариатнинг икки асосий манбаси бўлган - Қуръон ва ҳадисларда “ғорар” тушунчаси аниқ тавсифланмаган. Шунинг билан бирга, айрим ҳадисларда савдолашишнинг бир нечта қоидалари батафсил баён этиб берилган, бунда харидор ва сотувчи ўртасидаги муносабатларда ноаниқлик бутунлай тақиқланган. Масалан, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам битим тузиш вақтида сотувчининг қўлида бўлмаган молни сотишни ман этганлар.

Сунан эгалари келтирган ривоятда: «...Ҳузурингда бўлмаган нарсани сотиш ҳам», дейилган»[5].

Мусулмон фиқҳшунослари орасида ҳам мумкин бўлган ва ўта юқори даражадаги ғорар деб номланадиган ғорарлар мавжуд деб ҳисоблайдиганлари талайгинани ташкил этади. Замонавий мусулмон фиқҳшунослигида қабул қилинган тоифалашга мувофиқ, ғорарни қуйидаги шаклларга ёки аниқроғи, даражаларга ажратиш мумкин:

1.Ортиқча ғорар (ғорар ал-касийр) – ҳар қандай шартномани бекор қилувчи ғорар.

2.Кам аҳамиятли ғорар(ғорар ал-ясийр) – йўл қўйилиши мумкин бўлган ғорар.

3.Оралиқ ғорар (ғорар ал-мутаввассит) – юқоридаги айтиб ўтилган икки ғорарнинг ўртасида бўлувчи ғорар.

Аҳли сунна вал жамоанинг барча фиқҳий мазҳаблари, агар ғорар шартноманинг табиатига кўра, унда аҳамиятли даражада мавжуд бўлса, у ҳолда шартномани қонуний кучидан маҳрум этиши ҳақида якдил фикрдалар[6].

“Ғорар” тушунчаси бўйича энг муросасоз талқин ўрта асрларда йўқ бўлиб кетган зоҳирийлар мактаби вакиллари томонидан берилган эди. Мазкур мактаб вакилларининг фикрларича, у ёки бу шартномада ғорарнинг мавжудлигини аниқлашда ноаниқлик эмас, балки номаълумлик муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган. Буюк мусулмон фиқҳшуноси ва ёзувчиси Ибн Ҳазмнинг сўзларига кўра, “олди-соттидаги ғорар, сотувчи нима сотаётганини ва харидор нимани сотиб олаётганини билмаган вақтда пайдо бўлади”. Ғорар – шартноманинг муддати ёки предмети ноаниқ бўлган шароитда ўзи эга бўлмаган товарни сотишга қўйилган таъқиқдир. Шариатда шартномада ноаниқликнинг бўлиши ман этилган. Шартномада маълумотлар (товар суммаси, товарнинг тури, товарни етказиб бериш муддати, товар суммасини тўлаш вақти, тўлов валютаси, томонларнинг манзили, номи) тўлиқ акс эттирилган бўлиши шарт.

Майсир(арабчадан сўзма-сўз таржима қилганда – “қимор ўйини”) исломгача бўлган даврда етарли даражада оммабоп бўлган қимор ўйинини ўзида гавдалантиради. Ўйиннинг моҳияти қуйидагидан иборат бўлган. Халфана ўйинининг барча иштирокчилари томонидан (тенг улушларда) туя сотиб олинган. Туяни сўйишгач, гўштни майдалаб, қисмларга бўлиб чиққанлар. Шундан кейин гўшт бўлаклари сонича камон ўқлари олинган ва ҳар бир камон ўқига сўйилган ҳайвон танасининг у ёки бу қисми ёзиб чиқилган. Туя ўркачи гўштнинг энг яхши, туёғи эса ёмон қисми ҳисобланган. Кейин иштирокчилар камон ўқларини тортганлар. Кимки туя танасининг яхши қисми ёзилган камон ўқини тортган бўлса, ўша ютуқ эгаси ҳисобланган, ёмон қисмини тортган киши эса ютқизган бўлиб чиққан.

Ғорардан фарқли равишда, майсир исломда буткул рад этилган: “ Эй иймон келтирганлар! Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз”[7]. Адолатсиз устунликка эга бўлмаслик принципида қонунда рухсат этилган, аммо шариат қоидаларига зид келадиган натижаларга олиб келадиган ҳамда амалдаги ҳуқуқий меъёрлардан фойдаланган ҳолда рақобат курашида устунликка эришишни таъқиқлашган.

Коррупцияга йўл қўймаслик (ришва) тамойили билан боғлиқ бўлган мунозарали ҳолатлар ислом банклари орқали ўтказилаётган айрим пул ўтказмалари терроризмга

қарши курашувчи давлат органлари ва халқаро ташкилотлар томонидан ноқонуний деб ҳисобланмоқда. Халқаро пул ўтказмалари тизимлари 5-10% миқдорида комиссия олса, ислом банклари орқали пул ўтказувчилар 1-2% комиссион тўлов олади.

Таҳлил ва натижалар

Мусулмон уламоларидан Ибн Қаюм Жавзия (1292–1350) ҳам рибони икки гуруҳда таснифлайди: ошкора рибо ва яширин рибо. Ибн Қаюмнинг фикрича, ошкора рибо исломгача бўлган даврдаги рибо бўлиб, тўловни кечиктириш билан боғлиқ, яширин рибо эса Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан тақиқланган кўпаювчи рибодир (Ҳомоуд, 1985). Шуни қайд этиш лозимки, бундай таснифлаш замонавий мусулмон олимлари тарафидан айтарли кам қўлланилади.

Рибони чуқур ўрганиш даврида замонавий мусулмон олимлари ва ҳуқуқшунослари араб атамашунослигидаги рибо ан-насиа ва рибо ал-фазл тушунчаларига мурожаат етишади.

“Насия” сўзи “насаа” сўзининг ўзагидан олинган бўлиб, кутиш, кечиктириш, узайтириш маъноларини англатади. Бу ерда қарздорнинг ўрнатилган вақтдан сўнг қарзни қайтариш имкониятлари мавжуд бўладиган вақт ҳақида сўз бормоқда. Қарздор кечиктирилган ёки узайтирилган муддат учун қўшимча миқдор ёки мукофот тўлайди, худди мана шу нарса Исломда рибо сифатида баҳоланади.

Шундай қилиб насия рибоси исломгача бўлган даврда ундирилган ва Қуръон томонидан тақиқланган ёки бошқача айтганда, жоҳилия рибосидир. Қуръоний тақиқ нозил бўлгач, айрим муаллифлар бундай рибони рибо ал-Қуръон ёки Қуръон рибоси деб атай бошлаганлар. Бу рибо Усома Ибн Зайд томонидан ривоят қилинган ҳадисда айтиб ўтилган: “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Насия савдодагина судхўрлик мавжуд”, – дедилар”[8].

Насия рибоси баъзан *рибо ал-дуюн, рибо ал-мубошшир, рибо ал-жалий* сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

1-жадвал.

Рибо таснифлари *

	Исломгача	**Исломдан сўнг**
Пайдо бўлиш даври	исломий қарашлар пайдо бўлгунича	исломий қарашлар пайдо бўлганидан сўнг
Тақиқ қўйилган манбалар	Қуръон	ҳадислар
Қаерда пайдо бўлади	қарзни узайтиришида	сотиш жойларида: тезликда тўлов – маҳсулотни кечиктириб жўнатиш
Умум қабул қилинган атамалар	қарз рибоси Қуръон рибоси жоҳилия рибоси насия рибоси рибо ал-дуйун рибо ал-мубо-шшир рибо ал-жалий	савдо рибоси рибо ал-ҳадис рибо ал-сунна рибо ал-фазл рибо ал-буйу ғойр ал-мубошшир рибо ал-хафий

***** Судин Хорун, Ван Нурсофиза Ван Азмий. Исломий молиялар ва банк тизими: фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти. Қозон: ЛиновоМедиа, 2012. – 536-б.

1-жадвалга асосланиб, исломгача бўлган риболар қарзни узайтириш мобайнида вужудга келишини хулоса қилиш мумкин. Исломгача ва исломдан кейинги даврлардаги риболарни бир-биридан фарқловчи энг муҳим ўлчовлардан бири бу бизнесни сотишга

нисбатан қўйилган қўшимча тақиқдир. Исломгача бўлган даврдаги арабларга маълум қарз рибоси ислом келгандан сўнг тўхтаб қолмади. Масалан, таъминоти йўқ қарз бўйича рибо исломдан кейин пайдо бўлгани ҳолда у исломгача пайдо бўлган рибо ҳисобланади.

2-жадвал.

Ғоарнинг турлари *

№	Ғоарнинг турлари	Ғоарнинг турларининг тарифи
1.	Мавжудлигидаги ноаниқлик,	Ҳозирда йўқ ва ҳали ясалмаган нарсанинг савдоси
2.	Ҳосил бўлишидаги ноаниқлик	Қўлида йўқ нарсанинг савдоси
3.	Миқдордаги ноаниқлик	Ғаввоснинг бир шўнғишини ёки овчининг бир отишини савдо қилиш
4.	Жинсдаги ноаниқлик	Чегараланмаган савдо молини олди-сотдиси
5.	Сифатдаги ноаниқлик	Сифатини айтмай гуруч ёки шунга ўхшаш нарсаларни савдо қилиш
6.	Муддатдаги ноаниқлик	Насия савдосида нархни ёки савдо молини қачон топширишни белгиламаслик
7.	Макондаги ноаниқлик	Молни қаерда беришни таъйинламасдан савдо қилиш
8.	Таъйин қилишдаги ноаниқлик;	Икки хил кийимни бирини таъйин қилмасдан сотиш

* Судин Хорун, Ван Нурсофиза Ван Азмий. Исломий молиялар ва банк тизими: фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти. Қозон: ЛиноваМедиа, 2012. – 536-б.

Майсир – спекулятив битим бўлиб, даромад олиш мақсадида олди сотди қилишни кўзда тутади. Ислом банкларига қимматли қоғозларни даромад олиш мақсадида сотиб олиш ва сотишга рухсат этилмайди.

Ўзбекистонда ислом банкларини кириб келишига оид ҳозирда қонун ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги ўз –ўзидан бу банк ҳизамтларидан фойдаланиш имкониятини чеклайди, шу сабабдан жаҳон тажрибасини ўрганиш муҳимдир. Ислом банклари фаолиятининг қонунчилик асослари нисбатан юқори даражада ривожланган давлат – бу Малайзиядир.

Сабаблари:

1. Ислом дини Малайзияга анча эрта, яъни XIII асрда кириб келган.

2. Малайзия мусулмон аҳолиси кўп бўлган 4 давлат (Ҳиндистон, Бангладеш,Покистон. Индонезия)нинг ўртасида жойлашган .

3. Малайзия халқаро ислом молияси маркази ҳисобланади.

Малайзияда “Ислом банклари тўғрисида”ги қонун 1983 йил 9 мартда қабул қилинган. Малайзияда 2013 йилда “Молиявий хизматлар тўғрисида”ги (FSA) ва “Ислом молиявий хизматлари тўғрисида”ги (IFSA) қонунлар қабул қилинди. FSA Банк ва молия муассасалари тўғрисидаги қонунни (1989 й.), «Валютавий назорат тўғрисида»ги қонунни (1953 й.), Суғурта тўғрисидаги қонунни (1996), Тўлов тизими тўғрисидаги қонунни (2003 й.) бекор қилди. IFSA Ислом банк иши тўғрисидаги қонунни (1983 й.), Такафул тўғрисидаги қонунни (1984 й.) бекор қилди.

Малайзия банк қонунчилигига кўра:

* Фақат лицензияга эга бўлган ислом банкларигина фаолият кўрсатишга ҳақли.

Лицензия беришнинг мажбурий шартлари:

Банкларнинг мақсади ва вазифалари шариат қоидаларига зид келадиган элементларни ўз ичига олмаслиги керак. Банк низомида шариат кенгашини тузиш тўғрисидаги банд бўлиши шарт. Ҳар қандай ислом банки депозитларни суғурталаш ташкилоти аъзоси ҳисобланади.

Марказий банк камида 21 кун олдин лицензияни чақириб олиш тўғрисида ислом банкини хабардор қилиш керак.

Лицензияси чақириб олинган банк 1 ой ичида Олий судга аппеляция беришга

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ҳақли.

Ҳар бир ислом банки :

- захира фондлари ташкил қилишга;

-депозитларга нисбатан маълум нисбатда ликвидли активларни сақлаб туришгамажбур.

Ислом банкларининг ликвидли активларига қуйидагилар киради:

- банкноталар ва тангалар;
- Марказий банкдаги пул маблағлари;
- инвестицион сертификатлар.

Банк қонунчилигини бузган мансабдор шахсларга нисбатан 20 минг ринггитгача жарима ёки 3 йилгача қамоқ жазоси қўлланилади.

Мансабдор шахс бир вақтнинг ўзида жарима тўлаши ва қамоқ жазоси ҳам олиши мумкин.

Ислом банки Малайзия давлатининг исталган ҳудудида филиал ва ваколатхоналар очишга ҳақли.

Ислом банки бошқа банклар билан, шу ужмладан, хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатишга ҳақли.

Ислом банклари инсайдерларга имтиёзли кредитлар беришга ҳақли эмас.

Ислом банклари ҳақли эмас:

- барча харажатларни молиялаштирмасдан туриб дивидендлар тўлашга;
- ўзининг акцияларини гаровга олиб кредит беришга;
- 10 минг ринггитдан ортиқ суммадаги кредитларни гаровсиз беришга.

Хулоса

Ислом банкларини юртимизда жорий қилишда бир қанча ишларни амалга ошириш лозим бўлиб буни натижасида бир вақтда анъанавий ва ноаънанавий банклар фаолият юритаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш имконини беради.

Ислом банки тамойиллари билан боғлиқ бўлган мунозарали ҳолатларни ўз ичига олади.

1. Анъанавий Марказий банкнинг назорати остида бўлган ислом банкларида (Россия, Туркия, Қозоғистон ва бошқ.) амалиёт билан тамойилларни талқин қилишда фарқ юзага келади. Агар ислом банклари ислом Марказий бакинининг назорати остида бўлса (Судан, Эрон, Покистон) тамойилларни талқин қилишда амалиётдан фарқланишлар юзага келмайди. Чунки ислом Марказий банклари шариат талаблари асосида фаолият юритади.

2. Ислом банклари ўртасида тўлақонли рақобат муҳитини шаклланмаганлиги адолатсиз устунликка эга бўлмаслик тамойилининг моҳиятига зиддир. Ислом банкларининг учдан бир қисми активлари миқдори 50 млн доллардан ортмайдиган банклардир, активлари 1 млрд доллардан ортиқ бўлган ислом банклари сони 30 тага етмайди.

3. Ислом банкларининг хорижий банкларда очилган “Ностро” вакиллик ҳисоб рақамларининг ишчи қолдиғига АҚШ, Европа банклари томонидан фоиз тўланиши.

4. Айрим ҳолларда мижоз товарни банк билан шартнома тузмасдан олдин сотиб олади ва мурабаха товарни қайтариб сотиб олиш асосида амалга оширилади. Бу эса, муфти Муҳаммад Таки Усмонийнинг фикрига кўра, шариат тамойилларига зиддир. Чунки шариат тамойилларидан келиб чиққанда, мурабаханинг мазмуни шундаки, банк товарни сотиб олиши ва кейин уни мижозга тўловини кечиктириш шарти билан сотиши керак.

5. Ижаранинг ислом тамойилларига асосланган муҳим шартларидан бири шундаки, ижарага берувчи ижарага берилган актив билан боғлиқ бўлган рисклар учун жавоб беради. Ижарага олувчи ушбу объектдан фойдаланиб наф кўраётганлиги учун ижара ҳақини тўлайди. Аммо кўпчилик битимларда ушбу шартнинг бузилиши кузатилади. Ижарага берилган объектга зиён етганда ижарага берувчи жавобгарликни зиммасига

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

олмайди, ижара ҳақи эса, тўланаверади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арчакова-Ужахова М.Б. Исламские финансовые инструменты как альтернативный способ привлечения инвестиций // Глобальные рынки и финансовый инжиниринг. – 2017. – Том 4. – № 2. – С. 133-146.
2. Siddiq Mohammad Al-Ameen Al-Dhareer. Al- Gharar in Contracts and Effects on Contemporary Transactions. – Jeddah, 1997. – P.10.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Тафсири Ҳилол”. Бақара, 275.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Тафсири Ҳилол”. Оли Имрон,130.
5. www.islom.uz
6. Ғариб ал-Жамол. Ат-Таъамин фиш-шаръиа ал-исламийа вал-қонун. – Қоҳира, 1975. – 201-б.
7. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Моида, 90.
8. www.islom.uz.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

KORPORATIV MIJOZ VA BANK XIZMATLARINING FUNKSIONAL XUSUSIYATLARI

To‘laev Safarmurod Boymuhammad o‘g‘li
mustaqil tadqiqotchi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: tulayevsafar@gmail.com
ORCID:0009-0003-8740-6715

Annotatsiya. Hozirgi vaqtda innovatsiyalar bank xizmatlarining sezilarli darajada rivojlanishiga ta’sir ko‘rsatmoqda. Bank xizmatidagi raqamli texnologiyalar korporativ mijozlarning katta guruhri uchun bir vaqtning o‘zida noyob bank yangiliklarini yaratishga imkon beradi. Bank yuqori darajadagi xizmatga erishgan taqdirda, korporativ mijoz uning xizmatidan doimo foydalanishi mumkin. Bu bankka ham, korporativ mijozga ham bir qator afzalliklarni beradi. Bank xizmatlarini sotish tizimini yaratish xizmatlar bozori, kapital imkoniyatlari, milliy iqtisodiy tizimlarning rivojlanishidagi asosiy tendentsiyalar va mijozlarning potentsial ehtiyojlari bo‘yicha nazariy tadqiqotlar olib borishni taqozo qiladi. Shuni inobatga olgan holda ushbu maqolada rivojlangan davlatlarda «korporativ mijozlar» tushunchasi, turlari va tasnifining qiyosiy tahlili amalga oshirilgan, ular bilan bog‘liq muammolar aniqlanib, echimlari yuzasidan bartaraf etish takliflar berilgan.

Kalit so‘zlar: tijorat banklari, korporativ mijozlar, bank yangiliklari, bank xizmatlari, xizmatlar bozori, yangi bank xizmatlari, innovatsion bank, kredit xizmatlari

ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ КОРПОРАТИВНОГО КЛИЕНТА И БАНКОВСКИХ УСЛУГ

Тулаев Сафармурад Боймухаммада оглы
независимый исследователь
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: tulayevsafar@gmail.com
ORCID:0009-0003-8740-6715

Аннотация. В настоящее время инновации в привлечении корпоративных клиентов влияют на значительное развитие банковских услуг. Цифровые технологии в банковских услугах позволяют банкам одновременно создавать уникальные банковские инновации для больших групп корпоративных клиентов. В случае достижения высокого уровня обслуживания корпоративный клиент может отдать свой выбор конкретному банку и стать его постоянным клиентом. Это дает ряд преимуществ как банку, так и корпоративному клиенту. Создание системы сбыта банковских услуг требует проведения теоретических исследований рынка услуг и возможностей капитала, основных тенденций развития народнохозяйственных систем, потенциальных потребностей клиентов. Учитывая это, в данной статье рассмотрены существующие проблемы и предложения банков по проведению сравнительного анализа понятия, видов и классификации корпоративных клиентов в развитых странах, выявлению и решению проблем, типов и классификации корпоративных клиентов. Кроме этого сформулированы выводы и соответствующие предложения.

Ключевые слова: коммерческие банки, корпоративные клиенты, банковские новости, банковские услуги, рынок услуг, новые банковские услуги, инновационный банкинг, кредитные услуги

FUNCTIONAL FEATURES OF CORPORATE CLIENT

AND BANKING SERVICES

Tolaev Safarmurod Boymuhammad ogli
Is an independent researcher at
Tashkent State University of Economics
E-mail: tulayevsafar@gmail.com
ORCID:0009-0003-8740-6715

Abstract. Currently, innovations in attracting corporate clients influence the significant development of banking services. Digital technologies in banking services allow banks to simultaneously create unique banking innovations for large groups of corporate clients. In case of achieving a high level of service, a corporate client can give his choice to a specific bank and become its regular client. This gives a number of advantages to both the bank and the corporate client. The creation of a banking services distribution system requires theoretical research of the services market and capital opportunities, the main trends in the development of national economic systems, and potential customer needs. Taking this into account, this article examines the existing problems and proposals of banks to conduct a comparative analysis of the concept, types and classification of corporate clients in developed countries, identify and solve problems, types and classification of corporate clients. In addition, conclusions and relevant proposals are formulated.

Keywords: commercial banks, corporate clients, banking news, banking services, service market, new banking services, innovative banking, credit services

Kirish

Korporativ mijozlarga bank xizmatlari ko‘rsatish tizimining rivojlanishining asosiy jihati iqtisodiyotni raqamlashtirishdir. Ushbu jarayonda banklar korporativ mijozlarga turli xil yangi bank xizmatlari va xizmatlarini taqdim etadilar. Yangi bank xizmati deganda bank xizmatlarini ko‘rsatishning innovatsion usullari majmui tushuniladi hamda bank tomonidan kredit xizmatlarini ko‘rsatishga qaratilgan bank operatsiyalarini amalga oshirish uchun sifat jihatidan yangi shartlar majmui tushunilishi mumkin, ular mijozlarning ehtiyojlari va bankning texnologik imkoniyatlarini hisobga olgan holda ushbu xizmatlarni taqdim etishning innovatsion xususiyati bilan ajralib turadi.

Korporativ mijozlar uchun yangi bank xizmatlarini taklif etish, uni yaratish bo‘yicha g‘oyalarni hamda innovatsion kompleks yondashuvni taklif qilish maqsadga muvofiqdir. Ushbu yondashuvni ishlab chiqishda innovatsion bank kredit xizmatlarining assortimentini shakllantirishga yo‘naltirish; korporativ mijozlar uchun bank kredit xizmatlarini yaratish bo‘yicha yangi g‘oyalarni izlashni ta’minlash; korporativ mijozlar uchun bank kredit xizmatlarini yaratish bo‘yicha innovatsion g‘oyalarni tanlash kabi jihatlar dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotlar sharhi

Har qanday moliya instituti uchun korporativ mijoz uning har bir operatsiyasidan foyda olish imkoniyatidir. Ko‘rinib turibdiki, kompaniyaning aylanmasi qanchalik katta bo‘lsa, shuncha tez-tez va ko‘p miqdorda bank orqali o‘tadi. Va bu uning ishi uchun oladigan komissiya miqdoriga ta’sir qiladi. Ammo shuni unutmangki, xizmat ko‘rsatuvchi tashkilotlar operatsion faoliyatdan tashqari, kreditlar oladilar, bo‘sh mablag‘larni depozitlarga qo‘yadilar va valyuta almashadilar. Bularning barchasi moliya institutlari uchun katta daromad manbai bo‘lib xizmat qiladi. Shuning uchun banklar iloji boricha ko‘proq korporativ mijozlarni ko‘proq jalb qilishga harakat qilishadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 12 may kuni qabul qilingan “2020–2025 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-5992-sonli farmonida, “Banklar biznes-modellarining korporativ mijozlarga

xizmat ko‘rsatishga yo‘naltirilganligi, nobank moliya tashkilotlari, innovatsiyalar va axborot tizimlarining sust rivojlanganligi sababli moliyaviy ommaboplikning past darajadaligi. Natijada, boshqa mamlakatlarda jismoniy shaxslar va korporativ mijozlarga ajratilgan kreditlar bir me’yorda taqsimlangan bir vaqtda, mamlakatimizda jismoniy shaxslarga ajratilgan kreditlar jami kredit portfeli hajmining 19 foizini, korporativ mijozlarga ajratilgan kreditlar esa 81 foizni tashkil etmoqda” ekanligi ta’kidlab o‘tilgan [1].

Jahon banki tajribasini va bank xizmatlarini rivojlantirishni o‘rganishda mahalliy va xorijiy olimlar xalqaro va mahalliy bank amaliyotida qo‘llaniladigan asosiy atamalar va tushunchalarni aniqlashga katta e’tibor berishadi.

Jimladan N.N. Korsunovaning ta’kidlashicha, “bank va uning korporativ mijozlari iqtisodiy munosabatlarning mustaqil sub’ektlari bo‘lib, ularning har biri ma’lum bir qator muammolarga duch keladi. Bir tomondan, bank o‘z faoliyatida firibgarlik, vijdonsiz mijozlar, pul yo‘qotish, yuqori raqobat, qarz oluvchi tomonidan olingan kredit majburiyatlarini bajarmaslik xavfi kabi muammolarga duch keladi. Bank xizmatlarini ko‘rsatish bilan bog‘liq muammolarni aniqlash bankning korporativ mijozlariga samarali xizmat ko‘rsatishni tashkil etish uchun katta ahamiyatga ega” [2].

Hozirgi kunda iste’molchilar o‘zlariga ko‘rsatiladigan xizmatlar, shu jumladan bank xizmatlari sifatiga yuqori talablar qo‘ymoqdalar va agar ular o‘z xohish-istaklarining bajarilishini odatdagidek qabul qilsalar va bunga katta ahamiyat bermasalar, unda kamchiliklar, aksincha, salbiy reaktsiyaga olib keladi. Korporativ mijozlar bilan o‘zaro munosabatlarning muvaffaqiyati bankning ushbu muammolarni qay darajada sifatli hal qilishi yoki ularning afzalliklari orqali ularni yumshatishi bilan belgilanadi.

M. Nazarovning fikriga ga ko‘ra, “Tijorat banklarining korporativ mijozlari o‘z bizneslarini yuritish uchun bank xizmatlaridan foydalanadigan yuridik shaxslardir. Ushbu mijozlar turli xil tashkilotlar, shu jumladan kichik va o‘rta biznes korxonalari, yirik korporatsiyalar, davlat idoralari va notijorat tashkilotlari bo‘lishi mumkin” [3].

V.Kudryashovning ta’kidlashicha, “Korporativ mijozlar moslashuvchanlik va xizmat ko‘rsatish tezligiga nisbatan qattiqroq talablarni qo‘yishga moyildirlar, shuningdek, bank taqdim eta oladigan raqamli imtiyozlarni chetga surib, xizmatdagi individual yondashuvni qadrlashadi. Shu munosabat bilan, yirik mijozlarning raqamli texnologiyalarini rivojlantirish odatda sekinroq va muvozanatli sur’atlarga ega”[4].

Korporativ mijozlarga “Kredit shaklida pul mablag‘larini taqdim etishda tijorat banki faoliyatining mijozga ko‘rinadigan va ko‘rinmaydigan qismlari ajratiladi (ushbu bo‘linish xizmat modelini yaratishda iqtisodchilar P. Eiglier va Langeard tomonidan ishlab chiqilgan). Ko‘rinmas qismga kreditlash tizimining ichki tashkil etilishi (bankning kredit siyosati, bozorda o‘zini tutish strategiyasi, bank operatsiyalarini amalga oshirishda ishtirok etadigan bo‘limlar o‘rtasidagi munosabatlar texnologiyasi), bank xizmatini shakllantirish va bank operatsiyasi kiradi. Modelga ko‘ra, bozor munosabatlari uchun eng muhim qism ko‘rinadigan qismdir: xizmat ko‘rsatuvchi aloqa xodimlari va xizmat ko‘rsatish jarayoni sodir bo‘ladigan moddiy muhit, ya’ni bank xizmatlarini ko‘rsatishdir”[5]

Korporativ mijozlar uchun moliyaviy xizmatlarning zamonaviy dunyosida bank faoliyati biznesning samarali ishlashini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Banklar tobora talabchan korporativ mijozlarning ehtiyojlarini qondirish uchun o‘zlarining biznes strategiyalari va biznes jarayonlarini doimiy ravishda takomillashtirish zarurligiga duch kelishmoqda.

Korporativ mijozlarga xizmat ko‘rsatishning eng yangi tendentsiyalaridan biri bu blockchain texnologiyalaridan foydalanishdir. Eksperimental tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, blockchain texnologiyasi bank va uning korporativ mijozlari o‘rtasidagi moliyaviy operatsiyalarning xavfsizligi va shaffofligini sezilarli darajada oshirishi mumkin. Masalan, Deloitte tadqiqotiga ko‘ra, korporativ mijozlarga xizmat ko‘rsatishda blokcheyndan foydalanish bankning haqiqiyligini tekshirish va tranzaktsiyalarni tasdiqlash jarayonlari xarajatlarini 50% dan 70% gacha kamaytirishi mumkin.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Tahlil va natijalar

Korporativ bank xizmatlari yuridik shaxslar tomonidan sotilishi uchun mo‘ljallangan. Ushbu tasnifning keyingi darajasida ular tijorat tashkilotlari va byudjet muassasalari uchun pul mablag‘lari manbalari tarkibi, faoliyat turlari va maqsadlari bilan farq qiladigan xizmatlarga bo‘linadi, bu esa turli xil bank xizmatlariga bo‘lgan ehtiyojni shakllantirishga olib keladi.

Mijozlarga “korporativ” maqomini beradigan asosiy mezonlar quyidagilardan iborat:

• bankka mijozga xizmat ko‘rsatish orqali olinadigan foyda miqdori

• bank xizmatlarining eng katta ro‘yxatini iste’mol qilish va ularning hajmi

• mijozning kredit xavfi ostida bo‘lgan faol operatsiyalar bo‘yicha majburiyatlari hajmi

• o‘tgan hisob-kitob yili uchun korxona xizmatlarini sotishdan tushgan tushum hajmi, shu jumladan eksportdan;

• mijozning hisobvaraqlaridagi o‘rtacha kunlik qoldiqlar miqdori.

Korporativ mijozlar uchun yangi bank xizmatlarini yaratish keng qamrovli va innovatsion yondashuvni talab qiladi. Bu jarayonda yordam beradigan ba’zi yondashuvlar va usullar quyidagi 1-jadvalda keltirib o‘tiladi.

1-jadval.

Korporativ mijozlar uchun yangi bank xizmatlarini yaratish yuzasudan innovatsion kompleks yondashuvlar*

Yangi bank xizmatlarini yaratish yondashuvlar	Tarkibiy tuzilishi
Mijozlarning ehtiyojlarini o‘rganish	mavjud va potentsial mijozlar bilan ularning ehtiyojlarni aniqlash uchun so‘rovlarnomalar o‘tkazish hamda mijozlarning xatti-harakatlari, operatsiyalari va afzalliklari to‘g‘risida mavjud ma’lumotlarni aniqlash.
Raqobatbardoshlikni tahlil qilsh	raqobatchilar xizmatlarini, ularning kuchli va zaif tomonlarini hamda bank sohasidagi joriy tendentsiyalarni aniqlash va texnologiyaning moliyaga ta’sirini (masalan, FinTech) tahlil qilish.
Benchmarking usuli	Yangi g‘oyalarni doimiy ravishda izlash va keyinchalik ulardan amalda foydalanish amalga oshiriladi. Ushbu usulni qo‘llash jarayonida sizning bankingizning ish ko‘rsatkichlarini raqobatchilar bilan taqqoslash, shuningdek korporativ mijozlar uchun yangi bank xizmatlarini yaratish g‘oyalarining eng yaxshi tajribasini o‘rganish amalga oshiriladi.
Texnologiyalarni joriy etish	mijozlar ehtiyojlarini bashorat qilish uchun katta hajmdagi ma’lumotlarni tahlil qilish va tranzaktsiyalar xavfsizligi va shaffofligini oshirish uchun blockchain texnologiyalaridan foydalanishni o‘rganish.
Bank kredit xizmatlarini boshqarishdan bank biznesiga qadar umumiy optimallashtirish	Korporativ mijozlar uchun yangi bank xizmatlarini yaratish, ularning rivojlanishini birlashtirish orqali biznes g‘oyalarini qisman optimallashtirishni o‘z ichiga oladi, bank bozoriga joriy etish va banklar uchun rivojlanish. To‘g‘ri qurilish bilan tahlil qilingan parametrlarning ob’ektivligi qayd etiladi

*Muallif ishlanmasi.

Shunday qilib, bank xizmatlarini yaratishda kompleks yondashuvdan foydalanish nafaqat korporativ mijozlarning hozirgi ehtiyojlarini qondirish, balki ularning kelajakdagi talablarini kutish va bozorda raqobatdosh ustunlikni yaratish imkonini beradi.

Agar bank xizmatlarini mijozlarning turiga qarab ko‘rib chiqilsa, unda quyidagi

tasniflarga ajratishimiz mumkin. (1-rasm).

1-chizma.

Tijorat banklari xizmatlarini mijozlarning turiga ko‘ra tasniflash*



*Muallif ishlanmasi.

2-chizma.

Korporativ mijozlarga xizmat ko‘rsatishda innovatsiyalarni joriy etish tartibi*



*Muallif ishlanmasi.

Bankning korporativ mijozining investitsion jozibadorligi omillari va shartlari – mijozning ichki va tashqi muhitidagi jarayonlar va hodisalar, bu uning investitsion jozibadorligiga ta’sir qiladi. Bankning korporativ mijozining investitsion jozibadorligi ko‘rsatkichi investitsion jozibadorlikning omili (shartlari) bankning korporativ mijozi biznesining qiymatiga ta’sirini tavsiflovchi o‘zgaruvchidir.

3-chizma.

Bankning korporativ mijozlar bilan munosabatlari bank xizmatlarini ko‘rsatish muvaffaqiyatini belgilaydigan asosiy bosqichlar*



*Muallif ishlanmasi.

Bankning korporativ mijozi biznesining qiymati – bu bankning korporativ mijozining investitsion jozibadorligini tavsiflovchi va korporativ mijozning joriy va kelajakdagi pul oqimlarining diskontlangan qiymatini ifodalovchi integral baholash ko‘rsatkichi. Bankning mijoz bilan hamkorligini aks ettiruvchi umumiy ko‘rsatkich mijozlarga yo‘naltirilgan, ya’ni mijozlarga xizmat ko‘rsatish jarayoniga yondashuvning batafsil darajasi.

Tijorat banki mahsuloti va xizmatining muhim xususiyati bu imidj: ma’lum bir bank faoliyatining mavjud va potentsial mijozlari tomonidan barqaror eksklyuziv vakili sifatida potentsial mijoz mahsulotning mavjudligi, eski mahsulotlarni takomillashtirish va yangi mahsulotlarni bozorga chiqarish haqida biladi. Mijozlarga yo‘naltirilganlikni baholashning ishlatilgan modellari narxlar raqobatiga, bankning barqarorligiga va bank xizmatlarining xizmat qatorining kengligiga qisqartiriladi, shuningdek, mijoz-korxona nuqtai nazaridan, bankdagi ichki tashkiliy boshqaruv jarayonlarini hisobga olmagan holda mijozlarga yo‘naltirilganlikni “tashqarida” ko‘rib chiqish ham o‘ziga xosdir.

Xulosa qilib aytish mumkinki, banklar o‘zlarining korporativ mijozlariga xizmat ko‘rsatishning innovatsion biznes strategiyalari va biznes jarayonlarini faol ravishda ishlab chiqmoqdalar va amalga oshirmoqdalar. Ular taqdim etilayotgan xizmatlar sifatini yaxshilash, tranzaktsiyalar samaradorligi va xavfsizligini oshirish va zamonaviy korporativ mijozlarning tobora talabchan ehtiyojlarini qondirishga intilmoqda.

Xulosa

Zamonaviy iqtisodiy vaziyat chakana bank xizmatlari bozori rivojlanishining ma’lum bir sekinlashishiga olib keldi, shuning uchun aksariyat universal banklar uchun asosiy daromad manbai yuridik shaxslarga (korporativ mijozlarga) xizmat ko‘rsatish bo‘lib qolmoqda. Shu munosabat bilan tijorat banklari va korporativ mijozlar o‘rtasidagi munosabatlarning yanada rivojlangan shakllarini izlash, bankning zamonaviy iqtisodiyot sharoitlari va mijozlar talablariga

dinamik moslashuvi tufayli uzoq muddatli istiqbolda raqobatbardoshlikni oshirishga qaratilganligini aks ettiruvchi korporativ mijozlar strategiyasini shakllantirish zarurati tug‘iladi.

Hozirgi vaqtda mamlakatimiz tijorat banklari asosiy moliyaviy rolga ega bo‘lgan teng huquqli va teng javobgar sheriklar o‘rtasidagi shartnomaviy munosabatlar iqtisodiyotidir. Bank xizmatlarini ko‘rsatish bo‘yicha operatsiyalarni amalga oshirib, tijorat banki korporativ mijozlar bilan munosabatlarda sherik bo‘lib xizmat qiladi. Etakchi iqtisodchilarning qarashlarini tahlil qilish “korporativ mijoz” tushunchasini aniqlashda nomuvofiqliklarni aniqladi. Ba’zi mualliflar uni yuridik va jismoniy shaxs sifatida, o‘z kasbiy faoliyatida ma’lum xizmatlardan foydalanadigan va ba’zi minimal mezonlarga javob beradigan yakka tartibdagi tadbirkor sifatida taqdim etadilar. Boshqa mualliflar korporativ mijozlarni xizmatlarni iste’mol qiladigan, ammo ma’lum talablarga javob bermaydigan yuridik shaxslar sifatida belgilaydilar.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 май куни қабул қилинган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони. – https://lex.uz/en/docs/4811025
2. Корсунова Н.Н. Банковское обслуживание корпоративных клиентов на современном этапе // Международный студенческий научный вестник. – 2018. – № 5.
3. Назаров М. Совершенствование стратегии развития банковских услуг для корпоративных клиентов // Инфраструктурные отрасли экономики: проблемы и перспективы развития. – 2015. – № 4. – С. 19-26.
4. Кудряшов В. С. Современные способы продвижения банковских услуг при взаимодействии с потенциальными клиентам и / В. С. Кудряшов, Д. В. Луханин // Juvenis scientia. – 2017. – № 3. – С. 6-10.
5. Котлер Ф., Боуэн Д. Маркетинг: Гостеприимство и туризм. – М.: Юнити, 2006.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

TIJORAT BANKLARIDA BOZOR RISKLARINI BAHOLASH VA BOSHQARISHNI TAKOMILLASHTIRISH

Karimov Mardon Akram o‘g‘li

moliya, soliq va bank ishi kafedrasi assistenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Samarqand filiali
E-mail: mardon.karimov93@mail.ru
ORCID: 0009-0002-3640-4245

Annotatsiya. Maqolada tijorat banklarida bozor risklarini baholash va boshqarishning nazariy va amaliy jihatlari tadqiq etilgan. Xususan, bozor risklarini aniqlash va baholash zamonaviy usullar orqali tahlil qilinib, boshqaruv jarayonlarini takomillashtirish bo‘yicha amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan. Maqolaning asosiy maqsadi – bozor risklari bilan bog‘liq muammolarga kompleks yondashuvni ishlab chiqish va tijorat banklarining moliyaviy barqarorligini ta’minlashda ushbu yondashuvni qo‘llash imkoniyatlarini aniqlashdir.

Kalit so‘zlar: bozor riski, tijorat banklari, riskni baholash va boshqarish, rentabillik, inflatsiya, foiz stavkalari.

ОЦЕНКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕУПРАВЛЕНИЯ РЫНОЧНЫМИ РИСКАМИ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Каримов Мардон Акрам оглы

ассистент кафедры финансов, налогообложения и банковского дела
Ташкентский государственный экономический университет Самаркандский филиал
E-mail: mardon.karimov93@mail.ru
ORCID: 0009-0002-3640-4245

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические и практические аспекты оценки и управления рыночными рисками в коммерческих банках. В частности, проанализированы рыночные риски с использованием современных методов их выявления и оценки, разработаны практические рекомендации по совершенствованию процессов управления. Основная цель статьи – разработка комплексного подхода к проблемам, связанным с рыночными рисками, и выявление возможностей применения данного подхода в обеспечении финансовой устойчивости коммерческих банков.

Ключевые слова: рыночный риск, коммерческие банки, оценка и управление рисками, прибыльность, инфляция, процентные ставки.

IMPROVING MARKET RISK ASSESSMENT AND MANAGEMENT IN COMMERCIAL BANKS

Karimov Mardon Akram ogli

Assistant Department of Finance, taxation and banking of the Samarkand branch

Tashkent State economic university
E-mail: mardon.karimov93@mail.ru
ORCID: 0009-0002-3640-4245

Abstract. The article examines theoretical and practical aspects of assessing and managing market risks in commercial banks. In particular, market risks are analyzed using modern methods of identifying and assessing them, and practical recommendations for improving management processes are developed. The main objective of the article is to develop a comprehensive approach to problems associated with market risks and identify opportunities for applying this approach in ensuring the financial stability of commercial banks.

Keywords: market risk, commercial banks, risk assessment and management, profitability, inflation, interest rates.

Kirish

Tijorat banklari zamonaviy iqtisodiyotda moliyaviy resurslarni samarali taqsimlash, kapital oqimini boshqarish va iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda muhim o‘rin tutadi. Ammo global moliya bozorlarida yuz berayotgan o‘zgarishlar va iqtisodiy muhitning beqarorligi tijorat banklari faoliyatida yuzaga keladigan bozor risklarining ahamiyatini oshirmoqda. Bozor risklari, asosan, valyuta kurslari, foiz stavkalari va qimmatli qog‘ozlar narxlarining o‘zgarishi bilan bog‘liq bo‘lib, banklarning moliyaviy natijalariga bevosita ta’sir ko‘rsatadi.

O’zbekiston Respublikasida bank sektorini isloh qilishning asosiy yo’nalishi sifatida kredit portfeli va tavakkalchiliklarni boshqarish sifatini yaxshilash, kreditlash hajmlarining mo’tadil o’sishiga amal qilish, muvozanatlashgan makroiqtisodiy siyosat yuritish, moliyaviy tavakkalchiliklarni baholash uchun texnologik echimlarni tadbiq etish orqali bank tizimining moliyaviy barqarorligini ta’minlash [1] belgilanganligi banklarda risklarrni aniqlash, baholash va boshqarish usullari bo’yicha xalqaro tajribalarni o’rganish hamda ularni O’zbekiston bank tizimida qo’llash tijorat banklari oldida turgan muhim masalalardan biri bo’lib qolmoqda.

Bugungi kunda bozor risklarini samarali boshqarish tijorat banklarining moliyaviy barqarorligi va raqobatbardoshligini ta’minlashning asosiy omillaridan biri sifatida e’tirof etilmoqda. Risklarni aniqlash, baholash va ularni boshqarish bo‘yicha ilg‘or strategiyalardan foydalanish nafaqat bank faoliyatidagi salbiy oqibatlarning oldini olish, balki yangi imkoniyatlarni aniqlash uchun ham muhim hisoblanadi.

Tijorat banklari moliya sektorining ajralmas qismi bo‘lib, u ijtimoiy va iqtisodiy rivojlanishning asosiy tayanchi hisoblanadi. Ushbu tashkilotlarning muhim vazifasi har doim turli risklarni baholash, qabul qilish va boshqarishdir. Tijorat banklarining ichki va xalqaro rivojlanish tarixini tahlil qilish shuni ko‘rsatadiki, samarali risk boshqaruvi nafaqat ularning asosiy raqobatbardoshligi va ehtiyotkor boshqaruvini ta’minlashning muhim omili, balki ularning qiymatini maksimal darajada oshirishga olib boruvchi asosiy yo‘nalishdir. Shuning uchun, tijorat banklarida risk boshqaruvining ahamiyatiga bo‘lgan tushuncha ortib borar ekan, ichki va tashqi risk muammolarini hal qilish strategiyalarini takomillashtirish muhim bahs mavzusiga aylangan. 1980-yillardan boshlab, iqtisodiy globallashuvning tezlashishi, moliyaviy liberallashtirish va moliyaviy innovatsiyalarning jadallashishi natijasida tijorat banklari duch kelayotgan risklar tobora murakkab va o‘zgaruvchan bo‘lib, iqtisodiy tizim barqarorligiga jiddiy tahdid solmoqda. Moliya tizimining barqaror faoliyatini ta’minlash maqsadida Bazel qo‘mitasi 1988-yilda “Kapitalni o‘lchash va kapital standartlari bo‘yicha xalqaro kelishuv”ni joriy etdi va shu bilan “kapital etarliligi darajasi”[10] tushunchasi hamda unga tegishli me’yoriy talablarni taqdim etdi.

Adabiyotlar sharhi

Tijorat banklarida bozor riskini baholash va boshqarish moliya sohasidagi ilmiy adabiyotlarda keng o‘rganilgan mavzulardan biridir. Turli olimlar risklarni boshqarish tizimlari, miqdoriy modellar va tartibga solish mexanizmlarini o‘rganib, bank sektorida noaniqliklarni

kamaytirish usullarini taklif qilganlar. Bozor riski – foiz stavkalari, valyuta kurslari va fond bozoridagi narxlarning o‘zgarishi natijasida yuzaga keladigan yo‘qotishlar ehtimoli sifatida ta’riflanadi va akademik hamda amaliy adabiyotlarda keng muhokama qilingan. Jorion (2007) tadqiqotlariga ko‘ra, tijorat banklarida bozor riskini o‘lchash uchun eng ko‘p qo‘llaniladigan usullardan biri bu Qiymat xavf ostida (VaR – Value-at-Risk) usuli hisoblanadi [9]. Biroq, ba’zi olimlarning fikricha, ushbu usul haddan tashqari xavfli vaziyatlarni (ekstremal yo‘qotishlar) to‘liq hisobga olmaydi. Shu sababli Acerbi & Tasche (2002) tomonidan Kutilgan yo‘qotish (Expected Shortfall – ES) kabi alternativ usullar ishlab chiqilgan [2].

Tijorat banklarida bozor riskini boshqarish jarayoni Bazel kelishuvlari (Bazel I, II va III) tomonidan qat’iy tartibga solingan. Bazel III me’yorlari banklar uchun yanada qattiq kapital talablarini, likvidlik ko‘rsatkichlari va stress-test tizimlarini joriy etdi **(**BCBS, 2010**)** [3]. Hull (2015) tadqiqotlarida ta’kidlanishicha, Bazel III talablariga rioya qilish banklarning moliyaviy inqirozlarga chidamliligini oshiradi, ammo ayni paytda ularning kredit berish imkoniyatlarini cheklashi mumkin [4].

Turli mamlakatlarda tijorat banklarining bozor riskiga ta’siri bo‘yicha ko‘plab empirik tadqiqotlar o‘tkazilgan. Saunders & Cornett (2018) tomonidan o‘tkazilgan tadqiqotda kapital zaxiralari yuqori va investitsion portfeli diversifikatsiya qilingan banklar iqtisodiy inqiroz paytida barqarorroq bo‘lishi aniqlangan [5]. Mongiardino & Plath (2010) esa risklarni boshqarishning ilg‘or usullari, masalan, stress-test va ssenariy tahlili, bozor zarbalarini kamaytirishda samarali ekanligini ko‘rsatdi [6].

Regulyativ islohotlarga qaramay, tijorat banklari bozor riskini boshqarishda yangi qiyinchiliklarga duch kelmoqda. Buning asosiy sabablari moliyaviy instrumentlarning murakkablashuvi va bozor volatilligining ortishi bilan bog‘liq. Bekaert va boshqalar (2019) tomonidan olib borilgan tadqiqotlarda an’anaviy risk modellari global moliya bozorlari o‘rtasidagi bog‘liqlikni etarlicha hisobga olmasligi aniqlangan [7]. Shu sababli, Bussmann va boshqalar (2021) bozor riskini aniqroq baholash uchun sun’iy intellekt va mashinaviy o‘rganish modellaridan foydalanish imkoniyatlarini o‘rganishni tavsiya qiladi [8].

Tahlil va natijalar

Bozor riski investitsiya riskining ikkita asosiy toifasini tashkil qiladi. Tizimli risk deb ham ataladigan bozor riskini diversifikatsiya qilish yo‘li bilan bartaraf etib bo‘lmaydi, lekin uni boshqa yo‘llar bilan himoya qilish mumkin. Bozor riski manbalariga turg‘unlik, siyosiy notinchliklar, foiz stavkalarining o‘zgarishi, tabiiy ofatlar va terrorchilik xurujlari kiradi. Tizimli risk yoki bozor riski bir vaqtning o‘zida butun bozorga ta’sir qiladi.

Narxlarning o‘zgarishi sababli bozor riski mavjud. Qimmatli qog‘ozlar, valyutalar yoki tovarlar bahosidagi o‘zgarishlarning standart og‘ishi narxlarning o‘zgaruvchanligi deb ataladi. O‘zgaruvchanlik ko‘pincha yillik ko‘rsatkichlarda taqdim etiladi.

O‘zbekiston Respublikasi tijorat banklarida bozor riskini o‘lchash va monitoring qilish tizimi etarlicha shakllanmagan. Bundan tashqari, Bazel standartlarining tijorat banklari faoliyatiga to‘liq joriy etilmagani bozor riskini boshqarishda qiyinchiliklar tug‘dirib kelmoqda. Bozor riskini boshqarish xalqaro tajribada baholash faoliyatining bir turi bo‘lib, turli bozor holatlarida unga ehtiyoj seziladi. Masalan, inqirozga uchragan korxonani sotish, aksionerlik jamiyatlari o‘z aksiyalarini sotish yoki xususiylashtirilayotgan korxonalarni baholashda bozor riskini boshqarish muhim ahamiyatga ega. Bank aktivlarining rentabelligini oshirish masalasi iqtisodchi olimlar tomonidan ilmiy asosda tadqiq qilingan. Masalan, prof. J. Sinkining fikricha, banklarning daromad bazasiga baho berishda sof foizli marja ko‘rsatkichi muhim o‘rin tutadi [11].

Makroiqtisodiy bozor riski milliy iqtisodiyotning umumiy barqarorligiga bevosita ta’sir qiladi. Ayniqsa, tijorat banklarining bozor sharoitlariga moslashish qobiliyati bank tizimining likvidligi va kapital etarliligiga ta’sir etadi. Bozor riskining makroiqtisodiy ahamiyatini quyidagi

jihatlar orqali ko‘rish mumkin:

1. Moliyaviy barqarorlik: Bank tizimidagi beqarorlik iqtisodiy o‘sishga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Masalan, 2008-yilgi global moliyaviy inqirozda banklarning bozor risklarini noto‘g‘ri baholashi natijasida iqtisodiy inqiroz yuzaga kelgan edi. Bozor sharoitlarining o‘zgarishi banklarning likvidligiga ta’sir ko‘rsatishi mumkin, bu esa ularning qisqa muddatli majburiyatlarini bajarish qobiliyatini pasaytiradi.

2. Inflyatsiya va foiz stavkalari ta’siri: Bozor riskining o‘zgarishi inflyatsiya darajasi va markaziy bank tomonidan belgilangan foiz stavkalariga bevosita bog‘liq. Foiz stavkalarining o‘zgarishi bank kreditlari va investitsion portfellariga ta’sir qiladi. Makroiqtisodiy ko‘rsatkichlar (YaIM, inflyatsiya, ishsizlik, foiz stavkalari, valyuta kurslari) banklarning bozor risklariga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Masalan, yuqori inflyatsiya banklarning aktivlari va majburiyatlarining haqiqiy qiymatini pasaytiradi, bu esa ularning moliyaviy barqarorligiga tahdid solishi mumkin. Iqtisodiyotning sekinlashishi yoki turg‘unlik banklarning kredit portfelining sifatini pasaytirishi va kredit riskini oshirishi mumkin. Markaziy banklarning monetar siyosati o‘zgarishi natijasida foiz stavkalarining o‘zgarishi banklarning ak tivlari va majburiyatlarining qiymatiga ta’sir ko‘rsatadi.

3. Valyuta kurslari va tashqi savdo balansiga ta’siri: Banklarning valyuta riskiga uchrashi milliy valyutaning qadrsizlanishiga olib kelishi mumkin, bu esa tashqi savdo balansiga ham ta’sir qiladi. Bozor riskining oshishi yoki kamayishi bir nechta makroiqtisodiy omillar bilan bog‘liq hisoblanadi. Tijorat banklari chet el valyutasidagi operatsiyalarni amalga oshirganda valyuta kurslarining o‘zgarishi ularning moliyaviy holatiga katta ta’sir ko‘rsatishi mumkin.

1-jadval

Bozor riskiga ta’sir qiluvchi makroiqtisodiy omillar.*

Omil	Ta’siri
Markaziy bank tomonidan amalga oshiraladigan chora-tadbirlar	Foiz stavkalariga ta’sir qilib, banklarning risk darajasini o‘zgartirish orqali pul-kredit siyosatini boshqaradi.
Pulning qadrsizlanishi	Yuqori inflyatsiya bank balansidagi aktivlarning real qiymatini pasaytiradi, bu esa banklarning kapital etarliligiga salbiy ta’sir qiladi.
Global moliyaviy muhit	Xalqaro moliyaviy inqirozlar yoki iqtisodiy beqarorlik chet el investitsiyalarining kamayishiga olib keladi, bu esa mahalliy foiz stavkalari va kredit bozori sharoitlari murakkablashishiga sabab bo‘ladi.
Davlatning xorijiy kreditorlar oldidagi qarzi	Tashqi qarz miqdori ortishi bilan davlat kredit reytingi pasayishi mumkin, bu esa investorlarga tavakkal darajasining oshishini bildiradi. Natijada, foiz stavkalari oshib, moliyaviy bozorlardagi risk darajasi ko‘tariladi.
Soliq strategiyasi	Soliq yukining og‘irligi kompaniyalarning sof foydasiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Agar soliqlar haddan tashqari yuqori bo‘lsa, bu korxonalarning raqobatbardoshligini pasaytirishi va investorlar ishonchiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Aksincha, soliq imtiyozlari va engilliklar biznes muhitini yaxshilaydi va bozor risklarini kamaytiradi.

*Muallif ishlanmasi.

Tijorat banklarining bozor riskini baholash va boshqarish makroiqtisodiy jarayonlarning muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. O‘zbekiston iqtisodiyotida bozor riskini samarali boshqarish uchun xalqaro tajribalarni joriy etish, risklarni diversifikatsiya qilish va davlat tomonidan tartibga solish choralarini kuchaytirish talab etiladi. Shu bilan birga, milliy valyuta kursining barqarorligini saqlash, inflyatsiya darajasini nazorat qilish va bank sektorining kapital etarliligini

oshirish kabi chora-tadbirlar orqali bozor risklarini minimallashtirish mumkin.

Xulosa

Maqola tijorat banklarining bozor risklarini baholash va boshqarish jarayonlarini yanada samarali va zamonaviy usullar asosida takomillashtirish zarurligini ta’kidlaydi. Makroiqtisodiy sharoitlar, xususan, inflyatsiya, foiz stavkalari, valyuta kurslari va iqtisodiy o‘zgarishlar banklarning risklari va ularni boshqarish strategiyalariga katta ta’sir ko‘rsatadi. Banklar bozor risklarini baholashda zamonaviy metodlardan (masalan, VAR, stress-testlar) foydalanishi va risklarni diversifikatsiya qilish, hedging kabi usullar bilan boshqarishi kerak. Bundan tashqari, regulyatorlar va markaziy banklarning roli banklarning risklarni boshqarish siyosatini nazorat qilish va ularga tegishli me’yorlarni belgilash orqali muhim hisoblanadi.

Riskni baholash metodlarini takomillashtirish: Banklar zamonaviy riskni baholash usullarini (masalan, VAR, stress-testlar) joriy etishlari va makroiqtisodiy ko‘rsatkichlarni ushbu modellarga integratsiya qilishlari kerak. Makroiqtisodiy sharoitlarning o‘zgarishi bilan bog‘liq bo‘lgan dinamik risk baholash modellari ishlab chiqilishi va qo‘llanilishi tavsiya etiladi.

Riskni diversifikatsiya qilish va hedging: Banklar aktivlarini turli bozorlar va aktivlar orasida diversifikatsiya qilish orqali bozor risklarini kamaytirishlari kerak. Derivativ instrumentlar (masalan, foiz stavkasi va valyuta svoplari) orqali bozor risklaridan himoya olish strategiyalarini ishlab chiqish va qo‘llash tavsiya etiladi.

Regulyatorlar va markaziy banklar bilan hamkorlik: Banklar moliyaviy regulyatorlar va markaziy banklar bilan yaqin hamkorlikda bo‘lishlari va ularning belgilagan me’yorlari va qoidalariga rioya qilishlari kerak. Regulyatorlar banklarning risklarni boshqarish tizimlarini muntazam ravishda tekshirib turishlari va ularga zarur metodik yordam ko‘rsatishlari lozim.

Xalqaro tajribadan foydalanish: Tijorat banklari xalqaro moliyaviy institutlar (masalan, Bazel qo‘mitasi) tomonidan belgilangan standartlar va yondashuvlardan foydalanishi kerak. Xalqaro banklarning risklarni boshqarish bo‘yicha innovatsion echimlari va texnologiyalarini o‘rganish va qo‘llash tavsiya etiladi.

Kadrlar malakasini oshirish: Banklar risklarni baholash va boshqarish bo‘yicha mutaxassislarning malakasini oshirishga qaratilgan treninglar va kurslarni tashkil qilishlari kerak. Zamonaviy moliyaviy instrumentlar va risklarni boshqarish metodlarini o‘zlashtirish uchun kadrlarni qayta tayyorlash dasturlarini joriy etish tavsiya etiladi.

Makroiqtisodiy monitoringni kuchaytirish: Banklar makroiqtisodiy ko‘rsatkichlarni (YaIM, inflyatsiya, foiz stavkalari, valyuta kurslari) muntazam ravishda monitoring qilishlari va ularning o‘zgarishlarini risklarni baholash modellariga integratsiya qilishlari kerak. Makroiqtisodiy sharoitlarning o‘zgarishi bilan bog‘liq bo‘lgan dinamik risk baholash modellari ishlab chiqilishi va qo‘llanilishi tavsiya etiladi.

Ushbu takliflar tijorat banklarining bozor risklarini baholash va boshqarish jarayonlarini yanada samarali va zamonaviy usullar asosida takomillashtirishga yordam beradi, bu esa ularning moliyaviy barqarorligini oshirish va iqtisodiyotning umumiy rivojlanishiga hissa qo‘shish imkoniyatini yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Acerbi, C., & Tasche, D. (2002). Expected shortfall: A natural coherent alternative to Value at Risk. Economic Notes, 31(2), 379-388.

2. Bazel Committee on Banking Supervision (BCBS). (2010). Bazel III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems. Bank for International Settlements.

3. Bekaert, G., Hoerova, M., & Lo Duca, M. (2019). Risk, uncertainty, and monetary policy. Journal of Monetary Economics, 114, 311-326.

4. Bussmann, N., Giudici, P., Marinelli, D., & Papenbrock, J. (2021). Explainable AI in fintech risk management. Frontiers in Artificial Intelligence, 4, 1-12.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

5. Hull, J. C. (2015). Risk management and financial institutions (4th ed.). Wiley.
6. Jorion, P. (2007). Value at Risk: The new benchmark for managing financial risk (3rd ed.). McGraw-Hill.
7. Mongiardino, A., & Plath, C. (2010). Risk governance at large banks: Have any lessons been learned? Journal of Risk Management in Financial Institutions, 3(2), 116-123.
8. Saunders, A., & Cornett, M. M. (2018). Financial institutions management: A risk management approach (9th ed.). McGraw-Hill.
9. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning “2020-2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-5992-sonli Farmoni 2020-yil 12-yanvar

Elektron resurs

10. https://www.researchgate.net/publication/369425902_The_Risk_Management_of_Commercial_Banks
11. file:///C:/Users/User/Downloads/Dissertatsiya.%20Ziyodullayev%20S._compressed.pdf

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ УЗБЕКИСТАНА

Мухамедов Музаффар Хасанович
независимый исследователь
кафедра экономики и менеджмента
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: muxamedov.muzaffar@gmail.com
ORCID: 0009-0002-6726-4257

Аннотация. В статья исследованы современные подходы к совершенствованию системы управления рисками в коммерческих банках Узбекистана. В контексте цифровизации банковского сектора анализируются кредитные, рыночно-операционные и репутационные риски. Для повышения финансовой устойчивости банков предлагаются методы снижения рисков посредством внедрения искуственного интеллекта, машинного обучения, интегрированных решений, сочетающих международные стандарты, технологических инноваций и человеческого капитала.

Ключевые слова: кредитный риск, рыночно-операционный риск, репутационный риск, трансформация банковского сектора, Базель III, технологии искусственного интеллекта, система машинного обучение.

O‘ZBEKISTON TIJORAT BANKLARI RISKLARNI BOSHQARISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH

Muxamedov Muzaffar Xasanovich
mustaqil izlanuvchi
iqtisodiyot va menejment kafedrasi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: muxamedov.muzaffar@gmail.com
ORCID: 0009-0002-6726-4257

Annotatsiya. Maqolada O‘zbekistonning tijorat banklarida risklarni boshqarish tizimini takomillashtirishning zamonaviy yondashuvlari tadqiq etiladi. Bank sektorini raqamlashtirish kontekstida kredit, operatsion, reputatsion risklar tahlil qilingan. Sun’iy intellekt, mashinali o‘rganish texnologiyalarini joriy etish orqali xavflarni kamaytirish usullari, xalqaro standartlar, texnologik innovatsiyalar va banklarning moliyaviy barqarorligini oshirish uchun inson kapitalini rivojlantirishni o‘z ichiga olgan integratsiyalashgan yechimlar taklif etilgan.

Kalit so‘zlar: kredit risklari, operatsion risklar, reputatsion risklar, bank sektorini transformatsiyasi, Bazel III kelishuvi, sun’iy intellekt texnologiyalari, mashinali o‘rganish tizimi.

IMPROVING THE RISK MANAGEMENT SYSTEM OF COMMERCIAL BANKS OF UZBEKISTAN

Mukhamedov Muzaffar Khasanovich
Department of Economics
and Management independent researcher
Tashkent State University of Economics
E-mail: muxamedov.muzaffar@gmail.com
ORCID: 0009-0002-6726-4257

Abstract. The article explores modern approaches to improving the risk management system in commercial banks of Uzbekistan. In the context of the digitalization of the banking sector it analyzes credit, market-operational and reputational risks. Methods for risk mitigation

are proposed through the implementation of artificial intelligence, machine learning, and integrated solutions that combine international standards, technological innovations, and human capital development to enhance the financial stability of banks.

Keywords: credit risks, market risks, operational risk, reputational risk, transformation of the banking sector, Basel III agreements, artificial intelligence technologies, machine learning system.

Введение

В условиях динамичного развития финансового сектора Узбекистана при глобальных финансово-экономических вызовах современного мира совершенствование системы, цифровизация и либерализации финансового рынка, управления рисками становится ключевым фактором стабильности и конкурентоспособности коммерческих банков Узбекистана. Местные банки модернизируют свою работу, соответствуя международным стандартам. Эффективное управление рисками важно для финансовой устойчивости и выполнения регуляторных требований. Глобальные тенденции и локальные вызовы требуют от банков сложных стратегий для снижения кредитных, операционных, рыночных и репутационных рисков.

С нулевых годов XXI века внедрение Базельских соглашений изменило подходы к управлению рисками в Узбекистане. Базель III побудил банки повысить достаточность капитала, усовершенствовать оценку рисков и создать функции управления ими. Интеграция стандарта ISO 31000 дала рекомендации для систематической работы с рисками, укрепляя культуру их осознания.

Несмотря на эти достижения, коммерческие банки Узбекистана сталкиваются с постоянными проблемами, включая вопросы качества данных, изменяющиеся рыночные условия и нарастающие операционные риски, связанные с цифровой трансформацией. Текущий переход к более строгим мерам соблюдения требований и необходимость постоянного совершенствования систем управления рисками подчеркивают важность решения этих проблем для повышения стабильности банковского сектора. Более того, обеспокоенность по поводу роста уровня микрокредитования и долговых обязательств домохозяйств дополнительно подчеркивает срочность внедрения надежных практик управления рисками для обеспечения финансовой стабильности в условиях экономических колебаний.

Обзор литературы

Во экономической литературе понятие «система управления рисками» по-разному определялось рядом экономистов-ученых, и были указаны методы их снижения. Ученые Smith, J. (США), Müller, T. (Германия) в своих публикациях, исследовали применении машинного обучения для оценки кредитного риска в условиях нестабильности после COVID-19. Авторы разработали модель на основе нейросетей, которая на 20% точнее традиционных методов предсказывает дефолты. Особый акцент сделан на обработке данных малого бизнеса, наиболее уязвимого во время пандемии [1]. Европейские ученые такие как, Rossi, A. (Италия), Brown, L. (Великобритания) в своих исследованиях статьи предлагают интеграцию кибер-рисков в общую систему операционного риск-менеджмента, подчеркивают необходимость стресс-тестирования ИТ-инфраструктуры и внедрения стандартов NIST (США) и GDPR (ЕС). В результате кейс-стади банков Италии и Германии показали, что автоматизация мониторинга снижает убытки на 15–30% [2]. Согласно научным статьям ключевыми трендами за 2019–2023 годы по теме совершенствования управления рисками в финансовом секторе считаются ИИ, Big data (Большая база) для прогнозирования рисков, адаптация к Базель IV, требования ESG-рисков, кибербезопасности, учет макроэкономической нестабильности и рисков малого бизнеса, различия в подходов к GDPR (ЕС) и стресс-тестировании (США). В научной

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

статье Ш.Т. Рахимова разработана нейросетевая модель для прогнозирования дефолтов малого бизнеса. Согласно этому использование данных Национального банка Узбекистана показало, что точность прогноза повышается на 18% по сравнению с традиционными методами. Автор подчеркивает важность учета региональной специфики, например, доли теневой экономики экономической сферы [3].

Анализ и результаты

За последние годы банковский сектор республики демонстрирует динамичное развитие. По данным Центрального банка Республики Узбекистан, на начало 2025 года совокупные активы банковской системы превысили отметку в 769,3 трлн сумов, а количество действующих коммерческих банков составило 36, общий капитал банковского сектора 114 трлн сумов, объем кредитного портфеля 533,1 трлн сумов, объем привлеченных средств 308,7 трлн сумов, доля государственных банков в активах системы выше 60%. При этом уровень капитализации остается стабильным: достаточность капитала в среднем по сектору составляет 17,4%, что выше норматива ЦБ (13%).

Однако системные проблемы сохраняются, особенно в управлении кредитными рисками, где объем проблемных кредитов (NPL) достиг 21,2 трлн узбекских сумов (1,64 млрд долларов США) к январю 2025 года, что отражает годовой рост на 7,85%. Данная статья анализирует развивающийся ландшафт рисков, с которым сталкиваются коммерческие банки, и предлагает интегрированную рамку, сочетающую технологические инновации, регуляторное соответствие и организационную реструктуризацию. Опираясь на исследования и инициативы Центрального банка Узбекистана, внедряющие автоматизированных моделей оценки рисков на основе искусственного интеллекта, снижают уровень NPL на 31%, в то время как банки, проводящие ежеквартальные стресс-тесты, демонстрируют на 25% больше устойчивой ликвидности чем остальные [4]. Выводы подчеркивают срочность модернизации практик управления рисками для соответствия стандартам Базель III и смягчения уязвимостей, усугубляемых быстрым расширением кредитования.

Коротко о системе управления рисками можно сказать, что, это процесс выявления, оценки и принятия банком мер по снижению вероятности возникновения убытков в результате его операционных или инвестиционной деятельности. Это особенно важно в банковской сфере, поскольку банки создают и управляют денежными средствами, в том числе привлеченными тоже. Управление банковскими рисками охватывает ряд различных областей угроз. Проблема не только в том, сколько существует различных типов рисков, она также в том, насколько банки фактически контролирует эти факторы.

Ниже рассмотрим различные типы рисков и коротко о методах совершенствования и управления ими в банковской сфере Узбекистана.

Кредитный риск, самый значимый вид риска в банках, который сопровождается ростом кредитования, расширением его видов, горизонтов и интеграцией в мировую экономическую систему. Соответственно это вызывает увеличение разнообразия финансовых рисков. Основные причины возникновения такого типа рисков, это низкая диверсификация портфелей, зависимость от высокой волатильности секторов направления.

За 2024–2025 годы наблюдалось увеличение объема кредитного портфеля коммерческих банков Узбекистана на 9%. Вместе с этим уровень просроченных кредитов (NPL) колеблется в пределах 3-4 %, что указывает на необходимость более точной оценки платежеспособности заемщиков и повышения качества методов андеррайтинг проверки банков. Об изменениях показателей подробно показано в диаграмме 1.

Диаграмма 1.

Сумма проблемных кредитов (NPL) и доля NPL в общем кредитном портфеле банков

Узбекистана*

*Ежегодные отчёты Центрального банка Республики Узбекистана. 2022–2025 гг. www.cbu.uz.

Из графика видно, что, статистика изменения по кредитам на январь 2025 года показывает, что общий объем кредитного портфеля растет в среднем на 12-17%, а NPL 2023 году снизился, а с 2024 года увеличивается в среднем на 20%. Общая доля NPL в кредитном портфеле составляет в среднем 3-4%

Для снижения рисков внедряются современные скоринговые системы и анализ больших данных. Многие банки уже начали использовать платформы на основе ИИ для оценки заемщиков. Во всех банках Узбекистана уже введен и успешно используется скоринг системы по выдаче кредита физическим лицам. Однако по открытым источникам на конец 2024 года нет информации по использованию скоринговых систем для оценки заемщиков по выдаче кредитов юридическим лицам, что создает дополнительные риски при принятии решений.

Рыночно-операционный риск – это вероятность того, что неблагоприятное событие за пределами банковской отрасли негативно повлияет на инвестиции банка и возникающий в связи с не качественным видением финансовой деятельности учреждения.

Диаграмма 2.

Количество кибератак и ущерб мирового финансового сектора



*Электронные ресурсы: kasperskycontenthub.com, ptsecurity.com, cybersecurity.asee.io, spilno.org, dapp.expert.ru, tadviser.ru.

Экономический спад или политическая нестабильность и стихийные бедствия могут усилить рыночный риск в банковской сфере. Его можно снизить через диверсификацию портфеля, но кризисы, затрагивающие взаимосвязанные отрасли, иногда

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

делают это неэффективным. Глобальные факторы – инфляция, валютная нестабильность, изменения ставок – сильно влияют на доходность банков. Операционный риск связан с недостатками в управлении финансами, включая киберугрозы. Цифровизация и новые IT-платформы повышают риски безопасности. Около 30 % инцидентов в банках вызваны сбоями и атаками. Снижение рисков требует квалифицированных кадров, обучения, автоматизации и программ обратной связи.

Репутационный риск – это риск, когда банк теряет доверие своих инвесторов и клиентов, в последствие таким образом теряется финансирование или сам бизнес. Он может быть вызван непосредственно деловой практикой банка или поведением сотрудников, также косвенно тем, что банк связан с лицом или группой с отрицательной репутацией. Репутационный риск может возникнуть в результате того, что клиент получает плохое обслуживание от своего банка, затем рассказывает другим через «сарафанное радио» или социальные сети. Или новостные агентства могут опубликовать негативный материал о руководителях или о самом банке. Банки также должны следить за своей репутацией в новостях и социальных сетях, активно устраняя проблемы и принимая на себя ответственность за любые ошибки. Банк также должен разработать план действий в случае возникновения инцидента, появления негативной информации, повлияющих на репутацию банка.

Заключение

Узбекистан находится на пути трансформации банковского сектора. Успешное управление рисками требует комбинации регуляторных реформ, технологических инноваций и развития человеческого капитала. Как показывает статистика, прогресс уже есть, но для достижения уровня развитых стран необходимо ускорить интеграцию лучших мировых практик. Это не только снизит системные угрозы, но и повысит конкурентоспособность банков в регионе.

Современная банковская система Узбекистана сталкивается с рядом комплексных вызовов, требующих оперативного и эффективного управления рисками. Интеграция современных информационных технологий, усиление внутренних регуляторных механизмов и повышение квалификации персонала, совершенствование системы управления рисками являются стратегическими направлениеми и ключевыми факторами повышения устойчивости коммерческих банков. Банковский сектор Узбекистана с традиционными моделями управления рисками должн быть объединен с возможностями искусственного интеллекта и проактивным регулированием. Применение международных стандартов, таких как Базель III и адаптация лучших практик зарубежных финансовых учреждений позволит не только снизить уровень кредитных, рыночных и операционных рисков, но и обеспечить стабильное развитие банковского сектора в условиях глобальной экономической нестабильности.

Роль искусственного интеллекта в борьбе с финансовыми преступлениями будет расти, что обусловлено регулятивным и технологическим прогрессом. Эксперты прогнозирует, что 2025 год станет поворотным годом для внедрения ИИ в борьбе с финансовыми преступлениями, при этом ведущие учреждения первого уровня достигнут значительных результатов от зрелых технологий ИИ. Также прогнозируется, что в ближайшие годы сократятся до 5% от общей численности работники банковского сектора Узбекистана, из-за внедрения ИИ в рабочий процесс. Наиболее уязвимыми считаются рутинные и повторяющиеся задачи, такие как работа в бэк- и фронт-офисах, а также функции обслуживания клиентов.

Реализация предложенных мер позволит:

снизить уровень проблемных кредитов до 5% к концу 2025 году;

повысить показатель достаточности капитала до 17%;

улучшить качество управления рисками на 30%.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Ожидается, что к 2027 году ИИ может увеличить финансовые прибыли банков на 12–17%.

Для достижения этих целей необходимо безостановочно продолжать работу по внедрению международных стандартов, развитию кадрового потенциала и модернизации информационных систем для совершенствования системы управления рисками финансовых учреждений.

Литература

1. AI-Driven Credit Risk Modeling in Post-Pandemic Banking/ J.Smith, T.Müller// Journal of Banking and Finance (2022)
2. Cybersecurity and Operational Risk: A Framework for European Banks/ A.Rossi, L. Brown// Risk Management Journal (2021)
3. Рахимов Ш.Т. Моделирование кредитного риска в условиях нестабильной экономики Узбекистанаю // Журнал Финансовые исследования (2019)
4. Данные Ассоциации банков Узбекистана за 2022-2025 годы.
5. Центральный банк Узбекистана. Ежегодные отчёты 2022–2025 гг. www.cbu.uz
6. Отчеты по исследованиям Всемирного банка за 2022-2025 годы.

Электронные ресурсы:

-https://azizovpartners.uz/en/memos/banking-system-in-uzbekistan/
-https://kpmg.com/uz/en/home/services/consulting/financial-risk- management.html
-https://media.kasperskycontenthub.com/
-https://www.ptsecurity.com/ru-ru/research/analytics/
-https://cybersecurity.asee.io/blog/cybersecurity-statistics/
-https://www.tadviser.ru//index.php/Статья:Кибератаки
-https://spilno.org/article/2020-kyberbezopasnost-v-tsyfrakh
-https://dapp.expert/ru/news/kak-iskusstvennyi-intellekt-povliiaet-na-bankovskii-sektor-ozidaetsia-sokrashhenie-do-200000-rabocix-mest

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

TIJORAT BANKLARI FOIZ SIYOSATINING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI

Orifova Dilnoza Obid qizi

tayanch doktorant
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail:orifovadilnoza1997.07@gmail.com
ORCID: 0009-0004-5727-9011

Annotatsiya. Maqolada tijorat banklarining foiz siyosati tog‘risida xorijiy va mahalliy olimlarning ilmiy-nazariy qarashlari o’rganilgan hamda mualliflik ta’rifi shakllantirilgan. Shuningdek bank foiz siyosati, baho siyosati va narx siyosati o’rtasidagi farqli jihatlari tadqiq etilgan. Foiz siyosatining bankning boshqa siyosatlari bilan bog‘liqligi, foiz stavkalarining funksiyalari va foiz siyosatining samaradorligini oshirish masalalari ko’rib chiqilgan.

Kalit so’zlar: bank siyosati, foiz siyosati, kredit siyosati, depozit siyosati, rentabellik, likvidlilik, bank foizi, foiz stvakasi, baho siyosati, foiz riski.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРОЦЕНТНОЙ ПОЛИТИКИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Арифова Дилноза Абид кызи

базовый докторант
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail:orifovadilnoza1997.07@gmail.com
ORCID: 0009-0004-5727-9011

Аннотация. В статье изучены научно-теоретические взгляды зарубежных и отечественных ученых на процентную политику коммерческих банков и сформировано определение авторства. Также исследованы различия между банковской процентной и ценовой политикой. Рассмотрены взаимосвязь процентной политики с другими стратегическими действиями банка, исследованы функции процентных ставок и вопросы повышения эффективности процентной политики.

Ключевые слова: банковская политика, процентная политика, кредитная политика, депозитная политика, доходность, ликвидность, банковская ставка, процентная ставка, ценовая политика, процентный риск.

SCIENTIFIC AND THEORETICAL BASIS OF INTEREST POLICY OF COMMERCIAL BANKS

Orifova Dilnoza Obid kizi

The basic doctoral student of
Tashkent State University of Economics
E-mail:orifovadilnoza1997.07@gmail.com
ORCID: 0009-0004-5727-9011

Abstract. In this article the scientific-theoretical views of foreign and local scientists on the interest policy of commercial banks were studied and the definition of authorship was formed. Also, the differences between bank interest policy and price policy are studied. The relationship of the interest policy with other policies of the bank, the functions of interest rates and the issues of increasing the effectiveness of the interest policy were considered.

Keywords: bank policy, interest policy, credit policy, deposit policy, profitability, liquidity, bank rate, interest rate, price policy, interest rate risk.

Kirish

Xizmatlar bozori shiddat bilan rivojlanib borayotgan bugungi davrda, ayniqsa bank xizmatlariga bo’lgan talabning keskin oshib borayotganligini guvohi bo’lishimiz mumkin. Bu esa tijorat banklari faoliyatini chuqurroq o’rganishni va natijalarni amaliyotga tadbiq etishni talab qiladi. Yurtimizda amalga oshirilayotgan keng islohatlar doirasida banklar oldiga bir qator vazifalar qo’yilgan. Jumladan, “O’zbekiston - 2030” strategiyasining ustuvor yo’nalishlaridan biri sifatida keltirilgan “Bank islohotlarni jadallashtirish, bank xizmatlari bozori hajmini oshirish va sohada raqobatni rivojlantirish, xususan, bank va moliya tizimida yillik kreditlash hajmini 40 milliard dollarga yetkazish, bank omonatlari hajmini 4 baravarga oshirish” vazifasi fikrimizning yaqqol dalili [1]. Bank sohasidagi bu islohotlarni amalga oshirish avvalo, bank siyosati, qolaversa banklarning foiz siyosati bilan uzviy bog‘liq jarayon hisoblanadi. Shu nuqtai nazardan tijorat banklari foiz siyosatini ilmiy jihatdan tadqiq etish muhim hisoblanadi.

Tijorat banklari foiz siyosatining ilmiy nazariy asoslari iqtisodiyot va moliya sohasidagi turli nazariyalar va amaliyotlarga asoslanadi. Foiz siyosati banklarning kreditlash va depozit siyosatini boshqarish, pul-kredit siyosatiga moslashish, hamda iqtisodiy barqarorlikni ta’minlash uchun muhim vosita hisoblanadi.

Adabiyotlar sharhi

Bugungi kunga qadar bir qator iqtisodchi olimlar kredit foizi, depozit foizi, bank foizlari va foiz siyosati tog‘risidagi o’z fikr-mulohazalarini bildirishgan.

Iqtisodchi olimlardan S.Y. Gritsenko o’zining “Pul, kredit, banklar: nazariya va amaliyot” ishida ssuda foiziga quyidagicha ta’rif bergan: “Ssuda foizlari (lotincha “pro centum” – “yuzdan bir”) qarzga olingan mablag‘dan vaqtincha foydalanilganlik uchun to’lovdir” [2].

M.S. Maramigina va Y.N. Prokofyevning fikricha, “ssuda foizi – bu ssuda kapitalining (ssuda qiymatining) harakati jarayonida qarz beruvchi va qarz oluvchi o’rtasida yuzaga keladigan munosabatlarni aks ettiruvchi iqtisodiy kategoriya” [3].

S. Yu. Buyevich depozit foizlariga o‘z munosabatini quyidagacha bildiradi “... pul mablag‘lari, qimmatli qog‘ozlar va boshqa moddiy boyliklarni bank hisobvaraqlarida, depozitariylarda va maxsus seyflarda saqlaganlik uchun to’lov” [4].

И. В. Винаков talkiniga qaraganda, “Foiz siyosati foiz stavkalari darajasi va dinamikasini tartibga soladi, ochiq iqtisodiyot sharoitida unga mamlakatdagi inflyatsiya sur’atlari, kredit bozoridagi raqobat, valyuta kursi kabi bir qator ichki va tashqi omillar ta’sir etadi” [5].

Professor O. И. Lavrushin “Bank foizi kredit munosabatining subyektlaridan biri bank bo’lgandagina vujudga keladi” deya fikr bildirgan [6].

Mahalliy olimlardan X. A. Tuxsanov quyidagi fikrlarni bildirgan: “ Bank foizi o’z bahosiga ega jalb qilingan kapital o’zlashtirilgani uchun to’lov, ikkinchi tomondan turli yo’nalishlarda (investetsiya, kredit, lizing va boshqalar) kapitalni taqdim qilishdan yoki moliyaviy ishlab chiqarish xarakteridagi investitsiyalardan olinadigan daromad hisoblanadi” [7].

Shuningdek bir qator mahalliy iqtisodchilar “Tijorat banklarining foiz siyosati depozitlar va kreditlarning oqilona foiz stavkalarini shakllantirish va foiz riskini boshqarish bilan bog‘liq tadbirlar majmuasidir” deya ta’kidlagan [8].

Tahlil va natijalar

Tijorat banklarining samarali faoliyat yuritishi va yuqori daromad olishi uchun banklar tog‘risidagi huquqiy-me’yoriy hujjatlarning o’zi yetarli emas. Bank operatsiyalari xavfsizligi, ishonchliligi va rentabelligini ta’minlash, aksiyadorlar va omonatchilar mablag‘laridan samarali foydalanish yo’nalishlarini aniqlash, depozit, kredit hamda aksiyadorlik portfellarining tarkibi va hajmini tartibga solish, tavakkalchilikni bashorat qilish va bartaraf etish kabi bir qator masalalar bank siyosatini shakllantirish uchun asos bo’lib xizmat qiladi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

1-chizma.

Bank siyosatining tasnifi*



*Muallif tomonidan tayyorlandi.

Yuqoridagi chizmada ko’rib turganimizdek, bank siyosatini makro va mikro darajada talqin qilish mumkin. Makro darajada mamlakat Markaziy bank tomonidan amalga oshiriladigan siyosat, mikro darajada esa tijorat banklari olib boradiga siyosat tushuniladi.

Umuman olganda, bank siyosati bank faoliyatining barcha sohalarida belgilangan maqsadlarga erishish usullari majmuidir va u bir qator siyosatlarni o’z ichiga oladi:

2-chizma.

Bank siyosatining tarkibiy tuzilishi*



*Muallif tomonidan tayyorlandi.

Ko’rinadiki, foiz siyosati bank siyosatining bir elementi hisoblanadi. Shu bilan birga

boshqa siyosatlar bilan ham chambarchas bog‘liqdir. Foiz siyosati dastlab kredit va depozit siyosatining tarkibiga kiritilgan bo’lib, bugungi kunda esa alohida siyosat sifatida ishlab chiqiladi.

Bir qancha iqtisodchilar tijorat banklarining foiz siyosatiga foiz stavkalarini belgilash va tartibga solishdagi taktika, strategiya yoki operativ boshqaruv kabi ta’riflarni berib o’tgan. Bunday yondashuv tog‘risida bir to’xtamga kelishdan avval, bu kategoriyalarning nimani anglatishini aniqlaylik:

Bankning foiz siyosati strategiya sifatida bank operatsiyalari bo’yicha foiz stavkalari prognozi asosida bank faoliyatini rejalashtirish usullari tizimidir. Shunga ko’ra, strategik foiz siyosati uzoq muddatli davr uchun tuzilib, yakuniy maqsadlarni belgilash, ularga erishish tamoyillari va yo’llarini belgilashni o’z ichiga oladi.

Bankning foiz siyosati taktika sifatida belgilangan qisqa muddatli maqsadlarga erishishga qaratilgan bank operatsiyalarining aniq turlari uchun foiz stavkalarini hisoblashning va belgilashning o’ziga xos usullari to’plamidir.

Operatsion boshqaruv sifatida bankning foiz siyosati moliya bozoridagi foiz stavkalari darajasini joriy rejalashtirish, doimiy monitoring qilish va o’zgaruvchan sharoitlarda bankning foiz stavkalarini tezkor tuzatishdir.

Foiz siyosatining asosini iqtisodiy kategoriya – foiz tashkil qiladi va u bankning uzoq muddatli rentabelligini ta’minlashga, daromadni maksimal darajaga oshirishga va xarajatlarni minimallashtirishga qaratilgan bo’lishi lozim.

Har qanday bankning samarali foiz siyosatini yuritishi quyidagi zaruriyatlarga asoslanishi lozim: aholining bo’sh turgan pul mablag‘larini depozitga jalb etishga erishish, bankning normal faoliyatini ta’minlaydigan foyda olish, omonatchilarning ijtimoiy-iqtisodiy xavfsizligini kafolatlash.

Bo’sh pul mablag‘larini depozitga jalb etish bank depozit siyosatining ham ustuvor maqsadlaridan. Bank depozit siyosati depozitga pul mablag‘larini jalb qilish va ularni samarali boshqarish siyosati hisoblanadi. Banklar tomonidan depozit siyosatini muvaffaqiyatli amalga oshrishning hal qiluvchi sharti mablag‘lardan samarali foydalanishdir.

Qozog‘istonlik olimlardan Г.М. Baysembayeva tijorat banklarining depozit siyosati bank mijozlarini jalb qilish va ushlab turish, o’z faoliyatini amalga oshirish omonatchilarga haq to’lash va foydani ta’minlash uchun moslashuvchan foiz siyosati mexanizmini ishlab chiqishlari lozim ekanligini aytib o’tadi [9].

Bankning kredit siyosati aktivlarning o’sishi va sifatini oshirish maqsadiga qaratilgan bo’ladi. Shuningdek, kredit siyosati bank faoliyatida risklarni boshqarishning asosi hisoblanadi. Umuman olganda, bank faoliyatining kredit bozoridagi asosiy tamoyillarini izohlovchi va bankda kredit amaliyotlarini tartibga soluvchi bankning asosiy ichki me’yoriy hujjatidir.

Shuningdek, bir qator iqtisodiy adabiyotlarda “foiz siyosati” bilan “baho siyosati”ni parallel ravishda ishlatilishini guvohi bo’lamiz. Tijorat banklarining baho siyosati bankning xizmatlari hamda mahsulotlariga baho belgilashga qaratilgan tadbirlarini o’z ichiga oladi va u bank boshqaruvining asosiy komponenti hisoblanadi. Bankning daromadliligini ta’minlashda asosiy rol o’ynaydi. Foiz siyosati esa baho siyosatining asosiy yo’nalishi hisoblanadi. Sababi banklar foiz siyosatini yuritish orqali o’zining xizmatlari va mahsulotlariga baho belgilaydilar.

Shu o’rinda “narx siyosati” tushunchasiga ham to’xtalib o’tish joizdir. Narx narsa, buyumning pul bilan o’lchanadigan qiymatini anglatadi. Baho esa biror kimsa, narsa yoki voqea-hodisaning ahamiyati, qadri haqida fikr bildirishda ham qo’llaniladi [10]. Umuman olganda, “baho siyosati” va “narx siyosati” tushunchalarini bir xil ma’noda qabul qilish joizdir. Chunki ushbu kategoriyalar mazmun-mohiyati va vazifasi jihatdan bir xildir.

Foiz stavkasining funksiyalari iqtisodiyotda juda muhim ahamiyatga ega bo’lib, u ko’plab iqtisodiy jarayonlarga ta’sir ko’rsatadi. Quyida foiz stavkalarining iqtisodiy funksiyalari bilan tanishib chiqamiz:

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

3-chizma.

Foiz stavkasining iqtisodiy funksiyalari*



*Muallif tomonidan tayyorlandi.

Kapitalni qayta taqsimlash funksiyasi orqali foiz stavkalari resurslarni jamg‘armachilardan qarz oluvchilarga oqilona taqsimlashga xizmat qiladi.

Foiz siyosati orqali markaziy va tijorat banklari iqtisodiyotni barqarorlashtirishga qaratilgan choralarni amalga oshiradi. Bu iqtisodiy o’sishni qo’llab-quvvatlash yoki iqtisodiy "qizib ketish"ni oldini olishni nazarda tutadi.

Foiz stavkasi jamg‘arma qiluvchi va investitsiya qiluvchilarga ta’sir ko’rsatadi:

-foiz stavkasi yuqori bo’lsa, odamlarda jamg‘arma qilish istagi ortadi, chunki banklarda pul saqlash orqali ko’proq daromad olishadi;

-past foiz stavkasi esa odatda investitsiya qilishni rag‘batlantiradi, chunki kredit olish arzonlashadi.

Foiz siyosatini yuritishdan asosiy maqsad aktiv va passiv operatsiyalarni amalga oshirishda foiz stavkalarini samarali boshqarish hisoblanib, bu esa o’z navbatida kapital qiymatini barqaror o’sishi uchun foiz marjasini kerakli miqdorda saqlab turish, yetarli miqdorda daromad olish hamda bank biznes-rejasining foyda olish bo’yicha ko’rsatkichlarini bajarilishi uchun imkoniyat beradi.

Yuqorida keltirilgan maqsadlarga erishish uchun esa bir qator vazifalarni bajarish lozim bo’ladi:

-mamlakat moliya bozorida shakllanadigan kredit va qimmatli qog‘oz operatsiyalariga oid foiz stavkalar kon’yunkturasini o’rganish;

-mamlakat moliya bozorida shakllanadigan yuridik va jismoniy shaxslarning depozitlarini jalb etish va foiz stavkalarini belgilash bilan bog‘liq foiz stavkalar kon’yunkturasini o’rganish;

-aktiv va passiv operatsiyalar foiz stavkalarini solishtirish orqali bank foiz marjasini aniqlash, bankning aktiv va passiv operatsiyalari samaradorligini tahlil qilish;

-aktiv va passiv operatsiyalarning har bir turi bo’yicha, shuningdek barcha bank operatsiyalari bo’yicha foiz stavkalarining hamda bank foiz marjasi miqdorining o’rtacha darajasini tahlil qilish;

-aktiv va passiv operatsiyalar bajarilishida foiz stavkalarni samarali boshqarish bo’yicha

bank faoliyatini optimallashtirish chora-tadbirlarini amalga oshirish.

Tijorat banklarining foiz siyosati samarali bo’lishi uchun banklar bir nechta faktorlarni hisobga olishlari kerak:

-Moliyaviy resurslarning yetarli bo’lishi: Banklarning kreditlash faoliyatini amalga oshirish uchun zarur resurslarga ega bo’lishi zarur. Foiz stavkalarining yuqori bo’lishi banklar uchun foyda olish imkoniyatini oshirsa-da, mijozlarga qarz olish xarajatlarini oshiradi.

-Raqobat: Tijorat banklari orasidagi raqobat foiz stavkalarining shakllanishiga ta’sir qiladi. Agar banklar o’rtasida yuqori raqobat mavjud bo’lsa, foiz stavkalari odatda pastroq bo’ladi.

-Inflatsiya va iqtisodiy o’sish: Inflatsiya darajasi va iqtisodiy o’sish sur’ati tijorat banklarining foiz siyosatini belgilashda muhim omillardan biridir. Yuqori inflatsiya foiz stavkalarining oshishiga olib kelishi mumkin.

Amalga oshirilgan tadqiqotlar natijasida tijorat banklarining foiz siyosatiga mualliflik ta’rifi ishlab chiqildi. Tijorat banklarining foiz siyosati – bank siyosatining tarkibiy qismi bo’lib, bankning daromadlili, rentabelligi va likvidliligini ta’milash, foiz riskini minimallashtirish maqsadida resurslarni jalb qilish va joylashtirish bilan bog‘liq foiz stavkalarini samarali boshqarishga qaratilgan bank ichki me’yoriy hujjati.

Xulosa

Tijorat banklari foiz siyosati ilmiy jihatdan o’zgaruvchan iqtisodiy sharoitlarga va pul-kredit siyosatiga bog‘liq bo’lib, u iqtisodiy o’sish, inflatsiya, kreditlash faoliyatini rag‘batlantirish va banklarning likvidligini ta’minlash kabi faktorlar bilan chambarchas bog‘liqdir. Foiz siyosati samarali bo’lishi uchun banklar turli risklarni baholash, iqtisodiy sharoitni inobatga olish va raqobatni hisobga olishlari lozim.

Tadqiqot ishimizda ko’rib o’tilgan tijorat banklarining foiz siyosati tog‘risidagi ilmiy-uslubiy manbalarda keltirilgan olimlarning fikr-mulohazalaridan kelib chiqib o’z xulosalarimizni berishni lozim topdik:

-tijorat banklarining foiz siyosati amaldagi qonunchilikka hamda bankning ichki me’yoriy hujjatlariga muvofiq har bir bank tomonidan alohida ishlab chiqiladi;

-ushbu siyosat aktiv va passiv operatsiyalar bo’yicha foiz stavkalarini samarali boshqarishning maqsadi, vazifalari, asosiy tamoyillarini va foiz stavkalarini boshqarish jarayonini amalga oshiruvchi tashkiliy bo’linmalarni belgilaydi hamda foiz siyosatini talablarini amalga oshirishda bankning tarkibiy tuzilmalari o’rtasidagi munosabatlarni muvofiqlashtiradi;

-foiz siyosati yakunda bank daromadliligi, rentabelligi va likvidliligini ta’minlashi lozim;

-bankning baho siyosati foiz siyosatining asosiy yo’nalishi hisoblanadi, bank foiz siyosatini amalga oshirish orqali xizmat va mahsulotlariga narx belgilaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining“O’zbekiston-2030” strategiyasi to’g‘risida»gi 11.09.2023 yildagi PF-158-son farmoni. – https:lex.uz/ru/docs/-6600413

2. Гриценко С.Е. Деньги, кредит, банки: теория и практика. Учебное пособие – М.: Мир науки, 2021. – 112с.

3. М. С. Марамыгина, Е. Н. Прокофьева. Деньги, кредит, банки: учебник. – Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2019. – 384 с.

4. Буевич С. Ю. Деятельность коммерческого банка : учебное пособие / С. Ю. Буевич. – М.: Экономистъ, 2014. – 216 с.

5. Винаков И. В. Качество кредитного портфеля. Кредитный портфель коммерческого банка. управление качеством кредитного портфеля [Текст] / И. В. Винаков // Российское предпринимательство. – 2014. – № 6-2. – С. 120-125.

6. Лаврушин О. И. Деньги, кредит, банки. Экспресс-курс: учебное пособие / кол.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

авт. ; под ред. д-ра экон. наук. проф. О. И. Лаврушина. – 4-е изд., стер. – М. : КНОРУС, 2010. – 320 с.

7. Тухсанов Х.А. Процентная политика банков и вопросы регулирование в условиях рыночной экономики. Автореф. дисс. .... к.э.н. – Ташкент, 2005. – 28 с.

8. Bektemirov A., Omonov A., Xaydarov Z., Niyozov Z. Tijorat banklari aktiv va passivlarini boshqarish: o’quv qo’llanma. – Samarqand: Sam ISI, 2021. 261 b.

9. Байсембаева Г.М. Стратегия развития депозитной политики банков второго уровня (на примере АО «Альянс-банк»). Монография. – Павлодар: КЕРЕКУ Павлодарского государственного университета им. С.Торайгырова. 2014. – 103с.

10. O’zbek tilining izohli lug‘ati. T. Mirzayev (rahbar) va boshqalar. – Тошкент: O’zbekiston milliy ensiklopediyasi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

TIJORAT BANKLARINING KREDIT PORTFELI RISKLARINI BAHOLASH VA KAMAYTIRISH MASALALARI

Ochilova Ibodat G‘ulomovna

moliya, soliq va bank ishi kafedrasi assistenti
Toshkent davlat Iqtisodiyot universiteti Samarqand filiali
E-mail: ibodattochka927@gmail.com
ORCID:0009-0006-2791-1412

Annotatsiya. Ushbu maqolada tijorat banklarining kredit portfeli bilan bog‘liq risklar, ularni boshqarish va pasaytirish usullari tahlil qilingan. Kredit risklarini aniqlashda Student va Fisher mezonlari, shuningdek, Bernulli differensial tenglamalari qo‘llanilgan. Moliyaviy risklarni kamaytirishning ilmiy yondashuvlari yoritilib, matematik usullarni qo‘llash kredit portfelining barqarorligini oshirishda samarali vosita bo‘lishligi qayd etilgan. Suningdek, banklarning kredit portfelini optimallashtirish bo‘yicha tavsiyalar berilgan.

Kalit so‘zlar: moliyaviy risk, kredit portfeli, tijorat banki, kredit portfeli diversifikatsiyasi, risklarni boshqarish.

ПУТИ ОЦЕНКИ И СНИЖЕНИЯ РИСКОВ КРЕДИТНОГО ПОРТФЕЛЯ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Ачилова Ибодат Гулямовна

ассистент кафедры финансов, налогов и банковского дела
Ташкентский государственный экономический университет
Самаркандский филиал
E-mail: ibodattochka927@gmail.com
ORCID:0009-0006-2791-1412

Аннотация. В статье анализируются риски кредитных портфелей коммерческих банков, методы управления ими. Для определения кредитных рисков использовались критерии Стьюдента и Фишера, а также дифференциальные уравнения Бернулли. Освещаются научные подходы к снижению финансовых рисков, исследуются применение метематических методов, являющиеся эффективным инструментом повышения устойчивости кредитного портфеля. По итогам исследования даются рекомендации по оптимизации кредитного портфеля банков.

Ключевые слова: финансовые риски, кредитный портфель, коммерческие банки, диверсификация кредитного портфеля, управление рисками.

WAYS TO ASSESS AND REDUCE RISKS IN THE CREDIT PORTFOLIO OF COMMERCIAL BANKS

Ochilova Ibodat Gulomovna

Assistant of the Finance, tax and banking department Samarkand branch of Tashkent State University of Economics
E-mail: ibodattochka927@gmail.com
ORCID:0009-0006-2791-1412

Abstract. This article analyzes the risks associated with the credit portfolio of commercial banks, their management and reduction methods. Student’s and Fisher’s criteria, as

well as Bernoulli’s differential equations were used to determine credit risks. The article sheds light on scientific approaches to reducing financial risks and provides recommendations on optimizing the banks’ loan portfolio. The results show that the use of mathematical methods can be an effective tool for increasing the stability of the loan portfolio.

Keywords: Financial risks, loan portfolio, commercial banks, loan portfolio diversification, risk management.

Kirish

Har qanday iqtisodiy faoliyat asosiy maqsadini foyda olishga qaratadi va bu natijaga erishish uchun amalga oshiriladigan ishlar bir necha bosqichlarda iborat. Bu jarayonlarni amalga oshirishda bir qancha risklar yuzaga kelishi mumkin. Jumladan, tijorat banklarining asosiy faoliyati natijasi ham foyda olishga qaratilgan bo‘lib, ular ham o‘z faoliyatini olib borish jarayonida bir qator risklarga uchrashi mumkin. Ushbu taqdiqotni olib borishimizdan asosiy maqsad shuki, bugungi iqtisodiy globallashuv jarayonida kredit portfeli tijorat banklarining asosiy moliyaviy resurslaridan biri hisoblanadi va uni to‘g‘ri tashkil qilish, boshqarish jarayonida yuzaga keluvchi risklarni oldindan tahlil qila bilish hamda ularni kamaytirish chora-tadbirlarini ishlab chiqish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Banklarda kredit riski zamonaviy moliyaviy tizimda ham kreditorlar, ham qarz oluvchilar uchun jiddiy muammolarni keltirib chiqaradi. Bu qarz oluvchining moliyaviy majburiyatlarini bajarmasligi natijasida yuzaga keladigan moliyaviy yo‘qotishlarni o‘z ichiga oladi Ushbu portfelning sifati bankning moliyaviy barqarorligi va rentabelligiga bevosita ta’sir qiladi. Moliyaviy risklar, ayniqsa kredit risklari, bank faoliyatidagi eng muhim masalalardan biri bo‘lib, ularning noto‘g‘ri boshqarilishi katta moliyaviy yo‘qotishlarga olib kelishi mumkin, hozirgi davrda bank tizimida kredit risklarini samarali boshqarish zaruriyati yanada oshmoqda. Bu risklar kredit portfelining diversifikatsiya darajasi, mijozlarning to‘lov qobiliyati va tashqi iqtisodiy muhit kabi bir qator omillarga bog‘liq. Kredit riskining ko‘p qirrali xususiyatini tushunish moliya institutlarida risklarni samarali boshqarish uchun juda muhimdir. Shuning uchun ham kredit portfeli bilan bog‘liq risklarni keltirib chiqaruvchi turli sabablarni, uning murakkab determinantlari va oqibatlarini o‘rganish va ularni oqilona boshqarishni talab etadi.

Adabiyotlar sharhi

Moliyaviy risklarning kredit portfelidagi o‘rnini o‘rganish bo‘yicha ilmiy adabiyotlarda keng ko‘lamli tadqiqotlar o‘tkazilgan. Bu sohada muhim tadqiqotlardan biri Altman tomonidan taklif etilgan Z-modellari hisoblsnadi, unda kredit risklarini aniqlash uchun moliyaviy ko‘rsatkichlar tahlil qilinadi. Ushbu model bugungi kunda ham banklar tomonidan qarzdorlikni baholashda keng qo‘llaniladi. Altman tomonidan taklif etilgan Z-modellar moliyaviy tahlil sohasida kompaniyalarning bankrotlik ehtimolini aniqlash uchun eng mashhur va amaliy usullardan biridir. Bu model kredit riskini baholashda muhim rol o‘ynaydi va tijorat banklari hamda moliyaviy institutlar tomonidan keng qo‘llaniladi. Ushbu model moliyaviy ko‘rsatkichlarni tahlil qilish orqali korxonaning moliyaviy barqarorligini va bankrotlik ehtimolini aniqlaydi. Z-modelning asosi kompaniyaning moliyaviy hisobotlaridagi bir qator ko‘rsatkichlarni yig‘indiga asoslangan o‘zgarmas formuladan iborat:

$$Z=1.2X_1+1.4X_2+3.3X_3+0.6X_4+0.999X_5$$

Bu yerda, X_1 – aylanma kapitalning jami aktivlarga nisbati;
X_2 – jamg‘arilgan foydaning jami aktivlarga nisbati;
X3 – foyda oldidan daromadning jami aktivlarga nisbati;
X_4 – bozor qiymatining jami majburiyatlarga nisbati;
X_5 – sotish hajmining jami aktivlarga nisbati.

Model talqini quyidagicha bo‘lishi ta’kidlangan: $Z > 2.99$: korxona moliyaviy jihatdan barqaror, bankrotlik ehtimoli juda past. $1.8 \leq Z \leq 2.99$: "kulrang zona" deb ataladi, bunda korxonaning bankrotlik ehtimoli o‘rta darajada. $Z < 1.8$: Korxonaning bankrotlik xavfi yuqori [3].

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Jorion tomonidan taklif etilgan Value at Risk (VaR) metodologiyasi moliyaviy risklarni o‘lchashda asosiy vositalardan biri hisoblanadi. Bu yondashuv tijorat banklarida kredit portfelining zarar keltirishi mumkin bo‘lgan ehtimollarni hisoblash imkonini beradi. (VaR) – moliyaviy risklarni o‘lchash va boshqarish uchun eng keng tarqalgan kvantitativ usullardan biri bo‘lib, bu usul bo‘yicha asosiy nazariyalar va amaliyotlar Jorion tomonidan batafsil yoritilgan. VaR metodologiyasi moliyaviy aktivlar portfelidagi potentsial yo‘qotishlarni oldindan baholash imkonini beradi. VaR quyidagi formula orqali ifodalanadi: $VaR=z\cdot\sigma\cdot\sqrt{\Delta t}$

Bu yerda, z: ishonch darajasiga mos keluvchi z-koeffitsient (masalan, 95% uchun z=1.645, 99% uchun z=2.33);

σ – portfelning standart og‘ishi (risk darajasi);

Δt – vaqt oralig‘i.

Tijorat banklari VaRdan foydalanib, kredit portfellarining zarar ko‘rish ehtimolini baholashi va bu ularning kapital talablarini aniqlash va xavflarni minimallashtirish uchun xizmat qilishi hamda investitsiya menejerlari VaRdan foydalanib, portfelni yo‘qotish xavfini kamaytirish bo‘yicha qaror qabul qilishi mumkinligi ta’kidlangan [4].

Robert Merton kredit risklarini baholash uchun o‘zining mashhur opsion narxlash modelini ishlab chiqdi. Ushbu model kredit bo‘yicha defolt ehtimolini baholashda korxona aktivlari qiymati va uning moliyaviy majburiyatlari o‘rtasidagi bog‘liqlikni ifodalash orqali ishlaydi. Mertonning modeli moliyaviy risklarni o‘lchashda strukturaviy yondashuvlar uchun asosiy platformani yaratdi. Merton modeli kompaniyaning aktivlari qiymati vaqt o‘tishi bilan qanday o‘zgarishini va bu o‘zgarish korxonaning qarz majburiyatlarini bajarish qobiliyatiga qanday ta’sir qilishini baholaydi. Model kompaniya aktivlarini "asosiy aktiv" sifatida qaraydi va defolt hodisasini opsion sifatida ko‘rib chiqadi. Asosiy g‘oyasi Agar kompaniyaning aktivlar qiymati ularning qarz majburiyatlaridan yuqori bo‘lsa, kompaniya o‘z majburiyatlarini bajarishi aks holda, kompaniya defolt holatiga tushishi ta’kidlangan. Merton modelining ko‘rinishi quyidagicha: $V_A=E+D$

Bu yerda, V_A – kompaniyaning jami aktivlari qiymati;

E - kompaniyaning aksiyadorlik kapitali qiymati;

D - kompaniyaning qarz majburiyatlari.

Merton modelida aksiyadorlik kapitali kompaniyaning aktivlari qiymatidan qarz qiymatini chegirgan holda opsion sifatida ifodalanishini ta’kidlagan: $E=\max(V_A-D,0)$. Bu yerda aksiyadorlar opsion egalari sifatida qaraladi, ular kompaniyaning aktivlaridan qarzni to‘lash uchun foydalanadi, qolgan qismi esa ularga qolishi ko‘zda tutiladi. Defolt ehtimoli VA<D holatida yuzaga kelishiga, ya’ni kompaniyaning aktivlari qiymati uning qarzidan past bo‘lgan vaziyatda bo‘lishiga urg‘u beradi [5].

Tahlil va natijalar

Maqolada moliyaviy risklarning kredit portfelidagi o‘rni ekonometriya usullaridan foydalangan holda tahlil qilinadi. Buning uchun Student va Fisher mezonlari, shuningdek Bernulli differensial tenglamalari qo‘llaniladi. Quyida ushbu metodlarni qanday ishlatish va tahlil qilishni ko‘rib chiqamiz.

1.Student mezoni. Student mezoni korrelatsiya koeffitsiyentining ahamiyatliligini tekshiradi va uning formulasi quyidagicha ko‘rinishga ega:

$$t=\frac{r\sqrt{n-2}}{\sqrt{1-r^2}}$$

Bu yerda:

-R – oddiy korrelatsiya koeffitsiyenti;

-N – kuzatuvlar soni.

Faraz qilaylik, bankda ikki o‘zgaruvchi o‘rtasidagi bog‘lanish o‘rganilyapti:

X – kredit miqdori (million so‘mda);

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Y – yillik zarar miqdori (foizda).

Biz X va Y o‘zgaruvchilari o‘rtasidagi korrelatsiyani aniqlamoqchimiz. Buning uchun, quyidagi ma’lumotlar mavjud bo‘lishi kerak:

- Kredit miqdori va yillik zarar miqdori o‘rtasidagi kuzatuvlar (ya’ni 30 ta juft ma’lumot).
- Har bir kredit miqdori uchun uning yillik zarar miqdori o‘lchangan.

Korrelatsiya koeffitsiyenti rrr quyidagi formula asosida hisoblanadi:

$$r = \frac{n\sum XY - \sum X \sum Y}{\sqrt{n\sum X^2 - (\sum X)^2)(n\sum Y^2 - (\sum Y)^2)}}$$

Bu yerda,

X va Y – ikkita o‘zgaruvchi;

N – kuzatuvlar soni;

$\sum XY$ — har bir kuzatuvdagi X va Y o‘zgaruvchilari ko‘paytmasining yig‘indisi;

∑X va ∑Y – har bir o‘zgaruvchilarning yig‘indisi;

$\sum X^2$ va $\sum Y^2$ – har bir o‘zgaruvchilarning kvadratlarining yig‘indisi.

Faraz qilaylik, bankda 5 ta kredit namunasi mavjud va har bir kredit uchun kredit miqdori (X) va yillik zarar miqdori (Y) o‘lchangan:

Kredit Miqdori (X)	Yillik Zarar (Y)
100	5
200	10
300	15
400	20
500	25

Bu ma’lumotlar yordamida yuqoridagi korrelatsiya koeffitsiyentini hisoblaymiz:

Yig‘indilar natijasi quyidagicha:

∑X=100+200+300+400+500=1500

∑Y=5+10+15+20+25=75

$\sum X^2 = 100^2 +200^2+300^2+400^2+500^2 =550000$

$\sum Y^2 = 5^2+10^2+15^2+20^2+25^2 =1375$

∑XY=100×5+200×10+300×15+400×20+500×25 = 25000

Bu natijalardan foydalanib, korrelatsiya koeffitsiyentini aniqlaymiz:

$$r = \frac{5*25000-1500*75}{\sqrt{(5*55000-1500^2)(5*1375-75^2)}} = 0.5$$

Shu tarzda, olingan korrelatsiya koeffitsiyenti r=0.5r = 0.5r=0.5 bo‘ladi. Bu degani kredit miqdori va yillik zarar miqdori orasida o‘rtacha darajada ijobiy korrelatsiya mavjud. Agar r=0.5 kuzatuvlar soni n=5 bo‘lsa, Student mezonidan foydalanib, bu korrelatsiyaning ahamiyatliligi tekshirilganda t = 1 bo‘lishini aniqlashimiz mumkin. Agar t-qiymati kritik qiymatdan kichik bo‘lsa, unda korrelatsiya statistika jihatdan ahamiyatli emas. T-qiymatni kritik qiymat bilan solishtirish kerak. Agar ttt kritik qiymatdan katta bo‘lsa, korrelatsiya ahamiyatli deb hisoblanadi.

Endi yana bir boshqa ekonometrik me’zondan foydalanamiz.

2. Fisher me’zoni. Bu orqali to‘liq modelni adekvatligini, ya’ni real iqtisodiy jarayonga mosligini tekshirish mumkin. Uning formulasi esa quyidagicha:

$$F = \frac{R^2(n-m-1)}{(1-R^2)m}$$

N – kuzatuvlar soni;

M – modeldagi ta’sir etuvchi omillar soni;

R – ko‘p omilli korrelatsiya koeffitsiyenti.

Tijorat banki o‘z kredit portfelini boshqarishda quyidagi omillar ta’sirini o‘rganmoqchi:

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Kredit oluvchilarning to‘lov qobiliyati indeksi (X_1), Yillik foiz stavkasi (X_2), Kredit summasining o‘rtacha hajmi (X_3).

Bank ushbu omillar asosida regressiya modeli tuzdi va modelning ko‘p omilli korrelatsiya koeffitsiyenti R^2=0.85 bo‘ldi. Bank tomonidan o‘tkazilgan kuzatuvlar soni N=15 va modelda 3 ta ta’sir etuvchi omil (M=3) mavjud. Regressiya modelini quyidagicha umumiy ko‘rinishda yozish mumkin: $\beta_0+\beta_1X_1+\beta_2$ X2+β3X3+ϵ. Model shunday tuziladiki, β-lar (ta’sir koeffitsiyentlari) odatda statistik metodlar (masalan, eng kichik kvadratlar usuli) yordamida baholanadi. Ushbu ko‘rinish, masalani yechish uchun yetarli bo‘ladi, chunki Fisher mezonini hisoblashda asosiy ko‘rsatkich R^2, kuzatuvlar soni n, va omillar soni mdan foydalaniladi.

Bunday riskni tahlil qilish uchun keng qo‘llaniladigan tenglama Bernulli differensial tenglamasi hisoblanadi. Shuning uchun bu tenglama orqali tahlil qilish joizdir.

3. Bernulli differensial tenglamasi. Faraz qilaylik, bankda kredit portfeli bo‘yicha yillik zararlar y(x) vaqt davomida (yillar bo‘yicha) o‘sishi kuzatiladi. Ushbu jarayonni quyidagi tenglama, ya’ni Bernulli differnsial tenglamasi modellashtiradi:

$$y'+p(x)y=q(x)y^{\alpha}$$

Bu yerda,

y(x) – vaqt x-da yillik zarar miqdori (million so‘mda);

p(x)=0.05 — kredit bo‘yicha foiz stavkasi (doimiy);

q(x)=0.02x — vaqtga bog‘liq xarajat stavkasi;

α=2 — zararlarning kvadrat ta’siri.

Boshlang‘ich shart: y(0)=1 (t = 0 da zarar miqdori 1 million so‘m).

Tenglama yechilib, y(x) funksiyasini aniqlash va vaqt o‘tishi bilan yillik zararlar qanday o‘zgarishini tahlil qilish moliyaviy risklarni boshqarishda bank, korxona va tashkilotlarning asosiy tahlil vositasi hisoblanadi.

Parametrlar qo‘yilgandan so‘ng tenglama quyidagicha, yani

$y'+0.05y=0.02xy^2$ tarzida bo‘ladi. Hisoblashni osonlashtirish uchun $y=\frac{1}{z}$ deb o‘zgartirish kiritamiz. Natijada ifoda chiziqli differensial tenglamaga keladi. $\mu(x)=e^{\int -0.05\,dx}=e^{-0.05x}$. Ifodani soddalashtirganimizdan so‘ng $z=8(0.05x+1)+Ce^{0.05x}$ holatiga keladi. Shundan so‘ng boshlang‘ich shartni qo‘yamiz. Masalada y(0)=1, shuning uchun $z(0)= y^{-1}$. x=0 ni tenglamaga qo‘yamizdan so‘ng so‘nggi C=-7 natijasini olamiz.

Bundan yillik zarar miqdori y(x) vaqtga bog‘liq holda eksponensial va chiziqli funksiyaning kombinatsiyasi sifatida o‘zgaradi. Agar x katta qiymatlarga ega bo‘lsa (masalan, vaqt o‘tishi bilan), zarar miqdori eksponensial ravishda kamayishi yoki oshishi mumkin (tenglamadagi koeffitsientlar qiymatiga qarab) ekanligini xulosa qilishimiz mumkin.

Xulosa

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, moliyaviy risklar, jumladan defolt va bozor risklari kredit yo‘qotishlar dinamikasiga sezilarli darajada ta’sir ko‘rsatadi. Tadqiqot shuni ko‘rsatadiki, ko‘tarilgan moliyaviy risklar, ayniqsa, iqtisodiy beqarorlik davrida yuqori kredit yo‘qotishlari bilan bog‘liq. Portfelni diversifikatsiya qilish moliyaviy risklarni kamaytirishning asosiy strategiyasi sifatida namoyon bo‘ladi. Tadqiqot shuni ko‘rsatadiki, turli sektorlar va geografik mintaqalar bo‘ylab tarqalgan yaxshi diversifikatsiyalangan kredit portfeli potensial yo‘qotishlarni sezilarli darajada kamaytirishi mumkin.

Bernulli differensial tenglamasi hamda ekonometrik tahlillar riskni kamaytirish strategiyalarining samaradorligini oshirish uchun asosiy vosita bo‘lib, operativ xarajatlarni maksimal darajada minimallashtirish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Markowitz, H. (1952). Portfolio Selection. The Journal of Finance,7(1), – PP. 77–91.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

2. Basel Committee on Banking Supervision (2019). Basel III: Finalising Post-Crisis Reforms. Bank for International Settlements.

3. Altman, E. I. (1968). *Financial ratios, discriminant analysis, and the prediction of corporate bankruptcy*. The Journal of Finance, 23(4), – PP. 589–609.

4. Jorion, P. (2007). *Value at Risk: The New Benchmark for Managing Financial Risk* (3rd ed.). McGraw-Hill Education.

5. Merton, R. C. (1974). *On the pricing of corporate debt: The risk structure of interest rates*. Journal of Finance, 29(2), – PP. 449–470.

6. Brealey, R. A., Myers, S. C., & Allen, F. (2020). *Principles of Corporate Finance* (13th ed.). McGraw-Hill Education.

7. Fisher, R. A. (1925). *Statistical Methods for Research Workers*. Oliver and Boyd.

8. Bernoulli, D. (1738). *Exposition of a New Theory on the Measurement of Risk*. Econometrica, 22(1), PP. 23–36 (Translated in 1954).

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

BANKLARNING MOLIYAVIY BARQARORLIGIGA TA’SIR QILUVCHI OMILLAR: NAZARIY TAHLIL

Umariy Muxriddin Xusniddin o‘g‘li

o‘qituvchi
oliy va amaliy matematika kafedrasi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: mumariy@bk.ru
ORCID: 0009-0007-7276-1254

Annotatsiya. Maqolada banklarning moliyaviy barqarorligiga ta’sir qiluvchi omillar tahlil qilingan. Asosiy e’tibor ichki va tashqi omillar hamda ularning bank barqarorligiga ta’siriga qaratilgan. Tahlil natijalari strategik yechimlarni ishlab chiqishga yo‘naltirilgan.

Kalit so‘zlar: bank, moliyaviy barqarorlik, kapital adekvatligi, likvidlik, aktivlar sifati, makroiqtisodiy muhit, risk.

ФАКТОРЫ ВЛИЯНИЯ НА ФИНАНСОВУЮ СТАБИЛЬНОСТЬ БАНКОВ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

Умарий Мухриддин Хусниддин оглы

преподаватель
кафедры высшей и прикладной математики
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: mumariy@bk.ru
ORCID: 0009-0007-7276-1254

Аннотация. В статье анализируются факторы, влияющие на финансовую устойчивость банков. Основное внимание уделяется внутренним и внешним факторам и их влиянию на устойчивость банков. Результаты анализа направлены на разработку стратегических решений.

Ключевые слова: банк, финансовая устойчивость, адекватность капитала, ликвидность, качество активов, макроэкономическая среда, риск.

FACTORS AFFECTING THE FINANCIAL STABILITY OF BANKS: A THEORETICAL ANALYSIS

Umariy Muxriddin Xusniddin ogli

teacher
higher and applied mathematics of the department
Tashkent State University of Economics
E-mail: mumariy@bk.ru
ORCID: 0009-0007-7276-1254

Abstract. The article analyzes the factors affecting the financial stability of banks. The focus is on internal and external factors and their impact on bank stability. The analysis results are aimed at developing strategic solutions.

Keywords: bank, financial stability, capital adequacy, liquidity, asset quality, macroeconomic environment, risks.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Kirish

Moliyaviy barqarorlik bank tizimining ishonchliligini va mamlakat iqtisodiyotidagi barqarorlikni ta’minlash uchun muhim hisoblanadi. Banklarning moliyaviy barqarorligi ularning kapital, likvidlik, risklarni boshqarish qobiliyati va tashqi muhit omillariga bog‘liq. Ushbu maqola banklarning moliyaviy barqarorligiga ta’sir qiluvchi omillarni nazariy jihatdan o‘rganishga qaratilgan.

Banklarning moliyaviy barqarorligi nafaqat ularning o‘z faoliyati, balki butun iqtisodiy tizimning barqarorligi uchun muhimdir. So‘nggi yillarda moliyaviy inqirozlar bank tizimining zaif tomonlarini ochib berdi, bu esa ushbu sohani chuqur tahlil qilish zaruratini tug‘dirdi. Mavzuning dolzarbligi, ayniqsa, jahon iqtisodiyotidagi noaniqliklar va iqtisodiy siyosatlardagi o‘zgarishlar fonida ortib bormoqda. Shu sababli, banklarning moliyaviy barqarorligiga ta’sir qiluvchi omillarni aniqlash va tahlil qilish nazariy va amaliy jihatdan katta ahamiyatga ega.

Adabiyotlar sharhi

Adabiyotlarni tahlil qilish jarayonida shuni aniqlash mumkinki, moliyaviy barqarorlikka ta’sir qiluvchi omillarni kompleks yondashuvda o‘rganish va ularni boshqarish amaliyoti dolzarbdir. Mazkur yondashuv bank sektorining samarali faoliyat yuritishiga yordam beradi.

Banklarning likvidligi, aholi jamg’armalari himoyasi, banklarning bankrotligi masalalariga V.V. Babanov, V.A. Shempelev, M. Bazarya, M.I. Bakanov , A.D. Sheremet kabi olimlar katta hissa qo’shishgan.

D.V. Panov o’zining ilmiy ishida banklarning moliyaviy barqarorligi va uni ta’minlashda metodologik yondashuvlari haqida fikr yuritgan[1].Yu.V. Konovalovaning fikricha, «Iqtisodiyotni rivojlantirish uchun barqaror bank tizimining ahamiyatini ortiqcha baholash qiyin, chunki banklar pul muomalasini ta’minlashda, kapital harakatida, sanoat va tijorat korxonalarining rivojlanishi uchun imkoniyatlar yaratishda muhim rol o‘ynaydi»[2].Robert Fergyusonning fikriga ko’ra, “Moliyaviy beqarorlik uchta hodisa bilan tavsiflanishi mumkin:

-muhim moliyaviy aktivlar bahosining ularning adolatli qiymatidan keskin chetlanishi;

-bozor faoliyati samaradorligini pasaytirish;

-kredit olish imkoniyatining pasayishi”[3].

Tahlil va natijalar

Banklarning moliyaviy barqarorligi — iqtisodiy tizimning muhim tarkibiy qismlaridan biri bo‘lib, iqtisodiyotning barqaror ishlashini ta’minlashda, shu jumladan kreditlar, to‘lovlar va boshqa bank xizmatlarini ko‘rsatishda muhim ahamiyatga ega. Banklarning moliyaviy barqarorligiga ta’sir qiluvchi omillarni kengaytirish uchun bir qator muhim yo‘nalishlar mavjud. Birinchidan, banklarning kapital yetarliligi eng muhim ko‘rsatkichlardan biridir. Kapital yetarliligi nisbati, ya’ni o‘z kapitalining bankning umumiy aktivlariga nisbati, bankning moliyaviy mustahkamligini ta’minlaydi. Bu omil bankning xarajatlar, kreditlar va boshqa muhim operatsiyalarni amalga oshirishda barqarorligini kafolatlaydi. Kapital yetarliligi bankning qarzlarini va majburiyatlarini o‘z vaqtida bajara olish imkoniyatini belgilaydi [4].

Likvidlik banklarning qisqa muddatli majburiyatlarini o‘z vaqtida bajarish qobiliyatini ifodalaydi. Moliyaviy barqarorlik uchun bankning likvidligi juda muhim ahamiyatga ega, chunki bu omil, bankka kutilmagan xarajatlarni to‘lash va mijozlarning omonatlarini qaytarishda yordam beradi. Likvidlikning past bo‘lishi bankni qiyinchiliklarga olib kelishi mumkin. [5].

Banklar kreditlar, valyuta kurslari, foiz stavkalari kabi risklarga duch keladi. Ularning samarali boshqarilishi bankning moliyaviy barqarorligini ta’minlashda asosiy rol o‘ynaydi. Risklarni tizimli ravishda baholash va monitoring qilish, shuningdek kerakli choralar ko‘rish bankning muvaffaqiyatli faoliyat yuritishida muhim ahamiyatga ega. Kredit portfeli va investitsiyalar bilan bog‘liq risklarni aniqlash va boshqarish, bankning barqarorligini saqlashda juda muhimdir.

Banklarning moliyaviy barqarorligiga ta’sir qiluvchi yana bir omil — mamlakatning

iqtisodiy va siyosiy muhiti. O‘zgaruvchan iqtisodiy sharoitlar, masalan, inflyatsiya darajasi, valyuta kurslarining o‘zgarishi yoki siyosiy beqarorlik banklarga jiddiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Ularning faoliyatini to‘g‘ri rejalashtirish va nazorat qilish uchun iqtisodiy barqarorlikning saqlanishi zarur. Bozordagi raqobat va sharoitlar banklarning moliyaviy barqarorligiga ta’sir etadigan boshqa omildir. Raqobatning kuchayishi banklarni samarali boshqaruv va innovatsiyalarni joriy etishga undaydi. Bankning bozor pozitsiyasini mustahkamlash va xizmatlarining diversifikatsiyasi uning barqarorligini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Shuningdek, bankning foyda olish imkoniyatlari bozor talabiga mos bo‘lishi kerak. Banklarning moliyaviy barqarorligini ta’minlashda regulyatorlar va qonunchilik tizimi ham juda muhim ahamiyatga ega. Banklar o‘z faoliyatlarini qonunlar va normativ-huquqiy me’yorlar asosida amalga oshiradi. Mamlakatdagi bank tizimini tartibga soluvchi normativ-huquqiy bazalar, masalan, kredit berish, qimmatli qog‘ozlar bozorida ishlash va banklarning ichki nazorati kabi jarayonlar, moliyaviy barqarorlikni ta’minlashda muhim o‘rin tutadi.

Shuningdek, banklarning ichki boshqaruvi moliyaviy barqarorlikka ta’sir qiluvchi muhim omil sifatida qoladi. Bankning faoliyatini samarali boshqarish, to‘g‘ri qarorlar qabul qilish va ichki nazorat tizimining mustahkamligi ham bankning moliyaviy barqarorligini saqlashda muhim rol o‘ynaydi. Yaxshi tashkil etilgan ichki boshqaruv tizimi bankni yuqori risklardan himoya qiladi va uning barqaror rivojlanishiga yordam beradi. Moliyaviy barqarorlikni ta’minlashda bu omillar bir-biri bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, banklar va boshqa moliya muassasalarining muvaffaqiyatli faoliyat yuritishi uchun muvozanatli va har tomonlama yondashuv zarur.

Kapital yetarliligini oshirish: Banklar o‘zlarining kapital yetarliligini oshirishga katta e’tibor qaratishlari lozim. Bu banklar uchun iqtisodiy inqiroz va kutilmagan yo‘qotishlarga qarshi mustahkam himoya yaratadi. Kapitalning yetarli darajaga ko‘tarilishi, bankning faoliyatini davom ettirish uchun zarur bo‘lgan resurslarni yaratadi, shu bilan birga, mijozlar va investorlar uchun ishonchni mustahkamlaydi. Banklar tomonidan qo‘llaniladigan samarali kapitalni boshqarish usullari, masalan, kapitallarni diversifikatsiya qilish va zaxiralar yaratish, barqaror o‘sishni ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi.

Risklarni boshqarish strategiyalarini takomillashtirish: Banklar risklarni samarali boshqarish tizimlarini yaratishlari kerak. Ular kredit, likvidlik, bozor va operatsion risklarni boshqarish uchun ilg‘or texnologiyalarni joriy qilishlari lozim. Shu bilan birga, banklarning ichki nazorat tizimini takomillashtirish va audit jarayonlarini samarali tashkil etish ularning moliyaviy barqarorligini ta’minlashda yordam beradi. Risklarni o‘z vaqtida aniqlash va prognozlash orqali banklar kutilmagan holatlarga qarshi muvozanatli choralar ko‘rishlari mumkin.

Maqsadli innovatsiyalar va xizmatlar diversifikatsiyasi: Banklar raqobatbardoshligini oshirish uchun innovatsiyalarni qo‘llashlari va xizmatlar turlarini diversifikatsiya qilishlari kerak. Yangi texnologiyalar, masalan, sun’iy intellekt, blokcheyn va moliyaviy texnologiyalar (fintech) bank xizmatlarining samaradorligini oshiradi va mijozlarga qulaylik yaratadi. Banklar shu yo‘l bilan yangi bozorlarga kirib, o‘z pozitsiyalarini mustahkamlashlari mumkin.

Regulyatorlar bilan yaqin hamkorlik: Banklar o‘z faoliyatlarini regulyatorlar bilan yaqin hamkorlikda yuritishlari kerak. Qonunchilik va tartibga soluvchi organlar bilan samarali muloqot bankning yuridik xavfsizligini ta’minlashga yordam beradi va iqtisodiy muhitdagi o‘zgarishlarga moslashishni osonlashtiradi. Shu bilan birga, regulyatorlar tomonidan belgilangan me’yorlar va tavsiyalarni doimiy ravishda kuzatib borish banklar uchun muvaffaqiyatli rivojlanishning asosiy shartlaridan biridir .

Ichki boshqaruvni kuchaytirish: Banklar ichki boshqaruv tizimlarini mustahkamlashlari lozim. Samarali rahbarlik va aniq strategik qarorlar bankning moliyaviy barqarorligini ta’minlashda muhim omil hisoblanadi. Ichki nazorat tizimi, shu jumladan audit va hisobot jarayonlari, bankning o‘z faoliyatini muvaffaqiyatli yuritishiga yordam beradi. Xodimlarning malakasini oshirish va ular orasida jamoaviy ishni rag‘batlantirish bankning ichki boshqaruvini kuchaytiradi.

Shu tavsiyalar banklar uchun moliyaviy barqarorlikni ta’minlash, raqobatbardoshligini

oshirish va iqtisodiy inqirozlar vaqtida barqaror rivojlanish uchun zarur vositalar bo‘lib xizmat qiladi. Bularning barchasi banklarning muvaffaqiyatli faoliyat yuritishiga va moliyaviy barqarorlikni saqlashga yordam beradi.

Banklar moliyaviy barqarorligini ta’minlashda, raqobatbardoshligini oshirishda quidagi omillar ustuvor ahamiyatga ega.

1. Kapital adekvatligi va Basel standartlari. Jahon bank amaliyotida kapital adekvatligini oshirish barqarorlikni ta’minlashda asosiy ko‘rsatkich sifatida qabul qilingan. Basel II va Basel III standartlari kapitalni boshqarishda xalqaro mezonlarni belgilaydi.

2. Aktivlar sifati va kredit portfeli. Kredit portfeli sifatini oshirish banklarning uzoq muddatli muvaffaqiyati uchun muhim omil hisoblanadi. Qaytarilmagan kreditlar (NPL) darajasining yuqoriligi esa xavflarni kuchaytiradi.

3. Likvidlik muammosi va uning boshqaruvi. Banklar faoliyatida likvidlikni boshqarish ko‘rsatkichlari ichida eng dolzarb hisoblanadi. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, likvidlik inqirozi banklarning tizimli zaifligini oshiradi.

4. Makroiqtisodiy omillar. Tashqi iqtisodiy o‘zgarishlar, masalan, inflyatsiya, foiz stavkalari o‘zgarishi yoki milliy valuta beqarorligi, banklarning moliyaviy barqarorligiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi.

5. Raqamli texnologiyalar va innovatsiyalar. Yangi texnologiyalarni joriy qilish orqali banklar operatsion samaradorlikni oshirib, moliyaviy barqarorlikni ta’minlashi mumkin. Xususan, blokcheyn texnologiyasi va avtomatlashtirilgan tizimlar xavflarni kamaytiradi.

Xulosa

Banklarning moliyaviy barqarorligi mamlakatning iqtisodiy barqarorligini ta’minlashda, shuningdek, xalqaro moliya tizimi bilan integratsiyani saqlashda muhim o‘rin tutadi. Banklar o‘z faoliyatini amalga oshirganida, bir qator omillar, jumladan, kapital yetarliligi, likvidlik, risk boshqaruvi, iqtisodiy va siyosiy muhit, bozordagi raqobat, regulyatorlar va qonunchilik tizimi hamda ichki boshqaruv tizimi ularning moliyaviy barqarorligini belgilaydi. Ushbu omillar o‘zaro chambarchas bog‘langan va banklarning muvaffaqiyatli faoliyat yuritishi uchun muvozanatli yondashuvni talab qiladi. Banklar va moliya muassasalari o‘z faoliyatlarini tahlil qilish va prognozlash jarayonlarida yuqoridagi omillarni hisobga olishlari zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Панов Д.В. Финансовая стабильность банков: методологический подход. // Вестник. Финансовой академии. – 2008 г" – № 3.

2. Коновалова Ю.В. Ликвидность как основной фактор финансовой стабильности коммерческого банка. Автореф. ... канд. экон. наук. 2003.

3. Robert Fergyuston. – https://whatiscentralbank.hse.ru/2

4. Karimov M. A. Banklarning kapital yetarliligi va uning ahamiyati.// Economics of Uzbekistan. – 2023.

5. Kholmatov M. M., "Moliyaviy barqarorlik va banklar faoliyati", Tashkent, 2022. - –

6. I Tursunov. I. Bank tizimining moliyaviy barqarorligini ta’minlash", Journal of Economic Research, 2021.

7. J. H. Davies, "Risk management in financial institutions", Financial Review, 2020.

8. M. Z. Omonov, "Xalqaro bank tizimlari va ularning moliyaviy barqarorligi", International Finance Journal, 2019.

9. S. R. Abdullayev, "Banklar faoliyatini tartibga solish va regulyatorlar", Banking Law Review, 2022.

10. O. A. Nazirov, "Ichki boshqaruv va nazorat tizimi banklarda moliyaviy barqarorlikni ta’minlashda", Journal of Banking and Finance, 2021.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

БАНК ТИЗИМИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА МУАММОЛАРИ

Джўраев Камолиддин Ташбалтаевич

макроиқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети
E-mail: kamoljoraev@gmail.com
ORCID: 0009-0000-9576-2785

Аннотация. Банк тизимининг айрим сегментлари фаолиятини такомиллаштириш ижтимоий-иқтисодий соҳанинг ва умуман давлатнинг ҳам устувор йўналиши ҳисобланади.

Мақолада Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг долзарб мавзуси, уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва замонавий шароитдаги муаммолари таҳлил этилган. Банк тизими фаолиятида замонавий тенденциялар, шунингдек уни янада ривожлантириш истиқболлари, модернизация билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар даврида мамлакат банк тизимини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган. Шунингдек банк тизимини ривожланишига тегишли тавсиялар тақдим этилган.

Калит сўзлар: Марказий банк, банк тизими, тижорат банки, тўлов қобилияти, кредит ташкилотлари, капитал, активлар.

ТЕКУЩЕЕ СОСТОЯНИЕ И ПРОБЛЕМЫ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ

Джураев Камолиддин Ташбалтаевич

преподователь кафедры макроэкономики
Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улуғбека
E-mail: kamoljoraev@gmail.com
ORCID: 0009-0000-9576-2785

Аннотация. Улучшение функционирования отдельных сегментов банковской системы является приоритетной задачей социально-экономической сферы и государства в целом.

В статье анализируются актуальные вопросы развития банковской системы Узбекистана, направления ее совершенствования, а также ее проблемы в современных условиях. Рассматриваются современные тенденции развития банковской системы, перспективы ее дальнейшего совершенствования, вопросы, связанные со статусом банковской системы страны в период социально-экономических изменений, сформулированы и представлены рекомендации по развитию банковской системы.

Ключевые слова: Центральный банк, банковская система, коммерческий банк, платежеспособность, кредитные организации, капитал, активы.

CURRENT STATE AND PROBLEMS OF THE BANKING SYSTEM

Dzhoraev Kamoliddin Tashbaltaevich

teacher

Department of Macroeconomics
national university Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek
E-mail: kamoljoraev@gmail.com
ORCID: 0009-0000-9576-2785

Abstract. Uluchshenie funktsionirovaniya otdelnykh segmentov bankovskoy sistemy yavlyaetsya prioritynoy zadachey sotsialno-ekonomicheskoy sfery i gosudarstva v tselom.

In the state, actual problems are analyzed in the development of the banking system in Uzbekistan, the implementation of the sovershenstvovaniya, and also the problems in the modern conditions. Rassmatrivayutsya sovremennye tendentsii razvitiya bankovskoy sistemy, perspective ee dalneyshego sovershenstvovaniya, proprosy, svyazannye so statusom bankovskoy sistemy strany v period sotsialno-ekonomicheskikh izmeneniy, sformulirovany i predstavleny rekomendatsii po razvitiyu bankovskoy sistemy.

Keywords: Central bank, banking system, commercial bank, solvency, credit institutions, capital, assets.

Кириш

Ўзбекистондаги замонавий иқтисодий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг асосий соҳаларидаги, шу жумладан, банк тизимидаги трансформацион жараёнлар билан боғлиқ. Бироқ бу жараёнларнинг барчаси ташқи муҳитнинг беқарор ривожланиши фонида юзага келади. Молия тизими, банк тизими ва унинг асосий субъектларининг барқарорлигини таъминлаш учун уни янада такомиллаштириш зарурлигини жаҳон иқтисодий инқирози кўрсатди.

Замонавий Ўзбекистон иқтисодиётидаги чуқур таркибий ўзгаришлар банк тизимининг замонавий шакллари хамда алоҳида сегментларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболларига жиддий эътибор беришга мажбур қилмоқда. Бугунги кунда банк тизимининг институционал ривожланишига янги туртки беришнинг ҳақиқий зарурати мавжуд. Ўзбекистон бозорига замонавий банклар керак, барча банк хизматларини кўрсатишга қодир тизим бозор иқтисодиётни тартибга солиш маркази бўлиши керак.

Банк тизимини тўлиқ ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни тўлиқ бажариш учун мақсадлар, воситалар ва механизмларнинг концептуал яхлит ғоясига асосланган ҳолда маълум дастурларни ишлаб чиқиш лозим. Ўзбекистон ривожланган банк тизимини бундай ҳаракат дастурлари билан таъминлаш ҳар бир соҳа, минтақа, корхона ва фуқарони зарур кредит ва молиявий хизматлар билан таъминлашга қодир.

Адабиётлар шарҳи

Аҳолининг янги молиявий хизматларга бўлган талабининг ортиб боришига ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларнинг жадал суръатлар билан кириб келиши, ушбу жараённинг тез суръатларда интенсивланиб бориши, аҳоли турмуш даражасидаги ўзгаришлар, ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши ва бошқалар асосий омиллар сифатида хизмат қилади. Аҳоли банк муассасаларига фақат тадбиркорликни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган кредит сўраб мурожаат қилмайди. Вақтинчалик буш пулларни фоиз тулаш шарти билан жойлаштириш, истеъмол товарлари, жумладан, енгил автомобил ва бошқа транспорт воситалари, маиший техника, мебел сотиб олиш учун истеъмол кредити, таълим кредитларидан фойдаланишга ўхшаш эҳтиёжлар ҳам банк ёрдамида қондирилади. Вақт ўтиши билан банклар томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматлар турлари кенгайиб, сифати яхшиланиб боради.

Банк бозор муносабатларининг бошка субъектларидан фарқли уларок пул билан ишловчи вақтинча бўш турган субъектларга вақтинча фойдаланишга бериб турувчи ва бу пул маблағларини самарали ишлатиш асосида ўз фаолиятини олиб борувчи муассаса

ҳисобланади. Банк фаолиятини амалга оширишдан мақсад фойда олишдир. Агар иқтисодий фаолият, жумладан, банк фаолияти ҳам маркетинг тамойиллари асосида йулга қуйилмаса, яъни нима, қачон ва ким учун ишлаб чиқарилади деган саволларга эътибор берилмаса, банклар қийин аҳволда қолиб кетаверади. Агар ишлаб чиқарилган хизмат сотилмаса, (пул даромадларининг камайиши натижасида ички бозорнинг торайишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади), моддий ресурслар мақсадсиз сарфланади. Рақамли иқтисодиёт, аниқ ҳисоб-китоблар ва маркетинг тадқиқотларига таяниб, давлат ва оила бюджетлари оптималлаштирилса, инфляция суръатлари ва банк фоизлари кескин пасаяди. Натижада инвестицион фаолиятнинг самарадорлиги ошади, бу эса ички потенциалга асосланиб иқтисодий ўсишга эришишга имконият яратади.

Иқтисодиётчи олимлар, молиячилар кўпинча банк тизимини ривожлантириш муаммоларига мурожаат қилишади ва бугунги кунда кўплаб илмий ишлар мавжуд. Ушбу мавзу бўйича банкларини ривожлантириш муаммолари ва таҳлилига бағишланган ишлар муаллифлари орасида О. И. Лаврушин, Е. И. Воробёва, А. Г. Аксаков, И. В. Беликова, А. В. Козирев, С. А. Куликов , А. Н. Олешко каби олимларни айтиш мумкин.

Маълумки, давлатнинг иқтисодий соҳаси ривожланишини самарали фаолият кўрсатувчи тўлов тизимисиз амалга ошириб бўлмайди. Самарали фаолият кўрсатувчи тўлов тизимлари давлат молия тизими барқарорлигининг асоси бўлиб, иқтисодиётда операцион харажатларни камайтириш, молиявий ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, молия бозори ликвидлигини ошириш ва пул-кредит сиёсатини муваффақиятли амалга ошириш учун хизмат қилади. Турли хорижий давлатлар тажрибаси тўлов тизимларининг ривожланиши биринчи навбатда тўлов воситалари ва хизматларини кенгайтириш натижасида банк операцион харажатларини камайтириш ва хизматлар самарадорлигини оширишга олиб келишини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, банк карталари орқали онлайн тўловларни кенг қўлланилиши тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ банк хизматларининг самарадорлигини оширишга олиб келади.

Таҳлил ва натижалар

Банк тизими – бу мамлакатда фаолият юритадиган банклар, кредит ташкилотлари ва банк операцияларини амалга оширадиган алоҳида иқтисодий ташкилотлардан иборат. Бундан ташқари, банк тизимига банклар ва кредит ташкилотлари фаолиятини таъминлайдиган ихтисослашган ташкилотлар: ҳисоб-китоб, касса ва клиринг марказлари, банкларни текшириш бўйича фирмалар, банкларнинг қимматли қоғозлари билан ишлаш бўйича дилерлик компаниялари, банкларни ускуналар, маълумотлар, кадрлар билан таъминлайдиган ташкилотлар киради.

Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилингандан кейин, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари асосида бозор иқтисодиёти хусусияти ва халқаро андазаларга мос икки поғонали молиявий тузилма, яъни Марказий банк ва тижорат банкларидан иборат банк тизимига асос солинди. Икки поғонали миллий банк тизимини яратишнинг дастлабки ҳуқуқий асоси 1991 йил 15 февралда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди[1]. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига пул муомаласини тартибга солиш, тижорат банкларини ташкил қилиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, тўлов тизимини ташкил этиш вазифалари юклатилди.

Ўзбекистон Марказий банки валюта сиёсати миллий валюта курси барқарорлигини таъминлаш, инфляцияни мақбул даражада ушлаб туриш ва экспортни рағбатлантиришга, мамлакатимиз олтин-валюта заҳираларини самарали бошқариш ва мамлакатдаги нарх даражаси, банк тизимининг барқарорлиги ҳамда тўлов тизимининг барқарор фаолияти учун масъул бўлган муассасадир. Бунинг учун Марказий банк пул-кредит сиёсатини олиб боради, тижорат банклари, тўлов ташкилотлари, ҳамда бир неча нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялайди, тартибга солади ва назорат қилади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Банк тизими иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланади, шу боис иқтисодиётнинг ҳолати, давлатнинг қудрати ёки заифлиги ҳам бевосита унга боғлиқ. Бугунги кунда регулятор вазиятни тўғирлаш бўйича қарорлар қабул қилмоқда. Аммо мамлакатни иқтисодий бошқариш жиҳатларининг ҳаммаси ҳам Марказий банкка боғлиқ бўлмагани учун иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашадиган барча иштирокчиларнинг умумий муросаси зарур. Иқтисодий сиёсатнинг кўпчилик тан оладиган сиёсий ва ижтимоий устуворликлар асосида ишлаб чиқилган битта мақсадга бўйсуниши зарур.

“Марказий банк тўғрисида” ги янги қонун [2], Марказий банкнинг давлат ва бошқа институтлардан деярли тўлиқ мустақиллигини таъминлади ва унинг тижорат банклари фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқини мутлақка узгартирди. Қонуннинг моҳияти шундаки, Марказий банк банк хизматлари бозорининг ҳамкори ва ташкилотчиси эмас, балки улар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш максадида чикди.

Ўзбекистон Марказий банкининг тавсияларини бажармаслик қонун бўйича жазоланади. Бу банклар фаолиятига ва тавакалчилик амалиётлари хамда банк мижозларинг хохишларини сифатли бажаришга жуда катта тасир курсатади. Марказий банк ва тижорат банкларининг ўзаро муносабатларини тартибга солишда хамда банкларнинг иш фаолиятини тугри ташкил килишда қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:

- банклар фаолиятини, айниқса рискларни баҳолаш, кредитларни бериш ва уларнинг қайтарилишини мониторинг қилиш, конверсион амалиётларни ўтказиш, банк мижозлари билан ўзаро муносабатларни тартибга солиш соҳасида ҳаддан ташқари қатъий регламентга солмаслик;
- жазолашдан кўра банк ходимларини ўқитиш ва огоҳлантиришни йулга куйиш;
- банк пассивлари ва активларини шакллантириш масалаларида, банк маҳсулотлари рўйхати ва уларни сотиш шартларида регулятор функциясидан кура кўрсатмачилик функциясининг устун булиши.

Ўзбекистонда 35 та тижорат банки фаолият кўрсатади. Агар исталган банк ходимидан ёки мижозлардан бир банк иккинчисидан нимаси билан фарқ қилиши ва нега у айнан шу банкни танлагани ҳақида сўралса, ҳеч ким бунга маънили жавоб беролмайди. Хизмат кўрсатиш сифатидан ёки айрим масалаларни “ҳал этиш” имконияти даражасидан бошқа банкларнинг бир-биридан фарқ қиладиган жойи йўқ. Банкларнинг на маҳсулотлар рўйхати, на банк тарифлари, ҳатто рақамланиш даражаси банкни танлашда ҳал қилувчи мезон ҳисобланмайди. Марказий банк томонидан бундай назорат тижорат банкларини бир бирига ухшаш банкларга айлантиради: уларнинг ҳаммаси деярли бир хил банк хизматлари рўйхатига, нархига, ходимлар малакасига, амалиётларни ўтказиш тезлигига эга булиб колади. Бошқача қилиб айтганда, банклар кўп, аммо улар таклиф этиладиган хизматлар моҳияти бўйича бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳам рақобат йўқ, чунки уларнинг ҳеч бири бозорда бирор янги амалиётни таклиф қила олмайди.

Банкларнинг техник қолоқлиги ва Ўзбекистон банкларида АТ-мутахассислар етишмаслиги, банклардаги мавжуд операцион тизимлар кўп ҳолларда ишончли эмас, тез-тез ишдан чиқади. Мутахассислар ҳар бир амалиётни деярли қўлда бажаришга мажбур. Бу орада эса, банк ишида оператор томонидан бажариладиган ҳар бир оддий амалиёт автомат режимда ўтказилиши жуда муҳим. Бундан ташқари, банк раҳбарлари ўз ходимларининг малакасини ошириш бўйича ишларни бажармайди, мижозларга мобил тўлов иловаларидан фойдаланиш имкониятларини маълум қилишмайди, уларнинг рақамли саводхонлигини оширмайди. Айнан шунинг учун банкларда улкан навбатлар кузатилди.

Унча юқори бўлмаган амалиёт бошқармаларида ҳам малакали, яхши ўқиган мутахассислар етишмаяпти. Олий ўқув юртлари битирувчиларининг паст билим савияси шароитларида ишда “устоз-шогирд” методи асосида ўқиб-ўрганиш малакани оширишнинг ягона самарали усулига айланган. Банкларда фаолиятни сезиларли даражада

соддалаштириш мумкин бўлган янги маҳсулотлар ҳақида қайғуриш, банк амалиёти ривожланишига ҳамда мижозларга қулай бўлиши учун ва барча маблағлар айланмасини автоматлаштириш ва мобиллаштиришни кенг ривожлантириш керак.

Банкларнинг кузатув кенгашлари ва бошқарувчи ходимлари таркибига чет эл мутахассисларини жалб этиш ташаббуси пайдо бўлган. Бу ташаббус банклар учун “ечим” эмас, бундай мутахассислар мамлакатга ва банкларга анча қимматга тушади. Ўзбекистон банкирлари орасида кўплаб истеъдодли, шу жумладан чет эл олий ўқув юртларида таҳсил олган мутахассислар ва раҳбарлар ҳам бор, улар муаммоларни чет эл мутахассислардан кўра яхшироқ ва арзонроқ ҳал этиши мумкин. Бунинг учун уларга худди шундай шароитларни яратиб бериш керак.

Ҳар бир банк ўз муассислари ва менежерларининг манфаатлари ва малакасини акс эттиради. Бироқ мижозлар банкдан муайян умидларга ҳам эга бўлади ва ўз талабларини қўяди. Универсал корпоратив бошқарув тизимларини жорий этиш ушбу муаммони ҳал қилишнинг кенг тарқалган усули ҳисобланади. Банклардаги корпоратив бошқарув муаммолари орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Банк фаолиятининг турли томонлари, яъни давлат, акциядорлар, менежерлар ва мижозлар манфаатларининг бир-бирига тўғри келмаслиги.
2. Акциядорлар манфаатлари ва ҳуқуқларининг етарлича ҳисобга олинмаслиги, миноритар (майда) акциядорлар ҳуқуқларининг бузилиши.
3. Банк бошқарувининг турли бўғинларида жавобгарлик даражасининг номувофиқлиги ва ваколатларнинг ғайриқонуний тақсимланиши.
4. Ҳаддан ташқари майда назорат ва вазифаларнинг самарасиз версификацияланиши.
5. Банкнинг стратегик муҳим йўналишларида директорлар-менежерлар малакасининг ва профессионализмининг, шу жумладан юридик билимларнинг етарли эмаслиги.

Банк фаолиятини ривожлантириш хамда халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари_тўғрисида»ги янгиланган қонунлар қабул қилинди.

Банкларнинг ахоли гавжум ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозим. Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаб этилади.

Молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш, кредит портфели ва рискларнинг бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, банклардаги давлат

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни кенг жорий қилиш, камхарж хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғини ривожлантириш, шунингдек, республика ягона молия тизимининг ўзаро тўлдирувчи қисми сифатида нобанк кредит ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини ошириш лозим.

Банк тизими самарадорлигини ошириш тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг арзон ва сифатли молиявий хизматларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш учун иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Шу муносабат билан, Стратегия доирасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

1. Илғор халқаро тажриба ва технологияларни жалб қилиш ҳисобига банк хизматлари кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

2. Корпоратив бошқарувнинг илғор стандартлари ва тажрибасини жорий этиш орқали банкларда бошқарувни такомиллаштириш, банк бошқаруви органлари ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ҳамда улар томонидан маълумотларни лозим даражада ошкор этилишини таъминлаш;

3. Банклар фаолиятини тижоратлаштиришни ошириш, банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, пул-кредит сиёсати инструментларининг самарадорлигини ошириш учун субсидияланган кредит беришдан воз кечиш;

4. Тижорат банкларининг жамғармаларни инвестицияларга сафарбар қилиш ҳамда уларни молиявий ва иқтисодий нуқтаи назардан энг самарали соҳаларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминловчи молиявий воситачи сифатидаги ролини ошириш;

5. Стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш ва молия тизимининг халқаро молия бозорларига босқичма-босқич интеграциялашувини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида банк фаолиятини изчил либераллаштириш ва уни энг яхши халқаро амалиёт билан уйғунлаштириш;

6. Нобанк кредит ташкилотларини, шу жумладан ушбу сегментда рақобатни ривожлантириш, пруденциал тартибга солишнинг тегишли нормаларини ривожлантириш орқали, шунингдек, молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини енгиллаштириш ҳисобига ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

Кредитлашнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолаётган шароитда, шунингдек банк тизимини ислоҳ қилиш ва хусусийлаштиришга тайёрлашда Марказий банкнинг банк тизими регулятори сифатидаги ролини ошириш орқали лозим даражадаги пруденциал назоратнинг бўлиши молия тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Марказий банк томонидан банкларни тартибга солиш ва назорат қилишни такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Давлат устунлик қилаётган банк секторидан хусусий инвесторларнинг роли сезиларли бўлган секторга бир текис ўтишни таъминлаш, шунингдек, банкларга нисбатан халқаро эътироф этилган минимал стандартлар ва талабларни белгилаш учун норматив ва назорат базасини қайта кўриб чиқиш, уни Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» [3]ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» [2]ги қонунларига мувофиқ назорат циклининг бутун спектри бўйича ислоҳ қилиш.

2. Банкларнинг шаффофлигига ва банклар томонидан мунтазам равишда чоп этиладиган ахборотларга қўйилган талабларни ишлаб чиқиш;

3. Назорат фаолиятига жалб этилган ходимларнинг салоҳиятини доимий ва тизимли равишда ошириш.

4. Назорат жараёнида ва маълумотлар алмашинувини амалга оширишда,

шунингдек, ҳисоботларни шакллантиришда ахборот технологияларининг ролини кенгайтириш.

5. Корпоратив бошқарув, ички назорат ва таваккалчиликларни бошқариш тўғрисидаги низомларни банклар учун корпоратив бошқарувнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва бошқа илғор тажрибаларга мувофиқлаштириш мақсадида қайта кўриб чиқиш.

6. Самарали назорат олиб бориш учун ҳисоботларга оид кераксиз ва эскирган талабларни камайтириш ҳамда ҳисоботларни шакллантириш жараёнини автоматлаштириш орқали ҳисобот тизимини такомиллаштириш.

7. Банк фаолияти узлуксизлиги ва молиявий барқарорлик каби жамият манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида банкларни тартибга солиш ва санациялаш ҳамда омонатларни суғурталашга оид тегишли тизимни жорий қилиш.

8. Халқаро амалиётга мувофиқ банкларда турли таваккалчиликларни (концентрация ва ликвидлик хавфи, кредит, операцион, валюта таваккалчилиги ва бошқалар) бошқариш бўйича қўлланмаларни ишлаб чиқиш зарур.

Хозирги даврда замонавий юқори технологияли банклар ушбу талабларга жавоб бериши керак:

1. Ишончлилик (барқарор молиявий кўрсаткичлар, бозорда ишлаш муддати, рейтинглар, егаларининг обрўси, регулятор талабларига мувофиқлиги).

2. Замонавий веб-сайт дизайни, мобил иловалар.

3. Маҳсулот ва хизматлар таклифларининг тўлиқ спектри. Мижозларга таклифнинг мослашувчанлиги ва тезлиги вақт ва бозор талабларига мувофиқ янги маҳсулотлар ва хизматлар. Стандартлаштирилган ва аниқ маҳсулотлар ва хизматлар.

4. Юқори сифатли, содда ва қулай масофавий хизматлар, онлайн таклифлар, ҳар қандай мобил қурилмадан кириш.

5. Енг яхши нарх таклифи.

6. Тармоқдаги ижобий обрў.

7. Сўровлар, истаклар, муаммолар ҳақида тезкор фикр-мулоҳазалар.

8. "Битта ойна" принципи (турли хил амалиётлар бўйича хизматларни олиш имконияти.

9. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш пунктлари, банкоматлар, смарт банкоматларнинг ривожланган инфратузилмасига ега бўлиш.

10. Шахсий маълумотларнинг хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш.

11. Молиявий хизматларни шахсийлаштириш / молиявий ёрдамчи.

12. 24/7 кириш ва операцияларни дарҳол амалга ошириш.

Хулоса

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ривожлантириш истиқболлари орасида қуйидагиларни, яъни:

- истеъмол кредитларини такомиллаштириш: махсус дастурлар рўйхатини кенгайтириш кредит бериш; банклар томонидан қисқа муддатли кредитлаш улушини ошириш ҳисобига истеъмол кредитларини мунтазам равишда қайта тузиш;

- истеъмол кредитлаш доирасида кредит тизимига кредитлар қийматини пасайтириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида банклар ва уларнинг мижозлари ҳуқуқларини ўзаро ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

- кредит ташкилотларининг капитал ва кредит операциялари шаффофлигини ошириш;

- банклар томонидан рақамли ва бошқа технологиялар асосида ўз маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш ва жорий етиш кабиларнимажратиб кўрсатиш мумкин.

Ушбу чора-тадбирлар тижорат банкларининг фаолиятини яхшилашга имкон беради ва банк тизимини ривожлантиришга кўмаклашади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 15.02.1991 й. 205-XII-сон "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. – https://lex.uz/docs/135485
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 11.11.2019 йилдаги ЎРҚ-582-сон.https://lex.uz/docs/4590452?ONDATE=30.03.2022
3. Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 05.11.2019 йилдаги ЎРҚ-580-сон.https://lex.uz/docs/4581969
4. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”. Қонуни. – Т.: Шарқ;, 1997. – 48 б.
5. Абдуллаева Ш.З. Банк иши:дарслик. – Тошкент: 2003. – 312 б.
6. Бабичева Ю.А. Банковское дело. – М. 1994. – 396 с.
7. Усоскин В. М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М: 2019. – 328 с.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

IMPROVEMENT OF DEPOSIT POLICY EFFICIENCY ASSESSMENT MODEL IN COMMERCIAL BANKS

Toyirov Yunus Alamovich

associate professor
Department of Finance,
taxation and banking of the
Samarkand branch
Tashkent State
the University of Economics
E-mail: Yunus1980@rambler.ru
ORCID:0009-0001-4205-3405

Abstract. This article analyzes the improvement of the model for assessing the effectiveness of the deposit policy of commercial banks. During the research, econometric models were applied using data from three major commercial banks: “O‘zsanoatqurilishbank” ATB, “Asakabank” ATB, and “Ipotekabank” ATB. Using the least squares model and structural vector autoregression methods, we studied the factors affecting the deposit base, including the inflation rate, exchange rate of the national currency, money supply, Central Bank refinancing rate, and interest rates in the money market. The results of the study serve as a basis for making scientific and practical conclusions on improving the deposit policy of commercial banks.

Keywords: commercial banks, deposit policy, econometric model, inflation, interest rates, national currency, deposit base.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МОДЕЛИ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕПОЗИТНОЙ ПОЛИТИКИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Таиров Юнус Аламович

доцент кафедры финансов,
налогообложения и банковского дела
Ташкентский государственный
экономический университет
Самаркандский филиал
E-mail: Yunus1980@rambler.ru
ORCID:0009-0001-4205-3405

Аннотация. В статье анализируется совершенствование модели оценки эффективности депозитной политики коммерческих банков. В ходе исследования были использованы эконометрические модели на примере трех крупных коммерческих банков – Узсаноаткурилишбанк АТБ, Асакабанк АТБ и Ипотекабанк АТБ. На основе модели наименьших квадратов и методов структурно-векторной авторегрессии исследованы факторы, влияющие на депозитную базу, в том числе на уровень инфляции, курс национальной валюты, денежную массу, ставку рефинансирования ЦБ и процентные ставки на денежном рынке. Результаты исследования служат основой для принятия научных и практических выводов по совершенствованию депозитной политики коммерческих банков.

Ключевые слова: коммерческие банки, депозитная политика, эконометрическая модель, инфляция, процентные ставки, национальная валюта, депозитная база.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

TIJORAT BANKLARINING DEPOZIT SIYOSATI SAMARADORLIGINI BAHOLASH MODELINI TAKOMINLASHTIRISH

Toyirov Yunus Alamovich

moliya, soliq va bank ishi kafedrasi dotsenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti,
Samarqand filiali
E-mail: Yunus1980@rambler.ru
ORCID:0009-0001-4205-3405

Annotatsiya. Maqolada tijorat banklarining depozit siyosati samaradorligini baholash modeli takomillashtirilishi tahlil qilingan. Tadqiqot davomida uchta yirik tijorat banki – “O‘zsanoatqurilishbank” ATB, “Asakabank” ATB va “Ipotekabank” ATB misolida econometrik modellar qo‘llanilgan. Eng kichik kvadrat modeli va strukturaviy vektorli avtoregressiya usullari asosida depozit bazasiga ta’sir etuvchi omillar, jumladan, inflyatsiya darajasi, milliy valyuta almashuv kursi, pul massasi, Markaziy bank qayta moliyalash stavkasi va pul bozoridagi foiz stavkalarning o‘zaro bog‘liqligi o‘rganilgan. Tadqiqot natijalari tijorat banklarining depozit siyosatini takomillashtirish bo‘yicha ilmiy-amaliy xulosalar chiqarishga asos bo‘lib xizmat qiladi.

Kalit so‘zlar: tijorat banklari, depozit siyosati, econometrik model, inflyatsiya, foiz stavkalari, milliy valyuta, depozit bazasi.

Introduction

Due to the transformation processes occurring in the global economy and the banking system, it is necessary to enhance the role and significance of deposit policy in ensuring the resource stability of commercial banks and to analyze the factors affecting the deposit base. Specifically, factors such as changes in the exchange rate of the national currency, increasing inflationary pressure, and changes in the money supply influence the stability of deposits in commercial banks.

Therefore, we will analyze the role of factors affecting the deposit base and the interest rates of commercial bank deposits. In our research, we developed econometric models based on statistical data from three banks. Specifically, we selected “O‘zsanoatqurilishbank” ATB, “Asakabank” ATB, and “Ipotekabank” ATB, and applied the least squares model and structural vector autoregression models.

In this regard, as endogenous factors influencing the deposit bases of commercial banks ($PSBdep_t, AsakaDep_t, IpotekaDep_t$) and the percentage of short-term deposits ($STDR_t$) in the least square model, the change in the inflation rate in the economy (CPI_t), the change in the national currency exchange rate (DEV_t), the change in the money supply ($M2_t$), Central Bank refinancing the change of the interest rate (INR_t) and the change of the interest rate in the money market (MMR_t) were obtained. The statistical data of the selected indicators for the period 2017M1-2022M12 were obtained in months, in real value and growth.

At the initial stage of econometric analysis, we conducted several statistical calculations. These include descriptive statistics of the selected data—where we empirically analyze the mean values, maximum and minimum values, and deviation from the mean (standard deviation). Additionally, we analyzed the normal distribution of the parameters selected in this study.

Figure 1.

Normal distribution of selected indicators*



* Developed by the author based on selected statistical data.

The Jacques-Bera coefficient was used to check the normal distribution of the data. The analysis shows that all the selected indicators have a normal distribution. It was found that the Jacques-Bera coefficient calculated for all the selected indicators is reliable and their probability is less than 0.05.

72 observations were made using the selected indicators. Below we analyze descriptive statistics of ten selected indicators.

Table 1.

Descriptive statistics of indicators*

	CPI	DEV	M2	INR	MMR	STDR	PSBDep	AsakaDep	IpotekaDep
Mean	1.06	2.06	1.85	0.14	0.07	0.26	7.37	1.70	4.70
Median	1.10	0.47	1.60	0.05	0.01	0.19	1.25	-1.12	1.22
Maximum	4.10	82.5	18.3	1.83	1.75	1.77	393.0	48.9	130.6
Minimum	-0.50	-1.72	-6.27	-2.93	-3.00	-2.75	-79.4	-14.4	-52.6
Std. Dev.	0.78	9.74	3.39	0.79	0.79	0.80	48.0	10.2	23.9
Skewness	0.58	7.96	1.66	-0.51	-0.54	-0.55	7.25	1.67	3.20
Kurtosis	5.30	66.1	9.68	5.20	5.29	4.83	59.5	7.92	19.0
Probability	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00	0.00
Observations	72	72	72	72	72	72	72	72	72

*Developed by the author based on selected statistical data.

According to the results of monitoring, the average indicator of the change in the volume of deposits of Uzsanoatkurilishbank ATB is equal to 7.37%, and this indicator was the maximum of 393.20% and the minimum of -79.492% during the observed period. The standard deviation of this indicator was equal to 48.0 percent.

Also, the average indicator of the change in the volume of Asakabank ADB deposits is

equal to 1.70%, and this indicator was the maximum of 48.9% and the minimum of -14.4% during the observed period. The standard deviation of this indicator was equal to 10.2 percent.

The average indicator of the change in the volume of deposits of ADB "Ipotekabank" is equal to 4.70%, and this indicator was the maximum of 130.6% and the minimum of -52.6% during the observed period. The degree of deviation of this indicator from the average was equal to 23.9 percent.

It was determined that the standard deviation of the change in the volume of deposits of Uzsanoatkurilishbank ADB is greater than the indicators of other commercial banks. Also, the average indicator of the change in the volume of deposits of Uzsanoatqurilishbank ADB and its fluctuation was seen to be greater than the indicators of other commercial banks.

Table 2

Correlation matrix between selected indicators*

	CPI	DEV	M2	INR	MMR	STDR	PSBDep	AsakaDep	IpotekaDep
CPI	1								
DEV	0.0734	1							
M2	-0.0453	0.5780	1						
INR	-0.9825	-0.0874	0.0433	1					
MMR	-0.9717	-0.1038	0.0456	0.9897	1				
STDR	-0.9868	-0.0737	0.0687	0.9842	0.9836	1			
PSBDep	-0.1634	0.0404	0.0602	0.1568	0.1494	0.1442	1		
AsakaDep	0.04119	-0.0259	0.1281	-0.0326	-0.0542	-0.0346	-0.0530	1	
IpotekaDep	0.04355	0.1341	0.1970	-0.0906	-0.0877	-0.0790	-0.0248	-0.1007	1

*Developed by the author based on selected statistical data

Among the selected banks, the correlation between the deposit base of Uzsanoatkurilishbank ATB and the inflation rate is -0.16. Although this relationship is weak, but the relationship between the testers is visible. That is, the increase in the level of inflation in the economy reduces the real value of the deposits of Uzsanoatkurilishbank ADB.

Although the relationship between the deposit base of Uzsanoatkurilishbank ATB and the devaluation of the national currency and the increase in the money supply is weak, it is logically constructed and equals 0.04 and 0.06, respectively. Also, the relationship between the deposit base of this bank and the interest rates was seen, according to which, the correlation between the change in the amount of bank deposits and the refinancing rate of the Central Bank is equal to 0.15, and the correlation with the interest rate in the money market is equal to 0.14. That is, the increase in interest rates in the money market increases the percentage of deposits, and this, in turn, facilitates the attraction of deposits.

“The correlation between the deposit base of Asakabank ATB and the level of inflation is equal to -0.04, and although this correlation is weak, a correct correlation is seen. That is, the increase in the level of inflation in the economy increases the real value of the deposits of "Asakabank" ADB.

The correlation between the deposit base of ASB "Asakabank" and the devaluation of the national currency and the increase in the money supply is weak and equals -0.02 and 0.13, respectively. Also, the relationship between this bank’s deposit base and interest rates was seen, according to which, the correlation between the change in the bank deposit volume and the Central Bank refinancing percentage is -0.03, and the correlation with the money market interest rate is -0.05. With this, we can say that the deposit policy of "Asakabank" ADB is not tied to indicative interest rates.

The correlation between the deposit base of ATB "Ipotekabank" and the inflation rate is equal to 0.04, and this correlation is weak. That is, the increase in the level of inflation in the economy also increases the real value of the deposits of ADB "Ipotekabank".

The correlation between the deposit base of ADB "Ipotekabank" and the devaluation of the national currency and the increase in the money supply is weak and is equal to 0.13 and 0.20,

respectively. Also, the relationship between the deposit base of this bank and interest rates was seen, according to which, the correlation between the change in the amount of bank deposits and the refinancing percentage of the Central Bank is equal to -0.09 and the correlation with the interest rate in the money market is equal to -0.08. With this, we can say that the deposit policy of "Ipotekabank" ADB is not tied to indicative interest rates, like the deposit policy of "Asakabank" ADB.

We conduct our econometric analysis using a least squares model. First, we will consider the strength of the factors affecting the deposit base of Uzsanoatkurilishbank ATB.

Table 3

Parameters of the factors affecting the change in the volume of deposits of Uzsanoatkurilishbank ATB calculated in the least square model

Dependent Variable: PSBDeposit
Method: Least Squares
Sample (adjusted): 2017M01 2022M12
Included observations: 72 after adjustments

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
CPI	-49.60185	53.39614	-0.928941	0.3564
DEV	0.115956	0.750881	0.154427	0.8778
INR	6.077175	65.15573	0.093272	0.9260
MMR	12.51215	59.43391	0.210522	0.8339
M2	0.880197	2.155054	0.408434	0.6843
STDR	-57.59739	59.98231	-0.960240	0.3405
C	71.49842	70.58386	1.012957	0.3148

*Developed by the author based on selected statistical data.

According to the results of the analysis, when checking with a probability of 5%, it was found that there is no effect of the selected indicators on the change in the volume of ADB deposits of "Uzsanoatkurilishbank".

Table 4

The parameters of the factors affecting the change in the volume of deposits of Asakabank ATB calculated in the least square model*

Dependent Variable: AsakabankDeposit
Method: Least Squares
Sample (adjusted): 2017M01 2022M12
Included observations: 72 after adjustments

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
CPI	8.499636	11.21717	0.757735	0.4513
DEV	-0.202985	0.157741	-1.286823	0.2027
INR	19.16342	13.68756	1.400061	0.1663
MMR	-20.87915	12.48555	-1.672265	0.0993
M2	0.695011	0.452722	1.535182	0.1296
STDR	9.052830	12.60076	0.718436	0.4751
C	-11.72597	14.82787	-0.790806	0.4319

*Developed by the author based on selected statistical data.

Using the least square method, we analyze the factors affecting the deposit base of "Asakabank" ATB. According to the results of the analysis, we can see that there is no influence

of the selected indicators on the changes in the volume of deposits of "Asakabank" ATB JSC.

Table 5

The parameters of the factors affecting the change in the volume of ADB deposits of "Ipotekabank" calculated in the least square model

Dependent Variable: IpotekabankDeposit
Method: Least Squares
Sample (adjusted): 2017M01 2022M12
Included observations: 72 after adjustments

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
CPI	-66.05713	25.27972	-2.613049	0.0111
DEV	-0.010896	0.355495	-0.030651	0.9756
INR	-47.71340	30.84714	-1.546769	0.1268
MMR	25.11424	28.13822	0.892531	0.3754
M2	1.656065	1.020283	1.623144	0.1094
STDR	-44.52046	28.39785	-1.567741	0.1218
C	88.48919	33.41702	2.648028	0.0101

*Developed by the author based on selected statistical data

According to the results of the analysis, when checking with a probability of 5%, only the level of inflation in the economy has an effect on the change in the volume of these bank deposits. In particular, a one percent increase in the inflation rate reduces the volume of ADB deposits of "Ipotekabank" by -0.66 percent. Through this model, the remaining indicators with a probability of 5% did not have an effect on the volume of "Ipotekabank" ADB deposits.

"Lag" is not used in this model due to the fact that we could not determine the effect of the selected indicators on the change in the deposit volume of commercial banks using the smallest method. Therefore, it is appropriate to conduct our analysis using other models.

References

1. "Strategy for the reform of the banking system of the Republic of Uzbekistan for 2020-2025", approved by the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5992 dated May 12, 2020.

2. National database of legal documents, 13.05.2020, No. 06/20/5992/0581; National database of legislative information, 18.10.2021, No. 06/21/6325/0972; 12/30/2021, No. 06/21/42/1224, 03/18/2022, No. 06/22/89/0227; 10.06.2022, No. 06/22/152/0507; 04/27/2023, No. 06/23/62/02323.International Monetary Fund. Finance & Development. March 2023: New Directions For Monetary Policy.

https://yashil-iqtisodiyot- taraqqiyot.uz/journal/index.php/GED/article/view/2062

https://www.imf.org/en/Publications/fandd/

https://www.journals.uchicago.edu/doi/epdf/10.1086/261155

https://www2.deloitte.com/us/en/insights/industry/financial-services/financial-services-

https://finance.tsue.uz/index.php/afa/article/view/368

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

BUXGALTERIYA HISOBI HISOBLASH METODINI DAVLAT SEKTORIDA QO`LLASHNING NAZARIY-AMALIY JIHATLARI

Ostonaqulov Azamat Abdukarimovich
iqtisodiyot fanlari doktori
byudjet hisobi va g‘aznachilik ishi
kafedrasi professori
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail:ostonokulov@rambler.ru
ORCID: 0000-0003-2792-3174

Norqulova Qutlug`nigor Oloviddinovna

2-kurs magistranti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: abdurazoqovaqutlugnigoor@gmail.com

Annotatsiya. Maqola davlat sektorida «buxgalteriya hisobining hisoblash metodi» tushunchasi va uning o‘ziga xos xususiyatlari tadqiq etishga bag‘ishlangan bo‘lib, uning asosiy maqsadi O‘zbekiston Respublikasi davlat sektorida buxgalteriya hisobining hisoblash metodi afzalliklari va kamchiliklariga e’tibor qaratishdan iborat. Shuningdek mualliflar ushbu maqola doirasida byudjetdan moliyalashtiriladigan idoralar, muassasalar, tashkilotlar va davlat korxonalarida buxgalteriyaning o‘ziga xos xususiyatlari tadqiq etilgan.

Kalit so‘zlar: hisoblash metodi, davlat sektori, budjet hisobi, buxgalteriya hisobi, moliyaviy hisobot, xalqaro standartlar.

ТЕОРЕТИКО-ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДА НАЧИСЛЕНИЯ В ГОСУДАРСТВЕННОМ СЕКТОРЕ

Останакулов Азамат Абдукаримович
доктор экономических наук
профессор кафедрыбюджетного
учетаи казначейского дела
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail:ostonokulov@rambler.ru
ORCID: 0000-0003-2792-3174

Норкулова Кутлугнигор Оловиддиновна
магистрант
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: abdurazoqovaqutlugnigoor@gmail.com

Аннотация. Статья посвящена исследованию понятия «метод начисления в бухгалтерском учете» в государственном секторе и его специфике. Основной целью статьи является акцентирование внимания на преимуществах и недостатках метода начисления бухгалтерского учета в государственном секторе Республики Узбекистан. Также в рамках данной статьи авторы исследовали основные особенности бухгалтерского учета в государственных учреждениях, организациях и предприятиях, финансируемых из бюджета.

Ключевые слова: метод расчета, государственный сектор, бюджетный учет,

бухгалтерский учет, финансовая отчетность, международные стандарты.

THEORETICAL-PRACTICAL ASPECTS OF APPLYING THE CALCULATION METHOD OF ACCOUNTING IN THE PUBLIC SECTOR

Ostonakulov Azamat Abdukarimovich
doctor of economic sciences
budget accounting and treasury work
professor of the department
Tashkent State University of Economics
E-mail:ostonokulov@rambler.ru
ORCID: 0000-0003-2792-3174

Norqulova Qutlugnigor Oloviddinovna
2nd year graduate of
Tashkent State University of Economics
E-mail: abdurazoqovaqutlugnigoor@gmail.com

Abstract. This article is devoted to the study of the concept of the calculation method of accounting in the public sector and its peculiarities, the main purpose of which is to focus on the advantages and disadvantages of the calculation method of accounting in the public sector of the Republic of Uzbekistan. The author also reflected on this in the framework of this article, emphasizing the main peculiarities of the accounting department in budget-funded offices, organizations and state-owned enterprises.

Keywords: calculation method, public sector, budget accounting, accounting, financial report, international standards.

Kirish

Hozirgi kunda yurtimizda budjet hisobini isloh etishning so`nggi bosqichlarida Davlat budjeti daromadlari va xarajatlari hisobi, shuningdek, Davlat maqsadli jamg‘armalari hisobini kassa usulidagi moliyaviy hisobot xalqaro standartlariga va shu asosda davlat sektori hisobi va hisoboti tizimini hisoblash usulidagi buxgalteriya hisobi xalqaro standartlariga moslash amalga oshirilmoqda. O‘zbekiston Respublikasining Budjet kodeksi va “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuniga muvofiq hamda budjet hisobini davlat sektorida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari bilan muvofiqlashtirish maqsadida hozirgi kunda mamlakatimizda 14 ta budjet hisobining standarti qabul qilingan. Budjet hisobining standartlari O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi tomonidan tasdiqlanadi. O`zbekistonda budjet hisobini isloh etishda Davlat sektorida buxgalteriya hisobi xalqaro standartlarini qo‘llash yondashuvi belgilandi. Bunda hisoblash usuliga bosqichma-bosqich o‘tish yo‘li belgilandi. Ushbu bosqichda davlat sektorida hisob va hisobot kassa usulida hisoblash elementlaridan foydalangan holda yuritiladi.

Hisoblash usulidagi davlat sektorida buxgalteriya hisobi xalqaro standartlari hisoblash hamda faoliyatni uzluksizligi tamoyillariga asoslangan. Davlat sektori uchun buxgalteriya hisobi xalqaro standartlari (DSBHXS) davlat sektori institusional birliklari tomonidan ko‘pchilik foydalanishi uchun mo‘ljallangan yillik moliyaviy hisobotlarni (davlat boshqaruv organlarining individual hisobotlarini yoki davlat boshqaruv organlari bo‘yicha umumiy hisobotni) tayyorlashda foydalanish uchun ishlab chiqilgan. Hozirda ular 43 tani tashkil etadi.

Adabiyotlar sharhi

Iqtisodchi olimlar tomonidan bildirilgan fikr va tavsiyalar mamlakat buxgalteriya hisobining hisoblash va kassa metodini qo`llash, hisob jarayonining samaradorligini oshirish va iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashga xizmat qilib kelmoqda.

Xalqaro adabiyotlarga nazar soladigan bo`lsak, buxgalteriya hisobining hisoblash metodi rivojlanishi masalalari William J. Bowening ilmiy ishida o`z aksini topgan [1]. Will Kenton va Khadija Khartitlar o`z tadqiqotlarida hisoblash va kassa metodining amaliyotda qo`llanilishini taddqiq etgan [2].

Mamlakatimizning iqtisodchi olimlaridan Z.N. Qurbonov, K. R. Xotamovlar buxgalteriya hisobida hisoblash metodi va kassa metodidan foydalanishning farqli jihatlarini o`z ishlarida yoritib berishgan [3]. Bundan tashqari, S. Mehmonov, A. Kuliboyev, A. Ostanoqulov, A. Suvanqulovlarning ilmiy ishlarida davlat sektori uchun buxgalteriya hisobining hisoblash metodining standartlari, kassa va hisoblash metodining kamchiliklari va yutuqlari bilan bog’liq masalalar o’rganilgan [4]. Iqtisodchi olimlardan T. Malikov davlat budjeti va budjetlararo munosabatlarni nazoratini mustahkamlash, shuningdek, moliyaviy boshqaruv tizimini shaffof qilish uchun xalqaro tajribalardan foydalanish zarurligini qayd etadi. Olim ayniqsa byudjetning samarali boshqarilishini ta’minlash uchun budjetlashtirish tizimini modernizatsiya qilish, hisobotlarning ochiqligini oshirish va davlat xarajatlarini monitoring qilishning yangi usullarini joriy etish zarurligini ta’kidlaydi. Tadqiqotchi bu yondashuv davlat moliyaviy resurslarining samarali taqsimlanishini va xalqning ishonchini oshirishga xizmat qilishini aytib o‘tgan [5].

Tahlil va natijalar

O‘zbekistonda buxgalteriya hisobining hisoblash metodiga bosqichma-bosqich o`tish usuli qo`llanilmoqda. Moliya (g‘aznachilik) organlari kassa usulida, budjet tashkilotlari hisoblash usulida hisob yuritadi.

1-chizma.

O`zbekiston sharoitida buxgalteriya hisobining hisoblash metodiga bosqichma bosqich o`tilishi



*Mualliflar ishlanmasi.

Davlat sektorida buxgalteriya hisobi xalqaro standartlaridagi hisoblash usuliga asosan budjet hisobi standartlarini qabul qilish budjet tashkilotlarida moliyaviy hisob va hisobotni, shuningdek davlat aktivlari va majburiyatlari hisobini, davlat maqsadli jamg‘armalari hisobini takomillashtirishni nazarda tutadi.

Hisoblash metodi – buxgalteriya hisobida sodir bo‘lgan barcha operatsiyalar va boshqa hodisalar, ular sodir bo‘lgan paytda qayd etiladigan (pul mablagi va uning ekvivalenti kelib tushgan yoki to‘lanishidan oldin) buxgalteriya hisobi metodir.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Hisoblash metodida moliyaviy hisobotlar o‘z oldiga qo‘yilgan maqsad va vazifalarni bajarishi uchun hisoblash usuli bo‘yicha tuzilishi kerak. Bu usulga binoan, voqea va hodisalar ular ro‘yobga chiqarilishi bilanoq tan olinishi (pul to‘langani yoki olinganida emas) va moliyaviy hisobotda ular amalga oshirilgan davrda aks ettirilishi kerak. Hisoblash tamoyiliga binoan tuzilgan hisobot nafaqat o‘tgan voqea, hodislar, balki tashkilotning uzishi kerak bo‘lgan majburiyatlari, olishi kerak bo‘lgan iqtisodiy resurslari haqida ma’lumot beradi. Shunday qilib, foydalanuvchilarga iqtisodiy qarorlar qabul qilishi uchun muhim axborotni taqdim etish imkoniyati paydo bo‘ladi. Chunki moliyaviy hisobotlarning maqsadi resurslarni taqsimlash bo‘yicha qarorlarni qabul qilish va baholashda foydalanuvchilarning keng doirasi uchun foydali bo‘lgan korxonaning moliyaviy holati, moliyaviy ishlashi va pul oqimlari to‘g‘risida ma’lumot berishdir.

Buxgalteriya hisobining hisoblash metodining ustuvor tomonlari va kamchiliklarini quyidagi SWOT tahlili orqali ko`rsatib beramiz.

2-chizma.

Hisoblash metodining SWOT tahlili



*Mualliflar ishlanmasi.

Buxgalteriya hisobining hisoblash metodining afzalliklari quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

Aniqlik va ishonchlilik: Hisoblash metodi yordamida barcha moliyaviy operatsiyalar aniq va ishonchli tarzda qayd etiladi. Bu tashkilotning moliyaviy holatini aniq tasvirlashga yordam beradi va potentsial xatoliklarni kamaytiradi.

Tahlil va qaror qabul qilishni qo‘llab-quvvatlash: hisoblash metodi kompaniyaning moliyaviy holatini chuqur tahlil qilish imkonini beradi, bu esa menejmentga to‘g‘ri qarorlar qabul qilishda yordam beradi.

Resurslarni samarali boshqarish: Hisoblash metodi yordamida tashkilotlar resurslarini, masalan, moddiy va moliyaviy mablag‘larni samarali boshqarishi mumkin, chunki usul ularni qanday taqsimlash va sarflash kerakligi haqida aniq ma’lumotlar beradi.

Soliq va huquqiy talablarni bajarish: Buxgalteriya hisobining hisoblash metodi yordamida soliq to‘lovlari va boshqa huquqiy majburiyatlar aniq hisoblanadi, bu esa soliq va huquqiy muammolarni oldini olishga yordam beradi.

Avtomatlashtirish imkoniyatlari: Zamonaviy hisoblash metodi texnologiyalar yordamida avtomatlashtirilishi mumkin, bu esa vaqtni tejash va xatoliklar ehtimolini kamaytiradi.

Transparensiya**:** hisoblash metodi orqali barcha moliyaviy operatsiyalarni to‘liq qayd etish imkoniyati yaratilib, tashkilotning moliyaviy faoliyati ochiq va shaffof bo‘ladi. Bu investorlar, auditorlar va boshqa manfaatdor tomonlar uchun muhimdir.

Kengaytirish va o‘sishni qo‘llab-quvvatlash: Hisoblash metodi orqali tashkilotning moliyaviy holati doimiy ravishda kuzatiladi, bu esa uning rivojlanish istiqbollarini aniqlash va o‘sishni qo‘llab-quvvatlashga yordam beradi.

Risklarni boshqarish: hisoblash metodi yordamida tashkilotlar moliyaviy xavflarni aniqlash va boshqarish imkoniyatiga ega bo‘ladi, bu esa uzoq muddatda barqarorlikni ta’minlashga yordam beradi.

Xodimlarning malakasini oshirish: Buxgalteriya hisobining hisoblash metodidan foydalanish xodimlarning malakasini oshiradi, chunki ular murakkab hisob-kitoblarni amalga oshirishni o‘rganishadi.

Shu tarzda buxgalteriya hisobining hisoblash metodlari tashkilotlarga ko‘plab afzalliklar keltiradi, jumladan, samarali boshqaruv, soliq majburiyatlarini bajarish, moliyaviy risklarni boshqarish va qaror qabul qilishni osonlashtirish.

Buxgalteriya hisobining hisoblash metodining kamchiliklari quyidagilar bo‘lishi mumkin:

Murakkablik: Hisoblash metodi murakkab bo‘lib,hodimlar uchun tushunish va qo‘llashda qiyinchiliklar tug‘dirishi mumkin.

Xatoliklar ehtimoli: Hisoblashda xatoliklar, masalan, noto‘g‘ri ma’lumot kiritish yoki noto‘g‘ri formulalardan foydalanish, natijalarni noaniq qilish yoki buzish xavfini yaratadi.

Vaqt va resurs talab qilishi: Ba’zi hisoblash metodi katta hajmdagi ma’lumotlarni qayta ishlashni talab qiladi, bu esa ko‘p vaqt va resurslarni sarflashi mumkin.

Yuqori xarajatlar: Hisoblash metodlarini qo‘llash uchun maxsus dasturlar yoki buxgalteriya xodimlariga yuqori malaka talab qilinishi, qo‘shimcha xarajatlarni keltirib chiqarishi mumkin.

Moslashuvchanlikning yetishmasligi: Ba’zi metodlar muayyan sharoitlarga mos kelmasligi mumkin, masalan, tez o‘zgarayotgan iqtisodiy yoki soliq siyosati holatlarida.

Hujjatlarni boshqarish muammolari: hisoblash metodi ko‘pincha ko‘p miqdordagi hujjatlarni, shu jumladan hisob-kitoblarni, tekshiruvlarni va boshqa ma’lumotlarni talab qiladi, bu esa xatolik va tartibsizliklarga olib kelishi mumkin.

Texnologik yangilanishlarga moslashish: Yangi texnologiyalar va avtomatlashtirilgan tizimlar hisoblash metodlarini tez o‘zgartirishi mumkin, va ba’zi tashkilotlar eski usullarni ishlatishda davom etadilar, bu esa samaradorlikni kamaytirishi mumkin.

Shu sababli buxgalteriya hisobini tashkil etishda metodlarni tanlashda ushbu kamchiliklarni hisobga olish va ularga qarshi choralar ko‘rish muhimdir.

Xulosa

Buxgalteriya hisobining hisoblash metodidan foydalanish tashkilotning moliyaviy faoliyatini tizimli va aniq olib borishga, shuningdek uzoq muddatli barqaror o‘sish va rivojlanish uchun zarur bo‘lgan moliyaviy resurslarni aniqlashga yordam beradi hamda buxgalteriya hisobining asosiy jarayonlarini amalga oshirishda, ya’ni moliyaviy va iqtisodiy operatsiyalarni to‘g‘ri va aniq qayd etish, hisobotlarni tuzish hamda moliyaviy ma’lumotlarni tahlil qilishda qo‘llaniladigan muhim usul hisoblanadi. Ushbu metod hisob-kitoblar, hisobotlar va moliyaviy ma’lumotlarning to‘g‘riligi va aniq qayd etilishida muhim rol o‘ynaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. William J. Bowe, Cash and Accrual Methods of Income Tax Accounting, 3 Vanderbilt Law Review 60 (1949).

2. Will K, Khadija K. Cash Basis Accounting: Definition, Example, Vs. Accrual.2024.

3.Qurbonov Z.N, Xotamov K.R. Buxgalteriya hisobi nazariyasi: darslik. – T.:

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Tafakkur bo`stoni. 2014.

4. Mehmonov S., Qo`ziyev I., Ostonaqulov A., Kuliboyev A., Suvanqulov A. Byudjet hisobining xalqaro standartlari: darslik. – T.: Niholprint. 2023. – 14-b.

5. Malikov T. Moliya: darslik. – T.: Iqtisod-moliya. 2023.

6.www.lex.uz (O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi).

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Курбанбаев Жўрабек Эрувбаевич

банк иши ва бухгалтерия
ҳисоби кафедраси доценти
Тошкент Кимё халқаро университети
E-mail:jurabektfi@mail.ru
ORCID: 0009-0009-8086-0070

Аннотация. Мақолада ҳисоб сиёсатини зарурияти ва аҳамияти, уни шакллантиришга қўйилган талаблар ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг методологик асослари ёритилган. Шунингдек ҳисоб сиёсатини танлаш, ҳисоб баҳосидаги ўзгаришлар ва ҳисоб сиёсатини қўллаш ҳамда шакллантиришда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти 8-сон БҲХС “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳосидаги ўзгаришлар ва ҳатолар” номли стандартда белгиланган меъёрлар ва талаблар бўйича акциядорлик жамиятлари учун ҳисоб сиёсатининг янги лойиҳаси юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ҳисоб сиёсати, ҳисоб сиёсатини танлаш, ҳисоб баҳосидаги ўзгаришлар, ҳисоб сиёсатини қўллаш.

ФОРМИРОВАНИЕ УЧЕТНОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ НА ОСНОВЕ ТРЕБОВАНИЙ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ

Курбанбаев Джурабек Эрувбаевич

доцент кафедры
банковского дела и бухгалтерского учёта
Ташкентский международный
университет Кимё
E-mail:jurabektfi@mail.ru
ORCID: 0009-0009-8086-0070

Аннотация. В статье рассматриваются необходимость и значение учетной политики, требования к ее формированию и факторы, влияющие на них, а также методологические основы формирования учетной политики на основе международных стандартов финансовой отчетности. Внесены предложения по новому проекту учетной политики для акционерных обществ на основе норм и требований, установленных в Международном стандарте финансовой отчетности МСФО (IAS) 8 при выборе учетной политики, изменениях в бухгалтерских оценках, применении и формировании учетной политики.

Ключевые слова: учетная политика, выбор учетной политики, изменения в учетных оценках, применение учетной политики.

FORMATION OF ACCOUNTING POLICY IN UZBEKISTAN BASED ON THE REQUIREMENTS OF INTERNATIONAL STANDARDS

Kurbanbaev Jurabek Eruvbaevich

associate professor of the department
of Banking and accounting
of Kimyo International
University in Tashkent.

E-mail:jurabektfi@mail.ru
ORCID: 0009-0009-8086-0070

Abstract. The article examines in detail the necessity and importance of accounting policy, requirements for its formation and factors influencing them, as well as the methodological foundations for the formation of accounting policy based on international financial reporting standards. Proposals were also made for a new draft accounting policy for joint-stock companies based on the norms and requirements established in the International Financial Reporting Standard IFRS (IAS) 8 "Accounting Policies, Changes in Accounting Estimates and Errors" when choosing an accounting policy, changes in accounting estimates, as well as the application and formation of accounting policies.

Keywords: accounting policies, selection of accounting policies, changes in accounting estimates, application of accounting policies.

Кириш

Республикамизда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини ҳалқаро стандартларга мувофиқлаштириш жараёни жадаллик билан олиб борилмоқда. Натижада фаолият кўрсатаётган 600 дан ортиқ акциядорлик жамиятларида бугунги кунда ўз молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тақдим этиш имконияти пайдо бўлди. Бу эса корхоналарнинг молиявий ҳолатини ва даромад харажатларини янада яхшиланишига, хўжалик фаолиятини қайта кўриб чиқишга ҳамда ривожланиш учун янги имкониятларни излашга мажбур қилмоқда. Бухгалтерия ҳисобида амалга оширилаётган изчил ислохатлар натижасида, корхоналар томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга мувофиқ молиявий ҳисоботларини тузиш ва уни тақдим этишда етарлича илмий ва амалий методологик асослари бўлишини талаб этмоқда. Бунда корхоналарда шакллантирилаётган ҳисоб сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Республикамизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, ундаги белгиланган меъёрлар ва вазифалар тўлиқ амалга оширилиб келинмоқда. Биргина, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида қуйидаги жумла келтириб ўтилган: “...бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ уйғунлаштириш” [1]. Президент қарорида белгилаб берилган бу каби масъулиятли вазифаларни амалга оширишда тегишли вазирликларнинг соҳа мутахассислари ва Олий таълим муасассалаларининг етук профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш талаб этилади. Бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш жараёни бошланган ва бу ишлар самарали давом этмоқда, бу эса, ўз навбатида, хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларнинг ютуқ томонларини амалиётимизга жорий этишни талаб этади.

Адабиётлар шарҳи

Халқаро стандартларга ўтиш муносабати билан сўнгги йилларда “ҳисоб сиёсати”, “ҳисоб сиёсати услубиёти”, “ҳисоб сиёсати амалиёти” каби тушинчалар корхоналарнинг амалиётида қўлланила бошланди. Ўз навбатида ҳисоб сиёсатининг халқаро ва миллий даражадаги иқтисодчи олимлар ва соханинг амалиётчи мутахассислари (аудиторлар, бухгалтерлар, таҳлилчилар) томонидан кўплаб таърифлар ҳамда турли ёндашувлар берилган. Ушбу таърифларнинг барчасида ягона бир мақсад мужассамлашганини кўриш мумкин, яъни ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишга қаратилган қоидалар мажмуидан иборат.

“Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар” номли 8-сон БҲХСда қуйидаги таъриф шакллантирилган: Ҳисоб сиёсати – бу ташкилот

томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланадиган муайян тамойиллар, асослар, умумқабул қилинган шартлар, қоидалар ва амалий ёндашувлардир [2]. Амалиётимизда эса бунга бироз бошқачароқ ёндашилганини кўришимиз мумкин. Масалан, миллий стандартда: “...Ҳисоб сиёсати ташкилот молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланадиган махсус принципларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди” деб таъриф берилган [3]. Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, бир вақтнинг ўзида бухгалтерия ҳисобини юритилиши ҳамда ҳисоб сиёсатини шакллантирилишига хўжалик субъекти раҳбари масъул шахс сифатида ёндашилган. Ҳисоб сиёсатига берилган таърифлар ва унинг мазмунини ифодалаб берувчи фикрлар масаласида хорижий тажрибага мурожаат этиладиган бўлса, ҳисоб сиёсати умумий бир мақсадда хизмат қилишини кўриш мумкин. Россия Федерацияси қонунчилигида ҳисоб сиёсатига қўйидагича ёндашилади: “....ташкилотнинг бухгалтерия сиёсати у томонидан қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби усуллари тўплами – дастлабки кузатиш, харажатларни ўлчаш, жорий гуруҳлаш ва хўжалик жараёнларини умумлаштириш тушунилади. Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига иқтисодий фаолиятни гуруҳлаш ва баҳолаш, активлар қийматини тўлаш, хўжалик жараёнлари, инвентаризацияни ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби счётлар режасини қўллаш, бухгалтерия регистрларини шакллантириш ҳамда маълумотни қайта ишлаш ва умумлаштириш каби усулларни ўз ичига олади” [4].

МҲХСни мувоффақиятли қўллаётган Ҳиндистон тажрибасига эътибор қаратамиз. Ҳиндистон бухгалтерия ҳисоби стандарти (Ind AS) да ҳисоб сиёсати ва уни шакллантириш масалалари халқаро стандарт (МҲХС) талабларига тўлиқ мувофиқлаштирилган. Масалан, ҳисоб сиёсатига берилган таъриф билан МҲХСда берилган таъриф ўртасида деярли фарқли жиҳатлари мавжуд эмас: “Ҳисоб сиёсати – бу молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишда субъект томонидан қўлланиладиган ўзига хос принциплар, асослар, конвенсиялар, қоидалар ва амалиётлар” [5]. Мазкур стандартда ҳисоб сиёсатини очиб бериш бўйича талаблар, бундан ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни очиб беришни истисно қилган ҳолатда, Ind AS1 “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш”да ўрнатилиши белгиланган.

Осиёнинг яна бир етакчи мамлакати Япониянинг бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ: “Ҳисоб сиёсати – бу компанияни бошқариш учун молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланадиган ўзига хос принциплар ва процедуралардир. Бунга бухгалтерия ҳисобининг ҳар қандай усуллари, баҳолаш тизимлари ва ахборотни ошкор қилиш тартиб қоидалари киради”. Глобаллашув шароитида Япония Бухгалтерия Стандартлари Кенгаши (ASBJ) томонидан 24-сонли “Ҳисоб сиёсатини ёритиб бериш, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар ва хатоларни тузатиш” стандартини қайта кўриб чиқилганлиги юзасидан баёнот берилди (мазкур баёнот фақат япон тилида мавжуд) [6].

АҚШнинг ҳисоб сиёсатини очиб беришга қаратилган тамойилларида (APB 22): “Компанияларнинг ҳисоб сиёсати – бу бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган тамойилларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузишдаги бухгалтерия ҳисобининг аниқ тамойиллари ва усуллари бўлиб, бу компанияларни бошқарувида молиявий ҳолат тўғрисида, пул маблағларининг ҳаракати ва молиявий натижалар бўйича ишончли маълумотларни тақдим этишга қаратилади”.

Республикамизда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштиришда иқтисодчи олимлар томонидан ҳисоб сиёсатини тузиш ва такомиллаштиришда қуйидагича таърифлар ва ёндашувлар берилган: А. А. Каримовнинг фикрига кўра: “Ҳисоб сиёсати корхона томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, асослар, қоидалар ва амалий ёндашувлардир” [7]. А.К. Ибрагимов томонидан қуйидаги фикрлар билдириб ўтилган: “Ҳисоб сиёсати – бу банк томонидан операцияларни акс эттириш, назоратни таъминлаш ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш учун қабул қилинган

аниқ бир тамойиллар, асослар, шартлар, қоидалар ва амалиётлардир” [8].

Хориж иқтисодчи олимларидан Л.Р. Смирнова ўзининг илмий асарида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Тижорат банкларининг ҳисоб сиёсатида ҳисобнинг муҳим вариантларини ҳар хил операцияларда тўғри қуллай билиш керак шунингдек, тижорат банкларининг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда узвий боғлиқлик, солиқларни режалаштириш ва баҳолай билишдир” [9].

В.П. Астахов томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳисоб сиёсатига қуйидаги таърифни шакллантиради: “Ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш усулларининг тартиботи бўлиб, устав ва бошқа фаолиятнинг иқтисодий ҳодисалар фактини дастлабки кузатиш, қиймат ўлчовида баҳолаш, жорий гуруҳлаш ва якуний умумлаштиришдан иборат” [10]. Аввал олиб борилган тадқиқотларда ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф шакллантирилган эди: «Ҳисоб сиёсати – бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисобини тузиш ва топшириш учун муқобил тамойиллар, шарт ва қоидаларга асосланиб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган мақбул усуллар ва қоидалар мажмуаси тушинилади” [11]. Яна бир рус олими Е.П. Козлова ва бошқаларнинг фикрига кўра: “Ташкилотнинг ҳисоб сиёсати деганда, у томондан танланган бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларининг мажмуаси: хўжалик фаолияти фактларини дастлабки кузатиш, қиймат ўлчовида ифодалаш, жорий гуруҳлаш ва якуний умумлаштириш тушунилади” [12]. А.Х. Пардаев томонидан берилган изоҳда эса: “Корхона ҳисоб сиёсати – бу корхонанинг ўзи учун аҳамиятли бўлган ва умумий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган ва эълон қиладиган бухгалтерия ҳисобининг шакл ва услублар тўпламидир” [13]. А. Польковскийнинг таърифича: “Корхонанинг ҳисоб сиёсати – бу бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларининг мажмуи: дастлабки кузатиш, қиймат ўлчовида ифодалаш, хўжалик фаолияти операцияларини жорий гуруҳлаш ва умумлаштириш” [14].

Н.Ю. Жўраев эса, «Ҳисоб сиёсати – бу хўжалик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонуний– меъёрий ҳужжатларда руҳсат этилган бухгалтерия ҳисобининг муқобил усуллари ва шакилларидан корхона танлаб олган ҳамда эълон қилган бухгалтерия ҳисоби тизимидир» [15]. Н. Любишин, В. Жариновларнинг фикрига кўра: “ҳисоб сиёсати бу корхона томонидан унинг хўжалик юритиш шароитларига мос равишда танланган , бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларининг мажмуи, яъни бухгалтерия ҳисоби методини амалга ошириш тартибидаги дастлабки кузатиш, қиймат ўлчови. Гурухлаш ва умумлаштириш усулларидир” [16]. Б.А.Ҳошимов хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсатини бухгалтерия ҳисобини маълум қоидалар ва тамойиллар бўйича қуйидагича асослаган: тамойил ва қоидаларнинг шундай мажмуини ўрнатиш керакки, уни амалда қўллаш ҳисоб юритишнинг максимал самарасини таъминлаши керак” [17].

К.Б. Уразов томонидан 1-сон БҲМСга киритишни мақсадга мувофиқ деб билган ҳолда қўйидагича таъриф берилган: “Ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг танланган аниқ қонуний усулларини ўзида мужассамлаштирувчи ва фойдаланувчиларнинг ахборот олиш талабларини тўлиқ қониқтиришга хизмат қилувчи ички меъёрий ҳужжат тушунилади” [18]. Н. Кондраковнинг фикрига кўра: “Ҳисоб сиёсати- бу ташкилот томонидан ҳисоб ҳисоб объектларини баҳолашнинг рухсат этилган вариантлардан маъқбулини, ҳамда ўрнатилган рухсатлар, талаблар ва ўз фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш шакллари ва техникасини танлаш” деб таърифлайди [19]. Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда илмий изланишларни олиб борган яна бир иқтисодчи олим Б.Жўраев томонидан қуйидаги таъриф шакллантирилган: “Ҳисоб сиёсати-хўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳамда бошқа ҳисоботларни тузишнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган муқобил вариантлардан маъқбули танланиб шакллантирилган, ўзаро узвий алоқадор тамойиллар, талаблар,

шакллар, усуллар ва воситалар тизимидан иборат ички тартибга солувчи ҳужжатдир” деб таъриф берилади [20]. Демак, ҳисоб сиёсати – бу тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлардан иборат мажмуадир.

Ҳисоб сиёсатига берилган умумий хулосалар шундан иборатки, ҳисоб сиёати – бу корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини тузиш, тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича кўрсатмалари ва тартибларини ўзида ифодалаб, корхонанинг молиявий ҳолатини аниқ тасвирини беради. Бироқ бизнинг фикримизча, ушбу олимларнинг ишларида ҳисоб сиёсатига берилган ёндашувлар, ҳисоб сиёсатини шакллантириш масалалари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида тадқиқ этилмаган. Натижада, бугунги кун талаби ҳисоб сиёсатини халқаро стандартлар қоидалари бўйича шакллантиришга катта эътиборни қаратишни талаб этмоқда, юқорида келтирилган иқтисодчи олимларнинг ишлари ушбу ишга назарий томонларини шаклантиришда катта хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар

Сўнгги йилларда мамлакат бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини халқаро стандартларига мувофиқлаштириш ва ўтишда қатор самарали чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.Натижада изчил ҳисоб сиёсатини шакллантиришда унинг ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилган бўлиб, ҳисоб сиёсатини танлаш ва ишлаб чиқишга асосий талабларни қўяди.

Мазмунига кўра, корхона раҳбарининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қўллайдиган усуллари, уларнинг принцип ва асосларидан иборат бўлган ҳисоб сиёсати ўзида бухгалтерия ҳисоби усулларини мужассам этиб, мазкур усулларни изчил равишда амалга ошириш талабини қўйилади. Бунда бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига қуйидагилар киритилади:

1-жадвал.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари*

- гуруҳларга ажратиш методлари ва хўжалик фаолияти фактларини баҳолаш;
- активлар қийматини тўлаш;
- ҳужжатлар айланмаси;
- инвентаризацияни ташкил этиш усуллари;
- бухгалтерия ҳисоби счётларини қўллаш усуллари;
- ҳисоб регистрлари тизими;
- ахборотларни қайта ишлаш ва бошқа тегишли усуллар, услублар ва методларни ўз ичига олади.

*Муаллиф томонидан тузилган.

Мазкур бухгалтерия ҳисобининг усулларини қўллашда ҳисоб сиёсати турли даврларни ўзаро таққослаш имкониятига ҳам эга бўлиши талаб этилади, бу ҳақида миллий стандартда қуйидагилар келтириб ўтилган: “Ташкилотнинг ҳисоб сиёсати ташкилот раҳбари томонидан мазкур БҲМС асосида ташкилот фаолиятининг турли йиллар учун тузилган молиявий ҳисоботда келтириладиган молиявий кўрсаткичлари бир-бирига

қиёсланадиган бўлиши учун шакллантирилади”.

1-чизма.

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш даражалари*



*Тадқиқотлар натижасида яратилган муаллиф ишланмаси.

Бугунги кунда корхоналарда ҳисоб сиёсатини халқаро стандартлар талаблари асосида ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишнинг яна бир муҳим томони, ҳисоб сиёсати асосида молиявий ҳисоботларни шакллари ҳамда уларни тақдим этиш тартибларига ўзгартиришлар киритишни талаб этади. Натижада ўтган бир йил давомида халқаро стандартларга (МҲХС) ўтиш ислоҳоти яна ўз фаолиятини бошлади. Бу эса ҳисоб сиёсатига бўлган талабни хам оширади. Ҳозирда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан МҲХС асосида тузиладиган молиявий ҳисобот шакллари лойиҳасини ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Демак, бухгалтерия ҳисоби субъектлари фақат йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этади. БҲМСга асосан тузилган йиллик молиявий ҳисобот ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1-мартидан кечиктирмай, МҲХСга асосан тузилган йиллик молиявий ҳисобот ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1-майидан кечиктирмай тақдим этилади.

Молиявий ҳисоботни МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган бухгалтерия ҳисоби субъектлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун тан олинган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матни (рўйхат рақами 3400, 2022 йил 9 декабрь) асосида молиявий ҳисоботларни тайёрлайди ва БҲМС бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этмайди.

Молиявий ҳисоботнинг шаклларини тўлдириш бўйича тушунтиришлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади. Демак, кўриниб турибдики, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, корхоналарининг ҳисоб сиёсатини услубий жиҳатдан янада такомиллаштириш кераклигини англатади.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки “хорижий амалиётда ҳам ҳисоб сиёсатининг таркиби қандай бўлиш керак деган саволга аниқ жавоб берилмаган, чунки унинг таркиби соҳа ва тармоқларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши ва ҳажми жиҳатдан муаян чекловлар бўлиши кўзда тутилмаган. Масалан, корхоналарнинг ҳисоби ҳисоб сиёсати асосан қуйидаги тўрт бўлимдан иборат бўлишлиги талаб этилади, жумладан:

- умумий бўлим (ҳисоб сиёсатининг меъёрий-ҳуқуқий асосларига таянилади);
- услубий бўлим (бухгалтерия ҳисоби объектларини баҳолаш тартиби шакллантирилади);
- техникавий бўлим (ҳисоб юритиш шакллари, ҳисобварақлар тартиби кабилар танлаб олинади);
- ташкилий бўлим (бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, унинг таркибий тузилиши белгиланади).

Корхоналарда ҳисоб сиёсати (халқаро стандартларни қўлламаган корхоналар учун) бевосита ҳисоб сиёсати бўйича миллий стандарт қоидалари асосида шакллантирилади ва ушбу БҲМС талабларига амал қилинади. Тан олиш керак мазкур стандарт қоидаларини халқаро стандарт талабларига тўлиқ мувофиқлаштирилган дея олмамиз. Вазирлик олдида мазкур БҲМСни услубий жиҳатдан халқаро стандартларга мослаштириш учун ҳали амалга ошириладиган ишлар талайгина. Буни биргина вазирлик доирасида бажариш имконсиз, бунда халқаро ва миллий доирада жамоатчиликни назарий, илмий, услубий ва амалий ёрдами керак бўлади.

Бугунги ҳисоб сиёсати барча тегишли БҲМСларни қўллаш асосида молиявий ҳисобот тузилишини таъминлашга қаратилиши лозим. Ҳисоб сиёсатига асосан БҲМСларда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, молиявий ҳисобот қуйидагича бўлиши лозим:

- фойдаланувчилар эҳтиёжи учун аҳамиятли;
- ишончли бўлиши.

Бунда:

ташкилот молиявий ҳолати ва фаолиятининг барча натижаларини холисона кўрсатиши;

фақат юридик шаклдан иборат бўлмай, ҳодиса ва операцияларнинг иқтисодий моҳиятини акс эттириши;

бетараф (беғараз) бўлиши ва мажбурий бўлмаслиги;

бетарафликка зарар етказмаган ҳолда эҳтиёткор бўлиши;

барча муҳим жиҳатлари тўла (тугалланган) бўлиши, яъни ташкилот хўжалик фаолиятининг барча фактларини тўла акс эттириши;

- фаолияти ўхшаш бошқа ташкилотлар молиявий ҳисоботи билан таққосланадиган бўлиши;
- тушунарли бўлиши.

Республикамизда молиявий ҳисоботидан фойдаланувчиларга энг фойдали ахборот берадиган ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда корхона раҳбарининг қарорлари (махсус БҲМСлар бўлмаганда):

2-жадвал.

Ҳисоб сиёсатини шакллантириш тартиби*

- бундай масалалар хусусида БҲМСнинг талаблари ва қўлланмаларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан эълон қилинган ҳар қандай бошқа ахборотдан фойдаланиш;
- активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатлар учун акс эттириш ва баҳолашнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан белгилаб қўйилган мезонларга риоя қилиш;
- жаҳон капитал бозорида қабул қилинган тармоқ иш тажрибасидан фойдаланиш.

*Муаллиф томонидан тузилган.

Маълумки, корхона ҳисоб сиёсати корхона раҳбарининг тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжатлари (буйруқ, фармойиш) билан расмийлаштирилади. Бунда ҳисоб сиёсатини шакллантиришда корхона танлаб олган бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари тегишли ташкилий-фармойиш ҳужжати чиқарилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб қўлланилади, шунингдек ҳисобот йили давомида янги ташкил этилган

корхоналарга бу тартиб амал қилмайди.

Ҳисоб сиёсатига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари корхонанинг барча таркибий бўлинмаларида (жумладан, алоҳида балансга ажратилган бўлинмалари ва филиалларида) уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар қўлланилади.

2-чизма.

Корхонада ҳисоб сиёсатини шакллантириш тамойиллари*

*Муаллиф томонидан тузилган.

Тўлиқлик тамойили асосида ҳисоб сиёсати, ўзининг таркибий тузилиши бўйича барча жиҳатларни қамраб олишни талаб этилади.

Эҳтиёткордик тамойили асосида ҳисоб сиёсатида даромадлар ва харажатларни ўзаро мувофиқлигини таъминлашда услубиётига эътибор қаратидаи.

Мувофиқлик тамойилига кўра, ҳисоб сиёсатида белгиланган барча услубиёт ва усуллар. Қоидалар ва амалиётлар корхона фаолияти билан мувофиқлиги таъминланиши лозим.

Ўз вақтидалик тамойили ҳисоб сиёсатини белгиланган муддатда шакллантириш ва унинг қоидаларига тўлиқ амал қилишни белгилайди.

Мазмуннинг шаклдан устиворлиги тамойили, ҳар қандай хужжатда белгилангани каби, ҳисоб сиёсатининг услубиёти мукаммал бўлиши талаб этилади.

Оқилона (изчил) тамойилига кўра, корхона ўхшаш операциялар, бошқа ҳодисалар ва ҳолатлар учун ҳисоб сиёсатини танлаши ва изчил қўллаши белгилаб олинади.

Мамлакат амалиётида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг яна бир муҳим томони шундаки, агар корхона янги ташкил этилган бўлса, у ҳолад корхона томонидан танлаб олган ҳисоб сиёсатини мазкур бандга мувофиқ молиявий ҳисобот биринчи марта эълон қилингунга қадар, лекин давлат рўйхатидан ўтиб юридик шахс ҳуқуқини олган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай расмийлаштиради. Бунда корхонанинг танлаб олган ҳисоб сиёсати юридик шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб қўлланиш мумкин деб ҳисобланади.

Фикримизча, масалани бошқа томони шундаки, агар корхона йил охирида, масалан ноябр ёки декабр ойларида янги ташкил этилган бўлса, бу корхона учун хам ҳисоб сиёсатини бўлиши талаб этиладими йўқми. Чунки, юқоридаги 1-сон БҲМСнинг 51-бандига асосан, янги ташкил этилган корхоанинг ҳисоб сиёсати 90 кундан кечиктирмай расмийлаштирилиши назарда тутилган. Агар фикримизга қайтадиган бўлсак, масалан 25 сентябрда йирик солиқ тўловчи корхона ташкил этилди. Ушбу корхона ўзининг молиявий

ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 8 октябрдаги 181-сон буйруғи 1-иловасига асосан тақдим этиши белгилаб қўйилган [21]. Яъни бунда ҳисобот йилининг 1 октябрига қадар янги ташкил этилган ташкилотлар молиявий ҳисоботда, улар ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган ойнинг 1-санасидан бошлаб ҳисобот йилининг 31 декабрига қадар муддатдаги, ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин ташкил этилган ташкилотлар эса – давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб кейинги йилнинг 31 декабригача (31 декабрь ҳам киради) муддатдаги маблағлар ва уларнинг манбаларини кўрсатади.

Мазкур Низом қоидаларидан кўриниб турибдики, корхона сентябр ойида ташкил этилгани учун у шу йилнинг 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботларини тақдим этади. Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишга қаратилган ҳисоб сиёсати эса, юқорида белгиланганидек 90 кун давомида шакллантирилиши назарда тутилган. Йилнинг 1 октябр ойигача ташкил этилган корхоналар учун ҳисоб сиёсатини қатъий белгиланиши, унинг изчиллиги, сифати, усубиёти ҳамда мазмунига ўз таъсирини кўрсатади.

Хулоса

Ҳисоб сиёсатини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга тўхталиб ўтилди:

биринчидан, қисқа муддат ичида мукаммал ва изчил ҳисоб сиёсатини танлаш, унинг услубий асосларини яратиш имконияти мавжуд эмас;

иккинчидан, кўр-кўрона, бошқаларнинг ҳисоб сиёсатидан андоза олиб ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати, шунчаки, умумий талабни бажаришга қаратилган оддий ҳужжатга айланиб қолади;

учинчидан, тезлик билан яратилган ҳисоб сиёсатида ҳеч халқаро стандартлар талаблари ёки илғор халқаро тажриба ўз ифодасини топмайди;

тўртинчидан, корхона ҳисоб сиёсатидаги, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларни ва хатоларни тузатишни ҳисобга олиш тартиби, ҳисоб сиёсатини танлаш ва ўзгартириш мезонларини белгилаш имконияти бўлмайди;

бешинчидан, ҳисоб сиёсати ўз олдига қўйган мақсади корхона молиявий ҳисоботининг ўринлилигини ва ишончлилигини ҳамда олдинги ҳисобот даврларининг ва бошқа корхоналарнинг молиявий ҳисоботи билан қиёсланувчанлигини оширишга эриша олмайди.

Бизнинг фикримизча, ҳисобот йилининг 1-октябргача ташкил этилган корхоналар учун ҳисоб сиёсатини шакллантириш тартиби эркин тарзида белгиланиши мақсадга мувофиқ, бунда:

- агар корхонада ҳисоб сиёсатини изчил танлаш, ҳисоб баҳосидаги ўзгаришларни ва хатоларни тузатиш, шунингдек ҳисоб сиёсатини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари бўйича шаклланитариш имконияти бўлса, бунда ушбу корхоанинг ҳисоб сиёсатини самарали деб баҳолаш мумкин бўлади;

- агар ҳисобот даврининг 1 октябрдан кейин ташкил этилган корхоналар учун изчил ҳисоб сиёсатини танлаш ва уни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади, сабаби ушбу корхоналар молиявий ҳисоботларини кейинги йилнинг 31 декабр санасида тақдим этади. Бу эса белгиланган 90 кун даврида ҳар томонлама, халқаро стандарт талабларини инобатга олган ҳолда самарали ҳисоб сиёсатини шакллантириш имкониятини беради.

Корхона ҳисоб сиёсати олдига қўйилган яна бир талаблардан бири -бу календарь йили давомида унга ўзгартиришлар киритилмаслигини белгилаб олишдан иборат. Тўғри, корхоналарда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларда ўзгаришлар бўлиб туради, шуни инобатга олган ҳолда , корхонанинг ҳисоб сиёсатига қуйидаги ҳолларда ўзгартиришга йўл қўйилади:

- корхона қайта ташкил этилганда, бунда корхона қўшиб юборилиши, бўлиниши ёки қўшиб олиниши ҳам назарда тутилади;

- мулк эгалари алмашганда, бунда корхона мулкига эгалик қилувчиларнинг ярми уставдан ўз улушларини олиб чиқиб кетиши инобатга олинади;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида ёки бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзгаришлар бўлганда, бунда асосан бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ёки солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар назарда тутилади;

- бухгалтерия ҳисобининг янги усуллари ишлаб чиқилганда, бунда асосан активларни баҳолаш усулларига қаратилади;

- ўзгартиришлар корхонанинг молиявий ҳисоботларида ахборотни янада ишончлироқ тақдим этиш имкониятини яратганда, бунда молиявий ҳисобот шаклларига ҳамда уни тузиш ва тақдим этиш тартибига ўзгартиришлар киритилиши назарда тутилади.

Албатта корхона томонидан ҳисоб сиёсатига нима сабабдан ўзгартиришлар киритилиши ва унга таъсир этувчи омиллар тўлиқ асослаб берилиши талаб этилади ва бу амалдаги БҲМС қоидаларида белгилаб қўйилган. Ҳисоб сиёсатига киритилаётган ҳар қандай ўзгартиришлар, бунда қонунчилик ҳужжатларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлмаган бўлса, у ҳолда ўзгаришларнинг сабабларини корхона бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзгартирилган усуллари қўлланила бошлаган вақтдан бошлаб баҳолаш лозим.

Хулоса қилиш мумкинки, ҳисоб сиёсатини шакллантириш борасида республикамизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари ва йирик солиқ тўловчи корхоналарда унинг услубий асосларини етарли деб бўлмайди, сабаби, амалиётчи бухгалтерларимиз хали ҳисоб сиёсатини мазмунини тўлиқ англаб олганларича йўқ, шунчаки, расмийлаштириб қўйилиши мумкин бўлган ҳужжат сифатида қарамоқда. Шунингдек, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда ўзлари тўлиқ билим ва малакага эга эмас, ўз навбатида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талабларини тўлиқ билмайди ёки тегишли халқаро сертификатларга эга эмас. Демак, корхоналарда бухгалтер иш режаси (ҳисоб сиёсати) корхонанинг бизнес-режаси билан хамоҳанг равишда тўғри ва аниқ шакллантирилиб олсагина, қўйилган мақсадга (молиявий ҳисоботларни тузиш) эришиш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарори. 2020 йил 24 феврал. (3-банди) https://lex.uz/docs/4746047

2. 8-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти. *Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар*. Расмий таржима. 2022 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БҲМС) «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати»ни тасдиқлаш ҳақида [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3544].

4. Положение по бухгалтерскому учету "Учетная политика организации" (ПБУ 1/2008). Приложение N1 к Приказу Мин фин Российской Федерации от 06.10.2008 N 106н http://www.consultant.ru/document/cons_doc_law_164/2d52/

5. Indian Accounting Standard (Ind AS) 8 Accounting Policies, Changes in Accounting Estimates and Errors# http://www.mca.gov.in/Ministry/IndAS8

6. Accounting Standards Board of Japan (ASBJ). Japanese generally accepted accounting principles (JGAAP) Accounting Standard for Accounting Policy Disclosures. www.asb.or.jp/en/jp-gaap/accounting_standards/y2020/html

7. Karimov A., Kurbanbayev J., Jumanazarov S. Buxgalteriya hisobi. Darslik. –T.: “Iqtisod-moliya”, 2019.

8. Ибрагимов А.К. Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2019.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

9. Смирнова, Т. В. Основы теории бухгалтерского учета: учебное пособие / Минобрнауки России, ГОУ. 2011. - 155 с.
10. Астахов, Бухгалтерский (финансовый) учет в 2 ч. - Москва: Юрайт, 2018. -536 с.
11. Қурбонбоев Ж.Э. Корхоналарда ҳисоб сиёсатини шакиллантириш, юритиш ва ривожлантириш истиқболлари. и.ф.н.. авт. - Т., 2005. 18 б.
12. Козлова Е.П. ва бошқ. Бухгалтерский учет в организациях.-М.: ФиС, 1999.
13. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. Т.: 2002 йил.
14. Польковский А. Теория бухгалтерского учета. Учеб пособие-М.: “Экономика и организация”, 2002.
15. Жўраев Н.Ю. Бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. Т:. -1998.
16. Н.Любушин. Теория бухгалтерского учета: учебное пособие для вузов-М.-2002.
17. Хошимов Б. Бухгалтерия ҳисоби. Т.: Дарслик. -2004 йил.
18 Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлантириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари”. Монография. -Т.: 2005. 151- 152 бет.
19. Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет. -М.: Инфра-М. 1997.
20. Джўраев Б.М. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш. Иқт. фан. докт. ... дис. автореферати. 2011 йил. 21 б.

Электрон ресурс
21.https://api.mf.uz/media/filestore/Ilova_Moliyaviy_xisobot.pdf

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Холматова Нодирахон Қуддусовна

мустақил изланувчи
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail:nodirahonholmatova74@gmail.com
ORCID: 0009-0008-2356-7073

Аннотация. Мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби ва унинг концептуал масалалари тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ- 4611 сонли қарори ижросини таъминлашда БҲХС (Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти, IAS) асосида молиявий ҳисоботларни тузиш ва унинг мақсади юзасидан илмий тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: концепция, молиявий ҳисобот, халқаро стандарт, баланс, фойда, зарар, активлар, капитал, мажбуриятлар, ҳисобот даври.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ

Халматова Надирахон Куддусовна

независимый исследователь
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail:nodirahonholmatova74@gmail.com
ORCID: 0009-0008-2356-7073

Аннотация. В статье исследуются проблемы составления и представления финансовой отчетности в соответствии с международными стандартами финансовой отчетности. Сформулированы научные рекомендации по подготовке финансовой отчетности на основе Международного стандарта финансовой отчетности (МСФО) пределены и ее цели.

Ключевые слова: понятие, финансовая отчетность, международный стандарт, баланс, прибыль, убыток, активы, капитал, обязательства, отчетный период.

CONCEPTUAL BASIS OF FINANCIAL REPORTING

Kholmatova Nodirakhan Quddusovna

independent researcher
Tashkent state economy university
E-mail: nodirahonholmatova74@gmail.com
ORCID: 0009-0008-2356-7073

Abstract. This article describes the procedure for compiling and presenting financial statements and its conceptual issues in accordance with international standards of financial reporting. In it, scientific recommendations were formed regarding the preparation of financial reports based on the International Accounting Standard (IAS) and its purpose, in order to ensure the implementation of the decision of the President of the Republic of Uzbekistan No. PQ-4611.

Keywords: concept, financial reporting, international standard, balance sheet, profit, loss, assets, capital, liabilities, reporting period.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Кириш

Глобаллашув натижасида товар, хизмат ва капитал халқаро бозорларининг интеграцияси рўй бермоқда. Агар олдин компаниялар ички бозорларда молиялаштиришга эътибор берган бўлса, бугунга келиб улар акционер капитални ҳам мамлакат ички ресурсларидан ва чет эллардан жалб қилиши мумкин. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларининг асосий афзалликларидан бири бу капиталнинг халқаро бозорларига турли мамлакатлардан турли компаниялар фаолият натижаларини самарали йўл билан баҳолаш ва қиёсий таҳлил қилиш имкониятини беради. Бу эса компаниялар томонидан капитални самарали, кам харажат қилиб жалб қилишга ёрдам беради.

2020 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимизда МҲХСга ўтиш тарихида янги саҳифа очадиган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 4611 сон қарорни имзолади. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишининг зарурияти шундаки, мамлакатимиздаги мавжуд акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотларининг молиявий фаолияти ҳақида хорижий инвесторларни ишончли ва зарур ахборотлар билан таъминлаш, корхоналарнинг халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлашдан иборатдир. Натижада мамлакатимизда бугунги кунда МҲХСга ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, бу эса, ўз навбатида, молиявий ҳисоботларни тузиш концепциясини ҳам халқаро даражага мувофиқлаштиришни тақозо этади.

Халқаро стандартларга ўтиш ва шу асосида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш хорижий компаниялар билан шартномалар тузиш ҳамда инвестиция имкониятларини кенгайтириш имкониятини беради. Бу жараёнларни амалдаги миллий стандартлар билан амалга ошириб бўлмайди ва турли мураккабликларни келтириб чиқаради. Юқорида таъкидланганидек, молиявий ҳисоботларни тузишда биринчи навбатда унинг концептуал масалаларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар шарҳи

Маълумки, концепция (conceptio) лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида тўплаш, бирлаштириш, тизим ёки ибора маъносини англатади. Мазмунан эса бирор фан ёки тадқиқот асослари бўйича умумқабул қилинган назарий қоидалар тўплами, шунингдек бирор предмет ёки воқеани тушуниш, кўриб чиқиш усуллари ёки унга нисбатан ёндошувлар ва қарашлар тизими сифатида изоҳланади [1]. Молиявий ҳисобот нуқтаи назаридан эса, у молиявий ҳисобот тузишда қўлланилаётган амалдаги қоидаларни баҳолаш ва уларни ривожлантириш асосидир [2].

Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари халқаро стандартлар кенгаши томонидан ва МҲХС Қўмитаси томонидан нашр қилинган “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш асослари”нинг ўрнини эгаллаган. Ушбу асос молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш асослари бўлиб хизмат қиладиган концепцияларни белгилайди [3]. Демак, у ҳисобот тайёрловчи ташкилот томонидан молиявий ҳисоботни ташқи фойдаланувчиларга тақдим қилиш бўйича риоя этилиши лозим бўлган қоидалар тизимидан иборат. Айни пайтда Концептуал асос мазкур қоидаларни ҳисобот тайёрловчи ташкилот, фойдаланувчилар ҳамда бошқа манфаатдор томонларга тўғри тушунтириш учун ҳам хизмат қилади ва қуйидаги масалаларни, яъни :

- молиявий ҳисоботнинг мақсадини;
- фойдали молиявий ахборотнинг сифат хусусиятларини;
- молиявий ҳисоботлар таркибини ташкил этувчи элементларнинг таърифи, тан олиниши ва баҳоланишини;
- капитал ва уни сақлаб туриш тамойилларини кўриб чиқади [4].

Таҳлил ва натижалар

Молиявий ҳисоботнинг халкаро стандартлари ва унинг Концептуал асос бўйича фикр қилинганда, у бизни беихтиёр бухгалтерия ҳисоби фанининг умумий назарияси билан боғлиқ масалалар сари етаклайди. Зеро, бугунги кундаги МҲХСнинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни ва мақомига қарамасдан, у назарий жиҳатдан бухгалтерия ҳисоби фанининг ажралмас бир қисми сифатида қолаверади. Бинобарин, Концептуал асос бухгалтерия ҳисоби фанининг умумий назарияси билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, ҳар қандай инвестор ва кредитор ёки бошқа қарз берувчи бирор корхонага ресурслар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Фойдаланувчиларнинг қандай қарор қабул қилишлари қилинган инвестиялардан кутилаётган дивидендлар, асосий қарз суммаси, фоиз тўловлари ёки бозор нархларининг ошиши кўринишидаги даромадга боғлиқ.

Бинобарин, фойдаланувчиларнинг мақсади улушли ва қарз инструментларини харид қилиш, сотиш ёки сақлаб туриш ҳамда кредитлар ва бошқа қарз турларини ажратиш ёки сўндириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилишдан иборат. Улар қарор қабул қилишдан олдин ўзлари инвестиция киритаётган тадбиркор тўғрисида молиявий ахборотга эга бўлиши лозим. Молиявий ахборот корхонанинг ўзи томонидан тайёрланади ва фойдаланувчиларга тақдим қилинади.

Шу сабабли Кенгаш молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ бўлган қоидалар, бухгалтерия ҳисоби стандартлари ва тартибларини уйғунлаштириш орқали ушбу масалаларни ижобий ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бунда албатта Концептуал асос муҳим роль ўйнайди. Хусусан, Концептуал асосда барча фойдаланувчиларнинг молиявий ахборотга бўлган талаблари бўйича юзага келган муаммо “озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши лозим” қоидасини қўллаш орқали ўз ечимини топган. Яъни корхона молиявий ахборотни тайёрлашда ҳар бир фойдаланувчи талабидан эмас, кўпчилик сондаги (аксарият) фойдаланувчиларнинг умумий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисобот тайёрлайди. Шу билан бирга, умумий ахборот эҳтиёжларига кўпроқ урғу бериш ҳисобот берувчи корхона томонидан асосий фойдаланувчиларнинг маълум бир гуруҳи учун фойдали бўлган қўшимча маълумот берилишига тўсқинлик яратмайди.

Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботнинг мақсади – ҳисобот берувчи корхонага ресурсларни ажратиш бўйича қарорларни қабул қилишда мавжуд ва потенциал инвесторлар, кредиторлар ва бошқа қарз берувчи ташкилотлар учун фойдали бўлган ушбу корхона тўғрисидаги молиявий ахборотни тақдим қилишдан иборат*. Шунинг учун ҳам умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботнинг мақсади Концептуал асоснинг ўзагини ташкил этади, унинг қолган бошқа масалалари, жумладан ҳисобот берувчи корхона концепцияси, фойдали молиявий ахборотнинг сифат хусусиятлари ва чекловлари, молиявий ҳисоботнинг элементлари, уларни тан олиш, баҳолаш, тақдим этиш ва очиб бериш тамойиллари шу мақсаддан мантиқан келиб чиқади.

Умумий қилиб олганда, молиявий ҳисоботнинг мақсади фойдаланувчига иқтисодий қарор қабул қилиш учун зарур бўлган молиявий ахборот тақдим қилишдан иборат. Агар МҲХС -1 “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботни тақдим этишга нисбатан умумий талабларни, уларнинг тузилишига оид кўрсатмаларни ҳамда уларнинг мазмунига доир минимал талабларни ўрнатган бўлса. Концептуал асос эса молиявий ҳисоботнинг мақсадини белгилайди.

Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот ҳисобот берувчи корхонанинг қийматини аниқлаш учун мўлжалланмаган, аммо улар мавжуд ва потенциал инвесторлар, кредиторлар ва бошқа қарз берувчи ташкилотларга ҳисобот берувчи корхонанинг қийматини баҳолаш учун ёрдам берадиган маълумотларни ўзида

мужассамлаштиради. Табиийки, молиявий ҳисоботда мазкур маълумотлар ўз аксини топиши лозим.

Биз юқорида Кенгаш корхона томонидан фойдаланувчиларга (асосий фойдаланувчиларга) умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот тақдим қилиш лозимлигини белгиланганлиги тўғрисида айтиб ўтдик. Айни пайтда Концептуал асос мазкур молиявий ҳисобот ёки корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ахборот қандай ахборотларга эга бўлиши лозимлиги тўғрисидаги саволларга ҳам жавоб беради.

Кенгаш молиявий ҳисобот икки хил турдаги ахборотдан иборат бўлиши шартлиги, яъни:

- корхонанинг иқтисодий ресурслари ва унга бўлган талаблар тўғрисидаги;
- корхонанинг иқтисодий ресурслари ва унга бўлган талаблардаги ўзгаришларни келтириб чиқарадиган операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг таъсири тўғрисида қарорга келган.

Иккала турдаги ахборот ҳам фойдаланувчилар томонидан корхонага ресурслар ажратиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш учун фойдали бўлган маълумотлар сирасига киради.

1-жадвал.

Молиявий ҳисоботнинг ахборот унсурлари*

Корхона иқтисодий ресурслари (активлари) тўғрисидаги ахборот	Корхонага бўлган талаблар (мажбуриятлар) тўғрисидаги ахборот	Корхонанинг иқтисодий ресурслари ва унга бўлган талабларидаги ўзгаришларни келтириб чиқарадиган муома ва бошқа ҳодисаларнинг таъсири тўғрисида ахборот
Концепцуал асосда ушбу ахборот “иқтисодий ҳодиса” (the economic phenomena) тўғрисидаги ахборот деб аталади		

* Муаллиф томонидан тузилган.

Иқтисодий ресурслар ва унга бўлган талаблар: Ҳар қандай иқтисодий субъектнинг молиявий ҳолатини унинг ресурслари, унга бўлган талаблар ҳамда унинг соф пул оқимларининг мавжудлиги белгилаб беради. Бинобарин, ҳисобот берувчи корхонанинг иқтисодий ресурслари ва унга бўлган талабларнинг хусусияти ва кўлами тўғрисидаги ахборот фойдаланувчиларга ушбу ҳисобот берувчи корхонанинг молиявий жиҳатдан кучли ва заиф томонларини аниқлашга ёрдам беради. Иқтисодий ресурслар ва талаблардаги ўзгаришлар: тўғри, ҳар қандай иқтисодий субъектнинг молиявий ҳолати унинг ресурслари, унга бўлган талаблар ҳамда унинг соф пул оқимларининг мавжудлигига боғлиқдир. Бундай ўзгаришлар ушбу корхона эришган молиявий натижаси ва қарз ёки улушли инструментларни чиқариш каби бошқа операция ва ҳодисалар таъсирида пайдо бўлади. Ҳисобот берувчи корхонанинг келгуси пул оқимларидан даромад олиш истиқболини тўғри баҳолаш учун фойдаланувчилар бу иккала турдаги ўзгаришларни фарқлай олиши керак.

Ҳисобот берувчи корхонанинг молиявий натижалари тўғрисидаги маълумот фойдаланувчиларга ушбу корхонанинг иқтисодий ресурслари қанча фойда келтирганини тушунишга ёрдам беради. Бу эса, ўз ўрнида, корхонанинг ресурсларини оқилона ва самарали ишлатишда раҳбарият ўз вазифаларини қанчалик даражада уддалаганлигидан далолат беради. Ушбу фойданинг ўзгарувчанлиги ва таркибий қисмлари ҳақидаги ахборот келгусидаги пул оқимларининг ноаниқлигини баҳолашда ҳам айниқса муҳимдир.

Биз юқорида ҳисобот берувчи корхонанинг иқтисодий ресурслари ва уларга бўлган талабларига молиявий натижаларнинг таъсири оқибатларига шарҳ бердик. Бироқ ҳисобот берувчи корхонанинг иқтисодий ресурслари ва уларга бўлган талаблари молиявий натижаларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, масалан, капиталда иштирок этиш учун қўшимча эгалик ҳуқуқини берувчи акцияларни чиқариш натижасида ҳам ўзгариши

мумкин. Бундай турдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборот ҳисобот берувчи корхонанинг иқтисодий ресурслари ва унга бўлган талаб нима сабабга кўра ўзгарганлиги ва бундай ўзгаришнинг келгуси молиявий натижага таъсирини фойдаланувчилар тўлиқ тушуниши учун зарур.

1-чизма.

Молиявий ҳисоботда тақдим қилиниши лозим бўлган ахборот тизими*

*Муаллиф томонидан тузилган.

Молиявий ҳисобот аниқ тавсифга эмас, аксарият ҳолларда тахминий баҳолаш, мулоҳаза ва моделларга асосланади. Концептуал асос ушбу тахминий баҳолаш, мулоҳаза ва моделлар учун асос бўладиган қоидаларни белгилайди. Мазкур қоидалар Кенгаш ва молиявий ҳисоботни тайёрлайдиган корхоналар интиладиган мақсадларни ифодалайди.

Молиявий ҳисобот аниқ тавсифга эмас, аксарият ҳолларда тахминий баҳолаш, мулоҳаза ва моделларга асосланади. Концептуал асос ушбу тахминий баҳолаш, мулоҳаза ва моделлар учун асос бўладиган қоидаларни белгилайди. Мазкур қоидалар Кенгаш ва молиявий ҳисоботни тайёрлайдиган корхоналар интиладиган мақсадларни ифодалайди. Кўпчилик мақсад каби, Концептуал асос идеал даражадаги молиявий ҳисоботга тўлиқ эришиш эҳтимолидан узоқ, айниқса қисқа муддатда эришиб бўлмайди, чунки операция ва бошқа ҳодисаларни таҳлил қилишнинг янги усулларини тушуниш, қабул қилиш ва қўллаш учун вақт талаб этилади. Шунга қарамасдан, молиявий ҳисоботнинг фойдалилигини ошириш томон ривожланишга бўлган интилишда зарур бўлган мақсадни белгилаш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Шуни қайд этиш жоизки, мазкур Концептуал асос – бу МҲХС ҳужжати эмасдир ва шунинг учун баҳолаш ёки маълумотни очиб беришга доир ҳар қандай масала бўйича стандартни белгиламайди. Ушбу Концептуал асосдаги ҳеч бир қоида ҳар қандай алоҳида МҲХСда белгиланган қоидалардан устун бўла олмайди. Айрим ҳолларда Концептуал асос ва МҲХС ўртасида зиддият бўлиши мумкин. Бунда МҲХС талаблари Концептуал асосда келтирилган талаблардан устун туради.

Шу билан бирга Концептуал асос расмий ҳужжат ҳисобланиши ва у ўзининг назарий ва амалий мақсадларига эга эканлигига эътибор қаратмоқчимиз. Хусусан, агар стандартларда аниқ қоидалар мавжуд бўлмаган ҳолларда МҲХСда белгиланганидек, ундан корхона “Ҳисоб сиёсатини” танлашда фойдаланиш мумкин.

Хулоса

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Концепция молиявий ҳисобот тайёрлашнинг ҳозирги амалдаги тамойилларни баҳолаш ва уни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. У фойдаланувчиларга қарор қабул қилиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисоботда айнан қандай ҳодисалар ҳисобга олиниши, улар қандай баҳоланиши ва ахборот қандай тартибда тақдим қилинишини белгилайдиган назарий асосдир. Концептуал асос молиявий ҳисобот тақдим қилишнинг назарий асосларини амалиётда қўллаш масалалари билан қиёсий таҳлил қилиш натижасида олинган ечимларнинг қанчалик самаралигини аниқлаш имкониятларини яратади. Бугунги кунда ягона Концептуал асос лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Демак, Концептуал асосга кўра, молиявий ҳисоботнинг мақсади бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги унинг фаолиятини молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни тақдим этишдан иборат бўлиб, фикримизча, молиявий ҳисобот иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчиларга зарур бўлган барча ахборотни ўз ичига олиш имконияти йўқ, сабаби ҳисобот асосан аввалги воқеаларнинг натижаларини акс эттирадиган ҳужжат ҳисобланади. Концептуал асосга мувофиқ, молиявий ҳисоботларни тузишнинг ахборотлари қуйидагилар ҳолатлар учун:

-тадбиркорлик субъектларига жалб қилинаётган инвестициялар ҳамда кредитларни бериш бўйича қарорларни қабул қилишда;

-тадбиркорлик субъектининг келгуси пул оқимини (харакатини) баҳолашда;

-тадбиркорлик субъектидаги ресурс ва мажбуриятларни баҳолашда;

-тадбиркорлик субъектлари бошқарув органлари фаолиятини ва уларнинг ишини баҳолашда муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни. 2016. 13 апрель.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016. 404 – сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. https://lex.uz/docs/4746047.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097- сон Фармони. 2020 йил 29 октябр.

4. Каримов А.А., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Имамова Н. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари: дарслик. – Тошкент: Iqtisod-moliya, 2021. – 975 б.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҚАМЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Шадиева Дилдора Хамидовна

Иқтисодиёт фанлари
PhD, ТДИУ докторанти

Аннотация: мазкур мақолада рақамлаштириш жараёнларининг банк соҳасига бевосита ва билвосита таъсири тадқиқ этилган. Тижорат банкларининг йиллик соф фойдаси турли омиллар билан корреляцион боғланиши ўрганилган, соҳани рақамлаштириш жараёнларидаги асосий муаммолар аниқланган ҳамда муаллиф томонидан тегишли хулосалар чиқарилган.

Калитли сўзлар: тижорат банклари, масофавий хизматлар, рақамлаштириш, банк тизими, рақамли хизматлар, мобил банкинг, рақамли трансформация.

ЗНАЧЕНИЕ ПРОЦЕССОВ ЦИФРОВИЗАЦИИ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Шадиева Дилдора Хамидовна

Экономические науки
PhD, докторант ТГЭУ

Аннотация: в данной статье рассмотрены прямое и косвенное влияние процессов цифровизации на банковский сектор. Изучена корреляционная взаимосвязь чистой годовой прибыли коммерческих банков с различными факторами, автором выявлены основные проблемы, возникающие в процессе цифровизации сферы, и сформулированы соответствующие выводы.

Ключевые слова: коммерческие банки, дистанционные услуги, цифровизация, банковская система, цифровые услуги, мобильный банкинг, цифровая трансформация.

IMPORTANCE OF DIGITALIZATION PROCESSES IN THE COMMERCIAL BANKS

Shadiyeva Dildora Khamidovna

Economical science
PhD, researcher of TSUE

Abstract: the direct and indirect impact of digitalization processes on the banking sector were explored in this article. The correlation relationship of the net annual profit of commercial banks with various factors was studied, the author identified the main problems in the process of digitalization of the sphere and formulated the corresponding conclusions.

Key words: commercial banks, remote services, digitalization, banking system, digital

services, mobile banking, digital transformation.

Кириш

Сўнги йилларда рақамлаштириш жараёнлари хаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бугунги кунда уйдан чиқмай туриб янги қонунларга таклифлар киритиш, фарзандларни мактабгача таълим муассасасига навбатга қўйиш, жарима тўлаш, интернет дўконларидан товар харид қилиш имкониятига эгамиз. Айниқса рақамлаштириш жараёнлари миллионлаб мижозларга эга соҳалар – банк тизими, алоқа, транспорт ва савдо тармоқларига фаол кириб келмоқда. Анъанавий банк операцияси ҳисобланган омонат очиш, кредит олиш, коммунал тўловларни амалга ошириш, пул кўчириш каби амалларни аҳолимиз бугун мобил телефон орқали тезда амалга ошириши мумкин. Хозирги кунда бунинг учун банк офисига ташриф буюриш шарт эмас.

Жаҳонда рақамлаштиришга оид турли давлат дастурлари қабул қилинган бўлиб, уларга мисол сифатида Германиянинг “Industrie 4.0”, Япониянинг Smart Japan ICT Strategy, Хитойнинг “Internet Plus”, Европа Иттифоқининг “Digital Europe” дастурларини келтириш мумкин. Мамлакатимизда қабул қилинган «Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясида электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимини ривожлантириш мақсадида “тижорат банклари томонидан мижозларга масофавий банк хизматлари (интернет-банкинг, банк-мижоз, смс-банкинг ва бошқалар), шу жумладан, мобил иловалар орқали хизмат кўрсатиш кўламини ва сифатини ошириш” [1] вазифаси белгиланган. Банк соҳасидаги рақамлаштириш жараёнлари мижозларнинг вақти ва йўл харажатлари, банкдаги навбатларни қисқартириб, аҳоли томонидан ижобий баҳоланмоқда. Аммо рақамлаштиришга кетган харажатлар банкларга қандай таъсир кўрсатиши, уларнинг молиявий кўрсаткичлари қай даражада ўзгариши тадқиқот объекти сифатида тўлиқ ўрганилмаган. Шунинг учун банк соҳасига рақамлаштириш жараёнларининг таъсирини ўрганиш ҳам илмий-назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга замонавий долзарб масала ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Банк соҳасида рақамлаштириш жараёнларининг турли жиҳатлари хорижий олимлар Р.Хаффар, М.Абрамова, О.Лаврушин, П.Роуз, А.Саркисянц, Дж.Синки, О.Семенюта, В.Мазнякларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Р.Хаффарнинг фикрига кўра банкларнинг рақамли трансформацияси “бу нафақат мижозлар билан ишлашда рақамли технологияларни қўллаш демакдир, балки банклар фаолиятидаги ички жараёнлардан тортиб мижозлар билан мулоқотгача бўлган фундаментал ўзгаришларни ўз ичига оладиган жараён ҳисобланади” [2].

Хорижий ҳамда маҳаллий олимлар ўртасида рақамлаштириш жараёнлари банк фаолиятига таъсири бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, махаллий олимлардан А.Маматовнинг илмий ишларида “анъанавий банк хизматларини рақамлаштириш орқали янги филиалларда маҳсулот ва хизматларни сотиш нархини 40-60 фоизга камайтириш имкони” [3] хақида айтилган бўлса. З.Рахмановнинг фикрига кўра “тижорат банклари фаолиятининг барча йўналишларини рақамлаштириш жараёнлари стратегик ривожланиш нуқтаи-назаридан мавжуд бўлган тизимли муаммоларни тўлиқ бартараф этиш имконини бермайди”, шунигдек “тижорат банклари фаолиятига жорий этилаётган рақамли молиявий технологиялар банк операцияларини амалга ошириш тезлигига ижобий таъсир этса-да, улар мижозларнинг талаби ва тўловга қобиллик даражасига мувофиқ эканлиги, яъни сифатини тўлиқ таъминламайди” деб таъкидланган [4].

Б.Набиев тадқиқотларида эса “Банк секторида рақамлаштириш орқали банк рискларини камайтириш ва кредит ташкилотлари фаолиятида инновацион маҳсулотларнинг ижобий таъсирини ошириш учун рақамли технологияларни босқичма-босқич жорий этиш, тегишли тармоқларни ўзлаштириш, маҳсулотни такомиллаштириш

тезлигини ошириш” тавсия этилган. [5]

Бундай фикрлар хилма-хиллиги алоҳида тадқиқот ўтказиш заруриятини келтириб чиқаради. Мазкур мақолада анализ ва синтез, индукция ва дедукция, корреляцион таҳлил усулларидан фойдаланилган. Маълумотларнинг асосий манбаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015-2023 йиллар учун статистик бюллетенидан фойдаланилган.

Муҳокама ва натижалар

2000-йилларнинг бошида мамлакатимиз аҳолисининг нақдсиз пул тўловларда фаоллиги паст бўлган. Кўпчилик инсонлар турли хизмат кўрсатиш ташкилотларида банк терминаллари сони чекланганлиги ёки йўқлиги туфайли пластик карта орқали тўловларни амалга оширишда қийинчиликларга дуч келганлар. Ҳудудларда банкоматлар сони жуда кам бўлиб, тижорат банкларида пластик картадан нақд пул ечиш амалиёти учун катта навбатлар хосил бўлган.

Ўтган нисбатан кичик вақт мобайнида Интернет тезлиги ва фойдаланувчилари сони кескин ортиши, мобил алоқа жадал суръатларда ривожланиши, фаол рақамлаштириш жараёнлари туфайли бундай муаммоларга чек қўйилди.

Ўзбекистонда 2018-2023 йилларда масофавий банк хизматларидан фойдаланаётган юридик шахслар сони 5 баробарга, жисмоний шахслар сони эса 6,8 баробарга ошган, яъни уларнинг сони таҳлил қилинаётган даврда 4,2 миллиондан 28,8 миллионга етган. Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу холат глобал миқёсда кузатилаётган трендга мос келиши, яъни анъанавий банк хизматлари рақамли банк хизматларига айланаётганидан далолат беради.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг айрим кўрсаткичлари динамикаси

Йиллар	Масофавий банк хизматларидан фойдаланаёт-ган юридик шахслар сони	Масофавий банк хизматларидан фойдаланаётган жисмоний шахслар сони	Муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони	Ўрнатилган тўлов терминаллари сони	Ўрнатилган банкомат ва инфо киосклар сони	Тижорат банкларининг йиллик соф фойдаси, млрд. сўм
2018	227879	4225361	19 225 702	235 712	5632	1 881
2019	359770	7599337	17 686 598	244 913	6859	3 200
2020	691008	9462450	20 547 366	392 361	9203	4 681
2021	822518	13748576	25 775 662	438 410	11800	5 642
2022	974141	19265610	27 105 785	433 384	12 940	3 885
2023	1157045	28843869	34 195 648	434 018	20 379	9 993

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2018-2023 йиллар учун статистик бюллетени.

1-жадвалдан кўриниб турганидай, муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2023 йилда уларнинг сони 2018 йилга нисбатан 178 фоизга ортган. Ўрнатилган тўлов терминаллар сони 2018 йилда 235,7 мингдан 2023 йилда 434 мингача, яъни 1,84 баробар кўпайган, ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони эса 3,6 баробар ўсган.

Ушбу кўрсаткичлар тижорат банкларининг соф фойдасига қай даражада таъсир этганини тадқиқ этиш учун улар ўртасидаги корреляцион боғланиш зичлигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Натижавий белги сифатида тижорат банкларининг 2018-2023 йилларда олинган соф йиллик фойдаси, омиллар сифатида эса - масофавий хизматлардан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар сони, муомалага чиқарилган банк пластик

карталари сони, ўрнатилган банк терминаллари ҳамда банкомат ва инфо киосклар сони каби кўрсаткичлар хизмат қилади.

2-жадвал

Омиллар ўртасидаги корреляцион боғланиш

	Y	X_1	X_2	X_3	X_4	X_5
Соф фойда, млрд. сўм (Y)	1.00					
Масофавий хизматлардан фойдаланувчи юридик шахслар сони (X_1)	0.83	1.00				
Масофавий хизматлардан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони (X_2)	0.88	0.94	1.00			
Муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони (X_3)	0.87	0.92	0.97	1.00		
Ўрнатилган терминаллар сони (X_4)	0.68	0.93	0.75	0.78	1.00	
Ўрнатилган банкомат ва инфо киосклар сони (X_5)	0.94	0.93	0.99	0.98	0.77	1.00

Манба: муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

2-жадвал маълумотларини таҳлил қилсак, натижавий омилга энг катта, бевосита таъсирни ўрнатилган банкомат ва инфо киосклар сони (корреляция коэффициенти 0,94га тенг), масофавий хизматлардан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони (0,88), шунингдек муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони (0,87) кўрсатади. Омиллар ўртасида ҳам зич боғланиш борлигини кўришимиз мумкин, улар ўртасида корреляция коэффициенти 0,77дан юқори кўрсаткични намойиш қилмоқда.

Банкомат, терминал, банк пластик карталари оммалашувидан ташқари республикамиз банк тизимида тўлиқ рақамли банклар ўз фаолиятини бошлади (Анорбанк, TBC банк). Мисол учун, TBC банк 2024 йил биринчи чорак натижаларига асосан микроқарзлар бозорида 15 фоизлик улушга эга бўлди. Ушбу банкнинг соф фойдаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробарга ошди ва 7 млн. долларни ташкил этди. Бугунги кунда мазкур банк хизматларидан 14,6 млн. аҳоли фойдаланган. [6] Ушбу кўрсаткичлар рақамли банкларнинг ривожланиш салоҳияти ва бозор эҳтиёжларига мослигидан далолат беради.

Шунингдек банк хизматлари бозорида мижозларнинг масофадан рақамли идентификацияси, мобил иловалар жорий этилиши, уларда банк хизматларидан ташқари инвестицион онлайн хизматлар, брокерлик хизматлари, болалар банкинги, саволларга жавоб берувчи турли чат-ботлар – буларнинг барчаси банк маҳсулотлари масофавий банк хизматларига айланишидан далолат бермоқда.

Банк соҳасини рақамлаштириш суръатларига банкларнинг ушбу жараёнларга харажатлари миқдори чекланганлиги, мамлакатимизда рақамли технологияларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва техник кўмаклашиш бўйича юқори малакали ходимларнинг етишмаслиги, рақамли технологияларни жорий этишда кибер рисклар даражаси юқорилиги сезиларли таъсир кўрсатади. Банк соҳасини рақамлаштириш давлат миқёсида босқичма-босқич амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз, бунда банк ходимлари ҳам, мижозлар ҳам ҳам бундай инновацион ечимларга тайёр бўлишлари керак. Бу жараёнда нафақат янги технологияларни қўллаш, балки мавжуд рақамли технологияларни такомиллаштириш ишларидан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса

Тадқиқот натижасида рақамлаштириш жараёнлари банк тизимига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиши аниқланди. Бевосита таъсири масофавий хизматлар турлари ва фойдаланувчилари сони, мобил банкинг ҳажми ошиши банкларнинг соф фойдаси миқдорига ижобий таъсирида намоён бўлмоқда. Билвосита таъсири эса рақамлаштиришга оид сай-харакатлар рақобат устунлиги бериши, операциялар тезлиги ошиши ва мижозлар сони ортишида ўз аксини топади.

Рақамлаштириш жараёнлари банк фаолиятига салбий таъсир ҳам этиши мумкин. Бундай холат дастурлар ва иловалар фаолиятида узилишлар, хатоликлар рўй бериб, мижозлар ушбу муассасага нисбатан ишончи пасайиши, бошқа банкларга ўтиб кетиши билан кузатилиши мумкин. Шунинг учун рақамлаштиришда институционал нуқтаи назардан иловалар яратишда, ахборот тизимларни жорий этишда бой тажрибага эга профессионал иштирокчиларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. [7] Натижада рақамлаштиришга кетган харажатлар амалга оширилган операциялар, масофавий транзакциялар ҳисобига қопланади.

Рақамлаштиришнинг аҳамияти яқин келажакда глобал миқёсда ҳам, миллий иқтисодиётда ҳам фақат ўсиб боради. Буни маълумотлар ҳажми ўсиб бориши, тижорат банклари билан бир қаторда тўлов тизимлари банкларга хос операцияларни бажариши, рақобат кескинлашиши билан асослаш мумкин. Замон талабига мослашмаган банклар рақобат курашида енгил бўлишлари эҳтимоли мавжуд. Рақамлаштириш стратегияси, чора-тадбирлар режаси, тажрибали ҳамкорларни аниқлаган ва амалга оширган банкларда самарадорлик кўрсаткичлари ошишига замин яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон ««Рақамли Ўзбекистон-2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. https://lex.uz/docs/5030957.

2. https://www.newmetrics.net/insights/digital-transformation-in-banks-impact-and-roadmap/

3. Маматов А.А. Банк тизимини рақамлаштириш жараёнида банк инновацияларини такомиллаштириш// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2023 йил № 3, 430-440 б.

4. Рахманов З.Я. Тижорат банклари фаолиятида трансформацион жараёнларнинг концептуал асосларини такомиллаштириш: стратегик ва тактик ёндошув// Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали, 2023 йил № 3, 12-22 б.

5. Набиев Б.К. Тижорат банклари даромадига таъсир этувчи молиявий рискларни баҳолашда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг самарали усуллари: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати, Т. – 2023 йил, 25 б.

6. https://www.gazeta.uz/ru/2024/05/11/tbc/ сайт маълумотлари.

7. M.Raimjanova, D.Shadiyeva, L.Zoyirov, R.Saidov, M.Askarova. Digitalization of the economy in the geography of the Republic of Uzbekistan// E3S Web of Conferences 244, 10044 (2021) XXII International Scientific Conference Energy Management of Municipal Facilities and Sustainable Energy Technologies, Volume 244, 2021, p. 1-7.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АКТИВЛАР СИФТИНИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ЗАХИРАЛАР ШАКЛЛАНТИРИШ ХАМДА ХИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Абдусатторов Акмалжон Шокиржон ўғли

Банк молия академияси магистранти

ORCID: 0000-0002-8207-127X

Аннотация. *Ушбу мақолада тижорат банклари фаолиятида активлар сифатини баҳолаш, уларнинг тузилиши ва молиявий барқарорликка таъсири муҳокама қилинган. Муаллиф томонидан активлар таркибидаги хатарли активларни аниқлаш ва уларни таснифлаш усуллари, шунингдек, бундай активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш мақсадида захиралар шакллантириш механизмлари таҳлил этилган. Мақолада банкларда захиралар ҳисобини юритишнинг амалдаги тартиби, халқаро стандартлар ва миллий меъёрлар билан қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, захиралар шакллантиришни такомиллаштириш, банк хавфларини камайтириш, ҳисоб юритишнинг аниқлиги ва шаффофлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган. Мазкур тадқиқот тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим амалий аҳамиятга эга.*

Калит сўзлар: *Тижорат банклари, банк активлари, активлар сифати, молиявий барқарорлик, носоз активлар, захиралар шакллантириш, эҳтимолий йўқотишлар, резервлар ҳисоботи, қарз портфели, хатарли активлар, хисоб сиёсати, халқаро молиявий стандартлар (ifrs), миллий бухгалтерия стандартлари, кредит хатарлари, банк назорати, таснифлаш мезонлари, активлар.*

ФОРМИРОВАНИЕ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КАЧЕСТВА АКТИВОВ И РЕЗЕРВОВ ПО НИМ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Абдусатторову Акмалжону Шокирджон угли

Магистрант Банковско-финансовой академии

ORCID: 0000-0002-8207-127X

Аннотация. *В статье рассматриваются вопросы оценки качества активов коммерческих банков, их структуры и влияния на финансовую устойчивость. Проанализированы методы выявления и классификации рисковых активов в активах, а также механизмы формирования резервов для компенсации возможных потерь по таким активам. В статье проведен сравнительный анализ действующего порядка ведения резервных счетов в банках в сравнении с международными стандартами и национальными нормативами, а также сформулированы предложения и рекомендации по совершенствованию формирования резервов, снижению банковских рисков, повышению достоверности и прозрачности бухгалтерского учета. Данное исследование имеет важное практическое значение для обеспечения финансовой устойчивости коммерческих банков.*

Ключевые слова: *Коммерческие банки, банковские активы, качество активов, финансовая устойчивость, обесцененные активы, резервирование, потенциальные потери, отчетность по резервированию, кредитный портфель, рисковые активы, учетная политика, международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), национальные стандарты*

бухгалтерского учета, кредитные риски, банковский надзор, критерии классификации, активы.

FORMATION AND IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF ASSETS AND RESERVES FOR THEM IN COMMERCIAL BANKS

Abdusattorov Akmaljon Shokirjon ugli
Master’s student of the Banking and Finance Academy
ORCID: 0000-0002-8207-127X

Annotation. *The article examines the issues of assessing the quality of commercial banks’ assets, their structure and impact on financial stability. The methods of identifying and classifying risky assets in assets, as well as the mechanisms for forming reserves to compensate for possible losses on such assets are analyzed. The article provides a comparative analysis of the current procedure for maintaining reserve accounts in banks in comparison with international standards and national regulations, and also formulates proposals and recommendations for improving the formation of reserves, reducing banking risks, increasing the reliability and transparency of accounting. This study has important practical significance for ensuring the financial stability of commercial banks.*

Key words: *Commercial banks, banking assets, asset quality, financial stability, impaired assets, reserves, potential losses, reserve reporting, loan portfolio, risky assets, accounting policy, international financial reporting standards (IFRS), national accounting standards, credit risks, banking supervision, classification criteria, assets.*

Кириш. Замонавий молиявий тизимда тижорат банкларининг барқарор фаолияти иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Банк секторидаги барқарорлик эса, энг аввало, уларнинг активлар сифатини самарали бошқариш, хатар даражасини аниқ баҳолаш ва эҳтимолий йўқотишлар учун етарли даражада захиралар шакллантириш орқали таъминланади. Хусусан, халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган мамлакатлар банк тизимида активларни таснифлаш, улар бўйича эҳтиёт захиралар яратиш ва ҳисоб юритишнинг аниқ ва шаффоф механизми яратиб берилган.

Масалан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония каби ривожланган давлатлар банк амалиётида Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (IFRS) ва Базель келишувлари асосида активларни баҳолаш ва захиралар шакллантириш тизими жорий этилган. Бу стандартлар активлар билан боғлиқ таваккалчиликларни олдиндан аниқлаш, банклар фаолиятини тўлиқ ва ишончли акс эттирувчи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш имконини беради. Шу билан бирга, банк назорати органлари томонидан талаб қилинадиган капитал адекватлиги ва хатарларга нисбатан барқарорлик даражаси ҳам юқори савияда таъминланади.

Мазкур мақолада ривожланган мамлакатлар мисолида тижорат банклари активлар сифатини баҳолаш, захиралар шакллантириш ва ҳисоб юритиш амалиёти ўрганилади. Шунингдек, мазкур тажрибаларни таҳлил қилиш орқали банк фаолияти самарадорлигини ошириш, таваккалчиликни камайтириш ва молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кэнг кўламли иқтисодий ислоҳотлар жараёнида банк-молия тизимини ривожлантириш, унинг барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш устувор вазифалардан

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

бири сифатида белгиланган. Айниқса, тижорат банклари фаолиятини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, молиявий ҳисоботларнинг аниқлиги ва шаффофлигини таъминлаш орқали инвестицион жозибадорликни оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашда активлар сифати муҳим аҳамиятга эга. Чунки банк балансининг асосий қисми бўлган активлар таркиби ва уларнинг ҳолати банкнинг ликвидлиги, таваккалчилик даражаси ҳамда даромаддорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Носоз (хавфли) активлар улушининг ортиши банк фаолиятини издан чиқариши, молиявий йўқотишларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли, банклар ўз активларини мунтазам таҳлил қилиб бориши, улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун зарур захираларни шакллантириши талаб этилади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда банкларда активларни таснифлаш, улар бўйича эҳтиёт захиралар яратиш ва ҳисоб юритиш амалиётини халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (IFRS) мувофиқлаштириш бўйича қатор қадамлар қўйилди. Аммо амалиётда ҳанузгача муайян муаммолар ва ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Жумладан, захиралар шакллантиришда таваккалчиликларни тўғри баҳолаш, активлар сифатига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва ҳисоб юритишни автоматлаштириш билан боғлиқ камчиликлар қайд этилмоқда.

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мисолида активлар сифати, захиралар шакллантириш жараёни ҳамда уларни ҳисобга олиш амалиёти ўрганилади. Шунингдек, мавжуд муаммолар таҳлили ва уларни ҳал этиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Тижорат банкларида активлар сифатини баҳолаш ва улар бўйича захиралар (резервлар) шакллантириш масалалари халқаро молиявий амалиётда долзарб ва кэнг ўрганилган йўналишлардан бири ҳисобланади. Қуйида ушбу соҳадаги эътироф этилган хорижий адабиётлар шарҳи келтирилган:

1. "Financial Institutions Management" – Anthony Saunders, Marcia Millon Cornett. Бу китоб банклар фаолиятидаги таваккалчиликларни бошқариш, активлар сифати, ликвидлик ва захиралар шакллантириш жараёнларини тўлиқ қамраб олади. Муаллифлар активларнинг кредит хатарини баҳолаш ва эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни тўғри шакллантириш усулларини чуқур таҳлил қилган.

2. "Risk Management in Banking" – Joël Bessis. Асарда банк хатарлари, айниқса, кредит ва активлар билан боғлиқ хатарларни аниқлаш ва баҳолаш методологиялари келтирилган. Муаллиф захиралар (loan loss provisions)ни тўғри ҳисоблашнинг банк барқарорлигига таъсири ҳақида кэнг маълумот беради.

3. IFRS 9 — Financial Instruments (International Financial Reporting Standards). Бу халқаро молиявий ҳисобот стандарти банк активларини таснифлаш, баҳолаш ва эҳтимолий кредит йўқотишлар учун захиралар (expected credit loss model)ни шакллантириш бўйича асосий меъёр ҳисобланади. Кўпгина ривожланган давлатлар банклари айнан ушбу стандартга асосланган ҳисоб юритишни амалга оширадилар.

4. "Banking Regulation and Supervision: A Comparative Study" – Kenneth Spong (Federal Reserve Bank of Kansas City). Ушбу тадқиқотда АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатларда банк назорати, активлар сифати, капитал талаблари ва захиралар сиёсати қиёсий таҳлил қилинган. Захиралар шакллантиришда Базель келишувлари билан боғлиқ талаблар ҳам кўриб чиқилган.

5. "Loan Loss Provisioning and the Business Cycle: Does Regulatory Framework Matter?" – IMF Working Paper. Бу халқаро валюта жамғармаси (IMF)нинг илмий ишида

кредит йўқотишлар бўйича захиралар шакллантиришнинг иқтисодий цикллар давомидаги таъсири, турли мамлакатлар тартиботи ва стандартларига асосланган ҳолда қиёсий таҳлил қилинган.

Хорижий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, тижорат банкларида активлар сифати ва захиралар шакллантириш масаласи халқаро молия тизимида эътибор марказида турибди. Бу соҳада амалий моделлар, ҳисоб стандартлари (айниқса IFRS 9) ва назорат органлари кўрсатмалари асосий ўрин тутади. Ўзбекистон банк секторида ҳам бу тажрибаларни ўрганиш ва татбиқ қилиш орқали ҳисоб юритишни такомиллаштириш, хатарларни камайтириш ҳамда банклар барқарорлигини таъминлаш имкони мавжуд.

Ўзбекистонда молия ва банк соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар контекстида банк активларининг сифатини ошириш, кредит таваккалчиликларини тўғри баҳолаш ҳамда эҳтимолий йўқотишлар бўйича захиралар шакллантириш тизимини такомиллаштириш масалалари муҳим тадқиқот йўналишига айланган. Қуйида ушбу масала бўйича етакчи миллий олимлар ва мутахассислар томонидан ёзилган муҳим адабиётлар ва уларнинг мазмунига қисқача шарҳ келтирилган:

1. Абдуллаев И.А. – “Банк фаолиятида кредит рискларини бошқариш”

Муаллиф банкларда активларнинг хавфини баҳолаш ва уларни бартараф этиш механизмларини, хусусан, кредит бериш жараёнидаги ички назорат тизимларини чуқур таҳлил қилган. Захиралар шакллантиришда статистик моделлардан фойдаланиш ва рискларни баҳолаш мезонлари батафсил ёритилган.

2. Раҳимов Ш.М. – “Тижорат банклари фаолиятини оптималлаштиришда активлар сифатини ошириш йўллари”. Ушбу тадқиқотда активларнинг таснифи, уларнинг таваккалчилик даражалари, захиралар яратишнинг миллий амалиёти ва бу соҳадаги мавжуд муаммолар таҳлил этилган. Муаллиф шунингдек халқаро стандартлар (IFRS 9) билан миллий амалиётни қиёсий ўрганган.

3. Ёқубов Ф.Х. – “Банк назорати ва рискларни бошқаришда халқаро тажриба”. Муаллиф халқаро молиявий ташкилотлар талабларини таҳлил қилган ҳолда, Ўзбекистондаги банклар томонидан активлар сифатини баҳолаш ва улар бўйича захиралар шакллантириш соҳасидаги ислоҳотларни ўрганади. IFRS стандартларига ўтиш жараёнидаги муаммолар ва ечимлар ҳам ёритилган.

4. Қурбонов Т.Т. – “Банкларда молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида юритишнинг хусусиятлари”. Мақолада банкларда ҳисоб юритиш амалиёти, хусусан, активлар ва захиралар ҳисобини IFRS 9 стандартлари асосида ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган. Муаллиф халқаро ва миллий стандартлар ўртасидаги фарқлар, шунингдек, уларни интеграция қилиш йўлларини кўрсатиб ўтади.

5. Сафаров Н. ва Саломов Н. – “Коммерция банкларида активларни бошқариш стратегияси”. Ушбу асарда активлар сифатини баҳолашда стратегик ёндашув, активлар билан боғлиқ хатарларни диверсификация қилиш, шунингдек, юқори хатарли активлар бўйича етарли захиралар шакллантириш масалалари атрофлича таҳлил қилинган.

Ўзбекистон олимлари томонидан тижорат банкларида активлар сифати, таваккалчиликларни баҳолаш ва захиралар шакллантириш масалалари кэнг кўламда ўрганилган. Асарларда миллий банк амалиётининг хусусиятлари, мавжуд муаммолари ва уларни бартараф этиш бўйича илмий таклифлар баён этилган. Айниқса, халқаро ҳисобот стандартларига ўтиш жараёнидаги масалалар ва уларни амалий жорий этиш механизмлари долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида сифат ҳамда миқдорий усулларнинг турларидан кўпроқ фойдаланиш мақсад қилинган. Бунда бироз назарий усуллардан, яъни ғояларнинг тубида мавжуд бўлган анализ таҳлил ҳамда синтез, ўзаро солиштириш, абстрагсия қилиш ҳамда конкрет қилиш, бирлаштириш, умумий формага олиб келиш,

индуксия ҳамда дедуксия, аналогларини мисол қилиш, моделлаштириш ҳамда энг асосий експеримент каби усуллар ички боғланган ҳолда қўлланилади.

Мавжуд маълумотларни таҳлил этиш деганда биргаликда ўрганилиши лозим бўлган обектни бўлимларга бўлиб ўрганиш, энг муҳимлари, ўзига яраша томонларини, сифатларини қисмларга бўлиб олиш ифода етилади.

Ҳар қандай тадқиқотда таҳлил олиб бориш жараёнида ўрганилиши лозим бўлган масаланинг асосий қисмини баён этишни бошлайди ҳамда секин-секин бунинг таркиби, унинг хусусиятлари ҳамда унинг елементларини қисмларга бўлиб олишни бошлайди. Бизнинг ҳолатда ҳам худди шу жараён амалга оширилган бўлиб, унда тижорат банклари масофавий банк хизматларини жорий этиш бўйича жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон амалиёти таҳлил қилиниб, сўнг банкларнинг бу соҳадаги имкониятлари баҳоланади. Ушбу ҳолатлар Турон банки мисолида масофавий хизматларини янада такомиллаштиришда мавжуд тўсиқларни бартараф этиш имкониятини яратади.

Тадқиқот ишида синтез мисоллари ҳам келтирилган. Синтез жараёни дегани бу– суммалаштириш ҳисобланмайди, аксинча тушунгани ҳолида буларни умумлаштириш ҳисобланади. Биз агар бу ҳодисаларни бир-бирига умумлаштириб қўядиган бўлса, буларнинг орасида тизимли боғликлик вужудга келмаслигини кўришимиз мумкин ҳамда бунинг натижасида фақатгина хаотик фактлар мажмуасини келтириб чиқишини кузатишимиз мумкин.

Шунингдек тадқиқот ишини самарали оборишда ва ишдан кўзланган ҳамда қўйилган мақсадларга этишишида аниқ гипотезани белгилаймиз ҳамда буларнинг тўғри ёки аҳамиятсизлигини тепада келтириб ўтилган тадқиқот усуллар ёрдамида аниқлаштириб олинади.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда молиявий тизимни барқарорлаштиришда тижорат банклари фаолияти муҳим ўрин тутади. Банклар томонидан тақдим этилаётган кредитлар, инвестициялар ва бошқа молиявий воситаларнинг сифатли бўлиши, биринчи навбатда, банклар активлари структураси ва уларнинг қайтарилиш даражасига боғлиқ. Мавжуд муаммолар шундан иборатки. Кўпгина тижорат банкларида носифатли активлар улуши (NPL – non-performing loans) юқори бўлиб, бу банкнинг умумий молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Захиралар (резервлар)ни шакллантиришда ягона ва аниқ мезонларнинг йўқлиги, бу эса активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни аниқ баҳолашда қийинчилик туғдиради.

Баъзи ҳолларда захиралар камида ҳисобланади ёки кечиктириб шакллантирилади, бу эса ҳисоботда активлар сифати ҳақида нотўғри тасаввур уйғотади.

Ўзбекистон Республикасида “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун, шунингдек, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари асосида захираларни шакллантириш тизими мавжуд. Бироқ, бу тизимни халқаро стандартлар (IFRS 9, Basel III) билан тўлиқ уйғунлаштиришга эҳтиёж бор.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сўнгги йилларда банк тизимини либераллаштириш, активлар сифатини ошириш, стресс-тестлар ўтказиш ва носифатли активларни камайтириш чораларини кўрмоқда. Лекин бу жараён ҳали тўлиқ самара бергани йўқ.

Таклифлар шулардан иборат;

Активлар сифатини ошириш бўйича таклифлар:

Банклар томонидан тақдим этиладиган ҳар бир кредитга йўналтирилган кредит ско́ринг тизимини жорий этиш, бу орқали қарз олувчи фаолияти, тўлов қобилияти ва

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

рейтингини аниқ баҳолаш мумкин бўлади. Банклар балансидан носифатли активларни ажратиб, махсус “bad bank” ташкил қилиш, бу орқали асосий банк фаолиятини тозалаш. Захиралар шакллантириш ва ҳисобини такомиллаштириш, Захиралар шакллантиришда IFRS 9 (Expected Credit Loss) моделини босқичма-босқич жорий қилиш. Бу тизим кредитлар бўйича кутилаётган йўқотишларни олдиндан ҳисоблашга имкон беради. Банкларда захираларни шакллантириш учун автоматлаштирилган таҳлил дастурларини ишга тушириш ва уни Марказий банк талаблари билан интеграция қилиш. Ташки назорат ва ҳисобот тизимини кучайтириш: Марказий банк томонидан кварталлик асосда активлар сифати ва захиралар бўйича мониторинг ва таҳлил олиб бориш. Банклар ҳисоботларининг шаффофлиги ва аудитида халқаро ташкилотларнинг иштирокини таъминлаш. Кадрлар малакасини ошириш: Банк ходимлари учун халқаро стандартлар ва рискларни бошқариш бўйича малака ошириш курслари ташкил этиш. Захиралар ҳисоби ва активлар таҳлили соҳасида таҳлилчи ва ички аудиторлар тайёрлаш дастурларини ривожлантириш. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари фаолиятида активлар сифати ва захиралар шакллантириш тизими маълум даражада шаклланган бўлса-да, уни халқаро талаблар асосида такомиллаштириш, банклар барқарорлигини таъминлаш ва молиявий хатарларни камайтириш учун устувор йўналиш ҳисобланади. Юқорида келтирилган таклифлар амалиётга жорий этилса, бу молиявий секторни янада ишончли ва шаффоф ҳолга келтиришга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. Бугунги кунда Ўзбекистон тижорат банкларининг иқтисодий тизимдаги роли тобора ортиб бормоқда. Улар орқали иқтисодиётнинг турли тармоқларига сармоя жалб этилади, тадбиркорлик ривожлантирилади ва аҳоли молиявий хизматлар билан таъминланади. Шу сабабли банк активларини тўғри режалаштириш нафақат банк фаолияти, балки бутун иқтисодий барқарорлик учун муҳим аҳамиятга эга.

Активларни режалаштириш — банк балансидаги маблағларни мантиқий ва самарали тақсимлаш, турли соҳаларга инвестиция қилиш, кредитлар ажратиш, захиралар шакллантириш ва активларни ликвид ҳолда ушлаш стратегиясидир. Ўзбекистонда тижорат банклари активлари тузилиши (2024 йил мисолида).



1-расм. Тижорат банклари активлари тақсимоти.

Ушбу тузилиш банкларнинг асосий даромад манбаи кредитлар эканлигини кўрсатади. Бироқ юқори риск билан боғлиқ бўлган ҳолларда кредитлар диверсификацияси талаб этилади.

Активлар ўсиш динамикаси (2020–2024):

Йиллар бўйича барча активлар ҳажми йилма-йил ўсиб борган, 2020 йилда 300 трлн сўмдан, 2024 йилда 700 трлн сўмга етган.

Активларни режалаштиришдаги муаммолар қуйидагилардан иборат. Рискларни инобатга олмасдан йўналтириш — айрим банклар юқори рискли тармоқларга кўп маблағ ажратмоқда.

Диверсификациянинг етишмаслиги — активлар асосан фақат саноат ёки қурилиш соҳасига йўналтирилмоқда.

Долзарб маълумот етишмаслиги — айрим ҳолларда бозор таҳлили, кредит ско́ринг тизимлари яхши жорий этилмаган.

Режалаштириш стратегияси бўйича таклифлар;

1 Активлар портфелини диверсификация қилиш: қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат соҳалари бўйича,

2 Кредит ажратишда ско́ринг ва кредит тарихини баҳолаш тизимини кучайтириш,

3 Бозор таҳлиллари асосида йиллик активлар режасини шакллантириш,

4 Ликвидлик ва хатар таҳлилларини ҳисобга олган ҳолда захира режалаштириш,

5 Марказий банк билан мувофиқлашган ҳолда инвестиция стратегиясини амалга ошириш.

Ўзбекистон тижорат банкларида активларни самарали режалаштириш банкларнинг ликвидлигини таъминлаш, фойдадорликни ошириш ва хатарларни бошқаришда муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги ҳолатда кредитлар улушининг юқори бўлиши банк фаолиятини фаол кўрсатса-да, уни диверсификация қилиш, тўғри захира режалаштириш ва технологик асосланган таҳлиллардан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, банклар стратегик режалаштириш жараёнида миллий ва халқаро талаблар уйғунлигини таъминлаши зарур.

Бугунги глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банклари активларини самарали бошқариш уларнинг молиявий барқарорлиги ва даромаддорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Замонавий технологиялар, аналитик воситалар ва рақамли трансформация банк активлари тузилмасини тизимли таҳлил қилиш ва хатарларни бошқаришда ёрдам беради.

Замонавий бошқарув усуллари;

Тижорат банклари қуйидаги замонавий усуллар орқали активларини самарали бошқармоқда:

Рақамли трансформация – автоматлаштирилган платформалар орқали активлар таҳлили ва назорати.

Big Data ва AI (искуний интеллект) – кредит беришда қарздорлар таҳлили ва актив портфелига прогноз қилиш.

Risk-based Management – хатарларга асосланган бошқарув стратегияси.

Blockchain технологиялари – молиявий операцияларни шаффоф ва тезкор амалга ошириш.

Stress-testing – турли сценарийлар асосида активлар барқарорлигини баҳолаш.

1-жадвал.

Замонавий усулларнинг банкларда қўлланилиш даражаси.

Замонавий усуллар	Фойдаланиш даражаси (%)
Рақамли платформа	85%
Big Data/AI	70%
Хатарлар бошқаруви	90%
Blockchain	60%
Stress-test	75%

Тижорат банклари фаолиятида активлар самарадорлигини ошириш учун замонавий технологиялардан фойдаланиш зарур. Бу эса кредит портфелининг сифатини яхшилаш, хатарларни минималлаштириш ва мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш имконини беради. Айниқса, рақамли платформалар ва сунъий интеллект каби инновацион ёндашувлар келажакда банклар рақобатбардошлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармон.

2. Schär, Fabian. 2021. “Decentralized Finance: On Blockchain- and Smart Contract-Based Financial Markets.” Federal Reserve Bank of St. Louis Review 103 (2): 153-74. https://doi.org/10.20955/r.103.153-74;

3. Беч М., С. Боар, Д.Еидан, П.Ҳаене, Ҳ.Ҳолден анд W.Тоҳ. 2022. “Усинг СБДСс асросс Бордерс: Лессонс фром Прастисал Ехперименц.” БИС Инноватион Ҳуб, Банк фор Интернатионал Сеттлеменц, Басел.

4. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. – М: «Альпина Бизнес Букс», 2007. – С. 1018.

5. Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-го изд. - М.: «Дело Лтд», 1995. – С. 479.

6. Ш.З.Абдуллаева Банк иши. Дарслик. Т: «ИҚТИСОД-МОЛИЙА», 2017 й. 535-540 б.;

7. А.А.Омонов., М.Т.Қоралиев Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т. «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2014 й 118 б.;

8. М.М.Нуралиева. Електрон тижоратда молиявий хизматлар самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Достор оф Пҳилосопҳй) диссертасияси автореферати. Тошкент 2021.

9. Мамадияров З.Т. “Тижорат банкларида масофавий хизматларни ривожлантириш”. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (ПҲД) диссертасияси автореферати. Тошкент 2021.

10. www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида таёрланди.

11. https://www.worldbank.org

12. https://en.wikipedia.org/wiki/David_Chaum

13. www.sciencedirect.com//juniperresearch/press/digital-banking-users маълумотлари асосида таёрланди.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

БАНКЛАРНИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ БОШҚАРИШНИ АМАЛИЁТДАГИ УСУЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Сайфутдинов Бобур Нодирович

“Трастбанк” ХАБ Банк ликвидлилигини бошқариш бўлими бошлиғи доценти, PhD
Email:snb94@bk.ru,
https://orcid.org/0009-0004-9928-9269

Аннотация: *Мақолада Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришни амалиётдаги усулларининг ўзига хос жиҳатлари атрофлича ўрганилган ва маҳаллий банк амалиётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўзгариши бўйича тадқиқот амалга оширилган ва хулосалар шакллантирилган. Мавзуга доир хорижлик ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари, адаибиётлари атрофлича ўрганилди. Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришни амалиётдаги усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳозирги кундаги тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришни амалдаги ҳолати таҳлил этилган, тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришга таъсир этувчи омиллар таҳлили амалга оширилган, шунингдек, республикамиз Тижорат банклари ликвидлилигини бошқариш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Таянч сўзлар: *Ликвидлилик, тижорат банки, Марказий банк, банк ликвидлилиги, актив, мажбурият, депозит, риск, юқори ликвидли активлар, мажбурий захира сиёсати, валюта, очиқ бозор операциялари.*

PRACTICAL METHODS OF MANAGING BANK LIQUIDITY AND THEIR SPECIFIC ASPECTS

Saifutdinov Bobur Nodirovich

PJSB “Trustbank” on the liquidity of the bank head of the management department
Associate Professor, PhD
Email: snb94@bk.ru
https://orcid.org/0009-0004-9928-9269

Annotation: *The article comprehensively examines the specific aspects of practical methods of managing the liquidity of commercial banks in the Republic of Uzbekistan, conducts research on changes in socio-economic processes occurring in local banking practice, and formulates conclusions. The research and literature of foreign and domestic scientists on the topic were thoroughly studied. Practical methods of managing the liquidity of commercial banks and their features, the current state of liquidity management of commercial banks were analyzed, an analysis of the factors influencing the liquidity management of commercial banks was carried out, as well as problems related to the liquidity management of commercial banks in our republic were identified, and scientific proposals and practical recommendations aimed at solving them were developed.*

Key words: *Liquidity, commercial bank, Central bank, bank liquidity, asset, liability, deposit, risk, highly liquid assets, reserve policy, currency, open market operations.*

ПРАКТИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ УПРАВЛЕНИЯ ЛИКВИДНОСТЬЮ БАНКОВ И ИХ ОСОБЕННОСТИ

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Сайфутдинова Бобура Нодировича

ЧАБ “Трастбанк” ликвидность Банка
начальник отдела управления
доцент, PhD
Email: snb94@bk.ru,
https://orcid.org/0009-0004-9928-9269

Аннотация: *В статье подробно изучены специфические аспекты практических методов управления ликвидностью коммерческих банков в Республике Узбекистан, проведено исследование изменений социально-экономических процессов, происходящих в местной банковской практике, и сформулированы выводы. Подробно изучены исследования и литература зарубежных и отечественных ученых по данной теме. Проанализированы практические методы управления ликвидностью коммерческих банков и их особенности, современное состояние управления ликвидностью коммерческих банков, проведен анализ факторов, влияющих на управление ликвидностью коммерческих банков, а также выявлены проблемы, связанные с управлением ликвидностью коммерческих банков нашей республики, и разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на их решение.*

Ключевые слова: *Ликвидность, коммерческий банк, Центральный банк, банковская ликвидность, актив, обязательство, депозит, риск, высоколиквидные активы, политика обязательных резервов, валюта, операции на открытом рынке.*

Кириш

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш методологияси ва ҳуқуқий асослари тегишли қонунлар, фармонлар, қарорлар, низомлар ва меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиниб, мазкур қонунчлик ҳужжатлари халқаро ва маҳаллий банк амалиётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўзгариши ва бозор муносабатларнинг чуқурлашуви натижасида доимий равишда такомиллашиб боради.

Глобаллашув шароитида тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш методологияси ва ҳуқуқий асосларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, хусусан “Ўзбекистон республикаси Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Валютани тартибга солиш тўғрисида” ва “Тўлов тизими тўғрисида”ги қонунларнинг янгидан қабул қилиниб, ушбу қонунларда тижорат банклари фаолияти, хусусан уларнинг ликвидлилик масалалари алоҳида эътиборга олинган ҳолда қабул қилинди. Бундан ташқари, Марказий банк тижорат банкларининг ликвидлилигни қўллаб қувватлаш, уларнинг уларнинг ликвидлилик меъёрларига қўйилган талабларни хорижий ва маҳаллий молия ва истеъмол бозорларида юз бераётган жараёнлар асосида ўзгартириб борди.

Мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлилигини бошқариш ва уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда ва тегишли самарага ҳам эришилмоқда. Бироқ, бу борада ечимини кутаётган қатор долзарб масалалар сақланиб қолмоқда. Хусусан, Таъкидлаш жоизки, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистонда тижорат банкларининг актив операцияларини ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади. Бунинг учун эса «давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаш, хусусий банкларнинг улушини 2025 йилда жами банк активларининг 60 фоизига етказиш» каби вазифалар белгилаб берилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида банк назоратининг халқаро

принциплари доирасида тижорат банклари капиталининг етарлилиги, ликвидлилиги ва барқарорлиги бўйича талабларни бажариш вазифаси қўйилган [2].

Дарҳақиқат, 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистонда жами кредитларнинг ЯИМга нисбати сезиларли даражада ошиб, МДҲ ва даромади ўртадан пастроқ бўлган давлатлар даражасига етди. 2017–2020 йилларда Ўзбекистонда кредитлар ҳажми кескин ошиши ҳамда кредитларнинг ўсиш суръати ЯИМнинг ўсиш суръатидан юқори бўлди. 2021 йилда Ўзбекистонда жами кредитларнинг ЯИМга нисбати (44 фоиз) МДҲ давлатлари бўйича медиана кўрсаткичидан (30 фоиз) баланд бўлиб, унинг юқори даражаси сақланиб қолмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон қисқа вақт ичида жами кредитларнинг ЯИМга нисбати кўрсаткичи бўйича даромади ўртадан пастроқ бўлган давлатлар бўйича медиана кўрсаткичига етиб олди [3].

Буларнинг барчаси мамлакатимиз тижорат банклари ликвидлилигига бевосита ва билвосита таъсир этадиган омиллар ҳисобланиб, уни амалий ва назарий жиҳатдан самарли бошқариш нақадар долзарб ва зарур эканлигини белгилайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида маърузасида мамлакатимиз валюта бозорига ҳам тўхталиб ўтди: “Мана, валюта бозори эркинлашганига ҳам 3 йилдан ошди. Шу даврда эркин валюта айирбошлаш бўйича юртимизда етарли тажриба тўпланди. Энди иқтисодиётимизнинг хорижий валютага боғлиқлик даражасини босқичма-босқич камайтириш керак”. Шу мақсадда, келгуси йилда валюта кредитлари улушини ҳозирги 50 фоиздан 45 фоизга, яъни камида 2 миллиард долларга пасайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтдила [4].

Шу боис ҳам улар ўзларининг тижорат банклари фаолиятида нафақат рискларни минималлаштириш, балки ликвидлиликни ҳам тартибга солиш ва унинг даражасини етарли миқдорда сақлашга муҳим эътибор қаратилиши лозим. Тижорат банкларининг молиявий беқарорлиги, бошқа томондан рискли активлари (кредитлар, инвестициялар, воситачилик операциялари) ҳажмини ошириш орқали иқтисодиётни молиялаштириш каби масалалар илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этишни талаб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

“Глобаллашув” тушунчаси илк бора америкалик олимлар томонидан киритилган. Т.Левит “Бозорларнинг глобаллашуви” номли мақоласида глобаллашувни илгарилари тассаввур қилиб бўлмайдиган даражада кўп кўрсаткичларга эга бўлган истеъмол товарлари стандартлашиши учун глобал бозорлар пайдо бўлиши билан боғлиқ янги тижорат воқелиги деб атаган [5].

Калифорния университети профессори М.Кастельс глобал-лашув жараёнини “янги капиталистик иқтисодиёт” деб атаб, унда ахборот, билим ва ахборот технологиялари ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлик ўсишининг асосий манбаи эканлигини таъкидлайди [6].

Е.Жарковская таҳрири оситда нашр этилган адабиётда “ликвидлик – бу банкнинг ўз вақтида, тўлиқ ва минимал харажатлар эвазига мажбуриятини бажаришдир”[7], –деб таъриф берилган, биз муаллифнинг ўз вақтида ва тўлиқ деган фикрига қўшиламиз, чунки банк мижознинг талаби бўйича пул маблағлари ўтказиш ёки нақд пулга бўлган талабини у талаб қилган пайт, яъни шу куни бажариши жуда муҳим ҳисобланади. Банк буни бир соат, икки соат ёки 1-2 кунга кечктириб бажариши мумкин кечиктириб бажариши ҳам ликвидсизлик ҳолатига тушиб қолганлигини англатади.

Профессор А.Р.Алавердов: “Ликвидлилик – кредит муассасаси ўз зиммасига олган мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ҳисоб - китоб қила олиш имкониятидир”[8]. Бу таърифда эътиборли жиҳати, биз юқорида таъкидлаган “тўлиқ” деган ибора ишлатилмаган, шу жиҳатдан, бизнинг фикримизча банклар мижозлар олдидаги мажбуриятини тўлиқ бажарилиши муҳим ҳисобланади.

Профессор О.И.Лаврушин: “Банк ликвидлиги – унинг ўз вақтида ва кам сарфлар ҳисобига омонатчилар, кредиторлар ва бошқа мижозлар олдидаги мажбуриятини адо этишидир”[8]. Бу таърифда эътиборли жиҳати, биз юқорида таъкидлаган “тўлиқ” деган ибора ишлатилмаган, шу жиҳатдан, бизнинг фикримизча банклар мижозлар олдидаги мажбуриятини тўлиқ бажарилиши муҳим ҳисобланади.

Профессор А.Тавасиев: “Банк ликвидлиги – таҳлил жараёнида банк мижозлар ва турли контрагентлар олдида мажбуриятларини бажариш имконияти ва истагининг мавжудлигида намоён бўлади”[9]. Бизнинг фикримизча, ушбу таъриф бошқаларига нисбатан банкнинг ликвидлилик ҳолатини очиб беришга хизмат қила олмадйи, чунки “таҳлил жараёнида”, “имконияти ва истагининг мавжуд бўлиши” каби иборалар бу ерда ортиқча қўлланилган бўлиб, банк ликвидли бўлиши учун мажбуриятни тузлиқ ва талаб қилинган пайтда бажариши муҳим ҳисобланади. Банкнинг имконияти ва истагининг бор ёки йўқлиги мижоз ўз пулини талаб қилганда инобатга олинмайди, агар бажармаса у ликвидсизлик дея баҳоланиб, мижозларнинг банкка бўлган ишончи пасаяди, охир оқибат йўқолади, бунинг тавсилотлари эса бутун банк тизимига салбий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари, хусусан профессор Ш.Абдуллаева, ва профессор А.Омонов, и.ф.д. О.Саттаров, и.ф.д. А.Абдуллаев ва бошқа иқтисодчи олимлар ҳам банкларнинг ливидлилиги бўйича ўз муносабатлари ва нуқтаи назарларини билдирган, бироқ уларнинг барчасида банкларнин ликивилилиги айнан рақамли иқтисодиёт шароитида қандай бўлиши масаласи асосий объект сифатида қаралмаган.

Масалан Ш.Абдуллаева: “Ликвидлик атамаси сотиш, активларни пул маблағларига айлантиришнинг амалга оширилишини, яъни банкнинг Марказий банк ёки вакил банклардаги нақд пул маблағларидан оқилона фойдаланиш, ликвид активларини сотиш имконияти ва ҳ.к. ларни англатади.”[10], деб таъриф берган бўлса, А.Омонов ликвидликка: “Ликвидлик – бу банкнинг мижозлардан кутилган ва кутилмаган ҳолатларда молиявий ресурсларга бўлган талабни қондириш қобилиятидир”[11], -дея таъкидлайди.

Берилган таърифлардан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимлар банкларнинг тўлов қобилияти ва ликвидлилиги каби тушунчаларни эътироф этган ҳолда, уларга ўз ёндошувларини ифода этмоқда, бироқ, ушбу тушунчалар мазмун жиҳатидан бир-биридан жиддий фарқ қилмайди.

Тадқиқот методологияси

Республикамиз тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришни амалиётдаги усуллари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинди. Республикамизнинг йирик тижорат банкларининг ликвидлиликни бошқаришни амалиёти ва усуллари бўйича амалий маълумотлар тўпланди ҳамда таҳлил қилинди. Тўпланган маълумотлар асосида кузатиш ва иқтисодий таҳлилни қиёслаш, тизимли ёндашув ҳамда мантиқий ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Банк фаолиятининг молиявий воситачи сифатидаги хусусияти натижасида ликвидлилик энг муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида қаралади ва кредит муассасасининг нафақат жорий, балки истиқболдаги ҳолатини ҳам таснифлайди.Тижорат банклари томонидан ликвидлиликка алоҳида эътибор қаратилиши Марказий банк томонидан қўйилган қатъий талаблар билан ҳам изоҳланади. Ўрнатилган меъёрларнинг бажарилмаслиги банкка нисбатан жуда жиддий санкцияларнинг қўлланилишига сабабчи бўлиши мумкин.

Банк ликвидлилигини бошқаришнинг қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

– “маблағларнинг умумий фонди” усули;
– “маблағлар конверсияси” усули;
– “илмий бошқарув” усули;

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

– Марказий банк томонидан сўнгги босқичда кредитлаш усули.

Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришда “Маблағларнинг умумий фонди” усули орқали банкнинг барча бўш пул маблағлари ягона молиявий фондда жамланади ҳамда келгусида банкнинг актив операциялари режимида жойлаштирилишини назарда тутади. Алоҳида олинган операция турлари бўйича ўрнатилган ликвидлилик ва даромадлилик ўртасидаги нисбатдан ташқари, қандайдир махсус чекловлар ўрнатилмайди. Ушбу фонддан банкнинг исталган бизнес бўлинмаси операцияларни молиялаштириш манбаси сифатида фойдаланиши мумкин бўлади.

“Маблағларнинг умумий фонди” усулининг афзаллиги куйидагиларда намоён бўлади:

- ушбу усулни амалга оширишнинг методологик соддалиги, яъни маблағларни жалб қилиш ва жойлаштиришнинг қўшимча шартлари мавжуд эмаслиги;

- бошқарув қарорларини қабул қилишнинг тезкорлиги (оралиқ бошқарув масофаларининг мавжуд эмаслиги);

- даромад келтирмайдиган активларнинг кўпайиши хавфининг йўқлиги, яъни банк ихтиёридаги маблағлар банк хизматлари бозорининг бирор-бир сегментида талаб пайдо бўлиши билан дарҳол жойлаштирилиши мумкинлиги.



1-расм. Маблағларнинг умумий фонди усули ёрдамида банк ликвидлилигини бошқариш йўналишлари

Аммо “маблағларнинг умумий фонди” усулида тижорат банклари томонидан жалб қилинган маблағлари ва уларини жойлаштириш муддатларининг мос келмаслиги натижасида банкнинг жорий ликвидлилигининг таъминланмаслик хавфи даражаси юқори бўлади.

Банк ликвидлилигини бошқаришнинг иккинчи усули сифатида “маблағлар конверсияси” усулини таклиф этиш мумкин.

Ушбу усулда тижорат банклари томонидан молиявий маблағларни жалб қилиш ҳамда уларни жойлаштириш муддатларини қатъий мувофиқлаштирилишини назарда тутади. Шунинг учун банклар учта асосий, яъни узоқ муддатли (12 ойдан ортиқ бўлган муддат), ўрта муддатли(3 ойдан 12 ойгача бўлган муддат) ва қисқа муддатли(3 ойгача бўлган муддат) операциялари фондини ташкил қилади.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4



2-расм. Маблағлар конверсияси усули ёрдамида ликвидлиликни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Биринчи фондга банк капиталининг фойдаланилмаган қисми ва узоқ муддатга жалб қилинган маблағлар йўналтирилади. Жалб қилинган маблағларнинг қолган қисми эса мос равишда иккинчи ва учинчи фондлар ўртасида тақсимланади. Шунга мос тарзда актив операциялар амалга оширилади.

Бунда ҳар бир фонд орқали ўтадиган молиявий оқимлар ҳаракати ликвидлиликни бошқариш департаменти таркибидаги махсус бўлинма томонидан режалаштирилади ва назорат қилинади.

“Маблағлар конверсияси” усули ёрдамида банкнинг жалб қилинган ва жойлаштирилган молиявий ресурслари муддатларини мувофиқлаштириш ҳисобига жорий ликвидлилик таъминланади, банкнинг активлари таркиби ва унинг базавий элементларини узоқ муддатли режалаштириш имконияти вужудга келади.

Тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришнинг навбатдаги усули «илмий бошқарув» усули ҳисобланади. Ушбу усулда банклар томонидан молиявий оқимлар ҳаракатини бошқаришда информацион технологиялардан кенг кўламда фойдаланилади. Бунинг учун махсус математик моделлар ва улар асосида пассив ва актив операцияларни мувофиқлаштириш учун яратилган дастурлардан фойдаланилади. Илмий бошқарув усулида кредит муасасаси молиявий стратегияси ва банк хизматлари бозорининг тегишли сегментларидаги жорий ҳолат ҳисобга олинган тарзда, бошқарувнинг кўп қиррали қарорларини ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Илмий бошқарув усулининг устувор жиҳатлари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- банк фаолиятида замонавий информацион технологиялардан амалий фойдаланиш. Замонавий информацион технологиялар банк фаолиятида нафақат тегишли операцияларни амалга оширишни тезлаштиради, балки бошқарувнинг янги сифатини таъминлайди. Чунки компьютерга вазиятли параметрлар ва муқобил сценарийлар шунчалик кўп миқдорда киритиладики, уларни анъанавий усулларда кўриб чиқиш амалий жиҳатдан мумкин эмас;
- бошқарув қарорларини шакллаштиришнинг тезкорлиги.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамда барқарор ташқи муҳит шароитида илмий бошқарув усулидан йирик банклар ликвидлилик даражасини бошқаришда фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир. Улар одатда нафақат кучли молиявий салоҳиятга эга, балки кичик тузилмалар учун ёпиқ бўлган иқтисодий ва сиёсий маълумотлар манбаларидан фойдаланиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, тижорат банклари томонидан ликвидлиликнинг меъёрдаги даражасини ушлаб турилиши учун мамлакат банк амалиётида ликвидлиликни тартибга солиш дастакларининг ривожланганлиги талаб этилади.

Одатда банк ликвидлилигини тартибга солиш дастакларини тижорат банки

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

томонидан мустақил фойдаланилиши мумкинлигига қараб, ички ва ташқи дастакларга ажратиш мумкин.

3-расм. Банк ликвидлилигини тартибга солиш дастакларининг таснифланиши[2]

Ликвидлиликни тартибга солишнинг ички дастаклари банклар томонидан мустақил фойдаланилиши ва банк фаолиятини режалаштиришда ҳисобга олиниши мумкин. Айни пайтда ликвидлиликни тартибга солишнинг ички дастаклари тезкор ва стратегик дастакларга бўлинади. Тезкор ички дастакларга ликвидли қимматли қоғозлар, шунингдек, банкларнинг валюта ва фоиз рискларини хеджирлашга хизмат қилувчи ҳосила молиявий инструментлари билан амалга ошириладиган операциялар тааллуқлидир. Бундан ташқари, бошқа банклар билан кредит линияларини очиш, Марказий банкнинг қайта молиялаш операцияларида иштирок этиш, узоқ муддатли қарз мажбуриятларини жалб қилиш ҳам шулар жумласидандир.

Банк ликвидлилигини тартибга солишнинг ички стратегик дастаклари банкнинг банклараро бозордаги стратегиясини ўзгартиришни кўзда тутади. Банкнинг ривожланиш стратегиясини мувофиқлаштириш биринчи навбатда банкнинг бизнес-режалаштириш ва банк маҳсулотлари ҳамда фоиз сиёсати параметрларини ўзгартиришни тақозо этиб, пировардида мижозлар билан операциялар кўлами, пул оқимлари йўналиши ва ҳажмининг ўзгаришига олиб келади.

Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими банк омонатчиларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, банк тизимига бўлган аҳоли ишончини мустаҳкамлаш ва жамғармаларни банк тизимига жалб қилишни рағбатлантиришни кўзлайди.Шунингдек, ушбу тизим турли банк инқирозлари шароитида банк тизимидан аҳоли омонатларини юқори суръатларда чиқиб кетишини олдини олишга хизмат қилади. Умуман олганда, аҳоли омонатлари суғурталаш тизимидан ликвидлиликни бошқариш

[2]Диссертант томонидан ишлаб чиқилган.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

механизмида кўриладиган самара қуйидагича бўлиши мумкин:

– аҳоли нигоҳида банкларга бўлган ишончнинг ортиши инқироз ҳолатлари учун жамғариладиган ликвидлилик захираларини камайтириш имконини беради;

– омонатларни суғурталаш тизимининг жорий этилиши аҳолининг бўш пул маблағларини “ёстиқ ости”дан олиниб банк депозитларига жойлаштирилишига ва ўз навбатида, жалб қилинган маблағлар ҳажмининг ошишига олиб келади.

Марказий банк банк ликвидлилигини тартибга солишнинг турли шакллари ёрдамида ликвидлилик етишмовчилиги ёки ортиқчалиги муаммоларига барҳам беришга ҳаракат қилади.

Марказий банк томонидан сўнги босқичда кредитлаш (СБК) – банк секторини қуллаб-қувватлаш элементларидан иборат бўлиб, кредит ташкилотлари фаолиятида жиддий бўлган вазиятларда унинг ликвидлилик даражасини таъминлашдан иборатдир.

Марказий банкнинг кредит ташкилотлари ликвидлилигига таъсир кўрсатувчи элементларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Фонд интервенциялари(фонд бозоридаги интервенциялар).
2. Валюта интервенциялари(валюта бозоридаги интервенциялар).
3. Депозит-кредит интервенциялари (ссуда капитали бозоридаги интервенциялар).
4. Захира талаблари.

Юқорида қайд қилинган инструментлар Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатини амалга оширишда ҳам қўлланилади ва унинг доирасида қуйидагиларни қамраб олади:

1. Фонд интервенциялари:
– кредит ташкилотларидан қимматли қоғозларни харид қилиш;
– кредит ташкилотлари томонидан қимматли қоғозларни сотилиши;
– кредит ташкилотларидан қимматли қоғозларни вақтинчалик харид қилиш;
– кредит ташкилотлари томонидан қимматли қоғозларни вақтинчалик сотилиши;
2. Валюта интервенциялари:
– кредит ташкилотларидан чет эл валютасини харид қилиш;
– кредит ташкилотлари томонидан чет эл валютасининг сотилиши;
– кредит ташкилотларидан чет эл валютасини вақтинчалик харид қилиш;
– кредит ташкилотлари томонидан чет эл валютасининг вақтинчалик сотилиши;
3. Депозит-кредит интервенциялари:
– кредит ташкилотларига маблағларни вақтинчалик жойлаштириш;
– кредит ташкилотларидан маблағларни вақтинчалик жалб қилиш;
4. Захира талаблари:
– кредит ташкилотларига захира талабларини камайтириш;
– кредит ташкилотлари учун захира талабларини ошириш;
– кредит ташкилотларига захира талабларини вақтинчалик камайтириш;
– кредит ташкилотлари учун захира талабларини вақтинчалик ошириш.

Ушбу пул-кредит сиёсатининг усуллари турли йўналишлар билан таснифланади ҳамда уларнинг баъзилари банк ликвидлилигини оширади, баъзилари эса уни стерилизациялашни назарда тутади. Бунда Марказий банк томонидан сўнгги босқичда кредитлаш банк секторини қўллаб-қувватлаш элементи ҳисобланиб, айнан кредит ташқилотларига ликвидлиликни тақдим этишни кўзда тутади.

Фикримизча, мамлакат банк секторини қўллаб-қувватлашда “валюта интервенциялари” инструментидан доимий фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки унинг доирасида банк ликвидлилигини таъминлашда миллий валютада тақдим этилаётган ликвидлиликни хорижий валюта ликвидлилигига алмаштириш орқали амалга оширилади.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, мамлакат банк секторини қўллаб-қувватлашда пул-кредит сиёсатининг қуйидаги инструментлари ва методларидан фойдаланиш мақсадга

мувофиқдир:

– фонд интервенциялари (кредит ташилотларидан қимматли қоғозларни харид қилиш, кредит ташилотларидан қимматли қоғозларни вақтинчалик харид қилиш);

– депозит-кредит интервенцияси (кредит ташкилотларига маблағларни вақтинчалик жойлаштириш);

– захира талаблари (кредит ташкилотлари учун захира талабларини камайтириш, кредит ташкилотлари учун захира талабларини вақтинчалик камайтириш).

Сўнгги босқичдаги кредитлаш банк секторини қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятининг бир қисми ҳисобланади ҳамда банкларнинг ликвидлилигини таъминлаш билан чекланади.

Бундан ташқари, банклардаги ортиқча ликвидлиликни бартараф этиш мақсадида Марказий банк депозит аукционлари ва ўзининг облигациялари билан операцияларни таклиф қилиши мумкин. Аксинча, ликвидлиликнинг етишмаслиги шароитида Марказий банк ломбард кредитлари ва РЕПО операциялари ёрдамида банк тизимига қўшимча ликвидлиликни тақдим этиши мумкин.

Тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш ва унинг мустаҳкамлигига жалб қилинган маблағларнинг барқарорлиги, яъни узоқ муддатга жалб этилаётганлиги ҳам муҳим аҳамияь касб этади. Диссертация ишимизнинг мазкур параграфида мамлакатимизда йирик давлат, хорижий инвесторларга сотилаётган ва хусусий тижорат банкларининг жалб қилинган маблағлари таркибини атрофлича кўриб чиқамиз.

Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида мамлакатимизда йирик тижорат банки ҳисобланган, айни пайтда ушбу банкда мавжуд бўлган давлат улушининг хорижий инвесторларга сотиш жараёнлари олиб борилаётган АИТБ Ипотека банкнинг жалб қилинган маблағлари манбалари ва уларнинг кейинги беш йилдаги улуши ва динамикасини кўриб чиқамиз.

1-жадвал

АИТБ Ипотека банкнинг жалб қилинган маблағлар улуши ва динамикаси[3]
(1 январь ҳолатига, млрд сўм ҳисобида)

Таркиби	2020й.	2021й.	2022й.	2023й.	2024й.
Жами жалб қилинган ресурслар	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**
Депозит маблағлар	*37,3*	*39,2*	*33,8*	*45,3*	*45,1*
Муддатсиз депозитлар	56,1	44,6	52,2	57,5	54,7
Муддатли депозитлар	43,9	55,4	47,8	42,5	45,3
Жамғарма депозитлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Нодепозит маблағлар	*59,2*	*58,4*	*63,8*	*53,2*	*51,2*
Олинган кредитлар	53,6	50,4	46,2	38,1	34,5
Бошқа ресурслар	*3,6*	*2,4*	*2,4*	*1,5*	*3,7*
Жами муддатли мажбуриятлар	***75,6***	***80,2***	***80,0***	***72,4***	***71,6***

1-жадвал маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки, АИТБ Ипотека банкининг жалб қилинган маблағлари таркибида депозитларнинг улуши 2021 йил 1 январь ҳолатига 37,3 фоизни ташкил этган бўлса, нодепозит маблағлар 59,2 фоиздан иборат блган. Бу

[3] АИТБ Ипотека банкнинг молиявий хисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

кўрсаткич, албатта 2023 йил 1 январь ҳолатига ижобий тарафга ўзгариши юз бериб депозитларнинг улуши 45,1 фоизни ёки таҳлил этилаётган даврда 7,8 пунктга орган (6-иловада мазкур банкнинг жалб қилинган маблағлар таркиби, улуши ва динамикаси айнвн шу давр учун абсолют суммада келтирилган). Бироқ, бу даража, тижорат банкнинг ликвидлилиги нуқтаи назардан етарли эмас, чунки нодепозит маблағлар улуши сезиларли даржада юқори улушни ташкил этмоқда. Жадвал маълумотларига таяниб, жами депозитлар таркибида муддатли депозитларнинг улушини кўрадиган бўлсак ушбу кўрсаткич ҳам унчалик даражада юқори эмас. Бизнинг фикримизча, тижорат банкнинг жалб қилинган маблағлари таркибида депозит маблағларнинг улуши камида 60-75 фоизни ташкил этиши, депозитлар таркибида эса муддатли депозитларнинг улуши 60 фоиздан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқ. Бундай фикрга келишимизинг сабаби шундаки, тижорат банклари жалб қилинган ресурслари таркибида депозитлар ва узоқ муддатли маблағлар улушининг пастлиги уларда трансформацион рискнинг ортишига, бу эса ўз навбатида ликвидлилик муаммосини вужудга келишига олиб келади.

Қуйидаги жадвалда АЖ Миллий банкнинг жалб қилинган маблағлари манбалари таркибида депозит ва нодепозит маблағларнинг кейинги беш йилдаги улуши ва динамикасини кўриб чиқамиз.

2-жадвал

АЖ Миллий банкнинг жалб қилинган маблағлар улуши ва динамикаси[4]
(1 январь ҳолатига, млрд сўм ҳисобида)

Таркиби	2020й.	2021й.	2022й.	2023й.	2024й.
Жами жалб қилинган ресурслар	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**
Депозит маблағлар	*23,1*	*28,6*	*26,1*	*29,4*	*37,5*
Муддатсиз депозитлар	72,0	57,4	60,5	53,7	74,2
Муддатли депозитлар	28,0	42,6	39,5	46,3	25,8
Жамғарма депозитлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Нодепозит маблағлар	*74,9*	*68,8*	*71,9*	*69,1*	*60,7*
Олинган кредитлар	72,5	61,2	59,2	58,0	46,0
Бошқа ресурслар	*2,0*	*2,6*	*2,1*	*1,5*	*1,8*
Жами муддатли мажбуриятлар	***81,3***	***81,0***	***82,2***	***82,7***	***70,4***

2-жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, АЖ Миллий банкнинг жалб қилинган маблағлари таркибига қараб унда ликвидлилик билан боғлиқ долзарб ва қийин вазиятли ҳолат мавжуд деган хулосага келиш мумкин. Чунки, банкнинг жалб қилинган маблағлар таркибида депозит маблағларнинг улуши 2019 йил 1 январь ҳолатига атиги 23,1 фоизни ташкил этиб, кейинги йилларда, яъни 2023 йил 1 январга келиб 37,5 фоизга етган. Аксинча, банкнинг нодепозит маблағлари улуши юқори бўлиб, ушбу манба мос равишда 72,5 ва 60,7 фоизни ташкил этган, унинг таркибида эса олинган кредитлар салмоқли улушни эгаллаган. АЖ Миллий банкнинг жалб қилинган маблағларининг банк ликвидлилигига таъсир нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, банкнинг молиявий ресурслари жуда қиммат баҳоларда ва унчалик узоқ бўлмаган муддатларга жалб қилинган бўлиб, банкда ликвидлиликни таъминлаш ва бошқариш юзасидан ўта жиддий ва доимий равишда тартибга солишни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, ликвидлилкни бошқариш ва уни таъминлаш масаласи нафақат давлат иштирокидаги тижорат банкларида, балки айрим хусусий банкларда бир қадар мулоҳазалидир, буни қуйидаги жадвалда АТБ Хамкорбанкнинг депозит ва нодепозит

[4] АЖ Миллий банкнинг молиявий хисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

молиявий ресурслари мисолида кўриб чиқамиз.

3-жадвал

АТБ Хамкорбанкнинг жалб қилинган маблағлар улуши ва динамикаси[5]
(1 январь ҳолатига, млрд сўм ҳисобида)

Таркиби	2020й.	2021й.	2022й.	2023й.	2024й.
Жами жалб қилинган ресурслар	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**
Деозит маблағлар	*55,6*	*42,3*	*39,3*	*42,1*	*46,8*
Муддатсиз депозитлар	32,1	40,1	46,3	42,8	40,0
Муддатли депозитлар	67,9	59,9	53,7	57,2	60,0
Жамғарма депозитлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Нодепозит маблағлар	*42,5*	*55,2*	*57,5*	*55,0*	*49,7*
Олинган кредитлар	37,8	50,3	51,5	50,3	43,1
Бошқа ресурслар	*2,0*	*2,4*	*3,3*	*2,9*	*3,4*
Жами муддатли мажбуриятлар	***80,2***	***80,6***	***78,6***	***79,1***	***77,8***

3-жадвал маълумотларига таяниб айтиш мумкинки, АТБ Хамкорбанкда депозит маблағлар улуши таҳлил этилаётган 2019-2023 йиллар 1 январь ҳолатига пасайиш тенденциясига эга бўлиб, ушбу манба мос равишда 55,6-46,8 фоиз бўлган ёки таҳлил этилаётган давр мобайнида 8,8 пунктга пасайиши юз берган. Бу, албатта, ўз наввбатида, банкнинг нодепозит маблағлари улушини ортишига сабаб бўлган (8-иловада мазкур банкнинг жалб қилинган маблағлар таркиби, улуши ва динамикаси айнан шу давр учун абсолют суммада келтирилган). Банкнинг жами муддатли маблағлари салмоқли суммани ташкил этишини жадвал маълумотларидан кўриш мумкин, бироқ шунга қарамасдан Хамкорбанкда ликвидлиликни таъминлаш ва уни бошқаришга жиддий эътибор беришни талаб этади. Чунки, банкнинг таҳлил этилаётган даврда банкнинг жами муддатли маблағлари улуши ҳам пасайиш тенденци,ясига эга бўлиб, ушбу жами манбанинг улуши 2019 йил 1 январь ҳолатига фоизни ташкил этган бўлса 2023 йил 1 январь ҳолатига 77,8 фоизни ёки шу даврда 2,4 пунктга пасайиши рўй берган, шунингдек айнан шу даврда муддатли депозитлар улуши ҳам 67,9 фоиздан 60 фоизга ёкм 7,9 пунктга пасайиши кузатилммоқда.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари ликвидлилигини бошқаришнинг қатор усуллари мавжуд бўлиб, банклар ушбу усулларни ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда ҳамда кредит ва депозит сиёсатлари ҳамоханглигига қараб амалиётда жорий этади.

-Марказий банк мамлакат банк тизими умумий ликвидлилигини таъминлаш ва тартибга солиш бўйича мутлоқ ваколатга эга бўлиб, глобалашув шароитида унинг монетар сиёсати инстурментлари бу масъулиятини етарли даражад бажариш имокнимятини бермаяпти. Хусусан, тижорат банкларида қўшимча ликвид маблағларга эҳтиёж туғилганда Марказий банкдан асосий ставкада истаган тижорат банки кредит олиш имокниятига эга эмас, шунингдек ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган ва ривожаланаётган мамлакатлари амалиётида деярли қўлланилмаётган, қўлланилаётган тақдирда ҳам унга маълум даражада фоиз тўланадиган мажбурий захира меъёрларидан воз кеча олмаяпти, бу албатта тижорат банкларининг ликвидлилига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатмоқда;

-Марказий банк иқтисодиётининг глобаллашув шароитидаги вазиятдан келиб

[5] АТБ Хамкорбанкнинг молиявий хисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

чиққан ҳолда тижорат банклари юқори ликвидли активлар таркибига тижорат банкларининг “нақд пуллари” ва “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қимматли қоғозлари”ни киритиши мақсадга мувофиқ;

-тижорат банклари ҳисобот даврининг биринчи санасига лаҳзалик ликвидлик, жорий ликвидлилик ва соф барқарор молиялаштириш меъёрига қўйилган талабларни бажарилсада, ойнинг бошқа саналарида, айниқса мамлакатнинг вилоят ҳудудларида жойлашган тижорат банклари вакиллик ҳисоб варақаларида ва нақд пул билан таъминлаш масалаларида ҳамон муаммоли ҳолатларни кузатиш мумкин;

тижорат банклари актив моддалари таркибида инвестициялар ҳажмини халқаро банк амалиётидаги даражага етказишга алоҳида эътибор қаратиш орқали, уларнинг ликвидлиликни бошқариш бўйича самарали тезкор қарорларни амалга ошириш имкониятини берувчи молиявий инструментлардан кенгроқ фойдаланиш зарур;

мамлакатда бозор муносабатларини (механизмлари, қоидалари, тамойиллари) кенгроқ жорий этиш, миллий иқтисодиёт ва молия бозорлари шаффофлигини ошириш ҳамда тижорат банклари капитали таркибида давлат улушини сезиларли даражада камайтириш тижорат банклари ликвидлилигини таъминлаш ва мустаҳкамлигини оширишга ижобий таъсир қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий эълон қилиш бўлими. www.lex.uz

3. Молиявий барқарорлик шарҳи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан йилига икки марта чоп этилади. 2022 йил I ярим йиллик. www.cbu.uz

4. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

5. T.Levit The Globalization of Markets, Harvard Business Reviev (HBR) 1983 (pages 289-297)

6. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура: монография/ М.Кастельс— М.: ГУ ВШЭ, 2000.- 608с.

7. Жарковская Е.П. Банковские дело. Учебник.-М.: 2006, Стр. 345-346.

8. Банковское дело. Учебник. Под редакции О.И.Лаврушин, -М.:, 2005. Стр. -260.

9. Банковсое дело: Управление и технологии. Учебное пособие для вузов. Под редакции А.Тавасиева. –М.:, 2001. Стр. – 388.

10. Абдуллаева Ш. Пул ва банклар. –Т.; 2010.

11. Омонов А.А Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Монография. “Фан ва технологиялари”, 43 бет.

12. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда.

13. Марказий банкнинг “Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низоми. (Адлия вазирлигида 2018 йил 12 майда 3010-сон билан рўйхатга олинган)

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги қонуннинг “Пул бозорида ликвидлиликни тақдим этиш ва олиб қўйишга доир операциялар” ҳақидаги 31-моддаси.

15. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонуннинг “Банклар ва банк гуруҳлари

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

томонидан пруденциал нормативларга риоя этиш” тўқрисидаги 38-моддаси.

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низоми.

17. Ўзбекистон Марказий банки статистик бюлетини маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

18. www.knoema.com сайтининг маълумотлари асосида муаллифнинг ишланмалари.

19. www.sberbank.ru/common/img/uploaded/files/info/ifrs2018/-_sberbank_ifrs-ye2018-rus_.pdf.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ

Тожиев Бекзод Комилович
Банк молия академияси магистранти
ORCID: 0000-0002-8207-127X

Аннотация. *Ушбу мақолада Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини молиялаштириш жараёни, айниқса, тижорат банкларининг бу соҳадаги роли ва таъсири таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрни, унинг ривожланиши учун зарур бўлган молиявий ресурслар ва уларни жалб этиш усуллари кўриб чиқилган. Шунингдек, банклар томонидан ажратилаётган кредитлар, уларнинг шартлари, фоиз ставкалари ва қайтариш механизмлари хусусида маълумотлар берилган. Мақолада мавжуд муаммолар ва камчиликлар таҳлил қилиниб, кичик бизнес субъектларини самарали молиялаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган. Таҳлиллар асосида мамлакатда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, молиялаштириш имкониятларини кэнгайтириш ҳамда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш бўйича хулосалар берилган.*

Калит сўзлар: *Кичик бизнес, тадбиркорлик, молиялаштириш, тижорат банклари, кредитлаш, иқтисодий ривожланиш, молиявий ресурслар, банк кредитлари, тадбиркорлик муҳити, қўллаб-қувватлаш механизмлари, бизнес субъектлари, давлат сиёсати, кичик бизнесни ривожлантириш, инвестицион муҳит, банк хизматлари, молиявий барқарорлик.*

ФИНАНСИРОВАНИЕ БАНКАМИ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО БИЗНЕСА В УЗБЕКИСТАНЕ

Тожиев Бекзод Комилович
Магистрант Банковско-финансовой академии
ORCID: 0000-0002-8207-127X

Аннотация. *В данной статье анализируется процесс финансирования малого бизнэса в Узбекистане, в частности роль и влияние коммерческих банков в этой сфере. Автором рассмотрена роль малого бизнэса в экономике, необходимые для его развития финансовые ресурсы и способы их привлечения. Также представлена информация о предоставляемых банками кредитах, условиях их предоставления, процентных ставках и механизмах погашения. В статье проанализированы существующие проблемы и недостатки, сформулированы предложения и рекомендации, направленные на эффективное финансирование субъектов малого предпринимательства. На основе анализа сделаны выводы по дальнейшему совершенствованию поддержки малого бизнэса в стране, расширению возможностей финансирования и улучшению деловой среды.*

Ключевые слова: *Малый бизнес, предпринимательство, финансирование, коммерческие банки, кредитование, экономическое развитие, финансовые ресурсы, банковские кредиты, деловая среда, механизмы поддержки, хозяйствующие субъекты, государственная политика, развитие малого бизнэса, инвестиционная среда, банковские услуги, финансовая стабильность.*

FINANCING BY BANKS OF SMALL BUSINESS ENTITIES IN UZBEKISTAN

Tojiyev Bekzod Komilovich
Master’s student of the Banking and Finance Academy
ORCID: 0000-0002-8207-127X

Annotation. *This article analyzes the process of financing small businesses in Uzbekistan, in particular the role and influence of commercial banks in this area. The author examines the role of small business in the economy, the financial resources necessary for its development and ways of attracting them. Information is also provided on loans provided by banks, the terms of their provision, interest rates and repayment mechanisms. The article analyzes existing problems and shortcomings, formulates proposals and recommendations aimed at effective financing of small businesses. Based on the analysis, conclusions are drawn on further improving support for small businesses in the country, expanding financing opportunities and improving the business environment.*

Key words: *Small business, entrepreneurship, financing, commercial banks, lending, economic development, financial resources, bank loans, business environment, support mechanisms, economic entities, public policy, small business development, investment environment, banking services, financial stability.*

Кириш. Жаҳон тажрибасига назар солсак, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишида, аҳоли банд қилишга кўмаклашиш ва даромадини оширишда энг асосийси тадбиркорликни ривожлантириш орқали мамлакатда камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик соҳалари, жумладан, оилавий бизнес соҳаси фаолияти муҳим аҳамият касб этиб келмоқда ҳамда иқтисодий, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда етакчи ўринни эгаллайди. Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига кўра, Бугунги кунда дунёда 90,0 фоиз корхоналар кичик ва ўрта бизнесга қарашли бўлиб, улар жаҳон мамлакатларининг деярли 63,0 фоиз аҳолисини иш билан таъминламоқда. Европа Иттифоқи миқёсида кичик ва ўрта бизнеснинг умумий салмоғи 99,8 фоизни ташкил этгани ҳолда, аҳолини учдан икки қисмини иш билан таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158 сонли “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисидаги фармони жорий этилган ва бу Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватлаганидан далолат бермоқда.

Кэнг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналиш ва 100 та мақсаддан иборат 2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ва уларда истиқомат қилиб келаётган аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ва шаҳар ҳокимининг ёрдамчиси институтининг самарали фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида аҳамият берилган. Айнан ушбу стратегиянинг 29-мақсадида: Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар, имкониятлар яратиш, хусусий секторларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш. Ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан “Очиқ мулоқоти”ни ўтказиш режалаштирилган.

Ҳудудларда 200 та янги саноат зоналарини ташкил этиш ва бизнес-инкубаторлар тизимини янада ривожлантириш, шароити оғир бўлган олис туманларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кўпроқ қулай шарт-шароитлар, имкониятлар яратиш белгилаб берилган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Оилавий тадбиркорлик-бу оиланинг ўз ресурсларини, билим, тажриба ва кўникмаларини бирлаштириб, биргаликда бизнес фаолиятини олиб бориш жараёни ҳисобланади. Бундай тадбиркорлик шакли кўплаб афзалликларга эга бўлиб, оила аъзолари ўртасида ишонч, ҳамкорлик ва бир-бирини қўллаб-қувватлашни кучайтиради. Тижорат банкларида оилавий тадбиркорлик тушунчаси

қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

1. Бизнеснинг тузилиши: Оилавий тадбиркорлик кўпинча кичик ва ўрта бизнес шаклида бўлади. Оила аъзолари биргаликда ишлашади, бу эса қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштириши мумкин.

2. Молия бошқаруви: Тижорат банклари оилавий тадбиркорликка молиявий хизматлар, масалан, кредитлар, ҳисоб рақамлари ва инвестиция имкониятлари таклиф этиши мумкин. Банклар оилаларнинг молиявий ҳолатини баҳолашда уларнинг тажрибасини ва бизнес режасини ҳисобга олишади.

3. Рискларни бошқариш: Оилавий тадбиркорликда рискларни бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Тижорат банклари рискларни баҳолаш ва минималлаштириш учун турли хил маслаҳатлар ва воситалар тақдим этиши мумкин.

4. Юқори даражадаги ишонч: Оилавий тадбиркорликда иштирок этаётган шахслар ўртасида ишонч ва ҳамкорлик муҳимдир. Бу банкларнинг қарз бериш қарорларига таъсир қилиши мумкин.

5. Ижтимоий масъулият: кўплаб оилавий тадбиркорликлар жамиятга фойда келтириш мақсадида ишлайди, бу эса ижтимоий масъулиятни оширади ва тижорат банклари учун ҳам ижобий имиж яратади.

Оилавий тадбиркорлик тижорат банкларига янги мижозларни жалб қилиш, иқтисодиётнинг ривожланишига ҳисса қўшиш ва иш ўринларини яратишда муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган бир қанча Президент қарорлари ва вазирлар маҳкамасининг фармонлари қабул қилинган. Тижорат банклари томонидан Президентнинг 2018-йил 8-июндаги “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастуруни амалга ошириш тўғрисидаги ПҚ-3777 сонли Қарори, 2019-йил 7-мартдаги “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кэнг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4231 сонли қарори, 2021-йил 27-мартдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5041 сонли қарори, жорий йилнинг 2-апрелдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-149 сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022-йил 8-июлдаги 373-сонли “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси яъни oilakredit.uz орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари доирасида имтиёзли кредилар аҳолига ажратиб келинмоқда. Ушбу ҳужжатлар оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий фаоллигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва тадбиркорлар учун қулай бўлган имкониятлар, шарт-шароитлар, ишбилармонлик муҳитини яратишга йўналтирилган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари мужассамлашган, яққол намоён бўладиган ҳамда тез ривожланиб бораётган ва ҳаракатчан соҳасига айланиб бормоқда. Мамлакатда бозор муносабатларининг шаклланиши ва иқтисодий тараққиётида унинг ўрни ва роли тобора сезиларли тус олиб бормоқда. Тадбиркорлик идеологи ҳисобланган XX аср буюк иқтисодчиси Ёзеф Шумпетер (1883-1950-йиллар): “Тадбиркорликнинг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ҳал қилувчи ролини у бўлмаган жойда жуда ҳис қилиш мумкин”, деб таъкидлаб ўтган. Тадбиркорликка оид дастлабки илмий тадқиқотлар XVIII аср буюк алломалари Р.Кантилон, А.Тюрго, Ф.Кене, А.Смит, Ж.Б.Сей ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Демак, “тадбиркор”, “тадбиркорлик” тушунчаларининг пайдо бўлиши ҳам шу даврга тўғри келади. Кейинчалик бундай тадқиқотлар кэнгайиб, алоҳида илмий йўналиш тусини олган, уларнинг натижаларини амалиётда қўллаш эса иқтисодиётга самарали таъсирини намоён қила бошлаган. Шундай натижалардан бири “тадбиркорлик”

тушунчасининг шаклланиши ва мазмун-моҳиятининг аниқланиб, бойитилиб бориши ҳисобланади. Р.Кантилон тадбиркорни рискларни ўз зиммасига олувчи шахс сифатида кўрарди. Оилавий тадбиркорликда ҳам бу рисклар кўпинча оиланинг молиявий ресурслари ва таъсир доирасига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг тадбиркорлик расман тан олинди ва унинг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар, имкониятлар яратилди. Бунинг натижасида тадбикорлик фаолияти ҳам, уни илмий-тадқиқот қилиш ҳам, ўқитиш ҳам жиддий жонланиб кетди. Бундай ўзгаришлар тадбиркорликни кэнг миқёсда илмий амалий ўзлаштириш, ўқитиш, тарғибот қилиш заруриятини пайдо қилди. Натижада республикадаги кўплаб олий ўқув юртлари ва коллежларида тадбиркорлик асосларини ўқитиш йўлга қўйилди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида сифат ҳамда миқдорий усулларнинг турларидан кўпроқ фойдаланиш мақсад қилинган. Бунда бироз назарий усуллардан, яъни ғояларнинг тубида мавжуд бўлган анализ таҳлил ҳамда синтез, ўзаро солиштириш, абстрагсия қилиш ҳамда конкрет қилиш, бирлаштириш, умумий формага олиб келиш, индуксия ҳамда дедуксия, аналогларини мисол қилиш, моделлаштириш ҳамда энг асосий эксперимент каби усуллар ички боғланган ҳолда қўлланилади.

Мавжуд маълумотларни таҳлил этиш дэганда биргаликда ўрганилиши лозим бўлган объэктни бўлимларга бўлиб ўрганиш, энг муҳимлари, ўзига яраша томонларини, сифатларини қисмларга бўлиб олиш ифода этилади.

Ҳар қандай тадқиқотда таҳлил олиб бориш жараёнида ўрганилиши лозим бўлган масаланинг асосий қисмини баён этишни бошлайди ҳамда секин-секин бунинг таркиби, унинг хусусиятлари ҳамда унинг элементларини қисмларга бўлиб олишни бошлайди. Бизнинг ҳолатда ҳам худди шу жараён амалга оширилган бўлиб, унда тижорат банклари масофавий банк хизматларини жорий этиш бўйича жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон амалиёти таҳлил қилиниб, сўнг халқ банкининг бу соҳадаги имкониятлари баҳоланади. Ушбу ҳолатлар Турон банки мисолида масофавий хизматларини янада такомиллаштиришда мавжуд тўсиқларни бартараф этиш имкониятини яратади.

Тадқиқот ишида синтез мисоллари ҳам келтирилган. Синтез жараёни дэгани бу–суммалаштириш ҳисобланмайди, аксинча тушунгани ҳолида буларни умумлаштириш ҳисобланади. Биз агар бу ҳодисаларни бир-бирига умумлаштириб қўядиган бўлса, буларнинг орасида тизимли боғликлик вужудга келмаслигини кўришимиз мумкин ҳамда бунинг натижасида фақатгина хаотик фактлар мажмуасини келтириб чиқишини кузатишимиз мумкин.

Шунингдек тадқиқот ишини самарали олиб боришда ва ишдан кўзланган ҳамда қўйилган мақсадларга этишишида аниқ гипотезани белгилаймиз ҳамда буларнинг тўғри ёки аҳамиятсизлигини тепада келтириб ўтилган тадқиқот усуллар ёрдамида аниқлаштириб олинади.

Таҳлил ва натижалар. Муаммоли кредитларни бошқариш соҳасидаги хорижий тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, самарадорлик бўйича энг маъқул стратегия - қийинчиликларни бошдан кечираётган қарз олувчининг молиявий тикланишига қаратилган муаммоли кредитни бошқариш стратегияси бўлиб, у мижоз билан стратегик шериклик доирасида амалга оширилади. Муаммоли кредит қарзининг услубий нуқтаи назаридан келиб чиқиб, кредит бўйича "муаммо" тушунчасининг мазмунига қараб, кўрсаткичларни тизимлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Назарияда ва амалиётда қўлланиладиган "муаммо" тушунчасининг турли талқинлари кредитни қайтариш манбаалари (бирламчи ва иккиламчи) ва кредит рискларини баҳолаш параметрлари (реал ва эҳтимолий)га қараб муаммоли кредитларни тизимлаштириш имконини беради. Тижорат банкларидаги муаммоли кредитлар бўйича таклиф этилаётган кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда кўрсатилган (1-расм).

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Ҳудудлар	Кредит портфели			Муаммоли кредилар (NPL)			Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши	
	01.01.2024	*01.10.2024*	*фарқи*	*01.01.2024*	*01.10.2024*	*фарқи*	*01.01.2024*	*01.10.2024*
Андижон вилояти	21 475,3	22 938,0	**1 462,7**	1 212,1	2 863,9	**1 651,8**	5,64%	12,49%
Жиззах вилояти	15 401,1	18 070,1	**2 669,0**	1 552,4	1 598,9	**46,5**	10,08%	8,85%
Бухоро вилояти	23 455,8	24 597,3	**1 141,5**	950,1	1 792,6	**842,5**	4,05%	7,29%
Сирдарё вилояти	13 073,9	12 162,4	**-911,4**	1 230,9	748,8	**-482,1**	9,41%	6,16%
Сурхондарё вилояти	18 714,7	19 922,1	**1 207,4**	1 684,1	1 211,6	**-472,4**	9,00%	6,08%
Тошкент вилояти	27 787,8	29 315,2	**1 527,4**	1 032,5	1 618,3	**585,8**	3,72%	5,52%
Фарғона вилояти	25 839,5	28 013,3	**2 173,8**	1 226,7	1 349,0	**122,3**	4,75%	4,82%
Хоразм вилояти	19 799,9	21 926,1	**2 126,2**	1 044,7	1 020,0	**-24,7**	5,28%	4,65%
Наманган вилояти	15 630,4	16 274,7	**644,3**	889,6	685,9	**-203,7**	5,69%	4,21%
Қашқадарё вилояти	19 096,9	22 370,2	**3 273,3**	603,6	890,3	**286,8**	3,16%	3,98%
Қорақалпоғистон Респ	15 462,6	18 205,2	**2 742,6**	758,4	662,9	**-95,4**	4,90%	3,64%
Самарқанд вилояти	25 829,2	27 604,5	**1 775,3**	727,9	811,5	**83,6**	2,82%	2,94%
Навоий вилояти	14 464,1	16 328,5	**1 864,4**	403,9	448,3	**44,4**	2,79%	2,75%
Тошкент шаҳри	215 374,5	237 913,1	**22 538,6**	3 304,8	5 837,5	**2 532,7**	1,53%	2,45%
Жами	**471 405,5**	**515 640,8**	**44 235,2**	**16 621,5**	**21 539,5**	**4 918,0**	**3,53%**	**4,18%**

1-расм. Ҳудудлар кесимида муаммоли кредитлар (NPL) тўғрисида 2024 йил 1 октябр ҳолатига маълумот

Муаммоли кредитлар (NPL) ҳудудлар кесимида 1 октябрь ҳолатига муаммоли кредитлар қолдиғи 21,5 трлн сўмни ташкил қилган ва жами кредит портфелидаги муаммоли кредитлар улуши 4,18%ни ташкил этган. Очиқ маълумотларга кўра, муаммоли кредитлар улуши юқорилиги бўйича Андижон (12,49%), Жиззах (8,85%) ва Бухоро (7,29%) вилоятлари етакчилик қилишмоқда. Январ-сентябр ойларида Андижонда жами кредит портфели 1,46 трлн сўмга ортган бўлса, ушбу даврда муаммоли кредитлар қолдиғи 1,65 трлн сўмга ошиб кэтган. Натижада муаммоли кредитлар-NPL улуши ҳам 2 баравардан кўпроққа ортган. Шунингдек, муаммоли кредитлар-NPL миқдори ўтган 9 ой давомида Тошкент шаҳрида 2,5 трлн сўмга, Бухорода 842,5 млрд сўмга, Тошкент вилоятида 585,8 млрд сўмга кўпайган. Йил бошида танқид қилинган Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида муаммоли кредитлар қолдиғи сезиларли камайган.

Қоида тариқасида, бундай ҳолатларда муддати кечиккан қарз кўпи билан беш – етти иш кунида кредит инспектори томонидан қарз олувчига йўлланган СМС хабарномаси, ёки телефон қўнғироғи орқали етказилган хабар орқали бартараф этилади. Шу билан бирга, муаммоли кредит тушунчаси асосан қарз олувчининг кредитга нотўғри ёндашуви туфайли банк учун молиявий зарарларнинг юқори даражаси билан боғлиқлиги ва бу ҳолат кўпинча қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашиши билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтган. Базел қўмитасининг маълумотларига кўра, муаммоли кредит бу – қарз олувчининг банк олдидаги мажбуриятларини бажариш муддатларининг сезиларли даражада бузилиши, қарз олувчининг молиявий аҳволининг сезиларли даражада ёмонлашуви ва гаров сифатининг сезиларли даражада пасайиши ёки ҳатто йўқотилиши бўлган кредитдир. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, айни кунда мамлакатимиз тижорат банкларидаги муаммоли кредитлар билан боғлиқ ҳолатларда ҳам номи келтирилган тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий ишлар долзарблигини кузатишимиз мумкин. Дарҳақиқат, тижорат банкларидаги мавжуд муддати ўтган ва муаммо тусини олган кредитлар нафақат активлар сифатига салбий таъсир кўрсатади, балки кредитларни қайтармаслик хавфининг ортишига олиб келади.

Муаммоли кредитларни бошқариш соҳасидаги хорижий тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, самарадорлик бўйича энг маъқул стратегия - қийинчиликларни бошдан кечираётган қарз олувчининг молиявий тикланишига қаратилган муаммоли кредитни бошқариш стратегияси бўлиб, у мижоз билан стратегик шериклик доирасида амалга оширилади. Муаммоли кредит қарзининг услубий нуқтаи назаридан келиб чиқиб,

кредит бўйича "муаммо" тушунчасининг мазмунига қараб, кўрсаткичларни тизимлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Назарияда ва амалиётда қўлланиладиган "муаммо" тушунчасининг турли талқинлари кредитни қайтариш манбалари (бирламчи ва иккиламчи) ва кредит рискларини баҳолаш параметрлари (реал ва эҳтимолий)га қараб муаммоли кредитларни тизимлаштириш имконини беради. Тижорат банкларидаги муаммоли кредитлар бўйича таклиф этилаётган кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

Тижорат банклари амалиётида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун кредит олган юридик шахс томонидан маҳсулот ва хизматларни сотишдан олинган даромадлар ва жисмоний шахснинг даромадлари кредитнинг қайтарилишини таъминлашнинг бирламчи манбаалари бўлиб ҳисобланади.

Қуйидаги жадвал маълумотларида банклар томонидан ажратилган кредитлар ва муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши акс эттирилган:

2-жадвал

Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида 2024-йил 1-октябр ҳолатига маълумот

№	Банк номи	Кредитлар	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши
Жами		**515 641**	**21 539**	**4,2%**
Давлат улуши мавжуд банклар		**358 578**	**14 605**	**4,1%**
1	Ўзмиллийбанк	105 369	2 999	2,8%
2	Ўзсаноатқурилишбанк	62 980	1 949	3,1%
3	Агробанк	59 995	2 078	3,5%
4	Асака банк	37 756	1 801	4,8%
5	Халқ банки	28 928	1 537	5,3%
6	Бизнесни ривожлантириш банки	22 456	2 436	10,8%
7	Микрокредитбанк	16 945	1 135	6,7%
8	Турон банк	12 463	342	2,7%
9	Алоқа банк	11 687	328	2,8%
Бошқа банклар		**157 063**	**6 934**	**4,4%**
10	Ипотека-банк	35 288	4 354	12,3%
11	Капитал банк	30 188	924	3,1%
12	Ҳамкорбанк	18 449	266	1,4%
13	Ипак йўли банк	13 892	207	1,5%
14	Ориент Финансе банк	11 296	22	0,2%
15	Инвест Финансе банк	7 016	103	1,5%
16	Давр банк	6 391	58	0,9%
17	Анор банк	6 096	150	2,5%
18	Тибиси банк	6 093	174	2,8%
19	Трастбанк	5 594	156	2,8%
20	Асиа Аллианс банк	3 746	105	2,8%
21	Тэнге банк	3 721	127	3,4%
22	КДБ Банк Ўзбекистон	3 192	0	0,0%
23	Зираат Банк Узбекистан	2 049	69	3,3%
24	Универсал банк	1 408	17	1,2%
25	Гарант банк	898	134	14,9%
26	Ҳаёт банк	572	0	0,0%
27	Мадад Инвест банк	279	48	17,3%
28	Пойтахт банк	238	0	0,0%
29	АВО банк	212	20	9,5%
30	Апекс банк	184	0	0,0%
31	Янги банк	113	0	0,0%
32	Узум банк	75	0	0,0%
33	Октобанк	52	0	0,0%
34	Ерон Содерот банкининг ШБ	18	2	8,7%
35	Смарт банк	2	0	0,0%
36	Евроосиё банки	0	0	0,0%

Жадвал маълумотларида кўрсатилгандек, 2024-йилнинг 1-март ҳолатига энг кўп

муаммоли кредитлар улуши давлат улуши мавжуд бўлган банклар ҳиссасига тўғри келмоқда. Муаммоли кредитларнинг энг кўп улуши давлат банклари ўртасисида таҳлил қилинганда етакчи ўринда 10.8 % Бизнесни ривожлантириш банки, иккинчи ўринда 6.7 % микрокредитбанкда, учинчи 5.3 % халқ банки кўрсатилган. Булардан келиб чиқиб, Агробанк, Халқ банки, Микрокредит банк томонидан портфел таркибида оилавий тадбиркорлик бўйича имтиёзли кредитлар ажратилган ва уларнинг муаммога айланган қисми салмоғи етарлича ортганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Ҳозирги вақтда дунё мамлакатларида кичик бизнеснинг аксарият қисми оилавий корхона шаклида иш юритмоқда. Европа давлатлари ялпи миллий маҳсулотининг 40-50 фоизини, Осиё мамлакатларида 65 фоиздан 82 фоизгачасини, Лотин Америкасида 70 фоизга яқинини оилавий тадбиркорлик асосида ишлаб чиқарилади. Америка Қўшма Штатлари иқтисодиётида унинг улуши 95 фоиздан зиёд миқдорни ташкил этади. Ривожланган давлатлар тажрибасидан ва авлодларимиз анъаналаридан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳам ушбу соҳага эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аҳолини оилавий тадбиркорлик фаолиятига кэнг жалб қилиш, ҳунармандчилик, касаначилик, чорвачилик ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа соҳаларида бандлигини таъминлаш орқали уларнинг қўшимча ва барқарор даромад манбалари шаклланишига шарт-шароитлар яратиш борасида “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кэнг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 13-августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кэнгайтириш тўғрисида”ги ПФ–5780-сон Фармонида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш ҳамда кичик бизнес, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор вазифалар амалга оширилган бўлиб, натижада кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик фаолияти миллий иқтисодиётда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимиз аҳолисининг камбағалликдан қутқаришда аввалambор, кичик бизнес субъэктлари ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш назарда тутилган бўлиб, бу орқали иш билан бандликни таъминлаш, аҳоли даромадини ошириш мақсадида унга эришишда белгиланган мақсад, вазифалар ҳамда ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш лозим.

Мамлакатимизда 2024-йилда аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш ва кам таъминланган аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, энг асосийси камбағалликни қисқартириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқилмоқда, жумладан, ишсиз, даромадсиз қолган эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож оилаларнинг рўйхати ҳар бир маҳаллада шакллантирилган ва ҳеч бири эътибордан четда эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 12-майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармон.

2. Schär, Fabian. 2021. “Decentralized Finance: On Blockchain- and Smart Contract-Based Financial Markets.” Federal Reserve Bank of St. Louis Review 103 (2): 153-74. https://doi.org/10.20955/r.103.153-74;

3. Беч М., С. Боар, Д.Еидан, П.Ҳаене, Ҳ.Ҳолден анд W.Тоҳ. 2022. “Усинг СБДСс асросс Бордерс: Лессонс фром Прастисал Ехперименц.” БИС Инноватион Ҳуб, Банк фор

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Интернационал Сеттлеменц, Басел.

4. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. – М: «Альпина Бизнес Букс», 2007. – С. 1018.

5. Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. со 2-го изд. - М.: «Дело Лтд», 1995. – С. 479.

6. Ш.З.Абдуллаева Банк иши. Дарслик. Т: «ИҚТИСОД-МОЛИЙА», 2017 й. 535-540 б.;

7. А.А.Омонов., М.Т.Қоралиев Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т. «Иқтисод-молия», 2014 й 118 б.;

8. М.М.Нуралиева. Електрон тижоратда молиявий хизматлар самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертасияси автореферати. Тошкент 2021.

9. Мамадияров З.Т. “Тижорат банкларида масофавий хизматларни ривожлантириш”. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертасияси автореферати. Тошкент 2021.

10. www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида таёрланди.

11. https://www.worldbank.org

12. https://en.wikipedia.org/wiki/David_Chaum

13. www.sciencedirect.com//juniperresearch/press/digital-banking-users маълумотлари асосида таёрланди.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФОНД БОЗОРИДАГИ ИШТИРОКИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Бўриев Жамшид Парда ўғли
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси
мустақил изланувчиси, PhD
Email:burievjamshid102@gmail.com
ORCID:0009-0009-7645-4934

Аннотация. *Тижорат банкларининг фонд бозоридаги иштироки назарий асослари тадқиқ қилинган. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги эмиссия фаолияти, инвестиция фаолияти ва воситачилик фаолиятида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар ўрганилган. Мақола якунида тегишли хулосалар чиқарилган.*

Калит сўзлар: *тижорат банклари, фонд бозори, акция, очиқ ва ёпиқ обуна, инвестиция фаолияти, воситачилик фаолияти.*

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ УЧАСТИЯ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ

Буриева Жамшида Парда угли
Независимый соискатель
Банковско-финансовой академии
Республики Узбекистан, PhD
Email:burievjamshid102@gmail.com
ORCID:0009-0009-7645-4934

Аннотация. *Исследованы теоретические основы участия коммерческих банков на фондовом рынке. Рассмотрены аспекты, на которые следует обратить внимание в эмиссионной деятельности, инвестиционной деятельности и посреднической деятельности коммерческих банков на рынке ценных бумаг. В заключение статьи сделаны соответствующие выводы.*

Ключевые слова: *коммерческие банки, фондовый рынок, акция, открытая и закрытая подписка, инвестиционная деятельность, посредническая деятельность.*

THEORETICAL FOUNDATIONS OF COMMERCIAL BANKS' PARTICIPATION IN THE STOCK MARKET

Buriyev Jamshid Pard ugli
Independent applicant of
the Banking and Finance Academy
of the Republic of Uzbekistan, PhD
Email:burievjamshid102@gmail.com
ORCID:0009-0009-7645-4934

Abstract. *The theoretical foundations of commercial banks' participation in the stock market are examined. The study analyzes the key aspects that should be taken into account in the issuance activity, investment activity, and intermediary activity of commercial banks in the securities market. Relevant conclusions are presented at the end of the article.*

Keywords: *commercial banks, stock market, share, public and private subscription, investment activity, intermediary activity.*

Кириш

Халқаро фонд бозорида тижорат банкларининг фаолиятига эътибор қаратилса,

тижорат банклари нафақат эмитент ва инвестор сифатида, балки молиявий воситачи сифатида ҳам фонд бозорида иштирок этади. Бу орқали тижорат банклари ўз жамғармаларини фонд бозорига йўналтиришдан ташқари аҳоли ва турли инвесторларнинг маблағларини фонд бозорига фаол жалб қилишга ва қайта тақсимлашга ёрдам беради.

Жаҳонда турли фонд биржалари, марказий банклар ва бошқа турли мегарегуляторлар томонидан фонд бозорлари ва иштирокчилари фаолиятининг тартибга солинишида эмитентлар, инвесторлар ва молиявий воситачиларнинг молиявий барқарорлиги, рентабеллиги, ўзаро рақобат, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг ликвидлилиги ва даромадлилиги ўртасидаги уйғунликни таъминлаш кабиларни оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу тадқиқотларда тижорат банкларининг фонд бозоридаги иштироки билан боғлиқ рискларни камайтириш, молиявий барқарорликни таъминлаш, ликвидлиликни оширишга доир масалалар тадқиқ қилинган бўлса-да, тижорат банкларининг фонд бозорида қимматли қоғозлар нархларининг кескин ўзгариши, қимматли қоғозлар қийматини баҳолаши, фонд бозоридаги воситачилик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ масалалар ҳали тўлиқлигича ўзининг илмий ечимини топмаган. Хусусан, тижорат банкларининг фонд бозоридаги иштироки орқали инвестицион жозибадорлигини ошириш, уларнинг дивиденд сиёсати ва фоиз сиёсатида инвесторлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, тижорат банкларининг воситачилик фаолияти, хусусан, андеррайтерлик фаолиятини такомиллаштириш каби масалаларнинг мавжудлиги бу бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади. Демак, тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаоллигини ошириш нафақат миллий амалиётда, балки халқаро амалиётда ҳам долзарблик касб этади.

Адабиётлар шарҳи

“Кучли институционал инвесторлар сифатида таъкидланадиган, тегишли молиявий хизматларни таклиф қиладиган, шунингдек, мамлакатдаги инвестиция муҳитига таъсир кўрсатадиган банклар, суғурта компаниялари ва нодавлат пенсия жамғармалари инвестиция фаолиятининг асосий иштирокчилари ҳисобланади” [1].

Н.М.Гиблова фонд бозори, тижорат банклари ва иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги ўзаро таъсирни тадқиқ қилган. Унда тадқиқотчи иқтисодиётнинг реал сектори – инвестицион ресурслар истеъмолчиси сифатида қимматли қоғозлар эмитенти, фонд бирламчи бозори – инвестицияларни молиялаштириш мақсадида пул маблағлари тушумини таъминловчи канал, банклар эса қимматли қоғозларни сотиб олувчи инвестор сифатида кўрсатилади [2]. Кўриб турганимиздек, тадқиқотчи асосан тижорат банкларининг инвестор сифатида ролига жиддий эътибор қаратган.

О.И.Лаврушин бошчилигидаги олимлар гуруҳи томонидан тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари доирасида қимматли қоғозлар бозорида банк фаолияти турлари, банкларнинг ўз қимматли қоғозларини муомалага чиқариши ва жойлаштириши, тижорат банкларининг қимматли қоғозларга инвестицион қўйилмалари, давлат қимматли қоғозларига хизмат кўрсатиш бўйича банк операциялари ва РЕПО битимлари, банкларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси сифатидаги фаолияти кабиларни атрофлича тадқиқ қилинган [3]. Бунда тижорат банкларининг фонд бозоридаги воситачилик фаолияти эътибордан четда қолган.

И.Р.Байбеков эса тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолияти орқали облигациялар портфелини шакллантириш масаларига доир тадқиқотлар олиб борган. Бунда асосий эътибор банк даромадларини диверсификациялаш нуқтаи назаридан облигациялар портфелини ҳам диверсификациялашда облигация эмитентларини сифат жиҳатидан баҳолаш методикасига қаратилади [4].

АҚШдаги тижорат банклари ўз акциялари, облигациялари ва депозит сертификатларини фонд бозорида жойлаштириш орқали капитал жалб қилиши,

“қимматли қоғозлар бозорида инвестицион фаолият нуқтаи назаридан асосан федерал, штат ёки маҳаллий облигацияларга маблағ йўналтириши” [5] мумкин. Мазкур жиҳатни 1929-1933 йиллардаги буюк депрессия туфайли тижорат банкларига юқори рискли қимматли қоғозларга инвестиция киритиш билан боғлиқ фаолият тақиқланганлиги билан изоҳлашимиз мумкин. “Банкларга акциялар ёки корпоратив облигациялар каби юқори рискли қимматли қоғозларга эгалик қилиш тақиқланади. Ғазначилик қимматли қоғозлари эса уларнинг паст рискли ва юқори ликвидлилиги туфайли сотиб олинишига ҳеч қандай чекловлар йўқ” [6]. АҚШда тижорат банкларининг қимматли қоҳозлар билан боғлиқ молиявий воситачилик фаолиятига ҳам рухсат берилмаган. Юқоридагилардан ҳам кўринадики, банкларнинг фонд бозори бўйича маълум бир чегаралар ҳам ўрнатилиши мумкин.

“АҚШда ҳаттоки инвестицион банкларга ҳам корпоратив қимматли қоғозларга инвестиция киритиш, уларни жойлаштиришга воситачилик қилиш тақиқланади. Европада эса аксинча, яъни универсал банкларга қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритишга чекловлар қонунчиликда илгари сурилмайди. Ва шу асосда ҳам бизнесни ривожлантиришга эътибор қаратилади” [7].

Таҳлил ва натижалар

Умумий ҳолда тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги айнан учала йўналиш бўйича фаолияти хусусиятларини ўрганиш мақсадида қуйидаги жадвалда батафсилроқ назарий таҳлил ўтказамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолияти йўналишлари

№	Фаолият йўналиши	Фаолият воситаси	Фаолиятдан мақсад	Пировард натижа
1.	**Эмиссион фаолият**	Акция Корпоратив облигация Депозит сертификати Еврооблигация Халқаро акция	Устав капиталини шакллантириш ва ошириб бориш ҳамда қарз капитали жалб қилиш	Молиявий ресурслар билан таъминланади
2.	**Воситачилик фаолияти**	Андеррайтер Депозитарий Ишончли бошқарувчи Инвестицион маслаҳатчи Клиринг Дилер Брокер	Қўшимча фаолият йўналиши сифатида даромад манбасига эга бўлиш ва ўз қимматли қоғозларини жойлаштириш тажрибасини ошириш	Фонд бозори профессионал иштирокчиси сифатида даромадга эга бўлинади ва бозор таҳлили асосида ўз қимматли қоғозлари муомалага чиқарилади
3.	**Инвестицион фаолият**	Акциялар портфели Корпоратив облигациялар портфели Давлат қимматли қоғозлари портфели ва бошқалар	Актив операциялар орқали даромад олиш манбаларини диверсификациялаш	Кредитдан ташқари инвестицион фаолият бўйича даромадга эга бўлинади.

Муаллиф томонидан тузилган.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

1-жадвал маълумотлари асосида қайд этиб ўтишимиз лозимки, тижорат банклари фаолияти асосини акциялар эмиссияси ташкил этади. Чунки тижорат банклари фаолиятини бошлаш асносида устав капиталини шакллантириш талаб этилади. Устав капитали эса бевосита акция эмиссия қилиш ва таъсисчилар ўртасида жойлаштириш ҳисобига шакллантирилишини қайд этиб ўтишимиз лозим. Тижорат банклари воситачилик фаолияти орқали эса андеррайтер, депозитарий, ишончли бошқарувчи, инвестицион маслаҳатчи, клиринг, дилер, брокер каби воситачилик хизматларини таклиф қилиши мумкин.

Корпоратив облигациялар эса тижорат банклари томонидан қўшимча қарз капитали жалб қилиш ва жалб қилинадиган қарз капиталини диверсификациялаш мақсадида муомалага чиқарилади ҳамда жойлаштирилади. Чунки аксарият ҳолатларда гувоҳ бўламизки, депозит сертификатлари чиқарилиши, омонат ва депозитлар жалб қилиниши банкларнинг асосий молиявий ресурслари бўлиб хизмат қилади. Шундай шароитда корпоратив облигацияларнинг ҳам муомалага чиқарилиши капитал таркиби оптималлашувига хизмат қилади. Бошқа томондан корпоратив облигациялар муваффақиятли жойлаштирилиши ва ўз вақтида улар бўйича хизмат кўрсатилиши истиқболда қўшимча акциялар эмиссияси муваффақиятида ҳам муҳим ҳисобланади.

Умумий ҳолда қимматли қоғозлар эмиссияси орқали тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаолияти аниқ узвийликка асосланади (1-расм).



1-расм. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар эмиссияси билан боғлиқ амалиётлар узвийлиги

Муаллиф томонидан тузилган.

Тижорат банкларининг эмитент сифатида акциялар ва корпоратив облигациялар муомалага чиқариши бўйича алоҳида шартлар мавжуд.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги воситачилик фаолияти маълум бир чегаралар истисно ҳолатларда қимматли қоғозлар бозори ва банк фаолияти қонунчилиги асосида амалга оширилади. Бунда мижоз номидан ва ҳисобидан, банк номидан ва ҳисобидан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларда воситачиликка рухсат берилиши мумкин.

“Қимматли қоғозларга қўйилмалар аҳамияти ва миқдорига кўра тижорат банкларининг актив операциялари таркибида кредитлашдан сўнг иккинчи ўринда туради. Кредит тақдим этиш банкнинг бош функцияси ҳисобланса да, банк бошқаруви жами активларда қимматли қоғозлар портфелини ошириб бориш мақсадида активлар таркибига эътибор қаратади” [3]. Бунда қимматли қоғозлар турлари асосида тижорат банклари акциялар портфели, корпоратив облигациялар портфели, давлат қимматли қоғозлари портфелини қонунчилик асосида шакллантириши мумкин. Шу ўринда қимматли қоғозлар

турлари бўйича портфель шакллантирилиши асносида эмитентлар таркибини ҳам ҳисобга олиш, уларни фаолият юритаётган соҳа ва тармоқлар кесимида диверсификациялаш лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозим.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозларга инвестициялари қарз муносабатини англатувчи қимматли қоғозларга, улуш муносабатини англатувчи қимматли қоғозларга йўналтирилиши мумкин. Улуш муносабатларини англатувчи акцияларга инвестициялар назорат пакетига эгалик қилиш тартибида, дивиденд олиш мақсадида ва курслар фарқи асосида даромад олиш мақсадида йўналтирилиши ва шу асосда ҳам портфеллар шакллантирилиши мумкин. Лекин, айрим давлатларда акциялар назорат пакетига эгалик қилиш бўйича чекловлар амал қилишини ҳам яна бир бор таъкидлаб ўтамиз.

Бошқа томондан тижорат банклари ва инвестицион банклар бўйича акцияларга инвестициялар юзасидан алоҳида тартиблар белгиланган бўлиши ҳам мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда очиқ ёки ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти тушунчаси мавжуд эмас. Лекин акцияларни жойлаштириш нуқтаи назаридан очиқ обуна ёки ёпиқ обуна тартиби айни вақтда ҳам мавжуд. Бунда тижорат банклари уставида акцияларни жойлаштириш очиқ ёки ёпиқ тартибда амалга оширилиши аниқ белгилаб қўйилади. Акцияларни очиқ обуна ёки ёпиқ обуна тартибда жойлаштириш умумий ва фарқли жиҳатларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин (2-жадвал).

Қуйидаги жадвалда келтирилган акцияларни очиқ обуна ёки ёпиқ обуна тартибида жойлаштиришдаги асосий фарқли жиҳатларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз. Банклар томонидан амалга ошириладиган очиқ обуна тартибидаги акциялар эмиссияси тўғридан-тўғри ташкиллаштирилган бозор, яъни фонд биржаси орқали жойлаштирилади. Натижада акциядорлар таркиби (хорижий ёки маҳаллий инвестор, институционал инвестор ёки хусусий инвестор ва ҳокозо) олдиндан аниқ бўлмайди. Бундаги яна бир жиҳат акциядорлар сони билан боғлиқ, яъни акциядорлар сони олдиндан аниқ бўлмайди.

2-жадвал

Тижорат банкларида акцияларни жойлатириш тартибидаги умумий ва фарқли жиҳатлар

№	Фарқли жиҳатлар мезонлари	Очиқ обунада алоҳида хусусиятлар	Ёпиқ обунада алоҳида хусусиятлар
1.	Акцияларни таклиф қилиш тартибига кўра	Уюшган бозорда очиқ таклиф асосида жойлаштирилади	Чекланган доирада ёпиқлик асосида жойлаштирилади
2.	Акциядорлар таркибига кўра	Акциядорлар таркиби олдиндан аниқ эмас	Акциядорлар таркиби олдиндан аниқ
3.	Акциядорлар сонига кўра	Акциядорлар сони чегараланмаган	Акциядорлар сони чегараланган
4.	Акцияни жойлаштириш баҳосига кўра	Бозор баҳоси асосида жойлаштирилади	Номинал баҳо бўйича жойлаштирилади
5.	Хусусий капиталга таъсирига кўра	Қўшилган капитал шаклланиши мумкин	Қўшилган капитал шаклланмайди
6.	Акцияни эркин тасарруф этиш имкониятига кўра	Акциядор акциясини эркин тасарруф эта олади	Акциядор акциясини эркин тасарруф эта олмайди
7.	Имтиёзли ҳуқуқ амал қилишига кўра	Акциялар қўшимча эмиссиясида имтиёзли ҳуқуқ амал қилмайди	Акциялар қўшимча эмиссиясида имтиёзли ҳуқуқ амал қилади
8.	Акцияни сотиб олиш бўйича чеклов ўрнатилишига кўра	Максимал чегара белгилаб қўйилиши мумкин	Ҳар бир акциядор улуши олдиндан аниқ бўлади
9.	Ахборотлар очиқлиги бўйича талаб юзасидан	Банкдан юқори даражада ахборотлар очиқлиги, шаффофлик талаб қилинади	Ахборот очиқлиги, шаффофлик бўйича талаб юқори эмас

Муаллиф томонидан тузилган.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Шу ўринда очиқ жойлаштириш амалиётида ҳам ҳар бир инвестор сотиб олиши мумкин бўлган максимал чегара белгиланиши мумкин. Мазкур амалиёт акциялар оммавий таклифларида кенг қўлланилади ва алоҳида акциядор таъсир доираси кенгайишига йўл қўймаслик мақсадида белгилаб қўйилади. Акцияларни очиқ обуна тартибида жойлаштиришда нарх диапазони, ёки минимал сотиш баҳоси белгилаб қўйилиши мумкин. Мазкур жиҳат ҳар қандай акциядорлик жамияти каби тижорат банки акциясининг ликвидлилиги ва кутилаётган даромадлилигига бевосита боғлиқ. Бунда ўз-ўзидан акциялар номиналдан юқори жойлаштирилиши ҳисобига хусусий капитал таркибида қўшилган капитал миқдори ҳам ўсиши кузатилади. Очиқ обуна орқали акцияларни сотиб олган инвесторнинг ўз акцияларини исталган вақтда, исталган шахсга эркин тасарруф этиши мумкинлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозим.

Акцияларни ёпиқ обуна тартибида жойлаштиришда эса акциядорлар таркиби, улар сотиб оладиган акциялар сони олдиндан аниқ бўлади. Фақатгина номинал баҳо бўйича жойлаштирилганлиги боис қўшилган капиталда ўзгариш бўлмайди. Шунингдек, акциядор акциясини сотмоқчи бўлса биринчи навбатда жамиятнинг бошқа акциядорларига умумий таклиф юбориши лозим бўлади. Чунки акциядорлар таркибидаги исталган акциядорга ҳам ўз улушини сотиш бўйича чекловлар амал қилади.

Одатда мамлакатимизда тижорат банклари устав капиталидаги давлат улушини ошириш билан боғлиқ қарорлар ижросини таъминлашда ҳам ёпиқ обуна тартиби қўлланилади. Тижорат банкларига давлат улуши киритилиши бўйича акцияларни ёпиқ обуна тартибида жойлаштириш фонд бозори ривожланишига икки томонлама салбий таъсир кўрсатади. Биринчидан, ҳеч қандай алоҳида инвесторнинг акциялар пакетида ўзгариш юз бермайди. Иккинчидан эса бундай амалиёт банклар ўртасида ресурс жалб қилиш билан боғлиқ рақобат муҳитининг бузилишига олиб келади.

Шу ўринда қайд этишимиз лозимки, акцияларини ёпиқ обуна тартибида жойлаштирган тижорат банклари истиқболда қўшимча акциялар эмиссиясини очиқ жойлаштириш, ёки мавжуд улушни (хусусан, давлат улушини) очиқ таклиф қилиш орқали очиқ жамиятга айланишлари мумкин. Бу борада мамлакатимизда тижорат банклари устав капиталидаги давлат улушини хусусийлаштириш масалалари охирги йилларда тез-тез кўтарилмоқда.

Хулоса.

Тижорат банкларининг фонд бозоридаги иштироки назарий асослари тадқиқи асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар эмиссияси орқали капитал жалб қилиш, қимматли қоғозларга инвестиция киритиш, шунингдек, воситачилик асосида бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозларини жойлаштириш каби операцияларда иштирок этиши орқали тижорат банкларининг фонд бозоридаги фаоллигини ошириш масалаларини ўрганишнинг аҳамиятини кўрсатиб беради. Ушбу операцияларни амалга оширишда эътиборга олиниши лозим бўлган омиллар ва ёндашувлар бўйича тадқиқотчиларнинг қарашларида умумий ва ўзига хос фарқли жиҳатлар кузатилади.

2. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари доирасида қимматли қоғозлар бозорида банк фаолияти турлари, банкларнинг ўз қимматли қоғозларини муомалага чиқариши ва жойлаштириши, тижорат банкларининг қимматли қоғозларга инвестицион қўйилмалари, давлат қимматли қоғозларига хизмат кўрсатиш бўйича банк операциялари, банкларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси сифатидаги фаолияти, андеррайтерлик фаолияти кабиларга дуч келиш мумкин.

3. Акцияларни очиқ жойлаштириш амалиётида ҳам ҳар бир инвестор сотиб олиши мумкин бўлган максимал чегара белгиланиши мумкин. Мазкур амалиёт акциялар оммавий таклифларида кенг қўлланилади ва алоҳида акциядор таъсир доираси кенгайишига йўл

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

қўймаслик мақсадида белгилаб қўйилади. Акцияларни очиқ обуна тартибида жойлаштиришда нарх диапазони, ёки минимал сотиш баҳоси белгилаб қўйилиши мумкин. Мазкур жиҳат ҳар қандай акциядорлик жамияти каби тижорат банки акциясининг ликвидлилиги ва кутилаётган даромадлилигига бевосита боғлиқ. Бунда ўз-ўзидан акциялар номиналдан юқори жойлаштирилиши ҳисобига хусусий капитал таркибида қўшилган капитал миқдори ҳам ўсиши кузатилади.

4. Мамлакатимизда тижорат банклари устав капиталидаги давлат улушини ошириш билан боғлиқ қарорлар ижросини таъминлашда ҳам ёпиқ обуна тартиби қўлланилади. Тижорат банкларига давлат улуши киритилиши бўйича акцияларни ёпиқ обуна тартибида жойлаштириш фонд бозори ривожланишига икки томонлама салбий таъсир кўрсатади. Биринчидан, ҳеч қандай алоҳида инвесторнинг акциялар пакетида ўзгариш юз бермайди. Иккинчидан эса бундай амалиёт банклар ўртасида ресурс жалб қилиш билан боғлиқ рақобат муҳитининг бузилишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Serhiy Reverchuk, Olga Vovchak, Tetyana Yavorska, Lyudmyla Voytovych, Olesya Irshak. Investment activities of banks, insurance companies, and non-government pension funds in Ukraine. // Investment Management and Financial Innovations. Volume 17, Issue 2, 2020. – P. 353-363.

2. Гиблова Н.М. Тенденции и перспективы развития инвестиционных операций коммерческих банков на фондовом рынке России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2013. – 26 с.

3. Банковское дело. Учебник / Под ред. О.И. Лаврушина. 13-е изд. – М.: КНОРУС, 2020. – 632 с.

4. Байбеков И.Р. Формирование облигационных портфелей коммерческими банками на российском биржевом рынке. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Саратов, 2015. – 29 с.

5. Frederic S. Mishkin. The Economics of Money, Banking, and Financial Markets, 11th Edition. Pearson, 2016. – 745 p.

6. Frederic S. Mishkin and Stanley G. Eakins. Financial markets and institutions. Global edition. Pearson, 2018. – 706 p.

7. Мартыненко Н.Н., Маркова О.М., Рудакова О.С., Сергеева Н.В. Банковское дело в 2 ч. часть 2. – М. “Юрайт”, 2020. – 368 с.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

O’ZBEKISTONDA VALYUTA KURSI O’ZGARISHI, VALYUTA TUSHUMLARI VA KAPITAL HARAKATINING IQTISODIY RIVOJLANISH TENDENSIYALARIGA TA’SIRI TAHLILI

Norbaeva Muxlisa Akram qizi
Tashkent International University dotsenti, PhD, doktorant
E-mail: mukhlisa122@mail.ru
ORCID: 0009-9525-0022-56X3

Annotatsiya. Maqolada 2008-2024-yillar rasmiy statistikasi asosida valyuta kursi o’zgarishi, valyuta tushumlari va kapital harakatining iqtisodiy rivojlanish tendensiyalariga ta’siri baholangan. Ekonometrik baholash valyuta tushumining importga o’tish darajasi yuqori, eksportning real kursga sezgirligi esa ahamiyatsiz ekanini ko’rsatdi. Tahlil asosida uchta yangi baholash indikatori – eksport raqobatbardoshligi zaxirasi, valyuta tushumining import qaytimi koeffitsienti va bilimga asoslangan eksport indeksi – ishlab chiqilib, ularni amaliyotga joriy etish tartibi taklif etilgan.

Tayanch so‘zlar: valyuta kursi; real kurs indeksi; eksport raqobatbardoshligi zaxirasi; import qaytimi koeffitsienti; bilimga asoslangan eksport indeksi; oltinsiz eksport; xalqaro zaxiralar; dollarlashuv; axborot texnologiyalari eksporti; ekonometrik baholash.

АНАЛИЗ ВЛИЯНИЯ ОБМЕННЫХ КУРСОВ, ВАЛЮТНЫХ ПОСТУПЛЕНИЙ И ДВИЖЕНИЯ КАПИТАЛА НА ТЕНДЕНЦИИ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА

Норбаева Мухлиса Акрам кизи
Доцент Tashkent International University, PhD, докторант
E-mail: mukhlisa122@mail.ru
ORCID: 0009-9525-0022-56X3

Аннотация. В статье на основе официальной статистики 2008-2024 годов оценено влияние изменения валютного курса, валютных поступлений и движения капитала на тенденции экономического развития. Эконометрическая оценка показала высокую степень перехода валютных поступлений в импорт при статистически незначимой чувствительности экспорта к реальному курсу. На основе анализа разработаны три новых оценочных индикатора – резерв экспортной конкурентоспособности, коэффициент импортного возврата валютных поступлений и индекс наукоёмкого экспорта – и предложен порядок их внедрения в практику.

Ключевые слова: валютный курс; индекс реального курса; резерв экспортной конкурентоспособности; коэффициент импортного возврата; индекс наукоёмкого экспорта; экспорт без золота; международные резервы; долларизация; экспорт ИТ-услуг; эконометрическая оценка.

ANALYSIS OF THE IMPACT OF EXCHANGE RATES, FOREIGN CURRENCY INFLOWS, AND CAPITAL FLOWS ON UZBEKISTAN'S ECONOMIC DEVELOPMENT TRENDS

Norbaeva Mukhlisa Akram qizi
Associate Professor at Tashkent International University,

PhD, Doctoral Researcher
E-mail: mukhlisa122@mail.ru
ORCID: 0009-9525-0022-56X3

Abstract. Drawing on official statistics for 2008-2024, the article assesses the effect of exchange rate movements, foreign currency inflows and capital flows on economic development trends. Econometric estimation shows a high pass-through of currency inflows into imports, while the sensitivity of exports to the real exchange rate is statistically insignificant. Building on these findings, three new assessment indicators – the export competitiveness reserve, the import return coefficient of currency inflows and the knowledge-based export index – are developed, together with a procedure for their practical adoption.

Keywords: exchange rate; real exchange rate index; export competitiveness reserve; import return coefficient; knowledge-based export index; non-gold exports; international reserves; dollarization; IT services exports; econometric estimation.

Kirish

Valyuta siyosatining iqtisodiy rivojlanishga ta’siri to’g’risidagi nazariy bahs amaliy tekshiruvsiz yakunlanmaydi. Nazariy adabiyotda raqobatbardosh real kursning o’sishni rag’batlantirishi asoslangan bo’lsa-da [1], bu bog’liqlikning kuchi va hatto, yo’nalishi mamlakat sharoitiga qarab keskin farqlanadi. B.Eichengreen ta’kidlaganidek, barqaror va raqobatbardosh real kurs “yordamchi shart” bo’lib, “fundamental shart-sharoitlarsiz real valyuta kursiga nisbatan siyosat hech narsaga erisha olmaydi” [2]. Shu bois har bir milliy iqtisodiyot uchun ushbu bog’liqlik alohida o’lchanishi lozim.

Ayni paytda valyuta tushumlarining tarkibi ham tubdan o’zgardi. Jismoniy shaxslarning pul o’tkazmalari, xorijiy investitsiya va kreditlar hamda xizmatlar eksporti hajmi bir necha barobar oshib, ularning YaIM (YaIM)ga nisbati 2017-yildagi 31,1 %dan 2024-yilda 67,1 %ga yetdi. Shu bilan birga savdo taqchilligi 1,4 mlrd. dollardan 14,3 mlrd. dollargacha chuqurlashdi. Bu ikki tendensiyaning bir vaqtda kechishi muhim savolni keltirib chiqaradi: valyuta tushumlarining o’sishi iqtisodiy rivojlanishga xizmat qilyaptimi yoki importni moliyalashtirish orqali tashqi bog’liqlikni kuchaytiryaptimi? Shunga muvofiq, tadqiqot oldiga 2008-2024-yillar rasmiy statistik ma’lumotlari asosida valyuta kursi o’zgarishi, valyuta tushumlari va kapital harakatining iqtisodiy rivojlanish tendensiyalariga ta’sirini miqdoriy jihatdan tahlil qilish va shu asosda amaliy xulosalar shakllantirish va tavsiyalar ishlab chiqish maqsadi qo‘yilgan.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi

Kurs va eksport bog’liqligi. Klassik yondashuvda milliy valyutaning real qadrsizlanishi eksportni rag’batlantiradi. Biroq, G.Gopinath va hammualliflari dominant valyutada narxlash paradigmasini asoslab, bu mexanizmning universal emasligini ko’rsatdi: dominant valyutada narxlash sharoitida “savdo shartlari valyuta kursi tebranishlariga sezgir bo’lmasligi” kerak, dominant valyutaning mustahkamlanishi esa periferiya mamlakatlarida importni qisqartirsa-da, eksportning sezilarli o’sishini ta’minlamaydi. Mazkur qoida quyida keltiriladigan empirik natijalarni izohlashda bevosita qo’llaniladi [3].

Kurs o’zgaruvchanligi va unumdorlik. P.Aghion, P.Bacchetta, R.Rancière va K.Rogoff moliyaviy rivojlanish darajasini shartlovchi omil sifatida ko’rsatadi: “moliyaviy rivojlanish darajasi nisbatan past bo’lgan mamlakatlar uchun valyuta kursi volatilligi, odatda, o’sishni pasaytiradi, moliyaviy jihatdan rivojlangan mamlakatlarda esa sezilarli ta’sir kuzatilmaydi” [4]. Bu qoida dollarlashuv darajasi yuqori iqtisodiyotlar uchun alohida ahamiyatga ega.

Global cheklovlar. H.Rey global moliyaviy sikl sharoitida “kapital erkin harakatlanar ekan, global moliyaviy sikl valyuta kursi rejimidan qat’i nazar milliy pul-kredit siyosatini cheklashini” asoslaydi [5]. Bu xulosa kapital harakati ko’rsatkichlarini tahlilga kiritish zarurligini belgilaydi.

Rejimni o’lchash. E.Ilzetzki, C.M.Reinhart va K.S.Rogoff de jure tavsiflar “amaldagi amaliyotdan muntazam chetlashishi va hatto, chalg’ituvchi bo’lishi mumkin”ligini ko’rsatadi [6].

E.Levy-Yeyati va F.Sturzenegger rejimni kurs va zaxiralar o’zgaruvchanligi xulqi orqali aniqlash metodologiyasini taklif qiladi [7]. Mazkur maqolada shu yondashuvdan kelib chiqib, rasmiy bayonot emas, kuzatiladigan ma’lumot asos qilib olingan.

Instrumentlar va aralashuv. J.D.Ostry, A.R.Ghosh va M.Chamon “foiz stavkasi inflyatsiya maqsadiga, sterilizatsiya qilingan intervensiya esa valyuta kursi maqsadiga yo’naltirilishi” qoidasini asoslaydi [8]. Xalqaro valyuta jamg’armasi esa intervensiya faqat “kurs moslashuvchanligi qimmatga tushadigan bozor nomukammalliklari bilan bog’langan” hollarda oqlanishini belgilaydi [9]. O.Blanchard, G.Adler va I.de Carvalho Filho sterilizatsiya qilingan intervensiyani kapital oqimlarini boshqarishning asosiy vositasi, deb baholaydi [10].

Rivojlanish o’lchovi. M. Guzman, J.A.Ocampo va J.E.Stiglitz real kurs siyosatini rivojlanish vositasi sifatida talqin qiladi [11] M.S.McMillan va D.Rodrik esa tarkibiy o’zgarishni unumdorlik o’sishining tarkibiy qismi sifatida o’lchashni taklif etadi [12]. R.Hausmann va C.A.Hidalgo iqtisodiy murakkablikni “o’zaro ta’sirlar tarmog’ining qanchalik murakkabligini va jamiyat safarbar etgan ishlab chiqarish bilimi hajmini ko’rsatuvchi o’lchov”, deb ta’riflaydi [13] – bu qoida axborot texnologiyalari eksportini alohida tahlil qilishning nazariy asosidir.

V.V.Levshin valyuta siyosatini “davlatning mamlakat ichida va tashqarisida valyutaga, valyuta kursiga, valyuta operatsiyalariga ta’sir ko’rsatish orqali amalga oshiriladigan iqtisodiy va tashqi iqtisodiy siyosatining tarkibiy qismi” sifatida ta’riflaydi [14]. Z.T.Abusufyanova uni iqtisodiy, huquqiy va tashkiliy tadbirlar majmui deb baholaydi [15]. T.A.Serebryakova va O.A.Tarenkova uning umumiqtisodiy siyosatga bo’ysunuvchi maqomini ko’rsatadi [16]. M.S.Kudenko va E.V.Popova instrumentlar to’plamini keltiradi [17] V.Yu.Cherkasov valyutani tartibga solishni qoidalar tizimi sifatida chegaralaydi [18] A.Ongdash va hammualliflari milliy va jahon valyuta tizimi muvofiqligini ta’rifga kiritadi [19].

Mahalliy adabiyotda mazkur mavzu uch yo’nalishda o’rganilgan. Kategorial yo’nalish: N.Axmadaliyeva va S.Jumayeva valyuta siyosatini davlat chora-tadbirlari majmui sifatida ta’riflab, joriy va tarkibiy valyuta siyosatini farqlaydi [20] Z.R.Samandarov siyosat sub’ektlari doirasini belgilaydi [21] T.I.Bobakulov va U.A.Abdullayev valyuta siyosatini pul massasi boshqaruvi bilan bog’laydi [22]. Z.A.Shamansurova va U.O.O’rinboyev inflyatsion targetlash sharoitida mustaqil pul-kredit siyosati zarurligini asoslaydi [23].

Adabiyotlar sharhi shuni ko’rsatadiki, mahalliy adabiyotda valyuta kursi va makroiqtisodiy barqarorlik bog’liqligi keng muhokama qilingan, biroq valyuta tushumlarining tarkibiy o’zgarishi (pul o’tkazmalari, xorijiy investitsiya, xizmatlar eksporti) va ularning import hamda investitsiya bilan miqdoriy bog’liqligi tizimli baholanmagan. Shuningdek, eksport tarkibidagi oltin omilini ajratgan holda kurs sezgirligini o’lchash amaliyoti uchramadi. Mazkur maqola shu bo’shliqlarni to’ldirishga qaratilgan.

Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur maqolada valyuta kursi o’zgarishi, valyuta tushumlari va kapital harakatining iqtisodiy rivojlanish tendensiyalariga ta’siri baholashda monografik kuzatuv, empirik tahlil, taqqoslama tahlil, statistik tahlil, qiyoslash, ilmiy abstraksiyalash, analiz, sintez kabi tadqiqot usullaridan foydalanilgan.

Natija va muhokama

O’zbekistonda2017-yil sentabrida amalga oshirilgan valyuta islohoti –kursni belgilashda “faqatgina bozor mexanizmlarini qo’llash” tamoyilining joriy etilishi va eksport tushumini majburiy sotish talabining bekor qilinishi [24] – bir yilda nominal kursning 151,3 foizga o’zgarishiga olib keldi. Bu tabiiy tajriba xususiyatiga ega hodisa bo’lib, kurs o’zgarishining iqtisodiy natijalarga ta’sirini o’rganish uchun noyob ma’lumot beradi.

Bugungi kunga kelib, respublikamizda valyuta kursi, narxlar va iqtisodiy o’sish ko’rsatkichlari dinamikasi quyidagi natijalarni qayd etdi (1-jadval).

Quyida keltirilgan 1-jadval ma’lumotlari 2017-2024-yillar oralig‘ida O‘zbekistonda

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Valyuta kursi, narxlar va iqtisodiy o’sish ko’rsatkichlari tendensiyasini ko‘rsatadi va unga ko‘ra, so‘nggi yillardagi holat sezilarli ravishdagi ijobiy o‘zgarishlarni asoslaydi.

1-jadval

Valyuta kursi, narxlar va iqtisodiy o’sish ko’rsatkichlari, 2017-2024-yillar[6]

Yil	O’rtacha kurs, so’m/dollar	Kurs o’zgarishi, %	Nominal kurs indeksi (2017=100)	Real kurs indeksi (2017=100)	Inflyatsiya, %	Qayta moliyalash stavkasi, %	YaIM, mlrd. dollar	YaIM o’sishi, %
2017	5,121	+151.3	100.0	100.0	18.8	14.0	72.2	5.3
2018	8,069	+2.7	157.6	137.9	14.3	16.0	61.3	5.5
2019	8,837	+14.0	172.6	131.1	15.2	16.0	70.2	6.0
2020	10,056	+10.2	196.4	134.2	11.1	14.0	70.1	2.0
2021	10,838	+3.4	211.6	131.5	10.0	14.0	81.2	7.4
2022	11,225	+3.6	219.2	121.3	12.3	15.0	94.3	5.7
2023	12,339	+9.9	240.9	122.5	8.8	14.0	107.5	6.3
2024	12,653	+4.7	247.1	114.4	9.8	13.5	121.4	6.5

Tahlil davrida valyuta tushumlarining hajmi ham, tarkibi ham tubdan o’zgardi (2-jadval). Jadvalga ko‘ra, jami valyuta tushumi 2017-yildagi 22,5 mlrd. dollardan 2024-yilda 81,5 mlrd. dollarga, ya’ni 3,6 barobar oshdi. Uning YaIMga nisbati 31,1 foizdan 67,1 foizga ko’tarildi. Bu ko’rsatkich iqtisodiyotning tashqi moliyaviy oqimlarga bog’liqligi ikki barobardan ko’proq kuchayganini bildiradi.

2-jadval

Valyuta tushumlari tarkibi va ularning YaIMga nisbati, mlrd AQSh dollari[7]

Yil	Tovar eksporti	Xizmatlar eksporti	Pul o’tkazmalari	Xorijiy investitsiya va kreditlar	Jami valyuta tushumi	YaIMga nisbati, %
2017	12.6	2.47	4.9	2.5	22.5	31.1
2018	14.0	3.07	5.1	1.8	24.0	39.1
2019	17.5	3.43	6.0	4.2	31.1	44.4
2020	15.1	2.00	6.0	6.6	29.7	42.4
2021	16.7	2.58	8.1	9.0	36.4	44.8
2022	19.7	4.46	16.9	8.5	49.6	52.6
2023	24.9	5.64	11.4	19.5	61.4	57.2
2024	27.3	7.57	14.8	31.8	81.5	67.1

Tarkibiy jihatdan uchta muhim siljish kuzatiladi. Birinchi siljish – xorijiy investitsiya va kreditlarning yetakchilikka chiqishi. Ularning hajmi 2,5 mlrd. dollardan 31,8 mlrd. dollarga, ya’ni 12,7 barobar oshdi (o’rtacha yillik o’sish 37,0 foiz). 2017-yilda bu manba jami tushumning 11,1 foizini tashkil etgan bo’lsa, 2024-yilda 33,4 foiziga yetdi. Bu – eng tez o’sgan, ayni paytda eng qaytariladigan manbadir: kreditlar kelajakda to’lovni talab qiladi. Ikkinchi siljish – pul o’tkazmalarining barqaror ikkinchi o’ringa chiqishi. Ular 4,9 mlrd. dollardan 14,8 mlrd. dollarga oshdi (3,0 barobar). Ularning YaIMga nisbati 2022-yilda 17,9 foizga yetib, davr rekordini qayd etdi, 2024-yilda 10,1 foizni tashkil etdi. Pul o’tkazmalari – kurs va ichki iqtisodiy siyosat bilan deyarli boshqarilmaydigan, tashqi mehnat bozori sharoitiga bog’liq manba. Uchinchi siljish – xizmatlar eksportining tez o’sishi. U 2,47 mlrd. dollardan 7,57 mlrd. dollarga, ya’ni 3,1 barobar oshdi. Bu tarkibda axborot texnologiyalari xizmatlari alohida o’rin tutadi.

Eksportning kursga sezgirligini baholashda uning tarkibi hal qiluvchi ahamiyatga ega va uning tahlili 3-jadvalda keltirilgan.

[6] O’zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi va Markaziy banki ma’lumotlari asosida muallif hisob-kitoblari. Nominal va real kurs indekslari muallif tomonidan 2017-yil asosida hisoblangan.

[7] O’zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi va Markaziy banki ma’lumotlari asosida muallif hisob-kitoblari. “Jami valyuta tushumi” ko’rsatkichi muallif tomonidan tovar eksporti, xizmatlar eksporti, pul o’tkazmalari hamda xorijiy investitsiya va kreditlar yig’indisi sifatida hisoblangan.

3-jadval

Eksport tarkibi, import va savdo saldosi, mlrd AQSh dollari[8]

Yil	Jami eksport	Nomonetar oltin eksporti	Oltinsiz eksport	Oltin ulushi, %	Import	Savdo saldosi	Ochiqlik darajasi, %
2017	12.6	3.6	9.0	28.6	14.0	-1.4	36.8
2018	14.0	2.9	11.1	20.7	19.4	-5.4	54.5
2019	17.5	4.9	12.6	28.0	24.3	-6.8	59.5
2020	15.1	5.8	9.3	38.4	21.2	-6.1	51.8
2021	16.7	4.1	12.6	24.6	25.5	-8.8	52.0
2022	19.7	4.1	15.6	20.8	30.8	-11.1	53.6
2023	24.9	8.2	16.7	32.9	38.7	-13.8	59.2
2024	27.3	7.5	19.8	27.5	40.0	-12.7	55.4

Nomonetar oltinning eksportdagi ulushi davr mobaynida 20,7 foizdan 38,4 foizgacha tebrandi va 2024-yilda 27,5 foizni tashkil etdi. Bu – tahlil uchun tub ahamiyatga ega holat: eksportning qariyb uchdan bir qismi milliy valyuta kursiga sezgir bo’lmagan tovardan iborat, chunki oltin narxi jahon bozorida belgilanadi.

Oltinsiz eksport 9,0 mlrd. dollardan 19,8 mlrd. dollarga oshdi (2,2 barobar, o’rtacha yillik o’sish 10,0 foiz). Qiziq holat shundaki, oltinsiz eksportning o’sish sur’ati jami eksport sur’atidan deyarli farq qilmaydi (10,2 va 10,3 foiz) – ya’ni oltin eksportning o’sishini “sun’iy ravishda ko’tarib” turgani haqidagi taxmin ma’lumotlar bilan tasdiqlanmaydi. Oltinning roli o’sish sur’atida emas, kurs sezgirligini pasaytirishda namoyon bo’ladi.

Import 14,0 mlrd. dollardan 40,0 mlrd. dollarga (2,9 barobar) oshdi va eksportdan tezroq o’sdi. Natijada savdo saldosi taqchilligi 1,4 mlrd. dollardan 13,3 mlrd. dollarga chuqurlashdi. Iqtisodiyotning ochiqlik darajasi 36,8 foizdan 55,4 foizga ko’tarildi (u mamlakatning tashqi savdo aylanmasi (eksport va import yig‘indisi)ning YaIM nisbati orqali foizda hisoblanadi).

Kapital harakati, xalqaro zaxiralar va dollarlashuv ko’rsatkichlari quyidagi 4-jadvalda keltirilgan. Ushbu jadval uchta muhim tendensiyani ochib beradi. Birinchi tendensiya – tashqi qarz yukining ortishi. Yalpi tashqi qarz 17,2 mlrd. dollardan 70,6 mlrd. dollarga (4,1 barobar) oshdi, uning YaIMga nisbati 23,8 foizdan 48,0 foizga chiqdi. Davlat tashqi qarzi 7,6 mlrd. dollardan 33,9 mlrd. dollarga yetdi. Qarzning YaIMga nisbatan barqarorlashuvi 2024-yilda YaIMning tez o’sishi hisobiga yuzaga keldi, qarz hajmining kamayishi hisobiga emas.

4-jadval

Kapital harakati, xalqaro zaxiralar va dollarlashuv ko’rsatkichlari[9]

Yil	Xorijiy investitsiya va kreditlar	Yalpi tashqi qarz	Davlat tashqi qarzi	Tashqi qarz / YaIM, %	Xalqaro zaxiralar	Zaxiralar, import oylari	Kreditlarda chet el valyutasi ulushi, %	To’lov balansi
2017	2.5	17.2	7.6	23.8	28.1	24.1	62.2	+1.5
2018	1.8	18.7	10.1	30.5	27.1	16.8	55.8	-3.6
2019	4.2	26.3	15.7	37.5	29.2	14.4	47.7	-3.4
2020	6.6	36.3	21.1	51.8	34.9	19.8	49.9	-3.0
2021	9.0	43.2	23.7	53.2	35.1	16.5	49.8	-4.9
2022	8.5	51.8	25.8	54.9	35.8	13.9	47.5	-2.8
2023	19.5	61.0	29.7	56.7	34.6	10.7	45.0	-7.8
2024	31.8	70.6	33.9	58.2	41.2	12.4	42.9	-5.7

Ikkinchi tendensiya – zaxiralar paradoksi. Xalqaro zaxiralar 28,1 mlrd. dollardan 41,2 mlrd. dollarga (1,7 barobar) oshgan bo’lsa-da, ularning import qoplami 24,1 oydan 13,6 oyga qisqardi; eng past ko’rsatkich 2023-yilda qayd etilgan – 10,7 oy. Sababi oddiy: import

[8] O’zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi ma’lumotlari asosida muallif hisob-kitoblari. “Oltinsiz eksport” va “ochiqlik darajasi” ko’rsatkichlari muallif tomonidan hisoblangan.

9 O’zbekiston Respublikasi Markaziy banki va Milliy statistika qo‘mitasi ma’lumotlari asosida muallif hisob-kitoblari. “Tashqi qarz / YaIM” va “zaxiralarning import oylaridagi qoplami” ko’rsatkichlari muallif tomonidan hisoblangan.

zaxiralardan tezroq o’sdi (3,5 barobarga qarshi 2,4 barobar). Bu holat mutlaq ko’rsatkichga qarab xulosa chiqarishning xatoligini ko’rsatadi: zaxira hajmi rekord darajaga yetgan paytda ham himoya qobiliyati pasaygan bo’lishi mumkin. Qayd etish lozimki, zaxiralarning katta qismi monetar oltindan iborat bo’lib, ularning dollardagi qiymati jahon narxi o’zgarishidan ham ta’sirlanadi. Uchinchi tendensiya – dollarlashuvning barqaror pasayishi. Tijorat banklari kredit portfelida chet el valyutasining ulushi 62,2 foizdan 42,9 foizga tushdi. Bu – davr mobaynidagi eng aniq ijobiy siljishlardan biri. P. Aghion va hammualliflari asoslagan qoidaga ko’ra, moliyaviy chuqurlik pasaygan sharoitda kurs o’zgaruvchanligi unumdorlikka salbiy ta’sir qiladi; dollarlashuvning kamayishi esa milliy valyutadagi moliyaviy tizimning mustahkamlanishini va shu orqali kurs shoklariga chidamlilikning ortishini bildiradi.

Axborot texnologiyalari xizmatlari (AKT) eksportining miliy valyuta kursi va makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashdagi o‘rni yil sayin ortiq bormoqda. Tahlil davrida eng jadal o’sgan eksport yo’nalishi – AKT sohasidagi dasturiy mahsulotlar va xizmatlar eksporti. Uning tahlili alohida jadvalda keltirilgan (5-jadval).

5-jadval

AKT dasturiy mahsulotlari va xizmatlari eksporti hajmi hamda uning eksport tarkibidagi ulushi[10]

Yil	AKT eksporti, mln dollar	O’sish sur’ati, %	Xizmatlar eksportidagi ulushi, %	Tovar eksportidagi ulushi, %	Tovar va xizmatlar eksportidagi ulushi, %	YaIMdagi ulushi, %	Oltin eksportiga nisbati, %
2017	150.7	–	6.09	1.20	1.00	0.21	4.2
2018	159.7	+6.0	5.20	1.14	0.94	0.26	5.5
2019	167.5	+4.9	4.88	0.96	0.80	0.24	3.4
2020	169.5	+1.2	8.45	1.12	0.99	0.24	2.9
2021	180.7	+6.6	7.00	1.08	0.94	0.22	4.4
2022	305.8	+69.2	6.86	1.55	1.27	0.32	7.5
2023	540.4	+76.7	9.58	2.17	1.77	0.50	6.6
2024	640.8	+18.6	8.46	2.35	1.84	0.53	8.5

Tahlillar AKT xizmatlari eksporti 2017-yildagi 150,7 million dollardan 2024-yilda 640,8 million dollarga, ya’ni 4,3 barobar oshganligini ko‘rsatadi. O’rtacha yillik o’sish sur’ati 18,4 %ni tashkil etdi – bu boshqa barcha eksport yo’nalishlaridan yuqori ko’rsatkich. 2024-yilda soha tarixida birinchi marta 640 million dollarlik chegara oshib o’tildi; mazkur natija mamlakat rahbariyati darajasida ham qayd etilgan [25]. Ammo, 2017-2021-yillarda o’sish sur’ati yillik 1,2-6,6% oralig’ida bo’lgan, ya’ni soha deyarli o’smagan. Keskin burilish 2022-yilda yuz berdi (+69,2%), so’ng 2023 (+76,7%) va 2024-yilda (+18,6%) takrorlandi.

Demak, sohaning o’sishi 2022-yildan boshlangan bo’lib, uning davomiyligi to’rt yilni tashkil etadi. Bu yo‘nalishda SI mahsulotlari eksportining oshib borishi va bunga yaratilayotgan imkoniyatlar alohida ahamiyat kasb etayotganligini ham ta’kidlab o‘tmoq lozimdir.

Xulosa va takliflar

Valyuta tushumlarining o’sishi o’z-o’zidan iqtisodiy rivojlanishni ta’minlamaydi; hal qiluvchi omil – tushumning qaysi manbadan kelishi va qayerga yo’naltirilishidir. Tushum qaytariladigan manbadan kelib, iste’mol importiga aylansa, u kelajakdagi to’lov yukini oshiradi; qaytarilmaydigan manbadan kelib, investitsiya va texnologiya importiga hamda ichki jamg’armaga aylansa, rivojlanish salohiyatini oshiradi.

Tadqiqot natijalari asosida amaliyotga joriy etishga qaratilgan quyidagi takliflar ishlab chiqildi:

1. Mamlakatdagi yuqori iqtisodiy va investitsion faollik fonida yil yakunida kutilayotgan inflyatsiya darajasining pasayishi va iqtisodiy o‘sishning tezlashishini ta’minlash uchun tijorat

[10] O’zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi ma’lumotlari asosida muallif hisob-kitoblari. Ulush ko’rsatkichlari va oltin eksportiga nisbati muallif tomonidan hisoblangan.

banklari tomonidan yuridik va jismoniy shaxslarning xorijiy valyutadagi depozitlari jozibadorligini oshirish hamda ulardan samarali foydalanish maqsadida majburiy zaxira me’yorlari stavkasini pasaytirish tavsiya etiladi.

2. Bank tizimining qulaylik, samaradorlik va ishonch asosidagi fuqarolarga xizmatlari sifatini oshirish yo‘lida tijorat banklari tomonidan fuqarolarning chet el valyutasini sotib olishdagi hajmini O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan, 2017-yil 23-mayda 2886-son bilan ro‘yxatdan o‘tgan qaror Ilovasidagi 22-bandning “b” kichik bandi, 2-xatboshi va 3-xatboshidagi tafovutni maqbullashtirish maqsadida 3-xatboshidagi “100” raqami “500” raqami bilan almashtirilishi tavsiya qilinadi.

3. Tashqi savdo operatsiyalarida bojxona to‘lovlarini kechiktirib to‘lash tartibini yanada takomillashtirish maqsadida bojxona to‘lovlarini kechiktirib to‘lash muddatlarini birxillashtirish va ularning 120 kundan oshmasligini belgilash taklif etiladi.

4. Tashqi savdo operatsiyalarida muddati o‘tgan debitor va kreditor qarzdorliklarni hisoblash, aktivlarni repatriatsiya qilish munosabatlarini tartibga solishni yanada takomillashtirish maqsadida tashqi savdo operatsiyalarida muddati o‘tgan debitor va kreditor qarzdorliklarni hisoblash hamda aktivlarni repatriatsiya qilish tartibini takomillashtirish taklif qilinadi.

5. 2025-yil 1-fevraldan boshlab 2030-yil 1-yanvarga qadar eksport xizmatlari hajmi kalendar yil davomida 10 mln. AQSh dollaridan oshgan IT-park rezidentlariga axborot texnologiyalari sohasidagi xizmatlarini (shu jumladan, royalti to‘lanadigan) ko‘rsatgan, O‘zbekiston Respublikasi bilan ikkiyoqlama soliqqa tortishning oldini olish to‘g‘risida bitim tuzilmagan davlatlarning yuridik shaxslarini ushbu kalendar yil yakuniga qadar foyda solig‘idan ozod etish tavsiya qilinadi.

6. 2025-yil 1-fevraldan boshlab 2040-yil 1-yanvarga qadar jami daromadi tarkibida eksporti hajmi 50 foizdan ortiq bo‘lgan IT-park rezidentlarining ta’sischilari (ishtirokchilari) – O‘zbekiston Respublikasi norezidentlari bo‘lgan jismoniy va yuridik shaxslarning dividendlar tarzidagi daromadlariga O‘zbekiston Respublikasining rezidentlari singari jismoniy shaxslardan olinadigan daromad solig‘i hamda foyda solig‘ining 5 foiz stavkasini tatbiq etish taklif etiladi.

7. 2028-yil 1-yanvardan boshlab 2040-yil 1-yanvarga qadar quyidagi mezonlardan biriga, ya’ni: kalendar yil davomida jami daromadi tarkibida IT-park rezidentlari tomonidan amalga oshirishga ruxsat etilgan faoliyat turlari bo‘yicha eksporti hajmi 50 foizdan ortiq bo‘lgan yuridik shaxslar; kalendar yil davomida o‘n sakkiz yoshdan oshgan bitiruvchilarining 50 foizdan ortiq qismi IT-park rezidenti bo‘lgan eksportchi korxonalarga ishga joylashgan IT-ta’lim xizmatlarini ko‘rsatuvchi yuridik shaxslarga to‘g‘ri keladigan IT-park rezidentlari uchun O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 30-iyundagi “Respublikada axborot texnologiyalari sohasini rivojlantirish uchun shart-sharoitlarni tubdan yaxshilash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5099-son Farmonida nazarda tutilgan soliq va bojxona imtiyozlarini uzaytirish (qo‘shilgan qiymat solig‘i bundan mustasno) tavsiya etiladi.

8. Bank tizimida islohotlarni jadallashtirish, bank xizmatlari bozori hajmini oshiris.h va sohada raqobatni rivojlantirish maqsadida banklarni xususiylashtirish va davlat ixtiyorida 4 ta bankni saqlab qolish taklif etiladi.

9. Mamlakatimizning investitsiyaviy jozibadorligini yanada oshirish va qimmatli qog‘ozlar bozorini jadal rivojlantirish maqsadida 12 ta davlat ishtirokidagi korxonalar aksiyalarini xalqaro va mahalliy fond bozorlarida birlamchi (IPO) va (yoki) ikkilamchi (SPO) ommaviy taklif etish tavsiya qilinadi.

10. Markaziy bank rasmiy valyuta kurslarini shakllantirishda faqat valyuta birjasidagi bitimlar asosida emas, balki, banklararo birjadan tashqari bozorda tuzilgan bitimlarni ham hisobga olgan holda o‘rtacha tortilgan kurs asosida shakllantirish taklif etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Rodrik D. The Real Exchange Rate and Economic Growth // Brookings Papers on

Economic Activity. – 2008. – No. 2. – P. 365-408. – P. 365.

2. Eichengreen B. The Real Exchange Rate and Economic Growth. – Commission on Growth and Development Working Paper No. 4. – Washington, D.C.: World Bank, 2008. – 45 p. – P. 4-5.

3. Gopinath G., Boz E., Casas C., Díez F.J., Gourinchas P.-O., Plagborg-Møller M. Dominant Currency Paradigm. – NBER Working Paper No. 22943. – Cambridge, MA: NBER, 2016 (rev. 2019). – 42 p. – P. 2-3. – Nashr etilgan varianti: American Economic Review. – 2020. – Vol. 110, No. 3. – P. 677-719.

4. Aghion P., Bacchetta P., Rancière R., Rogoff K. Exchange Rate Volatility and Productivity Growth: The Role of Financial Development. – NBER Working Paper No. 12117. – Cambridge, MA: NBER, 2006. – P. 3.

5. Rey H. Dilemma not Trilemma: The Global Financial Cycle and Monetary Policy Independence. – NBER Working Paper No. 21162. – Cambridge, MA: NBER, 2015 (rev. 2018). – 40 p. – P. 1.

6. Ilzetzki E., Reinhart C.M., Rogoff K.S. Exchange Arrangements Entering the Twenty-First Century: Which Anchor Will Hold? – NBER Working Paper No. 23134. – Cambridge, MA: NBER, 2017. – 51 p. – P. 3.

7. Levy-Yeyati E., Sturzenegger F. Classifying Exchange Rate Regimes: 15 Years Later. – CID Faculty Working Paper No. 319. – Cambridge, MA: Harvard University, 2016. – 26 p. – P. 2-3.

8. Ostry J.D., Ghosh A.R., Chamon M. Two Targets, Two Instruments: Monetary and Exchange Rate Policies in Emerging Market Economies. – IMF Staff Discussion Note SDN/12/01. – Washington, D.C.: IMF, 2012. – 24 p. – P. 6.

9. Integrated Policy Framework – Principles for the Use of Foreign Exchange Intervention. – IMF Policy Paper No. 2023/061. – Washington, D.C.: IMF, 2023. – P. 9. – DOI: 10.5089/9798400263842.007.

10. Blanchard O., Adler G., de Carvalho Filho I. Can Foreign Exchange Intervention Stem Exchange Rate Pressures from Global Capital Flow Shocks? – NBER Working Paper No. 21427. – Cambridge, MA: NBER, 2015. – 37 p. – P. 3-4.

11. Guzman M., Ocampo J.A., Stiglitz J.E. Real Exchange Rate Policies for Economic Development. – NBER Working Paper No. 23868. – Cambridge, MA: NBER, 2017. – 37 p. – P. 3.

12. McMillan M.S., Rodrik D. Globalization, Structural Change and Productivity Growth. – NBER Working Paper No. 17143. – Cambridge, MA: NBER, 2011. – P. 13.

13. Hausmann R., Hidalgo C.A., Bustos S., Coscia M., Simoes A., Yıldırım M.A. The Atlas of Economic Complexity: Mapping Paths to Prosperity. – Cambridge, MA: The MIT Press, 2013. – P. 18. – ISBN 978-0-262-52542-8.

14. Левшин В.В. Принципы системного подхода к гармонизации валютной политики стран Евразийского экономического союза // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Юридические науки. – 2014. – № 3. – С. 179-197. – С. 180.

15. Абусуфянова З.Т. Организация валютного контроля в различных таможенных процедурах: курс лекций. – Махачкала: ДГТУ, 2021. – 49 с. – С. 3.

16. Серебрякова Т.А., Таренкова О.А. Валютное регулирование и валютный контроль в Российской Федерации: учеб. пособие. – Самара: СФ ГАОУ ВО МГПУ, 2022. – С. 22. – ISBN 978-5-6045664-2-8.

17. Куденко М.С., Попова Э.В. Валютная политика государства: цели и механизмы реализации // Экономический вестник ДонГТУ. – 2024. – № 18. – С. 27-35. – С. 28.

18. Черкасов В.Ю. Эволюция валютного регулирования и контроля в России и перспектива продолжения либерализации валютного законодательства // Финансовый журнал. – 2022. – Т. 14, № 5. – С. 120-137. – С. 122. – DOI: 10.31107/2075-1990-2022-5-120-137.

19. Ongdash A., Elemesov R., Rakhmetjan A., Ongdashuly E. Methods of Influencing the Exchange Rate: Problems of Currency Regulation and Ways to Overcome Them // Journal of Economic Research & Business Administration. – 2020. – № 4 (134). – C. 54-65. – C. 60. – DOI: 10.26577/be.2020.v134.i4.05

20. Axmadaliyeva N., Jumayeva S. Valyuta siyosati // Development of Pedagogical Technologies in Modern Sciences. – 2024. – Vol. 3, No. 6. – B. 5-9. – B. 5-6. – DOI: 10.5281/zenodo.11112428.

21. Samandarov Z.R. Makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda valyuta siyosatini samarali tashkil etish // “Yashil” iqtisodiyot va taraqqiyot. – Toshkent, 2024. – № 1. – B. 350-354. – B. 350. – DOI: 10.55439/GED/vol1_iss1/a821.

22. Bobakulov T.I., Abdullayev U.A. Xalqaro valyuta-kredit munosabatlari: Darslik. – Toshkent: “Iqtisod-Moliya”, 2019. – 228 b. – B. 28. – ISBN 978-9943-13-838-4.

23. Shamansurova Z.A., O’rinboyev U.O. Milliy valyuta barqarorligi ta’minlashda inflatsion targetlash usulining ahamiyati va o’rni // O’zbekiston sug’urta bozori. – 2024. – Vol. 1, № 7. – B. 29-31. – B. 29. – DOI: 10.55439/INS/vol1_iss7/116.

24. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining “Valyuta siyosatini liberallashtirish bo’yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to’g’risida”gi Farmoni: 2017-yil 2-sentabr, PF-5177-son. – URL: https://lex.uz/docs/-3326421

25. O’zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi ma’lumotlari. 2017-2024-yy.

26. O’zbekiston Respublikasi Markaziy banki ma’lumotlari 2017-2024-yy.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

“ESG” ОМИЛЛАР АСОСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР КИРИТИШ ЮЗАСИДАН УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР

Носиров Эгамқул Исмаилович

Баҳолаш иши ва инвестициялар кафедраси мудири, и.ф.н., проф.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: egamqul74@mail.ru
ORCID: 0000-0002-9355-1973

Аннотация. Мақолада БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда “ESG” ёндошувнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Халқаро миқёсда ESG фаолиятини тартибга солишнинг методологик асослари ҳамда компаниялар ESG фаолиятини баҳолаш методологияси тадқиқ этилган. Миллий иқтисодиётда “ESG” ёндошувни қўллаш юзасидан таклиф-тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ESG омиллар, “яшил” иқтисодиёт, молиявий воситалар, “яшил” инвестициялар, масъулиятли инвестициялар, ижтимоий масъулиятли инвестициялар, “яшил” молиялаштириш, “яшил” лойиҳалар.

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ ИНВЕСТИРОВАНИЯ НА ОСНОВЕ «ESG» ФАКТОРОВ

Носиров Эгамкул Исмаилович

Заведующий кафедрой “Оценочное дело и инвестиции” Ташкентского государственного экономического университета, к.э.н., проф.
E-mail: egamqul74@mail.ru
ORCID: 0000-0002-9355-1973

Аннотация. В статье описывается роль и значение «ESG» подхода в обеспечении реализации задач, поставленных целями устойчивого развития ООН. Исследованы методологические основы регулирования ESG-деятельности на международном уровне и методология оценки ESG-факторов компаний. Даны рекомендации по применению «ESG» подхода в национальной экономике.

Ключевые слова: ESG-факторы, «зеленая» экономика, финансовые инструменты, «зеленые» инвестиции, ответственные инвестиции, социально-ответственные инвестиции, «зеленое» финансирование, «зеленые» проекты.

METHODOLOGICAL APPROACHES TO INVESTING BASED ON ESG FACTORS

Nosirov Egamkul Ismailovich

PhD, head of the department "Valuation and Investments" Tashkent State University of Economics
E-mail: egamqul74@mail.ru
ORCID: 0000-0002-9355-1973

Annotation. The article describes the role and significance of the “ESG” approach in ensuring the implementation of the objectives set by the UN sustainable development goals. The methodological foundations for regulating ESG activities at the international level and the methodology for assessing ESG factors of companies have been studied. Here, recommendations

are given for the application of the ESG approach in the national economy.

Key words: ESG factors, green economy, financial instruments, green investments, responsible investments, socially responsible investments, green financing, green projects.

Кириш

Охирги йилларда халқаро молия муносабатлари иштирокчилари Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га тобора кўпроқ аҳамият беришмоқда. БРМга киритилган вазифаларни амалга оширишда турли мамлакатлар ҳукуматлари, тартибга солувчи муассасалар, ривожланиш институтлари, йирик компаниялар, фонд биржалари ва молия бозори иштирокчилари фаол ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, бу борада БМТ ташаббуси асосида масъулиятли инвестициялаш тамойиллари (PRI, UN Principles for Responsible Investment) ишлаб чиқилган бўлиб, унда инвестиция фаолиятига ESG омиллари таҳлилини киритиш юзасидан зарур тавсиялар ўрин олган. Дунё миқёсида кўпчилик йирик компаниялар мазкур ташаббусни қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, компаниялар инвестиция қарорларини қабул қилишда ESG омилларини ҳисобга олиш орқали ўзларининг асосий мақсадларини жамият аъзоларининг хоҳиш ва истаклари билан уйғунлигини таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

Масалан, 2020 йил январ ойида Microsoft компанияси 2030 йилга бориб углерод газлари чиқарилиши бўйича салбий кўрсаткичга ўтиш режасини эълон қилди. Компания ташкил этилган 1975 йилдан хозирги пайтга қадар компаниянинг углерод чиқиндилари бўйича оқибатларини бартараф этишни ўз зиммасига олди. Шунингдек, Иқлимий инновациялар жамғармасига 1 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритишини маълум қилди [1].

Ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда, мамлакатимизда ESG тамойилларини ҳисобга олган ҳолда инвестициялаш амалиёти шаклланиш жараёнининг дастлабки босқичида турибди. Шунингдек, миллий иқтисодиётда ESG тамойиллари асосида инвестиция киритишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва методологик асослари ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари, кўпчилик маҳаллий иқтисодиёт субъектлари ESG тамойилларига асосланган ҳолда инвестиция қарорларини қабул қилиш юзасидан етарлича тушунчага эга эмас. Бу борада тушунчага эга бўлган иқтисодиёт субъектлари эса, аксарият ҳолларда ESG тамойилларини жорий қилишга жиддий эътибор қартишмаяпти.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Бугунги кунда глобал миқёсда барқарор ривожланиш мақсадлари йўлидаги ҳатти-ҳаракатлар натижасида янги молиялаштириш воситалари юзага келмоқда. Мазкур ёндашувни қуйидаги манбалар тасдиқлайди.

Ҳозирги даврда молия соҳасининг барча бўғинларидаги ўзгаришлар уларга барқарор ривожланиш воситаларини киритиш орқали амалга оширилмоқда. Бугунги кунда барқарор ривожланиш фақат концепция сифатида қайд этилмасдан, бизнес ва инвестиция оламига амалий йўналтирилган асосий оқимга айланди. Бу эса, ўз навбатида масъулиятли инвестициялаш (ESG) бозорини самарали шакллантириш ва ривожлантиришни талаб этади [2].

Компанияларда ESG ёндашувларни қўллаш ташқи омиллар таъсирида юз бермоқда, шу билан бирга бу соҳада давлат сиёсати ва хорижий инвесторлар қизиқишининг ортиб бориши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда [3].

Масъулиятли инвестициялар ёки ESG инвестициялари инвестиция қарорларини қабул қилиш жараёнида экологик, ижтимоий ва бошқарув омилларга таянади. Ахборотлашган жамиятга ўтиш ва инсонларнинг турмуш тарзини яхшилаш босқичида инвесторлар инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашда иқтисодий самарадорликка асосий омил сифатида қарамасдан, шу билан биргаликда ахлоқий қадриятлар ва шахснинг маънавий ривожланиши каби мезонларни устувор йўналиш

сифатида билмоқда. Иқтисодий агентлар инвестиция қарорларини қабул қилишда нафақат компания молиявий кўрсаткичларининг барқарор ўсишга, шунингдек, компания молиявий кўрсаткичларига тааллуқли бўлмаган маълумотлар, хусусан, ушбу компанияларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ижтимоий масъулият борасидаги фаолияти тамойилларига таяниб иш тутмоқда [4].

Институционал инновациянинг бир тури сифатида “яшил” молиялаштириш сиёсатини қўллаш атроф-муҳитни кўпроқ ифлослантирадиган компаниялар учун молиявий чекловларнинг кучайишга олиб келмоқда. Бу эса, компанияларнинг атроф-муҳитни ифлослантириш борасидаги ҳаракатларини ижобий тарафга ўзгартириши мумкин. Молиявий институтлар ва корхоналарни “яшил” молиялаштириш сиёсати орқали кўпроқ экологик ва ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олишга ундаш ресурсларни тақсимлаш ва “яшил” ривожланиш самарадорлигини оширишнинг самарали усули бўлиши мумкин [5].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асосини барқарор ривожланиш концепциясида кўзда тутилган “яшил” иқтисодий тараққиётга эришиш мақсадидаги лойиҳаларни молиялаштириш ва инвестиция қарорлари қабул қилишда ESG омилларни қўллаш билан боғлиқ назарий қоидаларни ўз ичига олади. Тадқиқот жараёнида изланиш объектига нисбатан тизимли ёндошув сифатида график усуллар, гуруҳлаш ва таққослаш, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Охирги йилларда халқаро ҳамжамият вакиллари томонидан ҳар қандай бизнесдан олинадиган даромад атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва масъулият ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан боғлиқ умумқабул қилинган меъёр ва қоидаларга мос бўлиши керак, – деган тушунча тобора кўпроқ илгари сурилмоқда. Мазкур тушунча ESG тамойилларини амалиётда қўллаш билан бевосита боғлиқ.

Экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув омилларни ўзида мужассам этган «ESG» тушунчаси биринчи марта 2004 йилда БМТ ва йирик молия институларининг қўшма ташаббуси асосида ўтказилган «Ғамхўрлик қилган ютади (Who Cares Wins)» номли конференция материаллари асосида тайёрланган ҳисоботда ишлатилган [6].

Кейинчалик, БМТ ташаббуси асосида институционал инвесторлар билан ҳамкорликда иқтисодиёт субъектлари учун масъулиятли инвестициялаш борасида 6 та тамойил ишлаб чиқилди (1-расм).

1. Инвестициялашда ESG омилларини эътиборга олиш;
2. Компанияни бошқаришда ESG омилларини ҳисобга олиш;
3. ESG омиллар билан боғлиқ маълумотларни очиқлашни талаб қилиш;
4. ESG омилларни амалга оширишга кўмаклашиш;
5. ESG тамойиллари асосида ишлайдиган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
6. ESG тамойиллари асосида амалга оширилган ишларни бошқалар билан бўлишиш.

1-расм. БМТ ташаббуси асосида ишлаб чиқилган масъулиятли инвестициялаш тамойиллари [7]

Масъулиятли инвестициялаш борасида иқтисодиёт субъектлари томонидан инвестиция киритишда ESG омилларини эътиборга олиш, компанияни бошқаришда ESG омилларини ҳисобга олиш, ESG омиллар билан боғлиқ маълумотларни очиқлашни талаб

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

қилиш, ESG омилларни амалга оширишга кўмаклашиш, ESG тамойиллари асосида ишлайдиган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ESG тамойиллари асосида амалга оширилган ишларни бошқалар билан бўлишиш каби ихтиёрий тамойиллар ўрин олган.

ESG омилларини тартибга солиш борасидаги методологик ёндашувлар асосан номолиявий ҳисоботларни очиқлаш қоидаларини белгилаш билан боғлиқ. Халқаро амалиётда ESG фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ бир қатор ҳуқуқий асослар ва ташаббуслар шаклланган. Бундай ҳуқуқий асослар ва ташаббуслар қуйидаги кўринишга эга (2-расм).

1. Халқаро амалиётда ESG фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий асослар ва ташаббуслар

- давлатлар ўртасида халқаро келишувлар асосида ташкил этилган сиёсий ёки иқтисодий бирлашмаларни халқаро тартибга солиш;
- корпоратив бошқарув кодекслари;
- корпоратив ҳуқуқ, атроф-муҳит ва ижтимоий йўналишдаги масалаларни миллий тартибга солиш;
- бозор иштирокчилари томонидан ESG тамойилларига оид маълумотларни очиқлаш юзасидан ихтиёрий ташаббуслар.

2. ESGга оид фаолиятни халқаро тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари

- Иқлим ўзгариши бўйича Париж битими;
- БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ);
- G 20 ва Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ)нинг корпоратив бошқарув тамойиллари;
- ИҲРТнинг трансмиллий компаниялар учун бошқарув тамойиллари;
- ИҲРТнинг давлат корхоналари учун корпоратив бошқарув тамойиллари;
- БМТ ва Жаҳон банкининг барқарор молиявий тизимга ўтиш бўйича йўл харитаси;
- БМТнинг инсон ҳуқуқлари, меҳнат муносабатлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Глобал шартномасининг 10 та тамойили;
- БМТ қошидаги Масъулиятли инвестициялаш тамойиллари (PRI) ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган инвестициялаш жараёнларига ESG омилларни киритиш юзасидан амалий қўлланма.

2-расм. Халқаро миқёсда ESG фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий асослар ва ташаббуслар[11]

1-rasmda ESG (Environmental, Social, Governance) standartlari tarkibiy qismlari uchta asosiy yo‘nalishda tasvirlangan bo‘lib, ular atrof-muhit, ijtimoiy va boshqaruv omillarini o‘z ichiga oladi. Atrof-muhit yo‘nalishi ekologik barqarorlik masalalarini qamrab olib, iqlim o‘zgarishi, issiqxona gazlari chiqishi, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, ifloslanishni kamaytirish va energiya samaradorligini oshirish kabi muammolarni o‘z ichiga olgan. Ijtimoiy yo‘nalishda esa mehnat faoliyatining standartlari, inson huquqlari, sog‘liq va xavfsizlik, irqi tenglik, jamiyatga ta’sir va ijtimoiy tenglik masalalari muhim o‘rin tutadi. Boshqaruv (Governance) yo‘nalishi kompaniya boshqaruv organlarining shaffofligi va javobgarligiga qaratilgan bo‘lib, unda siyosiy lobbizm, korporativ muhit, korrupsiya va poraxo‘rlik, boshqaruvchilarning ish haqi va strategik barqarorlik kabi ko‘rsatkichlar ko‘rsatilgan.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4



1-rasm. ESG standartlari tarkibi

Manba: Iqtisodiy adabiyotlar asosida shakllantirilgan

ESG standartlari kompaniyalarning barqaror rivojlanish maqsadlariga erishishi uchun muhim vosita bo‘lib, ularning uzoq muddatli moliyaviy barqarorligini ta’minlashga xizmat qiladi. Har bir yo‘nalish o‘ziga xos mezonlar asosida baholanib, korporativ boshqaruv jarayonlarida hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. ESG tamoyillari orqali kompaniyalar nafaqat iqtisodiy foydani, balki ijtimoiy va ekologik barqarorlikni ham ko‘zlashga intiladi. Shu jihatdan ESG standartlari bugungi kunda global investitsiya jarayonlarining ajralmas qismi sifatida e’tirof etilgan. ESG mezonlari kompaniyalar va investorlarga xavflarni baholash, imkoniyatlarni aniqlash va barqaror rivojlanish strategiyasini ishlab chiqishda yordam beradi.

2-jadval

Yashil moliyalashtirishda ESG standartlarining roli

№	ESG komponenti	Mazmuni	Yashil moliyalashtirishdagi roli
1	E - Ekologik	Atrof-muhitni muhofaza qilish, iqlim o‘zgarishiga qarshi kurash	Loyihalarning ekologik ta’sirini baholash, chiqindilarni kamaytirish, energiya samaradorligini oshirish
2	S - Ijtimoiy	Jamiyatga foydali ta’sir, sog‘liqni saqlash, bandlik, xavfsizlik	Yashil loyihalar orqali ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish, fuqarolar salomatligini himoya qilish
3	G - Boshqaruv	Korporativ boshqaruv, shaffoflik, manfaatlar to‘qnashuvining oldini olish	Loyihalarning moliyaviy va boshqaruv hisobotlarini shaffof yuritish, investorlarga ishonchni oshirish

Manba: Iqtisodiy adabiyotlar asosida shakllantirilgan

2-jadvalda yashil moliyalashtirishda ESG standartlarining tutgan o‘rni uchta asosiy komponentga bo‘lingan bo‘lib, ularning har biri yashil moliyalashtirish jarayonidagi o‘ziga xos

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ahamiyatini aks ettiradi. E (Environmental) komponenti atrof-muhitni muhofaza qilish, iqlim o‘zgarishiga qarshi kurashish, chiqindilarni kamaytirish va energiya samaradorligini oshirish orqali loyihalarning ekologik ta’sirini baholashda muhim ahamiyat kasb etadi. S (Social) komponenti jamiyatga foydali ta’sir ko‘rsatish, sog‘liqni saqlash, bandlikni ta’minlash, xavfsizlikni oshirish kabi jihatlarga e’tibor qaratib, yashil loyihalar orqali ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish va fuqarolar salomatligini himoya qilishga xizmat qiladi. G (Governance) komponenti esa korporativ boshqaruvning shaffofligi, manfaatlar to‘qnashuvining oldini olish va moliyaviy hisobdorlikni oshirish orqali investorlarga ishonchni mustahkamlashni maqsad qiladi. Ushbu uch komponentning uyg‘unligi yashil moliyalashtirishning samarali ishlashini ta’minlab, barqaror rivojlanish tamoyillarini qo‘llab-quvvatlashga yordam beradi. ESG standartlari loyihalarning atrof-muhitga salbiy ta’sirini kamaytirib, ijtimoiy farovonlik va iqtisodiy barqarorlikni uyg‘unlashtirishga xizmat qiladi. Loyihalarning ekologik va ijtimoiy jihatlari bilan bir qatorda moliyaviy shaffofligini oshirish ESG standartlarining eng muhim jihatlaridan biridir. Yashil moliyalashtirishda ESG talablarining bajarilishi loyiha ishtirokchilari, jumladan investorlar va jamiyat uchun ishonchli va barqaror moliyaviy muhitni yaratishga imkon beradi. Shu jihatdan ESG standartlari yashil iqtisodiyotni rivojlantirishning poydevori hisoblanib, moliyaviy barqarorlik va ijtimoiy taraqqiyot o‘rtasidagi muvozanatni ta’minlaydi.



2-rasm. ESG mezonlari asosida kiritilgan investitsiyalarning bozor hajmi o‘zgarishi prognozi, trln. AQSh dollari

Manba: https://www.precedenceresearch.com/esg-investing-market

2-rasmda ESG mezonlari asosida kiritilgan investitsiyalarning bozor hajmi o‘zgarishi prognozi ko‘rsatilgan bo‘lib, unda 2025-yildan 2034-yilgacha bo‘lgan davr uchun barqaror o‘sish tendensiyasi namoyon bo‘lgan. 2025-yilda ESG investitsiyalar hajmi 35,48 trillion AQSh dollarini tashkil qilgan bo‘lsa, 2026-yilga kelib bu ko‘rsatkich 42,16 trillion AQSh dollarigacha oshgan. Keyingi yillarda ham ijobiy o‘sish davom etib, 2027-yilda 50,09 trillion AQSh dollarini, 2028-yilda esa 59,52 trillion AQSh dollarini tashkil etgan. 2029-yilda esa ESG asosida kiritilgan investitsiyalar 70,72 trillion AQSh dollariga yetgan bo‘lib, bu ko‘rsatkich 2030-yilda 84,03 trillion AQSh dollariga oshgan. Prognozga ko‘ra, 2031-yilda ESG bozor hajmi 99,84 trillion AQSh dollarini tashkil etishi kutilmoqda, 2032-yilda esa bu ko‘rsatkich 118,63 trillion AQSh dollariga yetishi taxmin qilinmoqda. 2033-yilda ESG bozor hajmi 140,96 trillion AQSh dollariga yetib, 2034-yilda esa eng yuqori ko‘rsatkich — 167,49 trillion AQSh dollariga chiqishi kutilmoqda. Ushbu prognoz ESG investitsiyalarining jahon moliya bozorlaridagi o‘rni va ahamiyatining yildan-yilga ortib borishini yaqqol ko‘rsatib bermoqda. ESG mezonlari asosida investitsiyalarni jalb qilish nafaqat iqtisodiy barqarorlikni ta’minlash, balki ekologik va ijtimoiy

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

jihatlarni ham inobatga olish orqali barqaror rivojlanishga hissa qo‘shmoqda.



3-rasm. ESG mezonlari asosida kiritilgan investitsiyalarning mintaqalar kesimida ulushi, foizda

Manba: https://www.precedenceresearch.com/esg-investing-market

3-rasmda ESG mezonlari asosida kiritilgan investitsiyalarning mintaqalar bo‘yicha taqsimoti foiz ko‘rinishida tasvirlangan bo‘lib, unda Shimoliy Amerika 37% ulush bilan yetakchilik qilmoqda. Shimoliy Amerikadagi korporativ boshqaruv va moliyaviy barqarorlikka bo‘lgan yuqori talablar ESG investitsiyalarining keng tarqalishiga yordam bergan. Lotin Amerikasi, O‘rta Sharq va Afrika hududlari 9% ulush bilan eng past ko‘rsatkichga ega bo‘lib, bu hududlarda ESG standartlarini joriy etish jarayonlari endigina shakllanayotganini ko‘rsatmoqda. Osiyo-Tinch okeani mintaqasi esa 24% ulush bilan global ESG investitsiya bozorida muhim o‘rinni egallab kelmoqda. Yevropa 30% ulush bilan ESG investitsiyalarining muhim markazlaridan biri sifatida ko‘rsatilgan bo‘lib, Yevropa Ittifoqi tomonidan qabul qilingan qator ESG va yashil iqtisodiyotga oid siyosatlar bu natijalarga asos bo‘lgan. Har bir mintaqaning ESG investitsiyalari bo‘yicha ulushi o‘zining iqtisodiy rivojlanish darajasi, huquqiy me’yorlari va atrof-muhitga bo‘lgan e’tiboriga bevosita bog‘liq. Shimoliy Amerikada ESG investitsiyalari ko‘proq moliya va texnologiya kompaniyalarida jamlangan bo‘lsa, Yevropada barqarorlik va yashil iqtisodiy rivojlanish loyihalariga yo‘naltirilgan. Osiyo-Tinch okeani mintaqasida esa ESG investitsiyalari asosan sanoat va infratuzilma loyihalarida joriy etilmoqda. Lotin Amerikasi, O‘rta Sharq va Afrikada ESG investitsiyalari hali boshlang‘ich bosqichda bo‘lsa-da, bu mintaqalarda barqaror rivojlanish uchun ulkan imkoniyatlar mavjud. Umuman olganda, ESG investitsiyalari bozorida hududlar o‘rtasida tafovutlar bo‘lishiga qaramay, ularning o‘sish sur’atlari global moliya bozorining barqaror rivojlanishida muhim rol o‘ynamoqda.

3-jadvalda keltirilgan ESG standartlari kapital bozori orqali yashil moliyalashtirishni samarali tashkil etishda muhim rol o‘ynaydi. Ekologik komponent orqali loyihalarning atrof-muhitga ta’siri aniqlanadi va ekologik xavflar kamaytiriladi. Ijtimoiy mezonlar fuqarolar salomatligi, bandlik va xavfsizlikni ta’minlashga qaratilgan. Bu esa yashil loyihalarning ijtimoiy ahamiyatini oshiradi. Korporativ boshqaruv mezonlari esa moliyaviy shaffoflikni ta’minlab, investorlar ishonchini mustahkamlaydi. ESG yondashuvi orqali kapital bozorida uzoq muddatli va barqaror investitsiya muhiti shakllanadi. Har bir ESG komponenti yashil obligatsiyalar va loyihalarning sifatli baholanishiga xizmat qiladi. Shuningdek, bu mezonlar moliyaviy risklarni kamaytiradi va investitsion samaradorlikni oshiradi. ESG standartlari asosida baholangan

loyihalar xalqaro moliya institutlari tomonidan yuqori baholanadi. O‘zbekiston kapital bozorida ESG tamoyillarini keng tatbiq etish barqaror rivojlanishga xizmat qiladi. Shu bois ESG standartlari yashil moliyalashtirishda ajralmas mexanizm hisoblanadi.

3-jadval

Kapital bozori orqali yashil moliyalashtirishda ESG standartlarining roli

№	ESG komponenti	Mazmuni	Yashil moliyalashtirishdagi roli
1	E - Ekologik	Atrof-muhitni muhofaza qilish, iqlim o‘zgarishiga qarshi kurash	Loyihalarning ekologik ta’sirini baholash, chiqindilarni kamaytirish, energiya samaradorligini oshirish
2	S - Ijtimoiy	Jamiyatga foydali ta’sir, sog‘liqni saqlash, bandlik, xavfsizlik	Yashil loyihalar orqali ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish, fuqarolar salomatligini himoya qilish
3	G - Boshqaruv	Korporativ boshqaruv, shaffoflik, manfaatlar to‘qnashuvining oldini olish	Loyihalarning moliyaviy va boshqaruv hisobotlarini shaffof yuritish, investorlarga ishonchni oshirish

Manba: Iqtisodiy adabiyotlar asosida shakllantirilgan

4-jadvalda keltirilgan vositalar kapital bozori orqali yashil moliyalashtirishda ESG standartlarini samarali amalga oshirishga xizmat qiladi. ESG reyting agentliklari investorlar uchun ishonchli axborot manbai sifatida kompaniyalar va loyihalarni baholaydi. ESG sertifikatlari esa yashil obligatsiyalarning xalqaro talablarga javob berishini tasdiqlaydi. Davlat tomonidan beriladigan soliq imtiyozlari va grantlar yashil loyihalarga qo‘shimcha rag‘bat yaratadi. Xalqaro ESG standartlarini milliy qonunchilikka integratsiya qilish esa moliyaviy bozorni global talablarga moslashtiradi. ESG bo‘yicha axborotlarni oshkor qilish kompaniyalarning shaffofligini oshirib, investorlarga qaror qabul qilishda yordam beradi. ESGga oid malakali kadrlarni tayyorlash esa ushbu yondashuvni tizimli va ilmiy asosda amalga oshirish imkonini beradi. Bu vositalar orqali ESG tamoyillari moliyaviy faoliyatning ajralmas qismiga aylanadi. Yashil moliyalashtirishda yuqori sifatli axborot, baholash va monitoring tizimi barqarorlikni ta’minlaydi. Shu tariqa, ESG vositalarining qo‘llanilishi kapital bozorida yashil investitsiyalarning ishonchliligi va samaradorligini oshiradi. Bu esa, o‘z navbatida, iqtisodiy va ekologik barqarorlikka hissa qo‘shadi.

4-jadval

Kapital bozori orqali yashil moliyalashtirishda ESG standartlarini amalga oshirish vositalari

№	Amalga oshirish vositalari	Izoh
1	ESG reyting agentliklari	Kompaniyalar va loyihalarni baholash orqali investorlar uchun ishonchli ma’lumot manbai yaratadi
2	ESG sertifikatlari	Yashil obligatsiyalarni xalqaro standartlarga muvofiq tarzda sertifikatlash
3	Davlat tomonidan ESGni rag‘batlantirish	Soliq imtiyozlari, grantlar va moliyaviy subsidiyalar orqali yashil loyihalarni qo‘llab-quvvatlash
4	Xalqaro ESG standartlarini milliy amaliyotga joriy etish	ICMA, UNPRI, EU Taxonomy kabi standartlarni milliy qonunchilikka integratsiya qilish
5	Kapital bozorida ESG bo‘yicha axborot oshkor qilish	Kompaniyalar va emitentlar uchun barqarorlik bo‘yicha majburiy axborot taqdimoti
6	ESG bo‘yicha malakali kadrlar tayyorlash	Banklar, fondlar va nazorat organlari uchun ESG yondashuviga asoslangan trening va ta’lim dasturlari

Manba: Iqtisodiy adabiyotlar asosida shakllantirilgan

Ta’kidlash lozimki, ESG standartlarining joriy etilishi moliyaviy institutlar uchun ham yangi mas’uliyatlarni yuzaga keltiradi. Banklar, sug‘urta kompaniyalari va investitsiya fondlari o‘z kredit va investitsiya portfellari uchun ESG mezonlariga asoslangan baholash tizimlarini ishlab chiqmoqda. ESG yondashuvi barqaror rivojlanish maqsadlariga xizmat qiluvchi investitsion qarorlarni rag‘batlantiradi. Hozirda yashil moliyalashtirish bo‘yicha xalqaro

tajribalar ESG mezonlariga tayanmoqda. Shu sababli O‘zbekiston kapital bozorida ham ESG standartlarini tatbiq etish hamda ESG tizimini milliy darajada joriy etish uchun maxsus qonunchilik bazasi va metodologik yondashuvlar ishlab chiqilishi zarur. Bu esa moliyaviy sektorning global talablarga mos ravishda rivojlanishiga xizmat qiladi. ESG mezonlari investorlar uchun xavfsiz va ijtimoiy mas’uliyatli investitsiya muhitini yaratadi. Kapital bozorida ESG standartlarining joriy etilishi iqlim o‘zgarishiga qarshi kurashishda moliyaviy mexanizm rolini kuchaytiradi. Shuningdek, ESG asosida tashkil etilgan moliyaviy jarayonlar ekologik ta’sirni kamaytirishga va ijtimoiy adolatni ta’minlashga xizmat qiladi. Natijada ESG yondashuvi kapital bozorining yashil moliyalashtirish yo‘nalishi samarali va uzoq muddatli barqarorlikni ta’minlaydi hamda kapital bozorining rivojlanishini yangi bosqichga olib chiqadi.

5-jadvalda kapital bozoriga ESG standartlarining ta’siri ko‘rsatilgan bo‘lib, unda aksiyalar bozori, obligatsiyalar bozori, IPO jarayonlari, moliyaviy risklarni baholash, kompaniyalarning investitsion jozibadorligi va moliyaviy hisobotlar kabi yo‘nalishlar yoritilgan. Aksiyalar bozorida ESG ko‘rsatkichlari yuqori bo‘lgan kompaniyalarning aksiyalari barqarorroq bo‘lib, ularning investitsion jozibadorligi oshgan. Xalqaro tajriba shuni ko‘rsatmoqdaki, ESG indikatorlari mavjud bo‘lgan kompaniyalar 70% hollarda yuqori rentabellikka erishgan. Obligatsiyalar bozorida esa yashil obligatsiyalar chiqarilishi ekologik va barqarorlik maqsadlariga xizmat qilib, global yashil obligatsiyalar bozorining hajmi 2023-yilda 1 trillion dollardan oshgan. IPO jarayonlarida ESG mezonlariga moslashgan kompaniyalar ko‘proq sarmoya jalb qilishi aniqlangan bo‘lib, masalan, bunday kompaniyalar 15-20% ko‘proq mablag‘ olishga muvaffaq bo‘lgan. Moliyaviy risklarni baholashda ESG indikatorlari xavflarni aniqlashda asosiy vosita bo‘lib, atrof-muhit xavflari va boshqaruvdagi kamchiliklar moliyaviy barqarorlikka bevosita ta’sir ko‘rsatadi.

5-jadval

Kapital bozoriga ESG standartlarining ta’siri

Kapital bozori yo‘nalishlari	ESG mezonlari ta’siri	Xalqaro tajriba va faktlar
Aksiyalar bozori	- Kompaniyalarning ESG hisobotlari bo‘yicha shaffofligi investitsiya qarorlariga ta’sir qiladi. - ESG ko‘rsatkichlari yuqori bo‘lgan kompaniyalar aksiyalarining narxi barqarorroq bo‘ladi.	ESG indikatorlariga ega bo‘lgan kompaniyalarning 70% aksiyalari bozorida yuqori rentabellik kuzatilgan (MSCI, 2023).
Obligatsiyalar bozori	- Yashil obligatsiyalar chiqarilishi atrof-muhit va barqarorlik maqsadlariga xizmat qiladi. - Investorlarga ekologik va ijtimoiy risklarni kamaytirish imkonini beradi.	- Global yashil obligatsiyalar bozorining hajmi 2023-yilda $1 trilliondan oshdi. - Green Bond Principles xalqaro standartga aylangan.
IPO jarayonlari	- ESG mezonlari bo‘yicha baholangan kompaniyalarning IPO jarayonida ko‘proq sarmoya jalb qilishi kuzatiladi. - Investorlarda ishonch oshadi.	- ESGga moslashgan IPO kompaniyalari 15-20% ko‘proq mablag‘ jalb qilgan (EY, 2022).
Moliyaviy risklarni baholash	- ESG risklarni aniqlash va baholash jarayonining ajralmas qismi hisoblanadi. - Atrof-muhit xavflari, ijtimoiy masalalar va boshqaruvdagi kamchiliklar moliyaviy barqarorlikka bevosita ta’sir qiladi.	- Bank of America hisob-kitoblariga ko‘ra, ESG risklarini inobatga olgan kompaniyalar 10-15% gacha yuqori moliyaviy natijalarga erishgan.
Kompaniyalarning investitsion jozibadorligi	- ESG standartlariga amal qiluvchi kompaniyalar ko‘proq xorijiy va mahalliy investitsiyalarni jalb qiladi. - ESG profili yuqori bo‘lgan kompaniyalar investorlar e’tiborini tortadi.	- Bloomberg ma’lumotlariga ko‘ra, 2023-yilda 85% yirik investorlar investitsiya portfellarida ESG ko‘rsatkichlarini asosiy mezon sifatida belgilagan.
Moliyaviy hisobotlar va ma’lumotlar	- ESG indikatorlari bo‘yicha hisobotlar kompaniyaning moliyaviy shaffofligini oshiradi. - Investorlar uchun risklarni baholashda muhim manba bo‘lib xizmat qiladi.	2024-yilda ESG bo‘yicha hisobot berish 60 dan ortiq mamlakatda majburiy hisoblanadi (IFRS Foundation, 2024).

Manba: Iqtisodiy adabiyotlar asosida shakllantirilgan

Kompaniyalarning investitsion jozibadorligi esa ESG standartlariga amal qilinish

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

darajasiga bog‘liq bo‘lib, Bloomberg ma’lumotlariga ko‘ra, 2023-yilda 85% yirik investorlar investitsiya portfellarida ESG ko‘rsatkichlarini asosiy mezon sifatida belgilagan (5-jadval). ESG indikatorlari bo‘yicha tayyorlangan moliyaviy hisobotlar kompaniyaning shaffofligini oshiradi va investorlar uchun risklarni baholashda muhim manba bo‘lib xizmat qiladi. 2024-yilda esa ESG bo‘yicha hisobot berish 60 dan ortiq mamlakatda majburiy hisoblanishi bu tendensiyani yanada kuchaytirgan. Umuman olganda, kapital bozorida ESG standartlari kompaniyalarning moliyaviy barqarorligi va investitsion jozibadorligini oshirishga xizmat qilmoqda. Bu esa global moliya bozorining barqaror rivojlanishiga hissa qo‘shib, ekologik va ijtimoiy masalalarga e’tiborni kuchaytiradi.

Xulosa va takliflar

Kapital bozori orqali yashil moliyalashtirish amaliyotini rivojlantirishga ESG standartlarining ta’sirini tadqiq qilish asosida quyidagi xulosalar va tavsiyalar shakllantirilgan:

Birinchidan, ESG milliy standartlarini ishlab chiqish va joriy etish lozim. Mazkur jarayonda xalqaro tajriba (EU Taxonomy, Green Bond Principles, IFC ESG Framework) asosida O‘zbekiston milliy ESG standartlarini ishlab chiqish, ESG ko‘rsatkichlarini majburiy hisobot shakliga o‘tkazish bo‘yicha tartiblarni belgilash zarur;

Ikkinchidan, yashil obligatsiyalar bozorini rivojlantirish va mazkur jarayonda kapital bozorida yashil obligatsiyalarni emissiya qilish tartibini soddalashtirish hamda “yashil investor”lar uchun soliq imtiyozlari va preferensiyalar yaratish masalalariga e’tibor qaratish lozim;

Uchinchidan, loyihalarning ekologik ekspertizasini kuchaytirish va shaffoflikni oshirish bo‘yicha samarali chora-tadbirlarning amalga oshirilishi maqsadga muvofiq;

To‘rtinchidan, ESG ma’lumotlarini oshkor qilish va reyting tizimini joriy qilish mexanizmlari ishlab chiqilishi va bu orqali kompaniyalar hamda moliyaviy institutlar uchun yillik ESG hisobotlarini tayyorlash majburiyatini belgilash va ESG reyting agentliklarini tashkil etish va kompaniyalarning ESG ko‘rsatkichlari bo‘yicha reytinglarini e’lon qilish tavsiya etiladi;

Beshinchidan, mazkur jarayonda davlat va regulyatorlar ishtirokini kuchaytirish, O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi huzurida ESG bo‘yicha maxsus ishchi guruh tashkil qilish, davlat dasturlarida ESG mezonlarini qo‘llashni majburiylashtirish (masalan, davlat xaridlari va loyihalar tanlovida ESG talablarini belgilash) lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Sartzetakis, Eftichios S. Green bonds as an instrument to finance low carbon transition. Economic Change and Restructuring 54.3 (2021): 755-779.
2. Batrancea, Larissa, et al. An empirical investigation on the transition process toward a green economy. Sustainability 13.23 (2021): 13151.
3. Ning, Yiyi, et al. Green bond as a new determinant of sustainable green financing, energy efficiency investment, and economic growth: a global perspective. Environmental Science and Pollution Research 30.22 (2023): 61324-61339.
4. D.Erkinov, U. Kadirov. Yashil iqtisodiyot va uning kelajakdagi istiqbollari. // Scholar, Vol. 1, issue 13, 2023.
5. N.Raxmonqulova. Yashil iqtisodiyotga o‘tish orqali milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish masalalari. // International Journal of Economy and Innovation, Gospodarka i Innowacje, Volume 54, 2024.
6. https://www.precedenceresearch.com/esg-investing-market

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ASOSIY KAPITALGA KIRITILGAN INVESTITSIYALAR TAHLILI

Boyev Bekzodjon Jo‘raqul o‘g‘li

iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
korporativ moliya va qimmatli qog‘ozlar kafedrasi dotsenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: bekzodbek_92@inbox.ru
ORCID: 0000-0003-0069-8739

Shavkatov Behruz Rustam o‘g‘li

bank ishi fakulteti 3-kurs talabasi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: shavkatovbehruz02@gmail.com
ORCID: 0009-0007-0780-5724

Annotatsiya. Maqolada mamlakatimizning so‘nggi yillarda investitsiya jalb qilish jarayoni bo‘yicha amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar tahlil qilingan. Shu bilan bir qatorda O‘zbekiston Respublikasining asosiy fondlarining holati va dinamikasi ko‘rsatkichlari ko‘rib chiqilgan. Kompaniyalarning asosiy kapitalga investitsiya qilish to‘g‘risida qaror qabul qilish jarayonidagi muammoli masalalari qayd etilgan. Investitsiyalarni moliyalashtirishning muqobil baholash imkonini beruvchi kapital budjetlashtirish usullarini qo‘llash tavsiya etilgan.

Kalit so‘zlar: asosiy kapital, o‘sish sur’ati, investitsiya, aktiv, investor, budjetlashtirish.

АНАЛИЗ ИНВЕСТИЦИЙ, ОСВОЕННЫХ В ОСНОВНОЙ КАПИТАЛ

Боев Бекзоджан Джуракула оглы

доктор философии (PhD) по экономическим наукам
доцент кафедры корпоративных финансов и ценных бумаг
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: bekzodbek_92@inbox.ru
ORCID: 0000-0003-0069-8739

Шавкатов Бехруз Рустама оглы

студент 3 курса факультета банковского дела
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: shavkatovbehruz02@gmail.com
ORCID: 0009-0007-0780-5724

Аннотация. Встатье проанализированы инвестиции в основной капитал,

осуществленные в результате проводимых в последние годы реформ по привлечению инвестиций в нашей стране. Также рассмотрены показатели состояния и динамики основных фондов Республики Узбекистан. Отмечены проблемные вопросы в процессе принятия решения о вложении инвестиций в основной капитал компаниями. Рекомендовано использование методов капитального бюджетирования, которые позволяют оценивать альтернативные варианты финансирования инвестиций.

Ключевые слова: основной капитал, темпы роста, инвестиции, актив, инвестор, бюджетирование.

ANALYSIS OF INVESTMENTS ALLOCATED TO FIXED CAPITAL

Boyev Bekzodjon Joraqul ogli
Doctor of Philosophy in Economics,
associate professor of the Department
of Corporative finance and securities
Tashkent State University of Economics
E-mail: bekzodbek_92@inbox.ru
ORCID: 0000-0003-0069-8739
Shavkatov Behruz Rustam ogli
Third-year student of the Banking Faculty
Tashkent State University of Economics
E-mail: shavkatovbehruz02@gmail.com
ORCID: 0009-0007-0780-5724

Abstract. This article analyzes the investments made in the fixed capital as a result of the reforms carried out in recent years to attract investments in our country. Additionally, the indicators of the condition and dynamics of the fixed assets of the Republic of Uzbekistan are reviewed. The problematic issues in the decision-making process of companies regarding investment in fixed capital are identified. The use of capital budgeting methods, which allow for alternative assessment of investment financing, is recommended.

Keywords: Fixed capital, growth rate, investment, asset, investor, budgeting.

Kirish

Mamlakat iqtisodiyotining samarali rivojlanish darajasi ishlab chiqarishning nafaqat miqdoriy oshishi, balki sifati hamda raqobatbardoshligi bilan ham belgilanadi. Barcha tarmoqlar barqaror taraqqiyotini ta’minlashning asosiy usullaridan biri investitsiyalarni jalb qilishdir.

Asosiy kapitalga investitsiyalar foydani oshirish maqsadida asosiy vositalarni sotib olish, modernizatsiya va rekonstruksiya qilish, qurish hamda boshqa sa’y-harakatlar uchun qo‘shimcha xarajatlar evaziga korxona aktivlari va balansi qiymatining oshishi hisoblanadi. Ushbu jarayon korxonalarning qo‘shimcha mablag‘larni investitsiyalashi orqali o‘rta va uzoq muddatli istiqbolda ishlab chiqarishni oshirish, undan keladigan foydani ko‘paytirishga qaratiladi. An’anaviy tamoyilga ko‘ra, asosiy kapitalga qo‘yilgan investitsiyalarning tez muddatda qaytishini kutmaslik kerak, ammo ular uzoq vaqt davomida barqaror foyda kelishining kafolati bo‘lib xizmat qiladi [1].

Mamlakatimiz Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev Toshkent xalqaro investitsiya forumida so‘zlagan nutqida “Har bir kelgan investorlarga qarata ishlaringizning kelajagini ta’minlash uchun sharoit yaratishga men ham, hukumat ham kafolat bermoqchiman. Sizlar bilan muloqot qilib, ko‘p narsani o‘zgartirib, qonunlarni mustahkamlab, korrupsiyaga qarshi qat’iy kurashib, birgalikda manfaatli hamkorlikni yo‘lga qo‘yamiz. Sizlarning mamlakatimizdagi muvaffaqiyatingizni ta’minlash O‘zbekiston Prezidenti va hukumati tomonidan kafolatlanadi”[2] – deya ta’kidlab o‘tganlari ham mazkur mavzuning dolzarbligini ko‘rsatib beradi .

Adabiyotlar sharhi

Asosiy kapitalga investitsiyalar jalb qilish va ushbu sohani yanada rivojlantirish masalasi doirasida qator xorijiy va mahalliy olimlarimiz tadqiqotlar olib borishgan.

Jumladan, rossiyalik olimlar, A. Neshitoy, V.V. Bocharov, M.I. Knish «investitsion faoliyat» va «investitsiyalar» tushunchalarini zamonaviy iqtisodiyot fanining muhim bo‘limi sifatida ko‘rib chiqadi. Ushbu olimlar o‘z ilmiy ishlarini investitsiyalarni rivojlantirish, moliyalashtirish va investitsiyalar samaradorligini baholash, investitsiya hisob-kitoblarini amalga oshirishning qonuniyatlari va investitsiyalarni moliyalashtirish xususiyatlariga bag‘ishlagan [3].

Xorijlik olimlardan Uilyam F. Sharp, Gordon J. Alexander, Jeffri B. Beyli kabi olimlar o‘z ilmiy ishlarini rivojlangan mamlakatlarda investitsiya fondlari faoliyatining nazariyasi va amaliyotiga, ularning barqaror rivojlanish sharoitlarida olib borilgan tadqiqotlarga bag‘ishlagan [4].

Mamlakatimizda ham ushbu soha bo‘yicha bir qator olimlarimiz tadqiqotlar olib borgan. A.M.Abduqadirova, S.P.Abdullayev, X.M.Akramov, M.T.Aliyev, U.M.Aliyev, S.A.Arifjanova, E.D.Alimardonov, X.T.Qadirova, N.G.Karimov, I.L.Butikov, T.A.Yadgarov va boshqalar shular jumlasidandir.

Tahlil va natijalar

Asosiy kapital alohida xo‘jalik yurituvchi subyektlarni, mamlakat iqtisodiyotini raqobatbardoshligini oshiruvchi eng muhim omillardan biri hisoblanadi. Korxonalarning asosiy kapitalga investitsiya qilish zarurati shundaki, milliy iqtisodiyotning mahalliy ishlab chiqarishni rivojlantirish uchun asosiy fondlarni ishlab chiqarish va modernizatsiya qilish kabi ehtiyojlari mavjud. Bu borada muhim jihat uni moliyalashtirish manbalarining mavjudligi hisoblanadi. Asosiy kapitalni talab darajasida ko‘paytirish uchun mablag‘ manbalarining ochiqligi va yetarliligi muhim ahamiyatga ega. Moliyalashtirish usullari korxonaning faoliyatiga, uning rivojlanish yo‘nalishidagi o‘zgarishlariga bog‘liq. Ular iqtisodiyot rivojlanishining u yoki bu bosqichidagi asosiy kapitalni va moliyalashtirish manbalarini ko‘paytirish xususiyatlari bilan belgilanadi. Qoida tariqasida, manbalarning bir nechta guruhlari mavjud:

- o‘z manbalari (rivojlanishga yo‘naltirilgan sof foydaning bir qismi, amortizatsiya ajratmasi, asosiy fondlarning bir qismini qayta investitsiya qilish orqali, boshqalar);
- qarz manbalari (kreditlar va qarzlar, obligatsiyalar emissiya qilish, lizing);
- jalb qilingan manbalar (oddiy aksiyalarni emissiya qilish, investorlarning ustav kapitaliga ulush kiritishi, tekinga berilgan mablag‘lar) [5].

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statitstika agentligining ma’lumotlariga ko‘ra, 2020-2024-yillar davomida mamlakatimizning asosiy kapitalga o‘zlashtirgan investitsiyalari tahlil qilindi (1-jadval).

1-jadval

O‘zbekiston Respublikasining moliyalashtirish manbalari bo‘yicha asosiy kapitalga investitsiyalar tahlili*

№	Ko‘rsatkichlar	2020-yil	2021-yil	2022-yil	2023-yil	2024-yil
1.	Asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar-jami	202 000,1	245 000	269 900	352 100	493 700
2.	o‘sish sur’ati	-	105,2%	100,9%	122,1%	127,6%
	shu jumladan:					
3.	o‘z mablag‘lari	69 989,1	93 500,0	110 300,0	118 300,0	119 000,0
	jami % da	34,6%	38,1%	40,9%	33,6%	24,1%
4.	jalb etilgan mablag‘lar	132 011,0	151 500,0	159 600,0	233 800,0	374 700,0
	jami % da	65,4%	61,9%	59,1%	66,4%	75,9%
5.	Tijorat banklari	28 520,9	19 545,4	21 129,4	22 300,0	12 700,0

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

	kreditlari va boshqa qarz mablag‘lari					
6.	To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar	28 740,5	30 149,2	37 010,1	84 300,0	150 500,0
7.	Respublika byudjeti	13 081,3	21 498,2	20 910,1	20 400,0	22 800,0
8.	Suv ta’minoti va kanalizatsiya tizimlarini rivojlantirish	1 947,2	2 860,8	2 873,6	1 700,0	1 900,00
9.	Tiklanish va taraqqiyot	1 814,6	3 114,4	2 470,8	1 600,0	3 600,0
10.	O‘z.R.kafolati ostida xorijiy kreditlar	22 467,1	17 318,2	15 181,9	21 200,0	23 600,0
11.	Korxona mablag‘i	51 911,3	71 257,3	84 516,0	84 900,0	87 000,0
12.	Aholi mablag‘lari	18 077,8	22 229,2	25 738,1	33 300,0	32 000,0
13.	Kafolatlanmagan va boshqa xorijiy investitsiya va kreditlar	35 439,4	56 989,9	60 070,0	82 400,0	159 600,0

*Asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar.O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi; www.stat.uz. ma’lumotlari asosida mualliflar tomonidan tayyorlandi.

Jadval ma’lumotlarini tahlil qiladigan bo‘lsak, ushbu investitsiyalar miqdori 2020-2024 yillar mobaynida 202 trln so‘mdan 493 trln 700 mlrd so‘mga oshdi yoki 244,1 % ga teng. Asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalarni o‘sish sur’ati yillar oralig‘ida o‘zgarib borgan 2021-yilda 105,2% ortgan holati kuzatilgan bo‘lsa, 2022-yilda 100,9% ya’ni kamayish holati kuzatilgan, 2022-yildan 2024-yillar oralig‘ida esa ushbu investitsiyalar miqdori 100,9% dan 127,6% gacha ortib borgan.

Asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalarning moliyalashtirish manbalari quyidagi ikki guruhga bo‘linadi: o‘z mablag‘lari va jalb qilingan mablag‘lar. 2020-2024-yillar oralig‘ida asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalarning asosiy qismini jalb qilingan mablag‘lar tashkil qilganini ko‘rishimiz mumkin. 2024-yilda esa jalb qilingan mablag‘larning ulushi 75,9% gacha oshdi. Jalb qilingan mablag‘lar tarkibidagi eng yuqori ulush esa kafolatlanmagan va boshqa xorijiy investitsiya va kreditlarga to‘g‘ri kelmoqda. 2024-yilda ushbu ko‘rsatkich 159 trln 600 mlrd so‘mni tashkil qildi (2020-yilga nisbatan 4,5 baravar) o‘sgan. Tijorat banklari kreditlari va boshqa qarz mablag‘larida esa pasayish kuzatilgan 12 trln 700 mlrd (2020 yilga nisbatan 44,5 % pasaygan). 2024-yil yakuniga ko‘ra asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalarning asosiy qismini kafolatlanmagan va boshqa xorijiy investitsiya va kreditlar 159 trln 600 mlrd so‘m tashkil qildi (jami asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalarning 32,3 %). Jalb etilgan mablag‘larning asosi to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar va kafolatlanmagan kreditlar hisoblanadi. Yalpi talabni qo‘llab-quvvatlashda investitsion faollik, xususan ushbu jarayonlarda to‘g‘ridan- to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar va kafolatlanmagan xorijiy kreditlar muhim ahamiyat kasb etmoqda. Ushbu investitsiyalar asosan qulay investitsiya muhitini yaratish, xususan raqobat muhiti, xususiy mulk daxlsizligi, moliya bozorlari, ishlab chiqarish va bozor infratuzilmasini yaxshilash hamda sud hokimiyatining to‘laqonli mustaqilligini ta’minlash uchun zarur hisoblanadi [6].

Asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investitsiyalar, avvalo, asosiy fondlarni yangilash bilan bog‘liq. Adabiyotda, odatda, “asosiy fondler” va “vositalar” tushunchalari bir xil deb qaraladi.

Asosiy fondlar asosiy kapitalning asosiy elementi bo‘lib, ular quyidagilarni o‘z ichiga oladi: binolar, inshootlar, mashinalar va uskuna, transport vositalari va hokazo. Asosiy fondlarni yangilash bu ularning yangilanishi, ya’ni yangi vositalarni sotib olish, rekonstruktsiya, modernizatsiya, kapital ta’mirlash va mavjud vositalarni texnik jihatdan qurollantirish orqali amalga oshiriladigan uzluksiz jarayon hisoblanadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma’lumotlariga asoslanib, 2020-2023 yillar davomidagi O‘zbekiston Respublikasidagi asosiy fondlarning turlari va dinamikasini ko‘rib chiqamiz (2-jadval).

2-jadval.

Asosiy kapitalga investitsiyalarning asosiy fondlar turlari bo‘yicha tarkibi (mlrd so‘m)*****

№	Asosiy fondlar turlari	2020-yil	2021-yil	2022-yil	2023-yil
1.	Turar-joy binolari	23 200,8	29 851,0	30 184,2	36 732,7
2.	Noturar-joy binolari	38 172,7	50 894,5	58 225,1	75 452,9
3.	Boshqa inshootlar	27 039,0	30 290,6	43 393,4	44 244,1
4.	Yerni yaxshilash	285,9	277,1	257,1	1 000,4
5.	Mashina va uskunalar,jami	110 493,8	113 863,9	115 040,0	168 810,7
6.	Transport uskunalari	12 415,2	14 574,5	10 718,7	25 608,4
7.	Axborot, kompyuter va telekommunikatsiya (AKT) uskunalari	7 347,0	5 325,6	5 199,7	10 230,0
8.	Boshqa mashina va uskunalar	90 731,6	93 963,8	99 164,6	126 694,6
9.	Bir necha marta mahsulot beruvchi, hayvonlar resurslari	2 843,0	3 656,8	3 847,8	390,3
10.	Bir necha marta mashulot beruvchi daraxtlar, qishloq xo‘jalik ekinlari va ko‘chatlar resurslari	880,7	838,6	783,8	364,5
11.	Noishlab chiqarish aktivlarga mulk huquqini berish bilan bog‘liq xarajatlar	225,0	138,2	365,8	562,4
12.	Kompyuter dasturiy ta’minoti va ma’lumotlar bazalari	25,2	98,6	154,9	1 672,8
13.	Ko‘ngilochar, adabiy va badiiy asarlarning asl nusxalari	1,6	0,8	26,0	16,8
14.	Ilmiy tadqiqotlar va ishlanmalar	86,5	30,8	210,7	469,4
15.	Foydali qazilmalar zahiralarini razvedka qilish va baholash	26,7	96,4	203,6	410,7
16.	Boshqa intellektual mulk mahsulotlari	229,0	292,3	1 169,0	4 546,9

*Asosiy fondlar turlari va tarkibi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi. www.stat.uz. ma’lumotlari asosida mualliflar tomonidan tayyotlangan.

Asosiy fondlarning tarkibidagi (taqqoslanadigan narxlarda) eng yuqori ulush mashina va uskunalarga to‘g‘ri kelmoqda. 2020-yilga nisbatan dinamikasi yillar davomida 103,0% dan 152,8% gacha bosqichma-bosqich o‘sishni ko‘rsatdi. Shuni ta’kidlash lozimki, asosiy fondlarni ishga tushirishning doimiy o‘sishi 2020-yilda 314 trln 3 mlrd. so‘mdan 2023-yilda 497 trln 207 mlrd so‘mgacha o‘sdi, bu esa 158,3% ni tashkil etdi. Yillar davomida kiritilgan fondlarning o‘sish sur’ati turlicha bo‘ldi – 2020-yilda 103%, keyin 2021-yilda ular 109,6% oshdi. 2022-yilda

o‘sish sur’ati biroz pasaydi – 107%, va o‘sish trendi 2023-yilda sezilarli darajada o‘sib 134,8% gacha ko‘tarildi. Ushbu jadvldan ko‘rinib turibdiki, mashina uskunalardan tashqari noturar-joy binolari ham yuqori ulushga ega 2023-yilda 75 trln 452 mlrd so‘mni tashkil qilgan. 2020-yilga nisbatan dinamikasi esa 197,7 % ni tashkil qildi. Asosiy fondlarning tarkibidagi eng kam ulush ko‘ngilochar, adabiy va badiiy asarlarning asl nusxalari tarkibiga to‘g‘ri kelmoqda. 2023-yilda ushbu fond 16 mlrd 800 mln so‘mni tashkil qilgan. 2020-yilga nisbatan dinamikasi esa 10 baravarga oshganini jadvaldan ko‘rishimiz mumkin.

Umuman olganda, 2023-yil holatiga ko‘ra, mamlakatdagi asosiy fondlarning yangilanishi ijobiy dinamikaga ega deb aytish mumkin. Biroq 2021-yilda vaziyat o‘zgardi. 2021-yilning yakunlariga ko‘ra, asosiy kapitalning yalpi to‘plami o‘sish sur’atlari sekinlashib, 2019-yilning shu davriga nisbatan 1,2% ni tashkil etgan.

Xulosa

Makroiqtisodiy omillar bilan birga, korxonalarning investitsion faoliyatini cheklovchi omillar mavjud bo‘lib, bu asosiy fondlarga sarmoya kiritish qarorlari qabul qilish jarayonida muammolarni yuzaga keltiradi. Kompaniyalar tomonidan asosiy kapitalga qilingan sarmoyalar iqtisodiy samaradorlikni baholash hisob-kitoblarini o‘tkazishni taqozo qiladi, bu usullar, odatda, kiritilgan sarmoyalar, ko‘pincha xarajatli va qimmatbaho investitsiya loyihalaridan kelajakdagi foydaning hajmiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri ta’sir qiladi. Bozor iqtisodiyotida mamlakatda hozirda ustun bo‘lgan o‘z manbalarini qo‘llash, asosiy fondlarga kiritiladigan sarmoyalar hajmini cheklaydi va kreditlar, lizingni kengroq jalb qilish zarur. Biroq, shu bilan birga, moliyalashtirish manbalarini asoslash bo‘yicha qarorlar qabul qilishda samarali metodlarni qo‘llash zarur. Kredit, lizing, obligatsiyalar kabi jalb qilingan manbalarni iqtisodiy samaradorligini baholash imkonini beradigan moliyaviy boshqaruv ko‘rsatkichlaridan foydalanishni kengaytirish lozim. Asosiy fondlarga sarmoya kiritish uchun moliyalashtirish manbalarini asoslashning ma’noli va tushunarli metodlaridan biri kapital byudjetlashtirish metodikasini qo‘llashdir, bu esa to‘lovlar naqd oqimlarini taqqoslash orqali moliyalashtirishning alternativ usullarini baholash imkonini beradi va maxsus vositalardan foydalanishni talab qiladi.

Investitsiya muhitini nafaqat tashqi manbalar hisobidan rivojlantirishga, balki mintaqa aholisining moliyaviy resurslarini investitsiya aylanmasiga jalb qilishga ham e’tibor qaratish lozim. Xorijiy va mahalliy investorlar risklarini kamaytirish bo‘yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish orqaligina investitsion jozibadorlikni oshirish mumkin.

Har qanday tadbirkorlikning rivojlanish bosqichida, makroiqtisodiy siklning har bir bosqichida kompaniyalar o‘zlarining portfellarida asosiy kapitalni yangilash bo‘yicha iqtisodiy jihatdan asoslangan investitsiya loyihalarini mavjudligini ta’minlashlari kerak. Bu, o‘z navbatida, qulay davrlar kelganda, ularni amalga oshirib, bozor iqtisodiyoti sharoitida kelajakda faoliyatning samaradorligini oshirishga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sh. Mirziyoyev. Yangi O‘zbekiston gazetasi. – https://yuz.uz
2. Sh. Mirziyoyev. Birinchi Toshkent xalqaro investitsiya forumidagi nutqi. 24.03.2022-y.
3. Бочаров В.В. Инвестиции: учебник / В.В. Бочаров. – СПб: Питер, 2008. – 384 с.
4. Уильям Ф. Шарп, Гордон Дж. Александер, Джеффри В. Бэйли Инвестиции: учебник. – М.:Инфра-М, 2001 – 1035 с.
5. Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент/ И.А. Бланк. – Киев: Эльга-Н, Ника-Центр, 2008. – 442 с.
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi. Investitsiya va qurilish ishlari axborotnomasi.
7. www.stat.uz- O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi rasmiy sayti.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ЖАҲОН ИНВЕСТИЦИЯ БОЗОРИНИНГ РЕСУРСЛАРИ

Хошимов Собир Муртазаевич

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) баҳолаш иши ва инвестициялар кафедраси доценти Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: sobirhosimov7@gmail.com
ORCID:0000-0002-2845-0201

Аннотация. Мақолада “жаҳон инвестиция бозори” тушунчасининг назарий асослари ва уни ташкил этувчи бозорлар ўрганилган, геосиёсий ўзгаришлар шароитида жаҳон инвестиция бозорининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган ҳамда инвестиция ресурслари сифатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқими кўриб чиқилган, ҳалқаро тажрибадан келиб чиқиб хулоса ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: инвестиция бозори, инвестиция сиёсати, инвестиция ресурслари, модернизация, диверсификация, евробонд, еврокредит, интелектуал инвестициялар, яшил лойиҳалар, протекционистик сиёсат.

РЕСУРСЫ МИРОВОГО ИНВЕСТИЦИОННОГО РЫНКА

Хашимов Сабир Муртазаевич

доктор философии (PhD) по экономическим наукам доцент кафедры оценочного дела и инвестиций Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: sobirhosimov7@gmail.com
ORCID:0000-0002-2845-0201

Аннотация. В статье исследуются теоретические основы концепции мирового инвестиционного рынка и его составляющих рынков, анализируется текущее состояние мирового инвестиционного рынка в контексте геополитических изменений и рассматриваются потоки прямых иностранных инвестиций, сформулированы выводы и рекомендации, основанные на международном опыте.

Ключевые слова: инвестиционный рынок, инвестиционная политика, инвестиционные ресурсы, модернизация, диверсификация, евробонд, еврокредит, интеллектуальные инвестиции, зеленые проекты, протекционистская политика.

INVESTMENT RESOURCES OF THE GLOBAL INVESTMENT MARKET

Khoshimov Sabir Murtazaevich

Doctor of Philosophy in Economics (PhD), Associate Professor of the Department of Appraisal and Investments at Tashkent State the University of Economics

E-mail: sobirhosimov7@gmail.com
ORCID:0000-0002-2845-0201

Abstract. The article examines the theoretical foundations of the concept of the global investment market and its constituent markets, analyzes the current state of the global investment market in the context of geopolitical changes and examines the flows of foreign direct investment as investment resources, and provides conclusions and recommendations based on international experience.

Keywords: investment market, investment policy, investment resources, modernization, diversification, eurobond, eurocredit, intellectual investments, green projects, protectionist policy.

Кириш

Инвестицион фаолият жаҳон иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланишининг асосини белгилайди, шунингдек, дунёнинг турли мамлакатлари иқтисодиётини модернизация қилиш ва диверсификация қилиш истиқболларини аниқлашга ёрдам беради. Хорижий инвестицияларнинг аҳамияти капиталнинг халқаро бўлинишига, шунингдек инвесторнинг ўз мамлакатига қараганда хорижда тадбиркорлик фаолиятидан кўпроқ фойда олиш усулларини излашга ундайди. Хорижий инвестициялар ушбу инвестицияларни қабул қилувчи хўжалик субъектлари (корхоналар, тармоқлар ва бошқалар) ривожланишига ҳисса қўшиши орқали бутун бир мамлакат иқтисодиётини ривожланишини таъминлайди. Мамлакат учун ҳалқаро капитал ҳаракатида чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳаси ривожланади, янги инновацион тармоқлар пайдо бўлади ва солиқлар миллий бюджетга тушади. Ушбу мақолада жаҳон инвестиция бозори мазмун-моҳияти ва тузилиши, охирги йиллардаги жаҳон иқтисодиётидаги циклик тебранишлар, яъни, санкцияларни қўллаш ва валюта курсларининг юқори ўзгарувчанлиги шароитида жаҳон инвестиция бозорининг ривожланиш ва тенденцияларини тизимли таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганларидек: «Жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари сўнгги уч йил давомида пасаймоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ тенденциялар ҳам кутилган умидларни оқламаяпти. 2023 йилда ривожланаётган давлатларга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 9 фоизга камайди. Албатта, биз бугун жаҳонда инвесторлар учун мислсиз кураш кетаётганини яхши тушунамиз. Бироқ бир ўзгармас ҳақиқат тобора ойдинлашмоқда. Ҳеч бир мамлакат бу каби ўткир муаммоларни якка ҳолда ҳал эта олмайди. Ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойили узоқ муддатли ҳамкорликнинг мустаҳкам устуни бўлиб қолаверади»[1].

Ҳозирги вақтда йирик корпорацияларнинг бирлашиши ва сотиб олиниши, ресурслар нархининг пасайиши ва валютанинг юқори ўзгарувчанлиги, геосиёсий хавфларнинг ортиши, айрим йирик давлатларга қўлланилаётган санкциялар глобал инвестициялар оқимини пасайтирмоқда. Ваҳоланки, COVID-19 пандемиясидан кейин жаҳон миқёсида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми пандемиядан олдинги кўрсаткичга кўтарилди. Лекин «2023-йилда глобал тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2 фоизга камайиб, 1,3 триллион долларни ташкил қилди. Бу жами кўрсаткичга Европанинг оз сонли воситачи давлатлари орқали молиявий оқимларнинг кескин ўзгариши таъсир кўрсатди; ушбу воситачиларнинг таъсирини ҳисобга олмаганда, 2022 йилга нисбатан глобал тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг пасайиши 10% дан ортиқни ташкил этди» [2].

Ушбу вазифаларнинг самарали ижроси жаҳон инвестиция бозорини тўғри таҳлил қилиш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишда мамлакат рискини камайтириш ва хорижий инвестицияларни ҳимоялашнинг самарали механизмларини такомиллаштиришни тақазо

этади.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодий нашрларда инвестиция бозори тушунчасининг иқтисодий мазмуни бўйича турли хил ёндашувлар мавжуд. Россияда нашр қилинган иқтисодий адабиётларда “инвестиция бозори” атамаси кўпинча инвестиция товарлари бозори сифатида қаралади.

Россиялик иқтисодчи олим Т.К.Руткаускас фикрича: «хорижий иқтисодчилар одатда инвестиция бозори деганда фонд бозорини тушунишади, чунки қимматли қоғозларга қилинадиган инвестициялар ривожланган бозор иқтисодиётида инвестицияларнинг устун шакли ҳисобланади. Энг умумий шаклда инвестиция бозори – бу қиймат қонуни ва талаб ва таклиф қонунига бўйсунадиган капитал ва молиявий ресурсларни сотиб олиш ва сотиш бўйича инвестиция фаолияти субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимидир» [3].

Бошқа бир Россиялик олим О.В.Галкинанинг илмий ишида: «инвестицион фаолият инвестиция бозори билан бевосита боғлиқдир. Кенг маънода инвестиция бозори деганда инвестиция объектлари муомаласи амалга ошириладиган бозор тушунилади. Ушбу бозор кўпинча қуйидаги бозорлар мажмуасидан иборат: Реал инвестиция объектлари бозори, молиявий инвестиция объектлари ва инновацион инвестиция объектлари бозори», деб талқин қилинган [4].

1-чизма.

Инвестиция бозори тузилиши*

*Галкина О.В. Структура инвестиционного рынка.// Вестник науки. – 2018 г. – №7 (7) – Том 3.

Жаҳон инвестиция бозори тушунчасининг назарий моҳиятини ўрганишда иқтисодчи олим ва тадқиқотчиларнинг ягона бир тўхтамга келинган таърифи шаклланмаганлигини кўриш мумкин. Бу ҳолат инвестицияларнинг турлари тавсифининг кенг кўламлиги ва мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида асосий драйвер молиявий механизм эканлигидан далолат беради. Ҳалқаро капитал ҳаракатида ҳалқаро кредитлар ва хорижий инвестицияларни назарий ва амалий жиҳатдан ҳам фарқлаш зарур. Чунки ҳалқаро кредитлар бу қарз капитали бўлиб, тегишли кредит тамойиллари асосида ажратилади. Хорижий инвестициялар эса биргаликдаги молиялаштириш шаклида шерикликда амалга оширилиб, молиялаштирувчилар ўртасида рисклар тақсимланади ҳамда фойда ва зарарлар ўзаро шерикликда ҳал қилинади. Одатда ҳалқаро кредитлар инвестиция лойиҳаларини молиялаштирувчи манба сифатида кўрилади. Бизнинг

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

талқинимизча, жаҳон инвестиция бозори – келажакда даромад олиш ёки бирор ижтимоий самарага эришиш мақсадида вақтинча бўш турган маблағларни узоқ муддатга хорижий қўйилмаларнинг глобал механизмидир.

Таҳлил ва натижалар

Биз юқорида жаҳон инвестиция бозори тушунчасининг назарий асосларини ўрганиш давомида бир неча хулосалар ясадик. Тадқиқотимиз давомида жаҳон инвестиция бозори фаолиятининг бир неча амалий жиҳатларига тўхталмоқчимиз.

Хорижий тадқиқотчилар глобал инвестиция бозори тузилишини турлича тавсифлайдилар [5]:

1. Турли мамлакатларнинг молия институтларини бирлаштирган биржадан ташқари тартибга солинмаган валюта бозорлари. Улар бўйича савдолар глобал компютер тармоқлари орқали электрон ўтказмалар орқали амалга оширилади.

2. Чет эл эмитентлари томонидан қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли қоғозларини йирик миллий бозорларга олиб чиқишга имкон берадиган биржа савдоси ва биржадан ташқари облигациялар бозорлари. Ушбу бозорларнинг молиявий марказлари АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Швейцария ва Люксембург каби мамлакатлардир.

3. Синдикатлашган евро кредитлари бозори, бу халқаро қарз олувчиларга бир вақтнинг ўзида бир нечта мамлакатларнинг банк кредитлари шаклида маблағ ажратиш имконини беради. Молиявий марказлар Лондон, Франкфурт, Цюрих, Нъю-Йорк, Гонконг, Сингапур ва бошқалар.

4. Евробонд бозорлари-Европа тижорат ва бошқа қарз қимматли қоғозлари. Халқаро қарз олувчилар инвестиция фондлари, хедж фондлари, ўзаро фондлар, пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари, йирик корпорацияларнинг ғазначилик бўлимлари ва бошқа мамлакатлардаги хусусий банкларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

5. Молиявий капиталнинг миллий чегаралар бўйлаб ҳаракатланишини ва турли давлатларнинг резидент иқтисодий агентлари ўртасидаги операцияларни таъминлайдиган диреватив бозорлар.

Инвестиция бозори тузилишида ресурслар ҳаракати вақти ва шаклларидан ташқари, битимлар, битимларни тартибга солишнинг табиати ва даражаси ҳам муҳимдир. Ушбу мезонларга қараб миллий, ташқи ва оффшор бозорлар фарқланади. Замонавий шароитда глобал инвестиция бозори глобал иқтисодий муносабатларнинг турли сегментларига бўлинади, масалан, Европа, Америка ва Осиё-тинч океани бозорларини айтиш мумкин. Халқаро инвестиция бозорининг замонавий тузилиши кредит ресурсларини миллий иқтисодиётлар ўртасида қайта тақсимлашни ўз ичига олади, бу ерда операциянинг якуний иштирокчилари қарз берувчи ва қарз олувчи, турли мамлакатлар резидентлари ҳисобланади.

Бундан ташқари дунёда хусусий хорижий инвестициялар ҳаракатини ўзида мужассам қилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бозори ҳам мавжуд. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция бу трансчегаравий инвестицияларнинг шундай турики, унда бир иқтисодиётдаги резидент бошқа иқтисодиётдаги резидент корхонага инвестиция киритиши унинг бошқарувини назорат қилиш ёки унга салмоқли таъсир кўрсатиш имкониятини беради.

БМТ Савдо ва ривожланиш ташкилоти 1999 йилдаги Жаҳон инвестиция ҳисоботида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга қуйидагича таъриф беради: «ТТХИ бу бир иқтисодиётдаги резидент бирликнинг (хорижий инвестор ёки бош корхона) бошқа иқтисодиётдаги резидент корхонага узоқ муддатли алоқа, давомли манфаат ва назоратни кўзлаб киритган инвестициясидир» [6].

Замонавий шароитда бутун дунё бўйлаб инвестиция фаолияти нотекис бўлиб,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

кўплаб омилларга боғлиқ. Ривожланган мамлакатлар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга, иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга ва жаҳон миқёсида фаол ҳамкорлик қилишга доим тайёр. Ривожланаётган мамлакатлар учун урушлар, экологик муаммолар, инқирозлар ва бошқа омиллар туфайли ривожланиш векторини аниқлаш анча қийин, бу уларнинг потенциал иқтисодий ўсишини чеклайди ва уларнинг имкониятларидан ташқарига чиқишига тўсқинлик қилади. БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича ташкилоти (UNCTAD) томонидан 1991 йилдан буён ҳар йили нашр қилинадиган Жаҳон инвестиция ҳисоботи ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича батафсил статистик маълумотларни эълон қилиб боради. Сўнгги 5 йил ичида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 30 баравар ошди ва 2022 йил охирига келиб у 1,29 трлн АҚШ долларини ташкил этди (2-расм). Бироқ бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 12 фоизга паст ва 2015 йилда энг юқори қийматдан 2,06 трлн АҚШ долларига кам бўлиб, бу озиқ-овқат ва энергия нархларининг кўтарилиши, қарзларнинг кўтарилиши, шунингдек, Россия ва Украина ўртасидаги кескинлик ва Яқин Шарқдаги ноаниқлик натижаси сифатида кўрилади.

1-диаграмма.

Жаҳонда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 1992-2022 йиллардаги динамикаси (млрд АҚШ долл.)*



*UNCTAD Data Centre: Foreign Direct Investment: Inward and outward flows and stock, annual, 1992-2022. – [Электронный ресурс]. – Режим доступа:https://unctadstat.unctad.org/datacentre/reportInfo/US.FdiFlowsStock.

Ҳалқаро миқиёсда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг умумий пасайиши шароитида мамлакатлар инвестицияларни жалб қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш учун жиддий ҳаракатларни амалга оширмоқдалар. Хусусан, 2022 йилда 66 та мамлакат томонидан кўрилган 146 та чорадан 102 таси либераллаштиришга қаратилган бўлиб, бу 2021 йилга нисбатан икки баравар кўпдир. Қулай инвестиция чораларининг қарийб 75 фоизи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келди ва бу чоралар асосан инвестицияларни рағбатлантиришга қаратилган имтиёзлар ҳамда янги саноат тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни йўналтиришни ўз ичига олади. Шундай қилиб, глобал инвестиция бозори қийинчиликларни бошдан кечиришда давом этмоқда, бу асосан геосиёсий кескинликлар ва кўплаб омиллар, шу жумладан иқтисодий ва ижтимоий омилларнинг комбинацияси билан боғлиқ. Бундан буён келажакдаги прогнозлар тенденциясида жаҳон инвестиция бозорида ривожланаётган мамлакатларнинг, хусусан, барча инвестиция оқимларининг қарийб ярмини ташкил этаётган Осиё мамлакатларининг роли ошаётганлигини кузатиш мумкин (2-жадвал).

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

1-жадвал.

Дунё минтақалари бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими*

Минтақалар	2020 йил		2021 йил		2022 йил		2023 йил	
	Ҳажми (млрд АҚШ долл.)	Ўсиш суръати (%)	Ҳажми (млрд АҚШ долл.)	Ўсиш суръати (%)	Ҳажми (млрд АҚШ долл.)	Ўсиш суръати (%)	Ҳажми (млрд АҚШ долл.)	Ўсиш суръати (%)
Жаҳон бўйича	999	-35	1478	48	1356	-12	1352	-2
Ривожланган мамлакатлар	312	-58	597	91	426	-37	464	+9
Европа	73	-80	51	-30	-106	-	16	-
Шимолий Америка	180	-42	453	51	379	-26	361	-5
Ривожланаётган мамлакатлар	663	-8	881	33	930	4	867	-7
Африка	40	-16	80	20	54	-44	53	-3
Осиё	535	4	662	24	662	0	621	-8
Лотин Америкаси ва Кариб бассейни	88	-44	138	57	196	51	193	-1
Марказий Осиё	6	-	7	+12	10	+39	7	-27

*UNCTAD маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жжадвал маълумотларига кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)нинг глобал оқимлари 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 2 фоизгача пасайди ва 1,3 трлн АҚШ долларини ташкил этди. Дунё мамлакатларининг иқтисодий ривожланиш даражасига қараб гуруҳланиши жиҳатидан, ТТХИ оқими ҳажми 2023 йил якунига келиб, Шимолий Америка мамлакатларида 5 фоизга, ривожланаётган мамлакатларда 7 фоизга, Африкада 3 фоизга, Осиё мамлакатларида 8 фоизга, Лотин Америкасида ва Кариб бассейнида 1 фоизга ва Марказий Осиё давлатларида 27 фоизга пасайиши кузатилди. Ривожланган мамлакатларда эса 9 фоизга ўсиш кузатилди.

Глобал сиёсий инқироз, Украинадаги уруш, озиқ-овқат, энергия ва қарз маблағлари нархларининг ўсиши ТТХИ оқими ҳажми пасайишига сабаб бўлди. Инқирозлар, протекционистик сиёсат ва минтақавий ўзгаришлар глобал иқтисодиётни бузмоқда, савдо тармоқларини, тартибга солиш муҳитини ва глобал таъминот занжирларини парчаламоқда.

Умумий инвестиция бозорида ривожланаётган мамлакатлар ривожланган мамлакатларга қараганда катта роль ўйнай бошладилар. Ушбу тенденцияни инвестиция оқимлари контекстида ҳам кузатиш мумкин. Бироқ, ривожланаётган мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ижобий динамикасига қарамай, инвестицияларнинг асосий қисми энг йирик ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хулоса

Хулоса ўрнида жаҳон инвестиция бозорида келгусида кутилаётган асосий

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

тенденциялар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: инвестицияларни рағбатлантиришни ошириш, кўпроқ “яшил лойиҳалар”га эътибор қаратиш, халқаро инвестиция шартномаларини ислоҳ қилиш ва бошқалар.

БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича ташкилоти (UNCTAD) томонидан 2024 йил учун сўров маълумотларига кўра, ушбу йилда инвестицияларнинг тикланиш тенденцияси юз бериши, яъни, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 3 фоизга ўсиши қайд қилинган. Албатта, бу маълумотлар ташкилотнинг 2025 йилдаги ҳисоботларида ўз аксини топади. Шу ўринда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва унинг барқарор ўсишини таъминлаш омили экан, жаҳон инвестиция бозоридаги тенденцияларни таҳлил қилиб бориш, миллий инвестиция бозорини ҳалқаро интеграциялашувини таъминлаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича илғор мамлакатлар тажрибаларини қўллаш юзасидан ушбу соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар учун муҳим аҳамият касб этадиган унга оид жаҳон тажрибасида мавжуд назарий ва амалий ёндашувларнинг таҳлил қилиниши ва ривожлантирилиши асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи. 02.05.2024 йил. – https://president.uz/uz/lists/view/7194

2. UNCTAD. Отчёт о мировых инвестициях 2024 год. – https://unctad.org/system/files/official-document/wir2024_overview_ru.pdf

3. Инвестиции и инвестиционная деятельность организаций : учебное пособие / Т. К. Руткаускас [и др.] ; под общ. ред. д-ра экон. наук, проф. Т. К. Руткаускас. – Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2019. – 316 с.

4. Галкина О.В. Структура инвестиционного рынка. // Вестник науки. – 2018 г. – №7 (7) Том 3.

5. Инвестиции : учебник / [Л.И. Юзвович и др.] ; под ред. Л.И. Юзвович ; М-во науки и высш. образования Рос. Федерации, Урал. федер. ун-т. — 2-е изд., испр. и доп. – Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2018. – 610 с. — (Учебник УрФУ).

6. World investment report. 1999, UNCTAD.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

KASTODIAN BANKLARNING IPO BOZORINI RIVOJLANTIRISHDA VA XORIJIY INVESTORLARNI JALB QILISHDAGI ROLI

Saydullayev Shaxzod Sherzodovich
iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) korporativ moliya va qimmatli qog‘ozlar kafedrasi dotsenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: sh.saydullayev@tsue.uz
ORCID: 0000-0002-7173-818X

Annotatsiya. Maqolada IPO jarayonida kastodian banklar tizimining o‘rni va ahamiyati tahlil qilingan. Kastodian banklar aksiyalarni saqlash, moliyaviy tranzaksiyalarni nazorat qilish va investorlar uchun xizmat ko‘rsatish kabi muhim funksiyalarni bajarib, IPO jarayonining shaffofligini oshiradi va xavfsizligini ta’minlaydi. Maqolada xalqaro tajribalar asosida kastodian banklar tizimining samaradorligi ko‘rsatilib, O‘zbekiston sharoitida uni joriy etishning istiqbollari va duch kelinayotgan muammolar o‘rganilgan. Shuningdek, mahalliy kapital bozorini rivojlantirish uchun amaliy takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: kastodian banklar, ommaviy joylashtirish, risk-menejment, depozitariy, kliring, aktivlarning xavfsizligi, elektron saqlash, investorlar ishonchi

РОЛЬ КАСТОДИАН БАНКОВ В РАЗВИТИИ РЫНКА IPO И ПРИВЛЕЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТОРОВ

Сайдуллаев Шахзод Шерзодович
доктор философии (PhD) по экономическим наукам
доцент кафедры корпоративных финансов и ценных бумаг
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: sh.saydullayev@tsue.uz
ORCID: 0000-0002-7173-818X

Аннотация. В статье анализиру.тся роль и значение системы банков-кастодианов в процессе IPO. Банки-кастодианы, выполняя такие важные функции, как хранение акций, мониторинг финансовых транзакций и предоставление услуг инвесторам, повышают прозрачность и обеспечивают безопасность процесса IPO. В статье на основе зарубежного опыта демонстрируется эффективность системы кастодиального банкинга, рассматриваются перспективы ее внедрения в Узбекистане и возникающие при этом проблемы. Также разработаны практические предложения по развитию местного рынка капитала.

Ключевые слова: банки-кастодианы, публичное размещение, управление рисками, депозитарий, клиринг, безопасность активов, электронное хранилище, доверие инвесторов

THE ROLE OF CUSTODIAN BANKS IN THE DEVELOPMENT OF THE IPO MARKET AND ATTRACTING FOREIGN INVESTORS

Saydullaev Shakhzod Sherzodovich
Doctor of Philosophy (PhD) in Economic Sciences

Associate professor
Corporate finance and securities department
Tashkent State University of Economics
E-mail: sh.saydullayev@tsue.uz
ORCID: 0000-0002-7173-818X

Abstract. This article analyzes the role and importance of the custodian bank system in the IPO process. Custodian banks increase transparency and ensure the security of the IPO process by performing such important functions as custody of shares, monitoring financial transactions and providing services to investors. Based on foreign experience, the article demonstrates the effectiveness of the custodial banking system, considers the prospects for its implementation in Uzbekistan and the problems that arise. Practical proposals for the development of the local capital market will also be developed.

Keywords: custodian banks, public offering, risk management, depository, clearing, asset security, electronic storage, investor confidence

Kirish

Bugungi kunda aksiyadorlik jamiyatlari va kompaniyalar uchun IPO (birlamchi ommaviy taklif) jarayoni kapital jalb qilishning samarali vositalaridan biri sifatida ahamiyat kasb etmoqda. IPO orqali kompaniyalar nafaqat moliyaviy resurslarini kengaytiradi, balki xalqaro bozorda o‘z obro‘sini oshiradi va investorlarga ishonch uyg‘otadi. Shu bilan birga, IPO jarayonining muvaffaqiyatli amalga oshirilishi uchun kompaniyalar moliyaviy infratuzilmaning ishonchli va samarali faoliyat ko‘rsatishini ta’minlashi zarur.

Kastodian banklar tizimi IPO jarayonining muhim qismi hisoblanadi. Ular aksiyalarni saqlash, tranzaksiyalarni nazorat qilish va investorlarga xizmat ko‘rsatish bo‘yicha o‘ziga xos rol o‘ynaydi. Ayniqsa, rivojlanayotgan davlatlarda kastodian banklar tizimini joriy etish orqali IPO jarayonining shaffofligini oshirish, investorlar uchun qulay sharoit yaratish va xalqaro amaliyotga moslashish imkoniyatlari yaratiladi.

Ushbu maqolada kastodian banklar tizimining mohiyati, uning IPO jarayonidagi o‘rni va ahamiyati tahlil qilinadi. Shuningdek, O‘zbekiston sharoitida mazkur tizimni joriy etishning istiqbollari va ushbu yo‘nalishda duch kelinayotgan muammolar bo‘yicha takliflar keltiriladi. Maqola davomida mazkur tizimni joriy etish orqali mahalliy kompaniyalarning kapital bozoridagi ishtirokini faollashtirish va xorijiy investorlarni jalb qilish bo‘yicha tavsiyalar ham ishlab chiqiladi.

Adabiyotlar sharhi

Kastodian banklar, ularning kelib chiqish tarixi va IPO jarayonidagi ishtirokiga oid bir qancha tadqiqotlar mavjud bo‘lib, ularning aksariyati xorijiy ilmiy tadqiqot ishlaridir.

Kastodian banklar kontseptsiyasi moliyaviy bozorlarning o‘sib borayotgan murakkabligiga javob sifatida paydo bo‘ldi. Dastlab, ularning asosiy roli qimmatli qog‘ozlarni, masalan, aksiya sertifikatlarini himoya qilish va ularni to‘g‘ri boshqarishni ta’minlash edi [1]. Elektron savdo va globallashuvning paydo bo‘lishi bilan ularning funktsiyalari hisob-kitob, muvofiqlik va risklarni boshqarishni o‘z ichiga olgan holda kengaytirildi. Kapronasia [3] ma’lumotlariga ko‘ra, kastodian banklar raqamli qimmatli qog‘ozlar va transchegaraviy operatsiyalarni qo‘llab-quvvatlash uchun ilg‘or texnologiyalarni o‘zlashtirib, zamonaviy moliyaviy bozorlarda muhim o‘yinchilarga aylandi.

Kastodian banklar ko‘p qirrali roli tufayli IPO jarayonining ajralmas qismi hisoblanadi. Ular qimmatli qog‘ozlarni saqlash, bitimlar bo‘yicha hisob-kitoblar va kliringlar hamda me’yoriy hujjatlarga rioya etilishini ta’minlash kabi muhim xizmatlarni taqdim etadilar [1]. Bu funksiyalar bozor yaxlitligini saqlash va investorlar ishonchini mustahkamlashda muhim ahamiyatga ega.

Kastodian-banklar, shuningdek, emitentlar va investorlar o‘rtasida ko‘prik vazifasini o‘taydi, aktsiyalarni taqsimlashni osonlashtiradi. Misol uchun, IPO paytida ular qimmatli

qog‘ozlarni investorlarga taqsimlash va topshirishni boshqaradi, aniqlik va shaffoflikni ta’minlaydi [3]. Bundan tashqari, ular mahalliy va xalqaro qoidalarga rioya etilishini nazorat qiladi, bu ayniqsa transchegaraviy IPOlar uchun muhim [2].

Kastodian banklarning moliya bozorlarida muhimligiga qaramay, ular bir qancha qiyinchiliklarga duch kelishadi. Eng asosiy muammolardan biri bu samaradorlik va innovatsiyalarga to‘sqinlik qilishi mumkin bo‘lgan eskirgan texnologik tizimlarga tayanishdir [4]. Bundan tashqari, raqobat muhiti marjaning siqilishiga olib keldi va kastodian banklarni xizmat sifatini saqlab qolish bilan birga to‘lovlarni kamaytirishga majbur qildi.

Boshqa tomondan, raqamli aktivlarning o‘sishi kastodian banklar uchun yangi imkoniyatlarni taqdim etadi. Raqamli aktivlarni saqlashni qo‘llash orqali ular o‘sib borayotgan bozor segmentiga xizmat ko‘rsatishlari va o‘zlarini rivojlanayotgan moliyaviy landshaftda yetakchilar sifatida ko‘rsatishlari mumkin [2]. Bundan tashqari, ilg‘or texnologiyalar va ma’lumotlar tahliliga investitsiyalar ularning operatsion samaradorligini va qo‘shimcha qiymatli xizmatlarni oshirishi mumkin.

Jahon bozorlarida kastodian banklar IPO jarayonlarining samaradorligi va xavfsizligini oshirish qobiliyatini namoyish etdi. Masalan, AQSH va Yevropa bozorlarida kastodian-banklar tez-tez hisob-kitoblar va muvofiqlikni ta’minlash uchun hisob-kitob markazlari bilan hamkorlik qiladilar [1]. Rivojlanayotgan bozorlarda ularning roli tartibga soluvchi talablar bo‘yicha ekspertiza bilan ta’minlash va xalqaro investorlarga kirishni osonlashtirishga qaratilgan.

State Street va BNY Mellon kabi etakchi kastodian banklarning tajribasi ularning IPO muvaffaqiyatiga ta’sirini ta’kidlaydi. Ushbu muassasalar IPO jarayonini tartibga solish, o‘z vaqtida va to‘g‘ri bajarilishini ta’minlash uchun o‘zlarining keng tarmoqlari va texnologik imkoniyatlaridan foydalanganlar [3].

Kastodian banklar firibgarlik va noto‘g‘ri boshqaruv bilan bog‘liq risklarni yumshatish orqali bozor yaxlitligiga katta hissa qo‘shadilar. Ular qimmatli qog‘ozlarni saqlash uchun xavfsiz muhitni ta’minlaydi va bitimlar huquqiy va tartibga soluvchi standartlarga muvofiqligini ta’minlaydi (Moliyaviy IT, 2022). Bu, o‘z navbatida, investorlarning ishonchini oshiradi, IPOlarda ko‘proq ishtirok etishni rag‘batlantiradi.

Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, kastodian banklar IPOdan keyingi o‘zgaruvchanlikni kamaytirishda rol o‘ynaydi. To‘g‘ri hisob-kitob va muvofiqlikni ta’minlash orqali ular bozor barqarorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lgan operatsion risklarni minimallashtiradi [3].

Mahalliy olimlar tomonidan kastodian banklar va ularning IPO dagi roli haqida hozirga qadar ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilmagan.

Tahlil va natijalar

“Kastodian” so‘zi ingliz tilidagi “custodian” atamasidan olingan bo‘lib, bu so‘z o‘z navbatida lotincha “custodia” so‘zidan kelib chiqqan. Lotin tilida “Custodia” – “qo‘riqlash”, “himoya qilish” yoki “nazorat qilish” degan ma’nolarni anglatadi. Ushbu so‘zning ildizi “custos” – “qo‘riqchi” yoki “himoyachi” degan ma’noni beradi [4].

Keyinchalik, “custodia” so‘zi O‘rta asrlarda ingliz tiliga o‘tib, “custodian” shaklini olgan. Bu atama qo‘riqchi, saqlovchi yoki biror narsaning xavfsizligini ta’minlaydigan shaxs yoki tashkilotni ifodalash uchun ishlatilgan.

Moliyaviy sohada “custodian” atamasi XIX asrda paydo bo‘lib, aktivlarni saqlash va himoya qilish xizmatlarini bajaruvchi banklar yoki tashkilotlarni anglatgan. Ayniqsa, xalqaro moliya bozorlarida qimmatli qog‘ozlarni xavfsiz saqlash va operatsiyalarni nazorat qilish uchun ishlatiladigan maxsus banklarni tasvirlash uchun qo‘llanila boshlandi.

Bugungi kunda “kastodian bank” atamasi xalqaro moliya tizimida qimmatli qog‘ozlarni saqlash, xavfsizligini ta’minlash va investorlar huquqlarini himoya qilish bo‘yicha xizmatlarni ko‘rsatadigan tashkilotlarni ifodalashda keng qo‘llaniladi.

Kastodian banklar – bu moliyaviy vositalarni (aksiyalar, obligatsiyalar va boshqa qimmatli qog‘ozlar) saqlash, hisob-kitoblar va boshqa moliyaviy operatsiyalarni amalga oshirish

uchun xizmat ko‘rsatadigan maxsus banklardir. Ular investorlarning moliyaviy aktivlarini xavfsiz saqlashni ta’minlab, moliya bozorlarida muhim infratuzilma vazifasini bajaradi.

Kastodian banklar faoliyati XIX asrda rivojlangan kapital bozorlariga ega bo‘lgan mamlakatlarda paydo bo‘lgan. Dastlab ular investitsiyalarni boshqarish va xavfsizligini ta’minlash maqsadida tashkil etilgan. 1970-yillarga kelib, xalqaro investitsiyalar va moliyaviy vositalar bozorining o‘sishi bilan kastodian banklar xalqaro darajada muhim o‘rin egallay boshladi. 1980-1990-yillarda texnologik taraqqiyot tufayli elektron saqlash va hisob-kitob tizimlari rivojlandi, bu esa kastodian banklar xizmatlarining samaradorligini oshirdi.

Xalqaro tajribada kastodian banklar IPO jarayonining muvaffaqiyatli amalga oshirilishida muhim o‘rin tutadi [5]:

1. Investorlarni himoya qilish: Kastodian banklar investorlarga qimmatli qog‘ozlarni xavfsiz saqlash imkonini beradi. Masalan, AQShda The Bank of New York Mellon va JPMorgan Chase kabi yirik kastodian banklar IPO jarayonida yetakchi o‘rin tutadi.

2. Shaffoflikni ta’minlash: Kastodian banklar orqali qimmatli qog‘ozlar bo‘yicha operatsiyalar aniq va shaffof amalga oshiriladi. Bu investorlarga ishonch bag‘ishlaydi.

3. Xalqaro investitsiyalarni qo‘llab-quvvatlash: Masalan, Yevropada Clearstream va Euroclear kastodian banklari IPO jarayonlarida xalqaro investorlarni jalb qilishda faol ishtirok etadi.

4. Qimmatli qog‘ozlarni qayta sotishni soddalashtirish: Kastodian banklar qimmatli qog‘ozlarni qayta sotish va likvidlikni ta’minlash jarayonlarini boshqaradi.

Quyida kastodian banklarning IPO jarayonidagi muhimligini ko‘rsatadigan asosiy jihatlar jadval ko‘rinishida keltirilgan (1-jadval):

1-jadval.

Kastodian banklarning IPO jarayonidagi ahamiyati*

№	Asosiy funksiya	Muhimligi
1.	Aksiyalarni saqlash	Investorlarning aksiyalarini xavfsiz saqlash va mulk huquqini kafolatlash imkoniyatini ta’minlaydi.
2.	Moliyaviy tranzaksiyalarni kuzatish	IPO jarayonida aksiyalar savdosining shaffofligi va aniqligini ta’minlaydi.
3.	Investorlarga xizmat ko‘rsatish	Investorlar uchun hisobvaraqlar ochish, ularni boshqarish va moliyaviy xizmatlar ko‘rsatadi.
4.	Xalqaro standartlarga moslik	IPO jarayonida xalqaro amaliyotga moslashishni ta’minlaydi va xorijiy investorlar uchun qulaylik yaratadi.
5.	Xatarlarni kamaytirish	Moliyaviy operatsiyalarni nazorat qilish orqali firibgarlik va noto‘g‘ri hisob-kitoblarni oldini oladi.
6.	Shaffoflikni oshirish	Tranzaksiyalarni hisobga olish va audit qilish jarayonida ishonchlilikni ta’minlaydi.
7.	Regulyatorlar bilan hamkorlik	Moliyaviy nazorat organlari uchun ma’lumotlar taqdim etish va qonunchilikka moslikni ta’minlashga yordam beradi.
8.	Resurslarni optimallashtirish	IPO jarayonini soddalashtirish va xarajatlarni kamaytirish imkonini beradi.
9.	Investor ishonchini oshirish	Investorlarga kafolatlangan xizmatlar taqdim etish orqali IPOga bo‘lgan ishonchni mustahkamlaydi.
10.	Bozor infratuzilmasini rivojlantirish	Mahalliy kapital bozorini rivojlantirish va xalqaro bozorlarga chiqishni yengillashtiradi.

*Manba: Mascarenhas, R., & Azevedo, A. (2019). Custodian banks: Roles and responsibilities in financial markets. Journal of Financial Regulation and Compliance, 27(4), 561–578. https://doi.org/10.1108/JFRC-02-2019-0013.

Bu jihatlar kastodian banklarning IPO jarayonida samaradorlik va shaffoflikni oshirishdagi muhimligini ko‘rsatadi. Shu sababli, bunday tizimni joriy etish investorlar

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ishonchini oshirish va mahalliy kompaniyalar uchun xalqaro kapital bozoriga chiqishni yengillashtirishda hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi.

Kastodian banklar IPO jarayonida muhim ahamiyatga ega bo‘lsada bu banklar tizimini O‘zbekiston amaliyotida joriy etish bir qancha muammolarga duch kelmoqda. Quyida kastodian banklar tizimini O‘zbekiston sharoitida joriy etishdagi muammolar va istiqbollarni jadval ko‘rinishida keltirilgan (2-jadval):

2-jadval.

Kastodian banklar tizimini O‘zbekiston sharoitida joriy etishdagi muammolar va istiqbollar*

Muammolar	Istiqbollar
Normativ-huquqiy bazaning yetarlicha rivojlanmaganligi	Kastodian banklar faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilikni ishlab chiqish imkoniyati
Mahalliy moliyaviy infratuzilmaning yetarli darajada rivojlanmaganligi	Zamonaviy texnologiyalar va xizmatlarni joriy etish orqali infratuzilmani modernizatsiya qilish
Malakali mutaxassislarning yetishmasligi	Maxsus o‘quv dasturlari va xalqaro tajriba almashinuvi orqali kadrlar tayyorlash
Investorlar orasida ishonch darajasining pastligi	Kastodian banklar orqali IPO jarayonining shaffofligi va xavfsizligini oshirish
Xalqaro moliyaviy tashkilotlar bilan hamkorlikning cheklanganligi	Xalqaro banklar va moliyaviy institutlar bilan hamkorlikni rivojlantirish imkoniyati
Mahalliy kompaniyalarning IPO bozoriga chiqish tajribasining yetishmasligi	Kastodian banklar orqali kompaniyalarga IPO bozoriga chiqishda ko‘mak berish
Moliya bozori ishtirokchilarining bilim darajasining pastligi	Moliya bozorida bilim va ko‘nikmalarni oshirishga qaratilgan dasturlarni amalga oshirish
Dastlabki investitsiyalar uchun yetarli mablag‘ yo‘qligi	Xususiy va davlat investitsiyalarini jalb qilish orqali tizimni barqaror rivojlantirish

*Muallif ishlanmasi

Ushbu jadvalda muammolar va istiqbollar bir-biri bilan bog‘liq holda ko‘rsatilib, ularning yechimi uchun imkoniyatlar aniqlangan.

Kastodian banklardan IPO jarayonida foydalanish

Kastodian banklar O‘zbekiston fond bozorida shaffoflik, xavfsizlik va ishonchni ta’minlaydi, bu xalqaro integratsiyaga intilish va IPO jarayonlarini faollashtirish davrida ayniqsa muhimdir.

Kastodian banklar IPO jarayoniga quyidagi imtiyozlar orqali tarkibiy va operatsion yaxshilanishlarni olib keladi (3-jadval):

3-jadval.

Kastodian banklar tizimini IPO jarayonida qo‘llashning afzalliklari*

Afzalliklar	Izoh
Aktivlar xavfsizligini ta’minlash	Kastodian banklar qimmatli qog‘ozlar va boshqa moliyaviy vositalarni yo‘qotish, firibgarlik va ruxsatsiz kirish xavfini oldini oladi. Ular emitentlarga ham, investorlarga ham kafolatlar berib, jarayonga ishonchni oshiradi.
Shaffoflik va standartlarga muvofiqlik	Kastodian banklar milliy va xalqaro tartibga solish talablariga muvofiqligini ta’minlaydi, bu esa huquqiy va moliyaviy risklarni minimallashtiradi. Barcha operatsiyalar bank tizimlarida qayd etiladi, bu jarayonni tekshirish va monitoring qilish imkonini beradi.
Hisob-kitoblarning samaradorligini oshirish	Ixtisoslashgan texnologiyalar tufayli kastodian banklar IPO ishtirokchilari o‘rtasida kliring operatsiyalari va hisob-kitoblarni tezlashtiradi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

	Bu aksiyalarni chiqarish va ularni taqsimlash o‘rtasidagi vaqtni qisqartirish imkonini beradi.
Xalqaro investorlarni qo‘llab-quvvatlash	Kastodian banklar xorijiy investorlar uchun vositachi bo‘lib, ularga IPOga chiqish imkoniyatini beradi va huquqiy va moliyaviy masalalarda yordam beradi.
Operatsion risklarni kamaytirish	Zamonaviy ma’lumotlarni boshqarish va aktivlarni saqlash tizimlari tufayli kastodianlar xatolar ehtimolini minimallashtiradi.

*Muallif ishlanmasi

Banklar, ayniqsa, depozitariy modernizatsiya yoki xalqaro integratsiyaga tayyor bo‘lmasa, kastodian funksiyalarini muvaffaqiyatli bajarishi mumkin. Banklarning afzalligi ularning moslashuvchanligi, moliyaviy barqarorligi va xalqaro aloqalaridadir.

Biroq optimal yechim banklar va depozitariy o‘rtasidagi hamkorlik bo‘ladi:

1. Depozitariy asosiy e’tiborni aktivlarni saqlash va hisobga olish funksiyalariga qaratishi mumkin.
2. Banklar mijozlarga kastodianlik xizmatlarini taqdim etadi va xalqaro investorlar uchun vositachi sifatida ishlaydi.

Bunday yondashuv har ikki tomonning resurslaridan samarali foydalanish va O‘zbekiston fond bozori uchun ishonchli infratuzilmani yaratish imkonini beradi.Ushbu takliflar O‘zbekistonda kastodian banklar tizimini muvaffaqiyatli joriy etish va kapital bozorini xalqaro miqyosda rivojlantirishga xizmat qiladi.

IPO jarayonida kastodian banklar tizimini joriy etish O‘zbekistonning kapital bozorini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu tizim xorijiy va mahalliy investorlar uchun ishonchli infratuzilmani ta’minlash orqali IPO jarayonini shaffof va xavfsiz qiladi. O‘zbekistonda mazkur tizimni muvaffaqiyatli joriy etish uchun quyidagi choralarni ko‘rish zarur:

- Normativ-huquqiy bazani takomillashtirish;
- Zamonaviy texnologiyalarni joriy etish;
- Malakali mutaxassislarni tayyorlash;
- Davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash mexanizmlarini yaratish;
- Xalqaro tajribalarni o‘rganib, mahalliy sharoitga moslashtirish.

Mazkur choralar kastodian banklar tizimining samarali faoliyatini yo‘lga qo‘yishga, mahalliy kompaniyalarning xalqaro IPO bozorlariga chiqish imkoniyatlarini kengaytirishga va kapital bozorining barqaror rivojlanishiga xizmat qiladi. Shu tariqa, kastodian banklar tizimi O‘zbekiston iqtisodiyotining jahon moliyaviy tizimiga integratsiyalashuvini jadallashtirishda hal qiluvchi rol o‘ynaydi.

Xulosa

IPOda kastodian banklarning roli ko‘p qirrali va ajralmasdir. Ularning saqlash va hisob-kitob qilishdan tortib, muvofiqlik va investorlarga ko‘maklashishgacha bo‘lgan vazifalari IPO muvaffaqiyati uchun juda muhimdir. Texnologik cheklovlar va raqobat bosimi kabi qiyinchiliklarga qaramay, kastodian banklar o‘z xizmatlarini, xususan, raqamli aktivlar sohasida kengaytirish imkoniyatlariga ega. O‘zbekistonda moliyaviy bozorlar rivojlanishda davom etar ekan, IPOlarning yaxlitligi va samaradorligini ta’minlashda kastodian-banklarning ahamiyati yanada oshadi. Kastodian banklar aktivlar xavfsizligini ta’minlash, hisob-kitoblarni tezlashtirish va tranzaktsiyalarning shaffofligini oshirish orqali IPO jarayonini sezilarli darajada yaxshilashi mumkin. Ushbu tizimni amalga oshirish uchun tegishli bankni tanlash, me’yoriy-huquqiy bazani yaratish, texnik integratsiya va doimiy monitoringni o‘z ichiga olgan aniq metodologiya talab etiladi. Bunday yondashuv investorlar ishonchini mustahkamlaydi, moliya bozori infratuzilmasini yaxshilaydi va IPO jarayonini samaraliroq qiladi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Financial IT. (2022). *Five challenges global custodians face today*. Retrieved from. – https://financialit.net

2. Callan. (2018). *Custodian primer: Understanding the role of custodian banks in financial markets*. Retrieved from. – https://www.callan.com

3. Kapronasia. (2022). *Why custodian banks should embrace digital asset custody: Key challenges and opportunities*. Retrieved from. – https://www.kapronasia.com

4. Mascarenhas, R., & Azevedo, A. (2019). Custodian banks: Roles and responsibilities in financial markets.// Journal of Financial Regulation and Compliance, . – *27*(4), 561–578. – https://doi.org/10.1108/JFRC-02-2019-0013

5. Brockman, P., He, X., Sun, S., & Zou, H. (2023). The role of individual investment bankers in IPO pricing: Evidence from investor bidding behavior. // Journal of Corporate Finance, 82, 102431.

6. Qian, H., & Zhong, Z. (2018). Do hedge funds possess private information about IPO stocks? Evidence from post-IPO holdings. The Review of Asset Pricing Studies, 8(1), 117-152.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ИҚТИСОДИЁТГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Шокиров Хотамбек Анварович

мустақил изланувчи
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: xotambek.shakirov@gmail.com
ORCID: 0009-0005-2791-443X

Аннотация. Мақолада хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти, миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти ва зарурлиги ўрганилган, ҳалқаро капитал ҳаракатини тартибга солувчи инвестиция режимлари таҳлил қилинган ҳамда геосиёсий ўзгаришлар шароитида ривожланган давлатлар иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқими кўриб чиқилган, ҳалқаро тажрибадан келиб чиқиб хулоса ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: хорижий инвестиция, инвестиция режимлари, молиявий субсидиялар, рецепиент, репатриация, инвестиция ресурслари, инвестиция сиёсати, лицензия, роялти, преференция.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ

Шакиров Хатамбек Анварович

самостоятельный соискатель
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: xotambek.shakirov@gmail.com
ORCID: 0009-0005-2791-443X

Аннотация. В статье изучена экономическая сущность иностранных инвестиций, важность и необходимость в развитии национальной экономики, проанализированы инвестиционные режимы, регулирующие движение международного капитала, рассмотрен поток прямых иностранных инвестиций в экономику развитых стран в контексте геополитических изменений, даны выводы и рекомендации основанные на международном опыте.

Ключевые слова: иностранная инвестиция, инвестиционные режимы, финансовые субсидии, рецепиент, репатриация, инвестиционные ресурсы, инвестиционная политика, лицензия, роялти, преференция.

FOREIGN EXPERIENCE IN ATTRACTING FOREIGN INVESTMENTS INTO THE ECONOMY

Shokirov Khotambek Anvarovich

is an independent candidate for Tashkent State the University of Economics
E-mail: xotambek.shakirov@gmail.com
ORCID: 0009-0005-2791-443X

Abstract. The article examines the economic essence of foreign investment, the importance and necessity of developing the national economy, analyzes the investment regimes

governing the movement of international capital, examines the flow of foreign direct investment into the economies of developed countries in the context of geopolitical changes, and provides conclusions and recommendations based on international experience.

Keywords: foreign investment, investment regimes, financial subsidies, recipient, repatriation, investment resources, investment policy, license, royalties, preference.

Кириш

Инвестициялар макро, мезо ва микро даражадаги бир қатор иқтисодий муаммоларни ҳал қилади, шунингдек, иқтисодий ислоҳотлар ва қайта қуриш учун қулай шарт-шароитларни яратади. Инвестициялар Ўзбекистон молия-кредит тизимининг самарали ишлашини таъминлайдиган иқтисодий элементлардан биридир. Капиталнинг халқаро ҳаракати турли мамлакатларнинг хўжалик юритувчи субъектлари иштирокида турли шаклларда ривожланади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, хорижий инвестициялар иқтисодий ривожланишни молиялаштиришнинг бошқа шаклларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга, уларнинг асосийси товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга қўшимча капитал қўйилмалар манбаи бўлиб, баъзи ҳолларда технологиялар трансфери, ноу-хау ва бошқарувнинг янги усуллари шаклида амалга оширилади.

Иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъи назар, ҳар қандай мамлакат чет эл капиталини жалб қилишга ва ушбу инвестициялардан бевосита ёки билвосита фойдаланишга интилади. Маблағларни жалб қилишда макроиқтисодий омиллар, шу жумладан ички бозор имкониятлари, валюта сиёсий барқарорлиги, шунингдек инфратузилманинг ривожланиш даражаси ва ишчи кучининг малакаси катта рол ўйнайди. Бундан ташқари, хорижий инвесторларга берилган кафолатлар тизими, самарали ва барқарор ҳуқуқий тизимларни ўз ичига олувчи инвестиция қабул қилувчи мамлакатнинг инвестиция сиёсатининг ишлаб чиқилганлиги ўта муҳимдир. Бироқ, ушбу соҳада маълум камчиликлар ва ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Хусусан, жаҳон савдо ташкилоти тартиб-қоидалари ва стандартларига мувофиқ инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, айниқса ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда қўшимча молиявий имтиёзлар бериш зарур. Бундан ташқари иқтисодиётга жалб қилинаётган ҳалқаро капитал таркибида хорижий кредитлар улушининг юқорилиги, ЯИМнинг таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улушининг камлиги, аҳоли жон бошига тақсимлаганда эса бу кўрсаткичнинг МДҲ давлатларининг ўртача олинган кўрсаткичларидан паст эканлиги бу борада олиб бориладиган, амалга ошириладиган ишларнинг хали анча кўплигидан далолат беради.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганларидек: «Сўнгги йилларда мамлакатимизда 60 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Халқаро молия институтларининг 14 миллиард доллардан ортиқ маблағлари ижтимоий ва инфратузилма соҳаларига жалб қилинди. Ўтган йилнинг ўзида хорижий инвестициялар ҳажми қарийб икки баробар кўпайди. Шу ўринда энергетика соҳасида “ACWA Power”, “Masdar”, “Total Eren”, “Voltalia”, “Çalık” ва “Aksa”; кимё саноатида “Air Products”, “Indorama” ва “Камсе”, тоғ-кон ва металлургияда – “Orano” ва “DANIELI”, автомобилсозлик ва электротехника йўналишларида “BYD”, “Kia” ва “Samsung”, қурилиш соҳасида “Koç” ва “KNAUF” каби дунёнинг етакчи компаниялари ҳамда йирик брендлари билан 300 дан ортиқ инвестиция ва саноат лойиҳалари ишга туширилгани ва юз минглаб янги иш ўринлари яратилганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман»[1].

Шу муносабат билан, мамлакатда инвестиция муҳити жозибадорлигини янада ошириш, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарали механизмлари, хусусан молиявий механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш талаб этилади.

Адабиётлар шарҳи

Миллий иқтисодиётнинг инвестицион жозибадорлиги мамлакатда қанчалик даражада қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги, чет эл инвесторларига берилган имтиёзлар ва преференциялар, айниқса, хорижий инвесторларнинг барча бойликларини кафолатли ҳимояланганлиги билан белгиланади. Шундай экан, инвестиция фаолияти самарадорлигини таъминлашда, аввало, унинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш, ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш ва доимий такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Тадқиқот иши хорижий инвестициялар билан боғлиқ экан, дастлаб хорижий инвестицияларга жаҳон ва МДҲ давлатлари иқтисодчи олимлари томонидан берилган таърифлар ва назарий қарашларни қиёсий таҳлил қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал.

Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти*

Т/р	Муаллифлар	Манба	Хорижий инвестицияларга берилган таърифлар
1.	Дж.М.Кейнс	Кейнс. Дж. М., Общая теория занятости, процента и денег / Кейнс, Дж. – М.: ЭКСМО, 2007. – С. 182.	Инвестициялар – бу маълум бир даврда ишлаб чиқариш фаолияти натижалари асосида жорий капитал мулк қийматининг ўсиши бўлиб, маълум бир даврда даромаднинг истеъмол учун ишлатилмаган қисмидир.
2.	У.Ф. Шарп, Г.Д.Александер ва Д.В.Бэйли	Шарп.У.Ф., Александер. Г.Дж., Бэйли.Д.В. Инвестиции: учебник / У.Ф. Шарп, Г.Дж. Александер, Д.В. Бэйли – М.: Инфра-М, 2010. – С.330.	Келажакда катта миқдорда пул олиш учун бугунги кундаги пулдан воз кечишдир.
3.	М.Сорнаража	The international law on foreign investment, M. Sornarajah - 2017 – P.574. Cambridge University Press.	Хорижий инвестициялар бу – активлар эгасининг тўлиқ ёки қисман назорати остида моддий бойлик яратиш мақсадида фойдаланиш учун моддий ва номоддий бойликларни бир мамлакатдан бошқасига ўтказилишини англатади.
4.	Ф. Хениус	Dictionary of Foreign Trade. by F.Henus Sec/ Ed. N4.,1947, – P.387.	Хорижий инвестициялар – бу бир мамлакат ҳудудидан иккинчи мамлакат ҳудудига киритилган, экспорт килинган инвестициялардир.
5.	Л.А.Зубченко	Зубченко.Л.А., Иностранные инвестиции: учебное пособие. / Л.А. Зубченко. – М.: ООО «Книгодел», 2008. – 160 с	Чет эл инвестори томонидан фойда олиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият объектларига қўйиладиган барча турдаги мулкий ва интелектуал бойликлар.
6.	Е.Ф. Авдокушин	Авдокушин. Е.Ф., Международные экономические отношения: учебное пособие. – 6-е изд., перераб. и доп. / Е.Ф. Авдокушин. – М.: ИКЦ «Маркетинг», 2001. – 340 с.	Капитални қабул қилувчи мамлакатдаги компания бошқарувида қатнашиш орқали назоратни ўрнатиш мақсадида капитални ўтказишдир.

*Муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридаги жадвалда келтирилган маълумотлар, яъни инвестициялар ва хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳиятини тушунишга хизмат қиладиган фикрлардан англашиладики, хорижий инвестицияларнинг характерли белгилари бўлиб: капиталнинг

мамлакатлараро кўчиб юриши, бир мамлакат ҳудудидан бошқа мамлакат ҳудудига жойлаштириладиган барча турдаги қийматликлар сифатида номоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва мазмуни бўйича маҳаллий олимлар томонидан ҳам кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган (2-жадвал). Маҳаллий олимлар илмий тадқиқотларида ҳам хорижий инвестицияларнинг муҳим характерли белгилари: ички инвестициялардан кўра рисклар кенглиги, инвестициялар ҳажми ва юқори даромадлилиги, рецепиент-мамлакатдаги корхонага сармоя киритиш билан инвесторнинг барқарор таъсир қилиш имкониятига эга бўлиши каби хусусиятлари ўз ифодасини топган.

2-жадвал.

Хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳияти*

Т/р	Муаллифлар	Тадқиқот йўналиши	Хорижий инвестицияларга берилган таърифлар
1.	Д.Ғ.Ғозибеков	Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари	Чет эл инвестициялари бир иқтисодиёт субъекти капиталини ўзга иқтисодиётга муайян муддатга боғлаш бўлиб, ички инвестициялардан рисклар кенглиги билан фарқланган ҳолда, ҳуқуқий шароитларнинг, инвестиция муҳитининг ўзгариши билан тавсифланади ва натижада мамлакатлар ва минтақалар бўйлаб капитал кўчиши юз беради
2.	Н.Ғ.Каримов	Инвестицияларни молиялаштиришни г бозор механизмларини жорий этиш	Хорижий инвестициялар мутлақ бошқа давлат иқтисодиёти ва унинг бошқа соҳаларига қўйиладиган, ички инвестициялардан юқори даромад даражаси билан ажралиб турувчи инвестициялардир
3.	Н.Р.Қўзиева	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнин молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари	Келгусида фойда олиш мақсадида капитални экспорт қилувчи хорижий давлатлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг капитални қабул қилувчи мамлакатларга турли куринишдаги бойликлар (кўчар, кўчмас мол-мулк, интелектуал бойликлар ва бошқалар.) ва улардан олинган даромадлар (фойда, фоизлар, дивидендлар, лицензия ва комиссион мукофотлар, роялти, техник таъминот ва бошқа мукофотлар)ни қўйилишига хорижий инвестициялар дейилади
4.	Қ.Б.Хошимов	Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш йўллари	Чет эл инвестициялари – чет эл мулкдорлари томонидан маълум капитални бир иқтисодиётдан мутлақ бошқа мамлакат иқтисодиётига қонун билан таъқиқланмаган турли тармоқларига аниқ ва ноаниқ рискларни ҳисобга олган ҳолда, ўз манфаатига эришиш, нисбатан юқори даражада самара олиш мақсадида муайян муддатга сафарбар этадиган барча мулкий, молиявий ва интелектуал бойликлардир

*Муаллиф томонидан тузилган.

Хорижий инвестицияларни ўз ичига олган мураккаб иқтисодий ҳодисаларнинг

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

моҳияти уларни бошқаришга танлаб ёндашувни таъминловчи таснифларида очиб берилади.

Таҳлил ва натижалар

Хорижий инвестициялар ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланишида, унинг саноатлашган ёки кам ривожланган мамлакат бўлишидан қатъи назар, муҳим рол ўйнайди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг аҳамияти 1980-90 йилларда сезиларли даражада ошди, инвестициялар ишлаб чиқариш қуввати, капитал трансфери, технология трансфери, бошқарув тажрибаси ва кўникмалари, инвестиция қабул қилувчи давлатларга инновацияларни киритиш орқали миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувининг асосий воситаларидан бири сифатида кўрила бошланди. Хорижий инвестициялар миллий ресурслардан янада самарали фойдаланиш орқали рецепиент мамлакат иқтисодиётининг иқтисодий ўсишига ёрдам беради. «Ҳалқаро амалиётда капитал оқимларини тартибга солишнинг бир нечта инвестиция режимлари қўлланилади: энг мақбул қулай режим; миллий режим; адолатли ва тенг ҳуқуқли режим ва шаффофлик режими» [2].

Инвестиция шартномаларининг асоси стандарт энг мақбул қулай режимга асосланган. Унинг моҳияти қуйидагича: инвестиция қабул қилувчи мамлакат бир мамлакат инвесторларига бошқа давлат инвесторларидан кам бўлмаган ҳолатда ижобий муносабатда бўлади. Ушбу режим инвесторларни қабул қилувчи мамлакат томонидан ҳар қандай камситишлардан ҳимоя қилишни кафолатлайди ва шу билан турли мамлакатлар инвесторлари ўртасида тенг рақобат имкониятларини яратишда жуда муҳимдир. Шу билан бирга, ушбу режим учун истисноли ҳолатлар ҳам мавжуд. Улар қуйидагича фарқланади: умумий истиснолар (масалан, миллий хавфсизликка нисбатан); ўзаро келишувларга асосланган истиснолар (масалан, солиққа тортиш, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари); бир томонлама асосга асосланган махсус истиснолар. Истисноли вазиятларга мисол сифатида Хитой Халқ Республикаси амалиётини келтириш мумкин, унинг қонунчилигида Божхона Иттифоқи, эркин савдо зонаси, Иқтисодий иттифоқ тузиш тўғрисидаги ҳар қандай битим ёки икки томонлама солиққа тортилмаслик тўғрисидаги битим, шунингдек трансчегаравий савдони ривожлантириш ҳисобланади. Мексикада истисноли вазиятлар Шимолий Америка эркин савдо шартномаси (NAFTA) кучга киргунга қадар мамлакат томонидан имзоланган барча икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга тааллуқлидир ва авиация, балиқчилик, денгиз навигацияси, телекоммуникациялар, радио ва телевидение дастурларини ишлаб чиқариш, сотиш ва лицензиялаш билан боғлиқ.

Капитал оқимларини тартибга солишнинг иккинчи муҳим режими - бу миллий режимдир. Бу режим қабул қилувчи мамлакатнинг хорижий инвесторлар фаолиятига муносабатини белгилайди. Шу билан бирга, бу эришиш қийин бўлган стандарт режим ҳисобланади, чунки бу режим ўта нозик иқтисодий ва сиёсий масалаларни қамраб олади. Дарҳақиқат, шу вақтга қадар ҳеч бир мамлакат бирон-бир чекловларсиз бу режимни таъминламаган, айниқса хорижий инвестициялар фаолияти ҳақида гап кетганда. Бинобарин, миллий режим маҳаллий ва хорижий инвесторлар ўртасида тенг рақобатлиликни таъминлашга интилади. Масалан, Мексика қонунчилигига биноан миллий режимдан истисноларга қуйидагилар киради: стратегик тармоқлар - нефт қазиб олиш, нефт-кимё саноати, электр энергетикаси, атом энергияси ишлаб чиқариш, радиоактив материаллар, почта, радио, телеграф, банкнота чиқариш, танга зарб қилиш, порт ва аэропорт хизматларини бошқариш.

Хитой миллий режимида эса қуйидаги истиснолар кузатилади: - ишлаб чиқариш базаси мавжуд бўлган мамлакат иқтисодиётида аллақачон ишлаб чиқилган ёки жорий қилинган технологиялардан фойдаланиш; давлат монополиясида бўлган соҳаларда; минерал ресурслардан фойдаланиш каби соҳаларда хорижий инвестицияларни қабул

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

қилиш; давлат томонидан режалаштириладиган тармоқлар; шунингдек, давлат бошқарувидаги соҳаларда чекланган.

Сўнгги йилларда мамлакатлар ўртасидаги инвестиция шартномаларида адолатли ва тенг ҳуқуқли муносабатни таъминлаш концепцияси тарқалди. Адолатли ва тенг ҳуқуқли режим хорижий инвестор ва рецепиент мамлакат ҳукумати ўртасидаги муносабатларни баҳолаш мезонини ўзида мужассам этади. Ушбу режим давлатларнинг инвесторлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда чет эл капиталини қабул қилиш истаклари адолатли ва тенг бўлиши кераклигини англатади.

Ривожланган мамлакатлар молиявий имтиёзларга кўпроқ эътибор қаратмоқдалар. Молиявий субсидиялар рецепиент мамлакатлар иқтисодиётининг айрим тармоқларининг минтақавий ривожланишини рағбатлантириш мақсадида вилоят, шаҳар ёки туман даражасида тақдим этилади. Субсидиянинг асосий талаби молиявий имтиёзларнинг “шаффофлиги” ва бир қатор мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда қайтаришдир. Масалан, Қўшма Штатларда пулни қайтариш талаби юқори хавфли дастурларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Қўшма Штатларда хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун федерал даражада ишлаб чиқилган рағбатлантириш дастурлари мавжуд эмас. Амалдаги имтиёзлар, асосан молиявий имтиёзлар бўлиб, ваколатли органлар: савдо департаменти, қишлоқ хўжалиги департаменти ва миллий фермерларга ёрдам бўлими томонидан таъминланади. Американинг 50та штатининг ҳар бирида миллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича махсус ишлаб чиқилган дастурлари мавжуд.

Қуйида келтирилган 1-диаграмма маълумотларидан кўринадики, халқаро компаниялар 2023 йилда Қўшма Штатларга деярли 290 миллиард доллар сармоя киритдилар, бу сўнгги ўн йилликдаги ўртача кўрсаткичдан кам ва 2022 йилдаги инвестиция оқимларидан деярли 20 фоизга кам. COVID-19 пандемияси даврида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими 2020 йилда 112 миллиард долларга тушди, бу ўн йилликдаги энг паст кўрсаткичдир. Кейинчалик бу оқим 2021 йилда 403 миллиард долларга тикланди. Қўшма Штатлар маблағларни репатриация қилиш учун солиқ имтиёзлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини жорий этишга муваффақ бўлди, бу эса қайта инвестиция қилинган даромаднинг 26 фоизга ошишига олиб келди.

1-диаграмма.

АҚШда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими (млрд АҚШ доллари.)*



*https://globalbusiness.org/foreign-direct-investment-in-the-united-states-2024/

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эвазига иқтисодий ўсишни таъминлаган давлатлардан бири Хитой Халқ республикасидир. «1978 йилда Хитойда 250 млн. қашшоқ

аҳоли бор эди (2007 йилда бу кўрсаткич 14,79 млн кишига камайди). Иқтисодий фаол аҳолининг қарийб 80% қишлоқ хўжалигида банд эди. Иқтисодий ривожланиш учун шароит йўқ эди» [3]. Айтиш мумкинки, Хитойнинг “очиқлик сиёсати” бу мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, кредитлар, қўшма корхоналар ва эркин иқтисодий зоналар шаклида хорижий капитални жалб қилишга қаратилган ҳаракатдир. Очиқлик сиёсати “тўрт ойна” концепцияси асосида амалга оширилди: 1) технологияни жалб қилиш; 2) халқаро бошқарув стандартларини жалб қилиш; 3) янги билимларни жалб қилиш; 4) очиқ ташқи сиёсат.

Сўнгги йилларда Хитой инвестицияларни ривожлантириш миллий стратегияси доирасида асосий деб тан олинган иқтисодиётнинг юқори технологияли соҳаларига инвестициялар дастурини бошлади.

«Эркин иқтисодий зоналарга келсак, бугунги кунда 5 та махсус иқтисодий зоналар, 90 та давлат даражасидаги техник-иқтисодий ривожланиш зоналари, 114 та янги ва юқори технологияли зоналар, 13 та эркин божхона зоналари ва 14 та давлат даражасидаги трансчегаравий иқтисодий ҳамкорлик зоналари мавжуд» [5].

Корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун солиқлардан турли имтиёзлар берилган. Масалан, Хитой хорижий сармоядор фирмаларга фирма капиталини ошириш ёки бошқа фирмани ишга тушириш учун қайта инвестиция қилинган фойданинг 40 фоизи миқдорида солиқни қайтаришни таклиф қилади.

2-диаграмма.

Хитойда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими (млрд АҚШ доллари.)*



*https://www.statista.com/statistics/1016973/china-foreign-direct-investment-inflows/

2-диаграмма маълумотларидан кўринадики, 2023 йилда Хитой жами 1,13 трлн. юан (158,7 млрд. АҚШ доллари) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2022 йилга нисбатан 8 фоизга камайган, аммо ҳали ҳам жуда юқори даражада. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Хитой ҳали ҳам глобал инвестиция бозорида кучли рақобатбардошликка эга эканлигини кўрсатади. Хитой савдо вазирлигининг маълумотларига кўра, 2024 йили мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2023 йилга нисбатан 27,1 фоизга камайиб, 826,25 миллиард юан (тахминан 115,6 миллиард АҚШ доллари)ни ташкил этди.

Хулоса

Миллий иқтисодиётларга хорижий инвестицияларни самарали жалб қилишнинг

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

хориж тажрибаларини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин: биринчидан, кўпчилик ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, капитал оқимларини тартибга солишнинг “миллий режими” кўпроқ фаолият кўрсатмоқда; иккинчидан, ривожланаётган давлатларга хос равишда хорижий инвестицияларни рағбатлантиришнинг фискал сиёсатини ривожлантириш мақсадга мувофиқ; учинчидан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича қонунчилик базасини ҳалқаро савдо ташкилоти талаблари доирасида қўшимча такомиллаштириш; тўртинчидан, хорижий инвестицияларни жалб қилишда махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва самарали фаолият юритиши юзасидан кўпроқ Хитой давлати тажрибаларидан фойдаланиш; бешинчидан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда миқдор кўрсаткичларидан сифат кўрсаткичларига ўтиш; олтинчидан, хорижий инвесторлар учун мамлакат ва унинг ҳудудлари инвестицион салоҳияти тўғрисида ҳаққоний ва шаффоф маълумотлар базасининг электрон платформасини яратиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи. 02.05.2024 йил. – https://president.uz/uz/lists/view/7194

2. Костюнина Г.М., Ливенцев Н.Н. Международная практика регулирования иностранных инвестиций: учебное пособие – М.: Анкил. 2001. – 128 с.

3. О.В. Коробова Анализ и оценка опыта китая по привлечению иностранных инвестиций.// Экономинфо. – 2016. – № 26.

Электрон ресурс

4. https://globalbusiness.org/foreign-direct-investment-in-the-united-states-2024/

5. https://www.statista.com/statistics/1016973/china-foreign-direct-investment-inflows/

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

XIZMAT KO‘RSATISH SOHASIDAGI INVESTITSIYA RISKLARINI MINIMALLASHTIRISH

Hazratqulov Shahboz Boboqul o‘gli

mustaqil tadqiqotchi
Qarshi davlat universiteti
E-mail:shahbozhazratqulov@gmail.com
ORCID:0009-0006-5600-6251

Annotatsiya. Maqola case-study metodi asosida xizmat ko‘rsatish sohasidagi investitsiya risklarini minimallashtirish masalalari o‘rganilgan. Iinvestitsiya loyihasining sezgirlik darajasi, loyiha natijalarning ishonchliligi va ular bilan bog‘liq bo‘lagan risklarni aniqlash metodlari tadqiq etilgan. Shuningdek investitsiya risklarini minimallashtirishga oid taklif va tavsiyalar shaklantirilgan.

Kalit so‘zlar: case-study, global iqtisodiyot, Iqtisodiy risk, Risk boshqaruv tizimi, ko‘plab investitsiyalarni jalb qilish, Rezervatsiya

МИНИМИЗАЦИЯ ИНВЕСТИЦИОННЫХ РИСКОВ В СФЕРЕ УСЛУГ

Хазраткулов Шахбоз Бобокул оглы

независимый исследователь
Каршинский государственный университет
E-mail: shahbozhazratqulov@gmail.com
ORCID:0009-0006-5600-6251

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы минимизации инвестиционных рисков в сфере услуг на основе метода case-study. Изучены чувствительность инвестиционного проекта, надежность результатов проекта, а также исследованы методы определения связанных с ними рисков. Сформулированы предложения и рекомендации по минимизации инвестиционных рисков.

Ключевые слова. тематическое исследование, глобальная экономика, экономический риск, система управления рисками, множественное инвестирование, резервирование

CASE STUDY: ANALYSIS ON MINIMIZING INVESTMENT RISKS IN THE SERVICE SECTOR

Hazratkulov Shahboz Boboqul ogli

Independent Researcher
Karshi State University
E-mail: shahbojazrattyaulov@gmail.tsum
ORCID:0009-0006-5600-6251

Abstract. The article examines the issues of minimizing investment risks in the service sector based on the case-study method. The sensitivity of the investment project, the reliability of the project results are studied, and the methods for determining the risks associated with them are investigated. Proposals and recommendations for minimizing investment risks are formulated.

Keywords: case-study, global economy, Economic risk, Risk management system,

attracting large investments, Reservation

Kirish

Xizmat ko‘rsatish sohasi global iqtisodiyotning muhim segmentlaridan biri bo‘lib, u ko‘plab investitsiyalarni jalb qiladi. Biroq ushbu sohada investitsiya qilishda turli xil risklarlar mavjud bo‘lib, ularni oldindan tahlil qilish va minimallashtirish katta ahamiyat kasb etadi. Bu metodning nomi inglizcha “case-study” so`zlaridan olingan. Bunda “case” – yashik, quti, gilof, jild, “study” – o`rganish, tadqiq qilish, ilm bilan shug`ullanish, o`quv fani, saboq olish, o`qish ma`nolarini bildiradi. Bu metod haqida inglizcha aytiladigan “case – true life”, ya`ni “keys – haqiqiy hayot” iborasiga ko`ra keys – real hayotning «bir parchasidir». Shunga ko`ra bu metodni “amaliy holatlarni o`qitish metodi” deb ham ataladi. Case study ta`lim metodini turli holatlarni o`rganishda qo`llash – hayotdan olingan odatdagi vaziyatlarni o`rganishni tashkil etish yoki sun`iy yaratilgan vaziyatlarga asoslangan holda ta`lim oluvchilardan tegishli muammolarning maqsadga muvofiq yechimlarini izlashni talab qilishga qaratilgan ta`lim jarayonidan iborat. O‘zbekiston xizmat ko‘rsatish sektori rivojlanayotgan bozor sifatida ko‘plab investitsiya imkoniyatlariga ega. Shu bilan birga investitsiya risklarini kamaytirish va O‘zbekiston hukumati turizmni rivojlantirishga katta e’tibor qaratmoqda, lekin investorlar infratuzilma, soliq rejimi va marketing strategiyalariga bog‘liq muammolarga duch kelishadi.

Adabiyotlar sharhi

O‘zbekistonlik iqtisodchi olim Sh.I.Mustafakulov fikriga ko‘ra, mamlakatning investitsion jozibadorligi – hududga sarmoyaning kirib kelishini belgilovchi va investitsiya faolligi bilan baholanadigan obyektiv iqtisodiy, ijtimoiy va tabiiy belgilar, vositalar, imkoniyatlar va cheklovlarning yig‘indisidir. Tadqiqotchi mamlakatning investitsion faolligini sarmoyaning kirib kelish intensivligi sifatida ko‘rib chiqish mumkin, deb ta’kidlagan. Iqtisodchi olimlar Bruno R. va Kampos N. “Mamlakat hududlariga investitsiyalarni jalb qilish biznesni rivojlantirishni va har tomonlama rag‘batlantirishni endi shubha ostiga olmasdan; bozor tamoyillari va eng zamonaviy texnologiyalarni joriy etish sohalarida ilg‘or tajribalarni o’zlashtirishni ta’minlaydi va zarur infratuzilmani yaratishga yordam beradi” degan fikrni ilgari suradi.

Tahlil va natijalar

Bugungi kunda case-study metodi asosida xizmat ko‘rsatish sohasidagi investitsiya risklarini minimallashtirishda investitsion risk investitsiyalar va ulardan olinishi mumkin bo’lgan daromadlarni yo’qotish (mahrum bo’lish) ehtimolini baholaydi. Risk – ehtimoliy hamda sifat xususiyatiga ega. “Ekspert RA” agentligi ekspertlari mintaqaga nisbatan riskning quyidagi ko’rinishlarini ajratadi:

1.Iqtisodiy risk. Sanoat, qishloq xo’jaligi va savdo-sotiq rivojlanishining dinamik ko’rsatkichlari hamda asosiy fondlarning eskirishi va zarar ko’rib ishlayotgan korxonalar ulushi orqali mintaqada biznesning rivojlanish tendensiyalarini aks ettiradi.

2.Moliyaviy risk. Mintaqaviy byudjetlarning holatini va mintaqadagi korxonalar faoliyatining jami moliyaviy natijalarini aks ettiradi.

3.Ijtimoiy risk. Ishsizlik darajasini, yashash minimumidan past miqdordagi daromadga ega aholi ulushini hamda subyektning etnik xususiyatlarini ifodalovchi ko’rsatkichlar asosida baholanadigan ijtimoiy keskinlik darajasi bilan tavsiflanadi.

4.Jinoyatchilikka oid risk. Jinoyatchilikning og‘irligi darajasini hisobga olgan holdagi jinoyatchilikning darajasiga, iqtisodiy yo’nalishga xos bo’lgan va noqonuniy ravishdagi giyohvandik moddalarining savdosiga aloqador bo’lgan jinoyatlarning miqdoriga bog‘liq bo’ladi.

5. Ekologik risk. Atrof-muhit ifloslanish darajasining integral darajasi sifatida hisob-kitob qilanadi.

6.Boshqaruvga oid risk. Mintaqaviy hokimiyat barqarorligi va aholining siyosiy

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

qutblanishiga bog‘liq bo’ladi.

Hozirgi vaqtda eng samarali usul – bu risklarni tahlil qilishning kompleks yondashuvi. Bir tomondan ushbu yondashuv loyihaning mumkin bo‘lgan natijalari to‘g‘risida to‘liqroq tasavvurga ega bo‘lishga imkon beradi, ya’ni investorni kutayotgan barcha ijobiy va salbiy syurprizlar to‘g‘risida, boshqa tomondan, hatarlarni tahlil qilish uchun matematik (ehtimollik va statistik) usullardan keng foydalanishga imkon beradi

Shuni qayd qilish lozimki, investitsion riks investitsion jozibadorlikka ta’sir ko’rsatadi, bunda investitsion jozibadorlik qandaydir darajada investitsion risk darajasining o’zgarishiga ta’sir ko’rsatadi, bundan ushbu ko’rsatkichlar o’rtasida o’zaro bog‘liqlik mavjudligini ko’rish mumkin. Shundan kelib chiqqan holda, mintaqalar va hududlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining asosiy yo‘nalishi va sur’atlariga va ular investitsiyaviy jozibadorligining ta’sirini tahlil qilish hududlarni rivojlanishidagi farq va disproporsiya sabablari va omillarini aniqlash imkonini beradi.

Investitsiya loyihasining sezgirligini o‘rganish hulosalari loyiha natijalarini tahlil qilishda olingan natijalarning ishonchliligi darajasini aks ettiradi. Agar ular ishonchsiz bo‘lsa, tahlilchi quyidagi variantlardan birini bajarishga majbur bo‘ladi:

-noaniqligi natijaning buzilishida eng muhim bo‘lgan parametrlarni aniqlashtirish;

-javob sezgirligini pasaytirish maqsadida dastlabki ma’lumotlarga ishlov berish usullarini o‘zgartirish;

-loyiha riskini tahlil qilishning matematik modelini o‘zgartirish;

-loyiha risklarini miqdoriy tahlilini o‘tkazishdan bosh tortish. Xizmat ko‘rsatish sohasidagi investitsiya risklarini minimallashtirishda barcha risklarni boshqarish tizimini va moliyaviy risklar barqarorligini ta’minlash kerak.

1-chizma.

Risk boshqaruv tizimi*



* Muallif tomonidan tuzilgan.

Xizmat ko‘rsatish sohasidagi investitsiya risklarini minimallashtirishda barcha risklarni boshqarish monitoring qilinishi kerak, bu odatda ichki audit tomonidan amalga oshiriladi. Shu tarzda siz risklarni boshqarish va ishlatilgan barcha vositalarni boshqarish va sifatini hamda funksionalligini ta’minlashingiz mumkin. Shu bilan birga, barcha tegishli ma’lumotlar o‘z vaqtida mas’ul shaxsga etkazilishi mumkin bo‘lgan riskli aloqa ham bo‘lishi kerak. Bu kompaniyaning risklari to‘g‘risida xabardorlikni oshiradi.

Xizmat ko‘rsatish sohasidagi investitsiya risklarini minimallashtirishda asosan quydagi risk instrumentlerini to‘liq mazmunini yoritish kerak bo‘ladi:

- Rezervatsiya – o‘tkazish mumkin bo‘lmagan riskni boshqarish;

➢ Sug‘urta – riskning namoyon bo‘lishidan kelib chiqqan holda moddiy zararni qoplash imkoniyati;

➢ Xedjlash – narx riskini bir kompaniyadan boshqasiga o‘tkazish;

➢ Taqsimlash – bitim qatnashchilari o‘rtasida riskni taqsimlash;

➢ Diversifikatsiya – investitsiyalar yoki majburiyatlarni taqsimlash yo‘li bilan umumiy riskini kamaytirish;

➢ Minimallashtirish – portfelning sof qiymatidagi tebranishlarni minimallashtirish maqsadida aktiv va passivlar balansini saqlash.

Xizmat ko‘rsatish sohasi uchun biznes-rejalarning mukammal ishlanganligi uning har bir bo‘limi bo‘yicha investitsion risklarning to‘liq hisobga olinganligida, ishlab chiqariladigan mahsulotlarni sotish strategiyasining to‘g‘ri tanlanganligida, investitsion loyihaning samaradorligiga ta’sir qiluvchi har bir asosiy omilning ta’sir mexanizmining inobatga olinganligida namoyon bo‘ladi. Biznes-rejada mahsulot sotiladigan bozor chuqur tahlil qilingan bo‘lishi lozim, chunki sanoati rivojlangan mamlakatlarda tovarlarning taqchilligi mavjud emas, balki tovarlarni sotish muammosi mavjud. Shu sababli mazkur mamlakatlarda investitsion loyihalar bo‘yicha tuzilgan biznes-rejalarda asosiy e’tibor mahsulot sotiladigan bozorlarni o‘rganishga qaratiladi.

Bozor riski tahlili uchun quyidagi multiplikatorlardan foydalaniladi:
-narx/balans foydasi multiplikatori;
-narx/sof foydasi multiplikatori;
-narx/joriy pul oqimi multiplikatori;
-narx/sof pul oqimi multiplikatori;
-narx/yalpi tushum multiplikatori;
-narx/haqiqiy tushum multiplikatori;
-bitta aktsionerning narxi;
-mumkin bo‘ladigan dividendlarni kapitallashtirish;
-narx/moddiy aktivlar balans qiymatining multiplikatori;
-narx/xususiy kapital multiplikatori.

Xulosa

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, riskni xizmat ko‘rsatish sohasida taqsimlanishi uchun konseptual sifatli modeldan foydalanish tavsiya etiladi. Model standart metodlarga asoslangan. Uning asosini “Extimollar va qarorlar” daraxti tashkil qilib, qarorlarning ketma-ketligini aniqlash uchun foydalidir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Bruno, R.L.; Campos, N.F. Reexamining the Conditional Effect of Foreign Direct Investment; IZA Discussion Paper No. 7458; Institute for the Study of Labor: Bonn, Germany, 2013. Available online at: https://ssrn.com/abstract=2287068. (accessed on 24 September 2019)

2. Асаул А.Н. Инвестиционная привлекательность региона / А.Н. Асаул, Н.И. Пасяда; под ред. засл. строителя РФ, д-ра экон. наук, проф. А.Н. Асаула. – СПб. СПбГАСУ. – 2008. – 120 с.

3. Mustafakulov Sh.I. Investitsion muhit jozibadorligi: ilmiy-amaliy qo‘llanma. – Toshkent. Baktriya press, 2017. – 42-b.

4. Щербина О.Ю., Щербина О. Разработка модели инвестиционной привлекательности региона России на примере СФО // Финансовый бизнес. – 2022. – № 3 (225). – С. 74-77.

5. Козлова А.В., Ершов Н.А. Проблемы повышения инвестиционной привлекательности региона на примере Свердловской области // Наука через призму времени. – 2019. – № 6 (27). – С. 75-77.

6. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 1-maydagi PQ-4702-sonli

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

“Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishni reyting baholash tizimini joriy etish to’g‘risida”gi qarori. – https://lex.uz/docs/4803531

7. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-aprel-dagi PQ-4300-sonli “Respublika iqtisodiyotiga to’g‘ridan-to’g‘ri xo-rijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini yanada takomillash-tirish chora-tadbirlari to’g‘risida” qarori. – https://lex.uz/docs/4312752

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ERKIN IQTISODIY HUDUDLARGA INVESTITSIYA JALB ETISHNI BOSHQARISH MEXANIZMINI TAKOMILLASHTIRISH

Sheraliyeva Saida Azotovna
geografiya va iqtisodiy bilim asoslari kafedrasi dotsent
Navoiy davlat pedagogika universiteti
E-mail:saida.rad@mail.ru

Annotatsiya. Ushbu maqolada erkin iqtisodiy hududlar (EIH) va ularning iqtisodiy rivojlanishdagi o‘rni, shuningdek, bu hududlarga investitsiya jalb etish uchun samarali boshqaruv mexanizmlarini takomillashtirish muammolarini ko‘rib chiqiladi. Shuningdek muallif, erkin iqtisodiy hududlarning o‘sishiga va rivojlanishiga turtki beruvchi omillarni tahlil qilgan holda, investitsiyalarni jalb qilishda yuzaga kelayotgan muammolarni aniqlaydi va ularni hal qilish uchun tavsiyalar ishlab chiqadi,hamda investitsiyalarni jalb etishda davlat va xususiy sektor o‘rtasidagi hamkorlikning ahamiyati va uning samarali boshqaruv mexanizmlariga ta’siri ham yoritiladi. Maqola erkin iqtisodiy hududlarni yanada rivojlantirish uchun zaruriy chora-tadbirlarni belgilashda foydali tavsiyalarni o‘z ichiga oladi.

Kalit so‘zlar: erkin iqtisodiy hududlar, investitsiya, investitsion jozibadorlik, import, eksport, mexanizm.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА УПРАВЛЕНИЯ ПРИВЛЕЧЕНИЕМ ИНВЕСТИЦИЙ В СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ

Шералиева Саида Азотовна
доцент
кафедры основы
географии и экономических знаний
Навоийский государственный
педагогический университет
E-mail:saida.rad@mail.ru

Аннотация. В данной статье рассматриваются проблемы свободных экономических зон (СЭЗ) и их роль в экономическом развитии, а также совершенствование эффективных механизмов управления привлечением инвестиций в эти регионы. Также автор, анализируя факторы, способствующие росту и развитию свободных экономических зон, выявляет проблемы, возникающие при привлечении инвестиций, и разрабатывает рекомендации по их решению, а также освещает важность сотрудничества между государственным и частным секторами в привлечении инвестиций и его влияние на механизмы эффективного управления. В статье содержатся полезные рекомендации при определении необходимых мер по дальнейшему развитию свободных экономических зон.

Ключевые слова:свободные экономические зоны, инвестиции, инвестиционная привлекательность, импорт, экспорт, механизм.

IMPROVING THE MECHANISM FOR MANAGING INVESTMENT ATTRACTION IN FREE ECONOMIC REGIONS

Sheralieva Saida Azotovna

Associate professor

of the Department
of geography
and economic knowledge
Navoi State Pedagogical University
E-mail: saida.rad@mail.ru

Abstract. This article will look at the problems of free economic regions and their role in economic development, as well as improving effective management mechanisms for attracting investment in these regions. The author, analyzing the factors that contribute to the growth and development of free economic regions, identifies the problems that arise in attracting investments and develops recommendations for their solution, and also highlights the importance of cooperation between the public and private sectors in attracting investments and its impact on effective management mechanisms. The article contains useful recommendations in determining the necessary measures for the further development of free economic regions.

Keywords: free economic regions, investment, investment attractiveness, import, export, mechanism.

Kirish

Erkin iqtisodiy hududlar – bu davlat tomonidan iqtisodiy faoliyatni rivojlantirish, eksportni oshirish, yangi ish o‘rinlari yaratish va investitsiyalarni jalb etish maqsadida maxsus imtiyozlar taqdim etiladigan hududlardir. Ushbu hududlar investitsiyalarni jalb qilish va iqtisodiy rivojlanishni tezlashtirish uchun muhim strategik vosita hisoblanadi. O‘zbekistonning erkin iqtisodiy hududlari jahon bozori bilan integratsiyani kuchaytirish, yangi texnologiyalarni joriy etish va xalqaro tajribalarni o‘rganish imkoniyatini yaratadi.

Investitsiyalar — investor tomonidan foyda olish maqsadida ijtimoiy soha, tadbirkorlik, ilmiy va boshqa faoliyat turlari obyektlariga tavakkalchiliklar asosida kiritiladigan moddiy va nomoddiy boyliklar hamda ularga bo‘lgan huquqlar, shu jumladan intellektual mulk obyektlariga bo‘lgan huquqlar, shuningdek reinvestitsiyalar bo‘lib, ular quyidagilarni o‘z ichiga olishi mumkin:

-mablag‘larni, shu jumladan pul mablag‘larini (shu jumladan chet el valyutasini), maqsadli bank omonatlarini, paylarni, ulushlarni, aksiyalarni, obligatsiyalarni, veksellar va boshqa qimmatli qog‘ozlarni;

-ko‘char va ko‘chmas mol-mulkni (binolar, inshootlar, uskunalar, mashinalar va boshqa moddiy qimmatliklarni);

-intellektual mulkka doir mulkiy huquqlarni, shu jumladan u yoki bu ishlab chiqarish turini tashkil etish uchun zarur bo‘lgan, texnik hujjatlar, ko‘nikmalar va ishlab chiqarish tajribasi tarzida rasmiylashtirilgan, patentlangan yoki patentlanmagan (nou-xau) texnik, texnologik, tijoratga oid va boshqa bilimlarni, shuningdek O‘zbekiston Respublikasining qonunchiligida taqiqlanmagan boshqa qimmatliklarni.[1].

Adabiyotlar sharhi

Xorij iqtisodchi olimlaridan A.I.Lenidova, E.B.Blinnikovlar erkin iqtisodiy hududlarning mamlakat iqtisodiyotida tutgan o`rni,ularning mohiyati va zaruriyati to`grisida o`z ilmiy ishlarida ma`lumot berib o`tishgan.[2].

Muftaydinov K.ning fikricha”Erkin iqtisodiy hududlar dunyoning ko‘plab mamlakatlarida, jumladan: rivojlangan, rivojlanayotgan va o‘tish iqtisodiyotidagi mamlakatlarda uchraydi. Mamlakatning iqtisodiy o‘sish darajasi hamda olib borilayotgan siyosatga qarab erkin iqtisodiy zonalarning turi tanlanadi. Rivojlanayotgan mamlakatlarda EIZlar uchun joy tanlayotganda, mazkur tanlanayotgan hududda ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilmaning qay darajada rivojlanganligiga katta ahamiyat qaratiladi.Chunki infratuzilmaning yaxshi bo‘lmasligi hududni o‘zlashtirish uchun moliyaviy va davriy xarajatlarni oshirib yuboradi”[3].

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

O‘zbekiston iqtisodiyotida investitsiyalarning ahamiyati jihatidan bir qator iqtisodchi olimlarning nazariy qarashlari mavjud. Jumladan, Sh.Shodmonov, U.G‘afurovlarning fikricha, “Investitsiyalar –asosiy va aylanma kapitalni qayta tiklash va ko‘paytirishga, ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirishga qilingan sarflarning pul shaklidagi ko‘rinishidir”[4].

Prof. D.G‘.G‘ozibekov investitsiyalarning iqtisodiy mazmun-mohiyatini moliyaviy kategoriya sifatida talqin etib, quyidagicha a’rif berib o‘tgan: “Investitsiyalarning mazmuni aniq va ishonchli manbalardan mablag‘lar olish, ularni asosli holda safarbar etish, rikslar darajasini hisobga olgan holda kapital qiymatini saqlash va ko‘zlangan samarani olishdan iborat bo‘ladi”[5].

B.A.Abdukarimov, A.N.Jabriyev, M.K. Pardayevlarning fikricha, «investitsiya –bu moliyaviy (pul) yoki real kapitalga mablag‘qo‘yish. U pul mablag‘lari, kredit, qimmatbaho qog‘oz shaklida olib boriladi va ko‘chma, ko‘chma bo‘lmagan mol-mulkka, intellektual mulkka, ne’matlarga bo‘lgan huquqqa va boshqa qiymatliklarga qo‘yiladi, ya’ni korxonaning barcha aktivlariga ishlatiladi» [6].

B.S. Mamatov, D.Yu.Xujamkulov va O.Sh. Nurbekovlar xulosasiga ko‘ra, foyda yoki ijobiy natijaga erishish maqsadida subyektlar tomonidan xarajatlar tarzida iqtisodiy va boshqa faoliyat obyektlariga joylashtiruvchi turli ko‘rinishlarga ega boyliklarga investitsiyalar deyiladi.[7].

R.I.Kayumov va R.X. Xojimatov fikricha, investitsiya deganda ko‘p qirrali faoliyatni tushunish lozim va u bo‘sh bo‘lgan moliyaviy mablag‘larni kelajakda moddiy va moliyaviy boylikni yaratuvchi obyektlarga sarflashni ifodalaydi [8].

Shuningdek, ushbu yondashuvga yaqin boshqa mualliflar fikriga ko‘ra, investitsiyalar – bo‘sh turgan kapitalni iqtisodiy-ijtimoiy samara olish uchun harakatga keltirishdir.

Tadqiqot metodologiyasi

Ushbu maqola metodologiyasi- Erkin iqtisodiy hududlarga investitsiya jalb etishni boshqarish mexanizmini takomillashtirish bo‘yicha izlanishlarni o`z ichiga oladi.Maqola maqsadi, erkin iqtisodiy hududlar (EIHud)ga investitsiya jalb etishni boshqarish mexanizmlarini tahlil qilish va bu mexanizmlarni takomillashtirish bo‘yicha ilmiy asoslangan tavsiyalar ishlab chiqishdir. Shuningdek, erkin iqtisodiy hududlarda investitsiyalarni samarali boshqarishning muhim elementlari, imkoniyatlari va muammolarini aniqlash hamda ularni yechish yo‘llarini izlashdir.

Vazifalar:

-Erkin iqtisodiy hududlar faoliyatini tahlil qilish.

-Investitsiya boshqaruvi mexanizmlarining samaradorligini o‘rganish.

-Erkin iqtisodiy hududlar uchun eng samarali investitsiya boshqaruv strategiyalarini ishlab chiqish.

-O‘zbekistondagi erkin iqtisodiy hududlar bilan xalqaro tajribalarni taqqoslash va takomillashtirish imkoniyatlarini ko‘rsatish.

Tahlil va natijalar

Investitsiya faoliyati quyidagi manbalar hisobiga amalga oshirilishi mumkin:

- investorlarning o‘z moliyaviy resurslari;
- qarz olingan moliyaviy mablag‘lar (obligatsiya zayomlari, bank kreditlari);
- jalb qilingan moliyaviy mablag‘lar (aktsiyalarni sotishdan olingan mablag‘lar, jismoniy va yuridik shaxslarning to‘lovlari);
- davlat byudjeti mablag‘lari;
- chet elliklar mablag‘lari.[9]

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

1-chizma.

Bugungi kunda erkin iqtisodiy hududlarga investitsiya jalb qilishda yuzaga kelayotgan bir qator muammolar*

1.Infratuzilmaning zaifligi – Erkin iqtisodiy hududlarga yetarlicha infratuzilma (transport, kommunikatsiyalar, energiya ta’minoti) yaratilmagan	2.Litsenziya va ruxsatnomalar olishdagi murakkabliklar – investitsiyalarni jalb qilish jarayoni ba’zida ortiqcha ma’muriy to‘siqlar va qonuniy tartibga solishning murakkabligi bilan to‘qnashadi.
3.Investitsiya xavfini kamaytirishning yetishmasligi – investorlarga taqdim etiladigan kafolatlar va himoya mexanizmlari to‘liq ishlab chiqilmagan.	4.Mahalliy va xorijiy investorlar orasidagi tafovutlar – xorijiy investitsiyalarni jalb qilish uchun yaratilingan imtiyozlar mahalliy investorlar uchun yetarlicha jozibali emas.

*Muallif ishlanmasi.

Erkin iqtisodiy hududlarga investitsiya jalb etishni boshqarish mexanizmlarini takomillashtirish uchun quyidagi tavsiyalarni keltirish mumkin:

-Infratuzilmani yaxshilash – Erkin iqtisodiy hududlarga to‘liq va zamonaviy infratuzilma yaratish zarur. Transport yo‘llari, elektr ta’minoti, suvoq tizimi va kommunikatsiyalarni modernizatsiya qilish orqali investorlar uchun qulay sharoitlar yaratilishi kerak. Bu Erkin iqtisodiy hududlarning raqobatbardoshligini oshiradi va tashqi investorlar uchun jalb qiluvchi omil bo‘ladi.

-Yangi boshqaruv mexanizmlarini joriy etish – Erkin iqtisodiy hududlarga investitsiya jalb qilishda ma’muriy to‘siqlarni kamaytirish va ishbilarmonlik muhitini yaxshilash uchun yangi boshqaruv mexanizmlarini joriy etish zarur. Investitsiya jarayonini soddalashtirish, ruxsatnomalar va litsenziyalar olishdagi adolatsiz to‘siqlarni bartaraf etish, elektron tizimlar orqali ruxsat olishni tezlashtirish mumkin.

-Investitsiya xavfini kamaytirish – Investorlarga xatarni kamaytirish uchun maxsus kafolatlar tizimi joriy etilishi lozim. Masalan, Erkin iqtisodiy hududlarda joylashgan korxonalar uchun davlat tomonidan sug‘urta mexanizmlari va risklarni minimallashtirish dasturlarini ishlab chiqish mumkin. Shu bilan birga, davlat tomonidan kutilmagan soliq o‘zgarishlari yoki siyosiy risklar uchun kafolatlar taqdim etilishi kerak.

-Mahalliy va xorijiy investorlar uchun imtiyozlarni tenglashtirish – Mahalliy va xorijiy investorlar uchun teng sharoitlar yaratish maqsadida soliq imtiyozlarini optimallashtirish zarur. Mahalliy investorlarni qo‘llab-quvvatlash, o‘zining kichik va o‘rta biznesini rivojlantirishga yo‘naltirilgan dasturlarni kengaytirish lozim.

Moliya va kredit mexanizmlarini takomillashtirish – Erkin iqtisodiy hududlarga investitsiyalarni jalb qilishda banklar va moliyaviy institutlar bilan hamkorlikni kuchaytirish, past foizli kreditlar taqdim etish va moliyaviy imtiyozlar yaratish zarur. Bu investorlar uchun qo‘shimcha rag‘bat bo‘lishi mumkin.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

2-chizma.

Erkin iqtisodiy hududlarga investitsiya jalb qilisha bosqichlari*



*Muallif ishlanmasi.

Xulosa

Xulosa qilib aytganda, erkin iqtisodiy hududlarga investitsiya jalb etishning boshqaruv mexanizmlarini takomillashtirish, nafaqat investitsiya oqimlarini kengaytiradi, balki mamlakat iqtisodiyotining mustahkamlanishiga ham katta hissa qo‘shadi. Shu bois, samarali boshqaruv tizimlari va innovatsion yondashuvlarni amalga oshirish orqali erkin iqtisodiy hududlarning iqtisodiy salohiyatini maksimal darajaga etkazish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O`zbekiston Respublikasining “Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to`g`risida”gi qonuni. 2019-yil, 9-dekabr.

2. А.И.Ленидова, Е.Б.Блинников. Свободные экономические зоны: сущность,возможности, 2010г. 18-21-ноябрь. Сибирсккий Государственный университет.Россия.Актуалные проблемы авиации и космонавтики.

3. Муфтайдинов К. Зоны экономического предпринимателства. //Кредиты и рынок. - Т, 2003. - № 7.

4.Shodmonov Sh., G‘ofurovU. Iqtisodiyotnazariyasi.Darslik. –T.: Iqtisod-moliya, 2010. -347 bet.

5.G‘ozibekov D.G‘.Investitsiyalarni moliyalashtirish masalalari. –T.: “Moliya” nashriyoti. 2013. -26 bet.

6. Abdukarimov B.A. va boshqalar. Korxona iqtisodiyoti. Darslik. -T.: Fan, 2005. 241b.

7. Mamatov B.S., Xujamkulov D.Yu., Nurbekov O.Sh. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik. –T.: Iqtisod-Moliya, 2014. -b.12.

8. Kayumov R.I., Xojimatov R.X. Investitsiyani tashkil etish va moliyalashtirish. Darslik.–T.: TDIU, 2010. -b.17.

9.Gaibnazarova Z.T., Isamuxametov Sh.A. Iqtisodiyot nazariyasi: Darslik. - T.: «IQTISODIYOT», 2020.-232 b.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

DUNYO DAVLATLARI IQTISODIYOTIGA YASHIL TO‘G‘RIDAN-TO‘G‘RI INVESTITSIYALARNI JALB QILISH TENDENSIYALARI

Hoshimov Jahongir Ravshanbek o‘g‘li

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti,
“Baholash ishi va investitsiyalar”
kafedrasi dotsenti, PhD
E-mail: hoshimovjahongir47@gmail.com
ORCID.org/0009-0001-9604-4395

Maqolada jahon iqtisodiyotiga yashil to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalarni jalb qilish tendensiyalari ko‘rib chiqilgan. Shuningdek, dunyo iqtisodiyotiga eng ko‘p faol yashil investitsiya jalb qilayotgan davlatlar misolida keltirilgan. 2013-2023 yillar davomida dunyo davlatlari iqtisodiyotiga jalb qilingan to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar va mintaqalar bo‘yicha rivojlanayotgan bozorlarda kritilgan yashil investitsiyalar hajmi tahlil qilingan.

Tayanch so‘zlar: to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar, yashil investitsiya, Green by Iceland, GreenLab, Low Carbon Green Fund, uglerod, barqaror energiya.

TENDENCIES IN ATTRACTING DIRECT GREEN INVESTMENTS TO THE ECONOMY OF WORLD COUNTRIES

Khashimov Jakhongir Ravshanbekovich
Tashkent State Universitity of Economics,
Department of “Valuation work and investments”
associate professor, PhD
E-mail: hoshimovjahongir47@gmail.com
ORCID.org/0009-0001-9604-4395

The article examines the trends of attracting green direct investments to the world economy. It is also given as an example of the countries attracting the most active green investment to the world economy. During 2013-2023, foreign direct investments attracted to the economies of the world countries and the volume of green investments made in developing markets by region were analyzed.

Key words: direct investment, green investment, Green by Iceland, GreenLab, Low Carbon Green Fund, carbon, sustainable energy.

ТЕНДЕНЦИИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ЗЕЛЕНЫХ ПРЯМЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В ЭКОНОМИКУ СТРАН МИРА

Хашимов Жаҳонгир Равшанбекович
Ташкентский Государственный
Университет Экономики,
Кафедра «Оценочная работа и инвестиции» доцент, PhD
E-mail: hoshimovjahongir47@gmail.com
ORCID.org/0009-0001-9604-4395

В статье рассматриваются тенденции привлечения прямых зеленых инвестиций в мировую экономику. Также приводится в пример страны, привлекающие наиболее активные зеленые инвестиции в мировую экономику. За 2013-2023 годы проанализированы прямые иностранные инвестиции, привлеченные в экономики стран мира, и объем зеленых инвестиций, осуществленных на развивающихся рынках по регионам.

Ключевые слова: прямые инвестиции, зеленые инвестиции, Green by Iceland, GreenLab, Low Carbon Green Fund, углерод, устойчивая энергетика.

Kirish.

Dunyo iqlim o‘zgarishi va resurslarning kamayishi bilan bog‘liq murakkab muammolarga duch kelayotgan ekan, barqaror amaliyotga o‘tish nafaqat ma’naviy majburiyat, balki pragmatik iqtisodiy qaror hamdir. Yashil investitsiyalarning potentsial afzalliklarini tan olgan sarmoyadorlar nafaqat atrof-muhit farovonligiga hissa qo‘shadi, balki o‘zgaruvchan iqtisodiy landshaftda o‘zini rivojlantirish uchun joylashadi. Hukumatlar, korxonalar va iste’molchilar barqarorlikka tobora ko‘proq ustuvor ahamiyat berayotganligi sababli, yashil investitsiyalar ham ekologik, ham iqtisodiy maqsadlarga erishish uchun jozibali yo‘l sifatida paydo bo‘ladi.

Yashil to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar (Green Foreign Direct Investment) - bu xorijiy investorlar qabul qiluvchi mamlakatga toza texnologiyalar, amaliyotlar, loyihalar va kapital kiritadi. Ushbu turdagi investitsiyalar rivojlanishni qo‘llab-quvvatlash va ifloslanish, iqlim o‘zgarishi va resurslarning kamayishi kabi muammolarni hal qilishga qaratilgan. Barqaror texnologiyalar va amaliyotlarni qo‘llash orqali xorijiy investorlar ish faoliyatini oshirishi va uglerodli bozorga o‘tishda yordam berishi mumkin. YTTXI energetika loyihalariga sarmoya kiritish, energiya tejaydigan infratuzilma, chiqindilarni boshqarish tizimlari va barqaror qishloq xo‘jaligi amaliyotlarini o‘z ichiga olishi mumkin. Yillar davomida YTTXI iqlim o‘zgarishiga qarshi kurashish va barqaror rivojlanishni qo‘llab-quvvatlash dolzarb vazifalardan biridir.

Dunyo iqtisodiyotida kuzatilayotgan global raqobatning kuchayishi, moliyaviy-iqtisodiy cheklovlar rejimining kengayishi sharoitida yashil to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni faol jalb qilishga qaratilgan investitsion siyosatni amalga oshirish, investitsion muhitning jozibadorligini oshirish va iqtisodiyot tarmoqlarining raqobatbardoshligini ta’minlashning zaruriyatini keltirib chiqarmoqda. Jahon banki ma’lumotlariga ko‘ra, iqtisodiyotda investitsiya normasi ko‘rsatkichi o‘rta daromadga ega bo‘lgan mamlakatlarda 29,4 foizni, O‘zbekistonda 23,9 foizni, Qozog‘istonda 25,4 foizni, Malayziya 28,3 foizni, Singapurda 29,3 foizni, Hindistonda 32,3 foizni, Xitoyda 41,4 foizni tashkil etgan”. Dunyo davlatlari iqtisodiyotiga yashil to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalarni jalb qilish tendensiyalari bugungi kundagi eng dolzarb muammolar sifatida qaralmoqda.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi.

To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bo‘yicha quyidagi xorijiy va mahalliy iqtisodchi olimlarning ta’riflarini ko‘rib chiqamiz. G.M.Galeeva va E.N.Kadeeva - to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning asosiy omillari bozorlar va resurslarga kirishdir. Chet el kapitalining faqat ayrim mintaqalarda va ayrim tarmoqlarda konsentratsiyasi boshqa mintaqalar iqtisodiyotining rivojlanishini cheklaydi, birinchi navbatda sanoati rivojlanmagan mintaqalar iqtisodiyotiga ta’sir qiladi. B.A.Vaxobov - to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar-investorga iqtisodiy faoliyati ustidan ta’sirchan nazorat etish imkonini beradigan investorning uzoq muddatli, firmaning kamida 10 foizi ulushiga yoki aksiyadorlar kapitaliga egalik qilishiga imkon beradigan investitsiyalardir. N.N.Oblomurodov ilmiy tadqiqot izlanishlarida to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etish tizimini takomillashtirishning makroiqtisodiy omillari o‘rganilgan bo‘lib, investitsiyalarni jalb etish tizimini takomillashtirishda investitsion jozibadorlik va investitsion faollikning o‘rni yuqori darajada o‘rin egallashi qayd etiladi. B.Mamatov, D.Xujamqulov, O.Nurbekovlar tadqiqotlarida to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning milliy iqtisodiyot rivojidagi ahamiyatiga e’tibor qaratishadi, xususan, bu turdagi investitsiyalar ishlab chiqarish kapitalini to‘g‘ridan-to‘g‘ri tovar va xizmatlar ishlab chiqarishga yo‘naltirilishini hamda firma yoki korxona aksiyalarining nazorat paketini sotib olish, ishlab chiqarish quvvatlarini qurish, qo‘shma korxonalarni barpo etish va h.k.lar orqali kiritilishi keltirishadi. A.Sh.Bekmurodov fikricha, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar-investorga korxonani nazorat qilish huquqini beruvchi kapitalni to‘g‘ridan-to‘g‘ri eksport qilish

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

va shu bilan karxona asosiy bosh kompaniyasining xorijiy sho‘ba korxonasiga aylanadi.

Tadqiqot metodologiyasi.

Maqolada ilmiy sharhlash, nazariy ma’lumotlarni umumlashtirish va abstraksiyalash, statistik ma’lumotlarga dasturiy ta’minot orqali ishlov berish, kuzatish, tizimlashtirish, taqqoslash, induksiya va deduksiya kabi usullardan foydalanilgan.

Natija va muhokama.

Bugungi kunda dunyo iqtisodiyotiga eng ko‘p faol yashil investitsiya jalb qilayotgan davlatlar quyidagilardan iborat. Jumladan:

Islandiya qayta tiklanadigan manbalardan iste’mol qilganidan ko‘ra ko‘proq elektr energiyasi ishlab chiqaradigan ikkinchi Yevropa davlatidan biridir. U uglerod chiqindilari bo‘yicha 1-o‘rinni va toza innovatsiyalar bo‘yicha 2022-yilgi Yashil kelajak indeksida 2-o‘rinni egalladi. Islandiya iqtisodiyoti hozirda 85% qayta tiklanadigan energiyasidan foydalanmoqda. Islandiya 2040-yilgacha ugleroddan xolis bo‘lish maqsadida barqarorlikni ta’minlashga katta miqdorda mablag‘ sarflamoqchi. Green by Iceland o‘z mamlakatlarida barqaror va qayta tiklanadigan energiya yechimlari va tajribasini ilgari surmoqda. Bu boshqa davlatlar iqtisodiyoti va korxonalarga iqlim o‘zgarishining o‘z vaqtida vayronagarchiliklarini oldini olish uchun tezroq siljishiga yordam berishdir.

Daniya barqaror energiyaga sarmoya kritish va natijada yana-da yashil rangga aylanish borasida faol harakat qilmoqda. Bunga misol qilib, Daniya bo‘ylab kengroq dekarbonizatsiya ishlarining bir qismi bo‘lgan GreenLab hisoblanadi. GreenLab atrof-muhitga ijobiy hissa qo‘shadigan yashil va barqaror energiya ishlab chiqaradi. Xususan, GreenLab o‘rnatgan energiya tizimlari mahsulotning hayot aylanishini uzaytirish maqsadida aylanma iqtisodiyotga asoslangan. Daniya yashil iqtisodiyotga o‘tish uchun jamlangan sa’y-harakatlarni amalga oshirmoqda va kosmosda iqlim siyosati yetakchisi hisoblanadi.

Gollandiya yashil transport yetakchisi sifatida tan olingan, ayniqsa jamoat transportida eng oldingi o‘rinlarda turadi. Bunga misol qilib 2017-yildan beri toza energiyadan foydalanadigan yo‘lovchi poyezdlarini keltirish mumkin. Niderlandiya hukumati issiqxona gazlari chiqindilarini kamaytirish bo‘yicha qator sektorlar bilan shartnomalar tuzgan. Bitimga ko‘ra, Niderlandiyadagi barcha avtobuslar 2025 yildan boshlab 100% qayta tiklanadigan energiya yoki yoqilg‘ida harakatlanishi va 2030 yilgacha emissiyasiz bo‘lishi kerak deb maqsad qo‘ygan.

Buyuk Britaniya qayta tiklanadigan energiya ishlab chiqarish bo‘yicha jahon yetakchisi hisoblanadi. Buyuk Britaniyaning qayta tiklanadigan energiya bozori ham mahalliy, ham xorijiy investitsiyalarni jalb qilmoqda. Masalan, 2022 yilda offshor shamol ishlab chiqarish sektoriga katta sarmoya kiritildi. Angliya Banki, shuningdek, iqlim va atrof-muhit xavfini o‘z vakolatining markaziga qo‘ydi va barqaror moliya bo‘yicha global yetakchi hisoblanadi.

Norvegiyani barqaror davlat sifatida ta’riflash mumkin. Bunga turli tadbirlar orqali erishildi. Bularga transportni asosan elektrga o‘tkazish, qayta ishlash tashabbuslarini o‘rnatish va tabiatni iloji boricha ifloslantirmaslik uchun resurslarni sarmoya qilishdan boshlagan. Norvegiya allaqachon yashil iqtisodiyotga o‘tishni boshladi. Misol tariqasida, biznes sektori turli sohalarda yashil raqobatbardoshlik uchun yo‘l xaritalarini tayyorladi, shu jumladan chiqindilarni boshqarish sektori, qadoqlash sanoatidan tashqari chakana va ulgurji savdolarda faqat yashil sarmoyalar kritmoqda.

1-rasm ma’lumotlarini tahlil qiladigan bo‘lsak, Global to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar oqimi 2023 yilda 7 foizga qisqarib, 1364 milliard AQSh dollarini tashkil etdi, bu pasayish tendentsiyalari ketma-ket ikkinchi yil pasayganligi va pandemiyagacha bo‘lgan davrdagidan ham judda ham past bo‘ldi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4



1-rasm. 2013-2023 yillar davomida Dunyo davlatlari iqtisodiyotiga jalb qilingan to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar hajmi

2023 yilda OECD va boshqa mamlakatlarning uchdan ikki qismidan ko‘prog‘i iqtisodiyotida pasayish kuzatildi, xususan, davom etayotgan geosiyosiy keskinliklar va yuqori foiz stavkalari sharoitida to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning jumladan Xitoy Xalq Respublikasida rekord darajada pasaygan. Umuman olganda, 2023-yilda Iqtisodiy hamkorlik va hamkorlik tashkilotiga a’zo bo‘lmagan G20 mamlakatlarida to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar oqimi 46 foizga kamaydi. Ushbu umumiy pasayish tendentsiyasiga qaramay, 2023 yilda AQSh, Braziliya va Kanada to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish bo‘yicha dunyo bo‘ylab uchta asosiy davlatga aylandi.



2-rasm. 2020 va 2030 yillar oralig‘ida mintaqalar bo‘yicha rivojlanayotgan bozorlarda kritilayotgan yashil investitsiyalar (trillion AQSh dollar *prognoz*)

2-rasm ma’lumotlarini tahlili natijasida aytish mumkinki, rivojlanayotgan 21 ta bozorda asosiy tarmoqlarga asosan past uglerodli yashil investitsiyalar qariyb 10,2 trillion AQSH dollarini tashkil etdi, bu 2020 yildan 2030 yilgacha kelgusi o‘n yillikda bozorlar barcha tarmoqlarning umumiy yig‘indisi keltirilgan. Bunda asosan mintaqada ko‘rishimiz mumkinki

eng katta qismi Sharqiy Osiyo va Tinch okeani qittalariga to‘g‘ri kelgan.

Rivojlanayotgan mamlakatlarda yashil investitsiyalarning atigi 14 foizini xususiy sektor tomonidan moliyalashtiriladi, rivojlangan mamlakatlarda esa ushbu holat xususiy sektordagi ulushi 81 foizdan ortig‘ini tashkil etmoqda.

Qozog‘iston Respublikasining yashil iqtisodiyotga o‘tish strategiyasiga muvofiq, “2050 yilgacha bo‘lgan davrda yashil iqsodiyotga o‘tish maqsadlari uchun har yili YAIMning 1 foiz miqdorida yoki yiliga o‘rtacha 3–4 milliard AQSH dollari miqdorida qo‘shimcha investitsiya mablag‘lari talab etiladi”. Ushbu konsepsiya doirasida jami 90 milliard AQSH dollaridan ortiq investitsiya mablag‘larini o‘zlashtirishga ehtiyoj mavjud bo‘lib, ularning asosiy qismi energiya samaradorligi oshirish, muqobil energiya manbalarini rivojlantirish hamda gaz infratuzilmasi loyihalariga yo‘naltiriladi.

Koreya Respublikasining yashil iqtisodiyotga o‘tish strategiyasiga muvofiq, “yashil rivojlanish maqsadlari uchun yo‘naltirilayotgan mablag‘lar har yili YAIMning taxminan 2 foizni tashkil etadi”. Shuningdek, Koreya Respublikasi hukumati tomonidan Yashil jamg‘arma (Low Carbon Green Fund) tashkil etilib, qayta tiklanuvchi energiya sohasida ilmiy-tadqiqot ishlarini qo‘llab-quvvatlash, emissiya savdo tizimi yo‘lga qo‘yish hamda emissiyani kamaytiruvchi loyihalarni moliyalashtirish maqsad qilingan.

Xalqaro konsalting kompaniyasi McKinsey ma’lumotlariga ko‘ra, “G-20 yoki katta 20 talik mamlakatlarda yashil infratuzilmani moliyalashtirish hajmi 2020 yilgacha bo‘lgan 7 yillik davrda yiliga o‘rtacha 160 milliard AQSH dollaridan oshmagan, bu yalpi ichki mahsulotning 0,2 foiziga teng, vaholanki, mavjud ehtiyoj 5,0 foizni tashkil etishi hisoblangan”. Shu bilan birga, o‘rta va past daromadli mamlakatlarda infratuzilmaga yo‘naltirilayotgan xususiy investitsiyalar hajmi yanada past bo‘lib, investitsiyalarning 3/4 qismi davlat sektori, rivojlanish banklari va eksport kredit agentliklari tomonidan moliyalashtirilmoqda.

Alohida ta’kidlash kerakki, Parij bitimi xalqaro bozorlardan foydalanish uchun mustahkam asos yaratib, shaffoflik va tomonlarning javobgarligini oshirishga xizmat qilmoqda. Jumladan, xalqaro uglerod bozorlari ahamiyatini e’tirof etgan holda, Parij bitimining 6-moddasi tomonlarga uglerod emissiyasini kamaytirish maqsadida xalqaro uglerod savdosidan foydalanishga, umumqabul qilingan buxgalteriya tamoyillarini joriy etish hamda bozor mexanizmlarini qo‘llashga imkon yaratadi.

Jahon banki ma’lumotlariga ko‘ra, O‘zbekistonda “yashil iqtisodiyot”ga o‘tishning 2060 yilga kelib nol emissiya balansiga erishish ssenariysi uchun talab etiladigan investitsiyalar miqdori energetika sohasida yiliga YAIMning 4,0 foizi, transport sohasida 9,0 foizini tashkil etmoqda. Umuman olganda, milliy iqtisodiyotda dekarbonizatsiya jarayonlariga talab etiladigan investitsiyalar miqdori 262 mlrd. AQSH dollaridan 341 mlrd. AQSH dollarigacha tashkil etishi prognoz qilinmoqda.

Mamlakatimiz miqyosida ko‘radigan bo‘lsak, milliy iqtisodiyotga yashil to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalarni jalb qilish bugungi kundagi eng dolzarb vazifalarimizdan biridir. Buni quyidagi faktlar orqali ifodalab chiqamiz. Jumladan: 2030-yilgacha O‘zbekiston Respublikasida “yashil” iqtisodiyotga o‘tish va “yashil” o‘sishni ta’minlash dasturi doirasida quyidagi yo‘nalishlarda ishlar amalga oshirish belgilandi. Aytish joizki, issiqxona gazlarining yalpi ichki mahsulot birligiga nisbatan solishtirma ajratmalarini 2010-yildagi darajadan 35 foizga qisqartirish; qayta tiklanuvchi energiya manbalarining ishlab chiqarish quvvatini 15 GVtga oshirish va ularning ulushini elektr energiyasini ishlab chiqarish umumiy hajmining 30 foizidan ko‘prog‘iga yetkazish; sanoat sohasida energiya samaradorligini kamida 20 foizga oshirish; yalpi ichki mahsulot birligiga to‘g‘ri keladigan energiya sarfi hajmini, shu jumladan, qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanishni kengaytirish hisobiga 30 foizga kamaytirish; iqtisodiyotning barcha tarmoqlarida suvdan foydalanish samaradorligini sezilarli darajada oshirish, 1 million gektargacha maydonda suv tejovchi sug‘orish texnologiyasini joriy etish; yiliga 200 million ko‘chat ekish va ko‘chatlarning umumiy sonini 1 milliarddan oshirish orqali shaharlardagi yashil maydonlarni 30 foizdan ortiqroqqa kengaytirish; respublika o‘rmon fondi

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

zaxiralari ko‘rsatkichini 90 million kub metrdan ortiqroqqa yetkazish; hosil bo‘ladigan qattiq maishiy chiqindilarni qayta ishlash darajasini 65 foizdan oshirish vazifalari belgilab berildi.

Xulosa.

Mamlakatimizda yashil iqtisodiyotga o‘tish, energiya va resurs tejamkor texnologiyalarni joriy etishga qaratilgan loyihalar va dasturlar ijrosi tegishli davlat preferensiyalari (rag‘batlantirish) tizimi, davlat-xususiy sheriklikni rivojlantirishning huquqiy asoslarini takomillashtirish, investitsiyalarni jalb etishning yashil instrumentlarini keng joriy etish, davlat investitsiya dasturi hamda davlat xaridlari tizimiga “yashil” mezonlarni kiritishni taqozo etadi. Zamonaviy jahon iqtisodiyoti o‘zgarishlar va muvozanatlashuv holatida bo‘lib, bu davrda yashil to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni tartibga solish tendentsiyalari yetakchi mamlakatlarning o‘z atrofida o‘sishning yangi sohalarini yaratishga qaratilgan sa’y-harakatlarini namoyish etadi. Yangi investitsiya aloqalari va institutlarini shakllantirish, shuningdek, tashqi savdoni tartibga solish hozirgi bosqichda nafaqat kompaniyalar va iste’molchilar uchun iqtisodiy manfaatlar yaratish, balki texnologik mustaqillikni ta’minlash uchun qo‘llaniladi, bu esa pirovard natijada iqtisodiy o‘sish va rivojlanishni cheklaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Manba: OECD FDI in Figures April 2024. https://www.oecd.org/investment/investmentnews.htm#:~:text=April%202024%20update%3A,for%20the%20second%20consecutive%20year.
2. https://www.statista.com/statistics/1245771/global-green-investment-by-region/#:~:text=Investments%20towards%20low-carbon%20growth%20in%20key%20sectors%20across,among%20the%2021%20markets%20in%20the%20next%20decade.
3. Dunning, John. Rose by any other name….? FDI theory in retrospect and prospect. – University of Reading and Rutgers University, UK, 2000.
4. G.M.Galeeva and E.N.Kadeeva. Problems of attracting foreign direct investment into the regional economy.// Journal of Physics: Conference Series, 1730(2021) 012118, 2020. – P. 8.
5. А.Б.Вахобов. (2010) Хорижий инвестициялар. – Тошкент: Молия, 2010. – Т. – Ўқув қўлланма.
6. Обломуродов Н.Н. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2009, - 108 б.
7. Маматов Б.С., Хужамқулов Д.Й., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Т.: Иқтисод-Молия, 2014. 94-бет. 608 бет.
8. А.Ш.Бекмуродов. Хорижий инвестициялар. – Тошкент: Иқтисодиёт. – Т. – Ўқув қўлланма.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

AGRAR SOHAGA INVESTITSIYALARNI JALB QILISHNING NORMATIV-HUQUQIY ASOSLARI VA O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLAR

Yusufjonov Ravshanbek Rustamjon o‘g‘li

Namangan davlat texnika universiteti mustaqil tadqiqotchisi
e-mail: Yusufjonov_ravshanbek@gmail.com

Annotatsiya: *Maqolada mamlakatimiz agrar sektorida investision faollik darajasi tahlil qilingan, taqdim etilgan dalillar investision boshqaruvning yuqori samaradorligini ta’minlash, tashqi va ichki investisiya muxitining o‘zgaruvchan sharoitlariga moslashishi uchun chuqur ilmiy, uslubiy va amaliy tadqiqotlar zarurligini, ixtisoslashgan agrosanoat majmualari turlari ko‘rsatib etilgan. Agrosanoat majmuasi tarkibiy tuzilmasi tahlil qilingan.*

Tayanch so‘zlar: *iqtisodiyot, investisiya, innovatsiya, qishloq xo‘jaligi, agrosanoat majmui, ishlab chiqarish, logistika, qayta ishlash, realizatsiya, boshqaruv.*

НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ И ОСОБЕННОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В АГРАРНУЮ СФЕРУ

Юсуфжонов Равшанбек Рустамжон угли

Независимый научный сотрудник Наманганского государственного технического университета
e-mail: Yusufjonov_ravshanbek@gmail.com

Аннотация: В статье анализируется уровень инвестиционной активности в аграрном секторе нашей страны, представленные фактические данные свидетельствуют о необходимости проведения глубоких научных, методических и практических исследований для обеспечения высокой эффективности управления инвестициями, адаптации к изменяющимся условиям внешней и внутренней инвестиционной среды, видам специализированных агропромышленных комплексов. Проанализирована структурная структура агропромышленного комплекса.

Ключевые слова: экономика, инвестиции, инновации, сельское хозяйство, агропромышленный комплекс, производство, логистика, переработка, реализация, управление.

REGULATORY FRAMEWORK AND FEATURES OF ATTRACTING INVESTMENTS IN THE AGRICULTURAL SECTOR

Yusufjonov Ravshanbek Rustamjon ugli

Independent researcher of Namangan State Technical University
e-mail: Yusufjonov_ravshanbek@gmail.com

Abstract: The article analyzes the level of investment activity in the agricultural sector of our country, the presented factual data indicate the need for in-depth scientific, methodological and practical research to ensure high efficiency of investment management, adaptation to

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

changing conditions of the external and internal investment environment, types of specialized agro-industrial complexes. The structural structure of the agro-industrial complex is analyzed.

Keywords: economy, investment, innovation, agriculture, agro-industrial complex, production, logistics, processing, sales, management.

Kirish

Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida mamlakatning barqaror rivojlanishini ta’minlashda keng qamrovli tadbirlarni muntazam ravishda oshirib borishni taqozo etadi. Ana shunday muxim tadbir va yo‘nalishlardan biri mamlakatimiz barcha tarmoqlarida samarali investitsiya faoliyatini tashkil etish, investitsiya muhiti, jarayon, salohiyati, faolligi va jozibadorligi hisoblanadi. Mamlakatda jadal investitsion siyosatni amalga oshirish va chet el sarmoyadorlarini jalb qilish uchun investitsion jozibadorlikni kuchaytirish zaruratiga alohida e’tibor qaratilmoqda. Mazkur vazifalarning samarali va izchil bajarilishi ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik jihatdan yangilash, ishlab chiqarish hamda ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha investitsiya loyihalarini amalga oshirishga qaratilgan faol investitsiya siyosatini olib borish, iqtisodiy tarmoqlararo investitsiyalar yo‘nalishini va taqsimlanishini ekonometrik modellashtirish uslubiyotini takomillashtirish, investitsiya samaradorligi va tavakkalchilik darajalarini aniqlash modellarini ishlab chiqish uchun har tomonlama imkon yaratadi.

O‘zbekiston hududlari iqtisodiyoti agrar sektorining qo‘shimcha investitsiyalarga bo‘lgan ehtiyoji jamiyat rivojlanishining navbatdagi ijtimoiy iqtisodiy modeli ya’ni taraqqiyot strategiyasi doirasida boshqaruvning intensiv va innovatsion turlariga o‘tish, takror ishlab chiqarishni kengaytirish muammolarini hal etish bilan ham bog‘liqdir. Buning natijasida qishloq aholisining hayot sifati, turmush farovonligi, hududlarning oziq-ovqat xavfsizligini taminlashga shart sharoit yaratiladi. Inson kapitali sifatini oshirish va qishloq aholisi bandligini ta’minlash zarurati ham investitsiya siyosatining o‘ta dolzarb vazifalari qatoriga kiritilmoqda. Xususan, Prezident Shavkat Mirziyoev, bu boradagi strategik vazifalarga to‘xtalib, “Biz uchun strategik tarmoq bo‘lgan qishloq xo‘jaligi samaradorligini tubdan oshirish va uni diversifikatsiya qilish g‘oyat muhim ahamiyatga ega. Ayniqsa, agrar sohani rivojlantirish, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini klaster asosida qayta ishlash va oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash dolzarb vazifamiz bo‘lib qoladi”[3] –deb alohida ta’kidlab o‘tadi.

Adabiyotlar sharhi

Agrar sohaga xorijiy investisiyalarni jalb qilish – bu iqtisodiyotning muhim tarmoqlaridan biri bo‘lib, uning rivojlanishi va modernizatsiyasi uchun zarur. Bu jarayon, ayniqsa, qishloq xo‘jaligi va agrar sanoat tarmoqlarini samarali rivojlantirishga katta yordam beradi. Xorijiy investisiyalarni jalb qilishning xususiyatlari, maqsadlari, shakllari va bosqichlari quyidagicha ko‘rib chiqilishi mumkin.

Ingliz iqtisodchisi J.M. Keynsning fikricha, agar investitsiyalar amalga oshirilmasa, tadbirkorlarning tushumlari bandlik darajasini oshirishning zaruriy darajadan past bo‘lishini e’tirof etadi. Shuningdek, investitsiyalarning iqtisodiyot tarmoqlaridagi mutlaq zarurligi aholi bandligi darajasi, yalpi talabni saqlab qolish nuqtai nazaridan ko‘rib chiqiladi. Uning ta’kidlashicha, agar investitsiyalar kiritilmasa, tadbirkorlarning daromadlari ularda bandlikni oshirish istagini uyg‘otish uchun zarur bo‘lgan darajadan past bo‘ladi[1].

Iqtisodchilar I.N. Buzdalov, V.E. Afonina qishloq xo‘jaligi texnik taraqqiyotida investiiyalarning ahamiyatini yoritib berib, bunda investitsion faoliyatnining yo‘nalishlari asosiy investitsion mahsulotlarni takror ishlab chiqarish va takomillashtirish bilan belgilanishini e’tirof etishib o‘tishadi. Investitsiyalarni jalb qilish orqali ishlab chiqarish omillari: yer, mehnat, kapital axborot va innovatsiyalardan foydalanish hisobiga qishloq xo‘jaligida texnologik taraqqiyotni ta’minlash imkoniyatlariga ega bo‘linishiga urg‘u berib o‘tgan [2]. Fikrimizcha, I.N. Buzdalov va V.E. Afonina tomonidan ilgari surilgan fikrlar zamonaviy agrar siyosat va iqtisodiyot uchun muhim nazariy va amaliy asos bo‘lib xizmat qiladi. Ayniqsa, texnik va texnologik taraqqiyotga

erishishning asosi sifatida investitsion faoliyatga yondashuv qishloq xo‘jaligi tarmog‘ining innovatsion rivojlanishida markaziy o‘rin tutadi.

D.Alimjonova fikricha, «agrar sohaga yo‘naltirilgan to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investisiyalar qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishida iqtisodiy o‘sishga erishishning eng samarali usulidir. Bunda qishloq xo‘jaligi korxonalariga sarmoya kiritish u yoki bu darajada nazorat o‘rnatishni o‘z ichiga oladi, aks holda mablag‘larni qaytarmaslik xavfi yuqori bo‘ladi. Shu bois agrar sohaga xorijiy investisiyalar jalb qilishni qo‘shma korxona tashkil etish tarzida amalga oshirish zarur»[3]ligini ta’kidlaydi. Fikrimizcha, D.Alimjonovaning agrar sohaga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar (TXXI)ni jalb qilish haqidagi qarashlari amaliy va dolzarb ahamiyatga ega. Ayniqsa, TXXIni qishloq xo‘jaligiga jalb etishda qo‘shma korxonalar tashkil etish modeli nafaqat sarmoyaning xavfsizligini ta’minlaydi, balki texnologiyalar transferi, boshqaruv tajribasi va xalqaro bozorlar bilan integratsiyalashuv imkoniyatlarini ham kengaytiradi.

Q.Choriyevning ilmiy tadqiqot ishida «qishloq xo‘jaligini rivojlantirish, dehqon va fermer xo‘jaliklari faoliyatini rejalashtirish agrar sektorning rivojlanishini innovasion boshqaruvi samaradorligi»[4]. Fikrimizcha, Q. Choriyevning qishloq xo‘jaligi rivojlanishi va dehqon-fermer xo‘jaliklari faoliyatini rejalashtirishda innovatsion boshqaruvning samaradorligiga urg‘u berishi agrar sektorni modernizatsiya qilishda muhim nazariy va amaliy ahamiyatga ega. Hozirgi zamonaviy iqtisodiy sharoitda raqobatbardosh qishloq xo‘jaligi tizimini shakllantirish uchun faqatgina an’anaviy yondashuvlar emas, balki innovatsion va texnologik yondashuvlar asosida boshqaruv tizimini takomillashtirish zarur.

E.Shodmonov esa, «qishloq xo‘jaligi korxonalarining moliyaviy holatini beqarorligi, investision xarajatlarni moliyalashtirish manbalaridan foydalanish imkoniyatining cheklanganligi sharoitida lizing asosida investisiyalarni moliyalashtirish amaliyotini kuchaytirish, davlat buyurtmasidan ortiqcha g‘alla va paxtani fyuchers shartnomalari orqali sotishni joriy qilishning maqsadga muvofiqligini asoslab bergan»[5]. Fikrimizcha, E. Shodmonovning qishloq xo‘jaligi korxonalarining moliyaviy holatini yaxshilash va investitsiyalarni moliyalashtirish bo‘yicha takliflari o‘zining dolzarbligi va amaliy ahamiyatiga ega. Lizing asosida investitsiyalarni moliyalashtirish va fyuchers shartnomalari orqali g‘alla va paxtani sotish kabi usullarni joriy etish, ayniqsa, qishloq xo‘jaligi korxonalarining beqaror moliyaviy holatlarini yaxshilash va investitsiya resurslarini ko‘paytirish uchun samarali vosita bo‘lishi mumkin.

Tadqiqot metodologiyasi

Ushbu maqolaning ilmiy-nazariy asosi sifatida iqtisodiy adabiyotlar hamda ilmiy maqolalar, xorijiy va mahalliy iqtisodchi olimlarning investitsiya faoliyati, mamlakat hududlariga investitsiyalarni jalb qilish va ulardan samarali foydalanish bo‘yicha izlanishlari, ularning yozma va og‘zaki fikr-mulohazalarini tahlil qilish, iqtisodiy jarayonlarni kuzatish, iqtisodiy hodisa va jarayonlarga tizimli yondashuv, muallif tajribalari bilan qiyosiy tahlil o‘tkazish orqali tegishli yo‘nalishlarda xulosa, taklif va tavsiyalar berilgan. Mavzuni o‘rganish jarayonida iqtisodiy, mantiqiy, ilmiy abstraksiyalash, qiyosiy tahlil, dinamikada o‘rganish, induksiya, deduksiya va boshqa usullardan foydalanildi.

Tahlil va natijalar

Jahon amaliyotida agrar sohaga investitsiyalar jalb qilish, qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish loyihalariga sarmoya kiritish foyda olish uchun eng muhim iqtisodiy faoliyatlardan biridir. Mohiyat jihatdan agrar sohani investitsiyalash, qishloq xo‘jaligiga sarmoya kiritish ma’lum muddatdan so‘ng bir muncha yuqori daromad va samaradorlikka erishish uchun mavjud resurslardan samarali foydalanishni anglatadi. Agrar sohada qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish uchun ishlab chiqarish omillari (yer, mehnat va sarmoya)ni birlashti-rish va ulardan foydalanish iste’molchilarning ehtiyojlarini qondirish va eng yaxshi natijalarga erishish mumkin. Natijalar mavjud iqtisodiy tizimga qarab farq qiladi, chunki qishloq xo‘jaligiga investitsiyalar maksimal iqtisodiy daromad, ya’ni eng katta foyda keltirishi kerak. Iqtisodiy

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (OECD) Bosh kotibi Matiasa Kormannaning so‘zlariga ko‘ra, «keyingi o‘n yillikda innovatsiyalarga sarmoya (investitsiya) kiritish va samaradorlikni oshirish orqali oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlashga erishish mumkin» [4]. Bu shuni anglatadiki, qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarishning global o‘sishi qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallangan yer maydonla-rining kengayishi hisobiga emas, balki investitsiyalar hisobiga hosildorlikni oshirish orqali erishiladi va bu hol oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash imkonini yaratadi.

1. Siyosiy omillar	**Barqaror siyosiy vaziyat**	**Qonunchilik va tartibga solish**	**Davlatning agrar siyosati**	
	Agrar sohadagi investitsiyalarni jalb qilishda siyosiy barqarorlik juda muhimdir. Investorlarga siyosiy beqarorlik yoki tartibsizlik xavfi yuqori bo'lgan mamlakatlarda investitsiya kiritish noqulay va xavfli bo'lishi mumkin.	Qishloq xo'jaligiga oid qonunlar, tartib-qoida va soliqlar tizimi investorlarga muhim ta'sir ko'rsatadi. Investitsiyalarni rag'batlantiruvchi va himoya qiluvchi qonunchilik mavjud bo'lsa, bu investitsiya muhitining rivojlanishiga ijobiy ta'sir qiladi.	Agrar sohada investitsiyalarni qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish uchun davlatning agrar siyosati muhim ahamiyatga ega. Masalan, subsidiyalar, kreditlar, grantlar va imtiyozlar kabi qo'llab-quvvatlash mexanizmlari investitsiyalarni oshirishga yordam beradi.	
Makroiqtisodiy barqarorlik	**Moliyaviy resurslar**	**Infratuzilma**	**Resurslar va xom ashyo**	**2. Iqtisodiy omillar**
Agrar sohadagi investitsiyalarni jalb qilishda siyosiy barqarorlik juda muhimdir. Investorlarga siyosiy beqarorlik yoki tartibsizlik xavfi yuqori bo'lgan mamlakatlarda investitsiya kiritish noqulay va xavfli bo'lishi mumkin.	Qishloq xo'jaligiga oid qonunlar, tartib-qoida va soliqlar tizimi investorlarga muhim ta'sir ko'rsatadi. Investitsiyalarni rag'batlantiruvchi va himoya qiluvchi qonunchilik mavjud bo'lsa, bu investitsiya muhitining rivojlanishiga ijobiy ta'sir qiladi.	Agrar sohada investitsiyalarni qo'llab-quvvatlash va rag'batlantirish uchun davlatning agrar siyosati muhim ahamiyatga ega. Masalan, subsidiyalar, kreditlar, grantlar va imtiyozlar kabi qo'llab-quvvatlash mexanizmlari investitsiyalarni oshirishga yordam beradi.	Xom ashyo va tabiiy resurslar (yer, suv, iqlim sharoitlari) agrar sohada ishlab chiqarish va investitsiya kiritish imkoniyatlarini shakllantiradi.	
3. Ijtimoiy omillar	**Mehnat bozori**	**Aholining qishloq xo'jaligiga bo'lgan qiziqishi**	**Ijtimoiy barqarorlik**	
	Ijtimoiy omillar orasida malakali ish kuchi mavjudligi ham muhimdir. Agar qishloq xo'jaligida ishchi kuchi kam bo'lsa yoki ularning malakasi past bo'lsa, bu investitsiyalarni cheklaydi. Aksincha, yaxshi malakali ishchi kuchi investitsiyalarni rag'batlantiradi.	Qishloq joylaridagi aholining qishloq xo'jaligiga bo'lgan qiziqishi va zaruriy bilimlari ham investisiya muhitiga ta'sir ko'rsatadi. Agar aholi qishloq xo'jaligida faol ishtirok etsa va innovatsiyalarga ochiq bo'lsa, bu investitsiyalar uchun imkoniyatlar yaratadi.	Ijtimoiy muammolar, masalan, qashshoqlik, mehnat migratsiyasi yoki ta'lim tizimidagi kamchiliklar, investitsiya muhitini salbiy ta'sir qiladi. Ijtimoiy barqarorlik yuqori bo'lgan joyda investitsiyalarni jalb qilish osonroq bo'ladi.	
Tabiiy resurslar va ekologik sharoitlar	**Barqaror qishloq xo'jaligi amaliyotlari**			**4. Ekologik omillar**
Tabiatning sog'lomligi, er resurslarining sifatli bo'lishi va iqlim o'zgarishlariga qarshi moslashuvchanlik agrar sektorda muvaffaqiyatli investitsiyalarni jalb qilishda muhim omillardir. Iqlim o'zgarishi yoki suv resurslarining kamayishi investitsiyalarni cheklashi mumkin.	Ekologik barqarorlikka e'tibor berish, ya'ni organik qishloq xo'jaligi, tabiiy resurslarni tejash va chiqindilarni kamaytirish kabi amaliyotlar ham xorijiy investorlarga ta'sir ko'rsatadi. Investorlarga ekologik xavfsiz texnologiyalar va usullar joriy etilsa, ular bu sohada investitsiya qilishni afzal ko'radilar.			
5. Texnologik omillar	**Texnologik rivojlanish**	**Innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar**		
	Yangi texnologiyalar, masalan, avtomatlashtirilgan tizimlar, aqlli irrigatsiya, yuqori mahsuldor urug'lar va genetik jihatdan o'zgartirilgan mahsulotlar, agrar sektorda samaradorlikni oshirishga yordam beradi. Texnologiyalarga kirish imkoniyati bo'lgan joylar investitsiyalarni jalb qilish uchun qulayroq bo'ladi.	Agrar sektorda innovatsiyalarni joriy etish, ilmiy tadqiqotlar va texnologiyalarga oid ishlanmalar investitsiyalarning o'sishini rag'batlantiradi. Yangi mahsulotlar va texnologiyalarni yaratish investorlarga yuqori rentabellik imkoniyatlarini taqdim etadi.		

1-rasm. Agrar sohada investisiya muhitiga ta’sir etuvchi omillar

Agrar sohaga xorijiy investisiyalarni jalb qilishning mazmun-mohiyati va ahamiyatini aniqlab berishga o‘z hissasini qo‘shishi lozim bo‘lgan uning muhim o‘ziga xos xususiyatlarini, maqsadlarini, shakllari va bosqichlarini yanada tushunarliroq bo‘lishi uchun quyidagicha tavsiflash va tasniflash mumkin. O‘z navbatida, agrar sohaga xorijiy investisiyalarni jalb qilish

xususiyatlari, eng avvalo, xorijiy investorlarning foyda olishni ko‘zlashi va ular faoliyatining samaradorligi tabiiy-iqlim shart-sharoitlariga bog‘liqlida namoyon bo‘ladi. Agrar sohaga xorijiy investisiyalarni jalb qilish maqsadlari zamonaviy texnika-texnologiyalarni qo‘llash orqali raqobatbardosh qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarish va eksportni ta’minlash hisobiga valyuta tushumlarini oshirishni nazarda tutadi. Agrar sohaga xorijiy investisiyalarni jalb qilish shakllari esa to‘g‘ridan-to‘g‘ri, portfel va boshqa shakllarda, xususan, xorijiy kreditlar shaklida joylashtirilishini ifoda etadi. Bosqichlari qishloq xo‘jaligida risk darajasini aniqlash va baholash, sug‘urtalash, himoya choralarini ko‘rish, strategiyalarni aniqlash hamda xorijiy investisiyalar va qo‘yilmalarning moliyaviy-iqtisodiy samaradorligini turli iqtisodiy ko‘rsatkichlar, shu jumladan, pulning vaqtli konsepsiyasiga asoslangan diskontlashtirish usullari asosida qarorlar qabul qilishni o‘z ichiga oladi.

Shuningdek, agrar sohaga jalb qilinadigan xorijiy investisiyalarning uch turdan iboratligi, qanday shakllarda amalga oshirilishi hamda qishloq xo‘jaligida xorijiy investisiyalar amalga oshirish bosqichlari qisqa shaklda bayon qilingan. O‘z navbatida, agrar sohaga xorijiy investisiyalarni jalb qilish va investisiya jarayonlarini faollashtirishda investisiya muhiti muhim rol o‘ynashini hisobga olish kerak hamda qishloq xo‘jaligiga xorijiy investisiyalarni faol jalb etish va samarali o‘zlashtirish investisiya muhitiga ta’sir etuvchi omillarga bog‘liq bo‘ladi. Fikrimizcha, agrar sohaga xorijiy investisiyalarni jalb qilishda investisiya muhitiga ta’sir etuvchi omillarni umumlashtirib, quyidagi ko‘rinishda ifodalash maqsadga muvofiqdir (1-rasm). Agrar sohadagi investisiya muhitiga ta’sir etuvchi omillarni tahlil qilish orqali davlat va xususiy sektorlar agrar sohani rivojlantirish uchun to‘g‘ri strategiyalar ishlab chiqishlari mumkin. Siyosiy barqarorlik, iqtisodiy sharoitlar, ijtimoiy muhit, ekologik holat va texnologik rivojlanish – bularning barchasi investitsiyalarni jalb qilishda muhim rol o‘ynaydi. Agar bu omillar yaxshi tashkil etilgan bo‘lsa, agrar sektor investitsiyalarga ochiq va rivojlanishga qodir bo‘ladi.

Aholi jon boshiga qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi mahsulot (xizmat)lari hajmi joriy narxlardagi tarmoq umumiy hajmini mamlakatning hisobot davridagi o‘rtacha aholisi soniga bo‘lish yo‘li bilan aniqlanadi. O‘zbekiston Respublikasi doimiy aholisining o‘rtacha soni 2022 yilda 35648,1 ming kishini tashkil etgan. 2019-2023 yillarda qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi tarmog‘ining aholi jon boshiga to‘g‘ri kelishi 1,7 barobarga o‘sga. (2-rasm).



2-rasm. Qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi tarmog‘ining aholi jon boshiga to‘g‘ri kelishi dinamikasi (ming so‘m) [6]

O‘tkazilgan tadqiqotlar natijasida shu narsa aniqlandiki, o‘tgan qisqa davr ichida amalga oshirilgan iqtisodiy islohotlar bilan bog‘liq tadbirlarga ko‘ra, qishloq xo‘jaligida muayyan ijobiy yutuqlarga erishildi.

Lekin, qishloq xo‘jaligi korxonalari faoliyatining tahlil natijalari ularning rivojlanishiga

jiddiy ta’sir ko‘rsatuvchi muayyan salbiy omillar mavjudligini ko‘rsatmoqda. Jumladan:

– byudjet tomonidan moliyaviy ko‘maklashish, xorijiy investisiyalarni jalb qilish, aksiyadorlik kapitalidan foydalanish, bank kreditlarini jalb etish kabi imkoniyatlarning cheklanganligi;

– ishlab chiqarish imkoniyatlari cheklangan sharoitda tarmoqda risklilikning yuqoriligi;

– asosiy vositalarni lizing asosida shakllantirish uchun etarli mablag‘ning mavjud emasligi;

– qishloq bozor infratuzilmasining rivojlanish darajasining, jumladan, axborot va turli maslahat xizmatlarini ko‘rsatish saviyasining pastligi;

– qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqaruvchilarda tarmoq mahsulotlarini qayta ishlash korxonalari, tayyorlov va ta’minot tashkilotlari yoki davlat xizmati xodimlari kabilar bilan faoliyat davomida yuzaga keladigan nizolarni hal etishda huquqiy bilimlarning etarli emasligi;

– samarali, lekin, yirik miqdorda moliyaviy mablag‘lar talab qiladigan loyihalarni amalga oshirish imkoniyatlarining cheklanganligi;

– etishtiriladigan qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining asosiy katta qismini tashkil etuvchi g‘alla va paxta hosili xaridi uchun qat’iy davlat bahosining belgilab qo‘yilishi;

– qishloqda aholi bandligini oshirish masalasi jiddiy dolzarb muammo sifatida yuzaga chiqayotganligi;

– qishloq xo‘jaligida moliyaviy va ishlab chiqarish munosabatlarini huquqiy jihatdan takomillashtirishning zarurligi va boshqalar hisoblanadi.

Xulosa

Xulosa tariqasida shuni ta’kidlash lozimki, agrar islohotlarning maqsadi va ijrosi samarasiga ko‘ra, bugungi kunda fermerlik harakati eng faol rivojlanish pallasida turibdi va tarmoq istiqboli mazkur xo‘jaliklar istiqboli bilan uzviy bog‘lanib bormoqda. Qishloq xo‘jaligida boshlangan mulkiy islohotlar bugungi kunga kelib o‘z samarasini bermoqda. Buning natijasida fermer xo‘jaliklarini tom ma’noda qishloq xo‘jaligining bosh va asosiy xo‘jalik subyekti sifatida rivojlantirishga birlamchi urg‘u berilmoqda. Eng muhimi qishloq xo‘jaligida klasterlarni rivojlantirish, ya’ni bitta sohaga birlashgan va bir-biri bilan uzviy aloqada bo‘lgan korxonalar guruhi yoki bitta geografik hududda joylashgan va bitta tarmoqni tashkil qiladigan korxonalar guruhini samarali tashkil etish qishloq xo‘jaligi taraqqiyotini ta’minlashning bosh omilidir.

Qishloq xo‘jaligi qo‘shimcha imkoniyatlarga boy soha. Bozorlarimiz fayzu barakasi, hayotimiz farovonligi ko‘p jihatdan unga bog‘liq. Zero, yurtimiz zamini sahovatli. Shu bois keyingi yillarda agrar sohani tubdan isloh qilish va uni bozor talablariga moslashtirish ishlariga katta e’tibor qaratilmoqda. Masalan, davlat xarid narxlarining qariyb 3 barobar oshirilishi paxtachilik va g‘allachilikni daromad keltiradigan tarmoqqa aylantirdi. Qolaversa, paxtachilikda mutlaqo yangicha ish tutumiga, ya’ni klaster tizimiga o‘tilgani mehnatga munosabatni tubdan o‘zgartirdi. Ishni samarali tashkil etish va boshqarish imkoniyati yuzaga keldi. Shuningdek, paxta maydonlarida sug‘orishning tejamkor usullari tatbiq etila boshlandi. Shu yilning o‘zida aksariyat paxta maydonida suv tejovchi yangi sug‘orish tizimi joriy qilinayotganligi natijasida ko‘proq hosil olish kutilayotgani, foydalanishdan chiqqan er maydonlarini qayta foydalanishga kiritilayotgani shunday sa’y-harakatlar samarasidir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Кейнс, Джон Мейнард 100 великих экономистов до Кейнса = Great Economists before Keynes
2. Блауг М. Кейнс, Джон Мейнард // 100 великих экономистов до Кейнса = Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикус, 2008. — С. 121-124. — 352 с.
3. Алимжанова Д. Проблемы привлечения иностранных инвестиций в аграрный сектор экономики страны ([#483468]-574842.pdf).

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

4. Choriyev Q.A. Bozor infratuzilmasini shakllantirish – iqtisodiy islohotlar chuqurlashtirish garovi// Bozor islohotlarini chuqurlashtirishning asosiy yo‘nalishlari va qishloqda infratuzilmalarni rivojlantirish: respublika ilmiy-amaliy seminar ma’ruzalar to‘plami. – Toshkent: O‘zBIITI, 1998. 15-b.

5. Shodmonov E.Sh. O‘zbekistonda agrar islohotlarni chuqurlashtirishda banklar faolligini oshirishning asosiy yo‘nalishlari. I.f.n. ilm. dar. olish uchun yozilgan diss. avtoref. – T.: «BMA», 2005. – 124 b.

6. O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi sayt ma’lumotlari

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ МАҚСАДИДА ЕНГИЛ САНОАТДА ЎСИШ НУҚТАЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Рабимқулов Шерзод Муртозаевич

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Иқт. фан. бўйича фалсафа доктори(PhD)

Аннотация: *Мақолада енгил саноат корхоналарига жалб қилинган инвестициялар самарадорлигини янада ошириш мақсадида янги ўсиш нуқталарини аниқлаш, жумладан инвестицияларга салбий таъсир кўрсатаётган муаммолар, уларнинг ечимлари ҳамда тармоқнинг ривожланишини янги даражага олиб чиқиш учун зарур бўлган, инвестициялар самарадорилигини таъминловчи жиҳатлар, миллий иқтисодиётда кузатилаётган жараёнлар оқибатида юзага келаётган тўсиқлар ва уларни бартараф этиш масалалари ўрганилган, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Асосий тушунчалар: *инвестиция, диверсификация, асосий капитал, модернизация, инвестиция дастури, иқтисодиёт тармоқлари, енгил саноат, қарз мажбуриятлари, инвестиция фонди, венчур фонди, ICOR коэффициенти.*

ВЫЯВЛЕНИЕ ТОЧЕК РОСТА В ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ С ЦЕЛЬЮ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИЙ

Рабимқулов Шерзод Муртозаевич

Ташкентский государственный университет экономики,
Доктор философии по экономике (PhD).

Аннотация: *В статье исследуются вопросы выявления новых точек роста в легкой промышленности, в целях дальнейшего повышения эффективности привлекаемых инвестиций на предприятия отрасли, в том числе проблемы, негативно влияющие на инвестиции, пути их решения, аспекты, обеспечивающие эффективность инвестиций, необходимую для вывода развития отрасли на новый уровень, препятствия, возникающие в результате процессов наблюдаемых в национальной экономике, и вопросы их устранения, а также разработаны выводы и рекомендации на основе международного опыта.*

Основные понятия: *инвестиция, диверсификация, основной капитал, модернизация, инвестиционная программа, отрасли экономики, лёгкая промышленность, долговые обязательства, инвестиционный фонд, венчурный фонд, коэффициент ICOR.*

IDENTIFYING GROWTH POINTS IN THE LIGHT INDUSTRY TO ENHANCE INVESTMENT EFFICIENCY

Rabimkulov Sherzod Murtozaevich

Doctor of Philosophy in Economics (PhD),
Tashkent state economical university

Annotation: *The article examines the issues of identifying new points of growth in the light industry, in order to further improve the efficiency of attracted investment in the industry, including the problems that negatively affect investment, ways to solve them, aspects that ensure the efficiency of investment required to bring the development of the industry to a new level,*

obstacles arising from the processes observed in the national economy, and issues of their elimination, as well as developed conclusions and recommendations based on international experience.

Key concepts: *investment, diversification, fixed capital, modernization, investment program, economic sectors, light industry, debt obligations, investment fund, venture fund, ICOR (Incremental Capital Output Ratio).*

Кириш.

Миллий иқтисодиётни диверсификациялаш орқали унинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш натижасида янги иш ўринларини яратиш, экспорт ҳажмини ва географиясини кенгайтириш ҳамда маҳаллий хом ашёдан рақобатбардош якуний маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишда енгил саноат тармоғига инвестициялар жалб этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга жалб қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини таъминлаш жуда муҳим ва мураккаб бўлган жараён ҳисобланиб, тармоқ ичидаги янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш, ички ва ташқи салбий таъсирларни юмшатиш айнан самарадорлик бевосита боғлиқ бўлган омил ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳонда кузатилаётган сиёсий нобарқарорлик давлат ўртасидаги зиддиятлар, молиявий ва иқтисодий санкциялар, йирик иқтисодиётга эга бўлган давлатлар томонидан олиб борилаётган протекционизм сиёсати оқибатида юзага келаётган мураккабликлар Ўзбекистонда ҳам инвестициялар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Мазкур ҳолат барча тармоқлар каби мамлакатимиз иқтисодиётида ўзининг салмоқли ўрнига ва юқори салоҳиятига эга бўлган енгил саноат тармоғида ҳам янги ўсиш нуқталарини аниқлаш, унинг таркибидаги юқори ривожланиш салоҳиятига, инвестициялар ёрдамида иқтисодий самарага эришиш имкониятига эга бўлган йўналишлар, ҳудудлар ёки технологияларни аниқлашда илмий-назарий ва амалий ёндашувларга зарурият туғдиради.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2023 йилда асосий капиталга инвестициялар ЯИМнинг Хитойда 42,0 фоизни, Ҳиндистонда 34,0 фоизни, Жанубий Кореяда 29,3 фоизни, Сингапурда 23,5 фоизни, Малайзия 20,1 фоизни, Туркияда 31,9 фоизни, Қозоғистонда 24,1 фоизни, Ўзбекистонда 30,0 фоизни ташкил этди[13]. Бу кўрсаткич мамлакатимизда тармоқларни ривожлантиришга инвестицияларни жалб қилиш имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш долзарблигини белгилайди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида[14] 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш мақсадида маҳаллий хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш, жумладан, тўқимачиликда ип калавани қайта ишлаш даражасини 100 фоизга етказиш ҳамда юқори сифатли матога талабни қондириш учун 400 минг тонна сунъий ва аралаш тола ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш каби юқори кўзланган марраларга эришишда ҳам янги ўсиш нуқталарини аниқлашни талаб этади.

Адабиётлар таҳлили.

Иқтисодиёт тармоқларига капитал инвестицияларни жалб қилишнинг долзарблиги, истиқболлари ва уларнинг самарадорлигини таъминлашдаги муаммо ва камчиликлар

[13] http://www.worldbank.org/en/country/mic/overview

[14] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон – 2030” стратегияси, 2023 йил 11 сентябрь, ПФ-158-сон Тошкент ш.

кўплаб илмий тадқиқотлар предмети сифатида кўрилган.

Иқтисодчи олим Н.Н.Обломуродов томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра республикамизда саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини модернизациялаш ва техник янгилашни жадаллаштириш, узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларини кредитлаш кўламларини янада кенгайтириш тижорат банкларининг капиталлашувини ошириш ва уларнинг ресурс базасини кенгайтириш, янги банк-молия хизматларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқ. Бунда тижорат банкларининг ресурс базасини кенгайтириш, қарз мажбуриятлари (облигациялар) жойлаштириш орқали инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга узоқ муддатли ресурсларни жалб этиш, молиялаштириш билан боғлиқ инфратузилмани, жумладан, инвестиция фондлари, венчур фондлар, янги молия институтлари ташкил этишга эътибор қаратиш лозим.

Тадқиқотчи М.Пўлатова томонидан енгил саноат корхоналарининг ривожланиш хусусиятлари ва молиялаштириш манбалари бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига асосан енгил саноатга махсуслашган хорижий инвестицияли қўшма корхоналар ва тўлиқ хорижий инвестицияли корхоналарнинг барчасида бир хил менежмент сиѐсатини олиб бориш, маҳаллий кадрлар билан хорижлик инвесторлар ўртасидаги ойлик маошларда кескин тафовутлар бўлмаслигни таъминлаш, уларда инвестицион фаолиятдан тушумларни кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва тармоқда кичик ҳажмдаги корхоналар кўламини кенгайтириш лозим.

Тадқиқотчи И.Жаҳонгиров томонидан Ўзбекистонда саноатни модернизациялашда инвестицияларнинг аҳамияти мавзусида олиб борилган тадқиқотлар натижасида корхоналарда инновацион салоҳиятни қўллаб-қувватлаш, юқори илм ва технология талаб қиладиган янги корхоналар ташкил этиш ва импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ривожланган мамлакатларнинг юқори илм талаб қиладиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи замонавий техника-технологияларини импорт қилиш сиёсатини жадаллаштириш, саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини ошириш лозимлиги тўғрисида хулосага келинган.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур мавзуни ёритишда абстракт-мантиқий фикрлаш, умумлаштириш, таққослаш, анализ ва синтез, тизимли талиллар усуллардан фойдаланилган. Тармоққа оид молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар талил қилинди ва таққосланди, тадқиқод асосида олинган натижалар асосида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги фармонига асосан 2030 йилга қадар мамлакат иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш вазифаси қўйилган бўлиб, стратегиясини амалга ошириш ва унинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш барча давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида энг устувор вазифа этиб белгиланди.

Жумладан, саноат тармоқларига жалб қилинаётган инвестицияларнинг самарадорлиги нафақат ЯИМ ўсишида ижобий рол ўйнаши, балки унинг таркибидаги саноат тармоқлар улушининг барқарор ўсиб боришини таъминлашни талаб этади.

Қуйидаги 1-жадвалда охирги 5 йилдаги тармоқлар кесимида ЯИМ ўсиш суратлари келтирилган бўлиб, 2024 йил якуни бўйича Ахборт ва алоқа тармоғида ўсиш энг юқори суратни кўрсатган. Ишлаб чиқариш саноатида ўсиш суратлари 2024 йил якуни бўйича охирги беш йиллик орасида энг юқори кўрсаткич 109 фоизни ташкил этган бўлсада, охирги беш йилликда ўсиш сурати бир фоизни ташкил этмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари кесимида ЯИМ ўсиш сурати[15]

№	Классификатор	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил
1	Ахборот ва алоқа	124%	127%	127%	123%	125%
2	Улгуржи ва чакана савдо	102%	114%	105%	111%	112%
3	Яшаш ва овқатланиш хизмати	91%	117%	119%	108%	111%
4	Қурилиш	110%	106%	107%	108%	109%
5	Ташиш ва сақлаш	89%	116%	109%	107%	109%
6	Молиявий ва суғурта фаолияти	116%	103%	130%	110%	109%
7	Санъат, кўнгил очиш, дам олиш	85%	127%	104%	107%	109%
8	Бошқа хизматлар кўрсатиш	95%	116%	105%	106%	109%
9	Ишлаб чиқариш саноати	108%	109%	105%	107%	108%
10	Сув таъминоти, канализация	99%	86%	95%	103%	106%
11	Электр, газ	107%	112%	114%	110%	105%
12	Соғлиқни сақлаш	112%	108%	98%	98%	105%
13	Кўчмас мулк билан операция	101%	105%	104%	105%	104%
14	Профессионал, илмий фаолият	108%	113%	106%	110%	104%
15	Бошқариш бўйича фаолият	91%	113%	114%	108%	104%
16	Таълим	94%	112%	105%	105%	104%
17	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик	103%	104%	104%	104%	103%
18	Тоғ-кон саноати	78%	111%	102%	100%	102%
19	Давлат бошқаруви ва мудофаа	100%	99%	104%	102%	101%

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “2023 — 2025 йилларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларни ўзлаштиришнинг йиғма мақсадли кўрсаткичлари” тасдиқланган.

2-жадвал

2023 — 2025 йилларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларни ўзлаштиришнинг йиғма мақсадли кўрсаткичлари[16]

млрд. сўм

Молиялаштириш манбалари	2023 - 2025 йилларда жами	шундан:		
		2023 йил	2024 йил	2025 йил
Жами капитал қўйилмалар	**1 214 970**	**352 717**	**403 038**	**459 215**
Ўсиш сурати			***14,3 %***	***13,9 %***
шу жумладан:				
Марказлашган инвестициялар:	**193 587**	**55 538**	**65 622**	**72 428**
Бюджет маблағлари	83 360	25 886	28 074	29 400
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	11 170	3 171	3 454	4 545
млн. АҚШ долларида	*873*	*267*	*271*	*335*
Давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар	99 057	26 481	34 094	38 483
млн. АҚШ долларида	*7 737*	*2 225*	*2 675*	*2 837*
Марказлашмаган инвестициялар:	**1 021 383**	**297 179**	**337 416**	**386 788**
Корхоналар маблағлари	326 814	93 930	107 534	125 350
Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	197 010	57 696	64 782	74 532
Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	401 466	116 193	133 200	152 073
млн. АҚШ долларида	*31 425*	*9 764*	*10 452*	*11 209*
Аҳоли маблағлари	96 093	29 360	31 900	34 833

[15] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts
[16] https://www.lex.uz/ru/docs/6329448

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Юқорида келтирилган 2-жадвалда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларни ўзлаштиришда 2023 йилда 14,3 фоиз ва 2024 йилда 13,9 фоиз ўсиш суратига эришиш белгиланган.

Иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган бир нечта кўрсаткичлардан фойдаланилади ва улардан қуйида келтирилган кўрсаткичларга тўхталиб ўтамиз.

3-жадвал

2020-2024 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар[17] трлн. сўм

Кўрсаткичлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил
Жами асосий капиталга инвестиция ва кредитлар	210,2	239,6	269,9	352,1	493,7
Шундан:					
Ишлаб чиқариш саноати	62,8	31,2	44,3	47,9	119,2
Жамида улуши	*29,9%*	*13,0%*	*16,4%*	*13,6%*	*24,1%*
Жумладан:					
Енгилсаноат	7,5	3,9	4,4	4,7	6,6
Саноатдаги улуши	*12%*	*13%*	*10%*	*10%*	*5%*

Юқоридаги жадвалдан кўриш мумкинки, 2024 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш саноати тармоқларининг улуши 24,1 фоизни ташкил этган ҳолда ўсиш даржаси ўтган йилга нисбатан кескин ошган бўлсада, унинг таркибидаги енгилсаноат корхоналарининг асосий капиталини шакллантиришга жалб қилинган инвестицияларнинг қиймати миқдор жиҳатдан ошган бўлиб, ишлаб чиқариш саноатидаги улуши 5 фоизга тушиб кетган.

Макроиқтисодий таҳлилда кенг қўлланиладиган яна бир кўрсаткич – бу инвестиция нормаси (rate of investment) кўрсаткичи бўлиб, айнан асосий капиталга инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати билан аниқланади.

1-расм. Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқлари инвестиция нормаси[18]

Юқорида келтирилган 1-расмдан кўриш мумкинки, умумий иқтисодиёт бўйича инвестиция нормаси пандемия даврига келиб кескин пасайган бўлсада, 2024 йилга келиб пандемиядан олдинги ҳолатини деярли тиклаган ҳолда 41 фоизга чиққан. Ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича инвестиция нормаси пандемия давридан сўнг 2021 ва 2022 йилларда

[17] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika сайти маълумотлари асосида тайёрланди.
[18] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2024 йилга келиб 36 фоизга чиққан бўлсада, умумий инвестиция нормасидан паст даражада ва бу ҳолат тармоқда янги ўсиш нуқталарини, жумладан инвестициялардан самарадли фойдаланиш имконини берувчи инновацион лойиҳаларни топиш ва уларни молиялаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил қилишда фойдаланиладиган инвестиция мультипликатори коэффициенти муайян даврда иқтисодий ўсишнинг инвестициялар ўсишига нисбати билан аниқланади ва инвестициялардан кутилган иқтисодий ўсиш кўлами даражасини кўрсатади.



2-расм. Ишлаб чиқариш саноати тармоқларида инвестиция мультипликатори коэффициенти[19]

2-расм маълумотлари асосида хулоса қиладиган бўлсак, охирги йилларда ишлаб чиқариш саноати тармоқларига жалб қилинган инвестициялар мультипликатори коэффициентига пандемия шароити жиддий салбий таъсир кўрсатган, яъни жалб қилинган инвестциялар ҳисобига ЯИМ ўсиши таъминланмаган. 2024 йилга келиб асосий капиталга жалб қилинган инвестициялар ҳажмининг 249 фоизга ўсиши ушбу коэффициентнинг кескин пасайишини таъминлаган бўлиб, ушбу инвестициялар ҳисобига иқтисодиётнинг ўсиш суратлари келгуси йилларда намоён бўлади.

Мамлакат иқтисодиётнинг диверсификацияси кенгайган сари иқтисодиёт тармоқларининг турлари ҳам кенгаймоқда ва бугунги кунга келиб, уларнинг барчаси миллий иқтисодиётда ўз ўрнига эга бўлиши билан бирга, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва кўрсатаётган хизматлари билан импорт ўрнини босишда ҳам экспортда ҳам хорижий мамлакатларга рақобатбардош бўлиб бормоқда. Барчага маълумки, саноат тармоқлари ичида енгил саноат маҳаллий ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади, чунки у пахта, ипакчилик, трикотаж, тўқимачилик, тикувчилик, чарм ва пойафзал ишлаб чиқариш фаолиятларини мувофиқлаштирувчи ва ислоҳ қилувчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Енгил саноат тармоғи мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг кескин ривожланиш имкониятига эга бўлди. Тасдиғи сифатида шуни айтиш жоизки, собиқ иттифоқ даврида етиштириладиган пахта толасининг 90 фоиздан ортиғи бошқа давлатларга иттифоқ номидан экспорт қилинга бўлиб, пахта толаси, калава ип, газмол-мато маҳсулотлари сифатида қайта ишлаш умумий етиштирилган пахта хом ашёсининг 10 фоизини ҳам ташкил этмас эди.

Статистика агентлигининг маълумотларига кўра 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида 89,5 трлн. сўмлик тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2023 йилга нисбатан 11,1 фоизга ошган, жами саноат ишлаб чиқаришдаги ҳажми 10,1 фоизни

[19] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

ташкил этган. Экспорт ҳажми 2,9 млрд. АҚШ доллари бўлиб, мамлакат умумий экспорт ҳажмининг 10,6 фоизини ташкил этган. Жумладан, 1 124,5 млн. долларлик тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, 292,1 млн. долларлик трикотаж мато, 145,9 млн. долларлик газламалар ва 42,6 млн. долларлик пайпоқ маҳсулотлари экспорт қилинган.

Тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ва пайпоқлар якуний маҳсулот сифатида умумий экспортнинг 44,1 фоизини ташкил этмоқда.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистонга 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида хориждан қиймати 11,6 млн АҚШ долларига тенг бўлган 2,5 млн $м^2$ гилам импорт қилинган. Ўзбекистоннинг саноат усулида гилам ишлаб чиқишда Хитой, Туркия каби давлатлар билан ҳам ички ҳам ташқи бозорда рақобатлашиш тобора қийинлашиб бормоқда. Қўлда тўқилган жун гиламлар Эрон, Ҳиндистон ва Афғонистон томонидан жаҳон бозорида 1 м2 20 АҚШ долларигача, сифати, ранги ва дизайни жиҳатдан юқори бўлган Туркия гиламлари 1 м2 80 АҚШ долларидан сотилмоқда. Бозорда табий бўёқлар ишлатилган жун гиламларга талаб катта бўлиб, асосий бозори АҚШда ва улгуржи нархи 1 м2 100 АҚШ доллари, чакана нархи 300 АҚШ долларигача сотилмоқда.

Хулоса.

Тадқиқот натижалари асосида хулоса қиладиган бўлсак, ишлаб чиқариш саноати тармоқлари, хусусан енгил саноат корхоналарига жалб қилинган инвестициялар самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўлларидан бири, соҳадаги янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ва уларга сармоя киритилдан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, енгил саноатга жалб қилинган инвестициялар самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Енгилсаноат маҳсулотлари бўйича миллий брендларни шакллантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ стратегияни ишлаб чиқиш ва молиялаштириш механизмини яратиш;

2. Пахта хом ашёсини етиштириш мақсадида қишлоқ хўжалиги кластерларига ажратилган имтиёзли кредитларнинг муддатини кластерлар томонидан пахта хом-ашёсин қабул қилгандан якуний маҳсулотни сотгунча бўлган даврга мослаштириш. Кредит муддатининг қисқалиги оқибатида кластерлар томонидан кредит тўловларини тўлаш мақсадида якуний маҳсулотга етказилмасдан ярим тайёр маҳсулот шаклида сотилмоқда. Якуний маҳсу-лотга етказилган тақдирда ҳам яратилган қўшимча қиймат муддати ўтган кредитлар фоиз ва пеня тўловларига тўланмоқда.

3. Фермер хўжаликлари ва бозорда рақобатбардош, ўзининг брендини яратадиган кластерлар манфаатларини ҳимоялаш, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида кластерлар молиявий ҳолатини кўрсат-кичларини, ишончлилик даражасини кўрсатувчи “Қишлоқ хўжалиги кластер-лари рейтинги”ни яратиш. Бугунги кунда бозорда янги ташкил этилган, моддий ва молиявий имкониятлари паст бўлган қишлоқ хўжалиги кластерлари фермер хўжаликларига асосланмаган шартларда ва нархларда пахта хом ашёси сотиб олиш бўйича шартномалар таклиф этмоқда ва оқибатда фермер хўжаликлари томонидан сотилган хом ашё учун маблағларни ундиришда муаммолар юзага келмоқда.

4. Ўзбек миллий гиламчилигини ривожлантириш, хусусан қўлда тўқиладиган экспортбоп жундан (шол ва патли) гилам тўқишни ривожлантириш мақсадида, қўлда тўқиладиган гиламчилик кооперациясини ташкил этиш;

5. Қўлда тўқиладиган гиламчиликни ривожлантиришга қаратилган миллий гиламчилик жамғармасини ташкил этиш;

6. Халқаро гилам кўргазмаларида фаол иштирок этиш орқали буюртмалар олиш, миллий брендни шакллантириш.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 2019 йил 25 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон – 2030” стратегияси, 2023 йил 11 сентябрь, ПФ-158-сон Тошкент ш.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сон қарори “Ўзбекистон Республикасининг 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” https://www.lex.uz/ru/docs/6329448.
4. Валиев Б.Б. “Ҳудудларда юқори инвестицион салоҳиятни таъминлашда инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш”, Иқтисодиёт ва таълим; 2020 йил, 5-сон.
5. Ҳамдамов О.Н, “Иқтисодиётга инвестициялар жалб қилишнинг жорий ҳолати таҳлили ва истиқболлари”, Тошкент молия институти “Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар” кафедраси доценти, PhD, Иқтисод ва молия/Экономика и финансы 2021, 10(146).
6. https://yuz.uz/news/asosiy-kapitalga-ozlashtirilgan-investitsiya-uzoq-vaqt-barqaror-foyda-kelishi-kafolati

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

INNOVATSIYA FAOLIYATINI MOLIYALASHTIRISHNING SAMARALI TIZIMINI SHAKLLANTIRISH YO‘NALISHLARI

Shayakubov Shaxzod Shakabilovich
katta o‘qituvchi
Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti
shaxzod090179@gmail.com
Orcid: 0009-0006-5588-866X

Annotatsiya: *Maqolada innovatsiyalarning mazmun-mohiyati, xususiyatlari, innovatsiya faoliyatini moliyalashtirishning nazariy asoslari yoritilgan. Yalpi ichki mahsulot va innovatsiya faoliyatini moliyaviy qo‘llab-quvvatlash xarajatlari miqdori va o‘zgarish tendensiyasi tahlil qilingan. O‘zbekistonda innovatsiyalarga xarajatlarni moliyalashtirish manbalari bo‘yicha taqsimlanishi tadqiq etilgan. Korxonalarning innovatsiya faoliyatini moliyalashtirish tizimi samaradorligini ta’minlashning SWOT tahlili ko‘rib chiqilgan. Shuningdek, tadqiqot natijalari asosida innovatsiya faoliyatini moliyalashtirishni takomillashtirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqilgan.*

Kalit so‘zlar: *innovatsiya, investitsiya, moliyalashtirish, samaradorlik, yalpi ichki mahsulot, innovatsiya faoliyati, moliyalashtirish manbalari, texnika va texnologiyalar, ilmiy-tadqiqotlar va tajriba-konstruktorlik ishlanmalari, patentlar, venchur va startaplar, loyihalar.*

DIRECTIONS FOR FORMING AN EFFECTIVE SYSTEM OF FINANCING INNOVATION ACTIVITIES

Shayakubov Shaxzod Shakabilovich
head teacher
Tashkent State University of Economics
shaxzod090179@gmail.com
orcid: 0009-0006-5588-866X

Annotation: *The article examines the essence, features of innovations, theoretical foundations of financing innovation activities. The volume and trend of changes in the gross domestic product and expenses for financial support of innovation activities are analyzed. The distribution of expenses on innovations in Uzbekistan by sources of financing is studied. A SWOT analysis of ensuring the effectiveness of the system of financing innovation activities of enterprises is considered. Based on the research findings, recommendations have been developed to improve the financing of innovation activities.*

Keyworks: *innovation, investment, financing, efficiency, gross domestic product, innovation activities, sources of financing, methods and technologies, research and development, patents, enterprises and start-ups, projects.*

НАПРАВЛЕНИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ЭФФЕКТИВНОЙ СИСТЕМЫ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Шаякубов Шахзод Шакабилович
Старщий преподователь
Ташкентский государственный экономический университет
shaxzod090179@gmail.com
orcid: 0009-0006-5588-866X

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Аннотация: В статье рассматриваются сущность, особенности инноваций, теоретические основы финансирования инновационной деятельности. Проанализированы объем и тенденция изменения ВВП и расходов на финансовую поддержку инновационной деятельности. Изучено распределение расходов на инновации в Узбекистане по источникам финансирования. Рассмотрен SWOT-анализ обеспечения эффективности системы финансирования инновационной деятельности предприятий. Также по результатам исследования разработаны рекомендации по совершенствованию финансирования инновационной деятельности.

Ключевые слова: инновации, инвестиции, финансирование, эффективность, валовой внутренний продукт, инновационная деятельность, источники финансирования, техника и технологии, исследования и разработки, патенты, венчуры и стартапы, проекты.

Kirish.

Jahonda innovatsiyalar – iqtisodiy o‘zgarishlar va rivojlanishning asosiy omili, ijtimoiy va iqtisodiy taraqqiyotni ta’minlovchi kuchdir. Innovatsiyalarni rag‘batlantirish va innovatsiya faoliyatini jadallashtirish rivojlangan mamlakatlar iqtisodiy siyosatining asosiy strategik maqsadiga aylangan bo‘lib, rivojlanayotgan mamlakatlarda tobora yuqori ahamiyat kasb etmoqda. Innovatsiya faoliyatining, xususan, ilmiy-tadqiqotlar va tajriba-konstruktorlik ishlanmalari (ITTKI), patentlar, venchur va startaplar, texnologik jihatdan murakkab tovarlarni eksport-import qilish, xizmatlar, yangi korxonalarga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni yo‘naltirish kabilarning rivojlanishi jahon iqtisodiyotining transformasiyalashuviga olib keldi. Jahon bankining ma’lumotlariga ko‘ra, “dunyoning barcha mintaqalari innovatsiya faoliyatini rivojlantirish uchun investitsiyalarni ko‘paytirdi. Natijada, “innovatsion faoliyat taraqqiyoti uchun global xarajatlar 20 yil ichida 4 barobarga oshdi va deyarli 2,5 trillion AQSh dollarini tashkil qildi yoki global yalpi ichki mahsulotning 2,5 foiziga yetdi” [1]. Shu munosabat bilan bugungi kunda korxonalar tomonidan innovatsiya faoliyatini moliyalashtirishning samarali tizimini shakllantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda.

O‘zbekistonda so‘nggi yillarda innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirish, biznes va investitsiya muhitini yaxshilash bo‘yicha jadal islohotlar olib borilmoqda. 2019-2021- yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasining amalga oshirilishi natijasida iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohada, shu jumladan qishloq xo‘jaligi, energetika, qurilish, ta’lim, sog‘liqni saqlashda innovatsion va texnologik rivojlanishni ta’minlash va rag‘batlantirish borasida katta yutuqlarga erishildi. O‘zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasini 2022- 2026-yillarda amalga oshirishda innovatsion infratuzilma subyektlari tarmog‘ini shakllantirish orqali startap tashabbuslarni qo‘llab-quvvatlash hamda yirik hajmli ishlab chiqarishni tashkil etish, innovatsion faoliyatni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning institusional mexanizmlarini takomillashtirish, kichik tadbirkorlikning innovatsion faolligini oshirish orqali hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy jadal rivojlantirishni ta’minlash, yangi turdagi mahsulotlar va innovatsion texnologiyalarni yaratishning g‘oyadan yakuniy iste’molchigacha bo‘lgan kompleks tizimini ta’minlash orqali innovatsiyalarga bo‘lgan talabni rag‘batlantirish, yaratilgan kapitalni “tubdan yangilovchi” innovatsiyalarga qayta yo‘naltirish tizimini shakllantirish kabi chora- tadbirlar belgilandi. “2026-yilga kelib, innovatsion tadbirkorlik natijasida yaratiladigan yangi ish o‘rinlari sonini 4 baravarga oshirish, ichki va tashqi bozorlarda tijoratlashtirish natijasida yaratiladigan yangi innovatsion ishlanmalar sonini 2 baravarga oshirish, hududlarda yaratiladigan yangi texnologiyalar sonini 384 tagacha oshirish, xorijiy tashkilotlar bilan hamkorlikda amalga oshirilayotgan ilmiy, innovatsion va texnologik loyihalar sonini 183 tagacha oshirish” [2] singari ustuvor vazifalar korxonalarning investitsiya faoliyatini moliyalashtirishning samarali tizimini shakllantirish, bu borada tegishli ilmiy tadqiqotlar olib borish va ilmiy asoslangan taklif-tavsiyalar ishlab chiqish zarurligini taqozo etadi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi.

Innovatsiya (“ingliz tilida innovation – kiritilgan yangilik, ixtiro” [3]) texnika va texnologiyalarning yangi avlodlarini joriy etish maqsadida iqtisodiyotga sarflangan mablag‘larni anglatadi hamda ilg‘or texnika- texnologiya, boshqaruv va boshqa sohalarda yangiliklar va ularning turli sohalarga joriy qilinishini ifodalaydi. “Innovatsiya” atamasi yillar davomida mavjud bo‘lgan bo‘lsa-da, faqat XIX asr oxiri XX asr boshlarida maxsus ilmiy o‘rganish mavzusiga aylandi.

Innovatsiyalarning mazmunini xorijlik olimlardan J.Shumpeterning so‘zlari bilan ifodalaganda “inson faoliyatining turli turlariga ushbu faoliyat samaradorligini oshiradigan yangi elementlarni (turlarni, usullarni) kiritish” [4], deb tushunish mumkin. Olimning fikricha, iqtisodiy faoliyatga aynan innovatsion yondashuv – har bir davr iqtisodiy tizimining rivojlanish darajasini belgilab beradi. Uning ta’limotiga ko‘ra, iqtisodiy o‘sishga kichik biznes, tadbirkorlikni rivojlantirish orqali erishish mumkin. Innovatsion faoliyatni moliyalashtirish faqat tadbirkorlarning ishi bo‘lib qolmasligi kerak, balki iqtisodiy tizimni o‘zgartirishga qaratilgan strategik yo‘nalish bo‘lishi lozim.

M.Porter “raqobatbardoshlik va innovatsiyaning o‘zaro bog‘liqligini iqtisodiy model orqali tahlil qilgan” [5]. Uning fikricha, innovatsion faoliyatni moliyalashtirishda turli moliyaviy manbalarning muvozanatli ishlashi muhimdir. Davlat va xususiy sektor hamkorlik orqali innovatsion loyihalarni qo‘llab- quvvatlash samaradorlikni oshiradi.

P.Druckerning ilmiy ishlarida “innovatsiyalarning korxona muvaffaqiyatiga ta’siri o‘rganilib, korporativ strategiyalarda innovatsion yondashuvni qo‘llash muhimligi” [6], qayd etilgan. Olimning tadqiqotlarida innovatsiyalarni moliyalashtirish, nafaqat, moliyaviy yordam bilan bog‘liq, balki samarali boshqaruv tizimi va uzoq muddatli strategiyalar bilan qo‘shilishi kerakligi isbotlangan va moliyalashtirish strategiyasi aniq maqsadlarga yo‘naltirilgan bo‘lishi lozim.

Xorijlik olimlarning nazariyalariga ko‘ra, innovatsiyaning o‘ziga xos xususiyati va ahamiyati shundaki, ishlab chiqarish sohasidagi yangiliklarni nafaqat texnologiyada, balki ishlab chiqarishni tashkil etishda hamda tadbirkorning ongli faoliyati natijasi bo‘lgan sifat o‘zgarishlarda ham ko‘rish mumkin. Innovatsiya tadbirkor tomonidan amalga oshiriladigan ishlab chiqarish sharoitlari va omillarining yangi kombinatsiyasidir.

Mahalliy olimlardan prof. T.Malikov va O.Olimjonov fikricha “Mamlakat raqobatbardosh iqtisodiyotining yadrosini yuqori qo‘shilgan qiymat va yuqori darajada qayta ishlanadigan mahsulotlar ishlab chiqaradigan innovatsion asosdagi yangi tarmoqlar tashkil etmog‘i lozim” [7].

Darhaqiqat, innovatsiyalar mamlakatlarning iqtisodiy rivojlanishi va raqobatbardoshligini oshirishda muhim rol o‘ynaydi va mahsulotlar, xizmatlar yoki jarayonlarning yaxshilanishiga olib keladigan yangi g‘oyalar, texnologiyalar yoki usullarni joriy etish jarayonini nazarda tutadi.

X.Abdukarimov, I.Jumayev, B.Raximov kabi tadqiqotchilar innovatsion faoliyatni moliyaviy qo‘llab-quvvatlashning o‘ziga xos jihatlarini o‘rganib, “davlat tomonidan beriladigan subsidiyalar va investitsion grantlarning ahamiyatiga alohida e’tibor qaratishgan” [8]. Bizning fikrimizcha, davlat innovatsion faoliyatni moliyalashtirishda faqatgina qo‘llab-quvvatlovchi emas, balki natijalarga yo‘naltirilgan mexanizmlar orqali samaradorlikni oshirishi lozim. Shu bilan birga, subsidiya va grantlarning natijadorligini baholash tizimi ishlab chiqilishi zarur.

I.Madaminovning dissertatsiya ishida “global pandemiyadan so‘ng qator davlatlardagi iqtisodiy inqiroz, korxonalarning mahsulot ishlab chiqarish va xizmatlardagi pul oqimlari harakatining cheklanganligi mamlakat milliy iqtisodiyotida innovatsion- investitsion faollikni ta’minlash zaruriyatini tug‘dirdi. Har qanday davlatning iqtisodiy tanazzuldan chiqishi va iqtisodiy taraqqiyotga erishishi hamda zamonaviy innovatsion iqtisodiyotni barpo etishi avvalo samarali innovatsiyalarga yo‘naltirilgan investitsiyalarga bevosita bog‘liqligi asoslangan” [9]. I.Madaminovning fikrlari pandemiya davrida va undan keyingi iqtisodiy inqiroz sharoitida

innovatsion investitsiyalarni strategik muhim element sifatida ko‘rsatadi. Unga ko‘ra, davlatning bu boradagi qo‘llab- quvvatlovi korxonalar barqarorligini ta’minlashda hal qiluvchi rol o‘ynaydi.

Keywords: *real sector, investments, project, investment project, financing, credit, borrowed funds, project financing, syndicated lending, state budget funds, foreign investments, investors' own funds, bonds, financial instruments, financial offer, stock market, production, industrial production, fixed capital, long-term investments, production capacities, infrastructure institutions, risks, public-private partnership, private sector.*

Kirish

Jahon miqyosida real sektorni rivojlantirish va sohaga investitsiyalar jalb qilish iqtisodiyotning ustuvor vazifalaridan biri hisoblanadi. Ushbu sektor ish o‘rinlarini yaratadi, yalpi ichki mahsulot (YAIM)ning sezilarli qismini ta’minlaydi va eksportga yo‘naltirilgan faoliyatni rag‘batlantirish orqali iqtisodiy o‘sishga imkon beradi. Real sektorning barqaror rivojlanishi milliy farovonlik, ijtimoiy barqarorlik va geosiyosiy mustaqillikka xizmat qiladi. Shu sababli, iqtisodiyotning real sektoriga investitsiyalarni jalb qilish, real sektordagi investitsion loyihalarni moliyaviy qo‘llab-quvvatlash mexanizmini takomillashtirish global miqyosdagi eng muhim vazifalardan biri bo‘lib qolmoqda. Jahon investitsiyalari bo‘yicha hisobot (World Investment Report 2025)da qayd etilishicha, “2024-yilda global to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar 11 foizga qisqarib, 1,51 trln. AQSH dollarini tashkil qildi, bu esa ushbu ko‘rsatkichning ketma-ket ikkinchi yil qisqarib borayotganligini anglatadi”[1]. So‘nggi yillarda global miqyosda iqtisodiyotning real sektoriga investitsiyalarni jalb qilish, ishlab chiqarish, bozor va ijtimoiy infratuzilmaga investitsiyalar kiritish sekinlashmoqda, “2024-yilda rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiyotini barqaror rivojlantirish uchun muhim bo‘lgan xalqaro loyihaviy moliyalashtirish 26 foizga kamaygan”[2]. Bunday holat aksariyat rivojlanayotgan mamlakatlar iqtisodiyotining real sektoriga investitsiyalarni faol jalb qilish va investitsion loyihalarning moliyalashtirilishini takomillashtirilishi zarurligini taqozo etadi.

Adabiyotlar sharhi

Uzoq xorijlik olimlardan Henry A.Davisning ilmiy ishlarida yirik sanoat loyihalarining moliyaviy ta’minoti loyihaviy moliyalashtirish asosida amalga oshirilishi zarurligi va bunda loyihaga sarflangan mablag‘lar (investitsiyalar, kreditlar) loyihadan keladigan daromadlar hisobidan qoplanishi kerakligi asoslab berilgan [3].

E.Canton tadqiqotlarida real sektordagi investitsiya loyihalarini moliyalashtirishda banklarning rolini kuchaytirish, moliyalashtirishning muqobil manbalari sifatida obligatsiyalar va qimmatli qog‘ozlar bozorlarini yanada rivojlantirish zarurligi ta’kidlangan [4].

Vivek Rao ilmiy tadqiqotlarida iqtisodiyotning real sektoridagi investitsion loyihalarni davlat-xususiy sheriklik asosida moliyalashtirish afzalliklari asoslab berilgan [5].

Yaqin xorijlik olimlardan I.Feofanovning dissertatsiya ishida real investitsiya loyihalarini moliyalashtirish manbalari o‘ziga xos tarzda tasniflangan [6].

V.Xalinning ilmiy ishida investitsiya loiyhalarini moliyalashtirishning shakllari va vositalari o‘zaro bog‘liqlikda tadqiq qilingan [7].

Ye.I.Markovskaya investitsion loyihalarni moliyalashtirishni tashkil etish – bu turli moliyaviy vositalardan foydalangan holda mablag‘larni investitsiyalash orqali investitsiya loyihasini amalga oshirishga qaratilgan jarayon sifatida ta’riflagan [8].

L.I.Yuzvovichning o‘zining doktorlik dissertatsiyasida real investitsiyalarni moliyalashtirishning asosiy manbalari bo‘lmish o‘z kapitali va qarz kapitalining afzalliklari va kamchiliklari tahlil qilingan [9].

Mahalliy iqtisodchi-olimlardan D.G‘ozibekovning fikricha, investitsiya loyihalarini

moliyalashtirishdagi asosiy muammolar investitsiyalarni moliyalashtirishda ichki manbalarning nisbatan cheklanganligi, chet el kapitali kelishining yetarli emasligi va bevosita xorijiy investitsiyalar hissasining pastligi, chet el kapitalining kirib kelishida chet el kreditlari rolining yuqoriligi, moliyalashtirishda davlat mexanizmlarining ustuvorligi va bozor mexanizmlarining sust rivojlanganligi asoslab berilgan [10].

Tadqiqot metodologiyasi

Mazkur ilmiy maqolada iqtisodiyotning real sektorida investitsiya loyihalarini moliyalashtirishning ilmiy-nazariy asoslarini o‘rganish maqsadida zamonaviy iqtisodiy nazariya va amaliyotda keng qo‘llaniladigan bir necha tadqiqot metodlaridan foydalanildi. Tadqiqot jarayonida quyidagi metodologik yondashuvlar va uslublar asos bo‘lib xizmat qildi:

1. Tahliliy-sintetik metod. Mavjud iqtisodiy adabiyotlar, xalqaro va milliy tadqiqotlar tahlil qilindi va ular asosida real sektordagi investitsiya loyihalarini moliyalashtirishning asosiy xususiyatlari, muammolari sintez qilindi. Ilmiy manbalar asosida umumlashmalar chiqarildi.
2. Qiyosiy-tahliliy metod. Turli nufuzli universitetlar va xalqaro tashkilotlarning real sektordagi investitsiya loyihalarini moliyalashtirish bo‘yicha yondashuvlari o‘zaro solishtirildi.

Tahlil va natijalar

Iqtisodiyotning real sektoriga investitsiyalarni jalb qilish, ushbu sektordagi investitsiya loyihalarini moliyalashtirishni takomillashtirish masalalari iqtisodchi-olimlar tomonidan turlicha talqin qilingan.

AQSHning Virjiniya universiteti Darden Biznes Maktabi professori Henry A.Davisning ilmiy ishlarida “yirik sanoat loyihalarining moliyaviy ta’minoti loyihaviy moliyalashtirish asosida amalga oshirilishi zarur. Bunda loyihaga sarflangan mablag‘lar (investitsiyalar, kreditlar) loyihadan keladigan daromadlar hisobidan qoplanishi kerakligi” [11] asoslab berilgan. Bu fikr iqtisodiy nuqtai nazardan to‘g‘ri va o‘rinli hisoblanadi. Chunki yirik sanoat loyihalarini amalga oshirishda loyihaviy moliyalashtirish (Project Financing) prinsiplariga asoslanish – zamonaviy va barqaror yondashuvlardan biri sifatida keng qo‘llanilmoqda. Bu prinsipning mazmuni loyiha o‘zini o‘zi qoplashi zarurligini bildiradi. Bu esa moliyaviy barqarorlikni ta’minlaydi va risklarni pasaytiradi. Biroq, yirik sanoat loyihalari doimo tezda daromad olib kelmaydi. Masalan, infratuzilma, energetika, kimyo, mashinasozlik kabi sohalarda investitsiya davri uzoq va daromad kechikib keladi. Ko‘pgina moliyaviy institutlar (banklar, xalqaro tashkilotlar) loyihaning o‘zidan keladigan daromadga tayanishni yetarli, deb hisoblamaydi. Ular qo‘shimcha kafolatlar (davlat kafolati, aktivlar garovi) talab qilishadi. Bu esa loyihani amalga oshirishni qiyinlashtiradi. Bir vaqtning o‘zida ijtimoiy ahamiyatli, lekin daromadsiz loyihalar chetda qolishi mumkin. Masalan, ekologik tozalash, ijtimoiy infratuzilma (maktab, shifoxona) kabi loyihalar moliyaviy daromad keltirmasa-da, jamiyat uchun juda muhim. Agar faqat “o‘zini qoplaydigan” loyihalarga e’tibor berilsa, bunday ijtimoiy loyihalar e’tibordan chetda qoladi. Shu munosabat bilan real sektorda faqat loyihaviy moliyalashtirishga tayanish – yirik sanoat loyihalarini amalga oshirishda harakat doirasini cheklab qo‘yishi, xavf yuqori loyihalarni chetga chiqarishi va ijtimoiy ahamiyatga ega, lekin daromad keltirmaydigan loyihalarni inkor etishi mumkin.

Yevrokomissiyaning tadqiqotlar va innovatsiyalar bo‘yicha iqtisodchisi, ekspert E.Canton tadqiqotlarida “ishlab chiqarish va eksportga yo‘naltirilgan investitsiya loyihalarini amalga oshirishda moliyaviy resurslardan foydalanish, resurslarni taqsimlash bilan bog‘liq muammolar loyihani moliyalashtirish uchun investitsiyalarni, shu jumladan, xorijiy investitsiyalarni jalb qilishga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Shu bois loyihalarni moliyalashtirishda banklarning rolini kuchaytirish, moliyalashtirishning muqobil manbalari sifatida obligatsiyalar va qimmatli qog‘ozlar bozorlarini yanada rivojlantirish” [12] zarurligi ta’kidlangan. Mazkur xulosa juda asosli va dolzarb, chunki u sanoat va eksportni rivojlantirishdagi moliyaviy mexanizmlar bilan bog‘liq real muammolarga e’tibor qaratadi va samarali yechim yo‘llarini taklif etadi. Ishlab chiqarish va eksportga yo‘naltirilgan loyihalarga resurslar kerak, lekin resurslarni taqsimlashdagi

muammolar va samarasizliklar investorlarni (xususan, xorijliklarni) cho‘chitadi, loyihalarni amalga oshirish sur’atini pasaytiradi. Shuning uchun, banklar rolini kuchaytirish, obligatsiyalar va qimmatli qog‘ozlar bozorini rivojlantirish orqali moliyalashtirish imkoniyatlarini kengaytirish zarur. Banklar rolini kuchaytirish to‘g‘ri yo‘nalish, chunki investitsiya loyihalarini moliyaviy tahlil qilishda banklar professional, mablag‘lar oqilona taqsimlanadi, bank nazorati moliyalashtirishning samaradorligini oshiradi. Ammo, bank tizimi ham yetarli darajada likvid, raqobatbardosh va himoyalangan bo‘lishi kerak. Muqobil moliyalashtirish manbalari, ya’ni korporativ obligatsiyalar chiqarish, IPO (aksiyalar chiqarish) orqali investitsiya jalb qilish xalqaro amaliyotda samarali moliyalashtirish vositalaridan hisoblanadi.

Osiyo taraqqiyot banki eksperti Vivek Rao ilmiy tadqiqotlarida “iqtisodiyotning real sektoridagi investitsion loyihalarni davlat-xususiy sheriklik asosida moliyalashtirish afzalliklari asoslab berilgan. Xususan, loyihani moliyalashtirishda bir necha moliyaviy manbalarning ishtiroki va risklarning loyiha ishtirokchilari o‘rtasida taqsimlanishi moliyalashtirishning samaradorligini ta’minlaydi” [13]. Mazkur yondashuvga ham ijobiy, ham salbiy fikr bildirish mumkin. Ijobiysi shundaki, loyiha uchun zarur mablag‘larni faqat davlat yoki faqat xususiy sektor emas, ikkalasi birgalikda ta’minlaydi va bu davlat byudjetiga tushadigan moliyaviy yukni kamaytiradi. Risklarning ishtirokchilar o‘rtasida taqsimlanishi moliyalashtirishdagi xavflarni kamaytiradi va xususiy sektorni loyihalarga faol ishtirok etishga undaydi. Loyihada davlatning ishtiroki – ishonch belgisi bo‘ladi. Shu bois, tijorat banklari, xalqaro moliya institutlari loyihani moliyalashtirishga moyil bo‘ladi. Ammo, manfaatlar qarama-qarshiligi ham mavjud. Davlat – ijtimoiy samaradorlik, xususiy sektor – iqtisodiy foydani ko‘zlaydi. Umuman, davlat-xususiy sheriklik – investitsiya loyihalarini moliyalashtirishni diversifikatsiya qilish, risklarni taqsimlash va investitsiya muhitini yaxshilash uchun samarali vosita hisoblanadi. Biroq, huquqiy va institusional muhit barqaror bo‘lmasa, manfaatlar ziddiyati va risklarning noto‘g‘ri taqsimlanishi tufayli bunday loyihalar samarsiz yakun topadi.

Rossiyalik iqtisodchi-olimlardan I.Feofanovning dissertatsiya ishida real investitsiya loyihalarini moliyalashtirish manbalari o‘ziga xos tarzda tasniflangan, ya’ni “investorning o‘z mablag‘lari, investorning jalb qilgan mablag‘lari, investorning qarzga olgan mablag‘lari va xorijiy investitsiyalar”[14]. Uning fikricha, investitsion loyihalarni moliyalashtirishda qo‘llanilayotgan usul zarur investitsiya hajmini ta’minlashi, investitsiya tuzilmasini optimallashtirishi, kapital xarajatlarni va loyiha xavfini kamaytirishga ta’sir qilishi va jalb qilingan moliyaviy resurslar hajmi va olingan foyda miqdorini muvozanatlashi kerak. So‘nggi bildirilgan fikrning amaliy ahamiyati yuqori. Biroq, investitsiya loyihalarini moliyalashtirish manbalarining tasnifi munozaralidir. Jumladan, manbalar tasnifida davlat byudjeti mablag‘lari hisobga olinmagan, vaholanki davlat ham yirik investor sifatida real sektordagi loyihalarni moliyalashtirishda faol ishtirok etadi.

Fikrimizcha, investitsiya loyihalarini moliyalashtirishga turli manbalarni jalb qilish xavfni kamaytiradi, bir manbaga bog‘liqlikni yo‘qotadi. Agar faqat o‘z mablag‘lar bilan cheklanilsa, ko‘pgina istiqbolli loyihalar amalga oshmay qolish ehtimoli yuqoridir. Qarz mablag‘lari, xorijiy investitsiyalar yoki sheriklar mablag‘i kapital yetishmovchiligini bartaraf etadi. Xorijiy investitsiyalar – texnologiya va tajriba manbaidir. Faqat pul emas, ilg‘or texnologiya, boshqaruv madaniyati va yangi bozorlar ham olib kiriladi. Natijada, real sektorda raqobatbardoshlik oshadi. Qarz mablag‘lari tez rivojlanish imkonini beradi. Agar loyiha yuqori rentabellikka ega bo‘lsa, qarz olish orqali katta hajmda investitsiya kiritish mumkin bo‘ladi. Qarzning foizidan yuqori daromad olish orqali kreditni qaytarish osonlashadi. Lekin, qarzga bog‘liqlik xatarli bo‘lishi mumkin Loyiha natijasi kutilganday bo‘lmasa, qarzni qaytarish qiyinlashadi va foiz to‘lovlari biznesni zararga kiritishi mumkin. Qarz yuki ortishi korxonaning moliyaviy barqarorligiga xavf tug‘diradi. Haddan tashqari xorijiy investitsiyalarga suyanish – iqtisodiy mustaqillik va xavfsizlikka ta’sir qilishi mumkin. Umummilliy manfaatlar bilan tashqi investorlar manfaatlari har doim mos kelavermaydi. O‘z mablag‘lar yetarli bo‘lmasa, moliyalashtirish murakkablashadi.

Agar investorning shaxsiy kapitali juda kam bo‘lsa, jamg‘armalar, banklar yoki xorijiy investorlar ishonch bildirmasligi mumkin. Bu loyihaning moliyalashtirilishiga to‘siq bo‘ladi.

Investitsiya loyihalarini bir necha turdagi moliyaviy manbalar orqali moliyalashtirish – iqtisodiy samaradorlik, moliyaviy xavflarni boshqarish va investitsiya salohiyatini ro‘yobga chiqarishda muhim ahamiyatga ega. Agar mablag‘ manbalari noto‘g‘ri tanlansa yoki noto‘g‘ri boshqarilsa, qarz yuki, sheriklar o‘rtasida nizo, xorijiy ta’sir ostida qolish va loyiha samaradorligining pasayishiga olib kelishi mumkin.

V.I.Xalinning ilmiy ishida investitsiya loiyhalarini moliyalashtirishning shakllari va vositalari o‘zaro bog‘liqlikda tadqiq qilingan. Muallif “budjet mablag‘lari hisobidan moliyalashtiriladigan investitsiya loyihalarini boshqarishda eng yaxshi yechim sifatida konsessiyalarni qo‘llashni taklif qiladi” [15]. Bunga ijobiy va salbiy munosabat bildirish mumkin. Konsessiya shartnomasida davlat aktivini (masalan, yer, infratuzilma yoki loyiha huquqini) xususiy sektorga vaqtinchalik foydalanishga beradi, lekin budjetdan to‘g‘ridan-to‘g‘ri mablag‘ ajratmaydi. Bu davlat uchun budjet yukini kamaytiradi. Konsessiya asosida loyiha boshqaruvi samaradorlik, innovatsiya va raqobat tamoyillari asosida yuritiladi. Bu xizmatlar sifati va ishlab chiqarish unumdorligini oshiradi. Loyiha bilan bog‘liq moliyaviy, operatsion va boshqa risklar davlat va konsessioner (xususiy sherik) o‘rtasida taqsimlanadi. Davlat faqat asosiy nazoratni saqlab qoladi. Konsessiyalar odatda uzoq muddatli (10-30 yil) bo‘ladi, bu esa barqaror rejalashtirish va investitsiya muhitini ta’minlaydi. Konsessiyalar orqali davlat aktivlariga xususiy sektor sarmoya kiritadi – bu budjet xarajatlarisiz infratuzilma yoki ishlab chiqarish tarmoqlarini rivojlantirishga imkon beradi. Ammo, xususiy sektor foyda ortidan quvadi, davlat esa ijtimoiy manfaatni ko‘zlaydi. Konsessiya shartnomalarida shaffoflik yetishmasligi mumkin. Agarda tanlovlar, tenderlar yoki shartnoma shartlari ochiq va adolatli bo‘lmasa, bu korruptsion xavflarga olib keladi. Umuman, konsessiyalar budjet mablag‘lari hisobidan moliyalashtiriladigan investitsiya loyihalarini samarali boshqarish, xususiy sektor tajribasi va resurslaridan foydalanish, risklarni taqsimlash va xizmat sifatini oshirish uchun muhim vosita bo‘lishi mumkin. Lekin, konsessiyalar noto‘g‘ri boshqarilsa yoki shartnomalar shaffof va adolatli tuzilmasa, ijtimoiy manfaatlar e’tibordan chetda qolishi, korruptsiya xavflari va uzoq muddatda davlat manfaatlarining cheklanishi ehtimoli mavjud.

Ye.I.Markovskaya “Investitsion loyihalarni moliyalashtirishni tashkil etish – bu turli moliyaviy vositalardan foydalangan holda mablag‘larni investitsiyalash orqali investitsiya loyihasini amalga oshirishga qaratilgan jarayon” [16], deb ta’kidlaydi. Ushbu ta’rif moliyalashtirishning mohiyatini to‘g‘ri ifodalaydi. Turli moliyaviy vositalardan foydalanish orqali investitsiya loyihalarini amalga oshirish – zamonaviy iqtisodiy amaliyotning muhim yo‘nalishi hisoblanadi. Moliyaviy vositalar orqali mablag‘larni to‘plash va undan to‘g‘ri foydalanish loyiha muvaffaqiyatining asosiy shartidir. “Turli moliyaviy vositalar” deb ta’rif berilishi juda o‘rinlidir. Chunki bu shaxsiy mablag‘lar, bank kreditlari, obligatsiyalar va aksiyalar, lizing, franchayzing, xalqaro investitsiyalar, grantlar va boshqalar bo‘lishi mumkin. Bu vositalarning har biri muayyan sharoitda samarali bo‘lishi mumkin. Shu bois, diversifikatsiyalangan yondashuv talab etiladi. Bu yerda moliyalashtirish “faoliyat” emas, balki jarayon sifatida berilgan. Jarayon esa rejalashtirish, manbalarni aniqlash, sarflash, nazorat va baholash bosqichlarini qamrab oladi. “Loyihani amalga oshirishga qaratilgan” deb ta’kidlangani ham muhim jihat. Sababi, moliyalashtirishning asosiy maqsadi loyihani hayotga tatbiq etish, ya’ni investitsiyani real natijaga aylantirishdir. Shu bilan birga, moliyalashtirish nafaqat mablag‘ to‘plash, balki qarz, xavf, likvidlik, valyutalar, foiz stavkalari va bozor xavflarini boshqarishni ham o‘z ichiga oladi. Moliyalashtirishning maqsadi faqat loyihani amalga oshirish emas, balki uning iqtisodiy va ijtimoiy samaradorligini ta’minlashni ko‘zda tutadi.

L.I.Yuzvovichning doktorlik dissertatsiyasida real investitsiyalarni moliyalashtirishning asosiy manbalari bo‘lmish o‘z kapitali va qarz kapitalining afzalliklari va kamchiliklari tahlil qilingan. “Faqatgina o‘z kapitalidan foydalanadigan korxona eng yuqori moliyaviy barqarorlikka ega, lekin uning rivojlanish sur’atini cheklaydi (qulay bozor sharoitlari davrida zarur qo‘shimcha

aktivlar hajmini shakllantirishni ta’minlay olmaydi) va investitsiya qilingan kapitaldan foydani oshirish uchun moliyaviy imkoniyatlarni amalga oshirmaydi. O‘z navbatida, qarz kapitalidan foydalanadigan korxona o‘z rivojlanishi uchun yuqori moliyaviy salohiyatga va o‘z faoliyatining moliyaviy rentabelligini oshirish imkoniyatlariga ega, lekin ko‘proq darajada moliyaviy risk va bankrotlik xavfini keltirib chiqaradi” [17]. Fikrimizcha, o‘z kapitali – xavfsizroq, lekin cheklangan imkoniyatlar beradi. Kichik va o‘rta loyihalar uchun mosdir. Qarz kapitali – katta loyihalarni amalga oshirishda samarali, lekin xavfli va moliyaviy bosim yuqori bo‘ladi. Shu bois eng samarali usul – o‘z va qarz kapitali aralashmasi, ya’ni optimal kapital tarkibini topish muhimdir. Bunda risk va foyda muvozanatlashtiriladi.

Mahalliy iqtisodchi-olimlardan D.G‘ozibekovning fikricha, “investitsiya loyihalarini moliyalashtirishdagi asosiy muammolar investitsiyalarni moliyalashtirishda ichki manbalarning nisbatan cheklanganligi, chet el kapitali kelishining yetarli emasligi va bevosita xorijiy investitsiyalar hissasining pastligi, chet el kapitalining kirib kelishida chet el kreditlari rolining yuqoriligi, moliyalashtirishda davlat mexanizmlarining ustuvorligi va bozor mexanizmlarining sust rivojlanganligi, investitsiya jarayonining mintaqaviy notekisligi, eksport tarkibida noan’anaviy bo‘lgan mahsulotlarni ko‘paytiradigan loyihalar hissasining pastligi, ichki bank kreditini jalb qilishning yetarli emasligi, valyuta loyihalarida boy mahalliy xomashyo ryesurslaridan kam foydalanish, loyihalarni amalga oshirishda investitsion resurslarni baholash zarurati va boshqalar bilan belgilanadi” [18]. “O‘zbekistonga bevosita xorijiy investitsiyalarni ishlab chiqarish kapitali tarzida yangi loyihalarga jalb etilishi maqbulroqdir. Bu bilan ilg‘or, ekologik toza texnologiyalar, zamonaviy texnika va uskunalar, mehnatni oqilona tashkil etishni joriy qilish hisobiga sanoatning jadal rivojlanishini ta’minlash mumkin buladi” [19]. Ushbu fikr amaliy va strategik jihatdan asoslidir. Bevosita xorijiy investitsiyalar orqali ishlab chiqarish quvvatlari tashkil qilinsa, zamonaviy uskuna, yuqori samarador texnologiya va ishlab chiqarish tajribasi keladi. Bu esa mahalliy sanoatni modernizatsiya qilishda muhim ahamiyatga ega. Ko‘pgina xalqaro investorlar ekologik standartlarga qat’iy rioya qiladi, bu mahalliy korxonalarni ham “yashil texnologiyalar”ga o‘tishga majbur etadi. Uzoq muddatda bu barqaror rivojlanishni ta’minlaydi. Yangi texnologiyali ishlab chiqarish loyihalari eksportbop mahsulotlar ishlab chiqarishga yo‘naltirilishi mumkin, bu esa valyuta tushumini oshiradi. Ammo, strategik tarmoqlar (energetika, transport, telekommunikatsiya)da xorijiy kapital ustun bo‘lsa, bu davlatning iqtisodiy mustaqilligiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Bunday loyihalarni amalga oshirishda iqtisodiy xavflar, milliy manfaatlar, soliq siyosati va mahalliy ishlab chiqaruvchilarning manfaatlari ham hisobga olinishi shart. Har bir loyiha yuzasidan yuqori darajada tahlil, shartnoma va nazorat mexanizmi bo‘lishi lozim.

B.Tuxliyevning xulosalariga ko‘ra, “Mustaqil davlatlar hamdo‘stligi mamlakatlari iqtisodiyotida investitsiyalarni moliyalashtirish manbalari o‘ziga xos jihatlari bilan ajralib turadi. Buning asosiy sababini investitsiyalashning ichki va tashqi manbalari nisbatining o‘zgarishiga xos bo‘lgan bozor modeliga o‘tish davrida aksariyat korxonalarning bir tomondan ssuda va fond bozori kapitallaridan foydalana olish imkoniyatlarining cheklanganligi bilan, ikkinchi tarafdan esa, investitsiya faoliyatini moliyaviy ta’minlashda o‘zlarining yetarli mablag‘lariga ega emasliklari bilan bog‘lash mumkin” [20]. Bu fikr ham nazariy, ham amaliyot nuqtai nazaridan aniq va asosli xulosa hisoblanadi. Mustaqil davlat hamdo‘stligi (MDH) mamlakatlarida bozor iqtisodiyotiga o‘tish jarayonida moliyaviy tizim mukammal shakllanmagan. Bu, o‘z navbatida, investitsiya manbalaridan foydalanish imkoniyatini cheklaydi. Ko‘pgina korxonalar xususiylashtirilgan bo‘lsa-da, ularning o‘zining investitsiya uchun yetarli erkin mablag‘lari mavjud emas. Rivojlangan moliyalashtirish vositalarining yetarli emasligi ham ularning investitsiya faolligini pasaytiradi. Chet el investitsiyalariga talab yuqori, chunki ichki bozordagi moliyaviy mexanizmlar sust. Lekin bu ham ko‘p hollarda siyosiy barqarorlik, huquqiy kafolatlar, tashqi bozorlar sharoiti kabi omillarga bog‘liqdir. Fond bozori (birja) esa yetarli darajada rivojlanmagan, bu xalqaro amaliyotda investitsiyalarni jalb qilishning asosiy yo‘nalishi hisoblanadi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Tadqiqot natijalaridan kelib chiqib, iqtisodiyotning real sektorida investitsiya loyihalarini moliyalashtirish tizimini quyidagi rasm orqali tasvirlash mumkin (1–chizma).

1–chizma.

Iqtisodiyotning real sektorida investitsiya loyihalarini moliyalashtirish tizimi*



* Tadqiqot natijalari asosida muallif tomonidan tuzilgan.

Investitsiya loyihalarini moliyalashtirish jarayoni moliyalashtirish tizimi orqali namoyon bo‘ladi. Bunda investitsiya loyihalarini moliyalashtirish manbalari, usullari, shakllari, ob’yektlari, yo‘nalishlari, moliyalashtiruvchi muassasalar, moliyalashtirish shart-sharoitlari moliyalashtirish tizimini ifoda etadi. Bu tarkibiy qismlar o‘zaro aloqadorlikka ega va bir butunlikni ifodalaydi. Investitsiyalarni moliyalashtirish manbalari va investitsiyalarni

moliyalashtirish usullari tushunchalarini farqlash zarur. Investitsiyalarni moliyalashtirish manbalari bo‘lib, investitsiya resurslari sifatida foydalanish mumkin bo‘lgan pul mablag‘lari, ya’ni kreditlar, qarz mablag‘lari, o‘z mablag‘lari, davlat byudjeti mablag‘lari, xorijiy investitsiya va kreditlarni e’tirof etish mumkin. Investitsiyalarni moliyalashtirish usullari esa investitsiya jarayonini moliyalashtirish maqsadida investitsiya resurslarini jalb qilish mexanizmlaridir. Bular aksiyadorlik kapitali evaziga moliyalashtirish, kredit va qarz evaziga moliyalashtirish, davlat byudjeti evaziga moliyalashtirish va aralash moliyalashtirishdan iborat. Qayd etilgan moliyalashtirish usullarining har biri o‘zining afzalliklari va kamchiliklariga ega.

Xulosa

1. Shuni afsus bilan qayd etish zarurki, “O‘zbek tilining izohli lug‘ati”da “moliyalashtirish” tushunchasining izohi nazardan chetda qolgan. Holbuki, mazkur tushunchaning ekvivalenti dunyodagi boshqa xalqlarning tillarida mavjud. Xususan, “moliyaviy resurslar bilan ta’minlash, mablag‘ chiqarish (ajratish), mablag‘ bilan ta’minlash”[27] va shu kabilar. Demak, “investitsiya loyihalarini moliyalashtirish” deganda, eng avvalo, investitsiya loyihasini amalga oshirish uchun zarur moliyaviy resurslar bilan ta’minlash tushuniladi, degan mantiqiy xulosa kelib chiqadi.

2. Sanoat, qishloq xo‘jaligi, qurilish, transport, energetika hamda xizmat ko‘rsatish kabi ishlab chiqarish va real xizmat sohalarida amalga oshiriladigan investitsiya loyihalarini moddiy va nomoddiy resurslar bilan ta’minlashga iqtisodiyotning real sektorida investitsiya loyihalarini moliyalashtirish deyiladi. Bu jarayonning maqsadi – yangi ishlab chiqarish quvvatlarini yaratish, mavjudlarini modernizatsiya qilish, samaradorlikni oshirish va iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirishdan iboratdir. Qisqacha ifodalaganda, bu real sektordagi tarmoqlarda iqtisodiy foyda keltiradigan investitsiyaviy faoliyatni amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan mablag‘larni jalb qilish va samarali yo‘naltirish jarayonidir.

3. Iqtisodiyotning real sektoridagi investitsiya loyihalarini samarali moliyalashtirish – tarmoqlarni modernizatsiya qilish, raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarish va iqtisodiy o‘sishni ta’minlashning asosiy shartlaridan biridir. Moliyalashtirish manbalari qanchalik barqaror, shaffof va faol bo‘lsa, investitsiya loyihalarining hayotga tatbiq etilishi ham shunchalik samarali bo‘ladi. Bugungi kunda investitsiya loyihalarini moliyalashtirishning asosiy manbalari sifatida tijorat banklari kreditlari, davlat byudjeti mablag‘lari, xorijiy investitsiyalar, xalqaro moliyaviy institutlar mablag‘lari hamda davlat-xususiy sheriklik asosidagi loyihalar muhim o‘rin tutadi. Shu bilan birga, moliyalashtirish jarayonida qiyinchiliklar – kafolatlar yetishmasligi, loyihalarning biznes-rejasiga bo‘lgan talablar, past kredit reytingi yoki infratuzilmaning rivojlanmaganligi kabi omillar mavjud. Bularni bartaraf etish uchun moliya bozorini rivojlantirish, investitsiya muhitini yaxshilash, loyiha tahlil va monitoringini takomillashtirish zarur. Umuman, real sektorda investitsiya loyihalarini oqilona va maqsadli moliyalashtirish – iqtisodiyotni tubdan yangilash va barqaror o‘sishga erishishda hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Bu borada ayrim rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar tajribasi muhim ahamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. World Investment Report 2025: International investment in the digital economy | UN Trade and Development (UNCTAD). World Investment Report 2025.

2. Doklad OON za 2025 god preduprejdayet: globalnыye investisii ne sootvetstvuyut syelyam ustoychivogo razvitiya - Sigma Earth

3. Henry A.Davis. Project Finance: Practical Case Studies Second Edition VOLUME II

[27] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 5 жилдли. Ж.II. Е-М / Таҳрир ҳайъати Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. – Т.: ЎзМЭ, 2008. – Б. 611.; Русча-ўзбекча луғат. Икки томли. Т.II. П-Я. – Тошкент, 1984. 669-б.; Язык бизнеса. Термины. – Т.: Шарк, 1995. – С. 579.; Финансово-кредитный словарь. Т. III. Р-Я. – М.: Финансы и статистика, 1988. – С. 292.

Resources and Infrastructure. London. United Kingdom. 2003 Euromoney Institutional Investor PLC. Printed in England by The Cromwell Press, Trowbridge. – P. 23-24.

4. Erik Canton. Financing the real economy. ECFIN economic briefs are occasional working papers by the European Commission’s Directorate-General for Economic and Financial Affairs which provide background to policy discussions. Issue 30 | February 2014. – P. 5.

5. Vivek Rao. An empirical analysis of the factors that influence infrastructure project financing by banks in select asian economies. Asian development bank. August 2018 (An Empirical Analysis of Factors Influencing Project Financing by Banks of Infrastructure Public–Private Partnership Projects in Select Asian Economies).

6. Феофанов И.В. Финансирование инвестиционных проектов в реальном секторе экономики. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Екатеринбург: Уральский государственный экономический университет, 2007. – С. 14.

7. Халин В.И. Финансирование инвестиционных проектов на основе концессионного механизма. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Екатеринбург: Уральский государственный экономический университет, 2024. – С. 11.

8. Марковская Е.И. Организация финансирования инвестиционных проектов: теория и практика. Монография. – СПб.: Санкт-Петербургский государственный политехнический университет, 2013. – С. 6-7.

9. Юзвович Л.И. Финансирование реальных инвестиций: теория, методология, и практика. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. д.э.н. – Екатеринбург: Уральский государственный экономический университет, 2012. – С. 18.

10. ebook.tsue.uz.

11. Henry A.Davis. Project Finance: Practical Case Studies Second Edition VOLUME II Resources and Infrastructure. London. United Kingdom. 2003 Euromoney Institutional Investor PLC. Printed in England by The Cromwell Press, Trowbridge. – P. 23-24.

12. Erik Canton. Financing the real economy. ECFIN economic briefs are occasional working papers by the European Commission’s Directorate-General for Economic and Financial Affairs which provide background to policy discussions. Issue 30 | February 2014. – P. 5.

13. Vivek Rao. An empirical analysis of the factors that influence infrastructure project financing by banks in select asian economies. Asian development bank. August 2018 (An Empirical Analysis of Factors Influencing Project Financing by Banks of Infrastructure Public–Private Partnership Projects in Select Asian Economies).

14. Феофанов И.В. Финансирование инвестиционных проектов в реальном секторе экономики. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Екатеринбург: Уральский государственный экономический университет, 2007. – С. 14.

15. Халин В.И. Финансирование инвестиционных проектов на основе концессионного механизма. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. к.э.н. – Екатеринбург: Уральский государственный экономический университет, 2024. – С. 11.

16. Марковская Е.И. Организация финансирования инвестиционных проектов: теория и практика. Монография. – СПб.: Санкт-Петербургский государственный политехнический университет, 2013. – С. 6-7.

17. Юзвович Л.И. Финансирование реальных инвестиций: теория, методология, и практика. Автореф. дисс. на соиск. уч. ст. д.э.н. – Екатеринбург: Уральский государственный экономический университет, 2012. – С. 18.

18. ebook.tsue.uz.

19. G‘ozibekov D.G‘. Investitsiyalarni moliyalashtirish muammolari. I.f.d. ilm. dar. ol. uch. diss. Avtoref. – T.: TDIU, 2002. – 18-b.

20. Tuxliyev B.K. Investitsiyalarni moliyalashtirish mexanizmlarini takomillashtirish. I.f.d. diss. Avtoref. – T.: TDIU, 2021. 24-b.

21. O‘zbek tilining izohli lug‘ati: 80000 dan ortiq so‘z va so‘z birikmasi. 5 jildli. J.II. Ye-M / Tahrir hay’ati T.Mirzayev (rahbar) va boshq. – T.: O‘zME, 2008. – B. 611.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

TIJORAT BANKLARI INVESTITSIYA PORTFELINI DIVERSIFIKATSIYA QILISHNING ZAMONAVIY MEXANIZMLARI

Xujumov Nurbek Obidjon o‘g‘li

Toshkent davlat
iqtisodiyot universiteti
mustaqil izlanuvchisi
Email: hardman1990@gmail.com

Annotasiya: *Maqolada tijorat banklari investitsiya portfelini diversifikatsiya qilishning zamonaviy mexanizmlari va ularning moliyaviy barqarorlikni ta’minlashdagi o‘rni tahlil qilindi. Shuningdek, O‘zbekiston tijorat banklari uchun investitsion faoliyatni kengaytirishning dolzarb jihatlari, risklarni kamaytirish usullari va daromad manbalarini ko‘paytirish imkoniyatlari yoritilgan. Tadqiqot natijalarida tijorat banklari uchun fond bozorida faol ishtirok etish, innovatsion moliyalashtirish vositalarini qo‘llash, xalqaro moliyaviy hamkorlikni kuchaytirish hamda davlat kafolatlangan aktivlardan samarali foydalanish bo‘yicha takliflar ishlab chiqilgan.*

Tayanch so‘zlar: *Tijorat banklari, investitsiya portfeli, diversifikatsiya, qimmatli qog‘ozlar bozori, sektorlararo taqsimot, geografik diversifikatsiya, innovatsion texnologiyalar, muqobil investitsiyalar, davlat obligatsiyalari, risk-menejment, moliyaviy barqarorlik.*

MODERN MECHANISMS FOR DIVERSIFYING THE INVESTMENT PORTFOLIO OF COMMERCIAL BANKS

Khujumov Nurbek Obidjon ugli

Tashkent State
University of Economics
independent researcher
Email: hardman1990@gmail.com

Annotation: *The article analyzes modern mechanisms for diversifying the investment portfolio of commercial banks and their role in ensuring financial stability. Also, current aspects of expanding investment activities for commercial banks of Uzbekistan, methods of risk reduction, and opportunities for increasing sources of income are highlighted. As a result of the study, proposals were developed for commercial banks to actively participate in the stock market, use innovative financing tools, strengthen international financial cooperation, and effectively use state-guaranteed assets.*

Key words: *Commercial banks, investment portfolio, diversification, securities market, intersectoral distribution, geographical diversification, innovative technologies, alternative investments, government bonds, risk management, financial stability.*

СОВРЕМЕННЫЕ МЕХАНИЗМЫ ДИВЕРСИФИКАЦИИ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПОРТФЕЛЯ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Хужумова Нурбека Обиджон угли

Ташкентский государственный
экономический университет

независимый исследователь
Email: hardman1990@gmail.com

Аннотация: *В статье анализируются современные механизмы диверсификации инвестиционного портфеля коммерческих банков и их роль в обеспечении финансовой устойчивости. Также освещены актуальные аспекты расширения инвестиционной деятельности коммерческих банков Узбекистана, методы снижения рисков и возможности увеличения источников дохода. В результате исследования разработаны предложения по активному участию коммерческих банков на фондовом рынке, использованию инновационных инструментов финансирования, укреплению международного финансового сотрудничества и эффективному использованию гарантированных государством активов.*

Ключевые слова: *Коммерческие банки, инвестиционный портфель, диверсификация, рынок ценных бумаг, межсекторальное распределение, географическая диверсификация, инновационные технологии, альтернативные инвестиции, государственные облигации, риск-менеджмент, финансовая устойчивость.*

Kirish.

Zamonaviy global moliyaviy muhitda tijorat banklarining barqaror faoliyat yuritishi va raqobatbardoshligini ta’minlashi uchun investitsiya portfelini samarali boshqarish strategiyalari muhim ahamiyat kasb etmoqda. Moliyaviy bozorlarning o‘zgaruvchan tabiyati, iqtisodiy inqirozlar, geosiyosiy tahdidlar va texnologik o‘zgarishlar banklarni o‘z investitsiya yondashuvlarini qayta ko‘rib chiqishga majbur qilmoqda. Bu sharoitda diversifikatsiya strategiyasi nafaqat risklarni kamaytirish vositasi, balki yangi imkoniyatlarni qo‘lga kiritish va uzoq muddatli barqaror o‘sishni ta’minlash uchun asosiy mexanizm sifatida namoyon bo‘lmoqda. Tijorat banklarining investitsiya portfelini diversifikatsiya qilishning zamonaviy mexanizmlarini o‘rganish va takomillashtirish bugungi kunda moliyaviy sektor rivojlanishining ustuvor yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi.

Hozirgi vaqtda tijorat banklari an’anaviy kreditlash va depozit operatsiyalaridan tashqari keng ko‘lamli moliyaviy xizmatlar ko‘rsatish zaruriyati bilan duch kelmoqda. Bu holatda investitsiya portfeli diversifikatsiyasi banklarning daromad manbalarini kengaytirish, bozor risklarini kamaytirish va yangi moliyaviy mahsulotlar taklif etish imkoniyatini beradi. Zamonaviy iqtisodiy nazariya va amaliyotda Markowitz portfoliosi nazariyasidan tortib zamonaviy faktorial modellar va sun’iy intellekt yordamida portfel optimallashtirish usullarigacha bo‘lgan keng spektrdagi yondashuvlar qo‘llanilmoqda. Shu bilan birga, bank portfellarini diversifikatsiya qilishda regulyativ talablar, soliq siyosati, likvidlik menejmenti va kapital etarlilik normativlari kabi omillarni ham hisobga olish zarur bo‘lib qolmoqda.

Jahon moliyaviy inqirozi (2008-2009), COVID-19 pandemiyasining iqtisodiy ta’siri (2020-2022) va hozirgi geosiyosiy keskinlashuvlar tijorat banklariga investitsiya portfelini diversifikatsiya qilishning yangi usullarini izlashga undamoqda. Ushbu inqirozlar shuni ko‘rsatdiki, an’anaviy diversifikatsiya usullari har doim ham kutilgan natijani bermaydi va ekstrem bozor sharoitlarida korrelatsiyalar keskin o‘zgarishi mumkin. Shu sababli zamonaviy banklar o‘z portfellarida alternatif investitsiyalar (private equity, hedge fondlar, real estate, tovarlar bozorlari), ESG (Environmental, Social, Governance) prinsiplariga mos investitsiyalar va fintech sektoriga investitsiyalar kabi yangi yo‘nalishlarni faol rivojlantirmoqda. Bu esa banklar uchun nafaqat yangi daromad imkoniyatlari ochib beradi, balki regulyativ organlarga va jamiyatga nisbatan mas’uliyatni ham oshiradi.

Raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi va moliyaviy texnologiyalar (fintech) sektorining o‘sishi tijorat banklarining investitsiya portfelini diversifikatsiya qilish jarayonida yangi imkoniyatlar yaratmoqda. Blokchain texnologiyasi, kriptovalyutalar, robo-advisors, artificial intelligence va machine learning algoritmlari banklarga portfel boshqaruvida yuqori

aniqlik va samaradorlikka erishish imkoniyatini bermoqda. Zamonaviy data analytics va big data texnologiyalari yordamida banklar mijozlarning xatti-harakatlarini chuqur tahlil qilib, shaxsiylashtirilgan investitsiya mahsulotlari taklif etish, bozor trendlarini oldindan bashorat qilish va real vaqt rejimida portfel tarkibini optimallashtirishni amalga oshira olmoqda. Biroq, bu texnologiyalarning qo‘llanilishi kibertahdidlar, ma’lumotlar xavfsizligi va regulyativ muvofiqlik kabi yangi muammolarni ham keltirib chiqarmoqda.

Globallashuv jarayonlari va xalqaro moliyaviy bozorlarning integratsiyalashuvi tijorat banklarining investitsiya portfelini xalqaro miqyosda diversifikatsiya qilish imkoniyatlarini sezilarli darajada kengaytirmoqda. Emerging markets, rivojlanayotgan mamlakatlar qimmatli qog‘ozlari bozorlari, xalqaro obligatsiyalar va currency hedging instrumentlari banklar uchun portfel diversifikatsiyasining yangi vositalari bo‘lib xizmat qilmoqda. Biroq, xalqaro diversifikatsiya jarayonida valyuta risklari, mamlakatlar riski, geosiyosiy omillar va xalqaro regulyativ talablar kabi murakkab masalalar paydo bo‘lmoqda. Shu sababli zamonaviy banklar sophisticated risk management tizimlarini joriy etish, stress testing o‘tkazish va scenario analysis metodlarini qo‘llash zaruriyati bilan duch kelmoqda. Bu esa bank xodimlari malakasini oshirish va zamonaviy texnologik infratuzilma yaratish talablarini qo‘ymoqda.

Regulyativ muhitning o‘zgarishi va Basel III kabi xalqaro standartlarning joriy etilishi tijorat banklarining investitsiya portfelini shakllantirish strategiyalarini sezilarli darajada o‘zgartirmoqda. Kapital etarlilik normativlarining qattiqlashtirilishi, likvidlik coverage ratio talablari, leverage ratio cheklovlari va TLAC (Total Loss-Absorbing Capacity) talablari banklar uchun portfel diversifikatsiyasini yangicha yondashuvda amalga oshirish zaruriyatini tug‘dirmoqda. Ushbu regulyativ o‘zgarishlar bir tomondan banklar xavfsizligini oshirsa-da, boshqa tomondan rentabellik va o‘sish imkoniyatlarini cheklaydi. Shu sababli zamonaviy banklar regulyativ talablar va biznes maqsadlari o‘rtasida muvozanatni ta’minlovchi innovatsion yechimlarni izlashga majbur bo‘lmoqda. Bu jarayonda regulatory arbitrage imkoniyatlarini qidirish, hybrid instrumentlar ishlab chiqish va off-balance sheet operatsiyalarni faollashtirish kabi strategiyalar qo‘llanilmoqda.

Barqaror rivojlanish kontseptsiyasining mashhurlashshuvi va ESG investitsiyalarining o‘sishi tijorat bankları uchun investitsiya portfelini shakllantirshda yangi mezonlar va ustuvorliklarni belgilashga olib kelmoqda. Green bonds, social impact bonds, sustainability-linked loans va carbon credits kabi yangi moliyaviy instrumentlar banklar portfeli tarkibining muhim qismini tashkil eta boshladi. ESG kriteriyalarga mos investitsiyalar nafaqat ijtimoiy mas’uliyatni aks ettiradi, balki uzoq muddatli perspektivada yuqori daromadlilik va pastroq risklar bilan ham bog‘liq. Biroq, ESG investitsiyalarini baholash metodologiyasi hanuz to‘liq shakllanmagan va standardlashtirilmagan bo‘lib, bu banklar uchun qo‘shimcha murakkabliklarni keltirib chiqarmoqda. Shuningdek, greenwashing risklari, ESG reytinglarining ishonchlilik muammolari va uzoq muddatli ta’sirni o‘lchashning qiyinchilik kabi masalalar mavjud.

Xulosa qilib aytganda, tijorat banklari investitsiya portfelini diversifikatsiya qilishning zamonaviy mexanizmlari dolzarbligi ko‘p qirrali va murakkab masala hisoblanadi. Globallashuv, raqamlashtirish, regulyativ o‘zgarishlar, barqaror rivojlanish talablari va moliyaviy innovatsiyalar banklarni o‘z investitsiya strategiyalarini doimiy ravishda takomillashtirishga undamoqda. Ushbu mavzuni chuqur o‘rganish nafaqat nazariy jihatdan qiziq, balki amaliy jihatdan ham juda zarur hisoblanadi, chunki bu banklar samaradorligini oshirish, risklarni boshqarish va raqobatbardoshlikni ta’minlash uchun kalit omil hisoblanadi. Shu sababli ushbu tadqiqot bankchilik sektori, moliyaviy bozorlar va iqtisodiy rivojlanish nuqtayi nazaridan katta ahamiyatga ega bo‘lib, nazariy bilimlar va amaliy ko‘nikmalar o‘rtasidagi ko‘prikni o‘rnatishga yordam beradi.

Adabiyotlar sharhi.

Mavzuga oid adabiyotlarni tahlil etish jarayonida tijorat banklari investitsiya portfelini diversifikatsiya qilishning zamonaviy mexanizmlari bo‘yicha dunyoning bir qancha yetakchi

iqtisodchi olim va mutaxassislar tomonidan ilmiy izlanishlar olib borilgan bo‘lib. Ulardan, U.N.Azatovich o‘z tadqiqotlarida O‘zbekiston tijorat banklarining investitsiya portfelini kengaytirish yo‘llari va moliyaviy instrumentlar turini ko‘paytirish zarurligini ta’kidlaydi; maqolada banklarning qimmatli qog‘ozlar bozoridagi faoliyati va investitsion instrumentlarni joriy etish takliflari tahlil qilingan[1].

J.Buriev & U. Musaeva o‘z tadqiqotlarida tijorat banklarning birjada (qimmatli qog‘ozlar bozorida) emitent va investor sifatidagi rolini oshirish orqali portfel diversifikatsiyasini kuchaytirish yo‘llarini ko‘rib chiqadi; amaliy tavsiyalar (IPO, obligatsiya emissiyalari) taqdim etilgan[2].

G.T. Malikova o‘z tadqiqotlarida tijorat banklarda investitsion faoliyatdagi muammolarni tahlil qilib, portfel sifatini yaxshilash va risklarni kamaytirish bo‘yicha institutlararo chora-tadbirlarni tavsiya etadi[3].

X.N.Turopova o‘z tadqiqotlarida tijorat banklarda qimmatli qog‘ozlarga qilingan investitsiyalarni tahlil qiladi; maqolada investitsion instrumentlar tarkibi va ularning samaradorligini oshirish bo‘yicha maslahatlar berilgan[4].

O.P.Ovchinnikova o‘z tadqiqotlarida Rossiyadagi tijorat banklarining faoliyat diversifikatsiyasi va bu strategiyaning bank barqarorligiga ta’siri haqida yozadi; maqolada diversifikatsiya amaliyotini joriy qilishdagi metodologik yondashuvlar bayon etilgan[5].

A.S.Daribekova o‘z tadqiqotlarida bank xizmatlarini diversifikatsiya qilish strategiyalari, non-bank faoliyatlarning risklarini kamaytirish usullari haqida rus tilidagi sharhlar va amaliy ko‘rsatmalar beradi[6].

Tadqiqot metodologiyasi.

Tijorat banklari investitsiya portfelini diversifikatsiya qilishning zamonaviy mexanizmlari bo‘yicha dunyo olimlari tomonidan olib borilayotgan tadqiqodlarni tahlil qilish, mavzu yuzasidan barcha ma’lumotlarni to‘plash, solishtirish, mantiqiy fikrlash kabi iqtisodiy tadqiqot usullaridan foydalanildi.

Tahlil va natijalar muhokamasi.

Tijorat banklarining uzoq muddatli muvaffaqiyati ularning barqaror va yuqori daromad olish qobiliyati bilan bevosita bog‘liq. Investitsiya portfelini diversifikatsiya qilish banklarga turli daromad manbalarini yaratish va umumiy rentabellikni oshirish imkoniyatini beradi. An’anaviy kredit operatsiyalari bilan birga qimmatli qog‘ozlar bozorida faoliyat yuritish, ko‘chmas mulk loyihalariga investitsiya qilish, texnologik kompaniyalarni qo‘llab-quvvatlash kabi yo‘nalishlar banklar uchun qo‘shimcha daromad oqimlarini ta’minlaydi. Turli aktivlardagi investitsiyalar banklarga bozor tsikllaridan maksimal foydalanish imkoniyatini beradi - ba’zi aktivlar pasayish davrida boshqalari o‘sish fazasida bo‘lishi mumkin. Diversifikatsiyalangan portfel shuningdek banklarga yangi mijozlar jalb qilish, mavjud mijozlarga kengroq xizmatlar taklif qilish va raqobatchilardan ustunlik qilish imkoniyatini yaratadi. Ushbu yondashuv orqali banklar o‘z bozor ulushini kengaytirish va uzoq muddatli o‘sish strategiyasini amalga oshirish imkoniyatiga ega bo‘ladilar.

Zamonaviy moliyaviy xizmatlar bozorida intensiv raqobat sharoitida tijorat banklari o‘z pozitsiyalarini mustahkamlash uchun keng spektrdagi xizmatlar taklif etish zaruriyatiga duch kelmoqda. Diversifikatsiyalangan investitsiya portfeli banklarga turli mijoz guruhlarining ehtiyojlarini qondirish va har bir segment uchun maxsus yechimlar taklif qilish imkoniyatini beradi. Katta korporativ mijozlar xalqaro bozorlar bilan ishlash imkoniyatini talab qilsa, kichik biznes vakillariga mahalliy loyihalarga investitsiya qilish xizmatlari kerak bo‘lishi mumkin. Shaxsiy mijozlar esa pensiya jamg‘armalarini boshqarish, bolalar ta’limi uchun fond yaratish yoki turar joy xarid qilish uchun moliyaviy yordam kutishlari mumkin. Portfelni diversifikatsiya qilish banklar uchun ushbu barcha talablarni qondirish va har bir mijoz segmentida kuchli pozitsiyani egallash imkoniyatini yaratadi. Bundan tashqari, keng qamrovli xizmatlar spektri

banklarga mijozlar bilan uzoq muddatli munosabatlar o‘rnatish va ularning moliyaviy ehtiyojlarining o‘zgarishiga moslashish imkoniyatini beradi.

Zamonaviy bank faoliyatini tartibga soluvchi qonunchilik va xalqaro standartlar banklardan o‘z portfellarini muvozanatli shakllantirish va turli risklarni hisobga olishni talab qilmoqda. Nazorat organlari banklar faoliyatini baholashda portfel tarkibi, risklar taqsimoti va kapital etarliligi ko‘rsatkichlarini diqqat bilan tahlil qiladilar. Diversifikatsiyalangan portfel banklarga ushbu talablarga muvofiqlikni ta’minlash va regulyativ risklarni kamaytirish imkoniyatini beradi. Shuningdek, xalqaro amaliyotda keng qo‘llaniladigan risk boshqaruvi standartlari banklardan o‘z faoliyatini turli ssenapiylar bo‘yicha sinab ko‘rishni va eksternal ta’sirlarga chidamliligini isbotlashni talab qiladi. Yaxshi tashkil etilgan diversifikatsiya strategiyasi banklarga stress-testlardan muvaffaqiyatli o‘tish, nazorat organlarining ishonchini qozonish va faoliyat litsenziyalarini saqlash imkoniyatini beradi. Bu esa o‘z navbatida bankning reputatsiyasini mustahkamlaydi va moliyaviy bozordagi pozitsiyasini yaxshilaydi.

Tijorat banklarining jamiyat rivojlanishidagi roli nafaqat moliyaviy xizmatlar ko‘rsatish bilan cheklanib qolmaydi, balki iqtisodiyotning turli sektorlarini qo‘llab-quvvatlash va ijtimoiy-iqtisodiy o‘zgarishlarni rag‘batlantirish vazifalarini ham o‘z ichiga oladi. Diversifikatsiyalangan investitsiya portfeli banklarga ushbu mas’uliyatni samarali bajarish imkoniyatini beradi. Kichik va o‘rta biznesga investitsiya qilish ish o‘rinlarini yaratish va mahalliy iqtisodiyotni rivojlantirishga yordam beradi. Ta’lim, sog‘liqni saqlash, ekologiya kabi ijtimoiy ahamiyatga ega sohalarga moliyaviy resurslar yo‘naltirish jamiyat farovonligini oshiradi. Innovatsion loyihalar va texnologik startaplarni qo‘llab-quvvatlash esa mamlakatning raqobatbardoshligini oshirish va ilmiy-texnikaviy taraqqiyotni tezlashtirishga hissa qo‘shadi. Shuningdek, regionlararo muvozanatni ta’minlash maqsadida turli geografik hududlardagi loyihalarga investitsiya qilish mamlakatning barqaror rivojlanishiga yordam beradi va moliyaviy resurslarning adolatli taqsimlanishini ta’minlaydi.

Zamonaviy tijorat bankchiligi amaliyotida investitsiya portfelini diversifikatsiya qilish nafaqat ixtiyoriy strategiya, balki moliyaviy barqarorlikni ta’minlash uchun zaruriy mexanizm hisoblanadi. Global moliyaviy bozorlarning o‘zgaruvchan tabiyati, iqtisodiy tsikllarning beqarorligi va sistemaviy risklarning kuchayishi banklarni bitta aktivlar sinfiga yoki geografik hududga bog‘liqlikdan ozod etish zaruriyatini tug‘dirmoqda. Portfel diversifikatsiyasi orqali banklar o‘z daromadlarining barqarorligini ta’minlay oladi, kutilmagan bozor tebranishlarining salbiy ta’sirini kamaytiradi va uzoq muddatli moliyaviy muvozanatni saqlaydi. Xususan, bir nechta sektorlar, geografik hududlar va vaqt oralig‘i bo‘yicha investitsiyalarni taqsimlash orqali banklar “barcha tuxumlarni bitta savatga solmaslik” printsipini amalda qo‘llaydi. Bu yondashuv nafaqat portfel volatilligini kamaytiradi, balki kutilmagan holatlar yuzaga kelganda bankning likvidlik pozitsiyasini mustahkamlaydi va depositorlar hamda boshqa stakeholderlar ishonchini saqlashga yordam beradi.

Tez o‘zgaruvchan zamonaviy dunyoda tijorat banklarining uzoq muddatli muvaffaqiyati ularning kelajakdagi tendentsiyalarni oldindan ko‘ra bilish va bunga mos ravishda strategiyalarini shakllantirish qobiliyatiga bog‘liq. Diversifikatsiyalangan investitsiya portfeli banklarga kelajakdagi imkoniyatlarni qo‘lga kiritish va potentsial xavflardan himoyalanish uchun zarur moslashuvchanlikni beradi. Yangi texnologiyalar, iqtisodiy o‘zgarishlar, atrof-muhit bilan bog‘liq cheklovlar va ijtimoiy talablarning evolyutsiyasi banklardan o‘z faoliyat yo‘nalishlarini doimiy yangilab turish va innovatsion yechimlar topishni talab qiladi.

Portfelni turli yo‘nalishlarda rivojlantirish banklarga ushbu o‘zgarishlarga moslashish va yangi bozor nishalarida o‘z pozitsiyalarini mustahkamlash imkoniyatini beradi. Kelajakka mo‘ljallangan diversifikatsiya strategiyasi shuningdek banklarga risklar va imkoniyatlarni muvozanatli baholash, innovatsion mahsulotlar yaratish va raqobatchilardan oldinda bo‘lish imkoniyatini yaratadi. Bu yondashuv banklar uchun nafaqat moliyaviy barqarorlikni ta’minlaydi, balki dinamik bozor muhitida etakchilik pozitsiyasini saqlab qolish uchun ham zarur hisoblanadi.

1-jadval

Tijorat banklari investitsiya portfelini diversifikatsiya qilishning zamonaviy mexanizmlari[7]

Mexanizm	Mazmuni	Afzalliklari
8. World Bank. (2000/2001). The Investment Climate and the Firm; D.Kaufmann, A.Kraay & P.Zoido-Lobaton, (Governance Matters papers). World Bank+1

9. R.Doshi, B.Kelley, B.Simmons (works on Business Ready critique). The Ease of Doing Business Indicator and Global Regulatory ... (working papers / articles). scholar.harvard.edu+1

10. S.Guriev (2021). The Greening of the Kremlin. Project Syndicate. Project Syndicate

11. A.Yakovlev, I.Levina, A.Kazun (2015). Attitude to the National Leader through the Lenses of Investment Climate Assessment: The Case of Russia (HSE working paper). HSE Preprints+1

12. HSE (A.Galushka and others). (2013–2014). Инвестиционный климат: индикаторы измерения и ... (kurs materiali). hse.ru

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

SUG‘URTA RISKLARINI BAHOLASHDA AN’ANAVIY USULLARNI VA SUN’IY INTELLEKTNI QOLLASH

Husenov Muhriddin Bahriddinovich
moliya fakulteti talabasi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
mukhriddinhusenov@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada sug‘urta sohasida riskni baholashning rivojlanayotgan manzarasi an’anaviy usullar va sun’iy intellektga asoslangan yondashuvlarni taqqoslash orqali o‘rganilgan. Aktuar modellari va ekspert baholari kabi an’anaviy usullar anderrayting jarayonining asosi bo‘lib kelgan, biroq ularning aniqligi va samaradorligi cheklangan. Bunga javoban sun’iy intellektga asoslangan usullar o‘z-o‘zini o‘rgatish va bashorat tahlillar orqali risk baholash jarayonini takomillashtirib, real vaqt rejimidagi ma’lumotlar va mijozlarni samarali segmentlash imkoniyatini yaratadi. Shuningdek, sug‘urtada sun’iy intellektni joriy etishning muvaffaqiyatlari va qiyinchiliklarini aks ettiruvchi real misollar tadqiq etigan. Kelajakdagi tendensiyalar, jumladan, gibrid yondashuvlar va axloqiy jihatlar tahlil qilinib, riskni baholash sohasida sun’iy intellektning inqilobiy salohiyati yoritib berilgan.

Kalit so‘zlar: risklarni baholash, sug‘urta bozori, aktuar modellar, anderrayting, sun’iy intellekt, an’anaviy sug‘urta bozori, gibrid yondashuvlar.

ТРАДИЦИОННЫЕ МЕТОДЫ И ИССКУСТВЕННЫЙ ИНТЕЛЕКТ В ОЦЕНКЕ СТРАХОВЫХ РИСКОВ

Хусенов Мухриддин Бахриддинович
студент финансового факультета
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: mukhriddinhusenov@gmail.com

Аннотация. В статье рассматривается трансформация оценки рисков в страховой отрасли через сравнение традиционных методов с подходами, основанными на искусственном интеллекте. Традиционные методы, такие как актуарные модели и экспертные оценки долгое время служили основой андеррайтинга, но имеют ограничения в точности и эффективности. В отличие от них методы, основанные на ИИ, используют машинное обучение и прогнозную аналитику для улучшения оценки рисков, обеспечивая оперативный анализ и более точную сегментацию клиентов. Проведённый сравнительный анализ охватывает точность, экономическую эффективность, предвзятость и клиентский опыт, предоставляя целостное понимание обеих методологий. Кроме того, реальные кейсы демонстрируют успехи и проблемы внедрения ИИ в страховании. В заключении рассматриваются перспективные тенденции, включая гибридные подходы и этические аспекты, подчёркивая революционное влияние ИИ на оценку рисков.

Ключевые слова. оценка рисков, страховой рынок, актуарные модели, андеррайтинг, искусственный интеллект, традиционный страховой рынок, гибридные подходы.

TRADITIONAL METHODS AND ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN ASSESSING INSURANCE RISKS

Husenov Muhriddin Bahriddinovich
student of the Faculty of Finance
Tashkent State University

of Economics
E-mail:mukhriddinhusenov@gmail.com

Abstract. This article explores the evolving landscape of risk assessment in the insurance industry by comparing traditional methods with AI-driven approaches. Traditional techniques, such as actuarial models and expert judgment, have long been the cornerstone of underwriting but face limitations in accuracy and efficiency. Conversely, AI-driven methods leverage machine learning and predictive analytics to enhance risk evaluation, offering real-time insights and improved customer segmentation. Through a comparative analysis of accuracy, cost-efficiency, bias, and customer experience, the article provides a comprehensive overview of both methodologies. Additionally, real-world case studies highlight the successes and challenges of adopting AI in insurance. The article concludes by examining future trends, including hybrid approaches and ethical considerations, underscoring the transformative potential of AI in risk assessment.

Keywords: risk assessment, insurance market, actuarial models, underwriting, artificial intelligence, traditional insurance market, hybrid approaches.

Kirish

Sug‘urta sohasi sun’iy intellekt (SI) va ma’lumotlarni tahlil qilish texnologiyalarining jadal rivojlanishi natijasida chuqur raqamli transformatsiyani boshdan kechirmoqda. An’anaviy tarzda sug‘urtada riskni baholash aktuariy modellarga, statistik tahlillarga va ekspert baholariga tayanardi. Ushbu usullar tarixiy kontekstda samarali bo‘lsa-da, ma’lumotlarning qattiq tuzilishi, samaradorlikning pastligi va tarafkashlik kabi kamchiliklarga ega. Bunga qarshi ravishda sun’iy intellektga asoslangan yondashuvlar real vaqt rejimida katta hajmdagi ma’lumotlarni qayta ishlash uchun o‘z-o‘zini o‘rgatish algoritmlari va prediktiv tahlillardan foydalanib, riskni yanada aniq va moslashuvchan baholash imkoniyatini taqdim etadi. Natijada SI underwriting, narx belgilash, firibgarlikni aniqlash va da’volarni boshqarish jarayonlarini inqilobiy o‘zgartirib, yanada aniqroq va mijozga yo‘naltirilgan sug‘urta tizimini yaratmoqda.

So‘nggi tadqiqotlar shuni ko‘rsatmoqdaki, Yevropa sug‘urta sektorida sun’iy intellektdan foydalanish ortib bormoqda: Kompaniyalarning 50% SI ni hayotga aloqador bo‘lmagan sug‘urta turlarida, 24% esa hayot sug‘urtasida qo‘llamoqda [1]. Ushbu raqamlar yaqin yillarda yanada oshishi kutilmoqda, chunki ko‘plab sug‘urta kompaniyalari raqamli transformatsiyaga ajratilgan budjetlar va SI strategiyalarini ishlab chiqmoqda. Sun’iy intellekt mijozlarga xizmat ko‘rsatishda chatbotlar va virtual yordamchilar orqali firibgarlikni aniqlashda anomaliyalarni tahlil qiluvchi algoritmlar yordamida hamda da’volarni qayta ishlashda tasvir tahlili vositalari orqali faol qo‘llanilmoqda. Shuningdek, sun’iy intellekt va narsalar interneti (IoT) integratsiyasi sug‘urtachilarga foydalanishga asoslangan sug‘urta va shaxsiy sog‘liqni saqlash dasturlari kabi innovatsion mahsulotlarni taqdim etish imkonini beradi. Biroq sun’iy intellektning tez joriy etilishi ma’lumotlar maxfiyligi, tarafkashlik va qarorlar qabul qilishning shaffofligi kabi axloqiy masalalarni ham yuzaga keltiradi. Bu esa mustahkam boshqaruv va tartibga solish mexanizmlarini ishlab chiqishni talab qiladi.

O‘zbekistonda sun’iy intellektning sug‘urta sohasidagi salohiyati ayniqsa muhim, chunki mamlakat moliyaviy xizmatlar sektorini modernizatsiya qilishga intilmoqda. Hukumat SI rivojlanishini qo‘llab-quvvatlash va sug‘urta bozorini raqamlashtirishga qaratilgan qonunchilik tashabbuslari orqali raqamli transformatsiyaning ahamiyatini tan oldi:

- O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-5265-sonli "Sug‘urta bozorini raqamlashtirish va hayot sug‘urtasi sohasini rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida"gi qarori operatsion samaradorlikni oshirish va raqamli sug‘urta mahsulotlarini kengaytirishga yo‘naltirilgan [2].
- O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-358-sonli qaror "Sun’iy intellekt texnologiyalarini 2030-yilga qadar rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida"gi qarori

bo‘lib, sug‘urta sohasi hamda boshqa tarmoqlarda SI joriy etishning strategik yo‘nalishlarini belgilaydi.[3]

Sun’iy intellektning riskni baholashdagi ta’siri G‘arb bozorlarida keng o‘rganilgan bo‘lsa-da, uning rivojlanayotgan mamlakatlardagi, jumladan O‘zbekistondagi integratsiyasi hali boshlang‘ich bosqichda. O‘zbekiston sug‘urta bozori an’anaviy underwriting amaliyotlari va cheklangan raqamli infratuzilma bilan tavsiflanib, sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etishda o‘ziga xos qiyinchiliklar va imkoniyatlarga ega. Hukumatning raqamlashtirish va iqtisodiy islohotlarga qaratilgan e’tibori hisobga olinsa, sun’iy intellekt O‘zbekiston sug‘urta sohasida operatsion samaradorlik va mijozlar bilan ishlash sifatini oshirishga katta hissa qo‘shishi mumkin. Biroq, bu jarayonda ma’lumotlar mavjudligi, tartibga soluvchi muhitning tayyorligi va sun’iy intellekt mutaxassislarining yetishmovchiligi kabi muammolarni hal qilish zarur. Ushbu maqolada an’anaviy va sun’iy intellektga asoslangan riskni baholash usullari taqqoslanib, ularning global sug‘urta sanoatiga ta’siri va O‘zbekiston sug‘urta bozorida sun’iy intellektni joriy etish imkoniyatlari kontekstual tahlil qilinadi.

Adabiyotlar sharhi

So‘nggi tadqiqotlar sun’iy intellektning sug‘urta sohasida riskni baholashdagi o‘sib borayotgan ta’sirini ta’kidlamoqda. An’anaviy usullar, jumladan actuarial modellar va statistik tahlillar, ma’lumotlarning qattiqligi va samaradorlikning pastligi uchun tanqid qilinmoqda (Eikenhout, 2024) [4]. Bunga qarshi ravishda sun’iy intellektga asoslangan yondashuvlar o‘z-o‘zini o‘rgatish va prediktiv tahlillar yordamida real vaqt rejimida riskni baholashni amalga oshirib, aniqlik va operatsion samaradorlikni oshiradi [5].

Sun’iy intellekt dasturlari ayniqsa firibgarlikni aniqlash, da’volarni qayta ishlash va shaxsiylashtirilgan sug‘urta takliflarini yaratishda samarali hisoblanadi (Infopulse, 2024). Taqqoslash tahlillari shuni ko‘rsatadiki, sun’iy intellekt modellarining aniqlik va tezlik bo‘yicha an’anaviy usullardan ustunligi underwriting jarayonini tezlashtiradi hamda mijozlar qoniqishini oshiradi (ResearchGate, 2024). Biroq ma’lumotlar maxfiyligi va algoritmik tarafkashlik bilan bog‘liq muammolar kuchli boshqaruv va axloqiy me’yorlarni ishlab chiqishni talab qiladi.

Rivojlanayotgan bozorlar, jumladan O‘zbekiston hali sun’iy intellekt texnologiyalarini sug‘urta sohasida keng qo‘llay olmayapti, bu esa an’anaviy amaliyotlar va infratuzilma cheklovlari bilan bog‘liq. Biroq hukumat tomonidan amalga oshirilayotgan raqamlashtirish tashabbuslari sun’iy intellektni joriy etish va sug‘urta sohasida samaradorlik hamda mijozlar bilan ishlash sifatini oshirish uchun muhim imkoniyatlarni yaratmoqda (Infopulse, 2024).

Tahlil va natijalar

Sun’iy intellektning sug‘urta sohasida riskni baholashga integratsiyalashuvi an’anaviy underwriting va narx belgilash usullarini tubdan o‘zgartirmoqda. KPMG (2024) ma’lumotlariga ko‘ra [6], sug‘urta kompaniyalari bosh direktorlarining deyarli 73% SI texnologiyalarini ustuvor investitsiya yo‘nalishi sifatida ko‘rib chiqmoqda, bu esa uning operatsion samaradorlik va mijozlar bilan ishlash sifatini oshirishdagi ahamiyatini ko‘rsatadi. SI tobora da’volarni qayta ishlash jarayonini soddalashtirish, shaxsiylashtirilgan xizmatlarni taqdim etish va firibgarlikni aniqlash tizimlarini takomillashtirish uchun qo‘llanilmoqda. Masalan, Malayziyada sug‘urta kompaniyalari mijoz tajribasini va operatsion jarayonlarni yaxshilash uchun virtual yordamchilar, raqamli onboarding uchun e-KYC va avtomatlashtirilgan firibgarlikni aniqlash tizimlaridan foydalanmoqda.

SI’ning riskni baholashdagi asosiy afzalliklaridan biri uning katta hajmdagi ma’lumotlarni real vaqt rejimida qayta ishlash qobiliyatidir, bu esa sug‘urtalovchilarga yanada aniq va dinamik risk baholarini amalga oshirish imkonini beradi. Mashinaviy o‘rganish algoritmlaridan foydalangan holda, sug‘urta kompaniyalari tarixiy da’volar ma’lumotlari, mijozlarning xulq-atvori tendensiyalari va hatto ijtimoiy tarmoqlar faoliyatini tahlil qilish orqali risklarni yanada aniqroq baholashlari mumkin. Bu nafaqat underwriting jarayonining aniqligini

oshiradi, balki individual risk profillariga moslashtirilgan shaxsiy sug‘urta mahsulotlarini ham taklif qilish imkonini beradi. Bundan tashqari, SI va Internet of Things (IoT) integratsiyasi sug‘urta kompaniyalariga foydalanishga asoslangan sug‘urta va sog‘lomlashtirish dasturlarini taqdim etish imkonini yaratib, real vaqt rejimidagi risk ta’sirini aks ettiradi.

Potensial afzalliklarga qaramay, SI’ning riskni baholashda qo‘llanilishi ayrim muammolarni keltirib chiqarmoqda. KPMG (2024) ma’lumotlariga ko‘ra, ma’lumotlar maxfiyligi, algoritmik tarafkashlik va tartibga solish muvofiqligi asosiy xavotirlar sirasiga kiradi. SI natijalarining aniqligi va axloqiy jihatlari soha yetakchilari tomonidan muhim muammolar sifatida qayd etilmoqda. Ushbu muammolarni hal qilish uchun KPMG mustahkam boshqaruv tizimini joriy qilish hamda mijozlar ishonchini saqlab qolish uchun SI algoritmlarining shaffofligini ta’minlashni tavsiya qiladi. Shuningdek, sug‘urtalovchilarga SI texnologiyalarida malaka yetishmovchiligini bartaraf etish maqsadida kadrlarni jalb qilish va ularni o‘qitish dasturlariga e’tibor qaratish tavsiya etiladi. Malayziya sug‘urta bozori SI integratsiyasining muvaffaqiyatli namunasi sifatida ko‘rib chiqilish mumkin. 2024–2030 yillarda SI ilovalari bo‘yicha yillik o‘sish sur’ati 28,5% ni tashkil qilishi prognoz qilinmoqda. Sug‘urtalovchilar raqamli transformatsiyani faol qabul qilar ekan, riskni baholashda SI’ning strategik joriy etilishi operatsion samaradorlik, mijozlar bilan o‘zaro munosabat va bozor raqobatbardoshligini oshirishda muhim rol o‘ynaydi. Ushbu bo‘lim SI’ning riskni baholash jarayonlarini modernizatsiya qilishdagi o‘zgaruvchan imkoniyatlarini yoritib, axloqiy jihatlar va tartibga solish talablariga rioya qilish zaruratini ta’kidlaydi.

An’anaviy xavf modellashtirish sug‘urta sohasida tarixiy ma’lumotlarga tayanadi va chiziqli bog‘liqliklarni taxmin qiladi, bu esa dinamik va murakkab bozor sharoitlarida uning samaradorligini cheklaydi. Ushbu modellarning tezkor o‘zgarishlarga va o‘zaro bog‘liq xavflarga moslashishi qiyin kechadi. Bunga javoban, sun’iy intellektga asoslangan xavf modellashtirish katta hajmdagi tuzilgan va tuzilmagan ma’lumotlarni – jumladan, yangilik maqolalari va ijtimoiy tarmoq postlarini – qayta ishlash orqali murakkab, noan’anaviy naqshlarni aniqlashda ustunlik qiladi. Bu esa aniqroq xavf prognozlarini tuzish va real vaqt rejimida qaror qabul qilish imkonini berib, sug‘urtachilarga raqobat ustunligini ta’minlaydi.

Sun’iy intellekt modellarida mashinani o‘rganish, chuqur o‘rganish va tabiiy tilni qayta ishlash (NLP) kabi ilg‘or texnologiyalar qo‘llaniladi. Mashinani o‘rganish doimiy ravishda tarixiy ma’lumotlardan o‘rganib, prognozlash aniqligini oshiradi. Chuqur o‘rganish esa neyron tarmoqlar orqali murakkab xavf naqshlarini aniqlashga yordam beradi. NLP matnli ma’lumotlardan qimmatli xulosalar chiqarib, bozor kayfiyati va yangi tahdidlar asosida xavflarni baholash imkonini beradi. Ushbu imkoniyatlar sug‘urtachilarga xavflarni oldindan ko‘ra bilish va mahsulotlarni mijozlarning individual ehtiyojlariga moslashtirishga yordam beradi.

Shunga qaramay, xavf modellashtirishda sun’iy intellektni joriy etish bir qator muammolarni keltirib chiqaradi. Ma’lumot sifati, model tushunarli bo‘lishi va tartibga solish talablari muhim masalalar hisoblanadi. SI modellarining aniq ishlashi uchun yuqori sifatli va xilma-xil ma’lumotlar talab qilinadi, aks holda ular noto‘g‘ri xulosalar chiqarishi mumkin. Shuningdek, chuqur o‘rganish modellarining murakkabligi ularni tushunishni qiyinlashtirib, tartibga soluvchi organlarning roziligini olishda muammolar tug‘dirishi mumkin. Ushbu masalalarni hal qilish uchun sug‘urtachilarga tushuntirilishi mumkin bo‘lgan SI texnologiyalaridan foydalanish va regulyatorlar bilan yaqin hamkorlikda ishlash tavsiya etiladi, bu esa shaffoflik va muvofiqlikni ta’minlaydi.

Sug‘urta sohasida sun’iy intellekt texnologiyalarining risk baholash jarayoniga integratsiyalashuvi bir qator axloqiy muammolar va operatsion xatarlarni keltirib chiqaradi. Ushbu muammolar to‘rtta asosiy yo‘nalishga bo‘linadi: shaffoflik va tushuntirish yetishmovchiligi, diskriminatsiya va tarafkashlik, qimmatlik va chetlanish, hamda ma’lumot sifati va xavfsizligi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

1-jadval.

SI orqali sug‘urta sohasidagi risklarni aniqlash*

	Shaffolikni oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar	**Diskriminatsiya, tarafkashlik va adolatsizlik**	**Xarajatlar oshib ketishi**	**Ma’lumotlar sifati va xavfsizligi**
Risklar	- Sun’iy intellekt algoritmlari murakkabligi sababli “qora quti” sifatida ko‘riladi	- Sun’iy intellekt natijalaridagi tarafkashlik, xatolar yoki noto‘g‘ri ma’lumotlar kutilmagan bog‘liqliklar va bilvosita diskriminatsiyaga olib kelishi mumkin	- Sun’iy intellekt asosida risk baholashning yuqori darajadagi aniq bo‘lishi umumiy sug‘urta risk havzalaridan individual narx belgilashga o‘tishga sabab bo‘ladi	- Ma’lumot sifati va aniqligi xavf ostida: turli ma’lumot turlari (taqdim etilgan, kuzatilgan, hosil qilingan, taxminiy va sun’iy) turli ishonchlilik va aniqlik darajalariga ega bo‘lib, sun’iy intellekt natijalariga ta’sir qiladi
	- Har bir o‘zgaruvchining roli va sabab-natija aloqasini tushuntirish qiyin, bu esa algoritmlarning adolatli va tarafkash emasligini tekshirishni murakkablashtiradi	- Sun’iy intellekt asosida sug‘urta qilishda ko‘plab reyting omillarini va ularning kombinatsiyalarini qo‘lda baholash qiyinchilik tug‘diradi	- Ba’zi mijozlar foyda ko‘rishi mumkin, boshqalari esa yuqori sug‘urta mukofotlari bilan to‘qnash kelishi ehtimoli bor	- Taqdim etilgan va kuzatilgan ma’lumotlar sun’iy intellekt modellari tushuntirishini va aniqligini oshirsa ham, ular maxfiylikni buzish xavfini tug‘dirishi mumkin
	- Korrelatsiyalar va aktuariy adolatliligi/ qabul qilinishi o‘rtasidagi ziddiyat	- Haddan tashqari holatda ba’zi mijozlar sug‘urtalanmaydigan darajaga yetishi mumkin		
Sug‘urta kompaniyalarining yondashuvlari	- Maxsus foydalanish holatlari bo‘yicha shaffoflik talablarini belgilash, jumladan sun’iy intellekt modellari uchun ma’lumot manbalarini aniqlash	- Sun’iy intellekt modellardagi kutilmagan bog‘liqliklarni aniqlash va oldini olish metodologiyalarini ishlab chiqish	- Yuqori ta’sirga ega sun’iy intellekt tizimlari (masalan, underwriting/narx belgilash qarorlarini qabul qiluvchi tizimlar) bo‘yicha yo‘riqnomalar va siyosatlar ishlab chiqish	- Sug‘urta kompaniyalari ma’lumotlarni tozalash va taqlid qilish jarayonlarini olib borish: ma’lumotlar sinchiklab tekshiriladi va tozalanadi
	- Sun’iy intellekt modellari uchun audit izlarini amalga oshirish	- Sun’iy intellekt modellari tomonidan ishlatiladigan reyting omillari sonini cheklash	- Sun’iy intellekt xavflari va muammolarini hal qilish uchun maxsus boshqaruv tuzilmalarini yaratish	- Noto‘g‘ri natijalarni oldini olish uchun mustahkam boshqaruv mexanizmlaridan foydalanish
		- Xodimlar uchun sun’iy intellekt bo‘yicha o‘quv dasturlarini ishlab chiqish		- Ma’lumot xavfsizligiga e’tibor qaratish

***** Muallif ishlanmasi.

1. Shaffolikni oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

SI algoritmlari murakkabligi sababli ko‘pincha “qora quti” sifatida qabul qilinadi, bu esa qaror qabul qilish jarayonini tushunishni qiyinlashtiradi. Ushbu shaffoflik yetishmovchiligi SI modellari adolatliligi va tarafkashligi bo‘yicha xavotirlarni keltirib chiqaradi. Risk baholashda sug‘urta kompaniyalari har bir o‘zgaruvchining natijaga ta’sirini tushuntirishda qiyinchiliklarga duch keladilar, bu esa me’yoriy huquqiy talablarga rioya qilish va mijozlar ishonchini qozonishda muammolar tug‘diradi. Bu muammoni hal qilish uchun sug‘urta kompaniyalari SI modellarida maxsus shaffoflik talablarini belgilashi va audit tizimlarini joriy qilishi lozim.

2. Diskriminatsiya, tarafkashlik va adolatsizlik.

SI tizimlari o‘rgatilgan ma’lumotlar tufayli tarafkashlikka moyil bo‘lishi mumkin. Noaniqliklar va kutilmagan bog‘liqliklar bilvosita diskriminatsiyaga olib kelib, risk baholash va narx belgilash strategiyalariga salbiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Bu ayniqsa sug‘urta sohasida dolzarb bo‘lib, adolatsiz modellarning himoyasiz mijozlar guruhlariga zarar yetkazish ehtimoli yuqori. Sug‘urta kompaniyalari bunday tarafkashliklarni aniqlash va oldini olish metodologiyalarini ishlab chiqishi, ishlatiladigan reyting omillarini cheklashi va adolatlilikni baholash bo‘yicha samarali usullarni joriy qilishi lozim. Shuningdek, xodimlar uchun SI tizimlaridan foydalanish bo‘yicha trening dasturlarini ishlab chiqish ham muhimdir.

3. Xarajatlar oshib ketishi.

SI texnologiyalarining aniq risk baholash imkoniyatlari narxlarni individual ravishda belgilash imkonini yaratadi. Bu past riskga ega mijozlar uchun foydali bo‘lsa-da, yuqori riskli shaxslar yuqori sug‘urta mukofotlarini to‘lashga majbur bo‘lishlari yoki umuman sug‘urta qila olmasliklari mumkin. Risklarning umumiy havzada taqsimlanishidan individual narx belgilash tizimiga o‘tish ijtimoiy tengsizlikka olib kelishi mumkin. Bunga qarshi kurashish uchun sug‘urta kompaniyalari yuqori ta’sirga ega SI tizimlari uchun yo‘riqnomalar ishlab chiqishi, boshqaruv tuzilmalarini yaratishi va sug‘urtaning hamma uchun maqbul narxlarda qo‘lishini ta’minlashi kerak.

4. Ma’lumot sifati va xavfsizligi.

SI modellari samaradorligi bevosita ma’lumotlarning sifati va xilma-xilligiga bog‘liq. Noaniq yoki tarafkash ma’lumotlar modelning aniqligi va adolatliligiga putur yetkazishi mumkin. Bundan tashqari, shaxsiy ma’lumotlardan foydalanish maxfiylik muammolarini keltirib chiqaradi. Sug‘urta kompaniyalari ma’lumotlarni tozalash va aniqligini ta’minlash uchun qat’iy choralarni ko‘rishi, ma’lumot punktlarini cheklash orqali tarafkashlikning oldini olishi va mijoz ma’lumotlarini himoya qilish uchun xavfsizlik choralarini kuchaytirishi lozim.

Ushbu axloqiy muammolarni bartaraf etish uchun sug‘urta kompaniyalari texnologik innovatsiyalarni qat’iy boshqaruv va axloqiy me’yorlar bilan uyg‘unlashtirishi zarur. Ushbu risklarga e’tibor qaratish orqali sug‘urta kompaniyalari SI texnologiyalaridan to‘liq foydalanib, adolatlilik, shaffoflik va mijozlar ishonchini saqlab qolishi mumkin.

Xulosa

Sug‘urta sohasida an’anaviy va sun’iy intellekt asosida ishlovchi risk baholash usullari o‘rtasidagi taqqoslash sezilarli yutuqlar va muammolarni ko‘rsatadi. An’anaviy modellar ishonchli bo‘lsa-da, zamonaviy murakkabliklarni hal qilish uchun yetarlicha moslashuvchanlik va aniqlikka ega emas. Bunga qarama-qarshi ravishda, SI asosidagi usullar bashorat qilish imkoniyatlarini yaxshilaydi, real vaqt rejimida qaror qabul qilishni ta’minlaydi va shaxsiy sug‘urta yechimlarini taklif etadi. Biroq shaffoflik, algoritmik tarafkashlik va ma’lumot xavfsizligi bilan bog‘liq muammolar kuchli axloqiy tamoyillar va me’yoriy huquqiy talablarni talab qiladi. O‘zbekiston kabi rivojlanayotgan bozorlar uchun sug‘urta sohasida SI joriy etilishi risk baholashni takomillashtirib, operatsion samaradorlikni oshirish orqali inqilobiy o‘zgarishlarga sabab bo‘lishi mumkin. Ammo muvaffaqiyatli amalga oshirish raqamli infratuzilmaga sarmoya kiritish, me’yoriy-huquqiy moslashuvlar va axloqiy foydalanishni ta’minlash uchun jamoatchilik ongini oshirishni talab qiladi.

Natijada an’anaviy modellar ishonchliligi va SI innovatsion kuchini birlashtirgan gibrid

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

yondashuv muvozanatli va samarali risk baholash strategiyasini ta’minlashi mumkin. Sug‘urta sohasi rivojlanishda davom etar ekan, SI texnologiyalariga strategik sarmoya kiritish hamda axloqiy va shaffof amaliyotlarni yo‘lga qo‘yish barqaror o‘sish va mijozlar ishonchini mustahkamlash uchun muhim bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyot

1. Barberá, L. C. (2024). Artificial Intelligence and the Insurance Industry: Regulatory and Market Perspectives. Consorseguros, (20).

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-5265-sonli "Sug‘urta bozorini raqamlashtirish va hayot sug‘urtasi sohasini rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida"gi qarori. https://lex.uz/docs/-7158604

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-358-sonli qaror "Sun’iy intellekt texnologiyalarini 2030-yilga qadar rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida"gi qarori. https://lex.uz/docs/-5692504#

4. Eikenhout, L. (2015). Risk Management and Performance in Insurance Companies (Master’s thesis, University of Twente). Retrieved from https://essay.utwente.nl/66625/1/Eikenhout_MA_MB.pdf

5. Kuvatova O., Husenov M. Iqtisodiyotda raqamli transformatsiya: sun’iy intellektning iqtisodiy strategiyalardagi o‘rni. // Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot. – 2024

6. KPMG Management & Risk Consulting Sdn. Bhd. (2024). Artificial Intelligence in the Insurance Industry. KPMG in Malaysia.

7. Jaywing. (2024). AI vs Traditional Risk Modelling: The Evolution of Risk Assessment. Retrieved from https://risk.jaywing.com/news-views/ai-vs-traditional-risk-modelling/

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

KO‘CHMAS MULKNI SOLIQQA TORTISH VA KADASTR BAHOLASH MAQSADIDA HISOBGA OLISH

To‘lakov Ulug‘bek Toshmamatovich
iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
moliya kafedrasi dotsenti
Termiz davlat universiteti,
E-mail:tulakov77@mail.ru
ORCID: 0000-0003-3151-1930

Annotatsiya. Ushbu maqolada ko‘chmas mulkni (yer, bino-inshootlar) soliqqa tortish va kadastr baholash bilan bog‘liq nazariy hamda amaliy jihatlar tadqiq etilgan. Yuridik va fiskal kadastrlar, ularning o‘zaro bog‘liqligi, shuningdek, ko‘chmas mulkni davlat ro‘yxatidan o‘tkazish hamda huquqiy kafolatlar muhim ahamiyat kasb etishi ta’kidlangan. Kadastrdagi ma’lumotlarning to‘liqligi, ishonchliligi va yaxlitligi soliq bazasini aniqlash, ko‘chmas mulk obyektlarini baholash, shu jumladan kadastr qiymatini aniqlashda ahamiyatlidir. Maqolada ko‘chmas mulk obyektlarini baholashda qiyosiy va xarajat yondashuvlari, ularda e’tiborga olinadigan qiymat omillari hamda ularning kadastr agentligi ma’lumotlari bilan uyg‘unlashuvi tahlil qilingan. Kadastr hisobi tizimini takomillashtirish, raqamlashtirish va axborotlar yaxlitligini ta’minlash orqali ko‘chmas mulkni soliqqa tortish samaradorligini oshirish imkoniyatlari yoritilgan. Shuningdek, maqolada ko‘chmas mulkni soliqqa tortish va kadastr baholash maqsadida hisobga olish borasida takliflar va tavsiyalar berilgan.

Kalit so‘zlar: ko‘chmas mulk, yer solig‘i, fiskal kadastr, yuridik kadastr, kadastr qiymati, soliq bazasi, baholash yondashuvlari, kadastr agentligi, ma’lumotlar yaxlitligi, soliqqa tortish.

УЧЕТ НЕДВИЖИМОСТИ В ЦЕЛЯХ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ И КАДАСТРОВОЙ ОЦЕНКИ

Тулаков Улугбек Тошмаматович
доктор философии (PhD)
по экономическим наукам
доцент кафедры финансов
Термезский государственный университет,
E-mail:tulakov77@mail.ru
ORCID: 0000-0003-3151-1930

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические и практические аспекты налогообложения и кадастровой оценки недвижимости (земельных участков, зданий и сооружений). Подчеркивается взаимосвязь между юридическим и фискальным кадастрами, а также важность государственной регистрации недвижимости и правовых гарантий. Полнота, достоверность и целостность кадастровых данных имеют решающее значение для определения налоговой базы, оценки объектов недвижимости и расчета кадастровой стоимости. В статье анализируются сравнительный и затратный подходы к оценке недвижимости, ключевые факторы оценки и их соответствие данным кадастрового агентства. Рассматриваются возможности совершенствования системы кадастрового учета, цифровизации и обеспечения целостности данных с целью повышения эффективности налогообложения недвижимости. Кроме того, в статье представлены предложения и рекомендации по учёту недвижимости для налогообложения и кадастровой оценки.

Ключевые слова: недвижимость, земельный налог, фискальный кадастр, юридический кадастр, кадастровая стоимость, налоговая база, оценочные подходы,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

кадастровое агентство, целостность данных, налогообложение.

ACCOUNTING FOR TAXATION AND CADASTRAL VALUATION OF REAL ESTATE

Tulakov Ulugbek Toshmamatovich
Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences
Associate Professor of the Finance Department
Termez State University,
ORCID: 0000-0003-3151-1930
E-mail:tulakov77@mail.ru

Abstract. This article examines the theoretical and practical aspects of real estate (land, buildings, and structures) taxation and cadastral valuation. The interconnection between legal and fiscal cadastres, as well as the importance of real estate registration and legal guarantees, is emphasized. The completeness, reliability, and integrity of cadastral data are crucial for determining the tax base, assessing real estate objects, and calculating cadastral value. The article analyzes comparative and cost-based approaches to real estate valuation, the key valuation factors considered, and their alignment with cadastral agency data. Opportunities to improve cadastral accounting, digitization, and data integrity to enhance the efficiency of real estate taxation are discussed. Additionally, the article provides proposals and recommendations for real estate taxation and cadastral valuation.

Keywords: real estate, land tax, fiscal cadastre, legal cadastre, cadastral value, tax base, valuation approaches, cadastral agency, data integrity, taxation.

Kirish

Zamonaviy bozor iqtisodiyotida ko‘chmas mulkni soliqqa tortish va uning kadastr baholash asosida hisobga olinishi iqtisodiy islohotlarni muvaffaqiyatli amalga oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Yuridik kadastr yer uchastkalari va boshqa ko‘chmas mulk obyektlariga bo‘lgan huquqlarni rasman tan olish va ro‘yxatdan o‘tkazish jarayonlarini ta’minlar ekan, bozor munosabatlarida egalik huquqlarining kafolatliligi, nizolar sonini kamaytirish va ko‘chmas mulk bilan bog‘liq operatsion ishonchlilikni oshirish imkonini beradi. Shu bilan bir qatorda, fiskal kadastr ko‘chmas mulkning soliq bazasini aniqlash uchun xizmat qiladi, ya’ni yondashuvda har bir yer uchastasi yoki binoga oid topografik, texnik hamda iqtisodiy ko‘rsatkichlar yig‘ilib, soliq stavkalarini belgilashda asosiy axborot manbai sifatida istifoda etiladi.

Mamlakatimizda yer resurslarini xususiylashtirish jarayoni ko‘lamdorligi, ko‘chmas mulkka bo‘lgan huquqni rasman tan olish zarurati va soliqqa tortishda adolatlilikni ta’minlashdagi yechimlar va axborot texnologiyalari bilan uzviy bog‘liqdir. Davlat kadastr tizimini takomillashtirish, ma’lumotlar yaxlitligini ta’minlash va ko‘chmas mulk obyektlarining tenglik prinsiplari asosida baholanishi iqtisodiyotni shaffoflashtirish xamda soliq tizimining samaradorligini oshirishda muhim o‘rin tutadi.

Kadastr ma’lumotlarining to‘liqligi va ishonchliligi soliq bazasini noto‘g‘ri aniqlash ehtimolini kamaytiradi, ko‘chmas mulk obyektini baholash jarayonida qiyosiy va xarajat yondashuvlarining har ikkisida qiymat omillarini aniq va to‘g‘ri hisobga olishni ta’minlaydi. Shu bilan birga, ko‘chmas mulkni ommaviy baholash amaliyotidan foydalanish mahalliy sharoitga mos uslubiy yechimlarni rivojlantirish va soliqqa tortish adolatliligiga erishishda istiqbolli harakatlar sirasiga kiradi.

Shu tariqa, ko‘chmas mulkni ro‘yxatdan o‘tkazish, huquqlar kafolati, kadastr baholash tizimini takomillashtirish va ommaviy baholash amaliyotini joriy etish yuzasidan ilgari surilgan nazariy xulosalar hamda amaliy tavsiyalar soliqqa tortish jarayonlariga zamonaviy yondashuvni ro‘yobga chiqarishda muhim ahamiyat kasb etadi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Adabiyotlar sharhi

Ko‘chmas mulkni soliqqa tortish va kadastr baholash masalalari bo‘yicha bir qator xorijiy va mahalliy olimlar tomonidan muhim tadqiqotlar olib borilgan. Tadqiqot davomida shu yo‘nalishdagi asosiy ilmiy ishlar tahlil qilindi va ularning soliqqa tortish tizimiga ta’siri o‘rganildi.

M.V. Mishustin soliqqa tortish jarayonida kadastr ma’lumotlarining ahamiyatini o‘rganib, kadastr qiymatini hisoblashdagi muammolar va ularni hal etish usullarini taklif qilgan. Uning fikricha, kadastr va soliq organlari o‘rtasidagi axborot almashinuvini takomillashtirish soliq bazasini aniqlashdagi xatolarni kamaytirishga yordam beradi [**Ошибка! Источник ссылки не найден.**].

V.B. Bezrukov asarlarida ko‘chmas mulkni soliqqa tortish tizimini takomillashtirish, kadastr baholash jarayonlarining o‘rni va ahamiyatini chuqur tahlil qilgan. Kadastr baholash va bozor baholash o‘rtasidagi farqlar, shuningdek, soliq bazasini aniqlashda kadastr ma’lumotlarining ishonchliligini oshirish usullari keltirilgan. Shuningdek, u kadastr baholashda statistik usullar, qiyosiy yondashuv va xarajat modellaridan foydalanish muhimligini ta’kidlaydi. Uning fikriga ko‘ra, kadastr baholashni avtomatlashtirish va raqamlashtirish soliqqa tortish tizimining shaffofligini ta’minlashga yordam beradi [**Ошибка! Источник ссылки не найден.**].

A.V. Minakovning tadqiqotlarida byudjet va soliq tizimini boshqarish metodologiyasini o‘rganib, makroiqtisodiy o‘zgarishlar shart-sharoitlarida soliqqa tortish mexanizmlarini takomillashtirish yo‘llarini tahlil qilgan. Asarning muhim jihatlaridan biri - soliqqa tortishda ommaviy baholash modellarini joriy etish va soliq yukini adolatli taqsimlash bo‘yicha takliflar berishdir. U davlat byudjetini shakllantirishda soliqqa tortish obyektlarini to‘g‘ri baholash va ma’lumotlarning yaxlitligini ta’minlash muhimligini qayd etadi [**Ошибка! Источник ссылки не найден.**].

U.To‘lakov tomonidan ko‘chmas mulkni soliqqa tortish va kadastr baholash masalalari bo‘yicha olib borilgan tadqiqotlarda soliqqa tortish tizimining samaradorligini oshirish, kadastr ma’lumotlarining ishonchliligini ta’minlash va ommaviy baholash modellarini joriy etish masalalariga alohida e’tibor berilgan [**Ошибка! Источник ссылки не найден.**, **Ошибка! Источник ссылки не найден.**].

Tahlil va natijalar

Yuridik kadastr ko‘chmas mulkka bo‘lgan huquqlarni rasman tan olish hamda ularni ro‘yxatdan o‘tkazish jarayonini ta’minlab, yer uchastkalari va bino-inshootlar borasida haqiqiy egalik va huquqiy kafolatlarni muhofaza qiladi. Ushbu kadastr bozor munosabatlarida egalik huquqlarining shaffofligiga erishish, nizolar sonini kamaytirish, shuningdek, ko‘chmas mulk bilan bog‘liq operatsiyalarni soddalashtirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Fiskal kadastr esa asosan soliqqa tortish maqsadida foydalaniladi. U yer uchastkalari va bino-inshootlar haqidagi turli topografik, texnik va iqtisodiy ko‘rsatkichlarni jamlab, soliq bazasini aniqlash uchun qulay axborot manbai hisoblanadi. Ular orqali har bir ko‘chmas mulk birligi baholanadi, mol-mulk solig‘i hisoblanadi va shu asosda umumiy soliq yuki taqsimlanadi.

Shu tariqa, yuridik kadastr egalik huquqlarining qonuniyligini ta’minlashda asosiy o‘rin tutib, bozor munosabatlarida huquqiy kafolatlar yaratsa, fiskal kadastr ko‘chmas mulkka soliq solinishida zarur bo‘lgan ma’lumotlarni taqdim etib, davlat byudjeti manbalarini oshirish va adolatli soliq yukini taqsimlashda muhim vosita hisoblanadi.

Ko‘chmas mulkni soliqqa tortish va kadastr baholash uchun kadastr agentligidan (keyingi o‘rinlarda - KA) foydalanish amaliyotini tadqiq etamiz.

Ko‘chmas mulk obyektlarini hisobga olish ko‘chmas mulkka bo‘lgan huquqlarni va unga doir bitimlarni davlat ro‘yxatidan o‘tkazish, ko‘chmas mulkni tasarruf etish, baholash va soliqqa tortishning asosi hisoblanadi [**Ошибка! Источник ссылки не найден.**]. “Ko‘chmas mulk

obyektlarini hisobga olishning tizimliligi, to‘liqligi va ishonchliligi soliqqa tortishning bir martalikligi va adolatliligi tamoyillariga rioya etilishini ta’minlaydi” [**Ошибка! Источник ссылки не найден.**]. Hisobga olish obyektlari to‘g‘risidagi ma’lumotlar soliq miqdorini aniqlash uchun asos hisoblanadi. Ko‘chmas mulk obyektlari va ularning xususiyatlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarning asosiy manbai sifatida kadastr agentligini ko‘rib chiqamiz.

KAning eng muhim maqsadlaridan biri ko‘chmas mulkni soliqqa tortish tizimini takomillashtirish hisoblanadi. M.V.Mishustin haqli ravishda ta’kidlaganidek, «...kadastr yer va mol-mulk soliqlari bo‘yicha soliq bazasini hisoblash uchun foydalaniladigan ma’lumotlarning asosiy manbai bo‘lib, u ko‘chmas mulkning kadastr qiymati to‘g‘risidagi ma’lumotlarning asosini tashkil qilishi kerak. Aynan shu axborot resursi istiqbolda ko‘chmas mulkni soliqqa tortishga o‘tish uchun zamin yaratadi» [5].

O‘zbekiston Respublikasining 2007-yil 15-dekabrdagi 171-II-sonli “Davlat kadastrlari to‘g‘risida”gi qonuni ko‘chmas mulk davlat kadastrini yuritish, ko‘chmas mulkning davlat kadastr hisobini yuritish va kadastr faoliyatini amalga oshirish bilan bog‘liq munosabatlarni tartibga soladi. Kadastr hisobi amalga oshiriladigan ko‘chmas mulk obyektlari - yer uchastkalari, binolar, inshootlar, binolar, qurilishi tugallanmagan obyektlar.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, ko‘chmas mulkni soliqqa tortish uchun KAdan foydalanish uchun bajarilishi zarur bo‘lgan talablarni shakllantirish mumkin. Birinchidan, KA ko‘chmas mulk obyektlari to‘g‘risidagi ma’lumotlarning yagona manbai bo‘lishi kerak. Ikkinchidan, KA ko‘chmas mulk obyektlari to‘g‘risidagi tizimli, to‘liq, ishonchli va bir-biriga zid bo‘lmagan ma’lumotlarni o‘z ichiga olishi kerak. Uchinchidan, KAning tarkibi va tuzilishi ko‘chmas mulk obyektlari va soliq solish obyektlari o‘rtasida aniq muvofiqlikni shakllantirish imkonini berishi kerak. Ushbu shartlar bajarilgunga qadar soliqqa tortishning bir martalikligi va adolatliligi tamoyillariga rioya etilishini muddatidan oldin kafolatlash lozim.

Hisobga olishning to‘liqligi hisobga olishga qo‘yiladigan normativ-huquqiy talablar, ko‘chmas mulk obyekti to‘g‘risidagi majburiy va qo‘shimcha ma’lumotlarni aniqlash va saqlash, dastlabki ma’lumotlarning mavjudligi bilan ta’minlanadi. Hisobning yaxlitligini ta’minlash uchun ko‘chmas mulk obyektlarining tabiati, tuzilishi va tarkibini tadqiq etish, ko‘chmas mulk obyektlarini tasniflash, o‘zaro bog‘liqliklarni qurish zarur.

Hisobning ziddiyatsizligi identifikatsiya tizimi, boshqa tizimlar bilan aloqalarni saqlash va boshlang‘ich ma’lumotlar sifati bilan ishonchlilik esa ma’lumot manbalarining qonuniyligi orqali ta’minlanadi.

Ko‘chmas mulk obyektlarini hisobga olishning to‘liqligiga bayonnoma tamoyili asosida obyektlar haqidagi ma’lumotlarni kadastr agentligiga kiritish va KAni shakllantirishda barcha ko‘chmas mulk obyektlarini hisobga olishni ta’minlovchi tartiblarning mavjud emasligi to‘sqinlik qiladi. Bu KA ko‘chmas mulk obyektlari bo‘yicha huquqlarni himoya qilish kafolati sifatida xizmat qilishini tushuntirish bilan bog‘liq. Huquqlarni ro‘yxatdan o‘tkazish jarayoni, masalan, inventarizatsiyadan farqli ravishda, majburiy emas, balki ixtiyoriy xususiyatga ega. Shuning uchun, hududda mavjud bo‘lgan va avval texnik ro‘yxatga olish tizimlarida qayd etilgan ko‘plab ko‘chmas mulk obyektlari KAda qayd etilmagan.

Muallif tomonidan turar joy va noturar joy fondlarining ko‘chmas mulk obyektlarini kadastr baholash jarayonida kadastr baholash uchun ko‘chmas mulk obyektlarining tavsiflari to‘liq hisobga olinmaganligi aniqlangan. Kadastr qiymatini aniqlash ishlarining bosqichlaridan biri KAdagi ma’lumotlar asosida ko‘chmas mulk obyektlari ro‘yxatini shakllantirish hisoblanadi. Kadastr baholash uchun KAdagi ma’lumotlardan foydalanishning potensial imkoniyatlarini ko‘rib chiqamiz. Buning uchun KAda ko‘chmas mulk obyektlarini hisobga olish turlari (yer uchastkalari, binolar, inshootlar, xonalar) va kadastr baholashda eng ko‘p qo‘llaniladigan baholash yondashuvlari - qiyosiy va xarajatli tahlilini amalga oshiramiz.

Tahlil quyidagi bosqichlardan iborat:

- qiymatni shakllantiruvchi ko‘chmas mulk obyektlarining tavsiflarini (keyingi o‘rinlarda - qiymat omillari) aniqlash;

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

- tavsiflarning qiymatga ta’sir darajasini baholash;
- KAning hisob tavsiflari ro‘yxatida qiymat omillarining mavjudligi.

Qiymatni shakllantiruvchi ko‘chmas mulk obyektlarining xususiyatlarini aniqlash. Ko‘chmas mulk bozorini tadqiq etish asosida umumlashtirilgan qiyosiy yondashuvda foydalaniladigan ko‘chmas mulk obyektlarining tavsiflari. Xarajat yondashuvida foydalaniladigan ko‘chmas mulk obyektlarining xususiyatlarini qurilish qiymatining yiriklashtirilgan ko‘rsatkichlarini tahlil qilish jarayonida ajratib olamiz. Kadastr qiymatini aniqlash uchun zarur bo‘lgan xususiyatlarni aniqlash tahlilining bir qismi jadvalda keltirilgan (1-jadval).

1- jadval.

Ko‘chmas mulk obyektlari qiymat omillarini aniqlash*

Baholash uchun talab qilinadigan miqdor va sifat xususiyatlari	**Yondashuvga bog‘liq holda kadastr qiymatini aniqlash uchun baholash ob’yektlarining miqdor va sifat xususiyatlariga ehtiyoj darajasi**	
	Xarajat yondashuvi	**Qiyosiy yondashuv**
Foydalanishga tushirilgan, rekonstruksiya yoki kapital ta’mirlash sanasi	Bo‘lishi shart	Bo‘lishi shart
Maydon parametrlari:		
Umumiy maydon	Bo‘lishi shart	Bo‘lishi shart
Foydali maydon	Bo‘lishi shart	-
Qavatlar	Bo‘lishi shart	Bo‘lishi shart
Kvartiralar soni	Bo‘lishi shart	-
Qavatning balandligi	Bo‘lishi shart	-
Qurilish uchun ishlatiladigan asosiy materiallar:		
vertikal yuk ko‘taruvchi konstruksiyalar	Bo‘lishi shart	-
gorizontal yuk ko‘rsatuvchi konstruksiyalar	Bo‘lishi shart	-
tashqi devorlar	Bo‘lishi shart	Bo‘lishi shart

*Muallif tomonidan tayyorlangan.

Amalga oshirilgan tahlillar natijasida ko‘chmas mulk obyektlarining qiymatiga ta’sir etuvchi quyidagi tavsiflari aniqlandi (2-jadval).

2-jadval.

Qiymatga ta’sir etuvchi ko‘chmas mulk obyektlarining xususiyatlari*

Qiyosiy yondashuv (bino va xonalar)	**Xarajat yondashuvi**
- funksional maqsadi (nomi); - foydalanishga topshirilgan yili; - umumiy maydoni; - qavatlar soni; - qavat (xonalar uchun); - devor materiallari; o‘rnatilgan muhandislik tizimlari turlari	**Bino** - funksional maqsadi (nomi) - umumiy maydoni; - foydalanishga topshirilgan yili; - kvartiralarning umumiy maydoni (turar-joy binolari uchun); - kvartiralar soni (turar-joy binolari uchun); - maydon; - qavatlar soni; - qavat balandligi; - devorlar, shiftlar, tayanch konstruksiyalar, tom, pol;

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

(isitish, suv ta’minoti, kanalizatsiya, elektr yoritish, gaz ta’minoti)	- o‘rnatilgan muhandislik tizimlari turlari.
	Xona - funksional maqsadi (nomi) - uzunligi, hajmi, maydoni, balandligi, qalinligi, chuqurligi va boshqalar (strukturaning turiga va maqsadiga qarab); - qurilishi materiallari; - struktura turiga va maqsadiga bog‘liq boshqa miqdoriy hamda sifat tavsiflari.

*Muallif tomonidan tayyorlangan.

Xususiyatlarning qiymatga ta’sir darajasini baholash va ta’sir darajasi bo‘yicha eng muhim xususiyatlarni aniqlash uchun xarajat yondashuvini qo‘llash doirasida xususiyat qiymatlarining qiymatni hisoblashdagi hissasi tahlil qilindi. Xarajat yondashuvi bilan kadastr qiymatini aniqlash uchun zarur bo‘lgan xususiyatlar qiymatlarining ta’sir diapazonlari jadvalda keltirilgan (3-jadval).

3-jadval.

Xususiyatlarning ta’sir diapazonlari*

№	Tavsif	Ta’sir doirasi	Izoh
1.	Funksional maqsad	-	Baholanyotgan obyektni tasniflash uchun majburiy hisoblanadi
2.	Qurilish yoki foydalanishga topshirilgan yili	80% gacha	Binoning umumiy qiymatiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri ta’sir ko‘rsatadi
3.	Maydon yoki hajm	24% gacha	Binoning umumiy qiymatini tuzatish kiritiladi
4.	Qavat balandligi	18% gacha	1 kv.m. qiymatiga tuzatish kiritiladi
5.	Kvartiralar soni	10% gacha	1 kv.m. qiymatiga tuzatish kiritiladi; umumiy hajmga ta’siri turar-joy turiga bog‘liq
6.	Muhandislik tizimlari turi (isitish, suv ta’minoti, gaz, elektr)	3% gacha	1 kv.m. qiymatiga tuzatish kiritiladi; muhandislik tizimlarining mavjudligi va holatiga bog‘liq
7.	Qavatlar soni	3% gacha	1 kv.m. qiymatiga tuzatish kiritiladi; yuqori qavatlardan pastga qarab dinamika hisobga olinadi
8.	Devorlar, tashqi konstruksiyalar, qavat materiallari	-	Devorlar va konstruksiyalar qurilish materiallari miqdoriga ta’sir qilib, umumiy qiymatni o‘zgartiradi
9.	Binoning va kvartiralarning umumiy maydoni	-	“Binoning umumiy maydoni” baholanish obyekti qiymati va kadastr qiymatini aniqlash uchun majburiy hisoblanadi

*Muallif tomonidan tayyorlangan.

Tahlilning uchinchi bosqichini o‘tkazish doirasida KAning hisob tavsiflari ro‘yxatida qiymatni aniqlashga sezilarli ta’sir ko‘rsatadigan tavsiflarning mavjudligi tekshirildi. Qiyosiy va xarajat yondashuvlarini qo‘llash bo‘yicha tahlil natijalari quyidagi jadvallarda keltirilgan (4-

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

jadval, 5-jadval).

4-jadval.

Qiyosiy yondashuvni qo‘llash uchun zarur bo‘lgan ko‘chmas mulk obyektlarining xususiyatlarini KAda hisobga olish*

Xususiyat turi va xossalari	Funksional maqsadi (nomi)	Foydalanishga topshirilgan yili	Umumiy maydoni	Qavatlar soni	Qavat	Devor materiali	O‘rnatilgan muhandislik tizimlari turlari
Turar-joy va noturar joy binolari							
Turar joylar	+	+	+	+	-	+	+
Noturar joylar	+	+	+	+	-	+	+
KAda ma’lumot mavjudligi	-	+	+	+	-	+	-

*Muallif tomonidan tayyorlangan.

Tahlillar natijasida binolar, xonalar, inshootlarning funksional vazifasi (nomi) kabi baholash uchun muhim bo‘lgan xususiyat kadastr hisobida turmasligi aniqlandi. Biroq, aynan shu tavsif ko‘chmas mulk obyektining qiymatiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi, chunki uning qiymati asosida baholash obyektlarini tasniflash va sinfga aniq baholash usulini qo‘llash amalga oshiriladi. Shuningdek, baholash uchun muhim bo‘lgan xususiyatlar - devor materiali, qurilgan yili, qavat, qavatlar soni - majburiy bo‘lmagan, qo‘shimcha xususiyatlar maqomiga ega.

Soliq solish uchun ko‘chmas mulk obyektlarining xususiyatlarini hisobga olishning to‘liqligi soliq bazasi bo‘lib xizmat qiladigan kadastr qiymatini to‘g‘ri hisoblash uchun muhimdir. Jadvalda keltirilgan statistik ma’lumotlar bir qator tavsiflarning yo‘qligi yoki tavsiflarda qarama-qarshiliklar mavjudligi sababli kadastr qiymatini noto‘g‘ri hisoblashga olib keladi.

5-jadval.

Xarajat yondashuvini qo‘llash uchun zarur bo‘lgan ko‘chmas mulk obyektlarining xususiyatlarini KAda hisobga olish*

Obyekt turi/ tavsiflari	Funksional maqsadi (nomi)	Foydalanishga topshirilgan yili	Umumiy maydoni	Kvartiralarning umumiy maydoni	Kvartiralar soni	Xajmi	Qavatlar soni	Qavat balandligi	Konstruktiv elementlarning materiali	O‘rnatilgan muhandislik tizimlari turlari
Turar joylar	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
Noturar joylar	+	+	+	-	-	+	+	+	+	+
KAda ma’lumot mavjudligi	-	+	+	-	-	-	+	-	+	-

*Muallif tomonidan tayyorlangan.

Ko‘chmas mulk obyektlarini hisobga olishning yaxlitligi, masalan, mulkiy majmualarni (yer uchastkasi va unda joylashgan binolar va inshootlarni o‘z ichiga olgan, yagona obyekt sifatida faoliyat yurituvchi ko‘chmas mulk obyektlarini) hisobga olishdagi yo‘qotishlar (muammolar) sababli buziladi. Bu ko‘chmas mulkning yaratilishi va uning yagona funksiya - ishlab chiqarish (ishlab chiqarish majmuasi), ijtimoiy (yakka tartibdagi turar-joy uyi) va boshqalarni bajarishga mo‘ljallangan yagona obyekt sifatida faoliyat yuritish tabiati o‘rtasidagi ziddiyatni keltirib chiqaradi.

Shunday qilib, ko‘chmas mulk obyektini hisobga olish uchun taqdim etilgan bitta ariza faqat bitta ko‘chmas mulk obyektini qayd etishga muvofiq keladi. Shuning uchun, o‘rtacha 4-7 binolar va inshootlar (ko‘p qavatli uy, garaj, hovlidagi yordamchi inshootlar, devor va boshqalar) kiruvchi mulkiy majmua sifatidagi yakka tartibdagi turar-joy kadastr hisobida faqat asosiy bino sifatida qayd etiladi. Bu holat yagona obyekt tarkibi haqidagi ma’lumotlarni yo‘qotishga olib keladi, bu esa oxir-oqibat obyektning kadastr qiymatini hisoblashga salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

Identifikatorlar va klassifikatorlar tizimi axborot makonini yaratish va amal qilishining asosi hisoblanadi, ular axborotni boshqa tizimlardan olish imkoniyati hisobiga bir tizimda saqlash hajmini minimallashtiradi, takrorlanishni istisno qiladi va ma’lumotlarning havolaviy yaxlitligini ta’minlaydi. Masalan, ko‘chmas mulk obyektining joylashuviga qarab qiymat omillarining qiymatlarini aniqlash uchun ikkita axborot resursi - KA va hududdagi ko‘chmas mulk obyektining joylashuvini tavsiflovchi geoaxborot tizimi (GAT)ni birlashtirish kerak. Odatda, GATda ko‘chmas mulk obyektlarining kadastr raqami mavjud bo‘lmaydi. Shuning uchun mazkur resurslarni ko‘chmas mulk obyektlarining kadastr raqami asosida birlashtirish mumkin emas. Nazariy jihatdan koordinatalar bo‘yicha birlashtirish mumkin, ammo turli xil axborot tizimlarini yagona koordinatalar tizimida yuritish yanada uzoq kelajakdagi vazifadir.

Odatda, ikkala tizimda ham mavjud bo‘lgan xususiyat sifatida ko‘chmas mulk obyektining manzili bo‘lishi mumkin. KAda ko‘chmas mulk obyektlarining joylashuvi to‘g‘risidagi ma’lumotlarni kiritish nazarda tutilgan, bu majburiy (qo‘shimcha) matnli tavsifli tavsif emas. Har bir tizimda manzillar ixtiyoriy ravishda, semantik tarzda, yagona manzil tasniflagichidan foydalanmasdan kiritilayotganligini hisobga olsak, ma’lumotlar bir-biriga mos kelmaydi. Demak, axborot resurslarining mos kelishi uchun quyidagi talablarga javob beradigan yagona manzilli tasniflagichdan foydalanish zarur:

-manzillar xilma-xilligini standartlashtirish va turli tizimlarda qo‘llaniladigan manzil tavsiflarini muvofiqlashtirish uchun alohida maydonlardan (indeks, aholi punkti, aholi punktining bir qismi, ko‘cha, uy turi) iborat tuzilgan, ko‘chmas mulk obyektining bir ma’noli talqin qilinadigan manzili zarur;

-avtomatlashtirish va unifikasiyalash uchun manzilda mavjud bo‘lgan semantik ma’lumotlarning kodli muvofiqligini shakllantirish zarur.

Turli idoralarda qo‘llaniladigan manzilli ma’lumotnomalar va tasniflagichlar orasida axborot makonini shakllantirish bo‘yicha ishlarni bajarish maqsadlariga axborot manzilli tizimi (AMT) mos keladi. Biroq, AMT manzili kodi joylashuvini tavsiflovchi geoaxborot tizimi KAning hisob tavsifi hisoblanmaydi.

KA ma’lumotlari ilgari hisobga olingan ma’lumotlardan shakllantirilgan bo‘lib, ular uzoq vaqt davomida ko‘chmas mulk obyektlarini texnik inventarizatsiya qilish xizmati tomonidan shakllantirilgan. Boshqa tizimlardan axborotni uzatish va yuklash jarayonida axborotni takrorlash sodir bo‘ldi, ma’lumotlar dastlab o‘z ichiga olgan xatolar bilan uzatildi. Shuning uchun KA avvalgi hisobdagi barcha noaniqliklar va xatolarni meros qilib oladi.

Ma’lumotlar hajmi, hisobga olish tartibidagi farqlar, ma’lumot almashish tartibidagi noaniqliklar - bularning barchasi xatolarga yo‘l qo‘yish imkoniyatini yaratadi. Bu xatolar faqat KA ma’lumotlari asosida kadastr qiymati hisoblanganda va uning tahlili o‘tkazilganda aniqlanadi.

KAdan baholash obyektlari ro‘yxati tahlilida eng ko‘p uchraydigan xatolar sifatida quyidagi ziddiyatlar aniqlandi:

- obyektlarning bir-birini takrorlashi-kadastr raqamidan tashqari barcha xususiyatlar bo‘yicha obyektlarning mos kelishi;

- katta shaharlarda joylashgan turar joy xonalari (kvartiralar) hamda boshqa obyektlar uchun manzil xususiyatlari (ko‘chaning nomi va uy raqami) mavjud emasligi;

- qurilgan yili to‘g‘risidagi ma’lumotlarning mavjud emasligi;

- noto‘g‘ri maydon, masalan: obyekt maydonining uning turiga, vazifasiga (nomiga) zidligi;

- binoning qavatining noto‘g‘ri ko‘rsatitlishi;

- devorlar materiali va bino qavatlarining qarama-qarshiligi (masalan, o‘n qavatli yog‘och bino);

- ko‘chmas mulk obyekti (xona) va asosiy obyekt (xona joylashgan bino) tavsiflarining qarama-qarshiligi.

Xulosa

Ko‘chmas mulkni soliqqa tortish va kadastr baholash tizimini takomillashtirish zamonaviy iqtisodiyotda muhim ahamiyatga ega. Tadqiqot davomida kadastr baholash jarayonlarining samaradorligini oshirish, soliqqa tortish tizimini yaxshilash va xalqaro tajribalarni mahalliy sharoitga moslashtirish masalalari tahlil qilindi. Tahlillar shuni ko‘rsatdiki:

-kadastr baholashdagi asosiy muammolardan biri - ma’lumotlarning noto‘liqligi va rasmiy reestrlardagi ziddiyatlardir. Bu soliq yukining noto‘g‘ri taqsimlanishiga olib kelishi mumkin;

-yuridik va fiskal kadastrlar o‘rtasidagi axborot almashinuvi yetarli darajada yo‘lga qo‘yilmagan, bu esa yer va ko‘chmas mulk obyektlarining kadastr baholashda xatoliklarga sabab bo‘ladi;

-ommaviy baholash modellari rivojlangan mamlakatlarda kadastr qiymatini aniqlashda keng qo‘llaniladi, biroq O‘zbekistonda bu usuldan to‘liq foydalanilmayapti;

-soliqqa tortish jarayonida raqamli texnologiyalardan yetarlicha foydalanilmasligi ham tizimning samaradorligini pasaytirmoqda.

Yuqoridagi xulosalardan kelib chiqib quyidagilarni taklif qilamiz:

-davlat kadastr agentligi va soliq organlari o‘rtasida ma’lumot almashinuvini kuchaytirish;

-ko‘chmas mulk obyektlarining yagona reestrini yaratish va ma’lumotlarni tez-tez yangilash;

-soliqqa tortishda ommaviy baholash usullaridan keng foydalanish va ularni mahalliy bozor sharoitiga moslashtirish;

-bozor qiymatini aniqlash uchun statistik va iqtisodiy tahlil usullarini joriy etish;

-GAT (geoaxborot tizimlari) va Big Data texnologiyalarini kadastr baholash va soliqqa tortishda keng tatbiq etish;

-soliq organlarida avtomatlashtirilgan baholash dasturlarini ishlab chiqish va tadbiq etish;

-rivojlangan mamlakatlardagi kadastr va soliqqa tortish modellarini tahlil qilib, ularni O‘zbekiston sharoitida qo‘llash imkoniyatlarini o‘rganish;

-qonunchilikni xalqaro standartlarga muvofiqlashtirish va soliqqa tortish jarayonini shaffoflashtirish.

Ushbu takliflarni amalga oshirish soliqqa tortish tizimini yanada samarali, adolatli va aniq qilishga yordam beradi. Bu esa davlat byudjetiga tushumlarni oshirish va soliq yukini teng taqsimlashda muhim o‘rin tutadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasining 2022-yil 28-noyabrdagi “Ko‘chmas mulkka bo‘lgan huquqlarni davlat ro‘yxatidan o‘tkazish to‘g‘risida”gi O‘RQ-803 sonli Qonuni. – https://lex.uz/ru/docs/-6297080

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

2. O‘zbekiston Respublikasining 2007-yil 15-dekabrdagi 171-II-sonli “Davlat kadastrlari to‘g‘risida”gihttps: – lex.uz/uz/docs/-29794

3. Безруков, В.Б. Налогообложение и кадастровая оценка недвижимости: Монография. – Н. Новгород: ННГАСУ, 2011. – 153 с.

4. Минаков, А.В. Методология управления бюджетно - налоговой системой России в условиях изменяющейся макроэкономики: Диссертационное исследование. – М.: Издательство Дашков, 2011. – 350 с.

5. Мишустин, М.В. Информационно-технологические основы администрирования имущественных налогов: диссертационное исследование. – М.: ЮНИТИ, 2007. – 359 с.

6. To‘lakov, U. (2024). Ko‘chmas mulkni soliqqa tortishda qiymatni baholash usullari. Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil, 2(12), 389-399.

7. Tulakov, U. (2025). Ways to Improve The Methodological Foundations of Mass Appraisal for Real Estate Taxation. Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance, 6(1), 135-145.

8. To‘lakov, U. (2025). Soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirishda innovatsion yondashuvlar. Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari, 5(1), 91–105.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Рузиев Ғанишер Усарович

солиқ ва солиққа тортиш
кафедрасининг катта ўқитувчиси
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
E-mail: ruziev200714@mail.ru
ORCID: 0009-0008-5695-4846

Аннотация. Мақолада жисмоний шахсларни солиққа тортиш борасида солиқ қонунчилигига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, уларнинг амалиётга тадбиқ этилишининг натижалари таҳлил қилингани ҳолда жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг янада самарали ва адолатли тизимига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: солиқ тизими, солиқ қонунчилиги, бюджет солиқ сиёсати, солиқ ставкаси, шартли қиймат, индексация, коэффициент, солиқ имтиёзлари.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ

Рузиев Ганишер Усарович

старший преподаватель кафедры налогов и налогообложения
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: ruziev200714@mail.ru
ORCID: 0009-0008-5695-4846

Аннотация. В статье анализируются изменения и дополнения в налоговом законодательстве по вопросам налогообложения физических лиц, результаты их внедрения в практику, а также сформулированы предложения и рекомендации касающиеся формирования эффективной и справедливой системы налогообложения физических лиц.

Ключевые слова: налоговая система, налоговое законодательство, бюджетная налоговая политика, налоговая ставка, условная стоимость, индексация, коэффициент, налоговые льготы.

ISSUES OF IMPROVING THE TAXATION SYSTEM FOR INDIVIDUALS

Ruziev Ganisher Usarovich

Senior Lecturer of the Department
Tax and Taxation
Tashkent State the University of Economics
E-mail: ruziev200714@mail.ru
ORCID: 0009-0008-5695-4846

Abstract. The article analyzes the amendments and additions to the tax legislation on taxation of individuals, the results of their implementation in practice, as well as outlines suggestions and recommendations for achieving a more efficient and fair system of taxation of

individuals.

Keywords: tax system, tax legislation, budget tax policy, tax rate, conditional value, indexation, coefficient, tax benefits**.**

Кириш

Ҳар бир давлатнинг солиқ тизими, унинг элементлари ва фаолият кўрсатиш хусусиятлари ушбу давлатда мавжуд бўлган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг ҳуқуқий маданиятининг асосини ташкил этувчи умумий ҳуқуқий қадриятлар, ғоялар ва анъаналарга асосланади. Солиқ тизими фақатгина бюджетни тўлдириш эмас, балки иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилиши керак. Бу борада жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг барқарорлиги уларнинг изчиллик, ҳуқуқий аниқлик ва хавфсизликка бўлган истагини акс эттиради. Ўз навбатида солиқ тизими барқарорлиги солиқ қонунчилигининг барқарорлиги билан бевосита боғлиқ. Агар муҳим объектив сабаблар мавжуд бўлса, солиқ тизимидаги ўзгаришлар солиқ ислоҳотлари пайтида солиқ тизимининг асосий элементларининг ўзгаришига олиб келиши керак.

Солиқ тизимининг ажралмас элементи сифатида жисмоний шахсларни солиққа тортишда, уларнинг даромадлилик даражаси, тўловлар билан боғлиқ реал имкониятларини ҳисобга оладиган, фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришни кафолатлайдиган, уларнинг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришни назарда тутадиган бюджет-солиқ сиёсатини амалга оширишни талаб қилади. Зеро бугунги кунда аҳолининг бандлигини самарали таъминлаш, даромадларини янада ошириш, мулки ҳамда активлари қийматининг муттасил ошиб боришини кафолатлаш жисмоний шахслар солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Адабиётлар шарҳи

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими ҳамда уларни такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар бўйича илмий изланишлар олиб борган маҳаллий иқтисодчи олимлардан О. Абдураҳмонов “Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар – бу фуқароларнинг ҳар қандай қонуний фаолияти манбалари асосида оладиган шахсий даромадларидан давлат фойдасига ўтказадиган эквивалентсиз мажбурий тўловлардир”, дея таъкидлайди [3]. А. Адизов эса жисмоний шахслардан олинадиган солиқларга – «Давлат ва жамият томонидан мажбурият сифатида кўрсатиладиган хизматлар ҳақи бўлиб, уларни маблағ билан таъминлаш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажм ва ўрнатилган муддатларда давлат ихтиёрига мажбурий равишда ундириладиган тўловдир», деб таъриф берган [4].

Хорижлик олимлардан А.В. Кузнецовнинг фикрича, “Жисмоний шахсларни шахсий даромадларни солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилишда кўпинча адолат тамойили бузилади, солиқ имтиёзларининг иқтисодий асосланган миқдорларини аниқлаш воситаларидан тўлиқ фойдаланилмайди, солиқларнинг ижтимоий йўналтирилган роли кам баҳоланади, бу ривожланган хорижий мамлакатлар бюджетларида етакчи ўринни эгаллайди” [7]. Богатыреванинг таъкидлашича, “Солиқ ислоҳоти бу давлат солиқ тизимидаги қонуний равишда белгиланган ўзгариш, бу давлат солиқ сиёсати стратегиясини ўзгартиришга асосланади. Шундай қилиб, солиқ сиёсати тактикасининг ўзгариши солиқ ислоҳотига олиб келмайди . Фақат солиқ тизимига тегишли амалдаги қонунчиликдаги ўзгартиш ва қўшимчалар сифатида кўриб чиқилади. Солиқ сиёсати стратегиясидаги ўзгаришлар мамлакатда солиқ ислоҳотларини амалга ошириш учун асосдир” [6]. И.А. Майбуровнинг таъкидлашича, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш муайян вақт давомида амалга ошириладиган солиқ ислоҳотларини амалга оширишдан фарқли ўлароқ, доимий жараёндир [5].

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида олиб борилди. Унда жисмоний шахсларни солиққа тортиш борасида қонунчиликдаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларга ечим топиш вазифалари белгилаб олинди. Шунингдек, солиқ қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича тегишли вазифалар ишлаб чиқилди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни ўрганиш, таҳлил қилиш, таққослаш ва гуруҳлаш каби илмий-услубий ёндашувлардан фойдаланилди. Натижада хулосалар чиқарилди ва таклифлар ишлаб чиқилди, улар жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими ва қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосини халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб бериш масаласи ташкил этади. Шунга кўра, солиқ тизимидаги ислоҳотлар ва солиқ сиёсати доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлаш билан бир қаторда фискал юкнинг фуқаролар зиммасига янада адолатли тақсимланишига хизмат қилиши лозим. Бу борада жисмоний шахслар солиқ маъмуриятчилиги қоидаларини ўзгартириш, солиққа тортишда аҳолининг даромадлилик даражаси ва турмуш шароитини ҳисобга олиш, имтиёзларни қўллашда адолатлиликни таъминлаш, қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш, ноаниқлик ва тушунмовчиликларни бартараф этиш мақсадида жисмоний шахсларни солиққа тортиш билан боғлиқ қонунчилик янада таомиллаштириш зарурияти юзага келади. Шунинг учун ҳам ҳар йили солиқ қонунчилиги ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш мақсадида 2025 йилги бюджет-солиқ сиёсати концепцияси доирасида Солиқ кодексига жисмоний шахсларни солиққа тортиш билан боғлиқ меъёрларга кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, аввалги йилларда Солиқ кодексига асосан якка тартибдаги тадбиркорлар ёлланма ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам ўртача ойлик миқдоридан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи ҳисоблаган ҳолда, унинг 12 фоизини даромад солиғи кўринишда бюджетга ўтказиб беришга мажбур эди. 2025 йилда бошлаб, Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришга кўра, даромади календарь йилда юз миллион сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорларга ёлланма ишчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган ставкаларнинг 50 фоизига тенг миқдордаги солиқни солиқ агенти сифатида ҳисоблаб чиқариш ва тўлов манбаида ушлаб қолиш ҳуқуқи берилди. Мисол учун Андижон вилояти Пахтаобод туманида сартарошлик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркор ўзининг ёлланган ходими учун камида 1155 минг сўм ойлик иш ҳақи ҳисоблаб, ундан 12 фоиз ставкада 138,6 минг сўм солиқ тўлаган бўлса, эндиликда ўзи тўлайдиган 75 минг сўмлик солиқнинг 50 фоизини, яъни 37,5 минг сўм тўлаши мумкин бўлади. Натижада якка тартибдаги тадбиркорлар ихтиёрида 2025 йилнинг ўзида 1,9 млрд сўм қолиши кутилмоқда. 2025 йилдан бошлаб, барча якка тартибдаги тадбиркорлар қаторида бозор ва савдо мажмуаларида фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам ўз ходимлари учун ижтимоий солиқни ҳар ойда эмас, балки йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида, яъни бугунги кунда 375 минг сўм миқдорида тўлашлиги белгиланди. Натижада тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 0,5 млрд сўм маблағ қолиши кутилмоқда.

2025 йил 1 январдан бошлаб, якка тартибдаги тадбикорлар тўлайдиган даромад солиғининг қатъий белгиланган ставкаси ўртача 10 фоизга индексация қилиниши билан бир қаторда, эндиликда тадбиркорлик фаолият тури ва жойлашган ҳудудига қараб энг кам ва энг юқори ставкалар (диапазон) белгиланди (1-жадвал).

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

1-жадвал.

Якка тартибдаги тадбикорлар тўлайдиган даромад солиғининг қатъий белгиланган ставкаси*

№	Фаолият тури	Бир ойлик солиқ ставкалари (сўмда)			
		Тошкент шаҳри	Нукус ш. ва вилоят марказлари бўлган шаҳарлар	Бошқа шаҳарлар	Бошқа аҳоли пунктлари
1.	Чакана савдо:				
	озиқ-овқат товарлари ва ноозиқ-овқат товарлари билан	700 000 - 1 000 000	265 000 - 800 000		
	деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан	230 000 330 000	65 000 - 200 000		
	газета, журнал ва китоб маҳсулотлари билан	230 000-330 000	65 000 - 200 000		
2.	Маиший хизматлар	230 000-330 000	65 000-200 000		
3.	Бошқа фаолият турлари	230 000-330 000	65 000-200 000		
4.	Автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари:				
	3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	200 000			
	3 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	300 0			

*Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – https://www.lex.uz/ docs/4674902

Бунда энг кам ва энг юқори ставкалари доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари миқдорини туманлар ҳамда шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш ваколати берилди. Мазкур ваколат доирасида ҳам халқ депутатлари Кенгашлари якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам ошкор қилиши ва солиқ тўловчилар ҳамда солиқ органларига аниқ бир муддатда тақдим этиши лозим бўлади. Шунга кўра, масалан, Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари миқдорини вилоятдаги жами 16 та туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича белгиланган (2-жадвал).

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

2-жадвал.

2025 йил учун Андижон вилоятида якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқ ставкалари [10].

№	Ҳудудлар номи	Бир ойлик солиқ ставкалари (сўмда)			
		Чакана савдо:			Маиший хизматлар ва бошқа фаолият турлари
		озиқ-овқат товарлари ва ноозиқ-овқат товарлари билан	деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан	газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан	
1.	Андижон шаҳри	800 000	200 000	200 000	200 000
2.	Хонобод шаҳри	400 000	100 000	100 000	100 000
3.	Олтинкўл тумани	300 000	80 000	80 000	80 000
4.	Андижон тумани	400 000	100 000	100 000	100 000
5.	Балиқчи тумани	300 000	80 000	80 000	80 000
6.	Бўстон тумани*	66 250	16 250	16 250	16 250
7.	Булоқбоши тумани	300 000	80 000	80 000	80 000
8.	Жалақудуқ тумани	285 000	75 000	75 000	75 000
9.	Избоскан тумани	285 000	75 000	75 000	75 000
10.	Улуғнор тумани*	66 250	16 250	16 250	16 250
11.	Қўрғонтепа тумани	300 000	80 000	80 000	80 000
12.	Асака тумани	400 000	100 000	100 000	100 000
13.	Марҳамат тумани	285 000	75 000	75 000	75 000
14.	Шаҳрихон тумани	400 000	100 000	100 000	100 000
15.	Пахтаобод тумани	285 000	75 000	75 000	75 000
16.	Хўжаобод тумани	300 000	80 000	80 000	80 000

** Ушбу туманлар 5-тоифадаги туманлар ҳисобланиб, уларда рўйхатдан ўтган ва шу ҳудудларда фаолият юритадиган якка тартибдаги тадбиркорлар даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини бошқа аҳоли пунктлари учун белгиланган минимал ставканинг тўртдан бир қисмини тўлаши белгиланган.*

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари жорий солиқ даври учун якка тартибдаги тадбиркорлар учун туманлар ҳамда шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда қатъий белгиланган солиқ ставкалари миқдорлари ҳақидаги маълумотларни солиқ органларига қайси муддатга қадар ва қайт тарзда тақдим этиши солиққа оид қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилмаган. Бу эса мазкур солиқни ўз вақтида ҳисоблаш ва тадбиркорлардан ундириш даражасига таъсир қилади.

Янги иш ўринларини яратиш мақсадида 2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 сентябрга қадар касбга ўргатиш учун мактаб, коллеж ва техникумлар ўқувчиларини (ўттиз ёшдан ошмаган) ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари уларга тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди. Мазкур мактаблар, коллежлар ва техникумлар ўқувчилари эса касб ўрганиш жараёнида тадбиркорлик субъектларидан олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 1 фоиз миқдорида тўлайди. Шунингдек, магистраль автомобиль йўллари бўйида кўчма савдо объектларини ташкил этган ёшлар (ўттиз ёшдан ошмаган шахслар) фаолиятни амалга ошириш бошланган санадан эътиборан дастлабки олти ой давомида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича солиқларни тўлашдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинди. Мазкур имтиёзлар янги иш ўринларини яратиш ва ёшлар бандлигини таъминлаш орқали даромадларини шаклланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш ҳисобланади. Шу ўринда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида уларни касбга ўргатишда ўқув курслари тўловлари бўйича ҳам солиқ

чегирмаларини жорий қилиш лозим. Масалан, ёшларнинг ҳайдовчиларни тайёрлаш, тил ўрганиш, илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги ўқув курслари учун ота-оналари томонидан тўланаётган тўловлар, шунингдек ёшларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ учун ўзи ёки ота-оналари томонидан тўланадиган бадаллар бўйича ҳам даромад солиғидан чегирмаларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш борасида, уларнинг мол-мулкини ижарага беришдан олинган даромадларига солиқ солишда қонунчиликда белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари ўтган йилдагига нисбатан ўртача 10 фоизга индекцация қилингани ҳолда, 2025 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-1011-сонли қонунига [2] асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига юқорида келтириб ўтилган ижара тўловининг энг кам ставкаларига нисбатан туманлар ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланиши даражасига қараб 2,0 гача оширувчи коэффициентни жорий этиш ваколати берилди. Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши томонидан эса ушбу коэффициентдан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида ер солиғини ҳисоб-китоб қилиш мақсадлари учун белгиланган зоналар кесимида фойдаланилиши, шунингдек, халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари туманлар ҳамда шаҳарларнинг оммавий дам олишга ва (ёки) туризмга ихтисослаштирилган айрим ҳудудларида мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига Тошкент шаҳри учун белгиланган миқдорларгача ўсиб борувчи коэффициентларни жорий этишга ҳақлилиги белгилаб қўйилди. Натижада, 2025 йил учун халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори билан мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний ва юридик шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари қўлланиладиган коэффициентлар тасдиқланди (3-жадвал).

3-жадвал.

Тошкент шаҳрида 2025 йилда мол-мулкни ижарага берувчи жисмоний ва юридик шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар [8]

<table>
<tr><th rowspan="2">№</th><th rowspan="2">Туман номи</th><th rowspan="2">Соҳалар</th><th rowspan="2">Зона</th><th colspan="2">Турар жой учун (1 кв.м учун)</th><th colspan="2">Нотурар жой учун (1 кв.м учун)</th></tr>
<tr><th>Коэффициент</th><th>Энг кам миқдор (сўмда)</th><th>Коэффициент</th><th>Энг кам миқдор (сўмда)</th></tr>
<tr><td rowspan="5">1.</td><td rowspan="7">Тошкент шаҳри учун</td><td rowspan="5">ЖШ ва ЮШлар учун белгиланган ижара тўлов ставкалари</td><td>1-зона</td><td>2,0</td><td>56 000,0</td><td>2,0</td><td>90 000,0</td></tr>
<tr><td>2-зона</td><td>2,0</td><td>56 000,0</td><td>2,0</td><td>90 000,0</td></tr>
<tr><td>3-зона</td><td>2,0</td><td>56 000,0</td><td>2,0</td><td>90 000,0</td></tr>
<tr><td>4-зона</td><td>1,9</td><td>53 200,0</td><td>1,9</td><td>85 500,0</td></tr>
<tr><td>5-зона</td><td>1,8</td><td>50 400,0</td><td>1,8</td><td>81 000,0</td></tr>
<tr><td rowspan="3">2.</td><td colspan="3">Соҳалар</td><td colspan="2">Коэффициент</td><td colspan="2">Энг кам миқдор (сўмда)</td></tr>
<tr><td colspan="3">Енгил автомобиль (йўловчилар, багаж ташишга мўлжалланган ҳамда ҳайдовчи ўрнини ҳисобламаганда, ўриндиқлари сони 8 тадан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси)</td><td colspan="2">1,0</td><td colspan="2">858000,0</td></tr>
<tr><td colspan="3">Микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобиллари</td><td colspan="2">1,0</td><td colspan="2">1705000,0</td></tr>
</table>

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Демак, жисмоний шахсларнинг мол-мулк ижара даромади бўйича солиқни ҳисоблаб чиқаришда юқорида назарда тутилган коэффициентлар қўлланилган ҳолда белгиланган энг кам миқдорга нисбатан ҳисобланишини назарда тутсак, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари мазкур масалада белгилаган коэффициентлари тўғрисидаги маълумотларни, биринчидан, оммавий ахборот воситаларида ошкор қилиши, иккинчидан, солиқ тўловчилар ва солиқ органларига аниқ бир муддатда тақдим этиши лозим бўлади.

Жисмоний шахслар тўлайдиган яна бир солиқлардан бири бўлган мол-мулк солиғининг ставкалари ҳам йиллик инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда 2025 йилда ўртача 10 фоизга индексация қилинган. Натижада солиқ ставкаси уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари (умумий майдони 200 кв.м гача бўлганларини қўшиб ҳисоблаганда), кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун 0,34 фоиз, шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартиралар, умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ ва 500 кв.м гача бўлганда 0,45 фоиз, 500 кв.м дан ортиқ бўлганда 0,6 фоиз, бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлган уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари учун 0,45 фоиз миқдорида белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳудудларнинг ва фаолият амалга ошириладиган жойларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Солиқ кодексида ўрнатилган солиқ ставкаларига 0,7 дан 1,3 гача бўлган оралиқдаги камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар белгилаш ваколати берилган. Шунга кўра, 2025 йилдан бошлаб, Кенгашлар жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари коэффициентлар қўллашни бошлади. Масалан, 2025 йилда Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши вилоятдаги жами 16 та туман ва шаҳарлар учун мол-мулк солиғи ставкаларига 1,1 дан 1,15 гача оралиғидаги коэффициентларни белгилаган.

2024 йилдан бошлаб, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолиятидан даромадлар олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари бўйича ҳам солиқни ҳисоблаб чиқаришда мулкнинг ҳар бир кв. метри учун шартли қиймат қўлланиладиган бўлди. Шунга кўра, 2025 йилда жисмоний шахсларнинг юқорида қайд этилган яшаш учун мўлжалланмаган объектлари бўйича солиқ базаси 1 кв. метр учун Тошкент шаҳрида – 3 300,0 минг сўм, Нукус шаҳрида ва вилоят марказларида – 2 200,0 минг сўм, бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда – 1 300,0 минг сўмдан паст бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Шунга кўра, масалан, Тошкент шаҳрида жойлашган жисмоний шахснинг умумий майдони 40 кв. метр, кадастр қиймати 104 000,0 минг сўм бўлган сартарошхонасининг солиқ солинадиган базаси 132 000,0 минг сўм (40*3300 минг)ни ташкил қилади.

Юқорида қайд этилган энг кам қийматларга Солиқ кодексига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб 0,5 гача бўлган камайтирувчи коэффициент киритиш ваколати берилган бўлиб, шунга кўра, масалан, 2025 йилда Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши томонидан вилоятдаги жами 16 та туман ва шаҳарлар учун қуйидагича коэффициентлар киритилган (4-жадвал).

4-жадвал.

2025 йилда Қашқадарё вилоятида бинолар ва иншоотларнинг 1 кв.м. учун мутлақ миқдорда белгиланган минимал қийматга нисбатан киритилган камайтирувчи коэффициентлар [9]

№	Туман (шаҳар)лар номи	Кадастр идораларида рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларнинг 2025 йилда 1 кв.метр учун белгиланган энг кам қийматга нисбатан қўлланиладиган коэффициент	
		Коэффициент миқдори	Энг кам қиймат (1 кв.м учун, сўмда)
1	Қарши шаҳри	1,00	2 200 000,0
2	Шаҳрисабз шаҳри	1,00	1 300 000,0
3	Ғузор тумани	0,90	1 170 000,0
4	Деҳқонобод тумани	0,60	780 000,0
5	Қамаши тумани	0,90	1 170 000,0
6	Қарши тумани	0,95	1 235 000,0
7	Косон тумани	0,95	1 235 000,0
8	Китоб тумани	0,95	1 235 000,0
9	Муборак тумани	0,80	1 040 000,0
10	Нишон тумани	0,70	910 000,0
11	Касби тумани	0,75	975 000,0
12	Чироқчи тумани	0,90	1 170 000,0
13	Шаҳрисабз тумани	0,90	1 170 000,0
14	Яккабоғ тумани	0,90	1 170 000,0
15	Миришкор тумани	0,70	910 000,0
16	Кўкдала тумани	0,80	1 040 000,0

Солиқ кодексига асосан, агар объектнинг 1 кв. метри қиймати белгиланган энг кам қийматдан паст бўлса, солиқ тўловчи кўчмас мулк объектлари қийматини мустақил баҳолашни амалга оширишга ҳақли. Бунда мустақил баҳолаш натижалари, шу жумладан солиқ тўловчи томонидан ўтган икки йилда ўтказилган мустақил баҳолаш натижалари солиқ базаси сифатида эътироф этилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкларига солиқ солишнинг амалдаги ҳолати таҳлилидан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, ҳар йили солиқ ставкаларини индексация қилишига кўра, ставкалар барқарорлигини таъминлаган ҳолда солиқ солишда адолатлилик тамойилини янада кенг жорий этиш мақсадида кўчмас мулк объектларининг бозор нархига яқин бўлган қийматини аниқлаш ва мазкур қийматга нисбатан солиқ солишга ўтиш лозим.

Жисмний шахслар тўлайдиган маҳаллий солиқлардан яна бири бўлган ер солиғи бўйича ҳам Солиқ кодексида жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари учун белгиланган базавий ставкалар ўртача 10 фоизга индексация қилингани ҳолда, ҳар йили ушбу ставкаларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари 0,5 дан 2,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда, туман ва шаҳарлар кесимида уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, солиқ ставкаларини белгилайди. Мазкур ставкаларга туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан 0,7-3,0 гача камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффициентларни уларнинг ҳудудларида

жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида қўллаш ҳуқуқи берилган бўлса-да, амалда фақатгина солиқ ставкаларини маҳаллалар кесимида белгилаш билан чекланмоқда. Шунингдек, коэффициентларни даҳа, массив, маҳалла ёки кўчалар кесимида белгилашда қандай мезонлар (инфратузилмаси, марказга яқинлиги ва б.) ҳисобга олиниши назарда тутилмаган.

Хулоса

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш борасида солиқ қонунчилигидаги нормалар ва амалдаги ҳолатлар таҳлили ҳамда хулосаларни умумлаштирган ҳолда, Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш, шу жумладан солиқ қонунчилигини такомиллаштириш борасида қуйидагилар таклиф этилади:

Биринчидан, Солиқ кодексида тегишлиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари, шунингдек халқ депутатлари туманлар (шаҳарлар) Кенгашлари томонидан жорий солиқ даври учун ижаранинг энг кам меъёрларига нисбатан, мол-мулк солиғи ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган объектлар учун белгиланадиган шартли қийматларга нисбатан қўлланилган коэффициентлар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун даромад солиғининг қатъий белгиланган солиқ ставкалари миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни солиқ органларига ҳар йили 10 январга қадар тақдим этилишини қатъий белгилаб қўйиш керак.

Иккинчидан, кўчмас мулк объектларини босқичма-босқич оммавий баҳолашни ташкил этиш орқали уларнинг бозор нархига яқин бўлган қийматини аниқлаш ва шу асосда мол-мулк солиғи базасини белгилаш орқали солиқ ҳисоблашга ўтиш лозим.

Учинчидан, ёшларнинг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўташ учун ўзи ёки ота-оналари томонидан тўланадиган бадаллар (меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 7 баравари) бўйича харажатларни даромад солиғидан чегириб ташлаш механизмини жорий этиш. Ушбу имтиёзни Солиқ кодексининг 378-модда 16-бандига қўшимча хатбоши сифатида киритиш лозим.

Тўртинчидан, аҳолини қўшимча касб эгаллашларини солиқлар воситасида рағбатлантириш мақсадида, ўзининг ёки фарзандларининг касб ўрганиш (ёшларнинг ҳайдовчиларни тайёрлаш ва тил ўрганиш)га доир курсларда ўқиш учун йўналтирилган даромадларига солиқ солинмаслиги лозим. Ушбу имтиёзни Солиқ кодексининг 378-модда 21-бандига қўшимча хатбоши сифатида киритиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – https://www.lex.uz/docs/4674902

2. Ўзбекистон Республикасининг «2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги 24.12.2024 й., ЎРҚ-1011-сон қонуни.

3. Абдурахмонов О. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. Иқт. фан. докт ... диссертация. – Тошкент, 2005. – Б. 53 б.

4. Адизов А. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини такомиллаштириш. Иқт. фан. ном. ... дис. автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2004. – 21 б.

5. Майбуров И.А. Энциклопедия теоретических основ налогообложения. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2016. – 503 с.

6. Богатырева Е.Н. (2014) Теоретические детерминанты налоговых реформ.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ИССН 2221-7347 Экономика и право.

7. Кузнецов А.В. (2008) Перспективы изменения системы уплаты налога на доходы физических лиц // Налоговая политика и практика.

8. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг . «2025 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2024 йил 26 декабрь, VII-4-024-14-0-К/24-сон қарори. 8-илова (VII -5-9-14-0-К/25-сонли қарори билан киритилган ўзгартиришни ҳисобга олган ҳолда).

9. Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг «Қашқадарё вилоятининг 2025 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2024 йил 26 декабрь, VII-5-035-4-0-К/24-сонли қарори.

10. Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг “Андижон вилоятининг 2025 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2024 йил 26 декабрь, VII-3-046-1-0-К/24 - сонли қарори.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Икрамов Нуриддин Камолитдинович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси
E-mail: Ikramovnuriddin095@gmail.com

Аннотация: *Мақолада сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг аҳамияти, хориж тажрибаси ва ундан мамлакатимизда фойдаланиш имкониятлари ёритилган. Сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг таъсирчанлигини оширишга доир таклиф-тавсиялар баён этилган.*

Таянч сўзлар: *сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, сувни тежайдиган замонавий технологиялар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, солиқ ставкалари.*

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ПОЛЬЗОВАТЕЛЕЙ ВОДНЫМИ РЕСУРСАМИ

Икрамова Нуриддина Камолитдиновича

Ташкентский государственный экономический университет
самостоятельный соискатель
E-mail: Ikramovnuriddin095@gmail.com

Аннотация: *В статье освещается важность налога за пользование водными ресурсами, зарубежный опыт и возможности его использования в нашей стране. Изложены предложения и рекомендации по повышению эффективности налога за пользование водными ресурсами в обеспечении эффективного и рационального использования водных ресурсов.*

Ключевые слова: *эффективное использование водных ресурсов, современные водосберегающие технологии, налог за пользование водными ресурсами, налоговые ставки.*

FOREIGN EXPERIENCE IN TAXATION OF WATER USERS

Ikramov Nuriddin Kamolitdinovich

Tashkent State University of Economics
independent applicant
E-mail: Ikramovnuriddin095@gmail.com

Abstract: *The article highlights the importance of the tax for the use of water resources, foreign experience, and the possibilities of its use in our country. Proposals and recommendations for increasing the effectiveness of the tax for the use of water resources in ensuring the efficient and rational use of water resources are presented.*

Keywords: *efficient use of water resources, modern water-saving technologies, tax for the use of water resources, tax rates.*

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Кириш

Бугунги кунга келиб дунёнинг кўплаб мамлакатларида сув ресурсларининг, айнан тоза ичимлик сувининг етишмаётганлиги глобал муаммога айланиб бормоқда. Айниқса, глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сони ва сувга бўлган талабнинг йил сайин ошиб бориши сабабли йилдан-йилга сув ресурсларининг тақчиллиги кучайиб бормоқда. Сув заҳиралари Ер шари умумий массасининг мингдан бир қисмини ташкил қилади. Бу сувларнинг 97,5 фоизи океанлар шўр сувлари ҳисобланади, фақат 2,5 фоизигина чучук сувлардан иборат. Дунёдаги сув ресурслари миқдори ўзгаришсиз қолсада, дунё аҳолисининг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Ўсиб бораётган аҳолини чучук сув билан таъминлаш масаласи йилдан йилга долзарб муаммога айланмоқда. Қайд этилганлар сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш заруратини янада аниқ намоён этмоқда.

Бундай шароитда сув ресурсларидан тежамкорлик асосида фойдаланиш устувор вазифа сифатида қаралмоғи лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Глобал шароитда, айниқса, минтақамизда йилдан-йилга камайиб бораётган сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича кечиктириб бўлмас чораларни кўриш талаб этилади» [1]. Шундан келиб чиқиб, сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашда хориж тажрибасини ўрганиш, улардан мамлакатимизда фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқиш муҳимдир.

Таҳлил

Сув ресурсларидан фойдаланувчиларни солиққа тортиш ҳар бир мамлакат қонунчилиги асосида амалга оширилади. Унинг турличалиги мамлакатнинг иқлим шароити, сув ресурсларининг заҳираси каби бир қатор омилларга боғлиқ.

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида экологик фискал сиёсатга устуворлик берилмоқда. Экологик фискал сиёсат давлат бюджети даромадларини шакллантириш ва экологик ҳолатни яхшилаш учун солиққа тортиш чораларини қўллашни назарда тутади. «Шимолий Европа мамлакатларида 1990 йилларнинг бошларида экологик солиқлар жорий қилинган ва солиқ тушумларининг деярли 7 фоизи атроф-муҳит билан боғлиқ тўловлар ҳисобига тўғри келади» [2].

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда «экологик солиқлар асосан тўртта функцияни бажаради: (а) салбий ташқи таъсир ўтказадиган ижтимоий маржинал харажатларга мос келадиган оптимал солиқ ставкасини талаб қиладиган ташқи харажатларни камайтириш; (б) хулқ-атворни ўзгартиришни рағбатлантириш, ресурсларни истеъмол қилишни, ифлосланишни ёки чиқиндиларни ҳосил қилишни камайтириш; (с) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини молиялаштириш учун даромадларни ошириш; (д) ҳар қандай йўл орқали атроф-муҳитни яхшилаш» [2]. Европа 2020 стратегиясида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда атроф-муҳит учун зарарли субсидиялардан аста-секин воз кечишни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қоидалар ва стандартларни қўллашни ҳамда бу мақсадда иқтисодий воситалардан фойдаланишни тавсия қилади. Бундай воситалардан бири сифатида сув солиғи қайд этилган.

Сув асослари директивасида (The Water Framework Directive (WFD) (EC, 2000)) сувга бўлган талабни ва сув ифлосланишини камайтириш учун иқтисодий воситалардан (шу жумладан, солиқлар, тарифлар ва умумий тўловлар) фойдаланишни рағбатлантириш белгиланган бўлиб, унда ер усти ва ер ости сувларидан фойдаланиш, тўплаш, сақлаш,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

тозалаш ва тақсимлаш, оқава сувларни тозалаш жараёнида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун рағбатлантирувчи механизмлар ўз ифодасини топган.

Дунёда сув истеъмолининг ўсиб бориши ва фойдаланишга яроқли бўлган сувнинг камайиши кузатилмоқда. Шу боис, сув истеъмолчиларини, сувдан фойдаланувчиларни солиққа тортиш сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашдаги иқтисодий механизм сифатида намоён бўлмоқда.

Европа Иттифоқининг сув танқислиги кузатилаётган мамлакатларида (масалан, Португалия, Франция, Италия) сув ресурсларидан фойдаланишни рағбатлантириш ва хизмат кўрсатиш харажатларини қоплаш учун солиқ жорий қилинган бўлса, шимоий Европа мамлакатларида сув хизмати харажатларини қоплаш учун фойдаланилган сув учун солиқ мавжуд эмас.

Европа Иттифоқида сув ресурсларидан фойдаланишни солиққа тортиш кўпинча “ифлослатувчи тўлайди” принципига асосланади. Бу ерда сув ресурсларидан фойдаланувчилар, айниқса саноат корхоналари ва фермерлар, сувдан фойдаланиши, ифлослантирганлиги ёки сув билан боғлиқ экотизимларга етказилган зарар учун солиқ тўлайдилар. Масалан:

Францияда сувдан фойдаланиш ва унинг ифлосланиши учун махсус солиқлар ва тўловлар мавжуд. Ушбу тўловлардан олинган маблағлар сув ресурсларини муҳофаза қилишга сарфланади.

Германияда сувдан фойдаланиш ва унинг сифатини ёмонлаштирганлик учун солиқлар жорий қилинган. Корхоналар ва фермерларнинг сувдан тежамкорлик билан фойдаланиши рағбатлантирилади.

Иқтисодчи-олимлар А.Расулев, С.Воронин ўз тадқиқотларида чет эл тажрибаси асосида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ муаммоларини тадқиқ қилиб, «чекланган табиий ресурслар истеъмолини тартибга солишнинг энг кенг тарқалган иқтисодий воситаси сув учун солиқ ва тўловлар эканлигини қайд этган» [3]. Улар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ сув истеъмолини тартибга солишнинг иқтисодий воситаси сифатида қаралган. Шунингдек, улар мазкур солиқнинг фискал аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтган: «сувдан фойдаланишдан олинадиган даромадлар ўрмон хўжалиги, овчилик ва балиқчилик, тоғ-кон саноати, тупроқдан фойдаланиш учун солиқлар ва йиғимлар (масалан, қум ва шағалдан фойдаланганлик учун) билан бир қаторда даромадларнинг умумий тоифасига киритилади. Сўнгги 20 йил ичида ИҲТТ мамлакатларида ушбу тушумлар ЯИМнинг ўртача 0,2 дан 0,1% гача қисмини ташкил этади» [3].

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари солиқ тизимида сув истеъмоли учун солиқ муҳим аҳамиятга эга бўлмаса-да (ҳатто уларнинг айримларида солиққа тортилмайди), лекин сувдан фойдаланишни тартибга солиш механизмларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга уларнинг ҳар бирида сувдан фойдаланувчиларни солиққа тортиш тартиби турлича эканлигини қайд этиш лозим. Сувдан фойдаланувчиларни солиққа тортишга доир хорижий тажрибани қуйидаги давлатлар мисолида кўриб чиқамиз.

Дунё давлатлари ичида Дания сувдан фойдаланувчилар учун энг юқори солиқ юкига эга бўлган давлат ҳисобланади. Ушбу мамлакатда сув истеъмоли учун иккита солиқ тури мавжуд, яъни сув истеъмоли учун солиқ (1 $м^3$ сув учун 0,83 евро) ва сув ресурсларини ҳимоя қилишни рағбатлантириш учун солиқ (1 $м^3$ сув учун 0,03 евро). Бундан ташқари,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

барча сувдан фойдаланувчилар ҳар 1 м^3 сув учун 0,85 евро миқдорида сув истеъмоли тўловини ҳам тўлайди.

Шунингдек, Исроилда ҳам сувдан фойдаланиш учун юқори солиқлар амал қилиб, йил фасллари ва истеъмол даражасига қараб солиқ ставкалари ўзгаради. Ушбу мамлакатда қишда солиқ юки бошқа фаслларга қараганда юқори (тахминан 0,7 евро), йилнинг қолган фаслларида улар истеъмол ҳажмига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Сувдан белгиланган истеъмол меъёридан ортиқ фойдаланилганда, солиқ ставкаси 5 баробар миқдорида қўлланилади (0,09 дан 0,49 еврогача). Қурғоқчилик даврида меъёрдан ортиқ фойдаланилган ҳар 1 м^3 сув учун тахминан 4,70 евро солиқ тўланади.

Эстонияда корхоналар ва аҳоли (1 м^3 сув учун 0,41-2,2 евро) томонидан фойдаланилган сув ҳажми солиққа тортилади. Ер ости (артезиан) сувини қазиб олиш учун қўшимча тўлов мавжуд бўлиб, бунда солиқ ставкаси сув қатламига қараб фарқланади, ер усти манбаларидаги сувдан фойдаланиш мақсад ва йўналишига қараб солиққа тортилади. Ер ости (артезиан) суви учун солиқ ставкалари миқдори 1 м^3 учун 0,16 евродан 0,016 еврогача табақалаштирилган.

Финляндияда сувдан фойдаланувчилар икки даражали солиққа тортилади: белгиланган меъёр доирасида ҳамда меъёрдан ортган қисми учун (ўртача, тахминан 1,15 евро). Шунга ўхшаш тизим Италияда ҳам мавжуд бўлиб, белгиланган меъёр доирасида ва меъёрдан ортиқ фойдаланилган сув учун алоҳида солиқ ставкалари белгиланган. Мос равишда меъёрдан ортиқ фойдаланилган сув учун солиқ ставкалари босқичма-босқич прогрессив тарзда ошиб боради.

Германияда сув солиғи унинг манбаига, яъни ер ости ёки ер усти ҳамда сувдан фойдаланиш мақсадига боғлиқ. Сув солиғи тарифлари маҳаллий муниципалитет томонидан федерал штатлар даражасида (1 м^3 учун 0,31 дан 0,0003 еврогача) белгиланади. Шунингдек, айрим ҳудудларда ер усти сувларини тижорат ёки қишлоқ хўжалиги мақсадларида истеъмол қилиш учун қатъий белгиланган тўлов мавжуд.

Полшада сув истеъмолчилари учун энг мураккаб солиқ тизими амал қилади. Сув солиғи бир нечта омилларга, яъни унинг манбаи, сувнинг сифати, жойлашган ҳудуди, истеъмол қилиш жойига қараб табақалашган ҳолда белгиланган.

Юқоридаги мамлакатларнинг сувдан фойдаланувчиларни солиққа тортишга доир тажрибалари кўрсатмоқдаки, сув солиғи фойдаланилган сувнинг ҳар бир куб метри учун белгиланган. Уларнинг аксариятида сувдан фойдаланиш меъёрларига қараб солиқ ставкалари табақалаштирилган. Сувдан фойдаланиш меъёрларини жорий қилиш ва солиқ ставкаларини табақалаштириш орқали сув ресурсларидан тежамкорлик асосида фойдаланишнинг иқтисодий механизми яратилган.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг муҳим шартларидан бири сувни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этишдир. Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқарида сув истеъмолининг асосий қисми, яъни 45,9 млрд.м3 ёки 90 фоизи қишлоқ хўжалигида фойдаланилса, 2,3 млрд.м3 ёки 4,5 фоизи коммунал хўжаликда, 2,2 млрд.м3 ёки 4,3 фоизи саноат ва энергетика соҳасида, 0,6 млрд.м3 ёки 1,2 фоизи балиқчилик соҳасида фойлдаланилади [4]. Демак, сув истеъмолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланилар экан, биринчи навбатда ушбу соҳада сувдан самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Дунё амалиётида қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда томчилатиб суғориш

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

технологияси кенг қўлланилади. Томчилатиб суғориш тизимларининг қўлланилиши Испанияда 5%, Ҳиндистонда 6%, АҚШда 7,3%, Хитойда 9,7%, Саудия Арабистони ва Туркияда 17%, Исроилда 74% қўлланилса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 7,1%га тенг [4]. Демак, мамлакатимизда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашда томчилатиб суғориш тизимларини кенг жорий этиш, сув исрофини камайтириш чора-тадбирларини белгилаш ва тизимли равишда амалга ошириш зарур.

Хулоса

Сув ресурсларининг чекланганлиги ва сувга бўлган талабни мунтазам равишда ошиб бориши ундан тежамкорлик асосида, самарали фойдаланиш заруратини тақазо этмоқда. Бундай шароитда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш талаб этилади. Сувни тежайдиган технологиялар кенг қўлланилмас экан, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳақида қанчалик бонг урилмасин кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боис, сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Бунда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилган сув истеъмолчилари учун муайян солиқлардан имтиёзлар бериш, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг пасайтирилган ставкаларини жорий этиш, аксинча исрофгарчиликка йўл қўйганда таъсирчан механизмларни қўллаш айни муддаодир.

Мазкур солиқнинг самарадорлигини оширишда сув учун табақалаштирилган солиқ ставкаларини қўллаш услубиятини ишлаб чиқиш, фойдаланилган сув ресурслари учун солиқ солиш ва жарималар тизимини такомиллаштириш, бунда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 23 январь, № 17 (7519).

2. J.Berbel, Analysis of irrigation water tariffs and taxes in Europe. //Water Policy 21 (2019) 806-825.

3. Расулев А.Ф., Воронин С.А., Угай Д.С. Налогообложение использования водных ресурсов: проблемы и их решение. //«Иқтисод ва молия». - Тошкент, 2022, 3-сон. - Б. 34.

4. https://www.greenpolicyplatform.org/sites/default/files/2022-06/3

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

SUN’IY INTELLEKT TEXNOLOGIYALARI ORQALI SUG‘URTA FIRIBGARLIGINI OLDINI OLISH

Xalikulova Gulzada Tajimuratovna

iqtisodiyot fanlari doktori (DSc)
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: khalikulova78@gmail.com
ORCID:0000-0002-0615-4049

Annotatsiya. Hozirgi vaqtda sun’iy intellekt (SI) usullari sug‘urta sohasida keng qo‘llanilib, jumladan, sug‘urta sohada yuz berayotgan firibgarliklarni aniqlash uchun ham foydalanilmoqda. Maqolada sun’iy intellektning asosiy usullari, firibgarlikning turlari, ularni amalga oshirish yo‘nalishlari ko‘rib chiqilgan, shuningdek, mavjud muammolar va ularning yechimlari tadqiq etilgan.

Kalit so‘zlar: sun’iy intellekt, sug‘urta firibgarligi, avtomatlashtirish, sug‘urta da’volari, blokcheyn.

ТЕХНОЛОГИИ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СТРАХОВОМ МОШЕННИЧЕСТВЕ

Халикулова Гулзада Таджимуратовна

доктор экономических наук(DSc)
Ташкенский государственный экономический университет,
E-mail: khalikulova78@gmail.com
ORCID:0000-0002-0615-4049

Аннотация. В настоящее время методы искусственного интеллекта (ИИ) находят широкое применение в страховой отрасли, в том числе для выявления страхового мошенничества. В статье рассмотрены основные методы ИИ, виды мошенничества, метода их осуществления, а также проблемы и пути их решения.

Ключевые слова: искусственный интеллект, страховое мошенничество, автоматизация, страховые претензии, блокчейн.

ARTIFICIAL INTELLIGENCE TECHNOLOGIES IN INSURANCE FRAUD

Khalikulova Gulzada Tadjimuratovna

Doctor of Economics Sciences
Tashkent State University of Economics
E-mail: khalikulova78@gmail.com
ORCID:0000-0002-0615-4049

Abstract.Currently, artificial intelligence (AI) methods are widely used in the insurance industry, especially for detecting fraud schemes. This article examines key AI methods, types of fraud, their implementation techniques, as well as challenges and solutions.

Keywords: artificial intelligence, insurance fraud, automation, insurance claims, blockchain.

Kirish

Sug‘urta jamiyat hayotida muhim o‘rin tutib, fuqarolar va korxonalarni turli moliyaviy risklardan himoya qilishda xizmat qiladi. Sug‘urta tufayli kutilmagan hodisalardan kelib chiqadigan yo‘qotishlar minimallashtiriladi, masalan, avariyalar, kasalliklar, tabiiy ofatlar va boshqa xavflar. Shu sababli sug‘urta tizimi orqali aholi va biznes o‘z faoliyatini rejalashtirib, moliyaviy beqarorlikdan himoyalanish imkoniga ega bo‘ladi.

Hozirgi kunda sug‘urta sohasi sog‘liqni saqlash, mol-mulk, hayot va kasbiy faoliyat kabi turli yo‘nalishlarni qamrab oladi. Bundan tashqari sug‘urta iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda muhim o‘rin egallab, uzoq muddatli iqtisodiy rivojlanish va ijtimoiy institutlarning mustahkamligini ta’minlaydi. Sug‘urta sohasi investitsiyalar jalb qilishda ham katta ahamiyatga ega bo‘lib, innovatsion loyihalar va infratuzilma rivojlanishiga hissa qo‘shadi.

Sug‘urta sohasi rivojlanish darajasini baholash mezonlaridan biri mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi (YIM) ulushidir. Rivojlangan mamlakatlarda, masalan, AQSh, Germaniya va Yaponiyada ushbu ko‘rsatkich 6% dan 12% gacha bo‘lib, iqtisodiyotga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. O‘zbekistonda esa bu ko‘rsatkich hozircha ancha past – taxminan 0,8%, bu esa sug‘urta bozorining rivojlanishida katta salohiyat mavjudligini anglatadi. Shunga qaramay, sug‘urta sohasi bir qator muammolarga duch kelmoqda, ulardan eng dolzarblaridan biri sug‘urta firibgarligi hisoblanadi.

So‘nggi yillarda sug‘urta sohasi firibgarlar asosiy yo‘nalishlaridan biriga aylangan. An’anaviy nazorat usullari murakkab firibgarlik sxemalariga qarshi kurashishda yetarli samara bermayapti. Ushbu firibgarlik usullari qalbaki hujjatlar, soxta da’volar va ijtimoiy muhit manipulyatsiyasi orqali amalga oshirilmoqda.

2022 yil 28 yanvarda qabul qilingan PF-60-sonli “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti farmonida raqamli texnologiyalarni joriy etish va moliyaviy sektor xavfsizligini ta’minlash ustuvor vazifalar qatorida ekanligi belgilangan[2]. Ushbu hujjat sug‘urta sohasida shaffoflik va samaradorlikni oshirish uchun sun’iy intellekt texnologiyalaridan foydalanish zarurligini ta’kidlaydi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 11 sentyabrdagi PF-158-sonli “O‘zbekiston – 2030” strategiyasida sug‘urta jarayonlarini avtomatlashtirish, shaffoflikni ta’minlash va firibgarlik sxemalarini aniqlash uchun raqamli yechimlarni joriy etish ko‘zda tutilgan [1]. Sun’iy intellekt va ma’lumotlar tahlili texnologiyalaridan foydalanish inson omilini kamaytirishga va tekshiruv samaradorligini oshirishga yordam beradi. Shunga qaramay, sug‘urta sohasi bir qator muammolarga duch kelmoqda, ulardan eng dolzarblaridan biri sug‘urta firibgarligi hisoblanadi.

Adabiyotlar sharhi

Ilmiy nashrlarni tahlil qilish shuni ko‘rsatadiki, sug‘urta firibgarligi muammosi butun dunyo bo‘ylab tadqiqotchilarning e’tiborini tortmoqda. Smith (2021) sug‘urta da’volaridagi anomaliyalarni aniqlash uchun mashinaviy o‘rganishning qo‘llanilishini ko‘rib chiqadi va gradient boostinga asoslangan modellarni taklif etadi[3]. Браун К. (2019) shubhali sug‘urta holatlarini avtomatik ravishda aniqlash uchun neyron tarmoqlarni qo‘llashning muvaffaqiyatli amaliyotlarini tahlil qiladi [4]. V.A. Ivanov (2018) Rossiya sug‘urta sohasida sun’iy intellektni joriy etish imkoniyatlari va texnologiyalarni moslashtirish muammolarini o‘rganadi [7]. Zhang va Li (2016) avtomatlashtirilgan tizimlarning inson omilini kamaytirishga ta’sirini va sug‘urta firibgarligini tergov qilishdagi rolini o‘rganadi [5]. K.N.Petrov (2015) sug‘urta biznesida sun’iy intellektdan foydalanishning huquqiy jihatlarini tadqiq qiladi [10]. Martinez va boshq. (2014) tibbiy sug‘urta firibgarligini oldini olish uchun kompleks ma’lumotlarni tahlil qilish usullarini taklif qiladi [8]. Taylor (2013) sug‘urta firibgarligi dinamikasini tahlil qiladi va prediktiv tahlil asosida yechimlarni taklif qiladi [9].

Biroq ko‘rib chiqilgan ishlarning aksariyati quyidagi muhim jihatlarni yetarli darajada yoritmagan: sun’iy intellektning mavjud sug‘urta tizimlari va qaror qabul qilish jarayonlariga yetarlicha integratsiyalashmasligi, raqamli aktivlar va kriptovalyutalar bilan bog‘liq yangi

firibgarlik turlarining ta’siri cheklangan baholanishi, shubhali sug‘urta holatlarini aniqlash uchun ishlatiladigan algoritmlarning axloqiy va shaffoflik masalalari, turli mamlakatlarda sun’iy intellektni qonunchilik me’yorlari va ma’lumotlar maxfiyligi talablariga moslashtirish muammolari, shuningdek, kichik va o‘rta sug‘urta kompaniyalarida kompleks sun’iy intellekt echimlarini joriy etish bo‘yicha amaliy tadqiqotlarning yetishmasligi. Ushbu sohadagi kelgusidagi tadqiqotlar firibgarlikni aniqroq bashorat qilish, mijozlarning ishonchini oshirish va tartibga solish mexanizmlarini takomillashtirish uchun zarur hisoblanadi.

Tahlil va natijalar

Sug‘urta firibgarligi tarixi qadimgi davrlarga borib taqaladi. Qadimgi Rimda dengiz sug‘urtasi jamiyatlaridan kompensatsiya olish maqsadida mol-mulk yo‘qolishi haqida yolg‘on da’volar keltirish amaliyoti mavjud edi. XVIII-XIX asrlarda sug‘urta sohasining rivojlanishi bilan birga, tovon to‘lovlarini olish maqsadida qasddan yondirilgan mulklar va ataylab yetkazilgan zarar holatlari ko‘paydi. XX asrda esa avtomobil va tibbiy sug‘urta keng tarqalishi bilan birga yangi firibgarlik sxemalari paydo bo‘ldi, jumladan, avariyalarni soxtalashtirish va tibbiy hisobotlarni qalbakilashtirish kabi usullar. Bugungi kunda sug‘urta firibgarligi global muammoga aylanib, sug‘urta bozorining barcha segmentlariga ta’sir o‘tkazmoqda. Raqamli texnologiyalarning rivojlanishi bilan firibgarlar kiberhujumlar va raqamli ma’lumotlarni qalbakilashtirish kabi murakkab sxemalardan foydalanmoqda.

Sug‘urta firibgarligi – bu sug‘urtalanuvchilar, uchinchi shaxslar yoki sug‘urta kompaniyalari xodimlari tomonidan noqonuniy to‘lovlarni olish yoki boshqa manfaatlarga ega bo‘lish maqsadida qasddan amalga oshirilgan harakatlardir. Bu sug‘urta tashkilotlari uchun eng katta muammolardan biri bo‘lib, har yili milliardlab dollar yo‘qotishlarga sabab bo‘ladi. Xalqaro sug‘urta assotsiatsiyalari ma’lumotlariga ko‘ra, har yili barcha sug‘urta da’volarining taxminan 10 foizi firibgarlik bilan bog‘liq.

Amaliyotda quyidagi sug‘urta firibgarligining turlarini ajratish mumkin:

✓ Qasddan amalga oshirilgan firibgarlik: Hodisalarni soxtalashtirish, masalan, avariya yoki o‘g‘irlik holatlarini ataylab tashkil etish. Bunday harakatlar jiddiy moliyaviy zarar keltirib chiqarib, mijozlarning sug‘urta tizimiga bo‘lgan ishonchini pasaytiradi. Qalbaki hujjatlar, jumladan, ta’mirlash xarajatlari yoki tibbiy ma’lumotnomalarni qalbakilashtirish sug‘urta to‘lovlarining asosli ekanligini nazorat qilishni qiyinlashtiradi. Bitta sug‘urta holatini noqonuniy ravishda takroriy ravishda sug‘urtalash sug‘urta kompaniyalari uchun ortiqcha xarajatlarga sabab bo‘ladi.

✓ Oportunistik firibgarlik: Zarar hajmini oshirib ko‘rsatish orqali sug‘urta to‘lovlarini ko‘paytirishga urinish. Bu sug‘urta kompaniyalari uchun aniq zararlarni baholashni murakkablashtiradi. Eskirgan yoki avvalgi zarar ko‘rgan ob’ektlarni yangi zarar sifatida taqdim etish sug‘urta tariflarining oshishiga olib keladi. Sug‘urta kompaniyasi qaroriga ta’sir qiluvchi muhim ma’lumotlarni yashirish noto‘g‘ri qarorlar qabul qilinishiga va asossiz to‘lovlar amalga oshirilishiga olib keladi.

✓ Korporativ firibgarlik: Sug‘urta kompaniyalari xodimlarining firibgarlik sxemalariga aralashuvi korrupsiyani oshiradi va ichki jarayonlarning samaradorligini pasaytiradi. Da’volarni ko‘rib chiqish va to‘lovlarni amalga oshirish jarayonidagi qonunbuzarliklar sug‘urta kompaniyasining obro‘siga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Lavozimdan foydalanib, noqonuniy kompensatsiyalar olish eng murakkab firibgarlik shakllaridan biridir.

Qalbaki hujjatlardan foydalanish, jumladan, soxta hisob-fakturalar va hisobotlar taqdim etish – firibgarlarning eng ko‘p qo‘llaniladigan usuli. Soxta shaxslar bilan til biriktirish, jumladan, shifokorlar, advokatlar va zarar baholovchilar bilan hamkorlik qilish – firibgarlik sxemalarini aniqlashni qiyinlashtiradi. Hodisalarni soxtalashtirish sug‘urta kompaniyalari tomonidan arizalarning haqiqiyligini tekshirish jarayonini murakkablashtiradi. Texnologik vositalardan foydalanish, masalan, avtomobil sug‘urtasida telematik qurilmalardagi ma’lumotlarni qalbakilashtirish, firibgarlikni aniqlashda innovatsion yechimlarni joriy qilishni

talab qiladi. Sug‘urta firibgarligining nazariy asoslarini o‘rganish firibgarlar tomonidan qo‘llaniladigan mexanizmlar va usullarni chuqurroq tushunishga yordam beradi. Bu esa, o‘z navbatida, firibgarlikka qarshi samarali strategiyalarni ishlab chiqishga xizmat qiladi.

Sug‘urta firibgarligi butun dunyodagi sug‘urta sohasi uchun jiddiy muammo bo‘lib qolmoqda. Uning umumiy jinoyatchilikdagi ulushiga oid aniq global ma’lumotlar cheklangan bo‘lsa-da, mintaqaviy statistik ma’lumotlar bu muammoning ko‘lamini yaxshiroq tushunishga yordam beradi. Mordor Intelligence hisobotiga ko‘ra, 2024 yilda sug‘urta firibgarligini aniqlash bo‘yicha global bozor hajmi 5,69 milliard AQSh dollariga baholangan va 2029 yilga kelib 21,61 milliard AQSh dollariga yetishi kutilmoqda, o‘rtacha yillik o‘sish sur’ati 26,01% ni tashkil etadi. Ushbu ma’lumotlar sug‘urta firibgarligining oldini olish chora-tadbirlarini kuchaytirish va uni aniqlash hamda oldini olish bo‘yicha samarali strategiyalar ishlab chiqish zarurligini ta’kidlaydi.

O‘zbekistonda sug‘urta firibgarligi ko‘lamiga oid aniq ma’lumotlarning mavjud emasligi ushbu yo‘nalishda chuqur tadqiqotlar o‘tkazish zarurligini ko‘rsatadi. Bu esa firibgarlik sxemalarini oldini olish va aniqlash bo‘yicha samarali choralar ishlab chiqish, shuningdek, aholining sug‘urta xizmatlariga bo‘lgan ishonchini oshirish imkonini beradi. Sug‘urta bozorining o‘sib borayotgan sharoitida xavfsizlik va shaffoflik masalalariga alohida e’tibor qaratish muhim bo‘lib, bu potentsial firibgarlik harakatlari bilan bog‘liq xavflarni minimallashtirishga yordam beradi.

1-diagramma.



Yuqoridagi jadvalda iqtisodiy rivojlangan mamlakatlardagi sug‘urta firibgarligi bo‘yicha ma’lumotlar keltirilgan, jadvaldan ko‘rinib turibdiki AQShda sug‘urta firibgarligi soni yildan-yilga ortib bormoqda. 2019-yilda 75 000 ta holat qayd etilgan bo‘lsa, 2023-yilga kelib bu ko‘rsatkich 101 000 taga yetdi. Firibgarlikning kengayishi sug‘urta kompaniyalarini sun’iy intellekt va katta ma’lumotlar tahlilidan keng foydalanishga majbur qilmoqda. Buyuk Britaniyada 2019-yilda 32 000 ta holat qayd etilgan bo‘lsa, 2023-yilda bu ko‘rsatkich 43 000 taga yetdi. Britaniya sug‘urta bozori firibgarlikka qarshi kura shda huquqni muhofaza qilish organlari bilan faol hamkorlik qilmoqda. Germaniyada sug‘urta firibgarligining o‘sish sur’ati 5 yil ichida 28 000 tadan 41 000 ko‘tarilgan. Germaniya sug‘urta kompaniyalari avtomatlashtirilgan tizimlarni keng joriy qilmoqda. Yaponiya sug‘urta bozori firibgarlikning oldini olish uchun ilg‘or texnologiyalarga tayanmoqda. 2019-yildagi 21 000 ta holat 2023-yilda 30 000 taga yetdi. O‘zbekistonda raqamlashtirish va sug‘urta jarayonlarining avtomatlashtirilishi soha shaffofligini oshirishga yordam bermoqda, ammo firibgarlikning yangi turlari yuzaga chiqmoqda. Rasmiy statistikaga ko‘ra, O‘zbekistonda sug‘urta firibgarligining ko‘p uchraydigan

turlari avtomobil sug‘urtasi va sog‘liq sug‘urtasi sohalarida qayd etilgan.

Yuqoridagi ma’lumotlarga tayangan holda quyidagi xulosalarga kelishimiz mumkin: barcha davlatlarda firibgarlik holatlari va ulardan yetkazilgan zararlarning ortib borish tendensiyasi kuzatilmoqda. Rivojlangan davlatlarda ushbu o‘sish sur’ati yuqoriroq bo‘lib, bu sug‘urta bozorining kattaligi va murakkab firibgarlik sxemalarining mavjudligi bilan bog‘liq. Yo‘qotishlarning ortishi firibgarlikni aniqlash vositalarini, jumladan, sun’iy intellekt texnologiyalarini, ma’lumotlar tahlilini va avtomatlashtirilgan nazorat tizimlarini joriy qilish zaruriyatini oshiradi. O‘zbekistonda nisbatan past ko‘rsatkichlar nafaqat firibgarlik darajasining pastligini, balki aholining ushbu muammoga yetarlicha xabardor emasligini va monitoring vositalarining zaifligini ham ko‘rsatishi mumkin. Sug‘urta firibgarligiga qarshi kurash bo‘yicha qonunchilik tashabbuslari yanada kuchaytirilishi va sug‘urta biznesining raqamlashtirilishi bilan bog‘liq yangi chaqiriqlarga moslashtirilishi lozim. Shunday qilib, sug‘urta firibgarligiga samarali qarshi turish uchun huquqiy, texnologik va tahliliy yondashuvlarni birlashtirish zarur, bu esa yo‘qotishlarni kamaytirishga va sug‘urta tizimiga bo‘lgan ishonchni oshirishga yordam beradi.

Xulosa

Sug‘urta firibgarligini sun’iy intellekt yordamida bartaraf etish bo‘yicha taklif va tavsiyalar:

1. Mashinaviy o‘rganish va katta ma’lumotlar tahlilini joriy etish. Mashinaviy o‘rganish algoritmlaridan foydalanish sug‘urta operatsiyalaridagi yashirin qonuniyatlar va anomaliyalarni aniqlashga yordam beradi, bu esa firibgarlik sxemalarini erta bosqichda aniqlashga imkon yaratadi. Firibgarlikning shubhali xatti-harakatlarini aniqlash uchun avtomatlashtirilgan tranzaktsiyalar monitoring tizimlarini joriy etish tavsiya etiladi.
2. Tabiiy tilni qayta ishlash (NLP) texnologiyalaridan foydalanish. Sug‘urta kompaniyalari NLP texnologiyalaridan mijozlarning arizalarini tahlil qilish, ma’lumotlardagi nomuvofiqliklarni aniqlash va hujjatlarning qalbakilashtirilganligini avtomatik tekshirish uchun foydalanishi kerak.
3. Blokcheyn texnologiyalaridan foydalanish. Blokcheyn ma’lumotlarning shaffofligi va ishonchliligini ta’minlashi mumkin, bu esa sug‘urta hujjatlari va arizalarining soxtalashtirilishining oldini oladi. Sug‘urta kompaniyalari uchun yagona ma’lumotlar bazasini yaratish va barcha sug‘urta holatlari tarixini kuzatib borish tavsiya etiladi.
4. Sug‘urta anderrayting jarayonlarini avtomatlashtirish. Sun’iy intellekt asosida avtomatlashtirilgan anderrayting tizimlarini joriy qilish inson omili bilan bog‘liq xatoliklarni minimallashtirishga va xavflarni aniq baholashga yordam beradi.
5. Davlat ma’lumotlar bazalari bilan integratsiya qilish. Sug‘urta kompaniyalari va davlat reyestrlari o‘rtasida raqamli aloqalarni yaratish orqali mijozlar tomonidan taqdim etilgan ma’lumotlarni tezkor tekshirish, qalbaki hujjatlar va noto‘g‘ri ma’lumotlarni aniqlash imkoniyati yaratilishi kerak.
6. Xodimlar va mijozlarni o‘qitish. Sug‘urta firibgarligini aniqlash bo‘yicha muntazam o‘quv dasturlarini tashkil etish hamda mijozlarni firibgarlikning oldini olish usullari haqida xabardor qilish muhim ahamiyat kasb etadi.
7. Firibgarlik holatlariga tezkor javob berish strategiyalarini ishlab chiqish. Shubhali tranzaktsiyalarni avtomatik bloklash va ichki tekshiruvlarni tezkor amalga oshirish imkonini beruvchi avtomatlashtirilgan monitoring tizimlarini joriy qilish zarur.

Raqamli transformatsiya davrida sug‘urta sohasida firibgarlikka qarshi kurash barqaror rivojlanishning ajralmas qismiga aylanmoqda. Sun’iy intellekt firibgarlikning murakkab sxemalarini aniqlash, jarayonlarni avtomatlashtirish va sug‘urta kompaniyalari faoliyatining barcha bosqichlarida shaffoflikni oshirish uchun kuchli vositalarni taqdim etadi. Mashinaviy o‘rganish, katta ma’lumotlar tahlili va blokcheyn kabi ilg‘or texnologiyalardan foydalanish moliyaviy yo‘qotishlarni minimallashtirish va mijozlarning ishonchini oshirishga yordam beradi. Biroq, firibgarlikka qarshi samarali kurashish uchun kompleks yondashuv talab etiladi,

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

jumladan, sun’iy intellektni amaldagi biznes jarayonlariga integratsiyalash, qonunchilikni takomillashtirish va sug‘urta agentlari hamda mijozlarning xabardorligini oshirish. Davlat organlari, sug‘urta kompaniyalari va texnologik provayderlarning hamkorlikdagi sa’y-harakatlari sug‘urta tizimini firibgarlikdan himoya qilish, xavflarni minimallashtirish va sug‘urta bozorining adolatli ishlashini ta’minlashga xizmat qiladi. Faqat tizimli yondashuv va ilg‘or texnologiyalarni turli bozor sharoitlariga moslashtirish orqali firibgarlik holatlarining barqaror pasayishiga erishish va sug‘urta sektorining samaradorligini oshirish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 11 sentyabrdagi PF-158-sonli «O‘zbekiston – 2030» strategiyasi to‘g‘risidagi Farmoni. – https://lex.uz/ru/docs/-6600413
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-conli «2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida» farmoni. – https://lex.uz/docs/-5841063
3. Смит Дж. Искусственный интеллект в выявлении мошенничества. – Кембридж: Cambridge University Press, 2021. – 320 с.
4. Браун К. Мошенничество в страховании: глобальные вызовы. – Берлин: Springer, 2020. – 289 с.
5. Ли С. Машинное обучение для страховых приложений. – Ню-Йорк: Wiley, 2019. – 275 с.
6. Чжан Т. Большие данные в страховой отрасли. – Оксфорд: Oxford University Press, 2018. – 312 с.
7. Иванов В.А. Применение ИИ в страховом бизнесе России. – М.: Экономика, 2017. – 265 с.
8. Мартинес А. Блокчейн и предотвращение мошенничества в страховании. – Лондон: Routledge, 2016. – 290 с.
9. Тейлор Б. Прогностическая аналитика в страховании. – Бостон: CRC Press, 2015. – 310 с.
10. Петров К.Н. Правовые аспекты страхового мошенничества. – М.: ЮрИнфоРМ, 2014. – 248 с.
11. Европейская комиссия. Директива (ЕС) 2019/1937 о защите информаторов. – Брюссел, 2023.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАЁТ СУҒУРТАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ

Адилова Гулнур Джурабаевна

иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
суғурта иши кафедраси доценти
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail: adilova_gulnur@tfi.uz
ORCID: 0009-0001-8526-5889

Аннотация. Мақолада ҳаёт суғуртаси, инсонларга рисклар туфайли етадиган моддий зарарларнинг ҳал этиш имконини берадиган катта ҳажмдаги суғурта соҳаси эканлиги ёритилган. Шунингдек ҳаёт суғуртасига оид хизмат турлири таҳлил қилиниб, ундаги муаммолар тадқиқ этилган. Ўзбекистонда ҳаёт суғуртасини ривожлантиришда хориж тажрибасидан фойдаланган ҳолда инновацион суғурта маҳсулотларини яратиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: суғурта бозори, суғурта маҳсулоти, ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш, суғурта агенти, асисстанс, аджастер, сюрвейер, ихтиёрий суғурта, суғурта мукофоти, суғурта қопламаси, тиббий суғурта, бахтсиз ҳодиса, суғурта хизмати.

СТРАТЕГИЯ РАЗВИТИЯ СТРАХОВАНИЯ ЖИЗНИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Адылова Гульнур Джурабаевна

доктор философии (PhD)
по экономическим наукам
доцент кафедры страхового дела
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: adilova_gulnur@tfi.uz
ORCID: 0009-0001-8526-5889

Аннотация. В статье подчеркивается, что страхование жизни – это крупномасштабная страховая сфера, позволяющая людям покрыть материальные потери, вызванные рисками. Также были проанализированы услуги страхования жизни, выявлены и систематизированы имеющиеся проблемы. Сформулированы и даны научные предложения и практические рекомендации по созданию инновационных страховых продуктов, связанных с развитием страхования жизни в Узбекистане

Ключевые слова: страховой рынок, страховой продукт, долгосрочное страхование жизни, страховой агент, асистанс, аджастер, сюрвейер, страховая премия, страховое покрытие, медицинское страхование, несчастный случай, страховая услуга.

LIFE INSURANCE DEVELOPMENT STRATEGY IN UZBEKISTAN

Adilova Gulnur Djurabaevna

Associate Professor of the
Department Insurance work
Tashkent State University of Economics,
E-mail: adilova_gulnur@tfi.uz
ORCID: 0009-0001-8526-5889

Abstract. The article describes life insurance as a large-scale insurance industry that allows

people to solve material losses caused by risks. Life insurance services are also analyzed, problems in it are identified and systematized. Scientific proposals and practical recommendations are given on the creation of innovative insurance products using foreign experience in the development of life insurance in Uzbekistan.

Keywords: insurance market, insurance product, long-term life insurance, insurance agent, asistance, adjuster, surveyor, specialized insurance, insurance premium, insurance coverage, insurance prescriptions, accident, insurance service.

Кириш

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашга ҳамда аҳоли ҳаётининг сифати ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилган суғурта хизматларини фаол ривожлантиришда миллий суғурта бозорнинг, айнан, ҳаёт суғуртасининг ролини кучайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда ҳаётни суғурта қилиш соҳасини жадал ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сон «Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу қарорга мувофиқ «суғурта бозорини рақамлаштириш, ҳаёт суғуртаси соҳасини ҳамда шахсий суғурта турларини такомиллаштириш, хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли ихтиёрий пенсия суғуртасининг янги турлари ва механизмларини жорий этиш йўли билан фуқароларнинг пенсия таъминоти даражасини ошириш» вазифалари белгиланган.

Адабиётлар шарҳи

Ҳаётни суғурта қилиш соҳасининг шаклланиши ва ривожланишига доир илмий ва назарий қарашлар хорижий олимлар K.Black, D.Bland, T.Beck, M.Browne, Claudia Ceci, K.Colaneri, M.Gantenbein, J.Greene, B.Greenford, S.Huebner, M.Mata, J.Outreville, D.Service, H.Skipper, S.Victorian, Wang Hung-Jenлар томонидан ўрганилган. Масалан H.Skipper ва S.Victorian ҳаёт суғуртасини қуйидагича таърифлайди: ҳаёт суғуртаси инсонлар ҳаётини кўринмайдиган қўл билан ҳимоялаш ҳамда уларнинг пул маблағларини мақсадли жамғариб берувчи энг ишончли воситадир.

МДҲ мамлакатлари олимлари Н.Адамчук, Е.Андреева, М.Асадуллин, Д.Брызгалов, Е.Жегалова, А.Лелчук, Ф.Мещеряков, О.Русакова, Е.Семенова, А.Сулименко, Т.Федорова, Е.Хитрова, А.Цыганов, В.Шаховлар ҳаёт суғуртасининг назарий методологик масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борган.

М.С. Туровская ,К.А. Кожухина , В.М. Шкварок каби олимлар суғуртанинг моҳияти, вазифалари, бозор иқтисодиётидаги роли ва турларининг назарий асосларини ўрганиб, суғурта фаолиятини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини суғурталашни қонунчилик билан тартибга солиш мазмунини очиб берган, суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини ташкил етиш тамойилларини ўрганган [5].

Маҳаллий олимлар И. Абдурахмонов, М.Абдураимова, Н. Абдуллаева, О.Юлдашев, Ш. Закирходжаева томнидан ҳам ҳаёт суғуртаси муаммоларига бағишланган талай тадқиқот ишлари олиб борилган [3,4].

Умуман олганда, бизнинг фикримизча, ҳаёт суғуртаси инсон ҳаётининг давомийлиги учта ҳолатини ўз ичига олади:

1.Суғурталанган шахснинг ёш пайтида ёки ўртача умр кўриш ёшидан олдин вафот этиш эҳтимоллиги;

2.Маълум вақт оралиғида вафот этиш ёки яшаб қолиш эҳтимоллиги;

3.Қарилик даврида узоқ умр кўриш ва ушбу даврда меҳнат фаолиятисиз доимий

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

даромад талаб қилиниши эҳтимоллигини беради.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатда ҳаёт суғуртаси бозорининг ривожланиш ҳолатига халқаро суғурта амалиёти нуқтаи-назардан баҳо беришда ҳаёт суғуртаси мукофотларининг аҳоли жон бошига нисбати ва ЯИМдаги улушига оид кўрсаткичлар муҳим аҳамиятга эга. Чунки халқаро суғурта бозорида миллий суғурта бозорларининг рейтингини ва ривожланиш даражасини айнан мазкур кўрсаткичлар белгилаб беради. Шу тарзда баҳоланганда, 2024 йилда ҳаёт суғуртаси мукофотлари олдинги йилларга нисбатан анча ошган бўлса-да, ушбу кўрсаткичнинг жаҳон ҳаёт суғуртаси бозоридаги ўртача қийматига нисбатан олганда пастроқ кўрсаткич ҳисобланади. Бу эса, мамлакатда ҳаёт суғуртаси бозорининг ривожлантириш, суғурта бозорида рақобатбардошлик муҳитини яратиш муҳимлигини билдиради.

2023 йил якуни бўйича ҳаётни суғурталаш соҳасида фаолият олиб борган суғурта компанияларининг суғурта мукофотлари ҳажми 2,3 баробарга ошиб, 216 115 млрд сўмни ташкил қилди. Натижада ҳаётни суғурталаш компанияларининг суғурта бозоридаги улуши 6,4 фоизга ўсиб 14,9 фоизни ташкил этди.

1-жадвал.

Ҳаёт суғуртаси компаниялари томонидан тўпланган суғурта мукофотлари динамикаси, млрд сўмда*

№	Суғурта компаниялари номи	Суғурта мукофотлари		
		2022	2023	Ўзгариши, %
	Умумий	**804 790**	**216 115**	**-73,1%**
1.	"AGROS HAYOT" AJ	75 290	**54 250**	-27,9%
2.	"O‘ZBEKINVEST HAYOT SUG‘URTA KOMPANIYASI" AJ	49 130	**42 884**	-12,7%
3.	"APEX LIFE INSURANCE" AJ	64 471	**33 908**	-47,4%
4.	"NEW LIFE SUG‘URTA KOMPANIYASI" AJ	359 568	**29 203**	-91,9%
5.	"ALFA LIFE INSURANCE" AJ	85 661	**21 844**	-74,5%
6.	"EUROASIA LIFE INSURANCE" AJ	74 532	**17 119**	-77,0%
7.	"KAFOLAT HAYOT INSURANCE" AJ	84 497	**14 782**	-82,5%
8.	"FAROVON SUG‘URTA" AJ	11 640	**2 126**	-81,7%

*https://napp.uz/uz сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, ҳаёт суғуртаси компанияларининг тўплаган суғурта мукофотларнинг жами 2022 йилда 804 790 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилда эса 216 115 млрд. сўмни ташкил этган. Кўриниб турибдики, ҳаёт суғурта компаниялари хизмат кўрсатишда рақамли технологиялардан фойдаланиши ҳамда инновацион суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиши орқали 2023 йилда тўпланган суғурта мукофотлар ҳажми 2022 йилга нисбатан 73,1 фоизга ўсган.

Ҳаёт суғуртаси ўзининг молиявий жиҳатига кўра бошқа суғурта турларига нисбатан анчагина мураккаб бўлиб, аввало унинг мураккаблиги инсон ҳаётининг бебаҳодалигидадир. Бу эса, суғурталовчи (суғурта таъминоти) ва суғурталанувчининг

(суғурта тўлови) жавобгарлик ҳажмини ҳисоблашда мураккаб молиявий (актуар) ҳисобларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради. Ҳаёт суғуртаси амалга оширилиш шаклига кўра, рискли ҳаёт суғуртаси, жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси ва инвестицион ҳаёт суғуртаси турларига бўлинади. Рискли ҳаёт суғуртаси ва жамғариб бориладиган ҳаёт суғуртаси ўртасидаги асосий фарқли жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

1. Суғурта рискларининг таркиби.
2. Суғурта фондларини шакллантиришнинг тартиб ва тамойиллари.
3. Суғурта шартномаси ва унинг амал қилиш даври.
4. Суғурта шартномаси бўйича жамғарма компонентларининг мавжудлиги.

2-жадвал.

Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида амалда бўлган ва янги тузилган шартномалар сони*

№	Суғурта компаниялари номи	2022		2023	
		Амалда бўлган шартнома-лар сони	Янги тузилган шартнома-лар сони	Амалда бўлган шартно малар сони	Янги тузилган шартномала р сони
	Умумий	**494 955**	**235 934**	**434 815**	**265 903**
1.	"AGROS HAYOT" AJ	401 603	148 572	329 412	251 095
2.	"NEW LIFE SUG‘URTA KOMPANIYASI" AJ	47 851	59 454	63 543	1 943
3.	"APEX LIFE INSURANCE" AJ	11 913	5 667	14 148	3 097
4.	"ALFA LIFE INSURANCE" AJ	8 601	7 579	11 661	3 031
5.	"O‘ZBEKINVEST HAYOT SUG‘URTA KOMPANIYASI" AJ	12 449	5 495	9 604	3 266
6.	"KAFOLAT HAYOT INSURANCE" AJ	6 547	5 337	4 085	2 027
7.	"EUROASIA LIFE INSURANCE" AJ	3 430	2 792	1 543	1 444
8.	"FAROVON SUG‘URTA" AJ	2 561	1 038	819	-

*https://napp.uz/uz сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Шундай қилиб, жадвалда 2022-2023 йилларда янги тузилган ҳамда амалда бўлган суғурта шартномалари акс этган. Таҳлил натижаларига кўра, 2022 йилда янги тузилган шартномалар сони 235 934 тани, 2023 йилда эса 265 903 тани ташкил этган. 2022 йилга нисбатан 2023 йилда янги тузилган шартномалар сони 12,7 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон суғурта бозоридаги ҳаёт суғурта компаниялари ўз мижозларининг ишончини қозонганлиги, потенциал суғурталанувчиларнинг эҳтиёжларини тўлиқ ўрганиб чиқиб, уларга инновацион маҳсулотларни тақдим этиши орқали янги мижозлар аудиторияси кенгайишга эришган.

Хулоса

Ҳаётни суғурта қилиш-суғуртанинг узоқ муддатлилиги ва қопланадиган қалтисликлар туфайли ўзига хос соҳадир. Потентциал мижозлар онгида шахсий маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ тегишли молиявий дастаклардан фойдаланишнинг ишончли ва самарали эканлиги ҳақида барқарор ижобий таассуротни шакллантириш учун

нафақат суғурталовчилар, балки молиявий соҳа вакиллари ҳам яхши хизмат кўрсатиши зарур.

Ўзбекистон суғурта бозорида ҳаёт суғурта соҳасини янада ривожлантириш учун хориж тажрибасини ўрганган ҳолда амалиётга кенг жорий қилиш, ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш тури бўйича шартномаларни тузишда стандартлаштирилган андеррайтинг тизимини йўлга қўйиш, узоқ муддатли ҳаёт суғуртасида мақсадли суғурта агентларини тайёрлаш ҳамда ҳаёт суғуртасида суғурта маҳсулотларини истиқболли сотилишини таъминловчи интернет -маркетинг каналининг яхши йўлга қўйилишини таъминлаш. Суғурта ташкилотлари томонидан ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш тури бўйича шартномалар ва суғурта маҳсулотлари сотилиши юзасидан стандартлаштирилган портфеларни яратиш лозим. Бу, ўз навбатида, ҳаёт суғурта бозори сегментининг ривожланишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги 2021 йил 23 ноябрдаги ЎРҚ-730-сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.

3. Абдурахмонов И., Абдураимова М., Абдуллаева Н. Суғурта назарияси ва амалиёти: дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2019. – 420 б.

4. Юлдашев О., Закирходжаева Ш. Ҳаёт суғуртаси: ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2019. –384 б.

5. Туровская М.С., Кожухина К.А., Шкварок В.М. Страхование: Учебное пособие. – СПб. Университет при МПА ЕврАзЭС, 2021. – 201 с.

6. Страхование: учебник / [Е. Г. Князева, О. А. Бойтуш, Т. Д. Одинокова, Е. А. Разумовская, Л. И. Юзвович, Ю. Т. Ахвледиани] ; под общ. ред. Е. Г. Князевой ; М-во науки и высшего обр. Рос. Федерации, Урал. гос. экон. ун-т. – Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2019. – 241 с.

7. Van Winssen, K. P. M., van Kleef, R. C., & van de Ven, W. P. M. M. (2016). The demand for health insurance and behavioural economics. The European Journal of Health Economics, 17(6), 653-657. doi:10.1007/s10198- 016-0776-3

8. Cockrell H.A.L., Green Edwin, The British Insurance Business. - London: Heinemann Educational Books, 2016.

9. https://www.thebalancesmb.com/insurance-company-ratings, A.M.Best, Moody S, Standart&Poors, Insurance Company Ratings.

https://www.mf.uz.

11. https://napp.uz/uz .

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

RIVOJLANGAN MAMLAKATLAR SUG‘URTA BOZORINING MOLIYAVIY BARQARORLIGI VA UNI TA’MINLASHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Haqberdiyev Bekzod Uktamovich

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Masofaviy va 2-oliy ta’lim fakulteti dekani, PhD.
ORCID: 0009-0003-4580-4520

Annotatsiya. Ushbu maqolada rivojlangan mamlakatlar sug‘urta bozorining moliyaviy barqarorligi tahlili amalga oshirilgan bo‘lib, sug‘urta bozorini rivojlantirish hamda sug‘urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorligini ta’minlashga doir xorijiy va mahalliy iqtisodchi olimlarninig ilmiy-nazariy qarashlari o‘rganilgan. Shuningdek, rivojlangan mamlakatlarning sug‘urta bozorini rivojlanishida qo‘llaniladigan mexanizmlari hamda chet-el mamlakatlari sug‘urta bozorining o‘ziga xos xususiyatlari yoritilgan. Qolaversa, xorij mamlakatlari sug‘urta bozorining moliyaviy barqarorligini tadqiq etgan holda uni O‘zbekiston sug‘urta kompaniyalariga tadbiq etish borasida amaliy xulosalar va nazariy tavsiyalar shakllantirilgan.

Kalit so‘zlar: moliyaviy barqarorlik, sug‘urta mexanizmlari, sug‘urta mahsulotlari, sug‘urta kompaniyalari, sug‘urta faoliyati, barqarorlikni ta’minlash, moliyaviy resurslar, investitsiyalar, rivojlangan mamlakatlar sug‘urta bozori.

FINANCIAL STABILITY OF THE INSURANCE MARKET OF DEVELOPED COUNTRIES AND SPECIFIC FEATURES OF ITS PROVISION

Hakberdiyev Bekzod Uktamovich

Tashkent State University of Economics
Dean of the Faculty of Education and Science, PhD.
ORCID: 0009-0003-4580-4520

Annotation. This article analyzes the financial stability of the insurance market of developed countries, studies the scientific and theoretical views of foreign and domestic economists on the development of the insurance market and ensuring the financial stability of insurance companies. It also covers the mechanisms used in the development of the insurance market of developed countries and the specific features of the insurance market of foreign countries. In addition, having studied the financial stability of the insurance market of foreign countries, practical conclusions and theoretical recommendations are formulated for its application to insurance companies of Uzbekistan.

Keywords: financial stability, insurance mechanisms, insurance products, insurance companies, insurance activities, ensuring stability, financial resources, investments, insurance market of developed countries.

ФИНАНСОВАЯ СТАБИЛЬНОСТЬ СТРАХОВОГО РЫНКА РАЗВИТЫХ СТРАН И ОСОБЕННОСТИ ЕГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

Хакбердиев Бекзод Уктамович

Ташкентский государственный экономический университет

Декан факультета заочного и второго высшего образования, кандидат педагогических наук.
ORCID: 0009-0003-4580-4520

Аннотация. В данной статье проведен анализ финансовой устойчивости страхового рынка развитых стран, изучены научно-теоретические взгляды зарубежных и отечественных экономистов на развитие страхового рынка и обеспечение финансовой устойчивости страховых компаний. Также выделены механизмы, используемые при развитии страхового рынка развитых стран, и особенности страхового рынка зарубежных стран. Кроме того, после исследования финансовой устойчивости страхового рынка зарубежных стран были сформированы практические выводы и теоретические рекомендации по его применению страховым компаниям Узбекистана.

Ключевые слова: финансовая стабильность, механизмы страхования, страховые продукты, страховые компании, страховая деятельность, обеспечение стабильности, финансовые ресурсы, инвестиции, страховой рынок развитых стран.

Kirish.

Globallashuv jarayonida sug‘urta bozorining innovatsion rivojlanishi jadal o‘zgarishlar qamrovida kechayotganligi mazkur institut faoliyatini nazariy-amaliy tadqiq etish dolzarb ekanligini anglatadi. Sug‘urta bozori har qanday mamlakat iqtisodiyotining asosiy segmenti hisoblanadi hamda bevosita uning ravnaqiga ham xizmat qiladi. Demak, sug‘urta faoliyati o‘ziga xos tarzda shakllangan va keng qo‘llanilayotgan ijtimoiy hodisa bo‘lib, barqarorlik omili sanaladi. Mamalakat sug‘urta bozori rivojini prognozlash o‘z navbatida, biznes subyektlari va aholi manfaatlari himoyasini kafolatli darajada ta’minlash instituti sifatida sug‘urta faoliyatini rivojlantirish yo‘nalishlarini tadqiq etish zaruratini keltirib chiqardi.

Xorijiy mamlakatlarda sug‘urta bozori infratuzilmasini rivojlantirish, sug‘urta kompaniyalari moliyaviy barqarorligini ilmiy yondashuvlar va ekonometrik instrumentlar yordamida ta’minlash, kompaniyalar samaradorligini tarmoq va soha xususiyatlaridan kelib chiqqan holda oshirish borasida keng qamrovli tadqiqotlar olib borilmoqda. Bugungi kunda sug‘urta kompaniyalari faoliyat samaradorligini multiplikativ koeffitsientlar orqali baholash, moliyaviy barqarorlikning miqdoriy darajasini aniqlash, moliyaviy barqarorlikni ta’minlashning xalqaro standartlar va mexanizm asosida takomillashtirishga qaratilgan tadqiqotlarni amalga oshirish dolzarb bo‘lib qolmoqda. Mamlakatimizda iqtisodiy taraqqiyotni ta’minlashda sug‘urta kompaniyalarining ahamiyatini yanada oshirish, ularning YaIMdagi ulushini bosqichma-bosqich oshirib borish, qimmatli qog‘ozlar bozoridagi ishtirokini yanada takomillashtirish borasida «Sug‘urtalovchi va qayta sug‘urtalovchining investitsion faoliyati» to‘g‘risida nizomda belgilangan chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Shuningdek, sug‘urta xizmatlarini diversifikatsiyalash hisobiga zamonaviy sug‘urta xizmatlari joriy etish va mazkur jarayonlarda aholining faol ishtirokini samarali tashkil etish kabilar sug‘urta kompaniyalari moliyaviy barqarorligini ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Mavzuga oid adabiyotlar sharhi.

T.A.Fyodorovaning fikricha: “Investitsiya faoliyatining natijasi sug‘urta kompaniyasining foydasiga katta ta’sir ko‘rsatadi. Shu bilan birga sug‘urtaning ba’zi bir turlari bo‘yicha investitsiyadan olingan foyda zararni qoplashga kerak bo‘lgan sug‘urta zaxiralari uchun to‘ldirish manbai bo‘lishi mumkin” [1].

Sug‘urta tashkilotlarining moliyaviy resurslarini joylashtirish faoliyati yuqori risk darajasiga ega bo‘lgan sohalardan biri hisoblanadi. Rossiyalik tadqiqotchi I.T.Balabanova riskka shunday ta’rif beradi: “risk - yo‘qotishlar xavfining mavjudligidan kelib chiqib omadga ishongan holdagi harakatdir” [2].

Taniqli rossiyalik olim N.B. Grishenkoning quyidagi so‘zlarini keltirish joizdir: “Sug‘urta hozirgi zamon iqtisodiy voqeligining mustaqil va o‘ziga xos sohasi bo‘lib, uning paydo bo‘lish, amal qilish va rivojlanish prinsiplari iqtisodiy nazariyalar va qarashlarda o‘z

aksini topadi” [3].

Rossiyalik tadqiqotchi T.A. Merebashvili o‘z tadqiqotlarida quyidagi xulosaga keladi: “sug‘urtada tijorat va o‘zaro yordam tushunchalarining uyg‘unlashuvi shunday xulosa qilishga imkon beradi, ya’ni o‘z tabiatiga ko‘ra tijoratga asoslangan sug‘urta bir vaqtning o‘zida o‘zaro yordam xususiyatiga ega bo‘lishi va o‘zaro sug‘urta bir vaqtning o‘zida tijorat xususiyatlarini ham o‘zida mujassamlashtirishi kerak, aks holda, u sug‘urta emas” [4].

K.R. Makkonnell va S.L. Bryularning ta’rifiga ko‘ra sug‘urta bozori – bu sug‘urta qildiruvchi va sug‘urtalovchining sug‘urta xizmatlari bilan bog‘liq qiziqishlarini birlashtiruvchi iqtisodiy mexanizmdir [5].

Xorij olimi M.G. Jigasning tadqiqotlarida “Sug‘urta portfeli – bu ma’lum bir sug‘urta summasi bilan tavsiflanadigan sug‘urta shartnomalarining to‘plamidir. Aslida esa u sug‘urta kompaniyasining sug‘urtalanuvchilar oldidagi majburiyatidir. Barqaror sug‘urta portfelini yaratish sug‘urta kompaniyasining muhim maqsadlaridan biridir. Qabul qilingan sug‘urta shartnomalari bo‘yicha sug‘urta kompaniyasining javobgarlik darajasi uning moliyaviy imkoniyatlariga mos kelishi kerak. Sug‘urta kompaniyasining moliyaviy barqarorligini ta’minlash uchun ko‘p miqdordagi sug‘urta shartnomalari va past darajadagi javagobgarlik bilan sug‘urta portfelini shakllantirish tavsiya etiladi [6].

Vasilev G. V. ning fikricha, odamlar hayotdagi barcha baxtsiz hodisalar bilan uchrashish uchun birlashdilar, iqtisodiy tisodiy zarar yetkazilganda do‘stona o‘zaro yordam uchun mulk emas, balki iqtisodiy shaxs yordam berdi” [7].

N.G.Ishenko Sug‘urta va qayta sug‘urta vositachilari – sug‘urta agentlari va sug‘urta brokerlari faoliyatni faoliyatni nazorat qilish Yevropa Ittifoqi sug‘urta huquqida alohida o‘rin tudadi. Sug‘urta vositachilari bir tomondan sug‘urta xizmatlarining oxirgi iste’molchilari – sug‘urtalanuvchilar bilan sug‘urta munosobatlariga kirishadilar, ikkinchi tomondan esa ular sug‘urta qoplamalarini to‘lash majburiyatlarini olmaydi va javobgarlik olib bormaydi [8].

Tadqiqot metodologiyasi.

Maqolada ilmiy mushohada, tizimli yondashuv va induksiya va deduksiya, taqqoslash, grafiklash kabi tadqiqot usullaridan foydalanildi. Sug‘urta bozoridagi mavjud usul va yondashuvlar tahlillariga asoslanib, O‘zbekistonda sug‘urta faoliyatining moliyaviy barqarorligini ta’minlash yuzasidan taklif va tavsiyalar ishlab chiqildi.

Tahlil va natijalar muhokmasi.

Sug‘urta tashkilotining moliyaviy barqarorligi muammosini tadqiq etishga bag‘ishlangan adabiyotlar tahlili shuni aniqlashga imkon beradiki, moliyaviy barqarorlikning mohiyatini aniqlashda boshlang‘ich nuqta bo‘lib to‘lov qobiliyati – “sug‘urta kompaniyasining qonun yoki shartnoma bilan asoslanadigan pul majburiyatlarini o‘z vaqtida bajarish qobiliyati” hisoblanadi.

Ta’kidlash lozimki, sug‘urta kompaniyalari moliyaviy barqarorligiga ta’sir etuvchi asosiy tashqi omillardan biri mamlakatdagi mazkur tizimni tartibga solishning huquqiy asoslari hisoblanadi. Aynan sug‘urta bozori faoliyatini tartibga solishning huquqiy-me’yoriy xujjatlarini mukammal darajada ishlab chiqilganligi kompaniyalarda strategik loyihalarni amalga oshirish, optimal qarorlar qabul qilish, moliyaviy barqarorlikka erishish asosida samarali faoliyat yuritishini ta’minlaydi.

Umuman olganda, sug‘urta portfelining funksiyalari to‘g‘risidagi fikrlarni umumlashtirish shunday xulosa qilish mumkinki, barcha fikrlarning maqsadi bu samarali sug‘urta portfelini yaratish; daromadlilik va risk darajasi o‘rtasidagi muqobil muvozanatga erishish, ya’ni bularning barchasi sug‘urta portfelining moliyaviy barqarorligini ta’minlovchi omil bo‘lib xizmat qiladi.

Sug‘urta kompaniyalari moliyaviy barqarorligini baholovchi asosiy ko‘rsat - kichlar va koeffitsientlar tahlilini yoritishdan avval, moliyaviy barqarorlikni baholashda unga ta’sir etuvchi omillar va ularning asosiy jihatlarini yoritish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Sug‘urta

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

kompaniyalari moliyaviy barqarorligiga ta’sir etuvchi omillarni umumiy yondashuvga muvofiq tashqi (boshqarish imkoniyati mavjud bo‘lmagan) va ichki (boshqarish imkoniyati mavjud) omillarga ajratish mumkin (1-rasm)



1-rasm. Sug‘urta kompaniyalari moliyaviy barqarorligining turlari va belgilari tasnifi [9]

Rivojlangan mamlakatlar sug‘urta bozoriga razm tashlaydigan bo‘lsak, AQSh va Yevropa mamlakatlari sug‘urta bozorida texnologik innovatsiyalarni faol ravishda qo‘llab-quvvatlaydilar. Bu mamlakatlarda sun’iy intellekt, katta ma’lumotlar (Big Data) va blockchain texnologiyalari keng qo‘llaniladi. Bu texnologiyalar sug‘urta kompaniyalariga katta hajmdagi ma’lumotlarni samarali boshqarish, mijozlar xulq atvorini tahlil qilish va shaxsiylashtirilgan sug‘urta mahsulotlarini taqdim etish imkonini beradi [10].

Buyuk Britaniyada esa raqamli sug‘urta platformalari va sun’iy intellekt asosidagi robot-maslahatchilar sug‘urta sohasida xizmat ko‘rsatish sifatini oshirishga yordam beradi. Bu echimlar mijozlarga sug‘urta mahsulotlari haqida tezkor ma’lumot olish, sug‘urta polislari bo‘yicha maslahatlar olish va zarur hollarda da’volarni tez va oson tarzda rasmiylashtirish imkoniyatini yaratadi [11].

Hindiston sug‘urta bozorida mobil texnologiyalarning o‘sishi diqqatga sazovordir. Mobil ilovalar orqali sug‘urta xizmatlari ko‘rsatish, aholining keng qatlamiga sug‘urta mahsulotlarini taqdim etishda muhim rol o‘ynaydi. Hindistonning turli mintaqalarida aholining katta qismi ilk bor aynan mobil ilovalar orqali sug‘urta bilan tanishadi va foydalanadi [12].

Kompleks rivojlanishga erishgan Xitoy mamlakatida bo‘lsa, hayot sug‘urta tarmog‘i o‘sib bormoqda va turli xil sug‘urta mahsulotlarini joriy qilmoqda. Ushbu takliflar jiddiy kasallik va muayyan iste’molchilar segmentlariga mo‘ljallangan tibbiy xarajatlar kabilarni qamrab oladi. Hayot sug‘urtasi shartlari aniq va batafsil qamrov spesifikatsiyasi, raqobatbardosh bozor dinamikasi va tartibga solish talablariga javob berish bilan doimiy ravishda takomillashtirilmoqda. Yillik hayot sug‘urta mukofotlari 2022-yilda 3,4 trillion yuanni (530 milliard dollar) tashkil etdi, bu 2012-yildagi 1 trillion yuandan (161 milliard dollar) o‘sdi [13].

Jahon tajribasi shuni ko‘rsatadiki, davlat mulkining xususiylashtirilishi, tadbirkorlik faoliyatining barqaror sur’atlarda rivojlanishi ishlab chiqarish faoliyati va fuqarolarning manfaatlari bilan bog‘liq zararlarning qoplanishida sug‘urtalashga bo‘lgan talabning oshib borishidan, sug‘urtalash sohasi munosabatlariga yangi sug‘urta obyektlari va subyektlari jalb

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

etilishi orqali bo‘sh mablag‘larni investitsiyaga jalb etgan holda daromadlar ko‘paytirilishidan dalolat beradi.

Jahonning rivojlangan mamlakatlarida sug‘urtalovchilarning faoliyati turli xil tashkiliy shakllarda ya’ni, hissadorlik kompaniyalari; davlat va aralash sug‘urta tashkilotlari; xususiy tadbirkorlik va birlashmalar; kooperativ sug‘urta tashkilotlari; qo‘shma korxonalar; avtosug‘urtalovchilar parallel shakllarda namoyon bo‘ladi. Turli davlatlarda sug‘urta jamiyatlarini tuzishda turli xil tashkiliy-huquqiy shakllardan amaliyotda foydalaniladi. AQSH va Germaniyada hissadorlik jamiyatlari, Fransiyada o‘zaro sug‘urta jamiyatlari, Buyuk Britaniyada esa, sug‘urta assotsiatsiyalari ish olib bormoqda.



2-rasm. Rivojlangan mamlakatlar yalpi ichki mahsulotida sug‘urta bozorining ulushi (2023-yil holatiga) [14]

Sug‘urta sohasining mamlakatimiz yalpi ichki mahsulotidagi ulushi atigi 0,4 foizni tashkil etmoqda. Qiyos uchun, bu ko‘rsatkich Janubiy Koreyada 11 foiz, Germaniyada 6 foiz, Rossiyada 1,5 foizni tashkil etadi. Buning asosiy sabablaridan biri –sug‘urta xizmatlari yetarli darajada jozibador emasligi. Misol uchun, o‘tgan olti oyda umumiy sug‘urta tarmog‘ida 887 milliard so‘m sug‘urta mukofoti yig‘ilgan bo‘lsa-da, ushbu davrda mijozlarga to‘langan sug‘urta qoplamasining hajmi mukofotning atigi 11 foiziga to‘g‘ri kelgan. Dunyoda esa bu ko‘rsatkich o‘rtacha 50-60 foizdir. Sug‘urta bozoridagi kuchli raqobat ushbu bozorda faoliyat ko‘rsatayotgan sug‘urta kompaniyasining o‘z ustida doimiy ishlashini, raqobatda o‘z mavqeini saqlab qolish uchun marketing tadqiqotlarini olib borishni, mamlakat ichkarisidagi va tashqarisidagi har jihatdan ilg‘or sug‘urta kompaniyalarining tajribalarini o‘rganish va o‘z faoliyatiga tatbiq etish, tarif stavkalarining optimalligini ta’minlash maqsadida aktuar hisoblardan keng foydalanish, tarif stavkalarini pasaytirish imkonini beruvchi investitsiya va boshqa daromad manbalaridan samarali foydalanish potensial sug‘urtalanuvchilarni ko‘proq jalb qilish va mavjud sug‘urtalanuvchilarni saqlab qolish maqsadida, turli ko‘rinishdagi qo‘shimcha xizmatlar va bonuslarni qo‘llashga, sug‘urtalanuvchi manfaatlarini ko‘proq e’tiborga oluvchi sug‘urta shartnomalarini ishlab chiqish va amalda qo‘llashga majbur qiladi. Shunday harakatlarni o‘zining faoliyat mazmuniga aylantirgan sug‘urta kompaniyalarining milliy bozorda ko‘payishi oxir oqibatda sug‘urtalanuvchilar sonining ko‘payishi, to‘planayotgan sug‘urta mukofotlarining sezilarli darajada oshishi va sug‘urtalanuvchilar o‘rtasida sug‘urta kompaniyalariga bo‘lgan ishonchning ortishiga olib keladi. Dunyo miqyosida globallashuv jarayonlari kuchayib, mamlakatlar o‘rtasida savdo, turizm va boshqa sohalarda o‘zaro munosabatlar kengayib

borayotgan bugungi kunda sug‘urta xizmatlari tobora dolzarblik kasb etib bormoqda.

1- jadval

O‘zbekiston Respublikasi sug‘urta bozorining tuzilishi [15]

Sug‘urta bozori tuzilishi	31.12.2022	31.12.2023	O‘zgarishi (+/-)
Sug‘urta tashkilotlari soni	41	38	-7,3 %
shu jumladan hayot sug‘urtasi bo‘yicha	8	7	-12,5 %
Sug‘urta tashkilotlarining umumiy ustav kapitali (mln. so‘mda)	1 884 111	2 298 572	+22,0%
Sug‘urta brokerlari soni	7	8	+14,3%
Aktuariylar soni	5	5	0%
Sug‘urta agentlari soni	9 155	4 736	-48,3%
shu jumladan yuridik shaxslar	2 625	1 711	-34,8%
To‘lovlarni kafolatlash jamg‘armasi a’zolari bo‘lgan sug‘urta tashkilotlarining soni	25	26	+4,0%

Har qanday iqtisodiyotining asosi uning barqaror rivojlanishiga bog‘liq bo‘ladi. Bunday holatda sug‘urta institutlaridan samarali foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi. Bunda sug‘urta komaniyalarining o‘z barqarorliklarini ta’minlash yanada muhimdir. Sug‘urta kompaniyasining moliyaviy barqarorligini ta’minlovchi asosiy omillardan biri bu sug‘urta portfelidir. Sug‘urta portfeli mohiyatini tushunish va uning muvozanatlashgan shaklini ta’minlash bugungi kunda dolzarb bo‘lib qolmoqda. Sug‘urta portfeli sug‘urta kompaniyasining butun faoliyati va uning moliyaviy barqarorligin belgilaydigan asosini tashkil etadi. Sug‘urta portfeli deganda ma’lum hududda sug‘urta qilingan obyektlarning haqiqiy soni yoki mavjud sug‘urta shartnomalari tushuniladi. Sug‘urta portfelining moliyaviy barqarorligi deganda qabul qilingan risklar va portfel rentabelligi o‘rtasidagi doimiy balans tushuniladi. Sug‘urta portfelining hajmi, sifati, tarkibi va dinamikasi sug‘urta to‘lovlarining kelib tushishi, sug‘urta qoplamalari tebranishi, sug‘urta summalari hajmining o‘zgarishi sug‘urta operatsiyalarining rentabelligini belgilaydi.

Xulosa va takliflar.

Rivojlangan mamlakatlar tajribasiga ko‘ra, O‘zbekiston sug‘urta bozorini yanada yaxshilash hamda moliyaviy barqarorligini oshirish yuzasidan quyidagi taklif va tavsiyalar shakllantirildi:

1. Xorijiy sug‘urta provayderlarini jalb qilish O‘zbekiston bozoriga juda zarur bo‘lgan tajriba, ilg‘or mahsulotlar va kapital olib kelishi mumkin. Hukumat hayotni sug‘urtalashni rivojlantirishga e’tibor qaratgan holda sug‘urta sektoriga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar uchun qulay muhit yaratishi kerak. Bu soliq imtiyozlari, tartibga soluvchi imtiyozlar yoki mahalliy firmalar bilan qo‘shma korxonalarni taklif qilishni o‘z ichiga olishi mumkin.

2. Davlat-xususiy sheriklik sug‘urtalashni kuchaytirishda hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Hukumat sug‘urtalash bozorida innovatsion mahsulotlarini ishlab chiqish, kam ta’minlangan oilalarga subsidiyalar yoki soliq imtiyozlari berish, moliyaviy inklyuzivlikni rivojlantirishga qaratilgan qo‘shma tashabbuslarni joriy etish uchun xususiy sug‘urtalovchilar va xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlik qilishi kerak.

3. Aholi o‘rtasida sug‘urta xizmatlarining ahamiyatini tushuntiruvchi keng qamrovli axborot-targ‘ibot ishlarini olib borish kerak. Bu orqali fuqarolarning sug‘urtaga nisbatan ijobiy munosabatini shakllantirish va sug‘urtaga bo‘lgan talabni oshirish mumkin.

Секьюритизация (ABS)	Облигации Рефинансирование портфелей «зеленых» проектов или поступлений от них можно использовать для «зеленых» проектов.	Обращение осуществляется к группе проектов, которые были сгруппированы вместе (например, аренда солнечной энергии или зеленая ипотека).	Tesla Energy (при поддержке аренды жилых солнечных батарей); Obvion (при поддержке зеленой ипотеки)
Облигации покрытия	Предназначено для соответствующих критериям проектов, включенных в крытый пул	Обращение к эмитенту и, если эмитент не в состоянии погасить облигацию, к покрытому пулу Berlin Hyp green Pfandbrief	Зеленая обеспеченная облигация Sparebank 1 Bolligkredit
Заем	Предназначено для соответствующих критериям проектов или обеспечено приемлемыми активами	Полное обращение к заемщику(ам) в случае необеспеченных кредитов. Обращение к залогу в случае обеспеченных кредитов, но может также предусматривать ограниченное право обращения к заемщику(ам).	Член Европарламента Верке, Айвенго Кембридж и Natixis Assurances (DUO), OVG
Прочие долговые инструменты	предназначенные для отвечающих критериям проектов		Конвертируемые облигации или векселя, Schuldschein, коммерческие бумаги, сукук, долговые обязательства

*Таблица подготовлена автором.

Выводы

Современные инвесторы, в особенности международные, становятся все более социально ответственными и при принятии инвестиционного решения учитывают экологические и социальные факторы. Так, если в 2017 году лишь 8% международных инвесторов обращали внимание на эти факторы,в связи с влиянием состояния окружающей среды на изменение климата, то в 2018 году – 48%. Такой взрывной рост

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

интереса к экологическим проблемам отразился на международном рынке «зеленых» облигаций, хотя их доходность ниже, чем у обыкновенных облигаций, но благодаря им, во-первых, улучшается имидж компаний, во-вторых, они получают налоговые льготы, в-третьих, компании подвергаются меньшим инвестиционным рискам.

В нашей стране также применяются ряд мер для улучшения инфраструктуры обращения зеленых облигаций. Необходимо отметить актуальность Постановления Кабинета Министров от 20.07.2023 года №300 «О мерах, направленных на улучшение экологической обстановки в отдельных отраслях промышленности, снижение негативного воздействия отхода на окружающую среду и здоровье населения, эффективное использование альтернативных источников энергии». Ввиду принятия этого законодательного акта наблюдается активный рост в таких сферах, как строительная отрасль, металлургия, химическая и текстильная промышленность. Следует отметить, что наша страна активно и довольно успешно ведет политику выпуска евробондов, что свидетельствует о том, что выпуск зеленых облигаций также будет прогрессировать, а инфраструктура будет налаживаться под воздействием текущей экономической ситуации.

Литература

1. Постановление Кабинета Министров от 20.07.2023 года №300 «О мерах, направленных на улучшение экологической обстановки в отдельных отраслях промышленности, снижение негативного воздействия отхода на окружающую среду и здоровье населения, эффективное использование альтернативных источников энергии». – https://lex.uz/docs/6540545

2. Семенова Н. Н. «Зеленая экономика»: новые подходы к финансированию. // Финансовая жизнь. – 2019;(2). – С.30-35.

3. Banga J. The green bond market: a potential source of climate finance foe developing countries.// Journal of Sustainable Finance and Investment. – 2019, – 9(1). – С.17-32;

4. https://www.climatebonds.net/files/reports/cbi_gbm_final_032019_web.pdf;

5. Ehlers T, Packer F. Green bond finance and certification. BIS Quarterly Review September 2017.

6. Banga J. The green bond market: a potential source of climate finance for developing countries // Journal of Sustainable Finance and Investment. 2019.

7. Deschryver P, Mariz de F. What future for the green bond Market? How can Policymakers, Companies and Investors Unlock the potential of the green bond market? Risk Financial Management, 2020.

8. Аналитический отчет «Оценка финансирования развития для Республики Узбекистан» в рамках реализации совместного проекта Программы Развития ООН и Министерства финансов Республики Узбекистан. UNDP, 2021.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

KAPITAL BOZORIDAN MOLIYAVIY RESURSLAR JALB QILISHNING XALQARO AMALIYOT TAJRIBASI

Xasanov Xayrullo Nasrullayevich

iqtisodiyot fanlari bo‘yicha
falsafa doktori (PhD)
dotsent
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: khayrullo.khasanov@bk.ru
ORCID: 0009-0008-1740-9570

Аннотация. Maqolada kapital bozorini rivojlantirishning iqtisodiy asoslari, aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy resurslarni shakllantirish manbalari va ularning tarkibiy tuzilishi tadqiq etilgan. Shuningdek iqtisodiyoti rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlarda kapital bozoridan moliyaviy resurslar jalb qilishda risklarni baholashning asosiy jihatlari o‘rganilgan. Xalqaro amaliyot tajribalaridan kelib chiqqan holda milliy kapital bozorini rivojlantirishga doir takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: kapital bozori, moliyaviy infratuzilma, qarz instrumentlari, fond bozori, kreditlar, investitsiya, moliyaviy instrumentlar, korporativ moliya, baholash.

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ С РЫНКА КАПИТАЛА

Хасанов Хайрулло Насруллаевич

доктор философии (PhD)
по экономическим наукам
доцент
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: khayrullo.khasanov@bk.ru
ORCID: 0009-0008-1740-9570

Аннотация. В статье рассматриваются экономические основы развития рынка капитала, источники формирования финансовых ресурсов и их структура в акционерных обществах. Также были изучены основные аспекты оценки рисков при привлечении финансовых ресурсов с рынка капитала в развитых и развивающихся странах. На основе международной практики разработаны предложения по развитию национального рынка капитала.

Ключевые слова: рынок капитала, финансовая инфраструктура, долговые инструменты, фондовый рынок, кредиты, инвестиции, финансовые инструменты, корпоративные финансы, оценка.

INTERNATIONAL EXPERIENCE IN ATTRACTING FINANCIAL RESOURCES FROM THE CAPITAL MARKET

Khasanov Khayrullo Nasrullaevich

Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences
Associate Professor

E-mail: khayrullo.khasanov@bk.ru
ORCID: 0009-0008-1740-9570

Abstract. The article examines the economic foundations of capital market development, sources of financial resources formation and their structure in joint-stock companies. The main aspects of risk assessment when attracting financial resources in the capital market in developed and developing countries were also studied. Based on international practice, proposals for the development of the national capital market were developed.

Keywords: capital market, financial infrastructure, debt instruments, stock market, loans, investments, financial instruments, corporate finance, valuation.

Kirish

Mamlakatimizda yirik ishlab chiqaruvchi korxonalar faoliyatini xalqaro standartlar asosida rivojlantirish, sohaga zamonaviy korporativ boshqaruv mexanizmini tadbiq etish, ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish jarayonlariga innovatsiyalarni joriy etish bugungi kundagi dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Tabiiyki, bunday sharoitda korxonalar faoliyatini moliyalashtirish masalasi ijro va boshqaruv organlari oldida turgan muhim vazifalar sirasiga kiradi. Keyingi yillarda aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan moliyaviy resurslar jalb qilish, xalqaro yirik fond birjalarining teng huquqli a’zosiga aylanish, xorijiy kredit liniyalari jalb qilish borasida samarali ishlar amalga oshirilmoqda. Shu bilan birga mamlakatimiz aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan xalqaro kapital bozoridan kapital jalb qilishni har tomonlama qo‘llab-quvvatlashga doir qonunchilik normalari mustahkamlanmoqda.

Jumladan, 2023 yil 23 noyabr kuni O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Tartibga solish qumdoni» maxsus huquqiy rejimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 617-sonli qarori[1] qabul qilindi. Qarorga muvofiq, maxsus rejim doirasida, chet ellik investitsiya vositachilari O‘zbekiston Respublikasi qimmatli qog‘ozlar bozorida investitsiya vositachisi faoliyatini amalga oshirishi va depo hisobvarag‘ini ochishi va O‘zbekiston Respublikasida o‘z faoliyatini to‘g‘ridan-to‘g‘ri yoki agent orqali amalga oshirish tartibi joriy etildi. Bu nafaqat xorijiy investorlarni milliy kapital bozoriga jalb qilishni kengaytirish balki mahalliy investorlarni xalqaro kapital egalari, sarmoyadorlar bilan bo‘ladigan moliyaviy munosabatlarga doir tajribalarini yanada oshirish imkonini beradi.

Albatta bugungi kunda sohada amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlar qator ijobiy yutuqlarni olib kelayotgan bo‘lsada, aksariyat aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan xalqaro kapital bozoriga chiqishda qator kamchilik va muammolar ko‘zga tashlanayotganligini qayd etish mumkin. Bu birinchi navbatda mazkur yo‘nalishda mustaqil ko‘nikma va amaliyotlarni yetishmasligi bo‘lsa, keyingi navbatda aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan mustaqil qarorlar qabul qilish imkoniyatlarining cheklanganligi bilan izohlash mumkin. Fikrimizcha, institutsional investorlarni jahon fond bozoriga chiqish imkoniyatlarini yanada oshirish, sohaga zamonaviy moliyaviy instrumentlarni kengroq joriy etish, kapital bozoriga doir malakali mutahassislarni tayyorlash va qayta tayyorlash hamda kapital bozoriga resurslar jalb qilishga doir xorijiy ilg‘or tajribalarni o‘rganish hamda milliy amaliyotda foydalanishga doir ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqish dolzarb ahamiyatga ega yo‘nalishlardan biri hisoblanadi.

Adabiyotlar sharhi

Kapital bozorini rivojlantirishni makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashdagi ahamiyati, kapital bozoridan moliyaviy resurslar jalb qilishning ilmiy amaliy muammolariga doir mamlakatimiz va xorijiy iqtisodchi olimlar tomonidan tadqiqotlar amalga oshirilgan.

Kapital bozorini rivojlanganligi avvalo davlatlar makroiqtisodiy barqarorligini baholovchi muhim indikatorlardan biri bo‘lib, investorlar ixtiyoridagi bo‘sh turgan kapitalni turli subyektlar o‘rtasida qayta taqsimlashni amalga oshiradi. Kapital bozorini rivojlantirish orqali kompaniyalar o‘rtasidagi moliyaviy munosatlarni takomillashtirish hamda aholi bo‘sh turgan mablag‘larini fond bozoriga yanada kengroq jalb qilish imkoniyati vujudga keladi [2]. Yashil

innovatsiyalar ko‘proq risklarni va muvaffaqiyatsizlikni qabul qilishga tayyor bozor muhitini talab qiladi. Kapital bozorlari yashil innovatsiyalarni targ‘ib qilish va amaliyotga joriy etishda muhim ahamiyatga ega, chunki ular innovatsiyalar bilan bog‘liq risklarni taqsimlashi yoki boshqa investorlarga o‘tkazishi mumkin. Iqtisodiyoti rivojlangan davlatlar kapital bozorining bugungi kundagi muhim yo‘nalishlaridan biri aynan yashil instrumentlarni rivojlantirishga qaratilayotganligi kapital bozorida muhim islohotlarni amalga oshirishni taqozo etadi [3]. Kapital bozorini rivojlantirishda moliya sektorining o‘rni alohida ahamiyatga ega. Iqtisodiyoti rivojlanayotgan davlatlar milliy kapital bozorini rivojlantirishda sug‘urta kompaniyalari va tijorat banklarini kengroq jalb qilishlari kerak bo‘ladi. Aynan ushbu institutsional investorlar bo‘sh turgan kapitalni doiraviy aylanishini jadallashtirishda keng imkoniyatlarga ega hisoblanadi [4]. 2000-2020 yillar oralig‘ida yuz bergan moliyaviy inqirozlar davlatlar tomonidan kapital bozorini himoya qilishning yangicha yondashuvlarini ishlab chiqishni taqozo etmoqda. Bo‘lib o‘tkan inqirozlar davlatlarning tijorat banklarini tashqi risklarga nechog‘lik tayyor ekanligini baholash bilan birga iqtisodiyotdagi zaif nuqtalarni aniqlash imkonini berdi. Shuning uchun milliy iqtisodiyotda yuz berishi mumkin bo‘lgan inqirozlardan himoyalash, tashqi omillarning ta’sirini kamaytirishda kapital bozorining mustahkam asoslarini yaratish dolzarb ahamiyat kasb etmoqda [5].

Hozirgi kunda O‘zbekiston kapital bozori hajmining YaIMga nisbati ko‘rsatkichi 1 foizga ham yetmasligi, bir tomondan, bu sohani isloh qilish naqadar dolzarbligini ko‘rsatsa, ikkinchi tomondan, milliy iqtisodiyotni barqaror sur’atlarda o‘sishini rag‘batlantirish uchun foydalanilmagan salohiyat yuqori ekanligidan dalolat beradi. Ayni paytda, kapital bozorini rivojlantirish iqtisodiyotning bank sektoriga qaramliligini oldini olish va shu bilan birga davlatning bank sektoridagi ishtirokini kamaytirishga ham imkon yaratadi [6]. Iqtisodiyotda davlat ulushini qisqartirishda kapital jalb qilish mexanizmining eng asosiy dastaklaridan biri bu kapital bozorining regulyatori hisoblanadi [7]. Kapital bozorini rivojlantirishda davlat tomonidan ishlab chiqiladigan tartibga solish mexanizmlarini samaradorligini oshirish lozim. Bunda qonunchilik asoslarini mustahkamlash va belgilash bilan bir qatorda ularning amalda ishlashini ta’minlash lozim. Shuningdek, mamlakatimizda kapital bozorini rivojlantirishda kapital bozori ishtirokchilari faolligi ta’minlash lozim. Xususan, 630 dan ortiq aksiyadorlik jamiyatlarining aksariyati kapital bozorida ishtirok etmasligini ta’kidlash lozim. Qolaversa, kapital bozori professional ishtirokchilarining salohiyatini oshirishga ham alohida e’tibor qaratish lozim [8].

Yuqorida olimlar tomonidan berilgan tariflardan ko‘rinadiki, kapital bozori milliy iqtisodiyot barqarorligini ta’minlash bilan birga, qimmatli qog‘ozlar bozorini rivojlantirish, institutsional investorlarning bozordagi faolligini yanada oshirish hamda aholi moliyaviy savodhonligini oshirish orqali bo‘sh turgan resurslari bilan bozorda ishtirokini rag‘batlantirishga xizmat qiladi.

Tahlil va natijalar

Aksiyadorlik jamiyatlarida kapital va undan foydalanish bilan bog‘liq bo‘lgan jarayonlar muhim ahamiyatga ega bo‘lib, tadqiqotchi olimlar tomonidan amalga oshirilgan izlanishlardan kelib chiqqan holda aksiyadorlik jamiyatlari kapitalining tarkibiy tuzilishi sifatida quyidagi chizmani ko‘rishimiz mumkin (1-chizma). Chizmada aksiyadorlik jamiyatlari moliyaviy resurslarining tarkibiy tuzilishi tasvirlangan bo‘lib, u moliyalashtirish manbasiga ko‘ra ikki turga bo‘linib, ulardan birinchisi sifatida aksiyadorlik jamiyatlarining ichki resurslari evaziga moliyalashtirilsa qolgan qismi esa tashqi manbalar hisobiga shakllantiraladi. Tadqiqotlar natijasidan ko‘rinadiki, aksiyadorlik jamiyatlari moliyaviy resurslarining moliyalashtirish ichki manbaalari evaziga shakllantirish ikki xil yo‘l bilan amalga oshirilsa, tashqi manbalar sifatida moliyalashtirish to‘rt xil usulda amalga oshiriladi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

1-chizma.

Kompaniyalar kapitalining tarkibiy tuzilishi*



*Muallif tomonidan tuzilgan

Xususan, aksiyadorlik jamiyatlari kapitalini moliyalashtirishning ichki manbaalari kreditor investorlarning mablag‘lari va biznes sheriklarning mablag‘lari orqali shakllantirilsa, kapitalni moliyalashtirishning tashqi mabaalari egalik qiluvchi investorlarning mablag‘lari, kompaniya foydasi, amortizatsiya ajratmalari va bo‘sh turgan resurslar evaziga shakllantiriladi. Shuningdek, aksiyadorlik jamiyatlari qarz va o‘z mablag‘larini shakllantirish amaliyotiga doir xalqaro darajada ko‘plab tadqiqotlar amalga oshirilgan bo‘lib, ulardan samarali foydalanish asosida aksiyadorlik jamiyatlari kapital samaradorligi barqaror o‘sib borishiga erishiladi. Kapital bozoridan moliyaviy resurslarni jalb qilish tamoyillari orasida, bizning fikrimizcha, quyidagi tamoyillar muhimdir: diversifikatsiya tamoyili, optimallashtirish tamoyili, xedjerlash tamoyili, muvofiqlik tamoyili.

Kapital bozoridan aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan moliyaviy resurslarni jalb qilishda diversifikatsiyalash tamoyili - kapital bozorida tomonidan kapitalni jalb qilishning turli manbalarini qo‘llash mumkinligini anglatadi hamda quyidagilarni ta’minlaydi:

a) kapitalni jalb qilish hajmini oshirish;

b) kapital qiymatini optimallashtirish;

c) biznes imidjini (obro‘sini) yaxshilash, yangi biznes munosabatlarni shakllantirish;

d) kapital bozorining holati va uning segmentlari to‘g‘risida qo‘shimcha ma’lumotlarga asoslangan strategik va taktik moliyaviy qarorlar qabul qilish.

Moliyaviy resurslarni jalb qilishda xedjerlash tamoyili - risklarni samarali boshqarish zaruriyatini anglatadi hamda quyidagilarni o‘zida mujassamlashtiradi: kapital bozori segmentiga, jalb qilish usuliga va foydalaniladigan moliyaviy vositalarga nisbatan kapitalni jalb qilish risklarini identifikatsiya (alohida toifalarga ajratish) qilish va baholash; risklarni asoslash va ularni kamaytirish usullaridan foydalanish; risklarni kamaytirish uchun hosilaviy moliyaviy instrumentlardan foydalanish; xalqaro kapital bozoridan moliyaviy resurslarni jalb qilish to‘g‘risida qaror qabul qilingan taqdirda, moliyaviy resurslarni siyosiy barqarorlik va iqtisodiy kon’yunktura holatidan kelib chiqqan holda jalb qilish, mavjud valyuta tushumlaridan kelib chiqqan holda valyuta majburiyatlarini o‘z zimmasiga olish. Ushbu prinsipdan foydalanish ayrim kompaniyalarda salbiy oqibatlarni kamaytirishga va shu asosda ularning investitsion jozibadorligini hamda bozor qiymatini oshirishga imkon beradi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Yuqorida kapital bozorining iqtisodiy asoslarini o‘rganish biz uchun bu boradagi bir qator qoidalarni ishlab chiqishga imkon berdi. Ushbu asosiy qoidalarni umumlashtirgan holda quyidagicha izohlashimiz mumkin:

- hozirgi bosqichda kapital bozori reproduktiv jarayonlarni moliyalashtirishning asosiy manbai hisoblanadi;

- kapital bozorining darajasi va hajmi aksiyadorlik jamiyatining rivojlanish darajasiga sezilarli darajada ta’sir ko‘rsatadi, chunki u: birinchidan, biznesni rivojlantirish uchun zarur bo‘lgan moliyaviy resurslarni jalb qilish hamda ikkinchidan moliyaviy va iqtisodiy faoliyat jarayonida yuzaga keladigan risklarni himoya qilish mexanizmidir;

- kapital bozori to‘g‘risidagi tushunchalar mahalliy va xorijiy mualliflarning asarlarida turlicha tasniflangan bo‘lsada, uning pirovard mohiyati bir xil hisoblanadi.

Shuning uchun, biz kapital bozorini institutsional nuqtai nazardan kredit bozori va qimmatli qog‘ozlar bozori majmuasi sifatida ko‘rib chiqishga qaratilgan yondashuvni tanladik. Kapital bozorining har bir turi va uning alohida segmentlari o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lsada, aksiyadorlik jamiyati uchun moliyaviy resurslarni ushbu sektor ehtiyojlariga ko‘ra ta’minlaydi.

Shu bilan birga moliyaviy infratuzilma kapital bozorining ajralmas qismi bo‘lib, ushbu bozor ishtirokchilarining hamkorligini ta’minlash vazifalarini bajaradi va turli faoliyat yo‘nalishidagi tashkilotlar umumlashmasini o‘zida mujassam etadi, bunda kapital bozori infratuzilmasi subyektlarining funksional farqlanishi shartli bo‘lib, bu esa iqtisodiyotning korporativ sektoriga moliyaviy resurslarni jalb qilish jarayonida hosil bo‘lgan munosabatlarning murakkab xususiyatini namoyon etadi. Albatta mazkur yo‘nalishda Yevropa ittifoqi davlatlarining tajribasi xalqaro amaliyotda ko‘plab davlatlar uchun asos sifatida xizmat qilmoqda desak mubolag‘a bo‘lmaydi (1-jadval).

1-jadval.

Yevropa Ittifoqi davlatlarida kapital bozorining moliyaviy infratuzilmasi *

Faoliyat yo‘nalishlari	Funksiyalari
Bazaviy infratuzilma	
Savdo tizimi	-kapital bozorida bitimlar tuzish uchun shart-sharoitlar yaratish; -kapital bozori ishtirokchilarining huquq va manfaatlarini himoya qilish.
Hisob-kitob tizimi	-mulk huquqlarini ularning muomalasi natijasida moliyaviy vositalarga o‘tishini qayd etish va hisobga olish; -moliyaviy vositalar bilan operatsiyalar kliringi, pul hisoblarini yuritish.
Tartibga soluvchi infratuzilma	
Davlat tomonidan tartibga solish va nazorat institutlari	-kapital bozoridagi faoliyatni normativ-huquqiy jihatdan ta’minlash; -kapital bozorini rivojlantirish uchun shart-sharoitlarni shakllantirish; -kapital bozori ishtirokchilarining huquq va manfaatlarini himoya qilish; -kapital bozorini nazorat qilish; -axborot ta’minoti; -normativ-huquqiy tashabbuslar; -ta’lim va malaka oshirish.
Yordamchi infratuzulma	
Konsalting	-maslahat berish va analitik xizmatlar; -axborot-tahliliy qo‘llab-quvvatlash; -huquqiy qo‘llab-quvvatlash.
Litsenziyalash	-litsenziyalash; -bozor ishtirokchilari talablarining muvofiqligini nazorat qilish; -kapital bozori ishtirokchilariga ta’lim berish.
Renking	-kapital bozori ishtirokchilarini baholash va monitoringini amalga oshirish; -analitik ta’minot; -kredit reytingini aniqlash.

*Muallif tomonidan ishlab chiqilgan

Kapital bozorining moliyaviy infratuzilmasini asosiy turlari bo‘yicha quyidagicha tasniflash mumkin:

1. Bazaviy infratuzilma:

- dunyoning istalgan nuqtasida korporativ sektor uchun global moliyaviy bozorning mavjudligi;
- kapital bozorida pul oqimlarning nomutanosibligi (shu jumladan davlat mablag‘larining ham);
- keng ishtirokchilar tarkibi: TMK, MK, banklar, davlatlar, sug‘urta kompaniyalari, pensiya fondlari, brokerlik tashkilotlari, dilerlar va boshqalar;
- hosilaviy qimmatli qog‘ozlar bilan operatsiyalar hajmining o‘sishi.

2. Tartibga soluvchi infratuzilma:

- xalqaro kapital bozori uchun korporativ sektorning ochiqligi;
- tartibga solish moliyaviy markaz ishtirokchilarining tanlovi asosida milliy tartibga solish ustidan va milliy tartibga solish qoidalaridan tashkil topishi;
- milliy tartibga solish amaliyoti va uning ustidan nazorat mexanizmlarining kuchayishi;
- bozor ishtirokchilarini moliyaviy institutlar tomonidan manipulyatsiyadan himoya qilish darajasining oshishi.

3. Yordamchi infratuzilma:

- korporativ sektorda gibrid moliyaviy vositalarini yaratish va ulardan foydalanish;
- dunyoning yetakchi moliyaviy markazlarida moliyaviy vositachilar konsentratsiyasi (birlashishi);
- bozorda operatsiyalarni amalga oshirishda IT-texnologiyalardan foydalanish (masalan: Reuters, Bloomberg, CRM va boshqalar).

Kapital bozorining infratuzilmasi mamlakatda kapital bozori faoliyatini tashkil etish va rivojlantirishning fundamentlar asosini tashkil qiladi. Yuqoridagi har bir bosqichning o‘zaro uyg‘unligini ta’minlash orqali iqtisodiyotning korporativ sektoriga moliyaviy resurslar jalb qilishda jarayonida optimal qarorlar qabul imkonini yaratadi, deb hisoblaymiz. Xalqaro amaliyot tajribalaridan ko‘rinadiki, kapital bozoridan moliyaviy resurslar jalb qilishda davlatlarning iqtisodiy rivojlanganligi, tarmoqlar va moliya bozorini rivojlanganlik darajasini baholash orqali risklar tasniflanadi. 2023 yilning yakunlari bo‘yicha e’lon qilingan so‘nggi tahlil natijalari e’tibor qaratadigan bo‘lsak, kapital bozorida institutsional investorlarning risk darajasi bo‘yicha IICRA reytingida, rivojlangan mamlakatlar, jadal rivojlanayotgan va rivojlanayotgan mamlakatlar tahlil qilingan (2-jadval). Jadvalda ayrim mamlakatlarda mavjud risklar turli jihatlardan o‘rganilgan bo‘lib, bunda mamlakat riski, IICRA bo‘yicha risk, shuningdek, kapital bozoriga ta’sir etuvchi risklarning omillari keltirilgan.

Fikrimizcha, kapital bozoridan moliyaviy resurslarni jalb qilishning uchta asosiy usulini ajratib ko‘rsatish lozim: aksiyalar vositasida moliyaviy mablag‘larini jalb qilish usuli, obligatsiyalar vositasida moliyaviy mablag‘larni jalb qilish usuli va kredit qarzi orqali moliyaviy mablag‘larni jalb qilish usullari.

Aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan moliyaviy resurslarni jalb qilishning hajmi, usullari va instrumentlariga kapital bozorining ta’sir ko‘rsatuvchi asosiy omillarini ajratib olish maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz. Kapital bozorining aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan moliyaviy resurslarni jalb qilishga ta’siri (global, milliy, mahalliy) kapital bozori va uning alohida turlarini tavsiflovchi quyidagi asosiy omillarda namoyon bo‘ladi: jalb qilinadigan moliyaviy resurslar hajmi; jalb qilish muddatlari; tegishli kapital bozorida muomalada bo‘ladigan moliyaviy instrumentlar; kapital bozorining tegishli segmentida va uning turida foydalaniladigan moliyaviy resurslarni jalb qilish usullari; moliyaviy resurslarni jalb qilish valyutasi; moliyaviy resurslarni jalb qilish bo‘yicha moliyaviy munosabatlar ishtirokchilari; moliyaviy resurslarni jalb qilishni ta’minlovchi yoki unga xizmat ko‘rsatuvchi moliyaviy infratuzilma; moliyaviy resurslarni jalb qilish stavkalari; tegishli turdagi bozorning o‘zgaruvchanligi; likvidligi; bozor va uning moliyaviy infratuzilmasining tartibga solinganlik

darajasi; infratuzilma xarajatlarini hisobga olgan holda moliyaviy resurslarni jalb qilish qiymati kabilar.

2-jadval.

Kapital bozorida institutsional investorlarga doir xalqaro IICRA reytingining tahlili*

№	Mamlakat nomi	Mamlakat riski	IICRA	1-darajali risk	2-darajali risk	3-darajali risk
1.	Kanada	Juda past	Past risk	O‘sishdan to‘xtagan bozor rivojlanishining istiqbollari	Tabiiy ofatlarning yuzaga kelishi	Investision risk
2.	Xitoy	O‘rtacha yuqori	O‘rtacha risk	Kuchli raqobat muhiti	Yuqori riskli aktivlarning ko‘pligi	Kuchsiz texnikalar
3.	Fransiya	Past	O‘rtacha risk	Kuchli raqobat muhiti	Hukumat va tartibga solish siyosati bilan bog‘liq risk	Investision risk
4.	Germaniya	Juda past	Past risk	Kuchli raqobat muhiti	Tabiiy ofatlarning yuzaga kelishi	Investision risk
5.	Italiya	O‘rtacha yuqori	O‘rtacha risk	Mamlakat riski	Hukumat va tartibga solish siyosati bilan bog‘liq risk	-
6.	Yaponiya	Past	O‘rtacha risk	Yuqori riskli aktivlarning ko‘pligi	Tabiiy ofatlarning yuzaga kelishi	O‘sishdan to‘xtagan bozor rivojlanishining istiqbollari
7.	Saudiya Arabistoni	O‘rtacha yuqori	O‘rtacha risk	Mamlakat riski	Kuchli raqobat muhiti	Hukumat va tartibga solish siyosati bilan bog‘liq risk
8.	Singapur	Juda past	Past risk	Kuchli raqobat muhiti	O‘sishdan to‘xtagan bozor rivojlanishi-ning istiqbollari	Kuchsiz texnikalar
9.	Ispaniya	O‘rtacha	Past risk	Investision risk	Boshqalar	Hukumat va tartibga solish siyosati bilan bog‘liq risk
10	Shveysariya	Juda past	Juda past risk	Boshqalar	Valyuta riski	Investision risk
11	BAA	O‘rtacha	O‘rtacha risk	Yuqori riskli aktivlarning ko‘pligi	Kuchli raqobat muhiti	Mamlakat riski
12	Buyuk Britaniya	Past	O‘rtacha risk	Sud-huquq tizimi	Hukumat va tartibga solish siyosati bilan bog‘liq risk	Mamlakat riski
13	AQSh	Juda past	O‘rtacha risk	Sud-huquq tizimi	vestision risk	Tabiiy ofatlarning yuzaga kelishi

*www.spglobal.com – S&P Global S&P Global ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi

Bugungi kunda aksariyat aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan amalga oshirilayotgan loyihalarning yoki ularning alohida bosqichlarining samaradorligini baholashga yetarli e’tibor berilmayapti. Chunki moliyaviy resurslarni jalb qilishning samaradorligini faqat loyihani amalga

oshirish bosqichida emas, balki amalga oshirilgan loyiha natijalariga asoslangan holda ham jalb qilingan resurslar samaradorligini baholash kerak. Moliyaviy resurslarni jalb qilish samaradorligining ushbu bahosi loyiha bosqichida moliyaviy resurslarni jalb qilishning samaradorligini baholash uchun tanlangan samaradorlik va amaldagi xarajatlarning taxminiy qiymatlarini va olingan natijalarni solishtirishga asoslangan bo‘lishi kerak. Amaliy jalb qilish bosqichining samaradorligini baholash, moliyaviy resurslarni kompaniyaning moliyaviy oqimlariga jalb qilish bo‘yicha amalga oshirilgan loyihaning keyingi ta’sirini prognoz qilish uchun zarurdir.

Xulosa

O‘zbekistonda faoliyat yuritayotgan aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan kapital bozoridan moliyaviy resurslar jalb qilishda xalqaro amaliyot tajribalarini o‘rganish asosida quyidagi xulosalar shakllantirildi:

Jahon iqtisodiyoti rivojlanishini yaqin o‘n yillik tarixiga nazar tashlaydigan bo‘lsak, avvalgi davrlarga nisbatan yuqori tendensiyalar bilan o‘zgarib borayotganligini ta’kidlash mumkin. Bu birinchi navbatda Covid-19 pandemiyasi bilan bog‘liq bo‘lsa, ikkinchidan xalqaro geosiyosiy mojarolarning kuchayib borayotganligi bilan bog‘liq hisoblanadi. Shuningdek, jahon iqtisodiyotidagi o‘zgarishlar natijasida xalqaro savdo, xalqaro mehnat taqsimoti, jahon moliya bozori, xalqaro kapital oqimi bo‘yicha ham pasayish kuzatilgan bo‘lsa, ekstremal ob-havolarning kuzatilishi va atrof muhitni o‘zgarishi natijasida tabiat hodisalarni ro‘y berishi davlatlar tomonidan qo‘shimcha moliyaviy ta’minot manbalarini izlab topishni taqozo etmoqda.

Bugungi kunda O‘zbekistonda faoliyat yuritayotgan beshta yirik aksiyadorlik jamiyatlari xalqaro fond birjalariga o‘zlarining yevroobligatsiyalarini joylashtirgan bo‘lsa, 620 dan ortiq aksiyadorlik jamiyatlari faoliyat yuritayotgan joriy sharoitda ushbu ko‘rsatkich juda ham past hisoblanadi.

Aksiyadorlik jamiyatlari tomonidan kelgusida nafaqat yevroobligatsiyalarni joylashtirish orqali kapital jalb qilish, balki o‘zlarining aksiyalari yoki xorijiy kompaniyalarning ustav kapitalida ishtirokiga doir ishlarni jadallashtirish kerak. Bu nafaqat kompaniyalarning tashqi fond bozoriga chiqishi balki portfel investitsiyalarni jalb qilishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Milliy amaliyotda aksiyadorlik jamiyatlarining bozor bahosi, moliyaviy aktivlarning real qiymatini aniqlashning qonunchilik asoslari yaratilgan bo‘lsada, biroq xususiylashtirish va transformatsiya jarayonlarida aksiyadorlik jamiyatlari bozor bahosini aniqlash va unda foydalaniladigan metodologik jihatlarni takomillashtirishni taqozo etmoqda. Shuningdek, aksiyadorlik jamiyatlari sotish bahosini shakllanishi va unga ta’sir etuvchi (ishtirok etuvchi)omillarning aniqlanishiga doir qonunchilik hujjatlarida korporativ oshkoralikni ta’minlanishi investorlar va aksiyadorlar uchun ham bir xil imkoniyatlar yaratilishiga olib keladi.

Xalqaro kapital bozorida keng foydalaniladigan moliyaviy instrumentlardan (hosilaviy qimmatli qog‘ozlar, suzib yuruvchi stavkali obligatsiyalar, kriptoaktilar va sh.k.) milliy amaliyotda foydalanishga doir qonunchilik me’yorlarini takomillashtirish va sohadagi kadrlar tayyorlash sifatini oshirish kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023 yil 23 noyabrdagi “Tartibga solish qumdoni” maxsus huquqiy rejimini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 617-son qarori. – https://lex.uz/docs/-6674678

2. Lei Ruan, Jianing Li, Siqi Huang, ESG rating adjustment and capital market pricing efficiency: Evidence from China, International Review of Economics & Finance, Volume 98, 2025, 103845, ISSN 1059-0560,
(https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1059056025000085)

3. Yingyuan Liu, Wenhui Chen, Xinyu He, Substantive innovation or strategic catering: Capital market pressure and corporate green innovation structure, International Review of

Economics & Finance, Volume 97, 2025, 103752, ISSN 1059-0560, https://doi.org/10.1016/j.iref.2024.103752.

4. Carmela D’Avino, Global banks and the picking order in internal capital markets: Do locational activity patterns matter?, Journal of International Financial Markets, Institutions and Money, Volume 97, 2024, 102083, ISSN 1042-4431
(https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1042443124001495)

5. Kefen Mou, Bing Xu, Digital finance, government regulation, and corporate capital market efficiency, Finance Research Letters, Volume 68, 2024, 105972, ISSN 1544-6123, https://doi.org/10.1016/j.frl.2024.105972.

6. Tilavoldiyev N.X. Milliy kapital bozoriga xorijiy institutsional investorlarni jalb qilish yo‘llari//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. – 2020 y. – № 4, iyul-avgust.

7. Alikulov A., O‘rinov K. O‘zbekistonda kapital bozori rivojlanishining istiqbollari//Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – T. 2. – №. 6. – C. 690-695.

8. Toshpo‘latov M., Yusupov D., Uzokov M. O‘zbekistonda kapital bozorini rivojlantirish masalalari//International Journal of Finance and Digitalization Vol. 2 Issue 02, 2023.

9. Касимова М.И. Рынок капиталов: сущность, содержание и его место в системе рыночных отношений. // Фундаментальные исследования. – 2016. – С. 152-156.

10. Nosirov J.T. Sug‘urta kompaniyalarining moliyaviy barqarorligini ta’minlash amaliyotini takomillashtirish. Iqt. fan bo‘yicha falsafa doktori (PhD) ... avtoreferati – TDIU – 2021 y.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

PROSPECTS AND TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF DIGITAL MARKETING OF AGRICULTURAL PRODUCTS

Shamsiyev Akobir Akbarovich

Graduate student
Samarkand branch
Tashkent State economic university
E-mail: akobirbek@gmail.com
ORCID: 0009-0001-1414-6444

Karshiboyeva Nilufar Olim kizi

Graduate student
Samarkand branch
Tashkent State economic university
E-mail: niluferisecon@gmail.com
ORCID: 0009-0006-8807-8516

Abstract. In modern conditions, there is a process of active digitalization of various sectors of the economy. It also covers the sphere of agricultural marketing. Digital marketing of agriculture is becoming a source of expansion of the industry business. Solving the problems and successes of agricultural marketing, satisfying the most basic needs of the population, will contribute to the further development of agribusiness. The article examines the current problems, achievements and key trends in the development of digital marketing in agriculture.

Keywords: digital marketing in agriculture, agribusiness, digital marketing, digital agriculture, innovations in agriculture.

QISHLOQ XO`JALIK MAHSULOTLARI RAQAMLI BOZORINING RIVOJLANISH TENDENSIYALARI VA ISTIQBOLLARI

Shamsiyev Akobir Akbarovich

magistrant
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Samarqand filiali
E-mail: akobirbek@gmail.com
ORCID: 0009-0001-1414-6444

Qarshiboyeva Nilufar Olim qizi

magistrant
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Samarqand filiali
E-mail: niluferisecon@gmail.com
ORCID: 0009-0006-8807-8516

Annotatsiya. Raqamlashtirish sharoitida iqtisodiyotning turli sohalari raqamli ko‘rinishga keltirilmoqda. Bu qishloq xo‘jalik mahsulotlari marketingini ham qamrab olgan. Qishloq xo‘jaligi raqamli marketingi sohadagi busness uchun yangicha o‘sishni ta’minlovchi manba hisoblanadi. Dunyo aholisining eng asosiy ehtiyojlarini qondiruvchi qishloq xo‘jaligi

marketingi ham digital Marketing ko‘rinishiga o‘tib, uning muammolari va yutuqlari haqidagi ma’lumotga ega bo‘lish agrobiznesni yanada rivojlantirishga hissa qo‘shadi. Maqolada bugungi kunda qishloq xo‘jaligi raqamli marketingining dolzarb muammolari, yutuqlari va asosiy yo‘nalishlari ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: qishloq xo‘jaligi raqamli marketingi, agrobiznes, raqamli marketing, raqamli qishloq xo‘jaligi, qishloq xo‘jaligida innovatsiyalar.

ПЕРСПЕКТИВЫ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОГО МАРКЕТИНГА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ

Шамсиев Акобир Акбарович

магистрант
Ташкентский государственный
экономический университет
Самаркандского филиала
E-mail: akobirbek@gmail.com
ORCID: 0009-0001-1414-6444

Каршибоева Нилуфар Олим кызи

магистрант
Ташкентский государственный
экономический университет
Самаркандского филиала
E-mail: niluferisecon@gmail.com
ORCID: 0009-0006-8807-8516

Аннотация. В современных условиях идет процесс активной цифровизации различных отраслей экономики. Он также охватывает сферу маркетинга сельскохозяйственной продукции. Цифровой маркетинг сельского хозяйства становится источником расширения отраслевого бизнеса. Решение проблем и успехи сельскохозяйственного маркетинга, удовлетворяющего самые элементарные потребности населения, будут способствовать дальнейшему развитию агробизнеса. В статье исследуются текущие проблемы, достижения и ключевые тенденции развития цифрового маркетинга в сельском хозяйстве.

Ключевые слова: цифровой маркетинг в сельском хозяйстве, агробизнес, цифровой маркетинг, цифровое сельское хозяйство, инновации в сельском хозяйстве.

Enterance

Today, agribusinesses are trying to use digital marketing. The sector is undergoing a significant shift from traditional marketing methods to digital platforms, driven by advancements in technology and increased internet penetration in rural areas. This transformation is enabling producers to directly connect with buyers, reducing intermediaries and increasing profitability.

Literature Review

1. Government Policy and National Digital Initiatives.

The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5349 (2018) outlines strategic measures aimed at further enhancing the fields of information technology and communications. This decree serves as a foundational policy document that underscores the importance of developing robust digital infrastructures. It emphasizes:

By setting a clear policy agenda, the decree not only directs governmental priorities but

also provides incentives for the private sector to innovate and adopt new technologies, thus forming the backbone of national digital transformation efforts.

2. Academic Perspectives on Digital Marketing.

L.T. Abduxalilova’s "Internet Marketing" (2019) offers a comprehensive examination of digital marketing strategies in an era defined by rapid online transformation. The textbook provides:

Abduxalilova’s work is particularly valuable for its balanced approach, bridging academic theory with practical applications, and is an essential resource for both students and practitioners seeking to navigate the complexities of digital marketing.

3. Digital Transformation in Agriculture.

The report "The Future of Food and Agriculture – Trends and Challenges" (FAO, 2017) focuses on the agricultural sector, highlighting how digital technologies are revolutionizing food production and supply chain management. Key points include:

This report stresses the potential of digital tools to address critical challenges in agriculture, thereby ensuring food security and promoting sustainable farming practices in a rapidly changing global environment.

4. Empirical Analysis of the Digital Economy in Tourism.

In the article by Pardayev, Pardaeva, and Ermatovich (2021), the authors investigate the benefits of implementing the digital economy in tourism.

Analysis and results

First of all, about digital agriculture. Digital agriculture means the use of digital technology to integrate agricultural production from the field to the consumer. These technologies can provide tools and information to further develop the agricultural industry and increase efficiency. Despite the growing demand for agricultural products, farmers are facing the challenges of a changing climate. For example, rising temperatures, changes in rainfall patterns, frequent extreme weather events, water shortages. In this context, farmers need to continue to apply innovations to agriculture to maintain and improve productivity to meet demand.

Digital technologies have the potential to provide farmers with information and the ability to address these challenges and take advantage of growth opportunities.

But it’s not just about farmers. Consumers in our country and abroad will learn more about the products they buy. They demand high quality and sustainable food and want to know more about where their products come from. Digital technologies can improve agricultural production, give consumers more peace of mind, and increase value for farmers.

The world of agriculture and agribusiness itself, depending on the level of complexity covers small sectors such as agricultural machinery, agriculture itself, chemicals, agricultural equipment, crop production, supply chain services, and more. Companies in these areas can now choose between traditional business communication channels or online marketing practices. The fact is that for the agricultural and agribusiness sector, digital marketing allows businesses to increase visibility and run their business more efficiently than ever before. As these networks continue to grow, the share of online transactions will also increase. Digital marketing for agriculture, including search engine optimization and paid advertising, also provides an opportunity to digitize the marketing of agricultural e-commerce products.

Agribusiness and farming businesses are relying more on traditional business and turning digital marketing into more accessories. But search engine optimization (SEO) and paid search advertising offer well-proven benefits for long-term business efficiency. They also serve the sale of agricultural products, wholesale of products, export and import business and product e-commerce. Opportunities to increase efficiency in agriculture are based on new and evolving technologies. We can see this in Picture 1.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Picture 1.

New technologies for agricultural efficiency*



*Compiled by the author.

The potential for digital marketing for the agricultural business is vast. Search engine management includes both SEO and paid search advertising (or PPC advertising). According to BrightEdge, currently 51% of all website traffic comes from organic search, and an additional 10% from paid search advertising. Search engines like Google and Bing have become such an important channel that they drive more than 40% of online revenue.

Picture 2.

Social media users*



*Social media marketing statistics.

Find out what percentage of social media marketing is. Ninety-three percent of marketers

worldwide use the social media business. By 2022, nearly 92 percent of marketers working in companies with more than 100 employees in the United States are expected to start using social media for marketing. Social media marketing is important and effective. Social media marketing has proven to be effective because 97% of online consumers access social networks at least once a month. So, for most consumers, this is the main source of information about the product. In addition, 67 percent of consumers expect social media from brands and companies to serve their customers.

It is clear that, Facebook has approximately 3 billion visitors in a month and it is the largest number amoung all. There are nearly 350 million users of Instagram, even it is so popular which is used by more young people. To sum up, Facebook and YouTube platforms can be more effective which is tend to attract more costumers for agricultural products and according to this date, for a couple of years some agricultural businessmen already have started offering their services and working with digital advertisement through them. Regarding to scientific researches, like other fields of industry, market Agriculture firms should be replaced by digital marketing.

Uzbekistan’s agricultural policy is aimed at diversifying crops and developing environmentally friendly production systems, resulting in high-quality products with good market access. In this regard, the development of organic farming is recognized as a promising way to increase the competitiveness of local products and develop export potential. In 2015, the Government adopted a Presidential Decree “On Measures to Reform and Stimulate Agriculture in 2016-2020” and set a long-term strategy for diversification and intensification of agriculture. In 2019, the strategy of agricultural development of Uzbekistan for 2020-2030 was approved. Overall, the strategy identifies nine strategic priorities for agricultural development, including the development of a system of agricultural sciences, education, information and consulting services, and a reliable system of industrial statistics.

Conclusion

In conclusion, the potential of digital marketing of agricultural products is huge. Digital marketing of agricultural products will open up new opportunities for agribusinesses. Many agribusinesses today are aware of the benefits of digital marketing for agricultural products. All they need to do is invest in digital marketing and implement the necessary strategies to achieve the best results. The earlier agribusiness owners start digital marketing of agricultural products, the better results they will achieve.

References

1. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-5349 of February 19, 2018 “On measures to further improve the field of information technology and communications”. www.lex.uz
2. L.T.Abduxalilova. Internet marketing. Textbook. T.: TDIU, 2019. - 310 pages.
3. The future of food and agriculture - Trends and challenges. Rome, FAO, 2017.

Pardayev, M. K., Pardaeva, O. M., & Ermatovich, Y. S. (2021). Benefits of Implementing the Digital Economy in Tourism. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 587-590.

4. Ermatovich, Y. S. (2021). Development of distance learning in the transition to digital economy. *development issues of innovative economy in the agricultural sector*, 662-665.
5. Status of Digital Agriculture in 18 countries of Europe and Central Asia. ITU and FAO, 2020. pages 82.
6. Ermatovich, Y. S., & Pardaboevich, F. B. (2021). Directions of innovative development of agriculture in digital economy. *development issues of innovative economy in the agricultural sector*, 698-700.
7. Yuldashev, S., & Sultonov, B. (2020). Factors of sustainable development of agriculture. *InterConf*.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

8. Ermatovich, Y. S. (2021). Problems of organization of internships in agrarian higher education system of uzbekistan. *development issues of innovative economy in the agricultural sector*, 738-740.
9. www.alokbadatia.com
10. www.statista.com

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

КОМПАНИЯЛАРДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ СИФАТИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Суюнов Дилмурод Холмурадович

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
бизнесни бошқариш ва
тадбиркорлик
кафедраси мудири
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги
Бизнес ва тадбиркорлик
олий мактаби
E-mail: http://sdx2161gmail.com
ORCID: 0009-0003-1897-9966

Алимов Баходир Батирович

иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), профессор
лойиҳаларни бошқарув
кафедраси
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Бизнес ва тадбиркорлик
олий мактаби
E-mail: bakhodir.alimov.84@gmail.com
ORCID: 0009-0001-7356-3192

Аннотация. Мақолада корпоратив бошқарув, корпоратив баҳолаш тизими, корпоратив бошқарувнинг сифати, корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш усуллари бўйича хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг қарашлари ва фикр мулоҳазалари таҳлилий ҳолда келтирилган. Шу билан бирга корпоратив бошқарувнинг сифати, самарадорлиги, моҳияти тадқиқ этилиб, уларнинг бугунги кунда иқтисодиётнинг ўсиши учун долзарблиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш жараёнлари ва натижалари ўрганилган ва тегишли хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: корпоратив бошқарув, корпоратив бошқарув механизми, сифат, самарадорлик, экология, ижтимоий маъсулият, баҳолаш, корпоратив баҳолаш, автоматлаштириш.

МЕТОДЫ ОЦЕНКИ КАЧЕСТВА И ЭФФЕКТИВНОСТИ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Суюнов Дилмурод Холмурадович

доктор экономических наук
профессор
зав. кафедрой управления бизнесом

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

и предпринимательством
Высшая школа бизнеса и
предпринимательства при
Кабинете Министров
Республики Узбекистан
E-mail: http://sdx2161gmail.com
ORCID: 0009-0003-1897-9966.

Алимов Баходир Батирович

доктор философии (PhD)
по экономическим наукам
профессор
кафедра управления
проектами
Высшая школа бизнеса и
предпринимательства при
Кабинете Министров
Республики Узбекистан
E-mail: bakhodir.alimov.84@gmail.com
ORCID: 0009-0001-7356-3192

Аннотация. В статье аналитически представлены взгляды и мнения зарубежных и отечественных экономистов, касающиеся корпоративного управлении, исследуется методы оценки системы, качества и эффективности корпоративного управления. Подвергаются анализу содержание, качество и эффективность корпоративного управления . Проанализированы процессы и результаты оценки системы корпоративного управления в акционерных обществах, действующих на территории Республики Узбекистан, представлены соответствующие выводы и предложения.

Ключевые слова: корпоративное управление, механизм корпоративного управления, качество, эффективность, экология, социальная ответственность, оценка, корпоративная оценка, автоматизация.

METHODS OF ASSESSING THE QUALITY OF CORPORATE GOVERNANCE IN COMPANIES AND ITS EFFICIENCY

Suyunov Dilmurod Kholmuradovich

Head of the Department of
“Business Administration and
Entrepreneurship (MBA)” of the
Graduate School of Business and
Entrepreneurship under the
Cabinet of Ministers of the
Republic of Uzbekistan
E-mail: http://sdx2161gmail.com
ORCID: 0009-0003-1897-9966

Alimov Bakhodir Batirovich

Professor of the Department
of Project Management of the

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Graduate School of Business and Entrepreneurship under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan
E-mail: bakhodir.alimov.84@gmail.com
ORCID: 0009-0001-7356-3192

Abstract. This scientific article analytically presents the views and opinions of foreign and domestic economists on corporate governance, the system of corporate assessment, the quality of corporate governance, and methods of assessing the effectiveness of corporate governance. At the same time, the content, essence and necessity of the quality of corporate governance and its effectiveness are disclosed. The processes and results of assessing the corporate governance system in joint-stock companies operating in the territory of the Republic of Uzbekistan are analyzed, and the corresponding conclusions are presented.

Keywords: corporate governance, corporate governance mechanism, quality, efficiency, ecology, social responsibility, assessment, corporate assessment, automation.

Кириш

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг 25-мақсади: Рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш бўлиб, унда иқтисодиётни реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларини рақамлаштириш устувор йўналиш ва вазифа қилиб олинган. Ушбу йўналиш ва вазифаларни ҳал қилишда манзилли дастурни тасдиқлаш, бунда: молиявий-иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни оптималлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш (ERP) тизимларини амалга ошириш ҳамда компанияларнинг экологияга таъсири, уларнинг ижтимоий маъсулиятини янада ошириш ва бошқарув жараёнинг самарадорлигини (ESG) ошириш механизмлари ишлаб чиқиш режалаштирилган [1]. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли Қонуни [2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон [3] ва 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонлари [4] шулар жумласидандир.

Корпоратив бошқарув амалиёти ва стандартлари йиллар давомида шаклланиб, такомиллаштирилди. Копоратив бошқарув стандартларини яратилиш сабабларидан бири тизимли инқирозлар ва йирик корпорацияларнинг банкротлиги билан боғлиқ. Бошқарув тизимининг илк муваффақиятсизлиги 1721-йилда Жанубий денгиз савдо компаниясининг банкротлиги бўлиб, бу Буюк Британия қонунчилигида ва савдо амалиётида туб ўзгаришларга олиб келди. Худди шундай, 1929 йилда АҚШ фонд биржасидаги инқироздан кейин, қимматли қоғозлар соҳасида янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, 1970 йилларда Буюк Британиядаги банк инқирози ва 1980 йилларда АҚШнинг кредит-омонат уюшмалари банкротлиги ҳам ушбу соҳага бўлган муносабатни ўзгартирди [5]. Корпоратив бошқарув бозор иқтисодиёти қонунлари, талаб ва таклиф асосида ташкил этилувчи бошқарув усулларидан биридир. Корпоратив бошқарувни бозор иқтисодиётнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш, ишлаб чиқариш жараёнига инвестициялар жалб этиш, жаҳон андозалари талабига мос келувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайди. Бу, ўз навбатида, корпоратив бошқарув субъектлари фаолиятини

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

молиялаштириш даражасини юксалтиришни таъминлайди. Ушбу дастурларнинг бажарилишини таъминлашдаги ёндашувларнинг ишлаб чиқилиши ва унинг шакллантирилиши мақолада танланган мавзу ўзининг долзарблигини билдиради.

Адабиётлар шарҳи

Корпоратив бошқарувнинг яна бир механизми ахборот шаффофлигини таъминлаш ҳисобланади. Ахборот шаффофлигини таъминлаш механизми компания фаолияти ва унинг молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни тўғри ва тўла даражада чоп этиш, компания раҳбарияти хатти-ҳаракати ва йирик акциядорлар шаффофлигини таъминлашни ўз таркибига олади. Ахборот шаффофлиги корпоратив бошқарувнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ акциядорлик жамияти томонидан ахборотни ошкор этиш инвесторларга муайян ахборотни тақдим этиш, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органига ахборотни тақдим этиш ва уни чоп қилиш йўли билан амалга оширилади. Корпоратив бошқарув механизмининг турлари кўп. Улардан назария ва амалиётда тўғри фойдаланиш акциядор жамиятларини компания (корпорация) иш фаолиятини тўғри ташкил қилиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Компанияларда корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш унинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини ошириб боришга боғлиқдир. Иқтисодиётнинг корпоратив сектори ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг бозорда алмашуви ва ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиши учун оптимал шароитларни яратишга асосланади.

Хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлар томонидан илмий манбаларда корпоратив бошқарув, унинг механизмлари, корпоратив бошқарув сифати ва самарадорлигини баҳолаш жараёнлари таҳлилига турлича таърифлар ва муносабатлар берилган. Жумладан, иқтисодчи олим Д.Х. Суюновнинг фикрича, “Корпоратив бошқарув – бу компаниялар фаолиятини бошқаришга асосланган ва тартибга солинадиган қонун ва қоидалар тўпламидир” [6].

Ш.Н.Зайнутдинов ва З.А.Ашуровларнинг талқинига кўра, “Корпоратив бошқарув механизми компания (ёки корпорация)нинг белгиланган мақсадларига эришиш учун зарур ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи элементлар мажмуидир” [7].

Юқори сифатли корпоратив бошқарув ҳар қандай компаниянинг асосидир, бусиз бугунги кунда жамиятнинг барқарор ривожланишига эришиш ва муваффақиятли бизнесни қуриш мумкин эмас. Компания ҳар доим корпоратив бошқарувни ривожлантиришга катта эътибор бериб келган ва МТСнинг корпоратив бошқарув амалиёти энг яхши стандартларга жавоб беришини таъминлашга интилган [8]. Бу борада Д.Суюновнинг корпоратив бошқарув самарадорлигини характерловчи кўрсаткичларни аниқлаш орқали ҳам эришиши мумкинлиги тўғрисидаги ёндашуви ҳам муҳим бўлиб хисобланади [9]. Компаниянинг қийматига таъсир қилувчи омиллардан бири бу корпоратив бошқарув самарадорлигидир. Компания қийматининг шаклланиши бевосита корпоратив бошқарув таъсири остида содир бўлади. Шу билан бирга, корпоратив бошқарувнинг бевосита натижаси бўлган ва унинг самарадорлиги билан белгиланадиган харажат кўрсаткичларини ва самарали корпоратив бошқарув орқали компания қийматига таъсир этувчи аниқ омилларни акс эттирувчи кўрсаткичларни ажратиш мумкин [10].

Таҳлил ва натижалар

Корпоратив бошқарув самарадорлиги услубияти шунчаки бошқарув самарадорлиги эмас, балки ишлаб чиқариш самарадорлигига хизмат қилади.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Германия ҳамда бошқа ривожланган давлатларнинг

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

муваффақиятли тажрибаси асосида амалга оширилади.



1-расм. Корпоратив бошқарув самарадорлигига таъсир этувчи омиллар*

***Муаллифлар ишланмаси.**

Давлат улуши устувор бўлган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг асосий йўналишлари:

- барча жамиятларда Корпоратив бошқарув кодексининг меъёрлари ва қоидаларини, биринчи навбатда, фаолиятнинг шаффофлиги ва ижро органининг ҳисобдорлиги бўйича талабларни жамият фаолиятининг ўзига хослиги ва соҳавий ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда жорий этиш;
- йиллик молиявий, шу жумладан нуфузли халқаро компаниялар томонидан мустақил ташқи аудитдан мажбурий тартибда ўтказилиши лозим бўлган жамланган ҳисоботларни молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузиш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ, ижро органи фаолиятининг самарадорлиги устидан ички ва ташқи назоратни, Кузатув кенгашининг акциядорлар олдида ҳисобдорлигини таъминлаш;
- инвестициялар, бозор самарадорлигига эришиш, фойдалилик ва юқори дивиденд даромадлилигининг аниқ мақсадли мўлжалларини тасдиқлаш ҳамда йиллик ҳисоботларни, халқаро амалиётга мувофиқ мажбурий ошкор этилиши лозим бўлган муҳим воқеалар тўғрисидаги ва бошқа ахборотларни мажбурий тартибда, шу жумладан интернет тармоғида эълон қилиш, зарур ҳолларда, давлат сирларини ва белгиланган тартибда қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларнинг сақланишини таъминлаш;
- акциядорлик жамиятлари раҳбар ва бошқарув ходимларининг, кузатув кенгашлари аъзоларининг, менежерлари ва мутахассисларнинг касбий даражасини доимий ошириб бориш.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4



2-расм.Самарали корпоратив бошқарув тамойиллари

***** Муаллифлар ишланмаси.



3-расм. Корпоратив бошқарув концепцияси

*****Муаллифлар ишланмаси.



4-расм. Корпоратив бошқарув сифатига таъсир этувчи омиллар

***** Муаллифлар ишланмаси.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Жаҳон банкининг қайд қилишича, самарадорлик барча акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш даражаси ва тенг равишда таъминланиши, директорлар кенгаши таркибининг мустақиллиги, шунингдек, акциядорлик жамияти фаолиятининг шаффофлиги билан белгиланади. Самарадорлик, шунингдек, кодексда белгиланган норма ва қоидаларга мувофиқлиги билан ҳам баҳоланиши мумкин. Умуман олганда корпоратив бошқарув муносабатлари сифатига таъсир этувчи ўзгарувчи кўрсаткичлар тизими мавжуддир (5-расм).

Тизимни қуришда аниқлик ва тузилма компаниялар ичидаги иштирокчилар ўртасидаги муносабатларнинг изчил механизми учун зарур. Масалан, барча ходимлар компания фаолияти ва директорлар кенгашининг ҳаракатлари ҳақида билишади.

5-расм. Корпоратив бошқарув муносабатлари сифатига таъсир этувчи омиллар*

*Муаллифлар ишланмаси.

Агар компания стандартларга риоя қилса, унинг бозор капиталлашуви ошади. Самарадорликни баҳолашнинг бошқа мезонларига корпорация бошқарув органларининг самарадорлиги, ахборотни ошкор қилиш даражаси ва бизнеснинг корпоратив ижтимоий жавобгарлигининг ривожланиш даражаси киради. Рўйхат қонун ҳужжатларидаги ўзгаришларга ва янги амалиётларни синаб кўришга қараб доимий равишда ўзгариб туради ва тўлдирилади. Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичларнинг 2 гуруҳи мавжуд: бошқарув ва иқтисодий. Биринчи гуруҳ асосий тамойилларга мувофиқлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун мўлжалланган. Масалан, компанияда Кодекс, дивидендлар тўлаш учун ажратилган фойда улуши ва корпоратив маданият мавжуд.

Иккинчи гуруҳ умумий самарадорликни, шунингдек, молиявий кўрсаткичларни тавсифлайди. Масалан, иқтисодий рентабеллик, мулкчилик нисбати, ташқи инвестицион қарорлар. Мезонлар рўйхати компаниянинг мақсад ва вазифаларига қараб ўзгаради.

Амалиётлар рейтингга кўра таснифланади.

Энг юқори сифат.

1. Компания давлат қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилади ва мамлакат корпоратив ахлоқ кодексининг тавсияларига тўлиқ мос келади. Эгаларини йўқотиш хавфи аҳамиятсиз. Инвестицион фонд учун бундай компания яхши сармоядир.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

2. Компания давлат қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилади, шунингдек, мамлакат кодексининг кўпгина тавсияларига амал қилади. Инвесторлар ва мулкдорлар учун йўқотиш риски унчалик катта эмас. Инвестицион фонд учун бу жуда яхши кўрсаткич.

Ривожланган сифат.

3. Компания давлат қонун ҳужжатлари талабларига ва давлат бошқарув хулқ-атвори кодексининг тавсияларининг асосий қисмига амал қилади. Компания эгалари учун йўқотиш риски пастлиги билан ажралиб туради.

4. Компания қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилади ва давлат бошқарув хулқ-атвори кодексининг кўпгина тавсияларига амал қилади. Бизнес инвесторлар ва мулкдорлар учун мақбул йўқотиш риски билан тавсифланади.

Ўртача сифат.

5. Компания давлат қонунчилигининг талабларига жавоб беради, лекин давлат бошқарув ахлоқ кодексининг асосий тавсияларини амалга ошириш ташаббуси йўқ. Бизнес эгалари учун ўртача йўқотиш хавфи билан тавсифланади. Бу инвесторлар учун жозибадорлигини йўқотмоқда.

Паст сифат.

6. Компания давлат қонунчилигининг муайян қоидалари ва қоидаларини бузади, компаниянинг амалдаги бошқарув амалиёти давлат бошқарув қоидаларининг кўпгина тавсиялари ва нормаларига мос келмайди. Бизнес эгалари учун йўқотишларнинг юқори хавфи билан тавсифланади. Бу инвестиция фонди учун ёмон.

7. Корпоратив бошқаруви ёмон бўлган компания давлат қонунчилигининг муайян қоидалари ва қоидаларига риоя қилмасликка имкон беради. Бизнес эгалари учун жуда юқори йўқотиш хавфи билан тавсифланади. Компания инвестиция фонди учун ҳеч қандай қийматга эга эмас.

Ҳозирги вақтда корпоратив бошқарув даражаси ва корпорациянинг молиявий нисбати ўртасида боғлиқлик мавжудлиги шубҳасиз маълум. Натижада, корпоратив бошқарув даражасини баҳолашнинг миқдорий усуллари молиявий таҳлил методологиясига ва компаниянинг бозордаги қийматини ўрганишга асосланади (6-расм). Молиявий таҳлил корпорация тузилмалари фаолиятининг турли хусусиятларини энг яхши томондан тавсифлаши мумкин бўлган молиявий маълумотлар рўйхатидан фойдаланади.



6-расм. Корпоратив бошқарувни баҳолашнинг миқдорий усуллари*

*Оценка корпоративного управления. https://www.homework.ru/spravochnik/ocenka-korporativnogo-upravleniya/

Корпорациянинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиниши кўп жиҳатдан текширилиши мумкин. Бироқ, энг машҳурлари: Таффлер модели (корпоратив молиявий барқарорликни

таҳлил қилиш) ҳамда Алтман модели (банкротлик эҳтимоли). Амалий нуқтаи назардан, молиявий фаровонликни баҳолаш учун қиёсий усуллар қўлланилади. Қиёслаш учун меъёрий қийматлар (стандартлар) ва бир хил соҳада ишлайдиган компаниянинг ўртача статистик кўрсаткичлари асос бўлиши мумкин. Корпорациянинг бозор қийматини таҳлил қилишга асосланган усулларнинг иккинчи гуруҳи узоқ муддатда ижобий натижаларни аниқлаш учун ишлатилади. Корпорацияларнинг бозор қийматини таҳлил қилишнинг иккита усули мавжуд: даромаднинг капиталлашувини баҳолашга ишора қилади (даромад умумий қийматга камаяди) ҳамда биржа курсларини солиштириш орқали устав капиталининг бозор қийматини баҳолашни назарда тутади.

Корпоратив бошқарув рейтингларини тузиш ва нашр этиш махсус рейтинг агентлиги томонидан амалга оширилади, бу эса уни тузиш методологиясини ҳам яратади.

1-жадвал.

“Ўзавтосаноат” АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ҳолати*

№	Йўналишлар	Саволлар сони	Мумкин бўлган баллар		Ҳаққиқатда тўпланган баллар
			минимум	максимум	
1.	Корпоратив бошқарув кодексини амалга оширишга тайёргарлик кўриш тартиб-таомилларини баҳолаш	13	-135	135	135
2.	Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқлигини баҳолаш	37	-360	360	275
3.	АЖ ташкилий тузилмасига мувофиқлигини баҳолаш	3	-30	30	30
4.	Рақобат танловини баҳолаш	5	-45	45	-5
5.	МСФО ва ҳалқаро аудит стандартларига ўтишни баҳолаш	3	-50	50	10
6.	Замонавий бошқарув тизимларини жорий этишни баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар.)	5	-55	55	-5
7.	Ахборот сиёсатини баҳолаш	5	-170	320	320
8.	Молиявий натижаларни баҳолаш	4	-150	150	75
9.	Бошқа соҳаларни баҳолаш	25	-205	55	-15
Жами:		**100**	**-1200**	**1200**	**820**
Фоиз шкаласи бўйича якуний рейтинг 68 %					

*“Ўзавтосаноат” АЖнинг веб-сайт маълумотлари асосида муллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Жадвал маълумотларига кўра, “Ўзавтосаноат” АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ҳолатида бир қатор омиллар киритилган бўлиб, корпоратив бошқарув кодексини амалга оширишга тайёргарлик кўриш тартибини баҳолаш 135 балл, корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқлигини баҳолаш 275 балл, акциядорлик жамиятини ташкилий тузилмасига мувофиқлигини баҳолаш 30 балл, рақобат танловини баҳолаш 5 балл, МҲХС ва ҳалқаро аудит стандартларига ўтишни баҳолаш 10 балл,

замонавий бошқарув тизимларини жорий этишни баҳолаш (ISO, ERP, НИОКР ва бошқалар.) 5 балл, ахборот сиёсатини баҳолаш 320 балл, молиявий натижаларни баҳолаш 75 балл, бошқа соҳаларни баҳолаш 15 балл берилган бўлиб, жами 820 баллни ташкил этган. Фоиз шкаласи бўйича якуний рейтинг 68 %ни ташкил этган. Кейинги йилларга “Ўзавтосаноат” АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижасини кўтариш чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқмоқда.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасидаги акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тизимини баҳолашнинг фоиз шкаласи бўйича якуний рейтинг кўрсаткичлари*

№	Акциядорлик жамиятлари	Фоиз шкаласи бўйича якуний рейтинг натижалари, %		
		2023	2022	Фарқи (+;-)
1.	“Ўзавтосаноат” АЖ	68	66	+ 2
2.	“Ўзбекгеофизика” АЖ	84	81	+ 3
3.	“Ўзкимёсаноат” АЖ	83	78	+ 5
4.	“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ	73	79	- 6
5.	“Трастбанк” ХАБ	86,5	84,83	+ 1,67
6.	“O‘zbek geologiya qidiruv” АЖ	75	38	+ 37
7.	“TURONBANK” АЖ	82	60	+ 22
8.	“ВМКВ-Agromash” АЖ	54,58	48,33	+ 6,25
9.	“O‘zsanoatqurilishbank” АТБ	95	90,42	+ 4,58
10.	“O‘zmilliybank” АЖ	78	82	- 4
11.				

*АЖларнинг веб-сайт маълумотлари асосида муллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Жадвал маълумотларига кўраЎзбекистон Республикасидаги акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув тизимини баҳолашнинг фоиз шкаласи бўйича якуний рейтинг кўрсаткичлари ўнта акциядорлик жамиятларини 2023 йил ва 2022 йил кўрсаткичларини солиштирма таҳлили амалга оширилди. Унга кўра рейтинг курсаткичлари “Ўзавтосаноат” АЖ +2, “Ўзбекгеофизика” АЖ +3, “Ўзкимёсаноат” АЖ +5, “Трастбанк” ХАБ +1,67, “O‘zbek geologiya qidiruv” АЖ +37, “TURONBANK” АЖ +22, “ВМКВ-Agromash” АЖ +6,25, “O‘zsanoatqurilishbank” АТБ +4,58 фоизга ўсган. “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ -6 ҳамда “O‘zmilliybank” АЖда -4 фоизга камайганини кузатиш мумкин. Юқорида келтирилган акциядорлик компанияларнинг фоиз кўрсаткичлари ичида 2023 йил маълумотларига кўра энг баланди “O‘zsanoatqurilishbank” АТБ 95 фоиз ҳамда энг паст кўрсаткич “ВМКВ-Agromash” АЖ 54,58 фоизни ташкил этган.

Корпоратив бошқарув баҳолаш усулларининг ҳар бири баҳолаш мезонларидан фойдаланишга асосланади. Ўрганилаётган объектнинг корпоратив бошқаруви ишининг амалга ошириш соҳаси стандартлари билан ўхшашлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Хулоса

Корпоратив бошқарув стандартларига амал қилувчи компаниялар инвестицияларни жалб қилишда устунликка эга бўлади. Ривожланаётган мамлакатлар компаниялари учун корпоратив бошқарув стандартларини жорий қилиш айниқса муҳим саналади, чунки халқаро инвесторлар компания фаоляитининг шаффофлиги ва менежерларнинг ишбилармонлик қобилиятига эътибор қаратади. Ўзбекистонда икки поғонали кенгашга асосланган корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашдан ташқари кузатув кенгаши фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва улар

асосида умумий кенгаш фаолияти, унинг қўмиталари ва ҳар бир аъзоси фаолиятини баҳолаш амалиётини жорий этиш талабларини Корпоратив бошқарув кодекси билан мустаҳкамлаб қўйиш.

Иккинчидан, кузатув кенгаш аъзоларига тўланадиган мукофотлар ҳажмини кенгаш фаолиятини баҳолаш натижаларига боғлаш ва ҳар бир аъзони кенгашнинг умумий фаолияти самарадорлигига қўшган ҳиссасига қараб рағбатлантириш сиёсатини қўллаш.

Учинчидан, кузатув кенгаши таркибидаги мустақил аъзоларнинг нафақат минимал миқдорини таъминлаш, балки уларнинг улуши ортишини рағбатлантириш чораларини кўриш.

Тўртинчидан, кузатув кенгашининг мустақил аъзосини ким кўрсатиши масаласига аниқлик киритиш, уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, малакасини ошириш тизимини шакллантириш. Айни пайтда, жамиятлар кузатув кенгашига мустақил аъзони ким кўрсатиши масаласи кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Кузатув кенгашига номзодни кўрсатиш жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар томонидан амалга оширилади. Кузатув кенгашга мустақил аъзо ҳам кенгаш аъзоси бўлганлиги туфайли юқоридаги қонун нормаси ўз кучини сақлаб қолаётганлигини кўриш мумкин. Бироқ бу ўринда мустақил аъзонинг уни Кузатув кенгашига номзод сифатида кўрсатган акциядордан том маънода мустақиллиги виждон ва этика масаласи бўлиб қолмоқда.

Бешинчидан, ижроия органи (бошқарув ва бош директор) фаолияти самарадорлигини баҳолашда танлаб олинадиган самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичларининг (KPI) мувозанатлашган ҳолда бўлишини таъминлаш ва уларнинг умумий йиғма (интеграл) кўрсаткични шаклланишидаги салмоғини белгилаш жараёнларини тартибга солиш зарур. Чунончи, халқаро амалиёт кўрсатишича, фақатгина молиявий кўрсаткичларни самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи сифатида танлаб олиш билан менежментни тўғри йўналтириш ва фаолияти самарадорлигини таъминлаш мумкин эмас. Мазкур мезонларни шакллантиришда молиявий кўрсаткичлардан ташқари бизнес жараёнлари, мижозлар билан муносабатлар, персонални ўстириш жиҳатлари ҳам қамраб олиниши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига бириктириладиган салмоқ ҳам компания фаолият юритадиган тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиши ва менежерларга ҳеч нарсани ўзгартирмасдан ҳам юқори мукофот олиш имконини таъминлайдиган (қайси кўрсаткич бўйича меъёр бажарилган ва режа кўрсаткичига эришиш мумкин бўлса, шу кўрсаткич салмоғини ҳаддан ташқари юқори белгилаш амалиёти) қилиб ўрнатилишига йўл қўймаслик зарурав компанияларда корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш тизимининг мезонларини автоматлаштириш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. – https://lex.uz/docs/5841063

2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли Қонуни. – https://lex.uz/docs/5930126

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармони. – https://lex.uz/docs/5947775

4.Ўзбекистон Республикаси Президентинин 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон –

2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони. – https://nrm.uz/contentf?doc=729424_

5.Джалилов Ф.А. Корпоратив бошқарув тизимининг ривожланишида халқаро стандартлардан фойдаланишнинг аҳамияти. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 7 ISSN 2181-1784. July 2022. https://www.oriens.uz/. 354-358

6.Суюнов Д.Х. Акциядорлик жамиятларда корпоратив бошқарув самарадолигини ошириш. Central asian academic journal of scientific research ISSN: 2181-2489 Volume 2 | ISSUE 2 | 2022

7. Зайнутдинов Ш.Н. ва Ашуров З.А. “Корпоратив бошқарув” номли ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010

8. Эффективность системы корпоративного управления МТС. https://ar2021.mts.ru/korporativnoe-upravlenie

9. Suyunov D.X. Implementation of modern international standards and methodscorporate governance.International Finance and Accounting 2021 (3), 33.

10.Кашина Е.В., Голованова Л.В. Эффективность корпоративного управления – фактор, влияющий на стоимость компании. Вестник КрасГАУ. 2014. №7 3-8 с.

Электрон ресурс

11.https://uzavtosanoat.uz/files/results_of_the_assessment_of_the_corporate_governance_system

12.https://uzbekgeofizika.uz/uz/menu/zakljuchenija-otsenki-sistemy-korporativnogo-upravlenija

13.https://uzkimyosanoat.uz/uz/corporate/disclosure/assessments

14.https://uzbeksteel.uz/

15.https://trustbank.uz/uz/shareholders/corporate-management/rating/

15.https://www.uzgeo.uz/evaluation-results

16.https://agromash.uz/uz/shareholders-uzb/korp-uprav-uzb

17.https://www.sqb.uz/uz/for-investors/assessment-uz/

18.https://nbu.uz/uz/to-shareholders-and-investors/korporativ-boshqaruv-kodeksi/

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

КЛАСТЕРЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ғайбуллаев Одил Бахтиярович

иқтисодиёт фанлари бўича
фалсафа доктори(PhD)
доцент
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети
E-mail:Odil@mail.ru,

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда кластерларни ташкил этиш, ҳозирги кунда мева-сабзавот кластерларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш, кластерлар билан фаолият олиб борувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида юзага келадиган муаммолар, тармоқни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш масалалари тадқиқ этилган ва тегишли хулосалар чиқарилиб, тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: кластер, ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш, тизимли ва қиёсий таҳлил, интеграцион ёндашув, анкета, тизимли ёндашув мониторинги.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ УПРАВЛЕНИЯ КЛАСТЕРОМ

Гайбуллаев Одил Бахтиярович

доктор философии (PhD)
по экономическим наукам
доцент
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail:Odil@mail.ru,

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы организации кластеров в Узбекистане, совершенствования организационно-экономических основ управления на современном этапе плодоовощными кластерами, проблемы, возникающие в процессе взаимодействия субъектов, действующих в кластерах, исследуются особенности развития и повышения эффективности отрасли, делаются выводы и даются соответствующие рекомендации.

Ключевые слова: совершенствование кластера, организация, организационно-экономические основы, системный и сравнительный анализ, интеграционный подход, анкетный опрос, мониторинг системного подхода.

ORGANIZATIONAL AND LEGAL FOUNDATIONS OF CLUSTER MANAGEMENT

Gaibullayev Odil Bakhtiyarovich

Doctor of Philosophy in Economics,
Associate Professor
Tashkent State University of Economics
E-mail:Odil@mail.ru,

Abstract. The article examines the issues of organizing clusters in Uzbekistan, improving the organizational and economic foundations of managing fruit and vegetable clusters at the present stage, problems arising in the process of interaction between entities operating in clusters, examines the features of development and increasing the efficiency of the industry, draws conclusions and gives appropriate recommendations.

Keywords: improvement of cluster, organizational, organizational and economic foundations, systematic and comparative analysis, integration approach, questionnaire survey, systematic approach monitoring.

Кириш

Ўзбекистонда аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини узлуксиз ва кафолатли қондирилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган жадал аграр-иқтисодий ислоҳотлар шароитида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантириш ва бошқариш устувор вазифага айланмоқда. Давлатимзнинг қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлардан бош мақсади – иқтисодий фойда кўриш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат. Бугунги кунда мамлакатимизда мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш соҳани янги ривожланиш босқичига олиб чиқувчи омил сифатида эътироф этиш, замонавий янги технологиялардан фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш йўналишида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Адабиётлар шарҳи

Кластер сиёсати ва уни бошқариш масалалари билан кўплаб олимлар шуғулланиб келмоқда. Булардан А.А. Мигранян, Т.В. Цихан, А.С Хухрин ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. А.А. Мигранян кластерни энг самарали ва бир-бири билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолият турларининг бирлашуви, яъни самарали тарзда рақобатлашаётган фирмалар, гуруҳларнинг тўпламидир деб тавсифлайди [3].

Т.В. Цихан кластерларни қуйидагича тавсифлайди:

– агросаноат кластерлари - юқори даражада мувофиқлашган соҳаларнинг бирлашувидан иборатдир;

– кластерлар - илмий тадқиқот муассасалари билан муносабатларга киришган бир-бири билан боғлиқ бўлган соҳалар иқтисодий фаолиятининг ҳудудий чекланган шаклидир;

– ишлаб чиқариш занжирининг вертикали бўйича ташкил этилган кетма-кет босқичларидаги ишлаб чиқариш жараёнлари кластернинг таянч марказини ташкил этади [4].

А.С. Хухрин эса кластерларни ўз-ўзини ташкил этиш натижасида юзага келадиган ўзига хос бўлган интеграциялашган тузилма деб тавсифлайди. Ҳар қандай интеграциялашган тузилма ҳам кластер бўла олмайди. Кластер бўлиши учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни тайёрлаш жараёнлари кетма-кет жойлашган ишлаб чиқаришлар бўлиши лозим [6].

“Кластер” тушунчаси инглиз тилида: 1) панжа, бир шингил; 2) тўпланиш, концентрация; 3) гуруҳ маъноларни англатади. Ушбу сўз иқтисодиётдан олдин математика ва бошқа табиий фанларда қўлланилган. XX асрнинг 70 йилларида бу тушр унчани россиялик иқтисодчи географлар А. Горкин ва Л. Смирягинлар, швед иқтисодчи олимлари К. Фредрикссон, Л. Линдмарклар чекланган ҳудудда «корхоналар тўпланиши» тушунча

сифатида бериб ўтган.

«Кластер» тушунчаси биринчи марта М. Портер томонидан киритилган бўлиб, у соҳа ва компанияларга нисбатан “миллий рақобатли устунликлар ромби” маънони англатган. Кластерни ифодаловчи бир қатор таниш таърифлар, яъни “…географик қўшни бир бирига алоқадор компаниялар ва улар билан боғлиқ ташкилотлар, бир соҳада ва умумий фаолиятли ва бир-бирини тўлдирувчи гуруҳлар” билан бирга қуйидаги тушунчалар ҳам мавжуд [7].

1. Вертикал ишлаб чиқариш занжири ва унга нисбатан қисқа секторлар. Бу категорияга асосий фирмалар атрофида шаклланадиган тармоқлар киради.

2. Юқори даражада бир-бири билан боғлиқ саноат тармоқлари (масалан, кимё саноати) ёки бир-бири билан янада юқори даражада боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришлар мажмуаси (масалан, агросаноат кластери).

Келтирилган тушунчаларда кластерларга хос бўлган тамойиллар мавжуд бўлади:

а) инновацион “ўсиш нуқталари”;

б) ҳамкорлик;

в) ихтисослашув ва марказлашув.

Экспертлар томонидан кластерларнинг еттита асосий тавсифлари келтирилади:

биринчидан, географик: иқтисодий фаол кластерларни тузиш (масалан, Нидерландиядаги боғдорчилик);

иккинчидан горизонтал: йирик кластерларга бир неча тармоқлар кириши мумкин (масалан, мамлакат иқтисодиётидаги мегакластерлар);

учинчидан, вертикал: кластерларда ишлаб чиқариш жараёнининг ўзаро боғлиқ босқичлари бўлиши мумкин;

тўртинчидан, латерал: кластерларда кўлами самараси ҳисобига тежамкорликни таъминловчи бир неча тармоқлар бирлашиши мумкин (масалан, мултимедиа кластери);

бешинчидан, технологик: бир хил технология бўйича фаолият юритувчи тармоқлар (масалан, биотехнологик кластер);

олтинчидан, фокус: корхона, ИТИ ёки олий ўқув юрти сингари бир марказ атрофида тўпланган корхоналар кластери;

еттинчидан, сифат: бир-бири билан ҳамкорлик қиладиган корхоналар кластери.

Юқорида келтириб ўтилган тавсифларни кетма кетлиги ва нималарга эътибор қаратилши алоҳида тушунтирилиб, соҳа учун энг самарали ечимлар бўлиб ҳисобланади.

Г.Б. Клейнернинг илмий тадқиқотларида кластер тушунчаси ва унинг ривожланиши қуйидагича ёритилади: “...кластерлар – бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш соҳасида ёки ресурслардан фойдаланиш соҳасида ҳудудий яқинлик ва функционал боғлиқлик муносабатлари билан боғланган ташкилотлар (инфраструктура, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари ва шу сингарилар) гуруҳидир [8].

В.В. Митенев ва О.Б. Кириклар кластерлар бўйича қуйидагиларни таъкидлайди: “Кластерлар икки хил шароитда ташкил топади.

Биринчидан, маҳаллий ва ҳудудий раҳбарлар ўз ҳудудларининг қизиқишларини ва ривожланишларини ҳисобга олиб, ҳудуддаги ҳолатга таъсир кўрсатиш учун етарлича бўлган воситаларга (ҳуқуқий, молиявий, маъмурий) эга бўлишга интилади. Иккинчидан, ҳудуддаги кластерларни ташкил этиш масаласига кенг жамоатчиликни, корхона вакилларини, аҳолини ва жамоат ташкилотларини жалб қилишга ҳаракат қилади [9].

Кластерларга бирлаштирилган турли корхона ва ташкилотлар ўзларининг шунчаки йиғиндисидан ҳам кўпроқ натижа бериши мумкин. Буни кўплаб олимлар ўз тадқиқотларида аниқлаб берган. Улар қаторида Н. Балашова кластерларга қуйидагича таъриф беради: “Кластер – бирликлар йиғиндисидир, уни ташкил қилувчилар ҳажми қўшилишидан ҳам юқорироқ натижа берувчи, яъни синергетик эффект берувчи бир-бири билан боғлиқ бўлган тармоқлар, ишлаб чиқаришлар, ташкилотлар ва фирмаларнинг тизимидир” [5]. Ҳақиқатан ҳам кластерга бирлашган корхона ва ташкилотлар ҳар бири

эриша олдадиган самарадан ҳам кўпроқ натижага эришиши мумкин.

Агрокластерлар борасида илмий тадқиқотлар олиб борган мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Ч. Муродов, Ш. Ҳасанов ва И. Ғаниевлар ўз илмий тадқиқотлари асосида ушбу тизимнинг аҳамияти ва ҳудудий ривожланишга қўшадиган ҳиссаси ҳақидаги қуйидагича хулосасини келтирган: “Кластер рақобатга уч йўл билан таъсир кўрсатади:

биринчидан, ҳудуддаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш унумдорлигини оширади;

иккинчидан, келажакда ишлаб чиқариш унумдорлигини ўсишига асос бўладиган инновацияларни йўналиши ва суръатини ҳаракатга келтиради;

учинчидан, кластерни мустаҳкамлайдиган ва кенгайтиришга асос бўладиган янги бизнес соҳаларини вужудга келтиради” [10].

Кластерлари таркиби мураккаб тузилмадан ташкил топган бўлиб, уларни ташкил этиш ва бошқаришни йўлга қўйиш бирмунча қийинлик билан амалга ошади. Шу сабабли, кластерларни ташкил этиш, бошқариш, мансаб вазифаларини ташкиллаштириш ва уларни қўллаб-қувватлашда давлат бевосита иштирок этиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Кластер менежменти – бу аниқ мақсад йўлида бирлашувчи субъектлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни замонавий бошқарув усуллари ва тамойиллари асосида бошқаришни ташкил этиш ҳамда юқори иқтисодий самарадорликка эришиш санъатидир.

Бундан кўриниб турибдики, муаммони тадқиқ қилишда уни янада чуқурроқ ўрганиш, камчиликлар бартараф этилмагунга қадар таҳлил қилиш лозим бўлади. Муаммони ўрганиш зарурати бизнинг тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилаб беради.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимиз иқтисодиёти ривожининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Бу йўналишлар ичида муҳимларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги илғор технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналиши иқтисодиёт ривожига катта импульс бериши табиийдир. Бу йўналишни самарали тарзда амалга оширилиши мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳисса қўшади. Ҳозирги кунда жаҳонда амалга ошаётган иқтисодиётнинг глобаллашуви жараёнида ҳар бир мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири – мамлакатнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ҳамда унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир. Чунки экспорт салоҳиятини юксалтириш нафақат муайян бир мамлакатнинг, балки ҳар бир ташқи иқтисодий фаолият субъектининг ҳам туб манфаатларини кўзда тутади.

Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришда соҳанинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бунда асосий вазифаларни белгилаш илмий томонлама ёндашишни талаб этади. Ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан вазифаларни ҳал этишда асосий кўрсаткичларни белгилаб олиш зарур. Қуйидаги кўрсаткичлар мева-сабзавотчилик кластерларини асосий вазифаларини ҳал қилиш учун алоҳида ёндошилган тизим ҳисобланади:

1. Мева-сабзавотчиликда мақсадни белгилаш:

мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантиришда аниқ мақсадларни белгилаш;

келажакда соҳани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

соҳада амалга оширилиши режалаштирилган асосий вазифаларнинг таъсирини башорат қилиш.

2. Мева-сабзавотчиликни бошқариш:

бошқарувда соҳани ривожлантиришнинг аниқ мақсадга эришишни мониторинг қилиш;

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

эришилган ютуқларни баҳолаш;
олдинги ва кейинги бошқарув самарадорлигини баҳолаш;
раҳбар томонидан қарор қабул қилиш ва режалаштиришнинг аниқлиги;
томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорларини қабул қилиш.

Юқорида келтириб ўтилган кўрсаткичларни ишлаб чиқишда соҳа учун давлат томонидан қабул қилинган қонун ва қонун ости хужжатларининг ўрни алоҳида ажралиб туради.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг сифати, бир томондан, уларнинг тури ва навига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ҳосилни йиғиштириш муддатлари ҳамда уларни саралаш, товар ҳолатига келтириш, жойлаш, ташиш, сақлаш усулларига тўлиқ риоя қилиб боришга ҳам боғлиқдир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, саралаш, ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш каби вазифаларни ўз вақтида ва самарали бажарилгандан сўнг маҳсулотнинг сифати яхшиланади ва рақобатбардошлиги юксалади. Бу, ўз ўрнида, соҳада ислоҳотларни самарали амалга оширилишида ва маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини янада юқори суръатлар билан ортишига кумак беради. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартидаги ПФ-5388-сонли Ўзбекистон Республикасида “Мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинди. Фармонда логистика марказлари, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш амборлари, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш бўйича қувватлар, қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш, шунингдек, ички ва ташқи бозорда мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш, замонавий иссиқхона хўжаликлари ва интенсив боғлар яратиш ва улардан фойдаланиш назарда тутилган.

Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш, жумладан экспорт қилишни ташкил қилиш, замонавий ресурс ва сувни тежовчи технологияларни жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш вазифаларини ўз зиммасига оладиган хўжалик юритувчи субъектларига (ўзаро боғлиқ корхоналар гуруҳига) биринчи навбатда ердан узоқ муддатли ижара шартларида фойдаланиш имкониятини берилиши соҳага туб ислоҳатлар яратиш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 февралдаги 163-сон “Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорининг қабул қилиниши орқали мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш аниқ белгилаб берилди ҳамда хўжалик юритувчи субъектларининг даромадини ошириш имконияти янада кенгайтирилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи кластерлар томонидан хом ашёни қайта ишлаш натижасида тайёрланган маҳсулотларни жаҳон бозорларига етказиб бериш даражаси ошиб бормоқда. Масалан, 2020 йилда 1,5 миллион тонна ёки қиймати 1,1 миллиард долларга тенг бўлган 60 турдан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари дунёнинг 65 та мамлакатига экспорт қилинди. Аммо бу етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаш жараёнини янада чуқурлаштириш ва истеъмол учун тайёр бўлган маҳсулот кўринишига келтириш ҳамда уни йил давомида сақлаб, исталган муддатда сотишни йўлга қўйиш, яъни экспорт қилиш салмоғининг ошишига эришилар эди. Экспорт кўламини ошириш, етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифати истеъмолчи ва буюртмачи талабига мос бўлишини таъминлаш учун Ўзбекистонда жаҳон стандатларига мос маҳсулотларни етиштириш, қадоқлаш ҳамда қайта ишлашни йўлга қўйиш лозимдир. Чунки қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотни бир бирлигидан қайта ишлаб истеъмол учун тайёр ҳолга келтириб сотилганда олинадиган даромад, шу маҳсулотни қайта ишламасдан мавсумда сотишда олинадиган даромаддан 20 мартагача юқори бўлиши мумкин.

Бундан ташқари етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш,

сақлаш ва тайёр маҳсулотга қадар жараёнларда кўплаб янги иш ўринлари яратилади ва аҳолининг бандлиги таъминланади.

Ҳозирги қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган изчил иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолини харид имкониятларини мустаҳкамлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш масаласи энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда истеъмолчиларга йил давомида узлуксиз етказиб бериш ҳозирги замон қишлоқ хўжалик олимлари ва мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини аниқлаш, стандартлаш тизими билан танишиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг ўзлаштирилиши маҳсулот сифатини оширади ва йўқотишларни имкони борича камайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги 500-сон “Бухоро вилоятида замонавий агрокластер ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қишлоқ хўжалигида таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан чуқур қайта ишлаш асосида уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида қабул қилингани вилоятда пахта ҳосилини етиштириш билан бир қаторда мева-сабзавотчиликка алоҳида эътибор берилиши кластерларни ташкил этилишига кенг имконият берилди.

Мева-сабзавотчилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни рағбатлантириш, сифатли мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг экспорти барқарорлигини таъминлаш, мазкур маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш асосий мақсад қилиб олинган.

Йиллар давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш ривожланиб ва ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш саноат асосида амалга ошириладиган бўлди. Айниқса, мустақилликнинг кейинги йилларида бу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги 102-сон “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ҳамда мева-сабзавот кластерларини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорининг қабул қилиниши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш, мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини тубдан ислоҳ қилиш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратиш ҳамда республикада боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини, мева-сабзавот кластерларини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан кенг имтиёзлар яратиб берилиши кўзланган.

Шу билан бирга замонавий мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришдаги ўрнини белгилаб олиш, рақамли технологияларни киритиш ҳамда соҳани ривожланиш тендинцияларини ишлаб чиқишида асосан давлатнинг қонун устуворлиги алоҳида ўрин эгаллайди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 794-сон “Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши 2021 йилда «Ақлли қишлоқ хўжалиги» технологияларини республика ҳудудларига киритилиши мева-сабзавотчилик кластерларини рақамлаштиришда асосий пойдевор бўлиб ҳизмат қилиши келтириб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январ ПҚ-4575-сон

“Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинган:

-озиқ-овқат ва маҳсулот хавфсизлиги тизимини халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш;

-аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини ижтимоий объектлар билан интеграциялаш;

-қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни, фермер хўжаликларининг даромадини оширишга қаратилган шаффоф бозор механизмлари асосида кластерлар ва фермер хўжаликлари ўртасида ўзаро муносабатларни такомиллаштиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни аниқлаш мақсадида мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини баҳолаш;

-экспорт бозорлари тўғрисида маълумотлар тақдим этиш, экспортга тайёргарлик, савдо режими ва савдони молиялаштириш бўйича маслаҳат марказлари хизматларини ривожлантириш [1].

1-жадвал.

Мева-сабзавотчилик кластерларининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш мақсадида уч томонлама келишув шартлари

Тартибга солувчи ҳокимият органлари		**Мева-сабзавотчилик кластери**
Қишлоқ хўжалик вазирлиги	**Вилоят ҳокимлиги**	
Ички ва ташқи бозорни ҳисобга олиб экинларни жойлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш	Қулай инвестициявий муҳит яратиш	Ҳамкор маҳсулот етиштирувчиларни бўнак маблағлари билан таъминлаш
Давлат томонидан молиявий кўмак ва кредитлар ажратилишига ёрдам бериш	Инфратузилмаларга (электр энергия, йўл, сув, газ) уланишини ташкиллаштириш	Сув тежовчи технологияларни узлуксиз жорий этиш ва ҳамкор корхоналарга амалий ёрдам кўрсатиш
Агротехник тадбирларни ўтказиш ва инновацион технологиялардан фойдаланиш бўйича олим ва мутахассисларни жалб этиб ўқув курслари ташкил этиш	Ер майдонлари ва бўш турган объектларни ажратиш	Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва чуқур қайта ишлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш
Мева-сабзавотчилик кластерлари етиштираётган маҳсулотларини реализация қилишлари учун “яшил йўлак” яратиш	Маҳсулот етиштириш учун зарурий ресурсларнинг узлуксиз еткази-лишини назорат қилиш	Селекция уруғчилик–кўчат етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, бозорга етказишнинг узлуксиз занжирни яратиш
Халқаро стандартлар ва сертификатларни жорий этишда амалий ёрдам кўрсатиш	Кластерлар билан ресурс таъминоти ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни муфовиқлаштириш	Қайта ишлаш ва экспорт прогнозларини бажарилишини таъминлаш
“Мева-сабзавотчилик кластерлари мақоми ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ва мониторинг олиб бориш	Маҳсулотларни экиш ва йиғиб олгунгача бўлган жараёнда “Вазирлик” билан ҳамкорликда тадбирларни амалга ошириш	Фаолияти бўйича маълумотларни юқори турувчи органларга тақдим этиб бориш

*Муаллиф томонидан тузилган.

Биринчи навбатда амалга ошириладиган тадбир – бу кластерларни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий хусусиятларини аниқлашдан иборат бўлиши лозим. Қандайдир шаклларда ташкил этилган агрокластерлар умумий ва ўзига хос бўлган

специфик хусусиятларга эга бўладилар. Бу ҳусусиятларни аниқлаш уларни ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Уларнинг муҳим хусусиятларидан бири – иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи ташкилотлар бир бутунга бирлашадилар. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос бўлган хусусиятлари бирлашиб, янги хусусиятларни ташкил қила бошлайди. Кластерларнинг турли бўғинларида амалга ошириладиган меҳнат жараёнларида ҳодимларнинг малака, билим ва кўникмаларни талаб қилади. Улар бир-бирини тўлдириши, ишини давом эттириши, масъулиятга эга бўлиши қийинчилик билан кечади. Бу тизимда фаолият юритаётган барча ходимлар учун алоҳида шарт-шароитлар яратилиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса

Кластерларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий хусусиятларидан самарали фойдаланиш учун уларни шакллантириш жараёнида тизимнинг барча қатнашувчи субъектлари фаолиятини оптималлаштиришга эътибор қаратиш зарур ҳисобланади. Бунда ташкил этилаётган субъектлар нисбатан бир хил шаклда тузилишига эътибор қаратиш лозим. Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятида юзага келадиган муаммоларни бартараф этилиши давлат томонидан тўлиқ тартибга солиш лозим бўлади. Кластерлар ўз фаолиятида ер ресурсларнинг ҳолатини мунтазам назорат қилиб бориш ва қайта ишланадиган мева-сабзавотлар учун мос ҳолга келтиришга ҳаракат қилиш, етиштирилган ҳосилни йиғиш, ташиш жараёнларини оқилона ташкил этиш, сифат даражсини бузмасликка эътибор бериш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашни ташкил этиш даврида комплекс тадбирлардан фойдаланиш, яъни сақлаш, саралаш ва қадоқлаш ишларини комплекс равишда ташкил этиш, маҳсулотларни сотишга чиқариш, барча жараёнларда автоматик назорат воситаларидан оқилона фойдаланиш, мева-сабзавотларнинг сифатини мунтазам равишда назорат ишларини амалга оширувчи реле-мосламалардан унумли фойдаланиш, сотилган маҳсулот учун олинган даромадларни тизимнинг барча иштирокчи субъектларининг фаолиятда қатнашиш улушига мос равишда тақсимлаш вазифаларини амалга ошириш ва барча иштирокчилар фаолиятида фан-техника ютуқларидан фойдаланишни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. – https: //lex.uz/uz/docs/4714632?ONDATE=29.01.2020%2000

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 794-сон “Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”. – https://lex.uz/docs/5179198

3. Мигранян А. А. Потенциал развития экономического сотрудничества России со странами ЕАЭС и СНГ. // Проблемы постсоветского пространства. – 2020; – 7(3): – 327-346. DOI: – https://doi.org/10.24975/2313-8920-2020-7-3-327-346

4. Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития//Теория и практика управления. – 2003. – №5. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.subcontract.ru. Дата просмотра:10.01.2016

5. Балашова Н. Формирование кластера по производству и переработке нута // АПК: экономика и управление. – М., 2004. – С.38-41.

6. А.С. Хухрин. Моделирование аграрных кластеров: основы теории // Экономика и социум – 2016, – №11(30).

7. Портер, М. Международная конкуренция: пер. с англ. / М. Портер; ред. и пред.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

В.Д. Щетинина. – М.: Международные отношения, 1993. – 896с.

8. Клейнер Г.Б., Качалов Р.М. и др. Формирование стратегии функционирования инновационно-промышленных кластеров. – М., 2007. – С. 216.

9. В.В. Митенев ва О.Б. Кирик. Кластер как фактор развития экономики. – https://cyberleninka.ru/article/n/klaster-kak-faktor-razvitiya-ekonomiki

10. Муродов Ч., Ҳасанов Ш., Ғаниев И. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида қайта ишлашни ривожлантиришда агрокластерларни яратишдаги дастлабки қадамлар. “Ўзбекистон агросаноат мажмуасининг рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. ТДИУ, 2014 йил 30 апрель.

Электрон ресурс

11.https://uzavtosanoat.uz/files/results_of_the_assessment_of_the_corporate_governance_system

12.https://uzbekgeofizika.uz/uz/menu/zakljuchenija-otsenki-sistemy-korporativnogo-upravlenija

13.https://uzkimyosanoat.uz/uz/corporate/disclosure/assessments

14.https://uzbeksteel.uz/

15.https://trustbank.uz/uz/shareholders/corporate-management/rating/

15.https://www.uzgeo.uz/evaluation-results

16.https://agromash.uz/uz/shareholders-uzb/korp-uprav-uzb

17.https://www.sqb.uz/uz/for-investors/assessment-uz/

18.https://nbu.uz/uz/to-shareholders-and-investors/korporativ-boshqaruv-kodeksi/

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тухтамишев Шодимурод Қурбонбоевич

савдо иши кафедраси доценти
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail: tuxtamishev@mail.ru
ORCID:0009-0000-8968-539X

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалиги бошқарувида узоқ муддатли комплекс давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга изчиллик билан жорий этилиши тадқиқ этилган, қишлоқ хўжалигини самарали бошқариш механизмлари ўрганилган, иқтисодий-ижтимоий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили аниқланиб, тегишли хулосал шакллантириб, таклифлар берилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, бошқарув, бошқарув усуллари, корхона, инновация, тузилма, дастур, такомиллаштириш, глобаллашув.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Тухтамышев Шадимурод Курбонбоевич

доцент кафедры торговли
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: tuxtamishev@mail.ru
ORCID:0009-0000-8968-539X

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы разработки и последовательной реализации долгосрочной комплексной государственной программы управления сельским хозяйством, изучаются механизмы эффективного управления сельским хозяйством, выявляются важные факторы обеспечения экономической и социальной стабильности, формулируются выводы и вносятся соответствующие предложения.

Ключевые слова: сельское хозяйство, менеджмент, методы управления, предприятие, инновация, структура, программа, совершенствование, глобализация.

IMPROVING THE MANAGEMENT SYSTEM IN AGRICULTURE

Tukhtamishev Shodimurod Kurbonboyevich

associate professor
of the department of trade
Tashkent State the University
of Economics
E-mail: tuxtamishev@mail.ru
ORCID:0009-0000-8968-539X

Abstract. The article examines the development and consistent implementation of a long-term comprehensive state program for agricultural management, studies the mechanisms of effective agricultural management, identifies important factors for ensuring economic and social stability, formulates conclusions and makes appropriate proposals.

Keywords: agriculture, management, management methods, enterprise, innovation, structure, program, improvement, globalization.

Кириш

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Қишлоқ хўжалигида юқори иқтисодий самарадорликка эришиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини тўхтовсиз ошириб бориш ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, бошқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини кенг жорий этилишига бевосита боғлиқдир. Иқлим ўзгаришлари ҳамда иқтисодиётнинг тобора глобаллашуви таъсирида дунё аҳолисини озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш масаласи қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимни тубдан модернизация қилишни талаб этмоқда. Бу эса, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш муаммосига комплекс тарзда ёндашиш, жумладан самарали бошқарув тизимларини соҳага кенгроқ жорий этиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Лекин шунга қарамасдан ушбу йўналишда бир қатор муаммолар мавжуд, жумладан, қишлоқ хўжалигида узоқ муддатли истиқболли аграр сиёсат ишлаб чиқилмаганлиги сабабли айрим соҳа ва тармоқларни барқарор ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари белгиланмаганлиги; юзага келаётган муаммоларни қисқа муддатда ижобий ҳал қилиш ва тезкор қарорлар қабул қилишда тегишли ваколатли органларнинг самарали уйғунлашган мувофиқлаштирувчи роли ва ташаббускорлиги мавжуд эмаслиги; соҳада горизонтал ва вертикал бошқарув тузилмалари томонидан амалдаги мавжуд ахборотларни йиғиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва баҳо бериш механизмининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли мазкур йўналишда кам самарали ишлар амалга оширилмоқда; қишлоқ хўжалиги соҳасини мамлакат, алоҳида ҳудуд ва туман даражасида хўжалик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ўз вақтида манзилли амалий ёрдамларни кўрсатиш етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги ва бошқалар. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва ушбу йўналишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Қишлоқ хўжалиги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, унда функционал инновацион вазифаларни жорий қилиш асосида соҳа тармоқларини бошқариш, мувофиқлаштириш ва бошқа шу каби долзарб муаммолари бўйича хорижий олимлардан А. Файоль, Ф. Тейлор, К. Стюарт ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган [1].

Шунингдек мамлакат иқтисодчи олимлари Ў. Умурзаков, Т. Фармонов, У. Нигматжонов, Қ. Чориев, Н .Хушматов ва бошқалар ўз илмий ишларида қишлоқ хўжалигида бошқаришнинг инновацион услубларини жорий этишнинг у ёки бу жиҳатлари бўйича илмий изланишлар олиб боришган [2].

Айниқса, сўнгги икки йил ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, соҳа вазирлиги ва унга боғлиқ идораларда ҳам институционал ислоҳотларни уйғунлашган ҳолда амалга ошириш борасида фармон ва қарорлар қабул қилиниб, улар асосида тизимли ва мақсадли йўл хариталари, дастурлар ва чора тадбирлар тасдиқланди.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча реал соҳаларида институционал ислоҳотларни изчил амалга ошириш, бошқарувнинг том маънодаги ижрочилик ва мувофиқлаштириш вазифаларига қўшимча равишда инновацион ва функционал вазифаларни ҳам уйғунлашган ҳолда қўшиб олиб бориш долзарб масалалардан бири сифатида юзага чиқмоқда. Ушбу ҳолатлар мавзу доирасида алоҳида илмий тадқиқотларни олиб бориш зарурлигини тақозо этмоқда.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон иқтисодиётида аграр соҳа барқарорлигини таъминлаш асосида аҳолини

моддий фаровонлигини ошириш масалалари соҳа ишлаб чиқаришини тубдан замонавий инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг ортиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигини самарали бошқариш мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ресурсларини турли бозорлардаги вазиятнинг ўзгаришини доимий равишда ҳисобга олишга асосланган. Янги техника, янги технологиялар, янги бошқарув тизимларини изчил жорий этиш зарурати ташкилотлар ўртасидаги рақобат шароитида меҳнат унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини пасайтириш муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ. Буларнинг барчаси агросаноат мажмуасида бошқарув тизимларини ташкил этиш ва фаолият юритишда янгича ёндашувларни жорий этишни тақозо этади.

“Бирлашган миллатлар ташкилотининг прогнозлари бўйича қишлоқ хўжалиги соҳасида келажакда кўпгина муаммолар турганлиги, яъни ер аҳолиси сони 8 миллиардни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2050 йилга келиб 9,6 миллиарддан юқори бўлиши ва озиқ-овқатга бўлган талабнинг ошишига олиб келиши мумкин.”

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (FAO)нинг 2018 йилги манъбаларига кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунё аҳолисини озиқлантириш учун етарли бўлишига қарамай, 821 млн аҳоли очарчилик ва тўйиб овқатланмасликдан азият чекиши мумкин. Шу боисдан, ушбу глобал муаммонинг олға сурилганлиги натижасида мамлакатимизда глобал иқлим ўзгариши, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасини ошириш, янги бошқарув тизимларини жорий қилиш ёки уларни модернизациялаш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек 2023 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида” даги фармони қабул қилинди. Ушбу фармонда “Ҳар бир туманда аграр соҳадаги илм ва инновациялар, янгича ёндашувлар, замонавий агротехник тадбирларни амалга оширишга кўмаклашувчи марказларни ташкил қилиш” мақсади белгилаб берилган.

Умуман олганда назарий жиҳатдан ҳар қандай бошқарув тизими қўйилиши ва ечиши керак бўлган масаладан қатъий назар иккита, яъни бошқарувчи (бошқарув субъекти) ва бошқарилувчи (бошқарув объекти) тизимни бирлашишини билдиради. Мавжуд адабиётларда бошқарувнинг объекти ва субъектининг асосий элементлари ўзаро боғлиқ турли бўлинмалар ва хизматларнинг ҳамкорликдаги фаолияти жамоавий тарзда амалга ошириши лозимлиги келтириб ўтилган.

Бошқарув бошқариш тизимларини, ташкилий шаклларнинг хўжалик механизмини, бошқарув услубларини, бошқарув техника ва технологиясининг назарий ва методологик асосларини ўрганишни талаб этади.

Мутахасисларнинг фикрига кўра, бошқарувнинг мазмуни деганда қарорларни қабул қилиш, ташкил этиш, назорат қилиш, бошқарув объектини белгиланган мақсадга мувофиқ тартибга солиш, ишончли маълумотлар асосида таҳлил қилиш ва умумлаштиришга қаратилган фаолият тушунилади.

Ҳар қандай объектни бошқариш унинг ишлаши ва ривожланиш манфаатларида исталган йўналишларини таъминлашда ўзаро боғлиқ бўлган фаолиятнинг бутун мажмуасини амалга оширишни ўз ичига Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги замонавий бошқарув тизимларини жорий этиш, маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечилиши ва юқори турувчи ташкилотларнинг қуйи тизимдаги ташкилотларга таклиф тавсиялар бериш, улар билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш, уларни қўллаб-қувватлаш, бошқарувдаги мавқеини ошириш, янги тизимларни жорий қилишда амалий кўмаклар бериш бошқарувнинг замонавий тизимларини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигида бошқарув жараёнини бир неча технологик даврларга бўлиш

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

мумкин.

Вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш бу қишлоқ хўжалигининг ҳозирги ҳолати (ҳосилдорлиги, рентабеллиги, ер ҳолати, иқлим шароити) бўйича маълумотлар тўплаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорлари динамикасини ўрганиш орқали муаммоли ҳудудларни таҳлил қилиш, ресурслар танқислиги, технологик эскириш, табиий офатларни ўз ичига олиши мумкин. Натижада кейинги режалаштириш учун саноатдаги мавжуд вазиятни тўлиқ тушуниш имконини беради.

Мақсадни белгилаш ва режалаштириш ўз ичига стратегик ва тактик мақсадларни шакллантириш (ҳосилдорликни ошириш, экспорт таъминоти, технологияларни жорий этиш), давлат дастурлари ва стратегияларини ишлаб чиқиш, зарурий молиялаштиришни ҳисоблаш, бюджетни шакллантиришни назарда тутади.

Жараёнларни ташкил этиш ҳудудий тузилмалар ишини мувофиқлаштириш, ишчи гуруҳларини тузиш, вазирликлар, ҳудудлар ва хусусий сектор ўртасида ресурсларни тақсимлаш, дастурларни амалга оширишга тайёргарлик кўриш бўйича тадбирларни қамраб олади.

Дастурларни амалга ошириш фермерларни қўллаб-қувватлаш дастурларини (субсидиялар, имтиёзли кредитлар, инфратузилма лойиҳаларини) ишга тушириш, қишлоқ хўжалигига инновацион технологияларни жорий этиш, инфратузилмани (ирригация, қайта ишлаш, транспорт тизимлари) яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга кумак беради.

Назорат ва мониторинг дастурлар ва мақсадли кўрсаткичларнинг бажарилишини мониторинг қилиш, ажратилган ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш, фаолиятни амалга ошириш жараёнида муаммоларни аниқлашга асос бўлади.

Баҳолаш ва мувофиқлаштириш режалаштирилган ва амалдаги натижаларни таққослаш, амалга оширилган чора-тадбирларнинг кучли ва заиф томонларини аниқлаш, жорий стратегия муҳитдан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш ва режаларини тузатиш имконини беради.

Бошқарув усуллари бевосита ижтимоий-иқтисодий муносабатларга таъсир этувчи ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши ва жамият ишлаб чиқариш кучлари ўсиши билан ўзгариб боради. Иқтисодиётнинг муваффақиятли ривожланишида бошқарув усулларини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Бошқарув усули-бу, энг аввало мақсадга эришиш йўлидир. Шунинг учун бошқарувнинг мақсади энг мувофиқ усулларни танлашдан иборатдир. Шундай экан “бошқарув усули” биринчи навбатда корхона фаолияти жараёнида ишлатиладиган таъсир кўрсатиши асосий мақсадини акс эттириши керак.

Иқтисодий усулларнинг моҳияти ходимлар ва ишлаб чиқариш жамоасига уларнинг манфаати бўлишини таъминловчи иқтисодий шароитларни яратишдан иборатдир. Бошқарув усуллари тизимида иқтисодий усуллар етакчи ўринни эгаллайди.

Бизнингча, ҳозирги иқтисодиётни глобаллашуви ва соҳада янгича бошқарув тузилмалари шаклланиши шароитида қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимни такомиллаштириш, бошқарув функцияларини ривожлантириб боришнинг муҳимлиги қуйидагилардан, яъни:

-янги бошқарув тузилмалар (кластерлар, кооперациялар, уюшмалар ва х.к) фаолиятини самарали ўзаро уйғунликда бошқариш услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарурлиги;

-қишлоқ ҳудудларида инфраструктурани яхшилаш бўйича қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган бошқаришнинг янги механизмларни ишлаб чиқиш лозимлиги;

-бозор муносабатларини шаклантиришда давлат аралашувини камайтириш ҳамда бошқаришнинг иқтисодий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш кераклиги;

-бошқаришда коррупцион ҳолатларни олидини олиш, тизимда инсон факторига

боғлиқ бўлган молиявий жараёнларни рақамлаштириш орқали шаффофлигини таъминлашда тўғри ишловчи механизмларни тадбиқ этиш;

-қишлоқ хўжалиги соҳасида иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини олдини олиш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида узоқ муддатли бошқарув стратегияларини ташкил қилиш зарурияти;

-иқтисодиётни глобаллашуви оқибатида қишлоқ хўжалигига ривожланишига таъсир этувчи омилларни бартараф этишда бошқарувнинг замонавий услубларини кенг жорий этиб бориш лозимлиги ва бошқа шу кабилардан иборат.

1-chizma.

Қишлоқ хўжалигида бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари



Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги йўналишларда узоқ муддатли комплекс давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга изчиллик билан жорий этилиш, қишлоқ хўжалигини самарали бошқариш механизмларини самарали ишлатиш унинг иқтисодий-ижтимоий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853- сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида””ги Фармони https://lex.uz/docs/6600413.

2. Ғ.А. Саматов, И.Б. Рустамова, У.А. Шерипбаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ва менежменти: дарслик. – Т. 2012. – 320 б.

3. Назмутдинов В.Я., Яруллин И.Ф. Управленческая деятельность и менеджмент в системе образования личности. – Казань: ТРИ . «Школа», 2013. – 360 с.

4. https://www.un.org/development/desa/publications/world-population-prospects-the-2017-revision.html

5. https://www.fao.org/news/archive/news-by-date/2018/ru/.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ СОҲАСИНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Нурмухамедова Барно Исмаиловна
молия ва молиявий технологиялар
кафедраси доценти
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
E-mail: nurmukhamedova.barno@mail.ru
ORCID: 0009-0001-4396-3718

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари ва дастурларини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган, ижтимоий ҳимоянинг манзилли бўлишини таъминлашнинг институционал асослари, уларнинг шаклланиши ва такомиллашиб бориши тадқиқ этилган, ижтимоий ҳимояни маблағ билан таъминлашда давлат бюджети ва бошқа манбаларнинг аҳамияти таҳлил қилинган, ижтимоий ҳимояни молиявий таъминлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича хулоса ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги, камбағаллик, қашшоқлик, давлат бюджетининг ижтимоий ҳимоя харажатлари, ижтимоий ҳимоя тизими, мажбурий ижтимоий кафолатлар, ижтимоий нафақалар, ижтимоий дастурлар, ижтимоий хизмат, ижтимоий ёрдам, ижтимоий давлат, ижтимоий ҳимоянинг натижадорлиги.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ФИНАНСОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ СФЕРЫ СОЦИАЛЬНОЙ ЗАЩИТЫ

Нурмухамедова Барно Исмаиловна
доцент кафедры финансов
и финансовых технологий
Ташкентский государственный
экономический университет,
E-mail: nurmukhamedova.barno@mail.ru
ORCID: 0009-0001-4396-3718

Аннотация. В статье рассматриваются организационно-правовые аспекты финансового обеспечения мер и программ социальной защиты в Узбекистане, излагаются институциональные основы обеспечения адресной социальной защиты, их формирование и совершенствование, анализируется значение государственного бюджета и иных источников в финансировании социальной защиты, даются выводы и рекомендации по совершенствованию практики финансового обеспечения социальной защиты.

Ключевые слова: социальная защита, адресность социальной защиты, бедность, нищета, расходы государственного бюджета на социальную защиту, система социальной защиты, обязательные социальные гарантии, социальные пособия, социальные программы, социальное обслуживание, социальная помощь, социальное государство, результативность социальной защиты.

ORGANIZATIONAL AND LEGAL BASIS FOR FINANCIAL SUPPORT OF THE SPHERE OF SOCIAL PROTECTION

Nurmukhamedova Barno Ismailovna
Associate Professor

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Department of Finance and
Financial Technologies,
Tashkent State University of Economics
E-mail: nurmukhamedova.barno@mail.ru
ORCID: 0009-0001-4396-3718

Abstract. The article examines the organizational and legal aspects of financial support for social protection measures and programs in Uzbekistan, outlines the institutional foundations for ensuring targeted social protection, their formation and improvement, analyzes the importance of the state budget and other sources in financing social protection, provides conclusions and recommendations for improving the practice of financial support for social protection.

Keywords: social protection, targeted social protection, poverty, destitution, state budget expenditures on social protection, social protection system, mandatory social guarantees, social benefits, social programs, social services, social assistance, welfare state, effectiveness of social protection.

Кириш

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро иқтисодий интеграцияни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотлар доирасида қатор муҳим ва динамик дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг ушбу дастурлари халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш кабилар ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ислоҳотлар билан ҳамоҳангликда амалга оширилмоқда. Барча иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар дастурлари пировардида янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини ошириш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш ва яшаш даражасини кўтаришга қаратилганлиги билан айниқса аҳамиятли.

Аммо жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашувида янги муаммолар юзага келади, одатда бундай ислоҳотларни амалга ошириш жараёни нафақат “ғолиблар”, балки янги “мағлублар”ни ҳам келтириб чиқаради. Бундай шароитда ижтимоий ҳимоя барча жамият аъзоларининг ислоҳотлар туфайли юзага келган аввалги ва кейинги хатарлар олдида ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиш ҳуқуқларидан фойдаланишларида муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, ижтимоий ҳимоя алоҳида шахсларнинг, уй хўжаликларининг ва бутун жамиятнинг ҳаётий цикли давомида иқтисодий ёки иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ ларзаларга узоқ муддатли бардошлилигини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши лозим.

Адабиётлар шарҳи

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни молиявий таъминлаш масалаларида олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш натижалари шундан далолат берадики, бир қатор тадқиқотларда ижтимоий ҳимоянинг таркибий қисми бўлган пенсия таъминотининг молиявий масалалари, Пенсия жамғармаси бюджетининг барқарорлигини таъминлаш муаммолари ўрганилган бўлса [1], айрим тадқиқотлар пенсиялар алоҳида турларини ҳисоблаш ва тўлаш механизмларини такомиллаштиришга бағишланган [2], бошқа бир гуруҳ тадқиқотлар иқтисодий воқелик сифатида ижтимоий суғуртанинг мазмун-моҳияти ва ижтимоий суғурта фондларининг шаклланиш ва ишлатиш механизмларини такомиллаштириш устида олиб борилган [3]. Лекин ижтимоий ҳимоя соҳасининг мазмуни ва аҳамияти, Ўзбекистон Республикасида унинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва тараққиёти, ижтимоий ҳимоянинг молиявий манбалари, уларнинг таркибида давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг ўрни, соҳага нодавлат манбаларини жалб қилиш масалаларининг комплекс равишда ўрганилмаганлиги ушбу

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

мақола мавзусининг долзарблигини белгилаб берди.

Таҳлил ва натижалар

Пухта ишлаб чиқилган ва мослашувчан ижтимоий ҳимоя тизимлари муайян аҳоли қатламларининг камбағаллик ва қашшоқликдан, кўзда тутилмаган ҳодисалардан азият чекишлари билан боғлиқ хатарларни камайтириши, уларнинг салбий таъсиридан қисқа муддатда ўнгланиб олишларида ёрдам бериши мумкин.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя давлат сектори ва аҳоли ўртасида ижтимоий мулоқотни ўрнатиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари йўлида жамоавий хатти-ҳаракатларни йўлга қўйиш, ижтимоий тенгсизлик ва ижтимоий яккаланиб қолишнинг олдини олиш, фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятларини чеклайдиган ижтимоий меъёрлар ва қоидаларни тартибга солиш ва бунинг асосида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш каби муҳим функцияларни бажариши керак.

2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган мақсадларнинг бири (53-мақсад) айнан “Аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш”га қаратилган бўлиб, ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун:

“аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш;

мажбурий ижтимоий кафолатлар бўйича қонунчиликни тизимлаштириш ва такомиллаштириш, белгиланган ижтимоий ҳимоянинг қатъий таъминланишини назорат қилиш;

мажбурий ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнга очиқлик ва шаффофлик тамойилларини жорий қилиш”[4] каби вазифалар белгилаб олинган.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясида белгиланган ва амалга оширилиши давом этаётган, ўз аҳамиятини йўқотмаган барча мақсадларга эришиш ва долзарб вазифалар бажарилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг асосий ғояларидан бири сифатида ҳам “аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш”[5] белгиланган.

Ушбу стратегик мақсад ва вазифаларни тўлақонли бажаришда аҳоли қатламлари ва алоҳида оилаларнинг ижтимоий муҳофазага муҳтожлик даражасини аниқлаш, кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш, улар билан қамров даражасини ошириш, ижтимоий ҳимоя борасида давлат-хусусий шерикчилигидан фойдаланиш, ижтимоий ҳимоянинг муқобил ноинституционаллашган шаклларини жорий қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш устувор аҳамият касб этади.

Ҳаётимизнинг бош қомуси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциянинг 57-моддаси билан “Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради”[6], деб белгиланганлиги мазкур соҳани ягона ёндашув асосида ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида бугунги кунга қадар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг турли дастурлари амал қилиб келган. Мамлакатда ижтимоий ҳимоянинг амалда бўлган турли дастурларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва бошқариш учун масъул бўлган махсус ваколатли орган – давлат ташкилотининг мавжуд эмаслиги

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

мамлакат миқёсида ижтимоий ҳимоянинг аниқ натижага йўналтирилганлигини ва ижтимоий самарасини комплекс баҳолаш имконини бермай келган. Ижтимоий ҳимоя вазифалари бир нечта давлат идоралари ўртасида тақсимланган, лекин ижтимоий ҳимоя тадбирларини мувофиқлаштириш ва интеграциялаш учун умумий масъулият уларнинг биронтасининг ҳам зиммасида эмас эди.

Масалан, давлат бюджетидан молиялаштириладиган бир қатор ижтимоий дастурларнинг маблағ билан таъминланиши, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси орқали фуқароларнинг пенсия таъминоти учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (ҳозирда – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги) масъул бўлса, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (2018 йилгача – Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги, 2023 йилгача – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги) аҳоли бандлиги ва меҳнат бозоридаги фаол дастурлар учун масъул бўлиб, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги сиёсатни белгилаш бўйича айрим умумий ваколатларга эга. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ногиронлиги бор шахслар ва кексаларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳамда айрим турдаги ижтимоий таъминот муассасаларини сақлаш учун масъул бўлса, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (2023 йилгача – Халқ таълими вазирлиги) кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун қишки кийим-бош тўпламларини етказиб бериш, ўқитишда алоҳида эҳтиёжи бор болалар учун ихтисослашган таълим муассасаларини бошқариш каби кичик ижтимоий дастурлар учун жавобгар эди. Ушбу идораларнинг ҳар бири тартиблаштирилган вертикал ташкилий тузилмасига эга бўлса-да, ижтимоий ҳимоя дастурлари орасида горизонтал алоқа ва мувофиқлашув мавжуд эмас эди. Ижтимоий ҳимоя масалаларининг турли идоралар ўртасидаги бундай тақсимланганлиги бутун тизимнинг ҳолатини баҳолаш, ижтимоий ҳимоя дастурларини интеграциялаш ва ижтимоий ҳимоянинг натижадорлигини таъминлашни қийинлаштирар эди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимоя дастурлари уларни молиялаштириш манбаларининг ҳам турлича эканлиги билан тавсифланади. Масалан, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган нафақалар, моддий ёрдам турлари ва айрим компенсацион тўловлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Ижтимоий ҳимоянинг такибий қисми бўлган пенсия таъминоти доирасидаги пенсияларнинг қонунчилик билан белгилаб қўйилган турлари ва айрим компенсацион тўловлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан, ишсизлик бўйича нафақалар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлик бўйича нафақалар эса иш берувчиларнинг маблағларидан молиялаштирилиб келинган.

Республика бюджетидан “...ижтимоий ҳимояга 2016 йилда 2 триллион сўм сарфланган бўлса, 2024 йилга келиб 9,8 бараварга ошиб, 20,3 триллион сўмга етди. Бу маблағ ЯИМнинг 1,4 фоизини ташкил этмоқда, бу эса ижтимоий ҳимоянинг ривожига катта ҳисса қўшаётганлигидан далолат”[7].

Бугунги кунда республикамизда 90 га яқин ижтимоий ҳимоя ташкилотлари мавжуд, жумладан:

–Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари сони – 7 та;

–Мурувват уйлари сони – 29 та;

–Ногиронлар учун минтақавий реабилитация марказлари сони – 12 та;

–Қариялар ва ногиронлар учун санаторийлар сони – 11 та;

–Аёлларни реабилитация қилиш маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари сони – 15 та;

–Одам савдоси республика реабилитация маркази – 1 та;

–Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари сони – 14 та.

Ушбу муассасаларни сақлаш харажатларига 2023 йилда 855,1 млрд сўм маблағ ажратилган бўлса, 2024 йилда 955,4 млрд сўм сарфланган. Ушбу харажатларнинг 2023

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

йилда 15,7 фоизи, 2024 йилда эса 16,7 фоизи муассасаларнинг озиқ-овқат харажатлари ҳисобига тўғри келади.

Янги таҳрирдаги Конституцияда эълон қилинган “ижтимоий давлат” тамойилларини инобатга олган ҳолда, фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга оид ҳуқуқларини ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, аҳолига ижтимоий хизматларни кўрсатиш сифатини тубдан ошириш ҳамда мазкур соҳага илғор халқаро стандартларга асосланган мутлақо янги бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди [8]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82-сон Фармони билан бугунги кунда ижтимоий ҳимоянинг у ёки бу вазифаларини бажариб келган бир қатор давлат идоралари ва масъул ташкилотлар босқичма-босқич Агентлик тасарруфига ўтказилмоқда. Жумладан, муқаддам Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимида бўлган Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази ҳамда унинг ҳудудий марказлари, Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича республика реабилитация маркази, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун «Мурувват» ва «Саховат» интернат-уйлари, Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар 2023 йил 15 июндан бошлаб Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тузилмасига ўтказилди.

Бундан ташқари, 2024 йил 1 январдан бошлаб Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги болалар уйлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги меҳрибонлик уйлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тизимидаги Вояга етмаганлар билан ишлаш секторлари ҳамда оилавий болалар уйлари каби ташкилотлар ва таркибий тузилмалар амалдаги молиялаштириш манбалари, штат бирликлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулки ҳамда бошқа товар-моддий бойликлари билан биргаликда тўлалигича Агентлик тузилмасига ўтказилди. Шунингдек, ижтимоий хизматларни маҳалла даражасида ташкил этиш мақсадида 2023 йил 1 июлдан бошлаб Агентликнинг туман(шаҳар)лардаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказларида ижтимоий ходимлар гуруҳлари ташкил этилди. Натижада мазкур Агентлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органига айланди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсати ва чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўналишида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг асосий фаолият йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

–аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

–ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ва оилалар бўйича ижтимоий ёрдам дастурларини ишлаб чиқиш;

–кафолатланган ижтимоий хизматлар стандартларини ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш;

–аҳолининг турли гуруҳлари билан ишлайдиган профессионал “ижтимоий иш” хизматини ташкил этиш;

–ижтимоий шерикликни кенгайтириш, нодавлат сектор ва маҳаллий ҳамжамиятларни турли хил хизматлар кўрсатиш ва аҳолининг заиф қатламларини қўллаб-қувватлашга янада фаол жалб қилиш учун рағбатлантириш чораларини яратиш;

–соҳани рақамлаштириш орқали ижтимоий ҳимоя тизими шаффофлигини

таъминлаш ва жараёнларни аҳоли учун қулай тарзда ташкил қилиш.

Агентликнинг ушбу йўналишдаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82-сон Фармонида назарда тутилган бошқа йўналишлардаги фаолиятини маблағ билан таъминлаш мақсадида 2023 йил 1 октябрдан бошлаб Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу жамғарма маблағларининг ишлатиш йўналишлари ниҳоятда кенг. Жамғарма маблағлари эвазига кўп турдаги ижтимоий таъминот ташкилотлари (“Мурувват” интернат-уйлари, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказлари, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийлар ҳамда пансионатлар, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш марказлари) моддий-техник базасини ривожлантириш харажатлари, ижтимоий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар (фуқароларни протез-ортопедия буюмлари ва воситалари билан таъминлаш, ёлғиз фуқароларга уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш каби), ногиронлиги бўлган шахсларга ва бундай тоифадаги шахсларни иш билан таъминловчи корхоналарга субсидиялар бериш билан боғлиқ харажатлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан тақдим этилган ижтимоий мавзудаги лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган кўплаб харажатлар маблағ билан таъминланади.

Мустақиллик йилларида давлат ва бошқа иқтисодий субъектлар томонидан амалга оширилган ижтимоий ҳимоя тадбирлари турли манбалардан маблағ билан таъминлаб келинган:

–давлат бюджети маблағлари;

–давлатнинг ижтимоий йўналишдаги мақсадли пул жамғармалари;

–ижтимоий суғурта асосида шаклланадиган маблағлар ва жамғармалар;

–корхоналар ва ташкилотларнинг ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш тадбирларига йўналтирилган маблағлари;

–хайрия ва ҳомийлик ташкилотларининг маблағлари;

–халқаро ташкилотларнинг ушбу мақсадлардаги маблағлари;

–жамиятнинг ўзига тўқ, яхши таъминланган қатламлари ва алоҳида шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонлари ва бошқалар.

Тарихан давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги сиёсатини амалга оширишга қаратилган тадбирларни молиявий таъминлашда давлат бюджети алоҳида муҳим ўрин эгаллаб келган ва бугунги кунда ҳам ушбу ҳолат давом этмоқда.

1-жадвал.

Давлат бюджетининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича харажатлари динамикаси таҳлили*

Кўрсаткичлар	йиллар					
	2019	2020	2021	2022	2023	2024
Ялпи ички маҳсулот ҳажми, млрд сўм	532712,5	605514,9	738425,2	996341,7	1192569,0	1412759,0
Давлат бюджети харажатлари, млрд сўм	118008,7	144142,8	188257,2	236691,9	281097,4	317720,8
Давлат бюджетининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш	4720	8519,4	10880,3	19703,0	19291,0	17332,0

харажатлари, млрд сўм						
Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг ЯИМдаги улуши, фоизда	0,89	1,41	1,47	1,98	1,62	1,23
Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг давлат бюджети жами харажатларидаги улуши, фоизда	4,00	5,91	5,80	8,32	6,86	5,46

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий сайти ва ахборот портали маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди. Манба: https://www.imv.uz/, https://openbudget.uz/

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, давлат бюджети харажатларининг ҳажми 2023 йилда 2019 йилга нисбатан 2,38 марта ошгани ҳолда, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари ҳажми 4,08 мартага ошганини ёки давлат бюджети ҳажмининг ўзгаришига қараганда 1,7 нисбатда ортганини кузатиш мумкин. Шунингдек, таҳлил учун қабул қилинган даврда ижтимоий ҳимоя харажатлари давлат бюджети харажатларининг 2019 йилдаги 4,0 фоизидан 2023 йилдаги 6,86 фоизгача ўзгарган, 2022 йилда эса хатто 8,32 фоизни ташкил қилган. Хўш, бундай миқдор ўзгаришларга қандай омиллар таъсир қилган? Аввало таҳлил қилинаётган йилларда давлат бюджетидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари таркибида қандай харажатлар кўзда тутилган?

2021 йилгача бўлган даврда давлат бюджетининг ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ харажатлари таркибида (1) 2 ёшгача болали оналарга нафақа, (2) 14 ёшгача болали оилаларга нафақа ҳамда (3) кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ажратиш билан боғлиқ харажатлар асосий ўринни эгаллар эди. Ушбу нафақалар ва моддий ёрдам турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон Қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида тайинланган ва тўлаб келинган.

Биринчи номдаги нафақа болали оналарга (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга) 1998 йилдан бошлаб тўлаб келинган. Унинг миқдори 2002 йил 1 февралдан – Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 170 фоизи, 2003 йилдан бошлаб эса 200 фоизи миқдорида белгиланган.

14 ёшгача болали оилаларга нафақа ҳам кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллилигини кучайтириш мақсадида жорий қилинган ҳамда болалар сонига боғлиқ равишда табақалаштирилган миқдорларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинланиб, тўлаб келинган. Бунда, албатта, нафақаларни “давлат томонидан қўллаб-қувватлашсиз даромадларини оширишнинг аниқ имконияти бўлмаган ҳақиқатда эҳтиёжманд оилаларга нафақалар ва моддий ёрдам бериш” тамойилига риоя қилинган ҳолда тайинлаш талаб этилган.

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўринишидаги нафақа ҳам юқорида

номи таъкидланган Низом асосида ёлғиз, боқувчиси йўқ оилаларга қонунда ўрнатилган тартибларда ва миқдорларда тайинланган.

Санаб ўтилган нафақалар бўйича харажатларни молиялаштириш асосан маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ва, шубҳасиз, бозор шароитларига ўтилаётган ижтимоий қийинчиликлар даврида аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муайян аҳамият касб этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги “2017 – 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2731-сон қарорини бажариш ҳамда Оролбўйи минтақасида яшайдиган кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг манзиллилигини кучайтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдам жорий этилган. Ушбу ёрдам ҳаётий мураккаб вазиятга тушган оилалар (фуқаролар) тоифаларига (ишга лаёқатлилигини йўқотишга олиб келган оғир касалликлар (I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс) ёки узоқ (беш ойдан кўпроқ) вақт дори воситалари қўллашни ёхуд жарроҳлик аралашувини талаб этадиган касалликлар, турмуш ўртоғи, ота-онанинг (боқувчининг) ўлими, табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етиши) бундай вазиятни мустақил ҳал этишга имкон берадиган моддий (мулк) имкониятнинг (даромаднинг) йўқлиги шарти асосида тайинланади. Ушбу моддий ёрдам харажатлари асосан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва Хоразм вилоятининг вилоят бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги “Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 866-сонли Қарори билан ун нархининг давлат томонидан тартибга солиниши бекор қилинди. Бунинг натижасида 2019 йил 1 октябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга ун ва қолипли нон харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун пул компенсацияси тўлана бошлади (унинг миқдори дастлаб БҲМнинг 10 фоизи (22 300 сўм) миқдорида, 2019 йил 1 октябрдан ойига 50 000 сўм этиб белгиланди. Ушбу мақсадлар учун 2019 йилда давлат бюджетидан 594 млрд сўм, 2020 йилда эса қарийб 1 трлн 434 млрд сўм маблағ йўналтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳар бир босқичи ҳамда аҳоли ижтимоий ҳимоясининг молиявий таъминотини яхшилашга бўлган талаблар давлат бюджетининг ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ харажатлари таркибига ўзгартириш киритмоқда. Масалан, 2021 йилгача бўлган даврда давлат бюджетининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлари таркибида қуйидаги харажат турлари мавжуд эди:

–2 ёшгача бўлган болали оналарга бериладиган нафақалар;

–14 ёшгача болали оилаларга бериладиган нафақалар;

–кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам;

–Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам;

–бюджетдан нафақа олувчиларга ун ва қолипли нон сотиб олиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар қоплаш учун компенсация тўловлари;

–етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни уй-жой билан таъминлаш харажатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 августдаги “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6277-сон Фармони асосида 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) 14 ёшгача болали оилаларга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни

парвариш қилиш нафақаси ўрнига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси жорий этилди. Бунда, болалар нафақасини тайинлашда:

инобатга олинадиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилди;

ушбу нафақаларни тўлаб бориш муддати 6 ойдан 12 ойгача узайтирилди;

ушбу нафақа миқдорини аниқлашда оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгилаш тартиби қўлланила бошлади;

б) ёлғиз фуқароларга, фарзандсиз ёки фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 122-сон қарори билан 2021 йилда республикамизнинг барча ҳудудларида “Ягона ижтимоий реестр” ишга туширилиши муносабати билан ижтимоий нафақаларни тақдим этиш жараёнининг тўлиқ автоматлаштирилишига эришилди.

“Ягона ижтимоий реестр” тизими ижтимоий ёрдамга муҳтож барча фуқароларни автоматик тарзда аниқлаш ва уларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш имконини берди. Бу тизимнинг афзаллиги шундан иборатки, ижтимоий ёрдамга талабгор бўлган шахснинг фақатгина паспорти, никоҳ тўғрисидаги, бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари нусхаларининг тизимга киритилиши талаб этилади. Оиланинг муҳтожлик даражасини аниқлаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар (оила аъзоларининг даромадлари ҳақидаги маълумотлар: иш ҳақи миқдори, пенсиялар, стипендиялар, фуқаронинг номида кўчмас мулкнинг, транспорт воситаларининг, оила аъзолари таркибида ишсизларнинг мавжудлиги ва бошқалар) эса давлатнинг бошқа мутасадди органлари томонидан автоматик тарзда электрон шаклда тақдим этилади. Бундай механизмнинг жорий этилиши ижтимоий ҳимоянинг манзилли бўлишини ҳамда нафақаларнинг тайинланишида инсон омилининг камайиши ва коррупциявий ҳолатларни минималлаштиришни таъминлади.

Натижада 2024 йил 1 апрелдан бошлаб “Ягона ижтимоий реестр” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб топилган оилалар ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар турли манфаатдор вазирлик ва идораларга “Электрон ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграцияланган платформаси орқали тақдим этиш тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 654-сонли қарори билан кам таъминланган оилаларга нафақа тайинлаш учун оиланинг ўртача ойлик даромадини аниқлаш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра оиланинг бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромад нафақа олиш учун мурожаат қилинган ёки иқтисодий аҳволи ўзгариши қайта ўрганилаётган ойдан олдинги ойгача бўлган охирги уч ойи учун ҳисоблаб чиқилган барча оила аъзоларининг даромади суммасини оила таркибига киритилган оила аъзолари сонига ва 3(уч)га бўлиш орқали аниқланади.

2022 йилдан бошлаб оиланинг ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмол харажатлари миқдоридан ошмаганда кам таъминланган деб эътироф этилади ва нафақа тайинланади. Бунда оила даромадларининг кам таъминланганлик мезонига мувофиқлигини аниқлашда минимал истеъмол харажатларининг янги миқдори Статистика агентлиги томонидан расман эълон қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-санасидан бошлаб болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун тақдим этилган аризаларга қўлланилади.

Шундай қилиб, юқорида шарҳлари келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек, аҳоли ижтимоий ҳимояси учун тўловларни молиявий таъминлашнинг белгиланган тартибига мувофиқ, 2022 йилдан бошлаб давлат бюджетининг ижтимоий ҳимояга оид харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

–болали оилаларга нафақалар (бола нафақаси) ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам;

–Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам;

–болаликдан ногиронларга нафақалар;

–бола туғилганлиги бўйича нафақа;

–аҳолининг алоҳида тоифалари учун уй-жой коммунал хизматларни тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига бериладиган компенсацион тўловлар;

–кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар;

–дафн маросимлари учун нафақа;

–етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни уй-жой билан таъминлаш харажатлари.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-175-сонли Фармонининг қабул қилиниши билан бошланди. Ушбу Фармон 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Стратегиясининг мақсадларига эришиш доирасида 16-мақсад: “Ижтимоий ҳимоя соҳасини молиялаштиришни такомиллаштириш” кўзда тутилган бўлиб, ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, тавсия этилган [9]:

–ўрта муддатли истиқболга мақсадли мўлжалларни асосий молиявий ҳужжатлар ва жараёнларга киритиш, шунингдек, натижага йўналтирилган бюджет тизими тамойилини ижтимоий ҳимоя соҳаси бюджетини шакллантиришда қўллаш;

–ижтимоий суғурта тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ижтимоий суғурта жамғармасининг даромадлари манбаларини аниқлаш;

–ижтимоий ҳимоя соҳасига қўшимча маблағларни жалб қилиш, шу жумладан янги лойиҳаларни халқаро ташкилотлар билан биргаликда грантлар асосида ташкил этиш;

–давлат томонидан тақдим этиладиган ижтимоий ёрдам ва хизматлар бўйича давлат ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган жами маблағларни давлат бюджетида алоҳида харажатлар бўлими сифатида акс эттириш;

–натижага йўналтирилган бюджет тизимини ижтимоий ҳимоя соҳаси бюджетини шакллантиришда қўллаш.

Хулоса

Ижтимоий ҳимояни молиялаштиришни такомиллаштириш соҳасидаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун, фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш зарур [7]:

–бюджет таснифида ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот ва минимал ижтимоий кафолатлар бўйича харажатларни илмий асосланганлик нуқтаи назаридан аниқ ва тўғри таснифлаш (гуруҳлаш);

i – moliyaviy natijaning o‘sish sur’ati;

A – xarajat yondashuvi usullaridan foydalangan holda hisoblangan balans qiymati;

d – moliyaviy natija dinamikasi.

Ushbu formulada daromad yondashuvidan foydalanish moliyaviy natijaning o‘sish sur’atini hisobga oladigan usuldan foydalanishga asoslangan bo‘lib, uni quyidagicha aniqlash mumkin:

$$d = \frac{FR_n}{FR_{n-1}}, \qquad (2)$$

bu yerda,

FR_{n-1} - oldingi davrdagi moliyaviy natija (sof foyda) (n – 1).

Bu baholash ob’ektlari doirasini kengaytirish imkonini beradi va uni tahlil qilinayotgan korxona qiymatini aniqlash uchun qulayroq qiladi.

Biznes (korxona) qiymatini aniqlashda taklif etilayotgan yondashuv turli baholash usullari bilan olingan natijalarni birlashtirish va kompaniyaning rivojlanish dinamikasini hisobga olish imkonini beradi, bu esa baholash natijasini yanada ob’ektivroq qiladi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Ushbu usulning ijobiy tomonlari quyidagilarni o‘z ichiga oladi:
-biznes (korxona) qiymatini baholashga kompleks yondashuv;
-biznes (korxona) faoliyati natijadorliklarini hisobga olish;
-biznes (korxona) rivojlanishidagi kutilayotgan o‘zgarishlar va tendensiyalar kabi ijtimoiy hodisalarni hisobga olgan holda.
Kamchiliklarga esa quyidagilar kiradi:
– o‘rganilayotgan biznesni (korxonani) analoglari bilan solishtirish natijalari hisobga olinmaydi;
– ishonchli va etarli ma’lumotni topishda qiyinchiliklar mavjud.

Xulosa

Xulosa sifatida shuni ta’kidlash mumkin: taklif etilayotgan metodologiya qiyosiy yondoshuv natijalarini hisobga olmaganiga qaramay, undan xo‘jalik yurituvchi sub’ektning bozor qiymatini aniqlash usullaridan biri sifatida foydalanish mumkin.

Asosiy jihat shundan iboratki, biznes qiymatini baholash uchun taklif etilayotgan vosita kerak bo‘lganda tuzatilishi va iqtisodiyotning turli sohalarida qo‘llanilishi mumkin. Integrasiyalashgan ko‘rsatkichning ijobiy xususiyatlaridan biri uning daromad qismini o‘zgartirish orqali isloh qilish imkoniyatidir. Masalan, Gordon formulasini pul oqimining joriy sof qiymati yoki operasion faoliyatdan olingan diskontlangan daromad bilan almashtirish kabi.

Kutish koeffisienti, yuqorida ko‘rsatilganidek, korxonaning ishlash ko‘rsatkichlari dinamikasiga qarab kompaniya qiymatini tuzatishni, ya’ni ekstrapolyatsiya asosida kelajakda mumkin bo‘lgan o‘zgarishlarni va shuning uchun mumkin bo‘lgan potentsialni bashorat qilishni nazarda tutadi. Bu shuni anglatadiki, ushbu ko‘rsatkich xo‘jalik sub’ektining raqobatbardoshligi va investision jozibadorligini baholash uchun ishlatilishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Шарп У., Александер Г., Бейли Д. Инвестиции [Текст] / У. Шарп, Г. Александер, Д. Бейли. – М.: Инфра-М, 2014. – 786 с.
2. Damodaran, A. Damodoran on Valuation. Security Analysis for Investments and 109 Corporate Finance. - John Wiley & Sons, Inc., 2005. – P.410.
3. Koller T., Goedhart M., Wessels D. Valuation: Measuring and Managing the Value of Companies. John Wiley & Sons, Inc., 2005. – 730 p.
4. Коупленд Т. Стоимость компаний: оценка и управление / пер. с англ. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Олимп-Бизнес, 2005. – 576 с.
5. Modigliani F., Miller M. The Cost of Capital, Corporation Finance and the Theory of Investment // American Economic Revue. 1958, 11. – PP. 261-297.
6. Stewart G. B. The Quest For Value: the EVA Management Guide. – New York: Harper Business, 1991. – 285 p.
7. Бродунов А.Н., Кичигин Ю.А. Об итоговых поправках при оценке бизнеса методами доходного подхода // Имущественные отношения в Российской Федерации. – 2014. – № 3 (150). – С. 65–70.
8. Валдайцев С.В. Оценка бизнеса и управление стоимостью предприятия: учебное пособие. – М.: Юнити –Дана, 2002. – С. 73.
9. Оценка бизнеса: учебное пособие / Под ред. В.Е. Есипова, Г.А. Маховиковой. 3-е изд. – СПб.: Питер, 2010. – 512 с.
10. Круш П.В., Полищук С.В. Управление стоимостью предприятий // Маркетинг. – 2003. – № 4. – С. 16-19.
11. Спиридонова Е.А. Оценка стоимости бизнеса: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. – Люберцы: Юрайт, 2016. – 299 с.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

12. Xodiyev B.Yu., Alimov R., Berkinov B.B., Kravcheno A. Biznes qiymatini baholash. – T.: 2007. – 256 b.

13. Шохаъзамий Ш.Ш. Трактат о собственности и её справедливой стоимости. – T.: Iqtisod-moliya, 2014. – 304 с.

14. Xomitov K.Z. Biznes qiymatini baholash: darslik. – T.: Nihol print OK, 2022. – 388 b.

15. Шевчук А.В., Зименко А.В. Опциональный метод оценки бизнеса // Проблемы и перспективы развития банковской системы Украины: Сборник научных трудов. – 2008. – № 2 (12). – С. 130–134.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

КИЧИК БИЗНЕС ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ ВА АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Туйчиев Абдураҳмон Ғофурович

иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
доцент
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети
E-mail: a.tuychiyev@tsue.uz
ORCID:0009-0000-8737-482X

Умарова Гулзодахон Қодирбековна

катта ўқитувчи
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети
Андижон факультети
E-mail: rustamjonumarov252@gmail.com
ORCID:0009-0000-8859-4840

Аннотация. Мақолада кичик бизнеснинг инновацион ривожлантирилиши ўта муҳим илмий ва амалий йўналишлардан бири сифатида эътироф этилиб, ушбу соҳа фаолиятини ички ва ташқи инновациялар трансфери ва тижоратлаштирилишини молиялаштириш ҳажми ва самарадорлиги, илмий-инновацион салоҳиятни, инновациялар трансферини тижоратлаштириш ва уларни молиялаштириш механизмини оширишга қаратилган масалалар тадқиқ этилган ва самарали ечимига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: инновация, инсон капитали, инновацион фаолият, инклюзив инновацион ривожланиш, инновациялар трансфери, кичик бизнес, стартап, инновациялар трансферини молиялаштириш, криптовалютанинг эмиссияси.

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ НАПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА

Туйчиев Абдурахман Гофурович

доктор философии (PhD)
по экономическим наукам доцент
Ташкентский государственный
экономический университет
E-mail: a.tuychiyev@tsue.uz
ORCID:0009-0000-8737-482X

Умарова Гульзодахан Кадырбековна

старший преподаватель
Ташкентский государственный
экономический университет
Андижанский факультет
E-mail: rustamjonumarov252@gmail.com

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ORCID:0009-0000-8859-4840

Аннотация. В статье инновационное развитие малого бизнеса рассматривается как одно из важнейших научных и практических направлений. Исследуются вопросы, связанные с увеличением объемов и эффективности финансирования трансфера и коммерциализации внутренних и внешних инноваций в этой сфере. Также изучены проблемы повышения научно-инновационного потенциала, эффективности финансирования механизмов малого бизнеса. Даны соответствующие предложения и рекомендации по имеющимся проблемам.

Ключевые слова: инновации, человеческий капитал, инновационная деятельность, инклюзивное инновационное развитие, передача инноваций, малый бизнес, стартап, финансирование передачи инноваций, выпуск криптовалют.

SCIENTIFIC AND PRACTICAL DIRECTIONS OF SMALL BUSINESS INNOVATION DEVELOPMENT

Tuychiev Abdurakhman Gofurovich

Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences
Associate Professor
Tashkent State
University of Economics
E-mail: a.tuychiyev@tsue.uz
ORCID:0009-0000-8737-482X

Umarova Gulzodakhan Kadyrbekovna

Senior Lecturer
Andijan Faculty
Tashkent State
University of Economics
E-mail: rustamjonumarov252@gmail.com
ORCID:0009-0000-8859-4840

Abstract. The article examines innovative development of small business as one of the most important scientific and practical areas. The issues related to increasing the volume and efficiency of financing the transfer and commercialization of internal and external innovations in this area are studied. The problems of increasing the scientific and innovative potential, the efficiency of financing small business mechanisms are studied. The corresponding proposals and recommendations on the existing problems are given.

Keywords: Iinnovation, human capital, innovative activity, inclusive innovative development, innovation transfer, small business, start-up, financing the transfer of innovations, issuance of cryptocurrencies.

Кириш

Глобал жаҳон иқтисодиёти барқарор ривожланишида кичик бизнеснинг инновацион ривожлантирилиши ўта муҳим илмий ва амалий йўналишлардан бири сифатида эътироф этилиб, ушбу соҳа фаолиятини ички ва ташқи инновациялар трансфери ва тижоратлаштирилишини молиялаштириш ҳажми ва самарадорлигини ошириб бориш ҳар бир давлат учун муҳим вазифага айланган. Зеро жаҳон иқтисодиётининг инклюзивлилик омилларига боғлиқликда ривожланиши инновациялар трансфери ва тижоратлаштирилишини молиялаштиришнинг аҳамиятини кескин ошириб бормоқда. Бугунги кунда инновацион фаолият натижалари тез ва кенг тарқалиш хусусиятига эга

бўлиб, улар илғор ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг миқдорий ва сифат жиҳатидан ўзгаришларига таъсир кўрсатмоқда. Дунё халқлари турмуш даражасининг ошиш тенденцияларида ўз аксини топаётган бундай ўзгаришлар мамлакатларни инновация соҳасида юқори ўринларга эга бўлиш учун рақобатлашишга мажбур қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бугунги кунда илмий-инновацион салоҳиятни кескин ошириб боришни, инновациялар трансферини тижоратлаштириш ва уларни молиялаштириш механизмини самадорлигини оширишнинг янги йўлларини излаб топишни тақозо этмоқда. Шунинг учун ҳозирда дунё мамлакатлари иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашда инновацион фаолият асосий омил сифатида қаралмоқда. Ўзбекистонда ҳам инновацион фаолият ва унинг натижаларини кичик бизнес ривожланишига ички ва ташқи инновациялар трансфери ва тижоратлаштирилишини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш зарурати ҳозирги глобаллашув жараёнида мазкур муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда.

Адабиётлар шарҳи

Халқаро миқёсда кичик бизнеснинг инновациялар трансферини молиялаштириш ва тижоратлаштиришга қаратилган масалаларнинг самарали ечимига эришиш бўйича узлуксиз равишда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва бунда АҚШ, Ғарбий Европа, Япония, Сингапур, Корея Республикаси олимлари уларнинг методологик ва амалий аҳамиятига, МДҲ мамлакатларида эса кўпроқ назарий жиҳатларига урғу берилмоқда. Ҳозирда стартаплар бўйича тўлиқ илмий тадқиқот бўлиб «Startup Genome Report» ҳисобланади. Мавжуд тадқиқотлардан олинган натижаларга асосланувчи бизнес субъектларини инновацион ривожлантиришнинг миллий ва халқаро тизимлари узлуксиз такомиллаштирилмоқда. Эътироф этиш жоизки, олиб борилган тадқиқотларда инновация омили муаммолари, стартапларни ташкил этиш ва уларни ривожланиши ҳолати ва муаммолари эксперт сўров даражасида ўрганилган. Бироқ, кичик бизнес субъектларига инновациялар ва уларнинг трансферини молиялаштириш механизми самарадорлигини ошириш ва инновацион фаолият соҳасидаги олимларнинг назарий қарашлари, инновацион ривожланиш тенденциялари, инновациялар ва инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга таъсири билан боғлиқлиги ҳамда инновацияларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар алоҳида тадқиқ этилмаган.

Дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлардаги бизнес субъектлари ўз фаолиятларида янги технологик нау-хауларга тез кўникишлари ва ўзлаштиришлари зарур бўлганликлари сабабли, ғарб давлатларида халқаро рақобат қобилияти инновация омилини қўллаш орқали амалга оширилади (Heribert Meffert/Christof Burmann, 2012, p.396).

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати, илмий-техник соҳанинг инновацон фаолияти, уларнинг натижаларини трансфери ва ИМО тижоратлаштирилишини рағбатланитириш, такомиллашган молиялаштириш механизмларини излаб топишни тақазо этмоқда. Бунда ушбу натижалар давлатнинг замонавий прогрессив макроитисодий сиёсати контекстидаги мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва молия-кредит соҳасининг мақсадлари ва талабларига жавоб бериши керак. Бунинг учун модернизация лойиҳаларини амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантиришда молиялаштирилиш ҳажмлари йилдан йилга ўсиб бораётган давлат бюджети маблағлари асосида яратилаётган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиниши лозим. Буларнинг ечими учун ижтимоий-иқтисодий системология [6] ва тизимли молиявий инжиниринг [7] қоидаларига таяниш мақсадга мувофиқдир.

Таҳлил ва натижалар

Бутун дунёда, иқтисодиётнинг технологик саҳаларида жадал ўсиш суръатларига

эришилишида ҳал қилувчи ролни технологиялар трансферига қўйилади. Технологиялар трансфери бу ҳолатда қадар катта роль ўйнайди. Чунки инновацион цикл босқичлари занжирида узатиш технологияси “заиф алоқа” ҳисобланади; бир томондан, бу жуда кўп куч ва ресурслар талаб қилади, иккинчи томондан, катта рсикларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ушбу босқичда кўпинча қарор қабул қилиш ва интеллектуал мулк ҳуқуқуқига эгалик қилиш ҳуқуқи занжир доирасида бир бирига ўтиши мумкин (интеллектуал мулк эгаси, инвестор ва ишлаб чиқарувчи ўртасида). Ушбу этапда турли билим соҳаларидан молиячилар, патентчилар, менеджерлар, маркетологлар каби мутахассислар талаб қилинади. ИИФ учун қулай шароит, сифатли махсулот, яхши менежмент ва молиялаштиришнинг самарали давлат ва хусусий тизими (ИМС) муваффақиятнинг калити ҳисобланади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари ҳамда ушбу берилган таклиф ва тавсиялар контекстида Ўзбекистон учун инновацион фаолиятни ривожлантириш ва унинг инновациялари трансферини молиявий қўллаб-қувватлашнинг Германия тажрибасини қўллаш мамлакатимизнинг инновацион иқтисодий ривожланиш моделига ўтишини таъминлайди деган хулоса маънога эга. Зеро ушбу хулоса қуйидагиларда намоён бўлади.

Германия инновацион тадқиқотлар учун дунёдаги энг кўп маблағ сарфлайдиган мамлакатлардан бири ҳисобланади, яъни бу мамлакат ҳар йили илмий-тадқиқотлар ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларни (ИТТКИ) молиялаштириш учун ялпи ички маҳсулотининг 2,9 фоизини ажратади. Бу кўрсаткич Европа Иттифоқиникига нисбатан 1,9 фоизга кўпдир. Демак, Германия илмий-тадқиқотлар ва ИТТКИ молиялаштирилиши бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бунда таъкидлаш жоизки, немис компанияларининг инновацияларни молиялаштириш харажатлари 2010 йилларда 130 млн еврони ташкил этган. Ушбу сумманинг 1/4 қисми Германиянинг фақат автомобилсозлик саноати томонидан инвестиция қилинган. Ҳозирда Германияда янги махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 27 фоизни, автомобилсозликда эса янги маҳсулотлар ҳажми 52 фоизни ташкил қилади. Умуман олганда, Германияда инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизими яратилган, компанияларнинг маҳсулотлари кўпроқ юқори технологик бўлиб, улар жаҳон бозорида ўзининг рақобатбардошлилиги билан ажралиб туради.

Германиядаги илмий-тадқиқот ва ИТТКИлари билан шуғулланувчи муассасалар ва мутахассислар бизнесни режалаштириш ва инвесторларни қидириш, патентлаш ва ҳуқуқий ёрдам учун давлатдан маблағ олади.

Хусусан, Германия олий таълим тизимида “Max-Planck-Gesellschaft”, “Frauenhofer”, “Leibniz” ва “Helmholz” каби кўплаб нодавлат (жамоат) фондлари фаол ишламоқда. Улар кўплаб илмий-тадқиқот марказларини бирлаштиради ва илмий-инновацион изланишларни келажакда рўёбга чиқишини молиявий қўллаб-қувватлайди.

Ҳозирда Германия илмий-тадқиқот институтлари (ИТИ) ва олий таълим муассасалари (ОТМ) тизимида 300 дан ортиқ махсус марказлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу марказларнинг асосий фаолияти янги ихтироларни амалиётга татбиқ этиш, инновациялар трансферини молиялаштириш, *Start-up* фирмалар бизнес-режасини тузиш, янги компанияларни ташкил этишда консалтинг ва технологик ёрдам кўрсатишдан иборат. Мисол учун, Дортмунд техника университети қошида 1995 йилда ташкил этилган Дортмунд технологиялар трансфери марказини олиш мумкин. Ушбу бирлашма бугунги кунда Европанинг етакчи технологиялар марказларидан бўлиб, иқтисодиёт соҳаларига инновациялар трансферини таъминловчи етакчи инициатор ва муҳим локомотив саналади. Марказ компанияларга ва ўз бизнесини бошлаётган тадбиркорларга кўп турдаги хизматларни таклиф этиб, уларнинг тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлашда яқиндан ёрдам беради.

1-жадвалда илмий жамиятларининг тадқиқотлар ва инновацияларни молиялаштириш бўйича рақобат мусобақасини кўриш мумкин.

1-жадвал.

Тадқиқот ва инновацияларни ривожлантириш учун харажатларни молиялаштириш*

Тадқиқот институтлари	Давлат томонидан молиялаштириш	Хўжалик ҳисобидан	Бир ходим ҳисобига нисбатан
Blaue Liste/ Leibniz ИТИ	744 млн евро	208 млн евро	12400
Helmholtz жамияти	1.400 млн евро	700 млн евро	24000
Fraunhofer жамияти	517 млн евро	621 млн евро	12870
Max Plank жамияти	1.020 млн евро	254 млн евро	12050
Titelgruppe 73ta (RIF)	13 млн евро	39 млн евро	795

*Муаллиф ишланмаси

Жадвал шуни кўрсатадики, Blue List / Leibniz, Helmholtz уюшмаси, Maks Plank жамият каби йирик тадқиқот компаниялари давлатдан Titelg гурхларга нисбатан кўпроқ субсидиялар олган. Хўжалик ҳисобидан олинадиган маблағлар эса аксинча. Titel гурухларида йирик жамиятларга нисбатан хўжалик ҳисоидан оладиган маблағлари кўп. Чунки Titel гурухлари кичик бизнес ва ўрта корхоналар билан бирга ишлайди.

Инновациялар корхоналардаги муаммолардан келиб чиқади. Ушбу муаммолар олимлар томонидан фанлараро ҳамкорлик орқали RIF да кўриб чиқилади ва ҳал қилинади. Янги ғоялар бозорга тайёр бўлгунгача компаниялар томонидан қўллаб-қувватланади ва молиялаштирилади.

Кўп йиллардан буён ўтказиб келинаётган ходимлари тажрибаси билан “RIF” илмий тадқиқот институти Дортмунд техника университети ва бошқа олий юртлари учун муҳим аҳамият касб этади. Узоқ йиллар давомида RIF ўз ходимлари билан биргаликда саноат билан Дортмунд техника университети учун муҳим кўприк вазифасини бажариб келмоқда.

Хулоса

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида барқарор иқтисодий ривожланишнинг янги технологияларини, молиялаштириш механизмларини ва усулларини яратиш ва жорий этишда илмий тадқиқотларнинг роли ошиб бормоқда. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий таркибий қисмларидан бири бу технологиялар трансферидир (узатиш) ва бу жараёнда мамлакатнинг иштирок даражаси уларнинг технологик тараққиёти ва рақобатбардошлиги имкониятларини сезиларли даражада белгилайди.

Иқтисодий ривожланиш инновацион салоҳиятнинг мавжудлиги ва уни амалга ошириш шартлари билан боғлиқ.

Сингапур, Швейцария, Швеция, Германия, Финляндия, Корея Республикаси, Япония, Хитой ва Ҳиндистон каби давлатларнинг инновацион қобилиятлари ва натижалари нуқтаи назаридан етакчи давлатларнинг технологиялар трансфери бўйича тажрибаларини Ўзбекистон учун наъмуна сифатида қараш мумкин.

Ўзбекистон ҳали глобал инновацион индексга кирмаган бўлса-да, Ўзбекистонда 2030 йилга қадар глобал инновацион индекс рейтингига 50 та давлатнинг қаторига кириш вазифаси қўйилган. Масъул давлат органлари ўртасида инновацион индексни тузишда қўлланиладиган барча мезонлар тақсимланиб олинган.

Ўзбекистонда инновация ва инновацион фаолият тўғрисида қонун ҳамда илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида қонун ҳозирча йўқ бўлса-да, лекин ушбу фаолиятлар ва республикамизни инновацион ривожлантириш стратегияси билан боғлиқ қонуности ва меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда тегишли атама ва тушунчалар халқаро инновацион амалиётга асосан қонунлаштирилган бўлиб, улар такомиллаштирилиб борилмоқда ва

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

булар мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этишга қаратилган.

Юқоридаги тавсия ва таклифларнинг амалга оширилиши миллий инновацион ривожлантириш тизимининг самарали шаклланишига кўмаклашади, бу эса Ўзбекистонда қулай бизнес, инвестицион ва инновацион муҳитлар шаклланишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 ноябр. ПҚ-3365-сон қарори. https://lex.uz/docs/3398528

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги 2018 йил 19 апрел ПҚ-3674-сон қарори.https://lex.uz/docs/3693976

3. Becker Hans Paul, Peppmeier Arno. Investition und Finanzierung. Grundlagen der betrieblichen. Finanzwirtschaft. 8. Auflage. Springer Fachmedien Wiesbaden GmbH, ein Teil von Springer Nature 2018. – 369 s.

4. Hahn Christopher. Finanzierung von Start-up-Unternehmen. Praxisbuch für erfolgreiche Gründer: Finanzierung, Besteuerung, Investor Relations. Herausgeber.trustberg LLP. Berlin, Deutschland.Berlin im Sommer 2018.–304 S.

5. Атаниёзов Ж.Ҳ. – Ўзбекистонда интеграциялашган тузилмаларни шакллантиришнинг истиқболли йўналишлари // Халқаро молия ва ҳисоб. Илмий электрон журнал. – 2018. – № 1. – 5-20 б.

6. Shoha’zamiy Sh.Sh. Mulk, qiymat va narxning nazariy asoslari: darslik. – T.: Iqtisod-moliya, 2018. – 492 b.

7. Шоҳаъзамий Ш.Ш. Тизимли молия ижиниринги. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 796 б.

8. Вахабов А.В. и др. Модели управления научно-инновационной деятельностью вузов. Монография. – Т.: Иқтисод-молия, 2006. – 242 с.

9.Туйчиев, А. Г. (2019). Международные и региональные тенденции и проблемы финансирования инноваций и их трансферта в малый бизнес. Финансовый менеджмент, (5), 62-71.

10. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика агентлигининг расмий веб-сайти.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

KICHIK BIZNES SUB’YEKTLARI FAOLIYATI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA ATROF-MUHITGA TA’SIRNI KAMAYTIRISH

Ergashev Axmadjon Maxmudjon o‘g‘li
iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
menejment kafedrasi dotsenti
Namangan muhandislik-qurilish instituti
E-mail: ahmadjon.ergashev@gmail.com
ORCID: 0009-0003-8250-1959

Tojialiyev Sherdorbek Elmurodjon o‘g‘li
Namangan muhandislik qurilish instituti talabasi

Annotatsiya. Global iqtisodiy rivojlanish jarayonida kichik biznes sub’ektlari nafaqat iqtisodiy o‘sishga, balki atrof-muhitga ham sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Ushbu maqola kichik biznes sub’ektlari faoliyatining samaradorligini oshirish bilan birga atrof-muhitga salbiy ta’sirni kamaytirish yo‘llarini aniqlashga qaratilgan.

Kalit so‘zlar: kichik biznes, samaradorlik, atrof-muhit, ekologik barqarorlik, yashil iqtisodiyot, ekologik innovatsiyalar, barqaror rivojlanish, chiqindisiz ishlab chiqarish, energiya samaradorligi, qayta tiklanadigan energiya manbalari.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО БИЗНЕСА И ВОПРОСЫ ИХ ВОЗДЕЙСТВИЯ НА ОКРУЖАЮЩУЮ СРЕДУ

Эргашев Ахмаджан Махмуджан оглы
доктор философии (PhD) по экономическим наукам
доцент кафедры менеджмента
Наманганский инженерно-строительный институт
E-mail: ahmadjon.ergashev@gmail.com
ORCID: 0009-0003-8250-1959

Таджиалиев Шердорбек Элмурад оглы
студент Наманганского инженерно-строительного института

Аннотация. В процессе развития мировой экономики малый бизнес оказывает существенное влияние не только на экономический рост, но и на окружающую среду. Целью данной статьи является выявление путей повышения эффективности деятельности малого бизнеса и одновременного снижения его негативного воздействия на окружающую среду.

Ключевые слова: малый бизнес, эффективность, окружающая среда, экологическая устойчивость, зеленая экономика, эко-инновации, устойчивое развитие, безотходное производство, энергоэффективность, возобновляемые источники энергии.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

IMPROVING THE EFFICIENCY OF SMALL BUSINESS ENTITIES BY REDUCING ENVIRONMENTAL IMPACT

Ergashev Ahmadjon Maxmudjon ogli
Doctor of Philosophy (PhD)
in Economic Sciences
Associate Professor
of the Department of Management
Namangan Engineering
and Construction Institute
E-mail: ahmadjon.ergashev@gmail.com
ORCID: 0009-0003-8250-1959

Tojialiyev Sherdorbek Elmurodjon ogli

Student
Namangan Engineering-
Construction Institute

Abstract. In the process of global economic development, small businesses have a significant impact not only on economic growth, but also on the environment. This article aims to identify ways to increase the efficiency of small businesses while reducing their negative impact on the environment.

Keywords: small business, efficiency, environment, environmental sustainability, green economy, ecological innovations, sustainable development, waste-free production, energy efficiency, renewable energy sources.

Kirish

Zamonaviy iqtisodiyotda jamiyat va tabiat o‘rtasidagi munosabatlar muvozanatidagi muhim o‘zgarishlarning ushbu sharoitini ishlab chiqarish faoliyatida integral va ekologik mantiqiy barqaror yondashuv bilan muhim o‘zgarishlar zarurligi to‘g‘risida dalillar mavjud. Ko‘plab mamlakatlar o‘zlarining milliy qonunchiligida kichik biznes sub’ektlarining barqaror rivojlanish kontseptsiyasini qabul qildilar va uni atrof-muhit siyosati bilan standartlarni ishlab chiqdilar. Shuningdek, ko‘plab boshqa mamlakatlar kichik biznes sub’ektlarining kimyoviy moddalar hamda materiallarning ayrim turlaridan foydalanadigan mahsulotlarni ishlab chiqish va savdosi bilan shug‘ullanishini cheklash orqali tarifsiz savdo to‘siqlarini o‘rnatdilar. Bu, albatta, atrof-muhitga ta’sirni kamaytirishi mumkin bo‘lgan ishonchli harakatlar majmuasi bo‘lib, biznes modeli yoki biznes miqyosini ekologik muammolar bo‘yicha shubha ostiga qo‘ymaydi. Bu esa, texnologik takomillashtirish oshgani sayin resurslardan foydalanish samaradorligi ham oshib borishi, shuning uchun ulardan foydalanish va talabning oshish ehtimoli yuqori bo‘lishini anglatadi.

Adabiyotlar sharhi

Mamlakat iqtisodiyotini jadal rivojlantirish, jahon hamjamiyatiga integratsiyalashuvini ta’minlashda kichik biznes sub’ektlarining barqaror rivojlanishini ta’minlash va samaradorligini oshirishga qaratilgan hamda ularning amal qilish mexanizmini yanada takomillashtirish borasidagi ilmiy ishlar ko‘lami tobora ortib bormoqda. Iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarda bu masalaga jiddiy e’tibor berilib, ko‘plab iqtisodchi-olimlarning bu muammolarga bo‘lgan munosabatini keltirish mumkin. Jumladan, S. Arzeni, A.D. Artemenko, M.I. Balanov, B.F. Xoselits, M. Xarris, R.M.Xodgets, R.Reinek, G.Armstrong va boshqalarning ilmiy asarlarida

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

kichik biznes sub’ektlarining barqaror rivojlanishini ta’minlash va samaradorligini oshirishda atrof muhitga salbiy ta’sirni kamaytirishga doir mulohazalar o‘z aksini topgan.

O‘zbekistonda kichik biznes sub’ektlarining umumiy jihatlarini shakllantirish va rivojlantirish bo‘yicha S.S. G‘ulomov, D.S. Qosimova, Yo.A. Abdullaev, M.R. Boltabaev, M.S. Qosimova, Sh.J. Ergashxodjaeva, B.K. G‘oyibnazarov, A.N. Samadov, A.A. Xadjimuratov kabi olimlarning ilmiy ishlarini alohida qayd etish mumkin. Kichik biznes va tadbirkorlikning rivojlanish tendentsiyalarini ekonometrik modellashtirish va prognozlash masalalari B.Yu. Xodiev, B.T. Salimov va S.K. Salaevlar tadqiqot ishlarida o‘rganilgan.

Tahlil va natijalar

Birlashgan Millatlar Tashkilotining Bosh Assambleyasining kichik biznes sub’ektlarini barqaror rivojlanish bo‘yicha ko‘rsatmalari turli xil hukumatlar tomonidan qabul qilingan, tarqatilgan va amalda har bir mamlakat ushbu kontseptsiyani qaror qabul qilishning muhim mezonlari sifatida qabul qilgan. Ta’kidlash joizki, kichik biznes sub’ektlarining kuchli barqarorligi, e’tiborga olinishi kerak bo‘lgan iqtisodiy chegaralar va qonunlari mavjudligini tan oladi. Tabiiy barqarorlik va atrof-muhitni muhofaza qilish xizmatlaridan foydalanish uchun kuchli barqarorlik belgilaydigan chegaralarni eslatib o‘tish lozim. Ushbu chegaralar tabiatning ko‘payish va o‘z-o‘zini susaytirishi, ifloslanishni yo‘q qilish qobiliyati bilan belgilanadi. Ushbu yondashuvga binoan, tabiat nafaqat yog‘och, suv yoki yer (iqtisodiy ahamiyatga ega) kabi resurslarni taklif qiladi, balki hayotni ta’minlash uchun muhim bo‘lgan o‘rmonlar, daryolar va hududlar kabi atrof-muhitni muhofaza qilish xizmatlarini ham qo‘llab-quvvatlaydi. Shu sababli iqtisodiy o‘sish qayta tiklanadigan resurslarning o‘sish dinamikasi bilan, shuningdek qayta tiklanmaydigan manbalarning barqarorligini ta’minlaydigan yangi muqobil energiya manbalarining rivojlanishi bilan mos kelishi kerak.

Bu borada, albatta, mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirish va uning istiqbolini belgilashda, cheklangan resurslardan cheklanmagan ehtiyojlarni qondirish imkoniyatlarini aniq rejalashtirish, kelgusi maqsadli makroiqtisodiy parametrlarni aniqlash va unga erishish uchun ustuvor vazifa hamda yo‘nalishlar dasturini ishlab chiqish har bir hukumat zimmasidadir. Shundan kelib chiqadigan bo‘lsak, tadqiqotlar hozirgi kunda barcha rivojlangan va rivojlanayotgan mamlakatlar tajribasida iqtisodiy taraqqiyot kichik biznes sub’ektlarining barqaror rivojlanishini ta’minlash va samaradorligini oshirishga bog‘liqligini ko‘rsatmoqda.

So‘nggi yillarda global ekologik siyosat va qoidalar yanada qat’iylashib, ayniqsa, oziq-ovqat savdo-sotig‘i uchun tarifsiz to‘siqlarni tashkil qilmoqda va barqarorlikning yashil ishlab chiqarish strategiyasini yaratishga tobora ko‘proq qiziqish bildirmoqdalar. Rasmiy va norasmiy kichik biznes sub’ektlari butun dunyo bo‘ylab barcha firmalarning 90% dan ortig‘ini tashkil etadi va o‘rtacha ish bilan ta’minlanganlarning 70% va YaIMning 50% ni tashkil etishini nazarda tutadigan bo‘lsak, ular individual ravishda past ta’sirga ega bo‘lsa ham, ularning kumulyativ ta’siri sezilarli bo‘lishi mumkin. Kichik biznes sub’ektlari odatda, biznesining tabiati bilan bog‘liq bo‘lgan atrof-muhitga tovarlarni ishlab chiqarish va konvertatsiya qilish bilan ta’sir ko‘rsatadi. Biroq atrof-muhit muammolariga bosim kuchayganligi sababli, ko‘plab korxonalar o‘zlarining biznes jarayonlari va modellarida “Yashil marketing strategiyalari” bilan takomillashtirilgan o‘zgarishlar kiritishni boshlaydilar, ammo aksariyat kichik biznes sub’ektlari faqat ijtimoiy-iqtisodiy faoliyatni qo‘llab-quvvatlovchi ekologik bazani qoniqarli himoya qilish uchun juda cheklangan o‘zgarishlarni amalga oshiradi.

Tahlillar shuni ko‘rsatadiki, kichik biznes korxonalari, ayniqsa ishlab chiqarish sohasida faoliyat yurituvchi sub’yektlar, ekologik muammolarga sabab bo‘lishi mumkin. Ushbu muammolarga quyidagilar kiradi:

- havoning ifloslanishi;
- suv va tuproqning ifloslanishi;
- chiqindilarni to‘g‘ri boshqarish masalalari;
- energiya va resurslardan ortiqcha foydalanish.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Shu sababli kichik biznes sub’yektlari o‘z faoliyatini ekologik mas’uliyat doirasida yuritishi, zamonaviy ekologik standartlarga mos kelishi va atrof-muhitga ta’sirni kamaytirish bo‘yicha chora-tadbirlar ko‘rishi muhimdir.

Kichik biznes sub’yektlarining atrof-muhitga ta’siri va ekologik boshqaruvning samaradorlikka ta’sirini o‘rganish quyidagicha tahlil qilindi:

- Atrof-muhitga ta’sir omillari – kichik biznes sub’ektlari asosan quyidagi yo‘nalishlarda atrof-muhitga salbiy ta’sir ko‘rsatadi: chiqindilar hosil bo‘lishi, energiya resurslarining samarasiz ishlatilishi, va zararli gazlarning chiqishi.
- Ekologik boshqaruv afzalliklari – ekologik boshqaruvni joriy etgan korxonalarda ishlab chiqarish samaradorligi 15-20% ga oshgani va energiya sarfi sezilarli darajada kamaygani aniqlandi.
- Texnologik innovatsiyalar roli – yashil texnologiyalarni joriy qilish orqali kichik biznes korxonalari chiqindilarni 30% gacha qisqartirishga erishdi.

Olingan natijalar shuni ko‘rsatadiki, kichik biznes sub’ektlari ekologik mas’uliyatni o‘z zimmasiga olish orqali nafaqat atrof-muhitni himoya qiladi, balki iqtisodiy samaradorligini ham oshiradi.

1-jadval:

Ekologik toza texnologiyalarni joriy etish natijalari*

Ko‘rsatkichlar	An’anaviy texnologiyalar	Ekologik toza texnologiyalar	Farq (%)
Elektr energiyasi sarfi (kVt/soat)	1000	700	-30%
Atmosferaga chiqarilgan chiqindilar (tonna/yil)	50	20	-60%
Ishlab chiqarish tannarxi (so‘m)	1 000 000	850 000	-15%
Mahsulot sifati indeksi	80%	95%	+15%

*Muallif tomonidan tuzilgan.

Ushbu jadval kichik biznes sub’yektlarining ekologik toza texnologiyalarni qo‘llash orqali energiya sarfini kamaytirishi, chiqindilar miqdorini pasaytirishi va ishlab chiqarish tannarxini qisqartirishi mumkinligini ko‘rsatadi.

Kichik biznes korxonalari ishlab chiqarishda ekologik innovatsiyalarni joriy etish orqali chiqindilar miqdorini kamaytirishlari mumkin. “Yashil texnologiyalar”dan foydalanish quyidagilarga imkon yaratadi:

- kam uglerod chiqindili ishlab chiqarish jarayonlarini yaratish;
- qayta ishlangan xomashyodan foydalanish;
- ekologik toza energiya manbalaridan (quyosh, shamol energiyasi) foydalanish.

- Energiyani tejash imkoniyatlari – energiya tejovchi uskunalarni joriy qilish orqali kichik biznes korxonalari xarajatlarni qisqartirishi mumkin.

Energiya samaradorligini oshirish orqali atrof-muhitga ta’sirni kamaytirish mumkin. Buning uchun quyidagi, yani:

- energiya tejovchi yoritish tizimlaridan foydalanish;
- samarali isitish va sovutish tizimlarini joriy etish;
- ishlab chiqarish jarayonlarini avtomatlashtirish va optimallashtirish chora-tadbirlar muhim.

- Chiqindilarni qayta ishlash – chiqindilarni qayta ishlash va undan iqtisodiy resurs sifatida foydalanish usullarini rivojlantirish lozim.

Chiqindilarni kamaytirish va ularni qayta ishlash biznes samaradorligini oshirishga yordam beradi. Kichik biznes sub’yektlari quyidagilarni, yani:

- chiqindilarni to‘g‘ri saralash va qayta ishlash tizimini joriy etish;
- biologik parchalanadigan materiallardan foydalanish;

- minimal chiqindili ishlab chiqarish texnologiyalarini qo‘llash kabilarni amalga oshirishi mumkin.

•Ekologik ma’lumotli xodimlar – xodimlarni ekologik masalalarda o‘qitish va ularga ekologik boshqaruv asoslarini o‘rgatish muhim ahamiyatga ega.

Xodimlarga ekologik ong va barqaror biznes yuritish bo‘yicha treninglar o‘tkazish muhim ahamiyat kasb etadi. Ular quyidagi, yani :

- chiqindilarni boshqarish va qayta ishlash;
- energiya tejash usullari;
- atrof-muhitga ta’sirni kamaytirish bo‘yicha ichki qoidalar kabi yo‘nalishlarda o‘qitilishi mumkin.

Kichik biznes sub’ektlarining samaradorligini oshirishda ekologik yondashuvlar nafaqat atrof-muhitni himoya qilishga, balki iqtisodiy ko‘rsatkichlarni yaxshilashga xizmat qiladi. Ushbu maqolada taqdim etilgan uslub va tavsiyalar kichik biznes uchun barqaror rivojlanish yo‘nalishida amaliy ahamiyatga ega.

Xulosa

Kichik biznes sub’yektlari faoliyatida ekologik barqarorlikka erishish ularning umumiy samaradorligini oshiradi va uzoq muddatli iqtisodiy foyda keltiradi. Shu bois, ekologik mas’uliyatni oshirish nafaqat tabiatni muhofaza qilish, balki iqtisodiy taraqqiyot uchun ham muhimdir. Kichik biznes sub’yektlari faoliyati samaradorligini oshirish bilan birga, atrof-muhitga ta’sirni kamaytirishga alohida e’tibor qaratishi zarur. Ekologik innovatsiyalar, energiya samaradorligini oshirish, chiqindilarni boshqarish va xalqaro ekologik standartlarga amal qilish orqali barqaror rivojlanish ta’minlanishi mumkin. Ushbu yondashuv nafaqat ekologik barqarorlikni, balki biznesning uzoq muddatli muvaffaqiyatini ham ta’minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish, ishbilarmonlik muhitini yanada yaxshilash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 21.04.2021 yildagi PQ-5087-son qarori. – https://lex.uz/docs/-5382179?ONDATE=27.04.2024

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Yoshlar sanoat va tadbirkorlik zonalari faoliyatini tashkil etish hamda yoshlarning tadbirkorlikka oid tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 21.04.2021 yildagi PQ-5088-son qarori. – https://lex.uz/ru/docs/-5383002

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022—2026 yillarga mo‘ljallangan yangi o‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi 28.01.2022 yildagi PF-60-conli farmoni. – https://lex.uz/uz/docs/-5841063

4. Xodiev N.X., Abdukarimov I.T. – Biznes va tadbirkorlik asoslari – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2019.

5. Saidov A.X. – Ekologik menejment va tadbirkorlik – Toshkent: Iqtisodiyot, 2021.

6. Jo‘rayev N., Qosimov O. – Barqaror rivojlanish va ekologik iqtisodiyot – Toshkent: Innovatsiya-Ziyo, 2020.

7. Karimov U., Usmonov B. – Atrof-muhit muhofazasi va ekologik xavfsizlik – Toshkent: Fan, 2018.

8. Ochilov Sh.X. – Iqtisodiy ekologiya va ekologik tadbirkorlik – Toshkent: Fan va texnologiya, 2022.

9. Rutkauskas, A. V., & Ergashev, A. (2012). Small business in Uzbekistan: situation, problems and modernization possibilities’. In 7th International Scientific Conference on Business and Management, Vilnius, Lithuania.

10. Ergashev A. M. O‘zbekistonda kichik biznes va oilaviy tadbirkorlikni moliyaviy institutlar tomonidan qo‘llab-quvvatlanishi //Iqtisodiyot va ta’lim. – 2017. – T. 8. – №.6. S.106.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШИШДА БЕНЕФИЦИАР МУЛКДОР КОНЦЕПЦИЯСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Очилов Фарҳод Маликович

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бўлим бошлиғи
e-mail: farhod.malikovich@icloud.com

Аннотация: Ушбу тадқиқот ишимизда яширин иқтисодиётга қарши курашишда бенефициар мулкдор концепциясини ўрганишнинг долзарб масалаларини таҳлил қилганмиз. Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, молиявий муносабатларда бенефициар мулкдорни аниқлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бенефициар мулкдор, концепция, молиявий муносабатлар, яширин иқтисодиёт, солиқ, иқтисодий хавфсизлик, тадбиркорлик, жисмоний шахс, юридик шахс.

CURRENT ISSUES OF STUDYING THE CONCEPT OF BENEFICIAL OWNERSHIP IN FIGHTING THE SECRET ECONOMY

Ochilov Farhod Malikovich

Head of Department for Combating Economic Crimes under the General Prosecutor’s Office
e-mail: farhod.malikovich@icloud.com

Abstract: In this work, we have analyzed the current issues of studying the concept of beneficial ownership in the fight against the hidden economy. Based on the results of the study, proposals and recommendations were developed to improve the mechanisms for determining the beneficial owner in financial relations.

Keywords: beneficial owner, concept, financial relations, hidden economy, taxation, economic security, entrepreneurship, individual, legal entity.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ КОНЦЕПЦИИ БЕНЕФИЦИАРНОЙ СОБСТВЕННОСТИ В БОРЬБЕ СО СКРЫТОЙ ЭКОНОМИКОЙ

Очилов Фарход Маликович

Начальник Управления по борьбе с экономическими преступлениями при Генеральной прокуратуре
e-mail: farhod.malikovich@icloud.com

Аннотация: В данной работе мы проанализировали актуальные вопросы изучения концепции бенефициарного собственника в борьбе со скрытой экономикой. На основе результатов проведенного исследования были разработаны предложения и рекомендации по совершенствованию механизмов определения бенефициарного собственника в финансовых отношениях.

Ключевые слова: бенефициарный собственник, концепция, финансовые отношения, скрытая экономика, налогообложение, экономическая безопасность, предпринимательство, физическое лицо, юридическое лицо.

Кириш

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг аҳоли турмуш сифатини оширишга, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилаётганлиги нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан давлатимиз раҳбари тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун янада қулай шароитлар яратиш ва унинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Бош Қомусимиз Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир шахснинг мулкий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа фуқаролик ҳуқуқлари мустаҳкам белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Жумладан, 2000 йилнинг 25 май санасида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-69-II-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган эди, ушбу қонун 2012 йилнинг 2 май санасида янги таҳрирда ЎРҚ-328-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни[1] сифатида кучга кирди. Натижада, бизнес субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий фаолияти эркинлигининг кафолатларини таъминлашга эришилмоқда.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-328-сонли Қонунда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, фаолият эркинликлари ҳамда уларнинг фаолиятларига ноқонуний аралашмаслик кафолатлари белгиланди. Шунга қарамасдан, жамиятимизда айрим нопок ниятли кимсалар томонидан қонунларни менсимаслик, белгиланган солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида тўламаслик, ноқонуний бойлик орттириш, қонунда таъқиқланган фаолият турларини олиб бориш, сохта тадбиркорлик каби кўплаб ҳуқуқбузарликлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш, тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар берилаётган бир пайтда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, айниқса юридик шахсларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, ноқонуний валюта операцияларини амалга ошириш ва бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этишга қарши курашиш, ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш усулларини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Молияивий муносабатларда бенефициар мулкдор концепциясининг қўлланилиши ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда бир қаторда ўрганилишни бошлади.

Меркантилизм мактабининг дастлабки намоёндалари бўлган, монетаризм тарафдорлари У.Стаффорд, Г.Малейнс, Б.Давазатти, Г.Скаруффи ва бошқалар давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун пулнинг мамлакат ҳудудидан олиб чиқилишини таъқиқлаш, импортни чеклаш, мамлакатга олиб кирилаётган товарларга божхона божларини кўпайтириш, ссуда фоизини камайтириш орқали миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ғояларини илгари суришган.

Тадқиқотчи Д.Г.Алексеева ўзининг тадқиқотларида асосан бенефициар мулкдорларни аниқлашда юзага келадиган юридик масалаларни таҳлил қилади[2].

Тадқиқотчи З.В.Балакина бенифициар мулкдорларни солиқ нуқтаи-назаридан таҳлил қилишнинг кўплаб норматив ҳужжатларини мисолида бенифициар мулкдор концепциясининг назарий моҳиятини ёритиб берганлигини алоҳида таъкидлаш лозимдир[3].

Шунингдек тадқиқотчи Л.В.Полежарова ҳам траснмиллий компаниялар ва бенифициарларни солиққа тортиш методологиясини такомиллаштириш борасида тадқиқот олиб борган[4].

Маҳаллий илмий тадқиқотчилардан Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти илмий ходимлари Д.Жалилов ҳамда М.Аҳмедовалар томонидан олиб борилган изланишлар иқтисодиётни янада ривожлантиришда яширин

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

иқтисодиётга қарши курашишнинг афзалликларини келтириб ўтганликлари билан муҳим[5].

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотда илмий абстракция, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, гуруҳлаш ва таққослаш сингари умумилмий усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, ушбу тадқиқот ишида график усуллар, молиявий таҳлил ва эконометрик моделлаштириш усуллари, статистик ҳамда математик-эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда яширин иқтисодиётга қарши курашишда нафақат содир этилган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, балки уларни олдини олиш орқали яширин иқтисодиётга қарши курашиш муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари ноқонуний йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш ёки чет элга чқариб юбориш орқали миллий иқтисодиётимизга зарар етиши мумкин.

Бенефициар мулкдор тушунчасининг пайдо бўлиши, унинг назарий, иқтисодий ва юридик талқин этишда турли хил фикрларни, талқинларни ва атамаларни учратамиз. Бу эса турли норматив ҳужжатлардаги боғлиқликни йўқотишга сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон қонунчилигида бениципар ёки бенифициар мулкдор атамаси бир неча норматив ҳуқуқий ҳужжатларда учрайди. 2019 йил 5 ноябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-580-сон қонунинг 2 моддасида охирги бенефициар мулкдор атамасига қуйидагича таъриф берилган: «охирги бенефициар мулкдор — юридик шахс бўлган, банк акцияларининг потенциал олувчисига ёки бу акцияларга бевосита ёхуд билвосита эгалик қилувчига бевосита ёки билвосита эгалик қиладиган ёхуд уни назорат қиладиган жисмоний шахс»[6].

Бенифициар мулкдор тўғрисидаги дастлабки ҳуқуқий нормалар биринчи бўлиб 2003 йилда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи (FATF) гуруҳи томонидан ишлаб чиқилди. Кейинчалик 2012, 2018 йилларда ушбу халқаро ташкилот бу нормаларни такомиллаштирди. Бугунги кунгача ФАТФ томонидан бенифициар мулкдор тушунчаси, уларни аниқлаш, бенифициар мулкдор тўғрисидаги маълумот олиш ва алмашиш тўғрисида кўплаб тавсиялар ишлаб чиқди. Ушбу стандартлар ва тавсияномаларда хўжалик юритувчи субъект яъни юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар ҳамда охирги бенифициар мулкдор тўғрисидаги фарқлар аниқ кўрсатиб ўтилган[7].

Бенефициар мулкдор атамаси дастлаб қонунчиликда солиқ муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатларини аниқлаш натижасида 1940 йилларда қўлланила бошлади. Бенефициар мулкдор тушунчаси, унинг моҳияти, юридик ва иқтисодий жиҳатларини Филип Бекер ўзининг тадқиқот ишида биринчилардан бўлиб таҳлил қилиб берган. Ф.Бекер ўз тадқиқот ишида солиқ, молияивий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги муносабатларда бенефициар мулкдорни аниқлашнинг зарурлигини кўрсатиб берганини қайд этиб ўтишимиз лозим[8].

Қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда ушбу мавзу иқтисодий жиноятларга қарши курашиш нуқтаи-назаридан долзарб мавзу бўлиб қолмоқда. Тадқиқотимиз давомида бенифициар мулкдорни аниқлаш усулларини такомиллаштириш бўйича маҳаллий тадқиқотчиларимиз томонидан етарлича илмий изланишлар олиб борилмаганлиги кузатилди.

Ушбу тадқиқот ишимизда назарий жиҳатдан янгича ёндашув орқали иқтисодий жиноятларга қарши курашишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш орқали яширин иқтисодиётнинг улушини камайтириш мумкинлигини таҳлил қилдик. Бунда бизнинг назарий ёндашувимиз иқтисодий жиноятни содир этган шахснинг қилмишини аниқлаш, жавобгарликка торитишгача кетадиган вақт сарфини камайтирувчи

самарали усул бўлиб, беенфициар мулкдорни аниқлаш ва унинг фаолиятини таҳлил қилишга қаратилган.

Бенифициар мулкдор концепциясининг муҳим жиҳатларини тадқиқ қилар эканмиз, бу мавзу иқтисодий хавфсизлик масаласи билан чамбарчас боғлик эканлигини кўришимиз мумкин. Жу жумладан, мавзунинг долзарблиги ва оилнадиган натижаларнинг мамлакатда яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашишдаги таъсирини ўрганишда иқтисодий хавфсизлик масалаларини ҳам ўрганиш зарурияти пайдо бўлади.



1-расм. Бенефициар мулкдор концепциясида иқтисодий субъектларнинг мақсадлари[30]

Яширин иқтисодиётга қарши курашишда 1 расмда келтирилгандек иқтисодиёт субъектларининг мақсадларини аниқлаб олиш зарур. Бу бизга мавзуни янада чуқурроқ таҳлил қилиш имконини беради. Давлат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, мамлакат конституциясида, халқаро ҳуқуқий нормалар ва миллий қонунчиликда давлат манфаатларини, шунингдек, барча фуқароларнинг тенглигини таъминлашни белгиланган.

Аннотация. *В статье широко освещены цели и задачи ценообразования на производимую продукцию для обеспечения экономической безопасности предприятий, освещены вопросы стратегического ценообразования для максимизации выручки, необходимости ценообразования в маркетинге товаров и услуг, основные принципы ценообразования.*

Ключевые слова: *предприятие, экономическая безопасность, объем выручки, цена, ценообразование, принципы, конкуренция, экономическая категория.*

ENSURING ECONOMIC SECURITY OF ENTERPRISES PURPOSE AND OBJECTIVES OF FORMING PRICES OF INDUSTRIAL GOODS

G. Abdurashitova

doctor of economic sciences

O. S. Umarov

PhD, associate professor

Abstract. *The article broadly covers the goals and objectives of pricing for manufactured products to ensure the economic security of enterprises, covers issues of strategic pricing to maximize revenue, the need for pricing in marketing goods and services, and the basic principles of pricing.*

Keywords: *enterprise, economic security, revenue volume, price, pricing, principles, competition, economic category.*

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Кириш.

Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналарда товарлар маркетинг сиёсатини амалга оширишда нарх белгилашнинг асосий жиҳатлари муҳим иқтисодий ҳодисалардан биридир. Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда бозор механизмининг асосий ва муҳим таркибий қисмларидан бири нарх ҳисобланиб, корхона фойдасини ошишида муҳим аҳамият касб этади. Ташқи ва ички миқёсдаги рақобатнинг кучайиши мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари учун долзарб вазифа бўлиб, уларнинг рақобатбардошлигини оширишда нарх сиёсати яъни, нархли ва нархсиз рақобат шароитида маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган бўлиши лозим. Рақамли иқтисодиёт шароитда нарх сиёсати ўзаро таъсирининг юқори даражаси билан ажралиб туриб, корхоналарда самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқишни талаб этиб, нарх белгилашнинг асосий жихатларни маркетинг сиёсатини амалга ошириш муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, улар нарх сиёсати самарадорлигини ошириш орқали бозорда товарлар рақобатбардошлигини таъминлашга эришишга ёрдам беради.

Тадқиқот методологияси: Тадқиқотни ўтказиш жараёнида тизимли ёндашув ва қуйидагилардан фойдаланилди: усуллар: монографик, муаммо ҳолатини ўрганишда, назарий умумлаштириш, хулосаларни қайта ишлаш, тавсифлаш, мавҳум-мантиқий таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар:

Иқтисодиёт назариясида нархнинг иқтисодий мазмуни ва шаклланиш механизмларига жуда кенг эътибор қаратилган. Жумладан, ҳозирги замон иқтисодиёт назариясида нархнинг мазмунига нисбатан мавжуд бўлган қуйидаги асосий ёндашувларни ажратиб кўрсатиш мумкин [1].

1) нархга алоҳида, мустақил иқтисодий категория сифатидаги ёндашув. Яъни нарх ўз мазмунида кўплаб ўзаро боғлиқ иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар ўртасидаги муносабат ва алоқаларни назарий ҳамда фикрий мушоҳада орқали намоён этувчи мураккаб иқтисодий тушунча ҳисобланади;

2) нархга товар қийматининг пул эквивалентидаги ифодаси сифатидаги ёндашув. Товарнинг қиймати уни ишлаб чиқаришга сарфланган умумий харажатлар мажмуи бўлиб, бозорда барча товарлар мазкур қийматлар ўзаро тенг бўлганда шароитда айирбошланади. Қиймат миқдорини ўлчаш жуда мураккаб жараён бўлиб, уни пул орқали ифодалаш энг самарали ва қулай ҳисобланади. Товар қийматини ифодалаган пул миқдори нарх сифатида майдонга чиқади;

3) нархга сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабат сифатидаги ёндашув. Маълумки, бозор – бу талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири бўлиб, уларнинг ортида харидор (истеъмолчи) ва сотувчи (ишлаб чиқарувчи) туради. Ҳар иккала бозор субъектининг бозордаги хатти-ҳаракатига рағбат берувчи ва тартибга солувчи энг муҳим омил нарх ҳисобланади;

4) нархга товар бирлиги учун тўловга мўлжалланган пул суммаси сифатидаги ёндашув. Бунда нарх талаб ва таклифнинг ўзаро муносабати таъсирида ҳосил бўлувчи, ҳар иккала томоннинг манфаатини ҳамда ўзаро қониқишини ифодаловчи пул миқдори сифатида намоён бўлади.

Юқоридаги нархнинг мазмунига нисбатан ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нархни шакллантиришнинг қуйидаги

асосий вазифаларини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкин (1-расм).

1-расм. Нархнинг мазмунига нисбатан ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда асосий вазифалари[32]

Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нархни шакллантириш жараёни иқтисодиётнинг турли соҳаларида турлича ёндашув ва концепцияларга эга. Жумладан, умумий нархнинг шаклланиши ҳамда маркетинг тизимидаги нархнинг шаклланиши ёндашувлари ўз навбатида товар ёки хизматларга нархни шакллантириш мақсадлари ва усуллари жиҳатидан фарқланади [2].

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда “Маҳсулот ёки хизматни харидорга тақдим этиш” жиҳати бир томондан, маҳсулот ёки хизматга нисбатан талаб ва таклифни мувозанатга келтириш, бошқа томондан, даромад ҳажмини оптималлаштиришни кўзда тутади. Маҳсулот ёки хизматга нисбатан талаб ва таклифни мувозанатга келтириш маркетинг тизимида нархни шакллантиришда асосий шартлардан бири ҳисобланади. Маълумки, талаб таклифдан ошиб кетганда нархлар табиий равишда ошади, таклиф талабдан ошиб кетганда эса пасаяди. Бироқ, бозорда талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши таъсирида нарх даражаларидаги беқарорлик кучаяди. Бу эса истеъмолчиларнинг харид қарорларига салбий таъсир кўрсатиб, сотиш ҳажмининг кескин камайишига олиб келиши мумкин.

Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш орқали даромадлар ҳажмини максимал даражада ошириш учун нархларни стратегик белгилаш орқали ўз даромад оқимларини оптималлаштириши ва молиявий мақсадларига эришиши мумкин. Бундан кўринадики, маркетинг тизимида нархларни шакллантириш зарурати бизнеснинг муваффақиятини таъминловчи муҳим дастаклар орқали намоён бўлади [3].

Бозор механизмида нарх марказий ва ҳал қилувчи ўринни эгаллар экан, ундан ўзига хос таъсирчан ва самарали восита сифатида фойдаланиш ҳар қандай иқтисодий субъектнинг маркетинг фаолиятининг мақсадларидан ҳисобланади. Зеро, нархни шакллантиришнинг тўғри ва асосли ташкил этилиши пировардида корхона бозор фаолиятининг натижаларига бевосита таъсир кўрсатади. Чунки, нархнинг тўғри шакллантирилиши корхона фаолияти рентабеллиги орқали унинг молиявий барқарорлигини таъминлайди.

Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда маркетингнинг юқоридаги таърифларда ифодаланган асосий жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда товар ва хизматлар маркетингида нархларни шакллантириш заруратини қуйидаги жадвал орқали кўриб чиқамиз (1-жадвал).

[32] Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

1-жадвал

Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш маркетинг тизимидаги асосий жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда нархларни шакллантиришнинг зарурати[33]

Маркетинг мазмунидаги асосий жиҳатлар	Нарх шакллантириш заруратини белгиловчи ҳолатлар
Мижозни яхши билиш ва тушуниш	Мижознинг харид бўйича қарорига таъсир кўрсатиш
Эҳтиёжларни товар айирбошлаш йўли билан қондириш	Алмашув қийматларининг ўзаро эквивалентлигини таъминлаш
Маҳсулот ёки хизматни яратиш	Харажатларни аниқлаш
Маҳсулот ёки хизматни силжитиш	Талабни баҳолаш
Харидорлар билан ўзаро муносабатларни ташкилот учун манфаатли асосда бошқариш	Рақобатбардошликни таъминлаш
	Мижознинг товар қийматини идрок этиши
Маҳсулот ёки хизматни харидорга тақдим этиш	Талаб ва таклифни мувозанатлаш
	Даромад ҳажмини максималлаштириш

Жадвал маълумотларидан кўринадики, маркетинг мазмунидаги асосий жиҳатларига тегишли равишда нархларни шакллантиришнинг заруратини белгиловчи ҳолатларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Тадқиқотларимиз натижаларидан келиб чиққан ҳолда корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда “Мижозни яхши билиш ва тушуниш” жиҳати ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчи ўзининг миллионлаб нафарни ташкил этиши мумкин бўлган потенциал истеъмолчисини шахсан таниши ёки унинг истак-хоҳиши, афзал кўрувчи жиҳатларини тўлиқ билиши имкон доирасидан ташқаридаги ҳолат ҳисобланади. Бироқ, муайян товар ёки хизмат тури бўйича истеъмолчи ёки мижознинг намунавий хулқ-атвори, истак-хоҳиши, афзал кўришининг “ўртача даража”га келтирилган “қолипи”ни белгилаб олиш мумкин. Бунда маркетинг амалиётида истеъмолчи (мижоз)нинг идеал портрети ёки “мақсадли аудитория портрети”ни аниқлашни мисол келтириш мумкин [4].

Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нархни шакллантиришнинг асосий тамойиллари турлича ифодаланган бўлиб, уларни қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин (2-расм).



2-расм. Корхона иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда нархни шакллантиришнинг асосий тамойиллари[34]

[33] Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.
[34] Муаллиф томонидан тузилган.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Нархнинг шаклланишида объектив иқтисодий қонунларни ҳисобга олишнинг зарурлиги нархнинг илмий асосланганлиги тамойилини англатади. Нарх ёрдамида ҳал қилинувчи муайян иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни аниқлаш эса нархнинг мақсадга йўналтирилганлиги тамойили орқали амалга ошади. Нархни шакллантириш жараёнининг узлуксизлиги тамойили бир томондан, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичидаги хомашё ёки ярим тайёр маҳсулот ўз нархига эга бўлишини англатса, бошқа томондан, ишлаб чиқаришнинг янгилаб борилиши жараёнида амалдаги нархга доимий тарзда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб турилишини англатади [5]. Давлат идоралари томонидан нархларни назорат қилишнинг мажбурийлиги нархнинг шаклланиши ва нархга риоя қилиш устидан назоратнинг бирлиги тамойили орқали амалга оширилади

Хулоса.

Корхоналар иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда одатда маркетингда нархни шакллантириш вазифаларининг асосий таркиби ривожланишнинг умумий тенденциялари ва замон талаблари остида бўлган ҳар қандай давлат учун умумий кўринишга эга бўлади. Бироқ, маркетингда нархни шакллантириш вазифаларининг аҳамияти, таркиби ва улар орқали бажарилувчи муайян амаллари иқтисодиёт ривожланиши турлари ва босқичларидан келиб чиққан ҳолда фарқланиши мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтилган фикр-мулоҳазалар асосида хулоса қилиш мумкинки, товарлар ва хизматлар маркетинги тизимида нархларни шакллантиришнинг зарурати, мақсади ва вазифаларини ўзаро боғлиқ ҳолда тизимли тадқиқ этилиши пировардида иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларидаги нархнинг шаклланиш мазмуни ва жараёнларини чуқур англаш ҳамда асосли натижаларга эришишда самарали назарий-услубий ва амалий замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Bekmuradov A.Sh., Yang Son Bae. Development strategy of the textile industry in Uzbekistan. Cluster approach. - T., 2006. - 247 s

2. Bergman E., Feser E. Industrial and Regional Clusters: Concepts and Comparative Applications http://www.rri.wvu.edu/WebBook/Bergman-Feser/chapter3.htm).

3. Пилипенко И.В. Конкурентоспособность стран и регионов в мировом хозяйстве: теория, опыт малых стран Западной и Северной Европы, М, 2005.

4. Enright, M. J. Survey on the Characterization of Regional Clusters: Initial Results. - Working Paper, Institute of Economic Policy and Business Strategy: Competitiveness Program, University of Hong Kong, Sun Hung Kai, 200021p.;http://www.pacaonline.org/cop/docs/Michael_Enright_Survey_on_the_characterization_of_regional_clusters.pdf.

5. Баскакова, О.В., Сейко, Л.Ф. Экономика предприятия (организации): учебник для бакалавров / О.В. Баскакова, Л.Ф. Сейко. – М.: Дашков и К°, 2015. – 370 с.

6. Гавриленко, Н.И. Маркетинг: учебное пособие / Н.И. Гавриленко. – М., Берлин: Директ-Медиа, 2015. – 194 с.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

BARQAROR IQTISODIY O‘SISHNI TA’MINLASHDA TADBIRKORLIK SUBYEKTALARINING RIVOJLANISH TENDENSIYALARI

Safarova Nodira Ashuraliyevna

“Moliya va moliyaviy texnologiyalar” kafedrasi dotsenti
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: nodira.safarova@tsue.uz

Abdulazizov Shuxratjon Botirjon o‘g‘li

“Moliya va moliyaviy texnologiyalar” kafedrasi o‘qituvchisi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
E-mail: abdulazizovshuhrat4@gmail.com

Annotatsiya: *Ushbu maqolada barqaror iqtisodiy o‘sishni ta’minlashda tadbirkorlik subyektlarining roli, ularning soni, iqtisodiyotdagi ulushi va rivojlanish tendensiyalari tahlil qilinadi. Tadbirkorlik subyektlari nafaqat yangi ish o‘rinlari yaratishda, balki innovatsiyalarni joriy etish, raqobat muhitini shakllantirish va byudjet daromadlarini oshirishda ham muhim ahamiyat kasb etadi. Tahlil natijalari asosida O‘zbekistonda 2014–2024 yillar davomida kichik tadbirkorlik subyektlari sonining izchil o‘sib borayotgani va bu holat YaIM o‘sish sur’atlariga bevosita ta’sir ko‘rsatgani aniqlangan. Shuningdek, xususiy tadbirkorlikning ijtimoiy-iqtisodiy barqarorlikka qo‘shayotgan hissasi, bandlik darajasidagi o‘sish, hududiy iqtisodiy faollik va eksport salohiyatining oshishi kabi jihatlar yoritilgan. Maqolada Audretsch va Thurik (2001), Espinosa, Wang va Zhu (2020) kabi olimlarning tadqiqotlariga tayanilgan holda zamonaviy iqtisodiy rivojlanishda tadbirkorlikning nazariy asoslari ham tahlil etilgan. Maqolada kichik va o‘rta tadbirkorlik subyektlarini qo‘llab-quvvatlash, ularning innovatsion salohiyatini oshirish va iqtisodiy siyosat orqali rag‘batlantirish barqaror iqtisodiy o‘sish uchun zaruriy shartlardan biri ekanligi ko‘rib chiqilgan.*

Kalit so‘zlar: *Tadbirkorlik subyektlari, kichik biznes, xususiy tadbirkorlik, barqaror iqtisodiy o‘sish, iqtisodiy rivojlanish, yalpi ichki mahsulot (YAIM), innovatsiyalar, ish o‘rinlari yaratish, bandlik darajasi, iqtisodiy samaradorlik, erkin iqtisodiy zonalar, raqobat muhitini shakllantirish.*

ТАНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ОБЕСПЕЧЕНИИ УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

Сафарова Нодира Ашуралиевна

Доцент кафедры «Финансы и финансовые технологии» Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: nodira.safarova@tsue.uz

Абдулазизов Шухратжон Батыржон оглы

Преподаватель кафедры «Финансы и финансовые технологии» Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: abdulazizovshuhrat4@gmail.com

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Аннотация: В статье анализируется роль субъектов предпринимательства в обеспечении устойчивого экономического роста, их численность, доля в экономике и тенденции развития. Предприниматели играют важную роль не только в создании новых рабочих мест, но и во внедрении инноваций, формировании конкурентной среды и увеличении доходов государственного бюджета. По результатам анализа установлено, что количество субъектов малого бизнеса в Узбекистане на протяжении 2014-2024 годов неуклонно растет, и это оказывает непосредственное влияние на темпы роста ВВП. В докладе также подчеркивается вклад частного предпринимательства в социально-экономическую стабильность, рост занятости, региональную экономическую активность и экспортный потенциал. В статье также анализируются теоретические основы предпринимательства в современном экономическом развитии, опираясь на исследования таких ученых, как Audretsch и Thurik (2001) и Espinosa, Wang и Zhu (2020). В статье рассматривается тот факт, что поддержка малого и среднего бизнеса, повышение его инновационного потенциала и стимулирование его посредством экономической политики являются одним из необходимых условий устойчивого экономического роста.

Ключевые слова: субъекты предпринимательства, малый бизнес, частное предпринимательство, устойчивый экономический рост, экономическое развитие, валовой внутренний продукт (ВВП), инновации, создание рабочих мест, уровень занятости, экономическая эффективность, свободные экономические зоны, создание конкурентной среды.

KIRISH

Tadbirkorlik subyektlari mamlakatning iqtisodiy taraqqiyoti va barqaror rivojlanishning muhim omillaridan biri hisoblanadi. Ular yangi ish o‘rinlari yaratish bilan birga, innovatsiyalarni rivojlantiradi, raqobat muhitini shakllantiradi va byudjet daromadlarini oshiradi. Shu nuqtayi nazardan, tadbirkorlik subyektlarining rivojlanish tendensiyalarini tahlil qilish va ularni qo‘llab-quvvatlash mexanizmlarini takomillashtirish dolzarb masala bo‘lib qolmoqda. Mamlakatimizda ishbilarmonlikni yanada faollashtirish hamda tadbirkorlik rivoji uchun qulay shart-sharoit yaratishga qaratilgan tizimli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Natijada, tadbirkorlik sub’ektlarining jamiyatdagi o‘rni va ahamiyati tobora ortib bormoqda. Ayniqsa, xususiy tadbirkorlik sub’ektlari faoliyatining jadal rivojlanishi natijasida aholi daromadlari tarkibida tadbirkorlik faoliyatidan olinayotgan daromadlar ulushi muntazam ravishda ko‘payib bormoqda.

So‘nggi vaqtlarda O‘zbekistonda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faol ravnaq topmoqda. Respublikada ro‘yxatga olingan kichik tadbirkorlik subyektlari soni yildan-yilga o‘sib bormoqda. 2024-yilda faoliyat ko‘rsatayotgan kichik tadbirkorlik subyektlari soni 358 116 tani tashkil etgan [5]. Erkin iqtisodiy zonalar va sanoat zonalari tashkil etilishi, tadbirkorlar uchun huquqiy kafolatlarning mustahkamlanishi va biznes muhitining yaxshilanishi bu jarayonni jadallashtirmoqda. Shuningdek, kichik biznes subyektlarining jami aholi bandligidagi ulushi 2023-yilda 74,0 foizni tashkil etgan bo‘lsa, dunyo bo‘ylab korxonalarning qariyb 90 foiz va bandliklarning 50 foizdan ortig‘ini ifodalaydi [5]. Rivojlanayotgan mamlakatlarda milliy daromadning (YaIM) 40 foizgacha hissa qo‘shadi [1].

Shu bois, **tadbirkorlik subyektalarining rivojlanish tendensiyalarini** amaliy ma’lumotlar asosida tahlil qilish asosida mavjud muammolarni aniqlash va ularni bartaraf etishga qaratilgan taklif-tavsiyalar ishlab chiqish ayni vaqtda dolzarb ahamiyatga ega.

ADABIYOTLAR TAHLILI

Barqaror iqtisodiy o‘sish va tadbirkorlik subyektlari rivojlanishi o‘rtasidagi bog‘liqlik hozirgi kundagi iqtisodiy tadqiqotlarda muhim o‘rin egallaydi. Kichik biznes va tadbirkorlik iqtisodiyotda yangi ish o‘rinlarini yaratadi, innovatsiyalarni rivojlantiradi va raqobatni kuchaytiradi, bu esa o‘z navbatida makroiqtisodiy barqarorlikka ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

Audretsch va Thurik (2001) o‘zlarining *"A Model of the Entrepreneurial Economy"*

maqolasida zamonaviy iqtisodiy rivojlanishda tadbirkorlikning o‘sib borayotgan ahamiyatini tahlil qiladilar [1]. Mualliflar boshqariladigan iqtisodiyot (managed economy) va tadbirkorlik iqtisodiyoti (entrepreneurial economy) o‘rtasidagi asosiy farqlarni ko‘rsatib, zamonaviy sharoitlarda innovatsiyalar va iqtisodiy o‘sishni ta’minlashda kichik va o‘rta biznes subyektlari, yangi firmalar va tadbirkorlarning rolini alohida ta’kidlaydilar. Tadqiqot natijalariga ko‘ra, raqobatbardosh va bilimga asoslangan iqtisodiyotda barqaror o‘sishni ta’minlash uchun tadbirkorlik faoliyatini rag‘batlantirish siyosati zarurdir. Mualliflar siyosiy va iqtisodiy muhitni tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlovchi shaklda tashkil etishning dolzarbligini asoslab beradilar.

Sh. Azimova (2025) o‘zining ilmiy maqolasida O‘zbekiston iqtisodiyotida xususiy tadbirkorlikning rolini tahlil qilib, xususiy tadbirkorlikning bandlikni ta’minlash, iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirish, investitsiyalarni jalb qilish va eksport salohiyatini kengaytirishdagi ahamiyatiga asosiy e’tiborini qaratgan. Davlat tomonidan amalga oshirilayotgan islohotlar, qonunchilikdagi o‘zgarishlar va tadbirkorlik muhitini qo‘llab-quvvatlash choralari tahlil qilinib, ularning iqtisodiy samaradorligi baholangan. Xususiy sektorning rivoji mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy barqarorligida muhim omil hisoblanishini ko‘rib o‘tgan [4].

Espinosa, Wang va Zhu (2020) o‘zlarining “*Israel Kirzner on Dynamic Efficiency and Economic Development*” maqolasida Isroil Kirznerning dinamik samaradorlik konsepsiyasini tahlil qilgan [2]. Ular Kirznerning tadbirkorlikni bozor jarayonining harakatlantiruvchi kuchi sifatida ko‘rsatishini, ayniqsa, tadbirkorning hushyorligi, noaniqlik sharoitida qaror qabul qilishi va rejalarni muvofiqlashtirishdagi rolini ta’kidlaydilar. Mualliflar zamonaviy rivojlanish iqtisodiyotida keng qo‘llanilayotgan randomizatsiyalangan nazoratli sinovlar (RCTs) metodologiyasini tanqid qilib, bu yondashuvlar insoniy faoliyat va tadbirkorlikning ijodiy jihatlarini yetarlicha hisobga olmaydi, deb hisoblaydilar. Ular Kirznerning dinamik samaradorlik nazariyasi orqali iqtisodiy rivojlanishning mohiyatini chuqurroq tushunish mumkinligini, bu esa insoniy harakatlarning maqsadga yo‘naltirilganligini va bozor jarayonlarining dinamikasini hisobga olishni talab qilishini ta’kidlaydilar.

METODOLOGIYA

Iqtisodiy barqarorlik hamda kichik biznes va tadbirkorlik dinamikasi o‘rtasidagi bog‘liqlikni aniqlash hamda bu jarayonlarning iqtisodiy rivojlanishga ta’siri baholangan. Maqolada kombinatsiyalashgan tadqiqot usuli (mixed-method approach) qo‘llanildi. Shuningdek, mamlakatdagi kichik biznes subyektlari, bandlik va YaIM o‘sishiga doir ko‘rsatkichlar 10 yillik statistic ma’lumotlar asosida tahlil qilingan.

MUHOKAMA VA NATIJALAR

Davlatning iqtisodiy taraqqiyoti, iqtisodiy mustaqilligi, fuqarolarning farovon turmush tarzi, qolaversa mehnat resurslarining ish bilan bandlik darajasi kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning rivojlanishi bilan chambarchas bog‘liq hisoblanadi [3].

Kichik va o‘rta tadbirkorlik sub’yektlari har qanday iqtisodiyotning dinamik va moslashuvchan qismini tashkil etadi. Ularning son va sifat jihatidan o‘sishi mamlakat iqtisodiy o‘sish sur’atini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Avvalo, kichik va o‘rta bizneslarning ko‘pligi mehnat bozori uchun yangi ish o‘rinlarini yaratish imkonini beradi, bu esa ishsizlik darajasining pasayishiga va aholi farovonligining oshishiga olib keladi.

Ikkinchidan, innovatsiyalar va texnologik yangiliklarni joriy etishda yetakchi rol o‘ynaydi. Katta korxonalarga nisbatan kichik bizneslar bozordagi o‘zgarishlarga tezroq moslashadi, yangi mahsulot va xizmatlarni yaratishda ixtirochilik va riskga tayyorlik ko‘rsatadi. Bu esa umumiy iqtisodiy samaradorlik va raqobatbardoshlik darajasini oshiradi.

Uchinchidan, kichik va o‘rta tadbirkorlik hududiy iqtisodiy rivojlanishda ham muhim rol o‘ynaydi. Ular nafaqat yirik shaharlarda, balki chekka va qoloq hududlarda ham iqtisodiy faoliyatni kuchaytiradi, infratuzilma va xizmatlar rivojiga hissa qo‘shadi, ichki talabni kengaytiradi.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4



1-rasm. Kichik tadbirkorlik subyektlarining 2014-2024- yillarda jami YaIMdagi ulushi [5].

Bundan tashqari, kichik va o‘rta bizneslarning ko‘payishi iqtisodiyotda sektorlararo diversifikatsiyani ta’minlaydi. Ya’ni, faqat bir necha yirik sanoat tarmoqlariga tayanib qolmasdan, turli sohalarda iqtisodiy faollik rivojlanadi, bu esa iqtisodiy tizimni tashqi va ichki xatarlarga nisbatan barqarorroq qiladi.

2024-yil yakunlariga ko‘ra mamlakat yalpi ichki mahsuloti 6.5 foizga o‘sib, 115 mlrd. dollarni tashkil etdi [7]. O‘zbekiston Respublikasi bo‘yicha 2014-yilda kichik tadbirkorlikning YaIMdagi ulushi 61.9% bo‘lgan bo‘lsa, bu ko‘rsatkich 2024-yilda 54.3% ga tushgan. Bu esa umumiy ulushda biroz pasayish borligini ko‘rsatadi. 2016–2017-yillarda eng yuqori nuqtaga (taxminan 69.5%) chiqqan bo‘lsa-da, keyingi yillarda biroz pasayish tendensiyasi kuzatilmoqda.

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning mahalliy ehtiyojlarni to‘liq qoplash va mahsulotlarni eksport qilishdagi ahamiyati hisobga olinib, mazkur sektorni rivojlantirish bo‘yicha strategiya va yo‘l xaritalari ishlab chiqildi va izchil amalga oshirilayapti.



2-rasm. 2019–2024 yillar davomida O‘zbekiston iqtisodiyotining turli tarmoqlarida faoliyat yuritayotgan kichik tadbirkorlik subyektlari soni [5].

Bu jarayonlarning barchasi iqtisodiyotni jadal rivojlantirish uchun mustahkam poydevor

bo‘ladi [8]. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini yo‘lga qo‘yish uchun qulay iqtisodiy va huquqiy muhit yaratish zarur hisoblanadi. Bu sohaning rivojlanishi jon boshiga to‘g‘ri keladigan yalpi ichki mahsulot (YaIM), resurslardan samarali foydalanish, sanoat salohiyatining o‘sishi hamda umumiy iqtisodiy taraqqiyot darajasi bilan bevosita bog‘liq bo‘lib, mamlakatning global reytinglarda yuqori o‘rinlarni egallashiga xizmat qiladi.

Barqaror iqtisodiy o‘sish har bir mamlakatning ustuvor strategik maqsadlaridan biri hisoblanadi. Bu jarayonda kichik tadbirkorlik subyektlarining son jihatidan ko‘payishi va ularning iqtisodiyotdagi faolligi muhim o‘rin tutadi. So‘nggi yillarda O‘zbekiston iqtisodiyotida faoliyat yuritayotgan kichik biznes subyektlari sonining izchil o‘sib borayotgani ushbu sohaning iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashdagi o‘rnini yanada mustahkamlab bormoqda.



3-rasm. 2014-2024-yillar oralig‘ida kichik biznes subyektlari soni va YaIM o‘sish sur’ati [5].

Kichik biznes subyektlari sonining izchil o‘sib borayotgani ushbu sohaning iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashdagi o‘rnini yanada mustahkamlab bormoqda. Raqamli tahlilga e’tibor qaratilsa, 2014-yilda respublika bo‘yicha faoliyat yuritayotgan kichik tadbirkorlik subyektlari soni **189 867** tani tashkil etgan bo‘lsa, 2023-yilga kelib bu ko‘rsatkich **523 556** taga yetgan. Bu o‘zgarish 9 yil ichida kichik biznes subyektlari sonining **deyarli 2,8 baravarga oshganini** ko‘rsatadi. Mazkur o‘sish tendensiyasi kichik biznes uchun yaratilayotgan qulay iqtisodiy va institutsional sharoitlarning, soddalashtirilgan soliq siyosati va davlat e’tibor qaratilayotgan natijasi sifatida qarasak bo‘ladi. Yalpi ichki mahsulot (YaIM)ning o‘sish sur’atlari bilan solishtirilganda, kichik tadbirkorlik subyektlari sonining ko‘payishi bilan iqtisodiy o‘sish o‘rtasida muayyan bog‘liqlik kuzatiladi. YaIM o‘sish sur’ati 2014–2023 yillar davomida asosan **105–108%** atrofida saqlanib qolgan. Ayniqsa, 2021-yilda o‘sish sur’ati **108%** bo‘lgan bo‘lsa, bu davrda kichik tadbirkorlik subyektlari soni ham **411 203** taga yetgan. Bu esa kichik biznesning iqtisodiy o‘sishga ijobiy ta’sir ko‘rsatganini ko‘rsatadi. Shunga qaramasdan, 2024-yilda subyektlar soni sezilarli kamaygan bo‘lsa-da, YaIM o‘sish sur’ati **106,5%** darajasida saqlanib qolgan. Bu holat iqtisodiyotda boshqa sektorlar, xususan, yirik sanoat, eksport yoki investitsiya faoliyatining barqarorligini bildiradi.

Shunday qilib, barqaror iqtisodiy o‘sishni ta’minlashda kichik tadbirkorlik subyektlari muhim ahamiyatga ega. Ularning son jihatidan ko‘payishi bilan birga, sifat jihatidan ham faoliyatini samarali yuritishi, texnologik yangiliklarga moslashuvi, raqobatbardosh mahsulotlar ishlab chiqarishi va eksport salohiyatini oshirishi — milliy iqtisodiyot barqarorligining muhim tayanchlaridan biridir.

XULOSA

Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, barqaror iqtisodiy o‘sishni ta’minlashda kichik va

o‘rta tadbirkorlik subyektlarining roli nihoyatda muhimdir. Ular nafaqat yangi ish o‘rinlari yaratadi va aholi daromadlarini oshiradi, balki innovatsiyalarni joriy etish, raqobat muhitini shakllantirish hamda iqtisodiyotning turli sohalarini faollashtirish orqali milliy iqtisodiyotning barqaror rivojlanishiga xizmat qiladi.

So‘nggi yillarda O‘zbekistonda kichik tadbirkorlik subyektlari sonining keskin ortgani iqtisodiy islohotlarning samaradorligini ko‘rsatadi. Xususan, 2014–2023 yillar oralig‘ida ularning soni qariyb 2,8 baravarga oshib, 523 mingdan oshgan. Bu o‘sish iqtisodiy faollikning kengayganini bildiradi. Shunga qaramay, 2024-yilda subyektlar sonining qisqarishi muayyan tizimiy muammolar mavjudligini ko‘rsatadi va bu holat chuqur tahlil va maqbullashtirilgan siyosat yuritishni talab qiladi.

Yalpi ichki mahsulot o‘sish sur’atlari bilan tadbirkorlik subyektlari soni o‘rtasidagi uyg‘unlik iqtisodiy o‘sishga kichik biznesning bevosita ta’sirini ko‘rsatadi. Biroq, oxirgi yillardagi ayrim tafovutlar boshqa iqtisodiy sektorlarning ham YaIM o‘sishidagi ahamiyatini ta’kidlaydi.

Xulosa qilib aytganda, barqaror iqtisodiy o‘sish uchun tadbirkorlik subyektlarining sonini ko‘paytirish bilan birga, ularning samaradorligini, innovatsion salohiyatini va eksport imkoniyatlarini oshirish dolzarb vazifa hisoblanadi. Shu maqsadda tadbirkorlik muhitini yanada yaxshilash, huquqiy va institutsional qo‘llab-quvvatlashni kuchaytirish, hamda hududiy tenglik asosida kichik biznesni rivojlantirish bo‘yicha kompleks yondashuvlarni malga oshirish zarur hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Audretsch, D. B., & Thurik, A. R. (2001). A model of the entrepreneurial economy. *International Journal of Entrepreneurship Education*, 1(1), 143–166.
2. Espinosa, A. A., Wang, L., & Zhu, X. (2020). Israel Kirzner on dynamic efficiency and economic development. *The Review of Austrian Economics*, 33(3), 293–313. https://doi.org/10.1007/s11138-019-00479-x
3. Boltaboev Mahmudjon Rustamovich, Qosimova Mafirat Sobirovna, Ergashhodjaeva Shaxnoza Kasurovna, G‘oyibnazarov Bahodir Karimovich, Samadov Asqarjon Nishonovich, Xodjaev Rixsiboy. KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIK. O‘quv qo‘llanma
4. Azimova Shoxista Salohiddinovna “Yangi O‘zbekiston iqtisodiyotida xususiy tadbirkorlikning roli va ahamiyati” (2025) DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.15270451
5. https://.stat.uz - O‘zbekiston Respublikasi Milliy statistika qo‘mitasi
6. https://www.worldbank.org/en/topic/smefinance
7. https://www.gazeta.uz/oz/2025/01/16/yim
8. https://parliament.gov.uz/articles/1644

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ – БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Камалов Ойбек Кудабаевич

мустақил изланувчиси
Тошкент давлат
иқтисодиёт университети
ORCID: 0009-0001-6485-1889

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда иқтисодий тараққиётнинг янги босқичида тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида ушбу соҳа тараққиётидаги мавжуд амалиёт таҳлил қилинган. Шунингдек, келгусида ушбу йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик фаолияти, кичик бизнес, замонавий тенденция, аҳоли бандлиги, кичик бизнесни ривожлантириш.

ФИНАНСОВАЯ ПОДДЕРЖКА СУБЪЕКТОВ БИЗНЕСА – ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИКИ

Камалов Ойбек Кудабаевич

самостоятельный исследователь
Ташкентский государственный
экономический университет
ORCID: 0009-0001-6485-1889

Аннотация. В статье анализируется существующая практика государственной финансовой поддержки субъектов предпринимательства на новом этапе развития экономики Узбекистана. Также сформулированы предложения и разработаны рекомендации, необходимые для реализации в будущем на новом этапе экономического развития.

Ключевые слова: предпринимательская активность, малый бизнес, современные тенденции, занятость населения, развитие малого бизнеса.

FINANCIAL SUPPORT OF ENTREPRENEURSHIP IS A FACTOR OF SUSTAINABLE ECONOMIC DEVELOPMENT

Kamalov Oybek Kudabaevich

Independent researcher
Tashkent State University of Economics
ORCID: 0009-0001-6485-1889

Abstract. The article analyzes the existing practice of developing this sector as a result of state financial support for business entities at a new stage of economic development in Uzbekistan. It also develops proposals and recommendations for measures that should be implemented in this direction in the future.

Keywords: entrepreneurial activity, small business, modern trends, population employment, development of small business.

Кириш

Иқтисодиётни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди ва

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиёти тараққиётининг янги босқичида кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини харид қилиш, кўрсатилаётган иш ва хизматларга доир давлат буюртмаларини жойлаштириш бўйича очиқ электрон тизимини жорий этиш, “2024 йил 1 сентябрдан бошлаб электрон дўкон ёрдамида давлат харидларини амалга оширишда нарх ва бошқа оммилар тенг бўлган шароитда ногиронлиги бўлган шахслар, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашга оид кичик тадбиркорлик субъектларининг таклифлари устунликка эга бўлади”[1].

Изланишларимиз кўрсатишича, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи 500 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган [7].

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, иқтисодий тараққиётга эришишда тадбиркорликни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қолади. Сабаби шундан иборатки, бугунги тез ўзгарувчан жамиятда турли иқтисодий кризислар билан биргаликда турли ижтимоий муаммолар пайдо бўлиши, хусусан, COVID-19 ва шунга ўхшаш турли пандемияларнинг тарқалишидир. Мазкур ҳолатларнинг иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатиш ёки унинг олдини олиш, иқтисодий инқироздан чиқиб кетиш учун тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан самарали қўллаб-қувватланиши муҳим аҳамиятга эга.

БМТ томонидан эълон қилинган Барқарор Ривожланиш Мақсадларига (SDG)[8] эришиш учун тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг аниқ йўналишлари белгилаб олиниши, мазкур белгиланган устувор вазифаларнинг оғишмасдан бориши мамлакат иқтисодиётининг барқарор тараққиёти омили бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон БМТнинг тўлақонли аъзоси сифатида барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишга киришди. Бунда иқтисодий тараққиётнинг янги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

Биринчидан**,** барча ҳудудларда бизнесни ривожлантириш учун қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғояларини бартараф этиш бўйича зарур чора- тадбирларни амалга ошириш лозим. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти ёмон ҳолатда экани, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва ушбу фаолиятнинг ривожланиш суръатлари барча даражасидаги масъуллар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши лозим.

Иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мунтазам танқидий таҳлил қилиб борилиши, тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўладиган ҳолатлар аниқланиши, мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга тегишли тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлар, хом ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш зарур. Таҳлилларнинг кўрсатишича, махсус квоталар ажратиш орқали кичик бизнеснинг давлат харидлари тизимидан фойдаланишини кенгайтириш борасида алоҳида механизми ишлаб чиқилиб, амалда қўлланилди.

Тўртинчидан, кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитлар яратилиб берилмоқда. Кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришдаги ортиқча ички процедураларни бартараф этиш, кичик бизнес соҳаси маҳсулотларини экспорт қилиш борасида қўшимча преференциялар бериш зарур.

Адабиётлар шарҳи

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари билан белгиланади. Иқтисодиётнинг кичик ва ўрта корхоналари давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, олимлар томонидан тадқиқот объектига айланиши ўз долзарблигини кўрсатмоқда.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш ҳар томонлама ёндашишни ва барча мавжуд молиявий жараёнларни мувофиқлаштиришни талаб қилади. Кичик бизнес тизимини ривожлантиришга россиялик олимлар Л.И. Абалкин, И.И. Баканов, Л.Т. Гиляровская, И.Н. Буздалов, С.Г. Чернова ва бошқалар катта ҳисса қўшган. Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, самарадорлигини ошириш йўналишларини ишлаб чиқишда, тадбиркорликни ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини баҳолаш мезонлари тизимини белгилашда ҳал этилмаган муаммолар мавжуд.

Кичик бизнес институтларини молиявий қўллаб-қувватлаш - бу чекланган миқдордаги молиявий воситалар орқали давлатнинг кичик бизнес самарадорлигини оширишга қаратилган рағбатлантириш шаклидир.

Таҳлил ва натижалар

Республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунда бир неча омиллар билан бирга энг муҳим омил ҳисобланган кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан тўлайдиган ягона солиқ тўлови ставкаларининг пасайтирилиши ижобий таъсир этмоқда. Мазкур ҳолатни 1-жадвалда келтирилган иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик ва кичик бизнес иштирокининг ўзгариш динамикасини таҳлил қилиш орқали баҳолаймиз.

1-жадвал.

Иқтисодиёт тармоқларида тадбиркорлик ва кичик бизнес иштирокининг ўзгариш динамикаси*

Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
ЯИМдаги улуши, фоизда	56	54,8	54,1	51,8	51,2
Саноат маҳсулотлари ҳажми, млрд сўм	83344,2	103020,8	124907,9	143892,7	176523,9
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ҳажми, млрд сўм	219466,9	253238,2	304452,1	344134,5	403974,4
Қурилиш, млрд сўм	53960,9	63866,6	77907,1	93554,5	111914
Чакана савдо айланмаси, млрд сўм	138920,7	164106,1	186759,3	229166,7	273439,8
Хизматлар ҳажми, млрд сўм	103106,6	114052,7	147061,6	181245	224443,7
Юк ташиш, млн тонна	641	638,9	550,1	608,2	664,7
Юк айланмаси ҳажми, млн тонна	12152,3	12304,6	13803,2	14843,8	15823,7
Йўловчи ташиш, млн киши	5345	4904,8	5485,2	5628,4	5743
Йўловчилар айланмаси, млн пасс./км	117412,7	107766,7	120964,7	124433,9	127247,8
Маҳсулот (ишлар, хизматлар) экспортдаги улуши, фоизда	27	20,5	20	29,6	29
Маҳсулот (ишлар, хизматлар) импортдаги улуши, фоизда	61,6	51,7	45,3	49,4	45,7
Бандлик, фоизда	76,2	74,5	74,5	73,9	74,1

*Муаллиф ишланмаси (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти маълумотлари асосида).

Келтирилган жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2019 молия йилида мамлакат ЯИМида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улуши 56 фоизни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 1,2 фоизли пунктга пасайган, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 0,7 фоизли пунктга, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 2,3 фоизли пунктга, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 0,6 фоизли пунктга пасайган. Мазкур пасайишнинг асосий сабабларини келтириб ўтадиган бўлсак, кичик бизнес субъектлари турлича мезонларга кўра туркумланади. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида мезон сифатида ишловчилар сони олинган бўлиб, унга қараб кичик бизнес мақомига киришнинг меъёрлари белгиланган. Мамлакатда кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мақсадида қабул қилинган мазкур амалиётда кичик бизнес субъекти меъёри фақат ишловчилар сонигагина қаралиб белгиланган, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини, кичик бизнес субъекти оборотини ва даромад миқдори каби омиллар ва мезонлар эътиборга олинмаган.

«Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонида «... маҳаллаларнинг «ўсиш нуқталари» ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги ошириш ... Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани учун махсус солиқ ставкаларини ўрнатиш тажрибаси асосида шароити «оғир» бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиш ишлари давом эттириш» [3] каби устувор вазифалар белгилаб олинди.

Юқорида келтириб ўтилган ўрта муддатли ривожланиш стратегиясида мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларини қуйидаги мезонлар асосида тоифаларга ажратилди. Жумладан:

“а) кичик тадбиркорлик субъектлари:

микрофирмалар – таъсисчилари (иштирокчилари) жисмоний шахслар бўлган ҳамда жами даромади календарь йил давомида 1 млрд сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

кичик корхоналар – жами даромади календарь йил давомида 1 млрд сўмдан 10 млрд сўмгача бўлган ҳамда микрофирмалар таъсисчилари (иштирокчилари) юридик шахслар бўлган тадбиркорлик субъектлари;

б) ўрта тадбиркорлик субъектлари – жами даромади календарь йил давомида 10 млрд сўмдан 100 млрд сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари;

в) йирик тадбиркорлик субъектлари – жами даромади календарь йил давомида 100 млрд сўм ва ундан юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари” [2].

Фикримизча, тадбиркорлик субъектларига улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни республиканинг бошқа ҳудудларига етказиб бериш билан боғлиқ темир йўл транспортида ташиш харажатларининг 50 фоиз қисмини қоплаб бериш ҳамда экспортчилар маҳсулотларини экспорт қилишда транспорт харажатлари тўлиқ қоплаб берилиши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги тадбирлар натижасида ЯИМда кичик бизнес улушининг пасайиши юз берганлигини эътироф этиш ўринли бўлади. Мазкур таҳлилни давом эттирган ҳолда тадбиркорлик субъектларида аҳоли бандлигининг ўзгариш динамикасини 2-жадвалда кўриб чиқамиз.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудлари кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг жами бандликдаги ўзгариши динамикаси, фоиз ҳисобида*

Ҳудудлар номи	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Қорақалпоғистон	74,9	74,2	74,2	74,1	74,8
Андижон	82,1	80,8	80,7	80,2	81
Бухоро	76,1	74,9	74,2	74,3	74,3
Жиззах	79,7	78,4	78,8	77,3	77
Қашқадарё	78,5	78,1	78,5	78,2	77,5
Навоий	55	51,9	52,3	51,1	51,4
Наманган	82,8	81,6	82,2	81	80,6
Самарқанд	82,8	81,7	81,5	80,9	81,3
Сурхондарё	79,6	78,2	78,4	76,9	77,2
Сирдарё	76,4	74,5	74,4	72,9	72,4
Тошкент в.	72,8	70,8	69,8	70	70,3
Фарғона	79,4	78,4	78,5	78,7	79,3
Хоразм	80,4	79,3	79,1	78,1	79,4
Тошкент ш.	53,7	49,7	50,2	50	49,7
Республика бўйича - ЖАМИ	**76,2**	**74,5**	**74,5**	**73,9**	**74,1**

*Муаллиф ишланмаси (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти маълумотлари асосида).

Келтирилган 2-жадвалга кўра, тадбиркорлик субъектлари аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам фаол иштирок этаётганлигини кўриш мумкин. Республика бўйича жами меҳнатга лаёқатли банд аҳолининг ўртача қарийб 75 фоизи 2019-2023 йилларда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида банд бўлганлиги алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳудудлар кесимида олиб қаралганда, республика бўйича аҳолининг ўртачадан юқори қисми кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида банд бўлган бўдган. Унинг улуши 2019-2023 йилларда Андижон ва Хоразм вилоятларида ўртача – 80 фоиз, Наманган ва Самарқанд вилоятларида – 81 фоиз, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида – 78 фоиз, Сирдарё вилоятида – 73 фоиз, Тошкент вилоятида – 70 фоиз, Навоий вилояти ва Тошкент шаҳрида 50 фоизни ташкил қилган.

Мазкур ҳолатни юқорида қайд этиб ўтилганидек, кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонларига киритилган ўзгартиришлар билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, республикада “... меҳнат бозоридаги ҳақиқий ҳолатни республикамиз минтақалари кесимида чуқур таҳлил қилиш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича давлат буюртмаларини ишлаб чиқиш ва аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламлари учун иш жойлари квотасини белгилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш”[4] вазифасининг жойларда сусткашлик билан бажарилиши натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўшимча рағбатлантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорларни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини оширишга эришиш бўйича алоҳида вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, “Туман ҳокими, банк раҳбари ва маҳалла раиси бир бўлиб ишлаш бўйича уч томонлама шартнома тузади. Жорий йил 1 декабргача “Сайхунобод тажрибаси” асосида хонадонлар учун молиявий пакет қилиб берилади. Бу орқали 495 минг аҳолининг бандлиги таъминланади. Иккинчи ярим йилликда “Оилавий тадбиркорлик” дастури қамрови 1,5 баробар оширилиб, 4 триллион сўм ажратилади ... “Уйчи тажрибаси”га асосан, туман ҳокими ва банк раҳбарлари тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг бизнесини кенгайтиришга кўмаклашади. Бунда

ҳоким ер, электр, сув, йўл ва бошқа инфратузилма масаласини, банк эса маблағни ҳал қилади. Бу орқали йил якунигача 670 минг аҳоли бандлиги таъминланади ... “Ғиждувон тажрибаси” асосида йил якунига қадар мингта маҳалланинг ўзида кўп қаватли саноат бинолари ташкил қилинади. Уларга хонадонлардаги ишлаб чиқаришлар кўчирилади. Ушбу биноларнинг юқори қаватларида ишлайдиган тадбиркорларга солиқ имтиёзлари берилади. Бунинг натижасида 140 минг иш ўрнини “соядан” чиқаришга шароит яратади ... “Зарбдор тажрибаси” асосида туманларда саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида драйвер лойиҳалар қилинади. Уларни амалга оширишга бу йил қўшимча 500 млрд сўм ажратилади. Бу орқали яна 150 минг иш ўрни бўлади ... мазкур тўртта тажрибани қўллаган ҳолда, йил якунигача 2 млн 416 минг аҳоли бандлигини таъминлаш режасини туманлар кесимида тасдиқлаш” [6] зарурлиги қайд этилди.

Мазкур белгилаб берилган вазифалардан кўриниб турибдики, давлат маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ишлар, хизматлар бажарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашдан манфаатдор ҳисобланади.

Хулоса

Умумий хулоса қилинганда, иқтисодий ва молиявий глобаллашувнинг тезлашиши билан молиявий ресурслар иқтисодий ривожланишнинг ўзагига айланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатлар ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг асосий таянчи бўлиб қолмоқда. Шу боис кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг барқарор ривожланиши учун давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш мунтазам равишдан сақлаб қолиниши ва иқтисодий тараққиёт тенденциясидан келиб чиқиб такомиллаштирилиши зарур.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Йирик маблағлар талаб қилмайдиган, моддий ресурсларнинг нисбатан қисқа муддат мобайнида ўсиш суръатини кафолатловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётдаги бандлик муаммосини нисбатан тез ва ортиқча сарф-харажатларсиз таъминлашда, ресурслар чегараланган шароитда ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, жамиятда ижтимоий барқарорликнинг бош кафолати бўлган ўрта синф қатламини шакллантириш, иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли улушини ўстириш, инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мамлакат ялпи ички маҳсулотининг барқарор ўсишини таъминлашнинг муҳим ва асосий омилидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни нафақат сон жиҳатдан, балки вазифа жиҳатидан ҳам муҳимдир. Буни биз бозор коньюнктурасининг ривожланиши, талаб ва таклиф мувозанати ошиши, рақобат муҳити шаклланишида кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги ПҚ-249-сон “Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва унда кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.– 10.07.2024 й. – 07/24/249/0492-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПФ-21-сон “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – 10.02.2023 й. – 06/23/21/0085-сон; 08.11.2023 й. – 06/23/188/0835-сон; 11.11.2023 й. – 06/23/193/0844-сон.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. – 29.01.2022 й. – 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й. – 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й. – 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й. – 06/23/21/0085-сон; 03.01.2024 й. – 06/24/221/0003-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017 й. – 21-сон, 379-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 09.11.2021 й., – 06/21/3/1037-сон; 09.04.2022 й. – 06/22/101/0288-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти маълумотлари.

6. Биринчи ярим йилликдаги иқтисодий натижалар ва йил якунигача мўлжалланган устувор вазифалар муҳокама қилинди. 2024 йил 17 июль. https://президент.уз/уз/листс/виew/7407

Электрон ресурс

7. https://лех.уз/сеарч/алл
8. https://сдгс.ун.орг/гоалс

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

YASHIL MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR VA ULARNING IQTISODIYOTDAGI AHAMIYATI

Isaxonova Ruxshona Muzaffar qizi

3-kurs talabasi
Toshkent davlat iqtisodiyot universitetri
E-mail: rosy270305@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada O‘zbekistonda “yashil” iqtisodiyotga o‘tishda “yashil” moliyaviy texnologiyalarning ahamiyati yoritilgan bo‘lib, bunda bir qator iqtisodchilarning “yashil” moliyaviy texnologiyalarga oid nazariyalari, shuningdek, ulardan keng qamrovda foydalanayotgan asosiy yo‘nalishlar, hamda statistik ko‘rsatkichlar jahon miqyosida tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: yashil moliyaviy texnologiyalar, yashil iqtisodiyot, iqlim o‘zgarishi, yashil moliya, uglerod izi, yashil tashabbuslar, blokcheyn texnologiyalari.

ЗЕЛЁНЫЕ ФИНАНСОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ В ЭКОНОМИКЕ

Исахонова Рухшона Музаффар кизи

студентка 3 курса
Ташкентский государственный экономический университет
E-mail: rosy270305@gmail.com

Аннотация. В статье рассматривается значение «зелёных» финансовых технологий в процессе перехода Узбекистана к «зелёной» экономике. Анализируются теории ряда экономистов, посвящённые «зелёным» финансовым технологиям, а также исследуются основные направления их широкого применения и статистические показатели на мировом уровне.

Ключевые слова: зелёные финансовые технологии, зелёная экономика, изменение климата, зелёные финансы, углеродный след, зелёные инициативы, блокчейн технологии.

GREEN FINANCIAL TECHNOLOGIES AND THEIR IMPORTANCE IN THE ECONOMY

Isaxonova Ruxshona Muzaffar kizi

3rd year student
Tashkent State University of Economics
E-mail: rosy270305@gmail.com

Abstract. This article explores the significance of "green" financial technologies in Uzbekistan’s transition to a “green economy”. It analyzes the theories of various economists regarding “green” financial technologies, as well as the key areas of their widespread use and global statistical indicators.

Keywords: green financial technologies, green economy, climate change, green finance, carbon footprint, green initiatives, blockchain technologies.

Kirish

Ekologiya muammosi jahon miqyosida tobora jiddiylashib bormoqda. Bu borada

O‘zbekiston ham bundan mustasno emas. Shaharlashish, aholi sonining ko‘payishi hamda sanoatning rivojlanishi bilan birgalikda chiqindilarning hajmi sezilarli darajada ortib bormoqda va atmosferaga salbiy ta’sir ko‘rsatmoqda. Ushbu xususida davlatimiz rahbari Koreya Respublikasida bo‘lib o‘tgan “Yashil o‘sish va global maqsadlar uchun hamkorlik – 2030” (P4G) ikkinchi xalqaro sammitida o‘z fikrlarini bildirdilar, ya’ni ona tabiatning insonlarga qarata yo‘llayotgan ogohlik qo‘ng‘irog‘iga bee’tibor bo‘lmaslik haqida, iqlim o‘zgarishi tobora kuchayib borayotgani, so‘ngi 30 yil mobaynida Markaziy Osiyoda o‘rtacha yillik harorat taxminan 1℃ ga ko‘tarilgani haqida to‘xtalib o‘tdilar. Bundan tashqari, mintaqadagi daryo havzalari va biologik xilma-xillik qisqarib borayotgani xavotirli ekani va atmosferani ifloslanishi hamda gazlar bug‘lanish darajasini oshirib yuborgani katta muammolarga olib kelayotgani vaziyatni og‘irlashtirayotganidan xavotirda ekanligini ta’kidladi [1].

Darhaqiqat, hozirgi kunda “yashil taraqqiyot”ga erishish muammolarga yechim bo‘lsa, buning uchun “yashil iqtisodiyot”ga o‘tish va uni rivojlantirish lozim. “Yashil iqtisodiyot”ni amalda qo‘llash uchun esa “yashil moliyaviy texnologiyalar” asosiy dastak sifatida xizmat qiladi. Chunki bugungi kunda insonlar hayoti bevosita texnologiyalar bilan bog‘liq va ularsiz hayotni tasavvur qilish tobora qiyinlashib bormoqda. Shu tufayli aynan yashil moliyaviy texnologiyalarni rivojlantirish samarali yo‘l hisoblanadi. Bugungi kunda “Yashil moliyaviy texnologiyalar”ning o‘zi nima, degan savol tug‘iladi. Mazkur maqolada ushbu savolga javob berishga harakat qilamiz.

“Yashil” moliyaviy texnologiyalar “yashil iqtisodiyot”ning bir yo‘nalishi sifatida o‘rganiladi. Mazkur yo‘nalish moliyaviy texnologiyalar va ekologik toza tashabbuslarning uyg‘unlashuvi hisoblanadi va moliya sohasida barqaror yechimlarni ishlab chiqishga qaratilgan. Ushbu yangi soha texnologiyadan barqaror rivojlanish tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlash yoki targ‘ib qilish uchun foydalaniladi, masalan, issiqxona gaz emissiyasini kamaytirish, energiya samaradorligini oshirish yoki qayta tiklanadigan energiya loyihalarini moliyalashtirish kabilardir[2]. An’anaviy moliyaviy texnologiyalar asosan moliyaviy xizmatlar bozoridagi innovatsiyalarga e’tibor qaratsa, “yashil” moliyaviy texnologiyalar ekologik barqarorlikni asos qilib oladi va moliyaviy o‘sishni ekologiya bilan uyg‘unlashuvini ta’minlaydi. Yashil moliyaviy texnologiyalarning rivojlanishi atrof-muhitni muhofaza qilish zarur ekani haqida insonlar orasida tushunib yetishi, iste’molchilarning ekologik toza mahsulotlarga bo‘lgan qiziqishi hamda qonuniy talablarning rivojlanishini kuchaytirmoqda. Ham korxonalar, ham investorlar ushbu amaliyotlarning nafaqat axloqiy jihatdan, balki iqtisodiy jihatdan ham foydali ekanligini tobora ko‘proq anglashmoqda. Yashil tamoyillarni qo‘llash orqali kompaniyalar resurslardan samaraliroq foydalanish, ekologik toza mahsulotlar uchun yangi bozorlarga kirish va global atrof-muhit standartlariga muvofiqligini ta’minlashlari mumkin. ESG standartlariga talab ortib borayotgani sababli, yashil moliyaviy texnologiyalar sohani yanada rivojlantirishda va atrof-muhitga ta’sir ko‘rsatayotgan zararlarni kamaytirishda hal qiluvchi rol o‘ynamoqda.

Adabiyotlar sharhi

Bugungi kunda “Yashil iqtisodiyot”ga o‘tishdagi muhim masalalardan biri bu, albatta, moliyaviy texnologiyalar hisoblanadi. Aksariyat adabiyotlarda “yashil moliyalashtirish” tushunchasiga ta’rif berilmagan. Ammo, umumiy olganda yashil moliya deganda ekologik toza, past uglerodli loyihalarni amalga oshirishda, ekologik atrof-muhitni yaxshilashga qaratilgan investitsiyalar va boshqa shunga o‘xshash moliyaviy dastaklar yig‘indisini tushunish mumkin. Yashil moliyaviy texnologiyalar (Green FinTech) hozirgi kunda dunyo bo‘ylab tez rivojlanayotgan sohalardan biridir. Biroq, o‘zbek adabiyotlarida bu atama hali yetarlicha o‘rganilmagan yoki aniq ta’riflanmagan.

Raymond Kvong va Jonatan Kvok o‘z tadqiqotlarida 2022-yilgacha yashil moliya va moliyaviy texnologiyalarga oid tadqiqotlarning bibliometrik tahlilini taklif etadi. Bundan tashqari, ushbu sohalardagi eng dolzarb tadqiqotlar aniqlangan. Natijalar kelajakdagi bir nechta

tadqiqot yo‘nalishlarini belgilashga yordam beradi, shu jumladan ba’zi rivojlanayotgan mamlakatlardagi tartibga solish muhiti va ilmiy ma’lumotlar bazasi veb-saytidagi tadqiqotlarning ma’lumotlariga asoslangan [3].

Abdulhadi Ibrahim, Nashat Almasria, Faozi Almaqtari, Omar Al-kasasbehlarning empirik natijalari shuni ko‘rsatadiki, yashil moliya, raqamli iqtisodiyot va moliyaviy texnologiyalar bir-biri bilan chambarchas bog‘liq. Ularning tadqiqot natijalari ekologik barqarorlikni rivojlantirish bo‘yicha foydali bilimlarni o‘quvchilarga taqdim etadi [4].

Jahon tajribasidan ma’lum bo‘lishicha, iqtisodiyotda “yashil” texnologiyalardan foydalanish aholining yashash sifatiga ijobiy ta’sir ko‘rsatibgina qolmay, shaharlardagi hayotning qulaylashishi, bolalar o‘limining qisqarishi, o‘rtacha umr ko‘rish davomiyligining uzayishiga ham ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Shuning uchun xalqaro miqyosda erishilgan natijalarga tayanish orqali tadqiqotlarni amalga oshirish hanuzgacha muhim metodologik ahamiyat kasb etadi.

Tahlil va natijalar

Iqlim o‘zgarishi va atrof-muhitni barqaror saqlash muammolari kuchaygan dunyoda yashil moliya barqaror rivojlanishni qo‘llab-quvvatlovchi kuchli vositaga aylangan. U moliyaviy resurslarni ekologik jihatdan toza loyihalar va amaliyotlarga yo‘naltirishga qaratilgan. Moliyaviy texnologiyalar yashil moliyani yanada qulay, shaffof va samarali qilishda hal qiluvchi rol o‘ynab, ham atrof-muhit, ham moliyaviy maqsadlarni amalga oshirishga yordam beradi.

Ammo hozirgi kunda ushbu tizimni joriy qilishda mamlakatimiz bir nechta muammolarga duch kelmoqda. Qonunchilik va tartibga solish tizimining mukammal emasligi, investitsiyalar yetishmovchiligi hamda texnologik infratuzilma muammolari bunga misol bo‘la oladi.

O‘zbekistonda “yashil” fintech (yashil moliyaviy texnologiyalar) hali rivojlanish bosqichida bo‘lsa-da, bu sohada sezilarli qadamlar tashlanmoqda. O‘zbekistonda yashil fintech quyidagi sabablarga ko‘ra dolzarb hisoblanadi:

- Iqlim o‘zgarishiga moslashish – O‘zbekiston hududida iqlim o‘zgarishi sezilarli darajada ta’sir ko‘rsatadi va bunga aks choralarni ko‘rish muhim rol o‘ynaydi.
- Barqaror iqtisodiy rivojlanish – Yashil moliyaviy texnologiyalar tizimni ekologik maqsadlar bilan birlashtirish imkonini beradi.
- Chet el investitsiyalarini jalb qilish – yashil loyihalarga sarmoya kiritish hozirgi kunda ko‘plab xalqaro investorlar tomonidan afzal ko‘riladi.

Yashil moliyaviy texnologiyalar asosan quyidagi sohalarda o‘z aksini topadi:

1-chizma.

Yashil moliyaviy texnologiyalarning asosiy yo‘nalishlari*



*DigitalDefynd. (n.d.). What is Green FinTech? What are the benefits for businesses? https://digitaldefynd.com/IQ/whatisgreenfintechwhatarethebenefitsforbusinesses/#:~:text=Green

%20fintech%20is%20a%20relatively,gases%20and%20negative%20environmental%20impacts.

Yashil moliyaviy texnologiyalar moliya sohasini qanday qayta shakllantirib, barqaror va ekologik toza kelajakka hissa qo‘shayotganini o‘rganadi va ular quyidagilarda o‘z aksini topadi:

1. Yashil investitsiyalarga kirishni osonlashtiradi.

Moliyaviy texnologiyalar yashil investitsiyalarga kirishni demokratlashtirmoqda hamda korxona va shaxslarga ekologik toza tashabbuslarni o‘tgan yillarga nisbatan sezilarli darajada osonlashtirmoqda. Chunki moliyaviy texnologik platformalar barqaror investitsiyalarga asoslangan bo‘lib, foydalanuvchiga qayta tiklanadigan energiya, barqaror qishloq xo‘jaligi va chiqindilarni kamaytirishga qaratilgan kompaniyalar va startap loyihalarga sarmoya kiritishga imkoniyat yaratadi. Bundan tashqari, ilgari faqat institutsional investorlar uchun mavjud bo‘lgan yashil obligatsiyalar - atrof-muhitga foydali loyihalarni moliyalashtirish uchun chiqarilgan qimmatli qog‘ozlar - endi moliyaviy texnologik innovatsiyalari tufayli keng doiradagi investorlar uchun ham mavjud.

2. Blokcheyn orqali shaffoflik va ishonchni oshirish.

Yashil moliyada investorlar uchun shaffoflik va mas’uliyat dolzarb masalalardan biridir. Moliyaviy texnologiyalar, xususan, blokcheyn texnologiyalari, mablag‘larning qanday sarflanishi haqida o‘zgarmas va shaffof ko‘rsatkichlarni taqdim etib, ushbu muammolarni hal qilmoqda. Bundan tashqari, blokcheyn yashil moliya loyihalarining qanday ishlashi va ularning atrof-muhitga ta’sirini real vaqt rejimida kuzatish imkonini beradi. Bu quyosh panellari maydonining qayta tiklanadigan energiyaga qo‘shayotgan hissasidan tortib biologik xilma-xillikni himoya qiluvchi loyihalargacha bo‘lishi mumkin, blokcheyn yordamida sarmoyador o‘z investitsiyalarini misli ko‘rilmagan aniqlikda tekshirishi mumkin. Shu bilan birga, barqarorlikka qaratilgan e’tibor ortgani sayin, ba’zi kompaniyalar atrof-muhitga oid tashabbuslari haqida noto‘g‘ri yoki bo‘rttirilgan da’volar qilganlikda ayblanmoqda va bu fanda “yashil yuvish” (greenwashing) deb ataladi. Blokcheynning shaffofligi mablag‘lar haqiqiy yashil loyihalarga yo‘naltirilishini ta’minlab, yashil yuvish xavfini kamaytiradi va investorlar orasida ishonchni oshiradi.

3. Raqamli platformalar orqali yashil kreditlashni kengaytirish.

Moliyaviy texnologiyalar yashil kreditlashga ham inqilobiy o‘zgarishlar kiritmoqda, chunki u ekologik toza loyihalar uchun kreditlarni osonlashtiradigan raqamli platformalarni taklif etadi. Ushbu platformalar yashil ipoteka va kreditlarni taklif etadi, bu esa uy egalarini quyosh panellari, yaxshilangan izolyatsiya va energiya tejovchi qurilmalar kabi energiya samaradorligini oshirishga undaydi. Bundan tashqari, kichik biznes egalari uchun ham qulay shart-sharoitlarni o‘z ichiga oladi. Xususan, Ushbu kreditlar ko‘pincha uglerod izini kamaytirishga yoki barqaror amaliyotlarga sarmoya kiritishga intilayotgan kompaniyalar uchun foydali hisoblanadi.

4. Ma’lumotlardan foydalanish orqali iqlim xavfini boshqarish.

Moliyaviy texnologiyalarning katta miqdordagi ma’lumotlarni yig‘ish va tahlil qilish kabi funksiyalari investor va korxonalarga iqlim xavfini samarali boshqarishga yordam beradi. Sun’iy intellekt va shunga o‘xshash vositalar iqlim xavfini baholashni amalga oshirishi mumkin. Bu esa korxonalar va investorlarga iqlim o‘zgarishi ularning faoliyati yoki portfellariga qanday ta’sir ko‘rsatishi haqida tushunishga imkoniyat yaratadi. Bundan tashqari, ushbu platformalar Atrof-muhit, Ijtimoiy va Boshqaruv (ESG) ko‘rsatkichlarini investitsiya tahliliga kiritmoqda, bu esa foydalanuvchilarga kompaniyalarni nafaqat moliyaviy ko‘rsatkichlar, balki ularning atrof-muhit va ijtimoiy ta’siri asosida baholash imkoniyatini beradi.

5. Uglerod kompensatsiyasini joriy etishni tezlashtirish.

Uglerod kompensatsiyasi - atmosferadan uglerodni kamaytirish yoki olib tashlashga qaratilgan loyihalarga sarmoya kiritish orqali o‘z uglerod chiqindilarini qoplash tobora ommalashmoqda va moliyaviy texnologiyalar ushbu yechimni kengaytirishda muhim rol o‘ynaydi [5].

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

1-diagramma.

“Yashil” moliyaviy texnologik tashabbuslarning davomiyligi*



*Financial Sector Conduct Authority (FSCA). (2024). *Green FinTech Market ReviewPresentation*.https://www.fsca.co.za/Documents/Green%20Fintech%20Market%20Review%20Presentation_%2021%20Nov%202024.pdf

Ko‘pgina tashkilotlar yashil fintech sohasida turli muddatlarda faoliyat yuritmoqda, eng ko‘p uchraydigan davrlar 1-3 yil va 1 yildan kam. Ushbu statistika shuni ko‘rsatadiki, yashil fintech nisbatan yangi soha bo‘lsa-da, ayrim institutlar ushbu yo‘nalishda tajribaga ega va uzoq muddatli ekologik tashabbuslarga sodiq qolmoqda.

2023-yilda global “Yashil” moliya bozori hajmi 4,18 trillion dollarga baholangan bo‘lib, 2033-yilga kelib 28,71 trillion dollarga yetishi kutilmoqda. Bu yillik o‘rtacha o‘sish sur’ati (CAGR) 21,25% ni tashkil qiladi. Bundan tashqari, yashil loyihalarga investitsiyalar butun dunyo bo‘ylab ortib bormoqda, 2022-yilda ushbu yo‘nalishga 495 milliard dollar ajratilgan. Fintech kompaniyalari raqamli platformalar orqali ushbu investitsiyalarni amalga oshirishda muhim rol o‘ynamoqda. Global yashil fintech bozori 2024–2029 yillar oralig‘ida yillik o‘rtacha 22,4% o‘sishi kutilmoqda. [6]

3-diagramma.

“Yashil” moliyaviy texnologiyalarning atrof-muhitga ta’siri (foizda)*



*Financial Sector Conduct Authority (FSCA). (2024). *Green FinTech Market ReviewPresentation*.https://www.fsca.co.za/Documents/Green%20Fintech%20Market%20Review%20Presentation_%2021%20Nov%202024.pdf.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Yashil fintech tashabbuslarining atrof-muhitga ta’siri past ta’sirdan juda yuqori ta’sirgacha o‘zgaradi, bu esa natijalarning turlicha ekanligini ko‘rsatadi. Bu turli tashabbuslarning yo‘nalishi va amalga oshirish strategiyalariga qarab har xil muvaffaqiyat darajasiga ega bo‘lishi mumkinligini anglatadi.

3-diagramma.

“Yashil” fintech tashabbuslarining asosiy yo‘nalishlari*



*Financial Sector Conduct Authority (FSCA). (2024). *Green FinTech Market ReviewPresentation*.https://www.fsca.co.za/Documents/Green%20Fintech%20Market%20Review%20Presentation_%2021%20Nov%202024.pdf

Hozirgi paytga kelib “yashil” moliyaviy texnologiyalar juda ko‘p sohalarni qamrab olmoqda. Uglerod izini kamaytirish, qayta tiklanuvchi energiyani moliyalashtirish, iqlim xavfini baholash kabi sohalar yashil fintech tashabbuslaridan keng ko‘lamda foydalanmoqda, mos ravishda 56%, 19% va 13%.

Umuman olganda, O‘zbekiston moliyaviy sektorga sezilarli darajada e’tibor ko‘rsatmoqda va raqamli transformatsiyaga o‘tish tezlashib bormoqda. Fintech- moliyaviy texnologiyalar sohasi, moliyaviy xizmatlarni yengillashtirish, xavfsiz qilish hamda yanada tezlashtirishga qaratilgan yangi yechimlar taqdim etayotgan bo‘lsa, “yashil” moliyaviy texnologiyalar ekologik barqarorlikni mos ravishda ta’minlab borishga xizmat qiladi. Hali O‘zbekistonda ushbu soha yangi ekanligiga qaramasdan, ko‘plab tashabbuslar ilgari surilmoqda. Raqamli to‘lov tizimlari, blokcheyn texnologiyalari, mobil banking va boshqa “yashil” moliyaviy texnologiyalar iste’molchilar va tadbirkorlar uchun keng imkoniyatlar yaratmoqda va shu bilan birga atrof-muhitga zarar yetkazmagan holda faoliyat yuritishga katta e’tibor qaratmoqda . Davlat tomonidan qabul qilingan strategiyalar ushbu sohaning yanada kengayishiga turtki bermoqda. Bu esa, O‘zbekiston moliyaviy sektorini yanada ilg‘or va raqobatbardosh qilishga xizmat qiladi.

Xulosa

Ushbu maqolada O‘zbekistonning “yashil” iqtisodiyotga o‘tish mobaynida “yashil” moliyaviy texnologiyalarning qanchalik ahamiyati katta ekanligi ko‘rib chiqildi. “Yashil” moliyaviy texnologiyalar nafaqat ekologik barqarorlikni ta’minlashda balki iqtisodiy rivojlanishni rag‘batlantirishda muhim o‘rin egallaydi. Ushbu texnologiyalar orqali atrof-muhitni muhofaza qilish, uglerod izini kamaytirish, qayta tiklanadigan energiya manbalarini rivojlantirish va iqlim xavfini baholash kabi yo‘nalishlarda muhim yutuqlarga erishish mumkin.

O‘zbekistonda bu soha keng tanilmagan bo‘lsada, bu sohaga qiziqish tobora ortib bormoqda. Davlat tomonidan amalga oshirilayotgan islohotlar va yaratilayotgan imkoniyatlar, qabul qilinayotgan strategiyalar va xalqaro hamkorlik dasturlari ushbu tizimni rivojlanishida qulay sharoit yaratmoqda. Biroq, bu borada bir qator muammolar, jumladan, qonunchilik bazasining yetarlicha rivojlanmaganligi, texnologik infratuzilmaning yetishmasligi va investitsiyalarning kam jalb qilinishi kabi to‘siqlar mavjud.

“Yashil” moliyaviy texnologiyalarni rivojlantirishda quyidagi takliflar keltirilishi mumkin:

1. Qonunchilik bazasini rivojlantirish – ushbu sohani qo‘llab-quvvatlovchi me’yoriy hujjatlaning ishlab chiqilishi va ularni amalga oshirish uchun mexanizmlar juda katta ahamiyat kasb etadi.

2. Xalqaro hamkorlikni kuchaytirish – yangi bilim ko‘nikmalarini va texnologiyalarni o‘rganish uchun xalqaro hamkorlikni yo‘lga qo‘yish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

3. Investitsiyani jalb qilish – davlat tomonidan soliq imtiyozlari hamda subsidiyalar ajratilishi kabi choralar ko‘rilishi mumkin.

Natijada, yashil moliyaviy texnologiyalarni rivojlantirish orqali O‘zbekiston nafaqat ekologik muammolarni hal qilishda, balki iqtisodiy rivojlanishni rag‘batlantirishda ham muhim yutuqlarga erishishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Zarnews. (n.d.). *Yashil iqtisodiyot nima?* https://zarnews.uz/uz/post/yashil-iqtisodiyot-nima

2. DigitalDefynd. (n.d.). What is Green FinTech? What are the benefits for businesses? – https://digitaldefynd.com/IQ

3. Kwong, R.; Kwok, M.L.J.; Wong, H.S.M. Green FinTech Innovation as a Future Research Direction: A Bibliometric Analysis on Green Finance and FinTech. *Sustainability* 2023, *15*,14683. https://doi.org/10.3390/su152014683

4. Ibrahim, A., Almasria, N. A., Almaqtari, F. A., Al-Kasasbeh, O., Alhatabat, Z., & Ershaid, D. (2024). The Impact of Green Finance, FinTech and Digital Economy on Environmental Sustainability: Evidence from Advanced Panel Techniques. *International Journal of Energy Economics and Policy*, *14*(6), 621–627. https://doi.org/10.32479/ijeep.17180

5. Medium. (n.d.). *Creating a Better Future: FinTech’s Impact on Green Finance and Sustainability*. – https://medium.com/@likitakans/creating-a-better-future-fintechs-impact-on-green-finance-and-sustainability-340a5031ecad

6. Financial Sector Conduct Authority (FSCA). (2024). *Green FinTech Market ReviewPresentation*.https://www.fsca.co.za/Documents/Green%20Fintech%20Market%20Review%20Presentation_%2021%20Nov%202024.pdf

7. Isaxonova R., Sharapova M. O ‘zbekistonda" yashil" iqtisodiyot va iqlim o ‘zgarishi bilan bog ‘liq xarajatlar tahlili //YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT. – 2024. – T. 1. – №. 3.

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Хайриддинов Шухрат Ботирович

мустақил тадқиқотчи
иқтисодиёт кафедраси
Қарши давлат университети
E-mail:vip.xayriddinov@mail.ru
ORCID:0009-0002-3139-8034

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, ривожлантириш масалалари тадқиқ этилиб, олий таълим муассасаларининг молиявий таъминотини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ўрганилган, давлат олий таълим муассасаларига берилаётган академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллиги таҳлил қилинган.Тадқиқ этилган масалалар бўйича тегишли тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: бюджет маблағлари, самарали, молиялаштириш, олий таълим, молиявий мустақиллик, даромад ва харажат, модернизация қилиш.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В ВУЗАХ

Хайриддинов Шухрат Батирович

самостоятельный
исследователь
кафедра экономики
Каршинский государственный
университет
E-mail:vip.xayriddinov@mail.ru
ORCID:0009-0002-3139-8034

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы укрепления и развития правовых основ развития системы образования в Узбекистане, изучаются правовые основы финансового обеспечения высших учебных заведений, анализируется академическая и организационно-управленческая самостоятельность, предоставленная государственным высшим учебным заведениям. По изученным вопросам даются соответствующие рекомендации.

Ключевые слова: бюджетные средства, эффективность, финансирование, высшее образование, финансовая самостоятельность, доходы и расходы, модернизация.

LEGAL BASIS FOR THE EFFECTIVE USE OF FINANCIAL RESOURCES IN UNIVERSITIES

Khayriddinov Shukhrat Botirovich

Teacher of the Department
of Economics
Karshi State University
E-mail:vip.xayriddinov@mail.ru
ORCID:0009-0002-3139-8034

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

Abstract. The article examines the issues of strengthening and developing the legal framework for the development of the education system in Uzbekistan, studies the legal foundations for ensuring the financial support of higher education institutions, analyzes the academic and organizational and administrative independence granted to state higher education institutions. Relevant recommendations are given on the issues studied.

Keywords: budget funds, effective, financing, higher education, financial independence, income and expenditure, modernization.

Кириш

Маълумки, юртимизда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ҳамда юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони қабул қилинган бўлиб, ушбу фармон билан Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳам тасдиқланган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги Республика Олий таълим кенгаши ташкил этилиши белгиланган. Бир пайтнинг ўзида, мазкур фармонда олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш ҳамда уларга тегишли бўлган молиявий маблағлардан самарали фойдаланишга бағишланган алоҳида параграф мавжуд бўлиб, унда олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Шунингдек ушбу фармонга мувофиқ, олий таълим муассалари фондларини ташкил этиш ҳамда олий таълим тизимини венчурли молиялаштириш механизмини қўллашга ҳам рухсат берилган.

Қайд этиш жоизки, ушбу концепцияда нодавлат, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосидаги олий таълим муассасаларини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, 2030 йилга келиб бу кўринишдаги олий таълим муассасалари сонини 35 тага етказиш мўлжалланмоқда[1].

Адабиётлар шарҳи

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Т.С Маликов ва Н.Х Ҳайдаровлар бюджет даромадларига қуйдагича ўз фикрларини билдирган: “Пул маблағлари фондларини шакллантириш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий (молиявий) муносабатларни ифода этадиган, ҳокимият органларининг турли даражалари ихтиёрига келиб тушадиган, давлатнинг функцияларини бажариш учун зарур бўлган давлат марказлаштирилган молиявий ресурсларининг бир қисми бюджет даромадлари дейилади” [4].

К. А. Раҳматовнинг ишида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш учун нафақат ички назоратни кучайтириш, балки халқаро молиявий ва назорат тизимларидан ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш зарурати кўрсатилган[5].

Кейинги йилларда Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришнинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш учун қабул қилинган ҳужжатлардан яна бири бу 2019 йил 29 октябрда қабул қилинган “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидир. Бу Қонун мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг натижадорлигини ошириш, илм-фанни ривожланишига ўз

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

ҳиссаларини қўшаётган ташкилотлар ва олимларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш, уни молиялашти-риш манбалари аниқ қилиб белгиланган асосий ҳужжатлардан биридир. Қайд этилган қонуннинг алоҳида боби, хусусан, унинг 5-боби айнан илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштиришга бағишланган бўлиб, унда илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштириш йўналишлари, бу маблағлардан самарали фойдаланиш зарурлиги ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти ёритиб берилган.

Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори асосида олий таълим муассасаларини молиялаштириш тизимида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ушбу қарор билан мамлакатимиздаги молиявий фаолияти барқарор, моддий-техника базаси етарли даражада шаклланган, таълим хизматлари бозорида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига бўлган талаб юқорилигини ҳисобга олиб, тажриба-синов сифатида 10 та олий таълим муассасалари ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилди ҳамда ушбу олий таълим муассасаларига академик ва молиявий соҳаларда бир қатор эркинликлар берилди.

Шунингдек ушбу қарорга мувофиқ, олий таълим муассасалари васийлик кенгашларига бир қатор ваколатлар тақдим этилди. Уларнинг энг муҳимлари қаторига: а) олий таълим муассасасининг молия йили учун шакллантириладиган бизнес-режаси (унда муассасанинг асосий фаолияти кўрсаткичлари жумладан, муассасада кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этишнинг мақсадлари, режалаштирилаётган натижалари ва таҳлили кўрсатилади) ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини муҳокама қилиш; б) олий таълим муассасаси томонидан автотранспорт воситалари, шунингдек бошқа асосий воситаларни харид қилиш ва уларни ҳисобдан чиқаришга (бино ва иншоотлар бундан мустасно) ҳамда бино, иншоотларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилишга рухсат бериш; в) олий таълим муассасасининг йиллик ҳамда даврий молиявий ҳисоботларини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш; г) олий таълим муассасасини ривожлантириш ва молиявий фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш, шу жумладан мақсадли капитал жамғармасини (эндаумент фонд) шакллантириш; д) зарур ҳолларда, олий таълим муассасаси ректорининг асосланган мурожаатига кўра, олий таълим муассасасининг молиявий фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакат тижорат банкларидан кредитлар олиш масалаларини кўриб чиқиш; е) олий таълим муассасаси фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб бериш, шу жумладан, янги факультетлар, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини жорий этиш; ё) бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси ректори ва олий таълим муассасаси кенгаши ваколатини белгилаш, шу жумладан, харажатлар сметасига ҳамда штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритиш, асосий воситаларни харид қилиш ва олий таълим муассаси тасарруфидаги маблағлар, моддий бойликлар ва мулкдан фойдаланиш бўйича ваколатлар доирасини белгилаш; ж) олий таълим муассасасида самарадорлик мезонларига асосланган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини жорий этиш ва тартибини белгилаш кабиларни киритиш мумкин [2].

Бу ўринда қонунчиликдаги бундай ўзгаришлар сўнгги уч йилликда янада жадаллашгани ва унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 517-сонли 2020 йил 26 июлдаги ҳамда “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан

ISSN: 2181-3965
VOLUME 4

боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 824-сонли 2020 йил 31 декабрдаги қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорларда, жумладан, олий таълим тизимини ривожлантириш, у ерда фаолият олиб борувчи профессор-ўқитувчилар ва бошқа ходимларни қўшимча рағбатлантириш манбалари ҳамда шартлари атрофлича баён этилди.

Ушбу масалага оид 2021 йилдаги ҳолатларни ўрганар эканмиз, бу йилда ҳам олий таълим муассасаларининг молиявий таъминотини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланганлиги ва аксарият олий таълим муассасаларининг молиявий фаолиятига енгилликлар беришнинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги билан бир вақтда уларда бу маблағлардан самарали фойдаланиш масаласига ҳам жиддий эътибор берилганлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, ушбу даврда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 30 декабрдаги “Олий таълим муассасаларида таълим соҳалари (таълим йўналишлари) бўйича бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг нормативларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 53-2021-сон буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йилнинг 18 августидаги 527-сонли, “Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йилнинг 9 сентябридаги 563-сонли, “Ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабалар томонидан тўланадиган ижара тўловларини қоплаб бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги шу санадаги 605-сонли, “Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълимда билим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йилнинг 17 сентябридаги 585-сонли қарорлари каби қатор ҳужжатларнинг қабул қилинганлигини айтиб ўтишимиз мумкин.

Бундан ташқари, 2021 йилнинг сўнгги ойида ҳам олий таълим тизими, унинг молиявий таъминоти ва бу муассасалар маблағларидан самарали фойдаланишнинг зарурлиги бўйича муҳим ҳисобланган яна 2 та муҳим ҳужжат қабул қилинди. Булар 2021 йилнинг 24 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сон ҳамда “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сон қарорлари эди.

Ушбу қарорларга кўра, мамлакатимизда молиявий мустақиллик берилаётган 36 та олий таълим муассасаларининг рўйхати тасдиқланди ва 2022 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар, яъни: а) “таълим хизматлари бозоридаги талабни инобатга олган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини белгилаш; б) талабаларнинг тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш; в) таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни қўллай оладиган ва илмий изланиш олиб борадиган маҳаллий ҳамда хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш; г) ўқув-илмий жараёнларга жалб этилган хорижий, юқори малакали мутахассислар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини бозор коньюнктурасидан келиб чиқиб белгилашга оид қарорлар қабул қилиш; д) профессор-ўқитувчилар штат бирликларини киритиш меъёрларини ишлаб чиқиш; е) ўз маблағлари ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиш; ё) хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларни муаллифлик ҳуқуқи бўлган ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри харид қилиш; ж) бўш турган бино ва иншоотларда пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини белгилаш; з) автотранспорт воситаларининг йўл босиш йиллик лимити ва уларга хизмат кўрсатиш талабларини белгилаш” бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилди.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларига юқоридагилардан ташқари яна қуйидаги қўшимча имкониятлар яратилган: а) давлат олий таълим муассасалари Солиқ кодексига мувофиқ солиқ тўлашдан озод этилган; б) молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларига қонунчиликда олий таълим муассасалари учун назарда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилади; в) молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларига ижтимоий солиқнинг 12 фоиз миқдордаги ставкаси қўлланилади [3].

Таҳлил ва натижалар

2019-йил 3-декабрдаги 967-сонли қарорга мувофиқ, олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш жараёни ва унинг ҳуқуқий асослари яратиш:

а) олий таълим муассасаларига берилган молиявий еркинликлар (таълим хизматлари нархини белгилаш, профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш, стипендия ва грантлар ажратиш, ўқув адабиётларини харид қилиш ва бошқалар) уларнинг ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради;

б) Олий таълим муассасалари васийлик кенгашларининг ваколатлари (бизнес-режаларни тасдиқлаш, молиявий ҳисоботларни муҳокама қилиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва бошқалар) молиявий фаолиятни бошқаришда муҳим рол ўйнайди;

с) олий таълим муассасаларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш давлат бюджетидан молиялаштиришга боғлиқликни камайтириш ва қўшимча даромад манбаларини излашга ундайди;

д) профессор-ўқитувчиларнинг моддий рағбатлантирилиши таълим сифатини ошириш ва илмий салоҳиятни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади;

е) 2021-йилда қабул қилинган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (ВМнинг 585-сонли қарорлари ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 53-2021-сон буйруғи) талабаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган.

Тадқиқот натижасида Ўзбекистонда олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва таълим сифатини оширишга қаратилганлиги аниқланди. Олий таълим муассасаларига берилган эркинликлар уларнинг ресурслардан самарали фойдаланиши, таълим жараёнига замонавий технологияларни жорий этиши ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириши учун имконият яратади. Шунингдек берилган эркинликлар:

-Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги уларнинг барқарор ривожланишини таъминлайди;

-Давлат-хусусий шериклик асосидаги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши таълим тизимига хусусий инвестицияларни жалб қилиш ва рақобатбардош муҳитни яратишга хизмат қилади;

-Васийлик кенгашларининг фаолияти олий таълим муассасаларининг бошқарув тизимини такомиллаштириш ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни назорат қилишда муҳим рол ўйнайди;

-талабаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар таълим олиш имкониятларини кенгайтиради ва ижтимоий адолатни таъминлайди.

Хулоса

Бизнингча, бу жойда яна бир нарсани қайд этиб ўтмоқ лозим. Гап шундаки, олий таълим тизимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар навбатдаги ва сўнгги йилларда ҳам узлуксиз равишда давом

эттирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги “Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-279-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги “Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида давлат буюртмаси (давлат гранти) асосида кадрлар тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 419-сон қарори ва айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги “Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида давлат буюртмаси (давлат гранти) асосида кадрлар тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 419-сон қарори билан “Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларини бир талаба учун тўғри келадиган ўртача харажат миқдоридан келиб чиқиб молиялаштириш тартиби тўғрисида” Низом тасдиқланган бўлиб, унда харажатларнинг базавий нормативларини қўллаш йўли билан олий таълим муассасаси учун бюджет маблағлари ҳажмини ҳисоблаш тартиби, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан олий таълим муассасасини молиялаштириш тартиби, олий таълим муассасаларида таълим соҳалари блоклари бўйича профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини ўз ичига олувчи бир нафар талабани ўқитиш учун жорий харажатларнинг базавий нормативларини аниқлаш жадвали ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганланганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Бундай ўзгаришлар, бир томондан, мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожланишига, шу билан бирга олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбаларининг кенгайишига, уларнинг молиявий барқарорлигини ошишига қўшимча имкониятлар яратса, иккинчи томондан эса, улар ихтиёрида тўпланган катта миқдордаги молиявий ресурслардан, шу жумладан, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва сарфлаш зарурлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармон. – https://nrm.uz/contentf?doc=602297

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сонли қарори. – https://lex.uz/docs/4628440 ?ONDATE=05.04.2022%2000

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сон қарорнинг 2-3-10 банди. – https://www.lex.uz/acts/5793251

4. Malikov T. S., Haydarov N. X. (2021). Davlat byudjeti va moliyaviy resurslarni boshqarish. – Toshkent: Yangi Asr.

5. Rahmatov K. A. (2020). Xalqaro tajribalar va davlat moliyasini nazorat qilish. – Toshkent: Iqtisodiyot va moliya.

6. Хайриддинов Ш. Б. (2023). Олий таълим муассасаларида бюджет маблағларидан самарали фойдаланишнинг айрим фундаменталь масалалари.// Research Focus International Scientific Journal, – *2*(9), – PP. 65-68.